

26.82 243

551.0

Б 29

П. БАРАТОВ

ЕР БИЛИМИ ВА ҮЛКАШУНОСЛИК



26.829 #3

551.0

П. БАРАТОВ


Б29

ЕР БИЛИМИ
ВА
ЎЛКАШУНОСЛИК

УзССЖ Халқ таълими вазирлиги педагогика
институтларининг педагогика ва бошланғич таълим методикаси
факультетлари студентлари учун дарслик сифатида тавсия этган

ТУЛДИРИЛГАН ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН
2-НАШРИ

ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» 1990



Махсус муҳаррир география фанлари номзоди
Ф. Ҳикматов

Тақризчи — Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг
доценти М. Набиҳонов

Б 1805040000—287 инф. письмо — 90
353 (04) 90

ISBN 5—645—00705—0.

- © «Ўқитувчи» нашриёти, 1980.
© «Ўқитувчи» нашриёти, қайта ишланган ва тўлдирилган иккниячи нашри, 1990 й.

АВТОРДАН

Мазкур «Ер билими ва ўлкашунослик» дарслиги педагогика институтларининг педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетлари учун чиқарилган программа асосида ёзилди. Бу курсни ёзишда I—V синфлар программаси талаблари ҳам ҳисобга олинди. Чунки бошланғич синфлар учун чиқарилган янги программада планетамиз ва Ватанимизнинг табиат компонентларини ўрганиш биринчи синфдан бошланади. III—V синфларда эса маҳсус курс — табиатшунослик ўтилади. Бунда ўқувчиларга, аввало, Ер шари ҳақида умумий маълумот берилб, сўнгра улар СССР ва Ўзбекистон республикаси табиий шароитлари билан таништирилади. Ана шу сабабдан бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлайдиган педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетларининг студентлари ҳам, аввало, Ер шарининг табиий компонентлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида, сўнгра СССР ва ЎзССР табиати ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлари зарур. Шу туфайли биз «Ер билими ва ўлкашунослик» курсида аввало студентларни Ер юзасида содир бўлаётган умумий табиий географик қонуниятлар билан таништириб, сўнгра ўзи яшаб турган Ватани — Ўзбекистон табиати ҳақида маълумот бердик. Ушбу дарсликда, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ва бу соҳада СССР ва ЎзССР да амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Дарсликни тайёрлашда ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирганларни учун профессор О. Муминовга ва доцентлардан: П. Фуломов, Р. Раҳимбеков, М. Набиҳонов, М. Расулов, Ю. Султонов ўртоқларга автор самимий миннатдорчилик билдиради.

Автор ушбу дарсликни баъзи бир камчиликлардан холи эмас деб билиб, келгусида китобни яхшилашга ёрдам берадиган барча танқидий мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласди.

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТУЛДИРИЛГАН ИҚКИНЧИ НАШРИГА СҮЗ БОШИ

Ушбу дарсликнинг биринчи нашри 1980 йилда чоп этилди. Орадан анча вақт ўтди ва бу давр ичидаги география фани соҳасида, хусусан, географик қобиқ соҳасида янги илмий концепциялар вужудга келди, космосни ўзлаштириш, экологик муаммоларни ижобий ҳал этиш соҳасида қатор ютуқларга эришилди. Айниқса КПСС нинг XXVII съездиден белгилаб берган Ватанимиз табиий ресурсларидан планли, оқилона фойдаланиб, уларни қайта тиклаб, муҳофаза қилиш борасида ҳам жуда муҳим илмий-амалий ишлар амалга оширилди. Ана шу сабабли ҳозирги замон табиий фанларининг, жумладан «Ер билими ва ўлкашунослик» предметининг энг муҳим вазифаси ҳам ўша ютуқ ва муаммоларни предметлараро алоқага таяниб ҳал қилишдир. Ушбу масалаларни ҳал қилишда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришининг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мұлжалланган Асосий йўналишлари» да кўрсатиб ўтилганидек табиий ва техника фанлари соҳасида қўйидагиларга алоҳида аҳамият бериш керак: «...Ер қобиғи, биосфера, жаҳон океани ва атмосферанинг тузилиши ҳамда эволюцияси, космик фазо, шунингдек, коинот комплекс тадқиқ қилинсин»¹.

Бу вазифаларни амалга оширишда ва ёш авлодга шу соҳада билим беришда ҳамда пропаганда қилишда география фанининг, хусусан «Ер билими ва ўлкашунослик» предметининг вазифаси жуда катта. Чунки бу предметни ўрганиш орқали студентлар ўз ўласи — Узбекистон мисолида географик қобиқ элементларининг ўзаро алоқасини, бир-бирига узвий боғлиқлигини жуда яхши тушуниб оладилар ва географик қобиқ компонентларининг табиий мувозанатини сақлаб, қайта тиклаб, бошқариб бориш мумкинлиги ҳақида билимга эга бўладилар.

Жамоатчиликнинг фикр ва истаклари ҳисобга олиниб дарсликнинг кириш қисми, «Ер ва космос», «Планета сифатида Ернинг умумий характеристикаси», «План ва карта», «Ернинг ички тузилиши», «Ер юзасининг рельефи» каби боблари қайта ишлаб чиқилди. Шунингдек, «Ер билимининг ўрганиш объекти», «Ер билими ва ўлкашуносликнинг предмети ва вазифалари», «Календарь», «Рельеф ҳосил қилувчи асосий процесслар», «Литосфера», «Ер тарихида тог ҳосил бўлишининг асосий босқичлари», «Плита тектоникаси», «Географик қобиқнинг (биосферанинг) ифлосланиши ва унинг олдини олиш масалалари» каби янги темалар киритилди. Қолган боблари эса янги материаллар билан бойитилди, ҳар бир боб охирида студентлар билимини текшириш учун савол ва топшириқлар берилди.

¹ Совет Узбекистони, 1986, 9 март, № 60—61.

I боб КИРИШ


География фанлари системаси. Ҳозирги замон фани — дунё ҳақидаги объектив билимлар системаси, ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, у табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимлар ҳосил қилишдан то уларни татбиқ қилишгacha бўлган фаолиятни ўз ичига олади ҳамда шартли равишда табиий, ижтимоий ва техник каби уч группага ажратилади.

География ҳам табиий (табиий география), ҳам ижтимоий (иктисодий география) фанлар группасига киради.

География қадимий фанлардан бири. Ибтидоий жамоа тузуми даврида кишилар ўзлари яшаб турган жойнинг табиати ҳақидаги маълумотга эга бўлганлар. Сўнгра жамоа-жамоа бўлиб яшаган халқлар аста-секин бир-бирлари билан иктиносидай алоқа боғлаганлар, узоқроқ ўлкаларга саёҳат қила бошлаганлар. Шундай қилиб, Ер шари ҳақида тасаввурлар тўплана борган, бу эса география¹ фанининг шаклланишига ёрдам берган.

География грекча сўз бўлиб, «ерни тасвирилаш» деган маънени билдиради (*geo* — ер, *графо* — тасвирилаш). Шу туфайли антик дунё олимлари география деганда Ер юзасининг манзарасини тушунганлар. Лекин ҳозирги кунда география Ер юзасининг табиати ва хўжалигини ўрганадиган фанлар мажмуига киради ва планетамиз табиий компонентларининг бир-бирига боғлиқ ва алоқадорлик қонуниятларини ҳамда кишиларнинг хўжалик фаолиятида табиий ресурслардан рационал фойдаланиш йўлларини ўрганиш билан шуғулланади. Сўнгги пайтларда «география» ўрнига «география фанлари системаси» дейиш тавсия этилмоқда. География фанлари системаси икки йирик группага — табиий географик ҳамда иктиносидий географик фанлар группасига бўлинади. Табиий география, ўз навбатида, яна умумий ва регионал табиий география, компонентлар географияси — геоморфологияга, иклимишуносликка, гидрологияга, биогеографияга; иктиносидий географик фанлар ҳам З группага

¹ География деб сарлавҳа қўйилган энг биринчи китоб бундан 2000 йилдан ҳам илгари искандариялик олим Эратосфен томонидан ёзилган .



1- расм. География фанлары системасыннан шажарасы

бұлинади: умумий иқтисодий география, регионал иқтисодий география, халқ хұжалиғи тармоқлари географиясы — қишлоқ хужалик географиясига, саноат географиясига, транспорт географиясига ва бошқаларга бұлинади. Шунингдек, география тарихи, үлкашунослик¹, ҳарбий география, медицина географиясы, туризм, география үқитиши методикаси, картография, космогеография ұам география фанлари системасига киради (1-расм).

Табиий география табиат фанлари қаторига кириб, турли территориялардаги табиат компонентларининг үзаро таъсири ни комплекс ҳолда үрганса, иқтисодий география ижтимоий фанларға яқын бұлыб, территориал ишлаб чиқарып комплексларини үрганади. Демак, табиий география бир хил, иқтисодий география иккінчи хил текшириш обьектига эга бұлса-да, лекин улар орасыда узвий алоқа мавжуд — улар бир-бирига таъсир этади ва ҳар иккаласи ұам моддий дүнёни үрганади. Чунки инсон, кишилик жамияти табиатнинг бир қисми ҳисобланиб, табиатнинг ривожланиш қонунияти таъсирида бұлади, айни вақтнинг үзіде кишилик жамияти табиатта таъсир этади, табиий ресурсларнинг ҳолатини үзгартади. Кишилик жамияти нинг табиатта таъсири унинг қанчалик ривожланғанлығига бөлік. Лекин жамият ривожига табиатнинг таъсири ҳар қанча кучли бұлмасин, аммо унинг ривожланиш характеристини белгилаб бермайди. Чунки табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонулары үзіга хосдир.

Шундай қилиб, табиий география турли территориялардаги табиат компонентларини комплекс ҳолда үрганиши билан бошқа табиий фанлар — геология, ботаника, зоология ва ҳ. к. дан ажралиб туради. Чунки бу фанлар Ер юзаси табиатининг айрим компонентларини, чунончы, геология тоғ жинсларини, ботаника үсимликларни, зоология ҳайвонот дүнёсіни үрганади.

Табиий география эса ұша фанлар түпласған табиат ҳақидағи жуда бой материалларға асосланиб, уларни синтез қилиб, географик қонуияттарни аниқлашдағы фойдаланади. Табиий география территориилардаги табиат компонентларининг бутун элементларини биргаликда, уларнинг бир-бирига борлықтырып, әрекеттескендегі әсерлердің әсерлелерін анықтауда қарастырылады.

¹ Академик Л. С. Берг ибораси билан айтганда, үлкашунослик үз Ватанининг географиясынан. Географлар, тарихицілар, адабиётшүенслар, ботаниклар ва бошқалар ұам үлкашунослик билан шүгүлланади. Лекин уларнинг бирон-тасининг обьекти ұам географик үлкашуносликка үхшамайды. Чунки географик үлкашуносликнинг обьекти география сингари, маълум жой ёки территорияны үрганишдан иборат. Географик үлкашунослик терминининг үзи ұам К. Ф. Строев айтгандек, «она үлка» түшүнчесини англатади, ұша территориияны үрганиш маъносини билдиради. Бу жиһатдан қарағанда, үлкашуносликнинг үрганиш обьекти ва методи А. С. Барков ёзғандек, географик текшириш обьекти ва методига жуда мос келади. Шунға асосланиб, А. С. Барков үлкашунослик — «кенже география», аниқтөрі, «кенже мамлакатшүенслик» деганды. Биз ушбу дарслықда үлкашунослик деганды Л. С. Берг, А. С. Барков, «К. Ф. Строев каби «кенже география» ёки «кенже мамлакатшүенслик», янын үзи яшаб турған территориияны үрганиш маъносидаги үткашуносликни тушунамиз.

алоқадорлигини, бир-бирига таъсири натижасида содир бұла-диган табиий процессларни ҳамда табиий ресурслардан рацио-нал фойдаланиш йүлларини комплекс ҳолда ұрганади. Ҳозирги замон табиий географияси Ер шари юзасида рүй берәётган та-бий процесслар ва ҳодисаларнинг сабаблари ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятларини ҳам аниқлады. Табиий процес-слар Ер шарининг қаттиқ қобиғи (литосфера) нинг устки қис-мидә, ҳаво қобиғида (атмосфера), сув қобиғида (гидросфера) ва органик ҳаёт (биосфера) қобиғида рүй беради. Бу геосфера-ларнинг бир-бирига таъсири натижасида Ер шарининг геогра-фик қобиғи (ландшафт қобиғи) вужудга келади.

Географик қобиқ умумий Ер билими (умумий табиий гео-графия)нинг үрганиш обьекти. Умумий Ер билими — Ер шарининг ҳамма қисмини эмас, балки унинг эң устки, мураккаб тузилишга эга бўлган қатлами ҳисобланган географик қобиқ табиатини, тузилишини, ривожланиш қонуниятларини ва терри-ториал бўлинишини үрганади. Географик қобиқ Ер юзасида ат-мосфера, гидросфера, литосфера ва биосферанинг ўзаро алоқа-си, бир-бирига таъсири натижасида узоқ вақт давом этган эволюцион жараён оқибатида вужудга келган мураккаб, тўх-товсиз ривожланишга эга бўлган яхлит (бир бутун) моддий системадир.

Географик қобиқ территория кўламининг ҳамма қабул қил-ган аниқ чегараси йўқ. Кўпчилик олимлар географик қобиқ-нинг қалинлигини 35—40 км ҳисоблаб, қуйи чегарасини океан-ларда 11 км (Мариана ботиғи — 11022 м), қуруқликда 2—5 км чукӯрликдан ўтказадилар. Географик қобиқнинг юқори чегара-сини атмосферанинг озонга (O_3) бой бўлган 20—30 км баланд-ликларидан ўтказадилар. Чунки озон (O_3) Қуёшдан келаётган ультрабинафша нурларни ушлаб қолиб, ундан қуйида организм-нинг яшashi учун шароит яратиб беради (2- расм).

Географик қобиқ сайдерамизнинг бошқа қисмларидан жуда мураккаб тузилишга эга бўлганлиги билан фарқ қиласи. Унинг асосий фарқ қилиб турувчи ўзига хос бўлган хусусиятлари қу-йидагилар ҳисобланади: биринчидан географик қобиқда модда-лар бир вақтнинг ўзида уч физик ҳолатда (қаттиқ, суюқ ва газсимон) бўлиб, доимо бир-бирига ўтиб туради ва у ўзаро таъсир этиб турувчи, шу билан бирга сифат жиҳатидан фарқ-ланувчи тўртта сферадан (литосфера, гидросфера, атмосфера, биосфера) ташкил топган. Ўз навбатида ҳар бир сфера муста-қил компонентларга, масалан, литосфера ҳар хил жинсларга, тупроққа, биосфера ўсимлик ва ҳайвонларга эга. Иккинчидан географик қобиқ яхлит (бир бутун) моддий система сифатида космос ва Ернинг ички қисми билан доимо модда ва энергия алмашинуви орқали алоқададир. Географик қобиқнинг иссиқ-лик манбай асосан Қуёш¹ радиацияси қисман Ернинг ички

¹ Географик қобиқ ҳар йили Қуёш радиацияси орқали $351 \cdot 10^{22}$ ж иссиқлик олса, Ернинг ички қисмидан $79 \cdot 10^{19}$ ж энергия олади.



2-расм. Ер шари географик қобиғи (К. К. Марков маълумоти)

1. Литосфера. II. Нураш пўсти ва тупроқ. III. Гидросфера. IV. Ҳаёт қатлами. V. Атмосфера.

қисмидан чиқаётган иссиқлиқдир. Шунингдек, географик қобиқ-ка йилига космосдан 10 млн. тонна ҳар хил моддалар тушиб туради. Аксинча географик қобиқдан кўтарилиган енгил газлар (водород гелий) атмосферанинг юқори қатламига кўтарилиб, сўнгра планеталараро бўшлиққа тарқалиб кетади. Учинчидан географик қобиқ табиатида ритмиклик хусусияти мавжуд. Табиатда ритмиклик икки хил-даврийлик ва цикллик шаклида мавжуд. Бир хил вақтда қайтарилиб турадиган ритмик жараёнлар даврийлик ҳисобланади. Бунга Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиши туфайли рўй берадиган кеч ва кундуз, йил фасллари, сув қалқиши кабилар мисол бўлади. Такрорланиб туриш вақти бир хил бўлмаган жараёнлар цикллик дейилади. Қуёш активлигининг ўзгариш цикли ўрта ҳисобда 11 йил 1,5 ой мобайнида қайтарилиб туради. Бунга боғлиқ ҳолда иқлимининг тебраниб туриши, дарё сувларининг камайиб, кўпайиб туриши ва бошқалар циклли жараёнларга киради. Тўртинчидан, географик қобиқнинг сфералари бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ўзаро узвий алоқада ва ривожланишга эга бўлган гўё бир яхлит занжирдир. Шу сабабли агар унинг бирор қисмига таъсир этиб, нотўғри ўзгартирилса, қолган компонентлар табиий ҳолатида ҳам ўзгаришлар юз бериши мумкин. Масалан, сўнгги йилларда географик қобиқ компоненти ҳисобланган ўрмонларни бетартиб кесиш туфайли унинг майдони 20% га қисқарди, оқибат натижада 2 млрд. гектар майдондаги тупроқ эрозияга дучор бўлди. Бу эса географик қобиқ табиий ресурсларидан планли ва оқилона фойдаланиб, уларни муҳофаза қилиб,

қайта тиклаб боришига алоқида эътибор беришни талаб этади. Бешинчидан географик қобиқнинг яна бир хусусияти унда органик ҳаётнинг мавжудлигидир. Органик ҳаётнинг вужудга келиши эса геосфералар табиий ҳолатида ўзгаришлар бўлишига сабабчи бўлди. Органик ҳаёт географик қобиқдаги табиий мувозанатни доимо бузуб турувчи фактор ҳисобланади. Олтинчидан, географик қобиқ — кишилик жамиятининг яшаш ва ҳаёт кечириш маконидир. Оқил — заковатли инсоннинг вужудга келиши, бу географик қобиқ ривожланишининг энг юқори босқичидир. Еттинчидан, географик қобиқнинг яна бир хусусияти унинг терриориясининг дифференцияланиши (табақаланиши) дир. Чунки географик қобиқ юзаси океан ва қуруқлик, тоғ ва текислик, ҳар хил географик зона, катта ва кичик бўлган (Турон текислиги, чўл зонаси, Фарғона водийси, Туркистон тизмаси, Қарши чўли ва бошқ.) табиий территориал ва табиий экваториал комплекслар (ТТК ва ТАК)дан ташкил топгандир. Бу табиий территориал комплекслар ҳам географик қобиқ сингари бир бутун (яхлит хусусиятга эга бўлиб, уларнинг ривожланиши бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки узвий ўзаро боғланган ҳолда рўй беради. Улар орасида узлуксиз модда ва энергия алмашинуви, бир-бирига таъсир этиб туришлиги табиий территориал комплексларни ягона моддий системага бирлаштиради. Бу моддий системанинг бутун компонентлари бир-бири билан шунчалик боғланиб кетганки, агар ўша компонентлардан биронтасида ўзгариш бўлса, у бутун географик қобиқда акс этади. Географик қобиқдаги табиий территориал комплекслар табиатини ўрганиш билан регионал табиий география шуғулланади.

Умумий Ер билимининг предмети ва вазифалари. Умумий Ер билими, бу географик қобиқ ҳақидаги таълимот бўлиб, юқорида қайд қилганимиздек географик қобиқ табиатини комплекс ўрганувчи фан. Географик қобиқ — тарихан таркиб топган ва узлуксиз ривожланишга эга бўлган сифат жиҳатидан ўзига хос мураккаб ва бир бутун моддий системадир.

Географик қобиқ динамик система ҳисобланиб, унда моддалар узлуксиз ҳаракат қилиб, ривожланиб, бир-бирига ўтиб, сфералараро (лито-гидро-атмо-биосфера) модда ва энергия алмашинуви юз беради. Бу ҳодисаларнинг сабабини, оқибатини, мөҳиятини ўрганиш эса умумий Ер билимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки Ер ҳақидаги бошқа фанлар эса географик қобиқда юз бераётган динамик жараёнларни бирор компонентларинигина (масалан, рельеф шакллари ва унинг вужудга келишини геоморфология, тупроқ ва унинг химик, физик хоссаларини тупроқшунослик фани) ўрганади. Умумий табиий география эса географик қобиқдаги ўша динамик жараёнларни бир-бирига боғланган ва алоқада бўлган яхлит моддий система сифатида ўрганади.

Географик қобиқдаги табиий компонентлар доимо ўзгаришда бўлади. Бу ўзгариш ва ривожланиш ташки ва ички кучлар-

нинг бир-бирига ўзаро таъсири натижасида содир бўлади. Географик қобиқдаги барча компонентлар (ҳаво, сув, тупроқ, тоғ жинслари, ўсимлик ва бошқ.) алоҳида бир-биридан ажралган ҳолда ривожланмасдан, аксинча, бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади ва бир-бирини тақозо қиласди. Агар географик қобиқдаги биронта компонент (масалан, сув ёки атмосфера) ўзгарса унга боғлиқ бошқа компонентлар (ўсимлик, ҳайвонот дунёси) ҳам аста-секин ўзгарамади. Шунинг учун табиий география географик қобиқдаги ҳодисаларни айрим-айрим ҳолда эмас, балки ягона процесс сифатида ўрганади.

Географик қобиқнинг ўзига хос характерли томони унда инсоннинг мавжудлигидир. Инсон биосферанинг бир элементи ҳисобланиб, ўз хўжалик фаолиятида географик қобиққа таъсир этади ва унинг дастлабки ҳолатини ўзgartиради. Шунинг учун ҳам ҳозирги табиий география фанининг асосий вазифаси сайёрамиз табиатида рўй берадиган ва бериши мумкин бўлган ўзгаришларни географик прогноз қилишdir. Чунки илғор фан ва техника билан қуролланган инсон ўзининг хўжалик фаолиятида сайёрамиз табиатига кучли таъсир этиб, унинг табиий ҳолатини тезкорлик билан ўзгартмоқда ва натижада, баъзан, салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Ана шу сабабли инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида табиатда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш жуда муҳимдир; ана шундагина табиатнинг у ёки бу қисмида рўй берган ўзгаришлардан келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш имконияти туғилади.

Хозирги кунда Ер юзасининг ҳамма қисми инсоннинг бевосита ёки билвосита таъсирига учраб, табиий ресурслар ифлосланиб, миқдори ўзгариб, сифати ёмонлашиб бормоқда. Бу эса бир томондан географик қобиқ компонентларининг ривожланиш қонуниятларини чуқур ўрганиб, табиатдан фойдаланишини тартибга солишини, уни оптималлаштириб боришини тақозо этса, иккинчи томондан инсоннинг табиий ресурсларга бўлган талабини қондириш учун улардан рационал фойдаланиб, муҳофаза қилиб боришини талаб этади. Бу жуда муҳим вазифани фақат умумий Ер билимигина глобал (Ер шари бўйича) масштабда ўрганиши мумкин.

Умумий Ер билими студентларда Ер шари табиати ҳақидаги билимини кенгайтиришдан, географик қонуниятларнинг асосий хусусиятларини ўрганишдан ташқари, уларда материалистик дунёқараш ғояларини вужудга келишига ёрдам беради.

Табиий географиянинг бир қисми ҳисобланган регионал ёки айрим мамлакатлар табиий географияси эса географик қобиқдаги геокомплексларнинг (табиий территориал комплексларнинг) ривожланишини ҳамда структурасини, индивидуал ва топологик хусусиятларини умумий табиий географик (умумий Ер билими) қонуниятларга асосланиб, айрим мамлакатлар, ўлкалар, зоналар ва ундан кичик геокомплекслар миқёсида комплекс ҳолда ўрганади.

Ер билими ва ўлкашунослик предметининг мазмуни ва вазифалари. Педагогика ва бошлангич таълим методикаси факультети студентлари учун мұлжалланган «Ер билими ва ўлкашунослик» предмети бир-бiri билан боғлиқ бўлган икки қисмдан — Ер билими ва ўлкашуносликдан ташкил топган. Бу курснинг биринчи қисмida умумгеографик қонуниятлар, географик қобиқ компонентларининг бир-бирига боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ривожланиши ва структураси ўлкашунослик материалларига асосланиб, маҳаллий мисоллар ёрдамида студентларга тушунтириб беришимизга имкон берса, иккинчи қисми ўз ўлкамиз — Ўзбекистон ССРнинг табиий-территориал ва ишлаб чиқариш территориал комплексларини ўрганишига ёрдам беради.

Ушбу курснинг Ер билими қисмida студентлар Ер шари ва унинг коинотда тутган ўрнини, Ер шарининг ҳаракати, унинг ички ва ташқи тузилишини, план ва карта, геосфералар (лито-гидро-атмо-биосфералар) нинг тузилишини ва бир-бiri билан алоқадорлигини, инсоннинг табиатга (географик қобиқда) таъсирини ва унинг оқибатларини ўзи яшаб турган территория мисолида ўрганадилар.

Ўлкашуносликнинг энг муҳим вазифаси, ўзи яшаб турган территория — Ўзбекистон ССРнинг ўзига хос табиати ва табиий ресурсларининг ҳолати, хўжалиги, маданияти ҳақида батафсил билим беришдир. Шунингдек, бу фан Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш ва бу соҳада олиб борилаётган ишлар билан таниширади.

Ўлкашуносликни ўрганиш орқали студентлар Ўзбекистоннинг табиати ва табиий ресурсларини билиб оладилар, бу табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган ишлар билан танишиадилар, натижада уларда ўз ўлкаси — Ўзбекистонга муҳаббат ҳисси янада ортади. Бу эса студентларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашимизга, ўз Ватанини, унинг гўзал ва бой табиатини севишга, авайлаб асраршга, уни муҳофаза қилишга ўргатишимиизга ёрдам беради.

Студентлар институтни битириб чиққач, ўз талабалари билан атрофидаги табиатни, очиқ жойда план олиш йўлларини ўрганадилар, картага қараб машқ қиласидилар, табиат компонентлари (рельеф, иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва бошқалар)ни ўрганиш устида кузатишлар олиб борадилар. Шунинг учун ҳам студентлардан умумий табиий география (умумий Ер билими) соҳаси ҳамда ўзи яшаб турган республикаси Ўзбекистон табиати, экономикаси ва маданияти ҳақида чуқур билим ва маълумотга эга бўлишлари талаб қилинади. Шу сабабли ўлкашуносликка асосланган умумий табиий географик маълумотларни бошлангич мактабларнинг бўлгуси ўқитувчилари — педагогика институтларининг педагогика ва бошлангич таълим методикаси факультети студентлари жуда пухта билишлари керак.

Савол ва топшириқлар. 1. Нима учун география фанлари системаси дейи-
лади? 2. Табиий ва иқтисодий географияни бир-биридан фарқи ва уларни бир-
лаштириб турувчи томонлари нималардан иборат? 3. Умумий Ер билими (уму-
мий табиий география) нимани ўргатади? 4. Географик қобиқ нима ва унинг
асосий характерли хусусиятлари нималардан иборат? 5. Регионал ёки айрим
давлатлар табиий географиясининг асосий вазифалари нима? 6. Тармоқлар
географиясининг умумий Ер билими ва регионал табиий географиядан фарқи
нималардан иборат? 7. Ер билими ва үлкашуносликнинг бир-бири билан
алоқаси нималардан иборат? 8. Ер билими ва үлкашунослик предметининг
мазмуни ва асосий вазифаларини гапириб беринг. 9. Ер билими ва үлкашун-
ослик предметини педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультет-
ларида ўқитишдан мақсад нима?

II боб

ЕР ВА ҚОСМОС

Ер чексиз коинотдаги беҳисоб космик жисмлар — юлдузлар, сайёралар (планеталар), уларнинг йўлдошлари, кичик плане-
талар (астероидлар), кометалар ва бошқаларнинг биридир. Ер ҳам бошқа планеталар каби Қуёш атрофида айланади ҳамда Қуёш системаси таркибига киради. Қуёш эса фазодаги сон-са-
ноқсиз юлдузларнинг бири бўлиб, юлдузлар тўплами ҳисоблан-
ган Галактика (Сомон йўли) жисмларидан иборатdir.

Галактика — Қуёш системасидан ва 150 млрд. юлдуз ҳамда юлдузлараро фазодан иборат системадир.


Юлдузлар — ўзидан ёруғлик ва иссиқлик чиқариб турадиган қизиган жисмлардир. Улар ҳажми, массаси ва зичлигига кўра бир хил эмас. Баъзи юлдузлар (қизил юлдузлар) ҳажмига кў-
ра Қуёшдан миллиард марта катта бўлиб, гигант юлдузлар дейилади. Митти юлдузлар эса Қуёшдан кичик, ранги оқ, у қадар иссиқ эмас. Юлдузларнинг юзасидаги температура 3000° дан 30000° гача етиши мумкин. Уларнинг таркибида водород ва ге-
лий кўп бўлади. Реакция туфайли водород гелийга айланади,
бунинг натижасида энергия ва нур ҳосил бўлади.

Галактиканинг диаметри тахминан 100000 ёруғлик йилига¹ тенг. Галактика системасига киравчи юлдузлар тўпламининг шакли узоқдан қараганда ясмиққа ўхшаш бўлиб, икки томони қабариқдир. Юлдузлар ўша «ясмиқ» марказида жуда зич жой-
лашиб, галактика ядросини ҳосил қиласди. Қуёш галактика спи-
раль тармоқлари (шоҳобчалари)дан бирининг ичидагалактика марказидан 10 килопарсек² узоқликда жойлашган (3-расм).

Галактикадаги ҳамма юлдузлар галактика марказидан ўта-
диган ва галактика текислигига тик бўлган ўқ атрофида айла-
нади. Қуёш эса галактика марказида 25 минг ёруғлик йили ба-
раварида узоқликда жойлашиб, секундига тахминан 250 км
тезлик билан ҳаракат қиласди ва 200 млн. ёруғлик йилида Га-

¹ Ёруғлик йили — нурнинг бир йилда босиб ўтган йули бўлиб, 9460 миллиард км га тенг.

² Килопарсек — 1000 парсек; 1 парсек — $30,8 \cdot 10^{12}$ км бўлиб, 3,26 ёруғлик йилига тенг.



3- расм. Галактикамизнинг куриниши:
а) ёнидан куриниши; б) планда куриниши (Ю. Ф. Авдеев бўйича)

лактика атрофини бир марта айланиб чиқади. Буни галактика иили деб аталади.

Галактиканда Қуёш ва бошқа юлдузлардан ташқари юлдузлараро фазода газларнинг булат каби тўпламларидан ташкил топган жуда сийрак туманликлар мавжуд. Бу туманликлар совуқ бўлиб, яқин турган юлдузлар нури билан ёришиб туради. Оламда бир-биридан ўн ва юз миллиардча ёруғлик йилига баробар бўлган масофа орқали ажralиб турадиган кўпдан-кўп галактикалар мавжуд. Галактикалар тўплами эса ўз навбатида метагалактиканы¹ ташкил этади. Галактикалар жуда узоқ жойлашган. Масалан, жанубий ярим шардаги Магеллан галактикасининг узоқлиги 80 минг ёруғлик йилига teng бўлса, Андромеда галактикаси 700 минг ёруғлик йилига teng. Биздан энг узоқда бўлган галактикаларнинг масофаси 1 миллиард ёруғлик йилига teng.

Юлдузлар ичida Ерга энг яқини Альфа Центавр бўлиб, унинг нури бизга 4 йил З ойда етиб келади.

Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, метагалактика — бутун олам деган сўз эмас. Чунки олам чексиз бўлиб, у ўз навбатида сон-саноқсиз метагалактикалар тўпламидан ташкил топган.

Галактика химиявий таркибига кўра асосан водород (86,7%), гелий (13,2%) дан иборат. Қолган барча элементлар (углерод, азот, алюминий, фтор, литий, бериллий, магний, термир ва бошқ.) унинг 0,1 массасини ташкил этади.

Галактикани вужудга келиши ҳақида турли гипотезалар мавжуд. Баъзи гипотезаларга кўра галактика асосан водороддан иборат газ булатларидан ҳосил бўлган деб тахмин қилина-

¹ Метагалактика — бу грекча мета «ташқари» сўзидан олинган бўлиб, «галактикандан ташқаридаги» демакдир.

ди. Бошқа бир гипотезага күра галактиканың келиб чиқишини бизга хусусияти номаълум юлдузлардан олдин мавжуд бўлган ўта зич модда (материя) ларнинг гигант «портлаши» оқибатида вужудга келган маҳсулотларнинг концентрацияси билан боғлайди. Бу жуда катта «портлаш» тахминан бундан 10—20 млрд. йил аввал содир бўлиб, оқибат натижада коинотнинг вужудга келишига асос бўлган. Гравитацион куч таъсирида коинотнинг турли қисмларида температуранинг пасайиб бориши эса ўша «портлаш» дан вужудга келган моддаларнинг аста-секин концентрациялашувига (тўпланишига) сабаб бўлган. Портлаш оқибатида вужудга келган ана шу маҳсулотларнинг тобора тўпланиши ва совиши оқибатида эса галактика вужудга келган.

ҚУЁШ СИСТЕМАСИ

Қуёш системаси — Қуёш ва тўққизта катта (Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Ўран, Нептун, Плутон) ҳамда бир неча ўн минг кичик саёralар (астероидлар)дан, кометалардан, метеор жисмлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг ҳаммаси Қуёш атрофида айланади. Қуёш эса ўз ўқи атрофида Ер суткаси ҳисобида 25 суткада бир марта айланниб чиқади.

Қуёш системаси қуйидаги асосий хусусиятлари билан характерлидир: Қуёш системасига кирувчи барча саёralар Қуёш атрофида айланада орбитага яқин бўлган эллипс шаклида (эллиптик) айланади; ҳамма саёralар Қуёш атрофида бир хил эклиптик текислик деб аталувчи текисликда айланади; саёralар ўз ўқи атрофида (Уран ва Венерадан истисно) бир хил йўналиш бўйича ҳаракат қиласи; ҳамма саёralар, жумладан Қуёш ҳам шаклига кўра шарсимон; саёralарнинг кўпчилик йўлдошлари саёralар билан бирга бир хил текисликда айланади; Қуёшга яқин саёralар зичроқ бўлиб, Қуёшдан узоқлашган сари зичлиги камайиб боради; саёralар орбита текислиги бўйлаб ҳаракат қилиб Қуёшдан узоқлашганда уларнинг орбитаси орасидаги масофа икки марта ортади.

Юқорида қайд қилинганлардан кўриниб турибдики, саёralар ва уларнинг йўлдошлари Қуёш атрофида тасодифан эмас, балки табиатнинг умумий ривожланиш қонунияти асосида Қуёшга яқин жойлашиб, бир системани вужудга келтирган.

Қуёш — Қуёш системасининг марказида бўлиб, газ ҳолидаги ўта қизиган жисмдан иборат. Бу қизиган газ шарининг диаметри 1 млн. 391 минг км га тенг.

Қуёш жуда катта — у бутун Қуёш системаси массасининг 99,86 процентини ташкил қиласи. Энг катта саёра ҳисобланган Юпитерга Қуёш системаси умумий массасининг 0,093 процента тўғри келади. Қуёшнинг юзаси Ер юзасидан 12 минг марта катта, ҳажми эса Ер ҳажмидан 1 млн. 300 минг марта зиёддир. Ернинг массаси эса Қуёш массасидан 333 минг марта кичик. Ҳамма саёralар массасини бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам Қуёш

массаси ундан 750 марта катта. Қуёш диаметри Ернигидан 109 марта зиёддир. Қуёшнинг ўртача зичлиги Ерниг ўртача зичлигидан 4 марта кам. Лекин Қуёш юзасида тортишиш кучи Ер юзасидагидан 25 марта ортиқ. Қуёш қизиган ва эриган жисм бўлиб, юзасидаги температураси 5700°C га, марказида эса 20 миллион даражага етади. Қуёш нури Ерга 8 минут 18 секундда етиб келади. Товуш тезлигига (соатига 1200 км) учадиган реактив самолёт тўхтовсиз учса, Ердан Қуёшга 14 йилда етиб борган бўлур эди.

Қуёш таркибида 66 химиявий элемент борлиги маълум. Қуёш асосан водород (54%) ва гелийдан (45%) иборат. Бундан ташқари, унинг таркибида кислород, карбонат ангидрид, азот, магний, натрий, калий каби элементлар ҳам мавжуд. Қуёшнинг ҳарорати 15—20 миллион даражага бўлган ички қисмида термоядро реакцияси содир бўлиб туради, натижада водород гелийга айланади. Бунинг оқибатида жуда катта миқдорда энергия ажralиб чиқади. Қуёшда бундай термоядро реакцияси доимо содир бўлиб туришидан ёруғлик, иссиқлик ва электромагнит энергияси вужудга келади. Қуёш радиациясининг умумий миқдори бир секундда 4.10^{33} эрг бўлиб, шунинг фақат $1/200\ 000000$ қисминигина Ер юзаси қабул қиласи, холос. Қуёшга яқин бўлган Меркурий Ерга нисбатан 7 марта ортиқ энергия олади, аксинча, ундан энг узоқ бўлган Плутон эса Ерга қаранганд 890—2450 марта кам энергия олади.

Қуёш атрофини ўраб олган, қизиган газлардан иборат бўлган қават Қуёш атмосфераси деб аталади. У ўз навбатида бир-биридан температураси ва газларнинг ҳолати жиҳатидан фарқланувчи уч қатламдан — фотосфера, хромосфера ва Қуёш тожидан ташкил топган.


Қуёшнинг ўта қизиган, уст кўриниши нотекис газсимон моддалар мавжуд бўлган, ёруғлик тарқатувчи юзаси — фотосфера деб аталади. Унинг қалинлиги 300 км га, температураси 6000°C га етади. Лекин ҳар 11 йилда Қуёш доғларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда фотосферада температура пасайиб $4000—4500^{\circ}\text{C}$ га тушиб ҳам қолади.

Фотосфера юзасидан ўта қизиган газлар фонтан тариқасида отилиб, алансимон ёки гирдоб (қуюн) шаклида секундига 500—700 км тезликда 200 000 км дан 1,5 млн. км баландликкача тарқалади. Буни протуберанец деб юритилади.

Фотосферадан юқорида хромосфера қатлами жойлашган. У 18000 км баландликкача кўтарилиб, температураси 5000°C га етади.

Хромосферадан юқорида Қуёш атмосферасининг ташқи қатлами — Қуёш тожи жойлашган. Қуёш тожидан электрон ва протон билан зарядланган заррачалар «Қуёш шамолини» ҳосил қилиб, секундига 500 км дан 80000 км гача тезликда 5 млн. км масофага тарқалиб кетади (4-расм).

Маълумки, Қуёш активлиги цикллик характерига эга. Бунда юқорида қайд қилинганидек ҳар 11 йилда Қуёш юзасида



4-расм. Қүёш тмосферасианинг тузилиши


доғлар күпайиб кетиши натижасида температураси пасайса, хромосфера да портлаш содир булиб, «Қүёш шамоли» кучайиб, ҳатто Ер атмосферасигача етиб келиб, унга таъсир этади. Натижада Ерда магнит бүрөнлари, қутб шафақлари кучаяди ва уни тропик кенгликларда ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, атмосферанинг ююри қатламларини ионлаб, иситиб атмосфера циркуляциясига, гидросферага таъсир этади. Чунки бу вақтда Ер атмосферасида озон миқдори ўзгариб, у Қүёш энергиясини күпроқ ўтказиб юборади. Бинобарин, атмосфера босими ўзгарамади, ёғининг миқдори ва тарқалишига таъсир этади.

Сайёралар. Қүёш атрофида айланадиган, Қүёшдан келаётган нурни акс эттирадиган совуқ осмон жисмлари *сайёралар* деб аталади. Сайёралар атрофида айланадиган кичик сайёралар — *йўлдошлилар* деб юритилади.

Қүёш системасидаги сайёралардан кўпчилигининг ўз йўлдошлилари бор. Сайёралардаги жисмлар қаттиқ, суюқ, газ (плазма) ҳолатида учрайди. Сайёраларда ўта қизиган жисмлар йўқлигидан термоядро реакцияси содир бўлмайди ва улар ўзидан нур чиқармайди.

Қүёш системасидаги катта сайёралар икки гурухга бўлиниади:

1. Ички сайёралар: Меркурий, Венера, Ер, Марс.
2. Ташиб (ёки баҳайбат сайёралар): Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун.



5-расм. Қүёл системесі (Қүёшгача бұлған массаға млн. км қисобида берилған)

тескари томони) булинади. Меркурий кундузи ва кечасининг узунлиги уч Ер ойига тенг, Меркурий суткаси эса Ернинг ярим иилига түрги келади.

Меркурийда сув йүк, атмосфера бўлса-да, лекин Ер атмосферасига қараганда 100 млрд. марта сийрак. Меркурий атмос-

Плутон яхши ўрганилмағанлигидан бу сайёра иккала группага ҳам киритилмайды (1- жадвал ва 5-расмга қаранг).

Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, Қүёшга энг яқин сайёра Меркурийдир. У массаси жиҳатидан Ердан 20 марта кичик. Меркурий Ойдан бир оз катта, ўртача зичлиги эса Ерники ($5,48 \text{ г}/\text{cm}^3$) га яқин.

Меркурий латинча сўздан олинган бўлиб, симоб деган маънони англатади. Бу ном унинг тез ҳаракат қилишидан келиб чиқкан. Чунки Меркурий Қүёшга энг яқин жойлашиб, унинг атрофини бошқа сайёralарга нисбатан тез (88 Ер суткаси ҳисобида бир марта) айланиб чиқади.


Меркурийни «қайноқ» сайёра ҳам деса бўлади. Сабаби, унинг Қүёшга қараган юзаси сайёralар ичида Қүёшдан энг кўп иссиқлик олади.

«Маринер — 10» космик станцияси маълумотларига қараганда, Меркурий сайёрасининг ички қисмида темирга бой оғир ядро мавжуд. Бу эса Меркурийда магнит майдони борлигидан далолат беради. Лекин бу ерда магнит майдони Ер магнит майдонига нисбатан 100 марта кучсиз.

Меркурий орбита текислигига перпендикуляр (тиқ) дир. Шу сабабли унинг йили бир меркурий кундузига Қүёш ёритиб турган томони (ёки бир меркурий кечасига Қүёшга

Қүёш система сидаги сайдералар ҳақида умумий маълумотлар

Сайдералар номи		Күбілдан үзөн-лиги (млн. км)	Күёш атрофика айланыш даври (Ер суткасы ҳиссебіда)	Нэ үкі атрофика айланыш даври	Халжыя (Ер хаж- ми 1 деб қабул қылған)	Массасы (Ер мас- саси 1 деб қабул қылған)	Рұрақа үчилгиги (g/cm^2)	Юза сида оғирлік күчи (Ер оғирлік күчи 1 деб қабул қылған)	Рұблодоштарининг сони
Ички сайдералар									
Меркурий	58	88 сутка	59 сутка	0,06	0,05	5,48	0,38	0	
Венера	108	224,7 сутка	—	0,92	0,81	5,2	1	0	
Ер	149,6	365,25 сутка	23 соат 56' 4"	1	1	5,52	1	1	1
Марс	228	1 йил-у 322 сутка	24 соат 37' 23"	0,15	0,11	3,95	0,38	2	
Ташки сайдералар									
Юпитер	778	11 йил-у 315 сутка 29 йил	9 соат 50'	1345	318	1,31	2,51	15	
Сатурн	1426	29 йил	10 соат 14'	767	95,2	0,68	1,07	17	
Уран	2870	84 йил-у 7 сутка	10 соат 42'	73	14,6	1,50	0,83	6	
Нептун	4496	164 йил-у 280 сутка	15 соат 48'	69	17,3	1,6	1,14	2	
Плутон	5929	249,7 йил	?	Λ 1	0,93	>5,0	?	1	



6- расм. Венера атмосферасида темпера-
тура (T) ва босим (P) ўзгариши.

жасида вужудга келган.

Венера сайёralар ичида энг ёруғи ҳисобланиб, уни кун-
дизи ҳам оддий күз билан күриш мумкин. Шу сабабли уни қад-
димий греклар «наҳорги юлдуз» ёки «тунги юлдуз», ёки «ёруғ-
лик келтирувчи» деб атаганлар.

Венера Ердан бир оз кичик бўлса-да, тортиш кучи кўпроқ.
Шу сабабли унда газлар бўлиб, юқори қисмида босим 300—600
миллибарга teng. Сўнгги вақтларда учирилган «Венера—9,—
10,—13,—14,—15—ва 16» автоматик станцияларнинг маълумот-
ларига кўра, Венера атмосферасининг пастки қатламида 97%
карбонат ангидрид (ис) гази, 0,5% га яқин кислород, 2% га
яқин азот бор. Шунингдек, аммиак ва сув буғлари ҳам бор.

Венера атмосфераси таркибида сув буғларининг миқдори
0,1% дан 1% гача боради. Унинг миқдори атмосферанинг юқо-
ри қисмида кўпроқ учрайди. Венера булатлари таркибидаги сув
буғлари ёғин тариқасида ажралиб чиқса-да, лекин унинг юза-
сига етиб тушмасдан буғланиб, яна атмосферага кутарилиб ке-
тади. Сайёра сиртидан 30 км баландликда босим 11 atm га
teng, температура 235°C . Сиртида босим 90—95 atm, температу-
ра 485°C иссиқ (6-расм). Сайёрада магнит майдони деярли
йўқ.

фераси гелий, геон каби газ-
лардан тузилган. Меркурий-
нинг Қуёшга қараган томо-
ни жуда (150°C) исиб кет-
са, тескари томони жуда
(-185°C) совиб кетади. Шу
сабабли Меркурийда тирик
мавжудотларнинг яшаши
учун шароит йўқ.

Американинг «Маринер
—10» космик автоматик
станцияси олган фотосурат
маълумотига кўра, Мерку-
рий юзасида ойдагидек кат-
та (диаметри 1300 км кела-
диган кратерлар, ботиқлар
водийлар, шунингдек, бир
неча тоғлар ва ёриқлар бор-
лиги аниқланди.

Меркурий юзасидаги
рельеф шакллари бундан 5
млрд. йил олдин унга ин-
тенсив радиашда тушиб тур-
ган метеорит жисмларнинг
таъсири туфайли, сўнгра эса
вулканларнинг актив ҳара-
кати ҳамда майда метеор-
ит жисмлар таъсири нати-

Венера Ер суткаси ҳисобида 23 соат 56 минутда үз үқи атрофида (бошқа сайёраларнинг ўз үқи атрофида айланишига қарама-қарши) бир марта айланиб чиқади.

Совет космик автоматик аппаратлари ёрдамида олинган маълумотлар асосида Венеранинг картаси тузилган. Бу карта-да Ой ва Марс юзасидагига ухшаш диаметри 30—400 км келадиган кратерлар, кенглиги 150 км, узуналиги 2200 км, чуқурлиги 2 км келадиган рифсимон структуралар, диаметри 300—400 км, баландлиги 1 км га борадиган думалоқ баландликлар, баландлиги 7—8 км га етувчи тоғ системалари акс эттирилган. Совет олимларининг фикрига кўра, Венерадаги кратерлар вулкан ҳаракати натижасида пайдо бўлгандир. Венера юзасининг кўп қисмини текислик ва баландликлар — «континентлар» ишғол қиласди. Уларнинг энг катаси иккита — Афродит Ери (катталиги Африкага тенг) ва Иштар Ери (майдони Австралияга тенг) дир.

Ерга энг яқин бўлган сайдера Марсdir¹. Марснинг бир йили 687 суткага, бир суткаси эса 24,5 соатга яқин бўлиб, Ерга нисбатан Қўёшдан 2 марта кам иссиқлик олади. Марсда магнит майдони мавжуд бўлса-да, лекин Ердагидан бир неча юз марта кучсиз. Марс ҳам, Ерга ухшаш, орбита текислигига нисбатан $64^{\circ}50'$ оғишган бўлиб, йил фасллари Ернигига ухшашдир.

Баҳор ва ёз шимолий ярим шарда 371 марс суткаси, куз ва қиши эса 298 марс суткасини ташкил этади. Қиши ва кузда Марснинг қутблари оқ доғ — «қутб шапкаси» билан қопланниб, қишининг ўрталарида ҳатто у 50° кенгликларгача етиб келади.

Аксинча, ёзда «қутб шапкаси» жуда қисқариб, баъзан бутунлай йўқ бўлиб кетади. Қутб шапкасининг тузилиши ва таркиби ҳақида шу қунгача аниқ бир фикр йўқ. Баъзи олимлар қутб шапкаси oddий қор ва музликлардан иборат деса, бошқалари музлаган карбонат ангидрид (CO_2) газидан ташкил топган деб ҳисоблайдилар, учинчи гуруҳ олимлар эса қутб шапкаси, бу муз ва музлаган CO_2 газидан иборат деган фикрлар.

Лекин сўнгги йилларда америка олимлари «Викинг» станцияси маълумотларига асосланиб қутб шапкаси массасида қотиб, музлаб қолган карбонат ангидрид гази йўқлигини, у музлардан иборатлигини эълон қилдилар. Бу эса Марс сайдерасининг грунти таркибида маълум миқдорда намлик борлигидан далолат беради.

«Маринер — 9» станцияси расмий маълумотларига кўра Марс юзасида қуриб қолган дарё ўзанларига ухшаш (узуналиги 1,5 минг км, кенглиги 200 км) рельеф шакллари борлиги аниқланди. Олимларнинг фикрига кўра ўша «ўзанлар»нинг ёши бир неча миллион йил бўлиб, у Марсда вулқонлар актив ҳаракат қилган даврда унинг таъсирида (газ ва иссиқ сувлардан) вужудга келган оқимнинг ўзанларидир.

¹ Марс қадимиий римликларнинг далалар, яйловлар афсонавий худоси Марс номи билан аталади.


Үша сув оқими сұнгра қандай қилиб йүқ бўлиб кетганлиги ҳақида аниқ бир фикр йўқ. Баъзи фикрларга кўра, үша оқимларни (уй холодильниклари намликни ютиб, ўзига сингдириб, муз ҳосил қилганидек) Марс кутб шапкаси ютиб, ўзида тўплаган дейилса, бошқа фикрга кура ультрабинафша нурлар (радиация) таъсирида сув буғланиб, кислород ва водородга ажраблиб, дунё бўшлигига тарқалиб кетган. Чунки Марсда озон экрани йўқлиги туфайли ультрабинафша радиация жуда кучли бўлган. Шу сабабли ҳозир Марс юзасида суюқ ҳолда сув йўқ. Сув оз миқдорда Марс атмосфераси таркибида буғ ҳолатида учрайди, холос. Маълумотларга кўра Марс остида (Марснинг ички қисмида) сув нисбатан кўп. Лекин Марсости сувлари унинг кундузги қисмида сайёра юзасига чиқиб улгурмай буғланиб кетса, аксинча тунги қисмида (температуранинг пастлиги сабабли) у тезда Марсости музлоқ грунтига айланади.

Марсда атмосфера мавжуд бўлиб, унинг таркиби асосан (95%) ис газидан, қисман эса аргон ва азот каби газлардан иборат. Шунингдек, Марсда жуда оз миқдорда (0,1%) кислород ва сув буғи борлиги ҳам сұнгти вактларда исботланмоқда, Марс атмосфераси таркибида намлик Ердагига нисбатан 1000 марта кам. Атмосфера сийрак (юзасида босим 7 миллибар) бўлганидан иқлим ўта континентал, қиши жуда совуқ. Марсда ўртача температура — 30° (Ерда эса 10°). Экватор атрофида температура кундузи +30° га кўтаришса, тунда —90° пасайиб кетади. Кутб қисмида эса узоқ вақт қутб кундузлари бўлиб, температура 0° га кўтарилади, лекин қишида —100° совуқ бўлади. Марсда кучли бўронлар бўлиб, шамолнинг тезлиги секундига 60—80 м га етади. Ҳозирча Марсда ҳаёт бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот йўқ, чунки Американинг «Маринер — 4» ракетаси ёрдамида олинган расмлар Марсда тирик организм бор дейилган гипотезани рад этади. Планеталараро «Марс» автоматик станциясининг маълумотлари шуни кўрсатадики, Марс юзаси бир хил бўлмай, тоғлар, катта даралар, каналлардан ва ботиқлардан иборатdir.

Марс юзаси тузилишига кўра, кратерлар билан ўйилган жанубий ярим шарга ва кратерсиз шимолий ярим шарга бўлиниади. Марс экваторининг атрофида вулканик тоғлар, узунлиги 4000 кг га етадиган ботиқлар, узунлиги 3000 км келадиган ва «марс канали» деб ном олган (Агат-Демон) ёриқлар бор. Демак, Марснинг жанубий ярим шарида ва экватор атрофида тектоник процесслар содир бўлган.

Марсда баландлиги 15 км дан кам бўлмаган «Олимп қорлари» вулқон тоғи ва баландлиги 23 км га етадиган Никс Олимп, Торис каби тизмалар мавжуд.

Марс юзасидаги рельеф шаклларининг вужудга келиши ҳақида аниқ фикр йўқ. Баъзи олимлар уларни вулканизмдан десалар, баъзилари тектоник ҳаракатлардан, сув эрозиясидан (планета иссиқ бўлган даврда), баъзилари ҳатто кучли бўронлардан деб ҳисоблайдилар. Лекин совет олимлари ўша рельеф



7- рәсм. Юпитер атмосфересі түзилишининг схемаси (Д. Брандт, П. Ходж. бүйнча).

шакллари тектоник процесслар натижасыда содир бұлган деган фикрни олға сурмоқдалар.

Марснинг Фобос ва Деймос деб аталувчи йүлдоши бұлиб, юзасыда кратерлар күп.

Қүёш системасидаги баҳайбат сайёralар — Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон Қүёшдан жуда узокда бұлиб, унчалик зич әмас, 70—80% массаси водороддан таркиб топған. Атмосфера таркибида метан ва аммиак күп, Қүёшдан кам иссиқлик олади, температуралари паст.

Буларнинг ҳаммаси бу сайёralарда ҳаётнинг йүқлигидан дарап беради. Баҳайбат сайёralар Қүёшдан жуда узокда турғанлигидан уларнинг температуралари жуда паст. Юпитерда — 145°, Сатурнда — 180°. Уранда ва Нептунда ундан ҳам пастга тушиб кетади.

Баҳайбат сайёralар ичиде әнг каттаси ва Қүёшга әнг яқини Юпитердір. Қадимий авлодларымиз бу сайёrанинг катталигини аниқ билмасаларда лекин улар тасодифий қолда Юпитерни худолар подшоси, құдратли олий худо Юпитер номи билан атаганлар. Юпитер диаметри Ер диаметридан 11 марта, массаси Ер массасыдан 318 марта, ұажми Ер ұажмидан 1300 марта катта. Аксинча, зичлиги Ер зичлигига нисбатан 4 марта кам. Юпитернинг Қүёш атрофида айланиш даври қарийб 12 Ер йилига яқин. Юпитернинг айланиш үқи үзининг орбита текислигига деярли тенг ва шу туфайли унда ҳеч қандай йил фасллари содир бўлмайди.

Юпитер үз үқи атрофида бошқа сайёralарга нисбатан жуда тез айланади. У 10 соат ичиде үз үқи атрофида бир марта айланиб чиқади. Бунинг натижасыда ҳамда сайёра зичлиги

нинг камлиги туфайли қутблари сиқик бўлиб, экваториал радиуси (71400 км) қутб радиусидан (66900 км) 4500 км узундир.


Юпитерда кучли магнит майдони ва атмосфера мавжуд. Юпитер атмосфераси таркибида водород, аммиак, метан, гелий ва сув буғлари мавжуд. «Пионер — 10» автоматик аппаратининг спектрометрик маълумотига кўра, Юпитер атмосферасида гелий газининг миқдори 27% га боради. Юпитер атмосфераси жуда қалин бўлиб, бутун сайёра массасининг $\frac{1}{5}$ қисмини ишғол қиласди. Унинг фақат ташқи булатли қатламининг қалинилиги 100—150 км га етади. Уша булатли қатламнинг температураси қуйи қисмидаги -155°C , юқори қисмидаги -123°C ни ташкил этади. Атмосферанинг булатли қатлами водород, гелий, аммиак (NH_3), метан (CH_4) ва сув буғларидан иборат (7-расм).

«Пионер — 10,11» автоматик станцияларнинг маълумотларига кўра Юпитернинг «қаттиқ» юзаси Ерникига ўхшаш қаттиқ жинслардан эмас, балки газсимон, суюқ металлсимон, суюқ ва металли водороддан ҳамда қаттиқ ядродан ташкил топган (8-расм).

Юпитер атмосфераси унинг 1100 км чуқур қисмигача давом этиб, у асосан водород (82%), гелий (17%), қисман эса метан, аммиак, сув ва бошқа газлардан (1%) ташкил топган. Юпитернинг температураси унинг газ ва суюқ ҳолдаги водородли 1000 км чуқур қисмидаги $+2000^{\circ}\text{C}$ га етади.

Юпитер ҳақидаги юқорида қайд қилинган маълумотлар тула ва бутунлай исботланган эмас, улар фан-техниканинг тобора тараққий топиши натижасида (уни янада чуқурроқ ўрганиш оқибатида) ўзгариши ҳам мумкин.

Сатурн — Қуёш системасидаги сайёralар ичидаги катталиги ва массасига кўра Юпитердан сўнг иккинчи ўринда туради. У қадимий рим-ликларнинг вақт ва ҳосил худоси Сатурн номи билан аталган. Унинг массаси Ер массасидан 93,2 марта катта, ўз ўқи атрофида айланиш тезлиги Ернидан 2,3 марта тез бўлиб, $10^{\circ} 14'$ га тенг. Сатурннинг зичлиги бутун сайёralар орасида энг кичик бўлиб, $0,7 \text{ г}/\text{cm}^3$ ни ташкил этади.



8-расм. Юпитернинг ички тузилиши схемаси.

1-булатли қават, 2-атмосфера, 3-газсимон водороднинг суюқ ҳолатга ўтиш зонаси, 4-суюқ водороднинг металли водородга ўтиш зонаси, 5-металли водород, 6-қаттиқ ядро (Г. П. Макеев маълумоти)

Сатурннинг «қаттиқ юзаси» Юпитернига ўхшаш бўлиб, қаттиқ жисмлардан эмас, балки газсимон — суюқ жисмлар

дан ташкил топган. Бу эса сайёра (уз ўқи атрофида тез айла-
ниши туфайли) құтбларининг сиқиқ булишига сабаб бұлған.
Унинг құтб диаметри экваториал диаметрига нисбатан 12 000
км сиқиқдір.

Сатурн атмосфераси Юпитер атмосферасига үхшаш бўлиб,
асосан водород ва гелийдан, қисман метан, аммиак, этан газ-
ларидан иборат. Сатурн юзаси температураси — 123°C ни таш-
кил этади.

Сатурн атрофини бир неча километрга етадиган (кенглиги
130 км, қалинлиги 10—15 км) ясси ҳалқа ўраб олған. Рес оли-
ми А. А. Белопольский фикрича бу ҳалқа жуда майды муз, чанг
ва газ заррачаларидан иборатдир. Лекин сұнгги йилларда Са-
турн ҳалқаси диаметри 1 м келадиган мұзлаган катта ва қат-
тиқ жисмлардан тузилғанлыги тасдиқланмоқда. Ҳозирча Са-
турннинг 17 йүлдоши кашф этилган.

Уран 1781 йили кашф этилган. У осмон худоси Уран номи
билин аталған. Унинг массаси Ер массасидан 14,4 марта катта
бўлиб, зичлиги сув зичлигидан бир оз ортиқ. Уран ўз ўқи атро-
фида тез (10 соат 42 минут) айланғанлыги (у ўз ўқи атро-
фида бошқа сайёralарнинг айланishi йұналишига қарама-қар-
ши айланади) сабабли икки қутби сиқиқ.

Уран юзасининг температураси — 170°C бўлиб, унинг атмос-
ферасида водород ва метан борлиги аниқланған. Ураннинг ол-
тинчи йүлдоши 1986 йили кашф этилди.

Нептун Қүёшдан узоқда жойлашиб, унинг атрофини 164
йил 280 суткада айланып чиқади. У Қүёшдан кам энергия ол-
ғанлыги сабабли температураси паст бўлиб,— 200°C. Унинг ат-
мосферасида метан ва водород борлиги аниқланған. Нептун
сайёрасининг ички тузилиши жиҳатидан Уранга үхшаш деб
таксин қилинмоқда. Унинг иккита (Тритон ва Нерейда) йүл-
доши бор.

Плутон ер ости ва қоронғилик (зулмат) худоси номи би-
лан аталади. У 1960 йили кашф этилган бўлсада, лекин Қүёш-
дан узоқда жойлашганлыги сабабли ҳали ўрганилган эмас.
Таксиний маълумотларга кўра Плутон Қүёшдан 5929 млн. км
узоқда жойлашиб, ўз ўқи атрофида жуда тез (6 сутка 9 соат 21
минут 30 секунд) айланади, аксинча Қүёш атрофини эса секин,
яъни 249,7 Ер суткасида бир марта айланып чиқади.

Плутон атмосфераси ва унинг тузилиши ҳақида ҳам аниқ
маълумот йўқ. Таксиний маълумотларга кўра унинг атмосфе-
раси асосан геон газидан тузилган бўлиб, температураси жуда
паст,— 230°C га тенг.

Ой. Ой осмон жисмлари ичиде Ерга яқин космик жисмдир.
Ой Ернинг табиий йүлдоши, унинг диаметри Ерницидан тўрт
марта, массаси 81 марта кичик. Ойнинг ўртача зичлиги 3,3
 g/cm^3 бўлиб, Ерницидан камдир.

Ойнинг Ер атрофида айланыш даврига сидерик ой ёки юл-
дуз ойи дейилади; у 27,3 суткага тенг. Ойнинг Ер атрофида
Қүёшга нисбатан айланыш даврига синодик ой дейилади ва у

29,5 суткага тенг. Синодик ой — Ойнинг бир хил фазалари орасидағи үтган вақтдир.

Ойда ҳаво ва сувнинг йўқлигини сўнгги вақтдаги кузатишлар тасдиқламоқда. Унда осмон қора бўлиб, ҳатто кундузи ҳам юлдузлар кўринади. Ойда булут, туман, камалак йўқ. Шунингдек, Ойда радиацион миңтақалар йўқ, лекин радиоактив элементлар мавжуд.

Ойда атмосферанинг йўқлиги ва кун билан туннинг узоқ вақт давом этиши натижасида кун билан тун температураси кескин ўзгаради ва бир-биридан катта фарқ қиласи. Ой экваторининг Қўёшга қараган томонида температура $+110^{\circ}$ иссиқ бўлса, тунги ярим шар томонида (1973 йили «Лунаход» автоматик станциясининг берган хабарига кўра) -179°C совуқ бўлади.

Америка астронавтлари Ойда 2,5 м чуқурликкача температурани кузатдилар. Ойда температура 1 м чуқурликдан бошлаб пастга томон кўтарилиб бориши аниқланди. Бу эса Ой ички қисмининг ўта қизиган масса эканлигидан дарак беради. Ой Ер сингари бир неча қисмларга — Ой пўсти (55—65 км чуқурликкача), мантия (1000—1100 км) ва ядрога бўлинади. Ой ядроси тахминан 1000—1100 км чуқурликдан бошланиб, эластик ўта қизиган жисмлардан иборат. Унинг температураси $+1500^{\circ}$ га етади.

«Лунаход» станцияси ва америка астронавтлари келтирган жинслар намуналари орасида ҳаёт қолдиқлари топилмаган. Шунингдек, Ойда эркин кислород ҳам йўқ.

Ой кўпроқ марганец, кремний, кальций, титан, темир, базальт, дала шпати каби жинслардан таркиб топган. Ўша жинсларининг баъзиларининг ёши 4,2—4,6 млрд. йил эканлиги ҳам аниқланди. Демак, Ой бундан 4,6 млрд. йил бурун вужудга келган.

Ой юзасига америка астронавтлари томонидан үрнатилган сейсмографларнинг маълумотига кўра, ой зилзиласи содир бўлиб туар турар экан. Шунингдек, баъзи вулкан кратерларидан газлар ҳам чиқиб туради. Булар Ойнинг ички қисмидаги тектоник жараёнлар натижасидир. Совет автоматик станциялари ва «Аполлон — 15» космик кемасидаги астронавтларнинг маълумотлари асосида Ойнинг глобуси тузилди. Бу глобусда Ой юзасининг рельефи яхши тасвирланган. Глобусдаги қора доғлар — «денгизлар» текисликларни, ёруғ жойлар $\text{эса тоғларни акс$ эттиради. Ойдаги тоғларнинг баландликлари бир неча километрга этиб текисликларни ҳалқа каби ўраб олган. Бу тоғ ҳалқасининг ички қисмидаги ботиқ жойларни цирклар ёки кратерлар деб юритадилар. Кратерларнинг диаметри бир неча километрдан 250 км га этиши мумкин. Энг катта кратерлардан бири Клавдий ҳисобланиб, диаметри 234 км, марзасининг баландлиги 1600 м. Кратернинг энг паст қисмидан ҳисоблаганда, марзаси баландлиги 4900 м га етади. Ой юзасида кратерлар кўп, булардан энг муҳимлари Тихо, Коперник, Кеплер, Прокл ва бошқалар.

Ой юзасидаги «денгизлар» текисликлар ҳисобланиб, энг катталарини «Ёмғирлар денгизи», «Бўронлар океани», «Булут денгизи», «Маъмурчилик денгизи», «Москва денгизи» деб юритилади. Уша денгизлар — текисликлар атрофини ўраб олган тоғ занжирлари Ердаги тизма тоғлар номи билан Альп, Карпат, Кавказ деб аталади. Ойдаги кратерлар, ҳалқали структуralар асосан тектоник (вулканик) йўл билан, қисман эса метеоритларнинг тушишидан вужудга келган.

Астeroидлар. Қуёш системасининг Марс билан Юпитер орбиталари орасида жуда кўп майдада сайёralар ёки астeroидлар ҳаракат қилади. Биринчи астeroид 1801 йили кашф этилган ва Церера деб аталган. Ҳозирги кунгача 1700 дан ортиқ астeroид маълум. Астeroидларнинг вужудга келиши аниқ эмас. Лекин баъзи эҳтимолларга кўра, улар Қуёш системасининг ўнинчи сайёраси Фаэтоннинг космик ҳалокати туфайли, унинг парчаланиб кетишидан вужудга келгандир.

Астeroидлар катта сайёralардан ўзининг кичкиналиги, мурдабин шаклга эга эмаслиги билан фарқ қилади, энг катта — Церера астeroидининг диаметри 780 км, энг кичик астeroиднинг диаметри эса бир неча километрга тенг. Астeroидларда атмосфера йўқ. Астeroидлар ҳам катта сайёralар сингари, Қуёш атрофида айланади. Лекин унинг орбитаси жуда чўзинчоқ бўлиб, Марс билан Юпитер орбиталари орасидаги фазодан ўтади. Баъзи астeroидларнинг орбиталари ҳаддан ташқари катта эксцентриситетга эга бўлиб, натижада улар перигелийда Марсдан ва ҳатто Ердан кўра ҳам Қуёшга яқин келади. 1968 йили Икар астeroиди Ерга Марсга нисбатан 10 марта яқин келди.

Метеор ва метеоритлар. Сайёralараро фазода жуда кўп майдада тошлар ва космик чанглар бор. Улар портлаш оқибатида сўнган сайёранинг ҳар хил катталикдаги бўлакчаларга ажралиб кетишидан вужудга келган. Бу жисмлар Ер атмосферасига кирганда ҳаво қаршилигига дуч келиб қизийди ва ундан чўғ ҳолидаги газлар ва заррачалар очилиб чиқади, унча катта бўлмаганлари кўпинча Ер атмосферасида буғланиб кетади, булар метеорлар деб юритилади. Ҳавонинг қаршилигини енгиб, сўнишга ултурмай, Ер юзасига етиб келган метеорлар метеоритлар дейилади. Метеоритлар учиш даврида эрийди ва қора пустлоқ билан қопланади.

Метеорит заррачалари Ер шарига доимо тушиб туради. Ер юзасига ҳар йили 2000 га яқин метеорит тушиб туради. Уларнинг кўплари жуда майдада бўлиб, Африкадаги (Эфиопия) Гоба метеорити энг катта метеоритлардандир: унинг оғирлиги 60 тоннага тенг. Катта метеоритлар катта тезлик билан тушганда портлаб кетади ва Ойдаги кратерларни эслатадиган кратерларни вужудга келтиради. Бундай ҳодиса 1908 йилда Тунгуска метеорити Ерга тушганда юз берди. Тунгуска метеоритининг масаси 2000 тонна бўлган дейишади.

Кометалар¹. Кометалар — думли юлдузлар кичкина қаттиқ ядрога эга бўлган катта, аммо ниҳоятда сийрак жисмлардир. Унинг зичлиги 1 см³ ҳавонинг 1000 м³ бўшлиққа тарқалганлигига тенг.

Кометаларнинг кўпчилиги Қуёш атрофида Плутон орбитасидан ҳам узоқлашиб кетадиган чўзиқ эллипс бўйича айланади. Улар эллипс бўйлаб ҳаракат қилиб, Қуёшга Венера сайёрасидан ҳам яқин келса, аксинча узоқлашиб Қуёш билан Ер орасидаги масофага нисбатан 35 марта узоқда бўлади. Шу сабабли уларнинг Қуёш атрофида айланиш даври баъзан бир неча минг йилларга тенг бўлади.

Кометанинг ядроси чанг заррачалари, моддаларнинг қаттиқ бўлакчалари, музлаб қолган карбонат ангидрид, аммиак, метан каби газлар аралашмасидан иборат. Шу туфайли комета ядроси Қуёшга яқинлашганда газлар буғланади ва ҳар томонга сочиладиган ва кома деб аталадиган газ қобиини вужудга келтиради. Кометанинг боши ва думи бўлади. Унинг боши бир неча бўлак қаттиқ жисмлардан ва турли газлардан (карбон, азот ва бошқалардан) иборат бўлиб, фазодаги ниҳоятда паст температура натижасида бир-бирига ёпишиб яхлаб қолган. Комета Қуёшга яқинлашгач, исий бошлайди, натижада эриб, ажралган газлар комета бошини туманга ўхшаб ўраб олади. Комета Қуёшга тобора яқинлашган сари Қуёш ёруғлиги ва босимининг ортиб бориши туфайли комета бошидаги газлар тескари йўналишда оқим ҳосил қиласди. Жуда сийрак азот ва ис гази молекулаларидан иборат бўлган ўша оқим комета думини ҳосил қиласди. Комета Қуёшга қанчалик яқин келса, у шунчалик ёруғ бўлади ва думи узун кўринади. Қуёшдан узоқлашган сари унинг думи қисқариб, сунгра «думсиз» бўлиб, пировардида кўздан фойиб бўлади. Ана шундай кометалардан бирини даниялик астроном Любаш Когоутек 1973 йили 7 марта кашф этди; бу комета Когоутек кометаси деб аталади. У 1973 йил 28 декабрда Қуёшга яқинлашди (22 млн. км); Қуёш нурлари ва босими таъсирида Когоутек кометаси бошидаги ис гази, карбонат ангидрид, азот ва бошқалар — Қуёшга тескари томонга ҳаракатланади. Натижада у 1973 йил охири — 1974 йил бошида думли юлдуз бўлиб кўринди.

Кометаларнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳозиргacha ноаниқ. Совет олимни Б. А. Воронцов-Веньяминовнинг фикрича, у Қуёш системасига киради, бинобарин, улар Қуёшда пайдо бўлган деса, голланд олимни Я. Оорт кометалар Нептун орбитасидан ҳам анча узоққа тарқалган баҳайбат булатни ташкил этади, дейди. Совет олимни С. К. Всехсвятский эса, комета сайёра ва унинг ўйлдошларидан кучли вулканлар отилиши натижасида вужудга келган, дейди.

Баъзан Ер ўз орбитасида Қуёш атрофида айланётганда комета думидан ўтиши мумкин. Шундай ҳодиса 1910 йилда со-

¹ Комета сўзи грекча бўлиб, «узун сочли» деган маънони англатади.




9-расм. Галлей кометаси (сурат «Вега—2» космик аппарати ёрдамида кометага максимал яқинлашиш пайтида олинган).

дир бўлиб, Ер Галлей кометаси думидан ўтган. Кометанинг думида ис гази (карбон II-оксиди) бор бўлиб, у жуда сийрак. Газлар катта комета бошида ҳам ниҳоятда сийрак бўлади. Ернинг комета ядроси билан тўқнашиши эҳтимоли жуда ҳам кам бўладиган воқеадир. Агар Ер комета ядроси билан тўқнашган тақдирда ҳам Ер учун хавфли эмас. Чунки ядродаги музлар ҳавода қизиб, буғланиб кетади, озод бўлган қаттиқ заррачалар — метеор жинслар эса «учар юлдузлар» ёки метеорлар ём-фирини вужудга келтириши мумкин, холос.

1986 йили 9 марта «Вега—2» совет автоматик станцияси Галлей кометаси ядроисига яқин келди. Улар орасидаги масофа 8 минг км ни ташкил этди.

«Вега—2» автоматик станциясини ва айниқса унинг аниқ ўлчанганд траекторияси маълумотларига асосланиб, 13 мартадан 14 марта ўтар кечаси Европанинг «Джатто» автоматик станцияси Галлей кометаси ядроисига жуда яқин келиб, орадаги масофа 500 км ни ташкил этди.

«Вега—2», «Джатто» автоматик станцияларнинг берган маълумотларига кўра Галлей кометасининг ядроси қаттиқ моддалардан ташкил топиб, шаклига кўра картошкасимон ёки ерёнгоқсимон. Унинг (ядросининг) узунлиги 11 км га яқин, мак-







10-расм. Құйшы системасининг вужуддаға келиши схема-

сималь диаметри 7 км. Ядрода ҳар хил кратер ва баландликлар бор (9-расм).

Сайёраларнинг вужуддаға келиши. Сайёраларнинг вужуддаға келиши ҳақидағи дастлабки илмий гипотезаны 1745 йили француз олимі Ж. Бюффон яратди.

Унинг фикрича сайёралар Құйшни катта комета билан түк-нашиши натижасида ундан ажралиб чиққан қисмларнинг со-вишидан вужуддаға келган.

Ж. Бюффоннинг Ер ва бошқа сайёралар дастлаб Құйш плаз-масидан вужуддаға келган деган гиипотезасидан фойдаланиб, 1755 йили немис философи И. Кант ва 1796 йили француз ма-



маси (О. Ю. Шмидт гипотезасы бүйнчы)

тематиги П. Лаплас сайёralарнинг вужудга келиши ҳақида янги назарияни мустақил равишда яратдилар.

Уларнинг фикрига кўра Қуёш системаси чангли — тўзонли туманликларнинг эволюцион қонуниятлари асосида вужудга келган. Бунда ўша тўзонли-чангли туманликларнинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида уларнинг шакли дискасимон ҳолатга келган, сўнгра унинг совиши туфайли ҳажми кичрайиб, айланиш тезлиги ортган, оқибатда марказдан қочиш кучи каталашган. Ўша дискасимон туманликнинг экваториал қисмida тортиш ва итариш кучи ортиб кетганлиги туфайли айланма ҳаракат вужудга келиб, унинг четки қисмларида ҳалқасимон,

зичроқ моддалар түплами ажралиб чиққан. Натижада сайёralар, уларнинг йўлдошлари, газли-чангли-туманли диксанинг ядросида эса Қуёш вужудга келган. Бу гипотеза сўнгра Кант-Лаплас гипотезаси номини олди. Лекин Қуёш системасининг вужудга келиши ҳақидаги бაъзи масалалар бўйича И. Кант ва П. Лапласнинг фикрлари бир-биридан фарқ қиласди.

И. Кант фикрича газли — чангли туманликларнинг эволюцион ривожланишида у совуқ бўлиб, туманлик ҳалқаси марказида Қуёш вужудга келган, сўнгра сайдералар пайдо бўлган.

П. Лаплас эса туманликлар аввало ўта қизиган газ ҳолида бўлиб, тез айланган, оқибатда марказдан қочиш кучи таъсирида туманликлардан ҳалқа ажралиб чиққан, сўнгра ўша туманлик ҳалқаси ичида моддалар қуюқлашиб, зичлашиб, совиб сайдералар, кейин ҳалқа ичидан эса Қуёш пайдо бўлган деган назарияга асосланади.


Кант — Лаплас гипотезаси Қуёш системасининг пайдо бўлишини ўша давр фан тараққиёти дараражасида тушунтириб берган. Бу эса уларнинг космогония фанига, яъни осмон жисмларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги фанга қўшган муҳим ҳиссаси эди.

Ҳозирги кунда бир неча космогоник гипотезалар мавжуд. Улар ичидан кўпчилик тан олган ва оммалашган назария совет олими акад. О. Ю. Шмидт ва акад. В. Г. Фесенковлар ишлаб чиққан космогоник назариялардир.

О. Ю. Шмидтнинг фикрича, Қуёш бундан бир неча миллиард йил бурун галактиканинг ўқи атрофида айланадиганда, у чангтўзонлардан иборат бўлган булатлар орасидан ўтган. Бу чангтўзондан иборат бўлган булатлар Қуёшнинг тортиш кучи таъсирида унинг атрофида эргашиб борган. Пировардида Қуёш чанг заррачаларидан иборат эллипс орбита бўйлаб айланадиган. Қуёш атрофида айланадиган чанг булатларнинг заррачалари бир-бири билан тўқнашган ва уларнинг ҳаракат энергияси иссиқликка айланган. Сўнгра бу заррачалар бир-бири билан зичлашиб қуюқлашган, бора-бора сайдералар вужудга келган (10-расм).

Майдага заррачалардан иборат бўлган ўша чангтўзон булатларининг Қуёшга яқин келганлари анча қизиган. Аксинча, Қуёшдан узоқ турганларининг температуралари паст бўлган. Шу сабабдан Қуёшга яқин бўлган ўша заррачаларда ҳароратнинг юқорилиги сабабли ҳар хил газлар буғланиб кетиб, қаттиқ қотишмали кремний ва металли бирикмалар қолган ва натижада кичик (ички) сайдералар вужудга келган. Аксинча Қуёшдан узоқ турган майдага заррачалар температуранинг пастлиги туфайли газлар билан аралашиб, қотиб ташки (баҳайбат) сайдераларни ҳосил қиласди (10-расм).

Пайдо бўлган сайдералар ўз таъсир доирасида космик чангдан бирон қисмини ўзига эргаштириб олган ва натижада сайдераларнинг йўлдошлари вужудга келган. Сайдера қанча катта



10-а расм. Ер группасидаги сайёralарнинг ички тузилиши жиҳатдан таққосланниши (В. Л. Барсуковдан)

1 — темир-никеллиядро; 2 — кўйин мантия; 3 — кўдори мантия
(Сий, Меркурий ва Марсда кўйин мантия ажратилмаган)

бўлса, у ўзида кўп йўлдош яратадиган, аксинча, сайёра кичик бўлса, оз заррачаларни эргаштирган ва кам йўлдош яратган.

Сайёralар вужудга келган дастлабки даврда ҳажми атрофидаги майдадарни заррачаларни илаштириб олиш ҳисобига катталаша борган. Сўнгра уларнинг «ўсиши» сустлашган. Чунки бу даврга келиб сайёralарнинг катталашиши атрофидаги чангтўзонларни илаштириш ҳисобига эмас, балки Космосдан тушадиган заррачалар ҳисобига бўлган. Ҳозир ҳам Ер шари юзасига йилига ўрта ҳисобда Космосдан 10 млн. т ҳил майдадар заррачалар тушиб туради.

Қўриниб турибдики, О. Ю. Шмидт гипотезасига кўра, сайёralар таркиби ва солиштирма оғирлиги турлича бўлган совуқ жисмлар сифатида вужудга келган. Бу совуқ заррачалар орасида эса радиоактив моддалар ҳам бўлган ва уларнинг ўз-ўзидан парчаланиши туфайли кейинчалик сайёralарнинг ички қисмлари қизий бошлаган. Натижада сайёра юмшаб, енгилроқ элементлар аста-секин сайёра сиртига сузиди чиққан, аксинча, оғирроқ моддалар эса марказига тушган. Бундай ҳодиса биз яшаб турган сайёра — Ерда ҳам содир бўлган.

О. Ю. Шмидт назариясига кўра, Қўёш системасидаги сайёralар бир ҳил йўл билан вужудга келган ва шунинг учун жисмларнинг химиявий таркиби ҳам, ички тузилиши (пўстини мантия — ядро) ҳам (10-а расм) бир-бирига ўхшашдир. Сайёра-

лар қандай заррачалар йиғиндисидан иборат бўлса, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, кометалар ҳам шундай тўпламдан иборат. Метеоритларда кўпроқ темир, никель, олтингугурт, магний, кремний, алюминий, кальций, кислород, қисман хлор, кобальт, радий, кумуш, платина, олтин, уран, торий, олмос, графит, карбонат ангидрид гази, водород ва гелий мавжуд. Ойда эса марганец, кремний, кальций, темир каби химиявий элементлар бор. Ерда кислород, водород, кальций, темир, калий, кремний, алюминий, натрий, магний, углерод ва титан каби химиявий элементлар кўп тарқалган. Бу эса Ер билан Қуёш системасидаги бошқа жисмларнинг химиявий тузилиши үхашаш эканлигини кўрсатади.

В. Г. Фесенков гипотезасига кўра Қуёш ва сайёralар бир вақтда гигант газли-чангли туманликлардан биридаги жисмларнинг зичлашиши оқибатида вужудга келган. Бу туманлик жисмлари сийрак бўлиб, асосан водород, гелий ва қисман оғир элементлардан ташкил топган. Ўша туманликнинг зичлашган ядросида юлдузсимон бўлғуси Қуёш жойлашиб, у ҳозиргига нисбатан иссиқ ва катта бўлиб, тез айланган. Қуёш атрофидаги газли-чангли моддалар (тез айланниши туфайли) туманликнинг зичлашган (Қуёш жойлашган) марказига қўшила олмай, ундан тобора узоқлашаверган. Бу марказдан узоқлашган жисмлар сунгра ташқарида зичлашиб, сайёralарни вужудга келтирган.

Шундай қилиб, В. Г. Фесенков гипотезасига кўра сайёralарнинг вужудга келиши механизми О. Ю. Шмидт гипотезасига яқин келса-да, лекин сайёralарни вужудга келтирган бирламчи моддалар, бу Қуёш жисмларининг зичлашган бўлакчалари ҳисобланганилиги билан фарқланади.

О. Ю. Шмидт ва В. Г. Фесенков назариялари сайёralарнинг вужудга келишини илмий жиҳатдан асосланб берса-да, лекин бу гипотеза сайёralарнинг вужудга келишини тўла исботловчи ва ниҳоясига етган назария эмас. Шу сабабли бу гипотеза космосни ўзлаштириш натижасида, янги материалларнинг тўпланиши оқибатида янада бойиб, такомиллашиб боради.

ҚУЁШ ВА ОИ. УЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ҚОБИҚДАГИ ТАБИИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Ер шари коинот билан доимо алоқада бўлиб, бу алоқа айниқса сайёramизнинг географик қобиғи табиий жараёнларига курсатаётган таъсирида яққол намоён бўлади. Ер шари географик қобиғига коинот жисмлари ичida энг кўп таъсир этувчиси бу Қуёш ва Ойдир. Қуёш ва Ойнинг Ер шари географик қобиғига кўрсатаётган таъсири ва унинг табиати учун аҳамиятли томонлари қўйидагилардан иборат.

1. Қуёшдан Ергача бўлган масофа Ерга тушаётган Қуёш радиацияси миқдорини белгиловчи муҳим энергетик параметр ҳисобланади. Чунки Ер Қуёшдан 149,5 млн. км узоқда жойлашганлиги ва атмосферанинг мавжудлиги сабабли Қуёшда содир

бўлаётган табиий термоядро реакция туфайли вужудга келган энергиянинг бир қисмигина Ерга етиб келиб, ундаги ҳаёт учун хавфсизликни таъминлайди. Ер шарининг ҳар квадрат сантиметр юзасига тушаётган Қуёш радиациясининг миқдори 2 кални ташкил этади. Ёки Ер юзасига Қуёш чиқараётган энергиянинг 2 млрд. дан бир қисмигинаси етиб келади. Бу миқдордаги Қуёш радиацияси географик қобиқдаги ҳаёт учун оптималь шароитни вужудга келтирган.

2. Қуёш системаси марказида Қуёш жойлашиб, сайёralар, хусусан Ер ҳам Қуёш ва ўз ўқи атрофида бир текис айланганиги сабабли сайёрамиз географик қобиғидаги табиий жараёнлар ритмиклик хусусиятига эга. Бу ритмиклик Қуёш фаолиятига, яъни унинг активлигига боғлиқ. Қуёш активлиги деганда унда камайиб, кўпайиб турадиган доғлар, алангала (машъала-лар), протуберация ва бошқаларни тушунамиз.

Олимларнинг сўнгги 200 йил ичида Қуёш доғининг ўзгариши устида олиб борган кузатишларидан маълум бўлишича, Қуёшнинг активлик даражаси ҳар 11—12 йил ичида ўзгариб турди, оқибатда у билан боғлиқ ҳолда Ер шари географик қобиғи табиий жараёнларида, хусусан иқлимида ритмиклик жараёни вужудга келади.

Қуёш активлиги даврида қисқа тўлқинли нур сочилиши (тарқалиши) интенсивлиги ошиб, атмосферага кириб келади ва фотохимик реакция содир бўлиб, у уч атомлик кислородга — озонга айланади. Натижада стратосферада озон миқдори кўпайиб (озон экрани), бир томондан, ультрабинашфа нурларни ушлаб қолиб, географик қобиқдаги органик ҳаётни хавфсизлигини сақлаб қолса, аксинча узун тўлқинли (ёруғлик нури) нурни географик қобиққа бемалол ўтказиб, фотосинтез жараёнини тезлаштиради, оқибатда атмосферада ва океанда кислород миқдори кўпаяди. Иккинчи томондан, стратосферада температуранинг кўтарилишига олиб келади. Стратосферада температуранинг кўтарилиши ўз навбатида ҳавонинг зичлигига ва босимиға таъсир этиб, унинг циркуляциясида ўзгариш юз беради. Стратосфера циркуляциясининг ўзгариши эса Ер юзаси иқлимини ҳосил қилувчи тропосфера динамикасига таъсир этади.

3. Йчки сайёralарни ҳосил қилган газ — чангли булутнинг Қуёшга яқин бўлганлиги туфайли, ҳароратнинг юқорилиги сабабли ундаги газлар буғланиб кетиб, оғир элементлар қолган. Шу туфайли ички сайёralар, хусусан, Ер жуда зич. Ернинг ўртача зичлиги $5,5 \text{ г}/\text{см}^3$, массаси $5,975 \times 10^{21} \text{ г}$ бўлиб, атмосферани, жумладан, сув ҳосил бўлиши учун етарли миқдорда водородни ўзида ушлаб туришга етадиган даражада катта. Агар Ер юзасида атмосфера босими бўлмагандан эди, у тақдирда сув бугланиб кетиб, унинг фазалари (бир турдан иккинчи турга ўтиши) бузилган бўлур эди.

4. Атмосферанинг мавжудлиги туфайли Қуёш энергияси таъсирида географик қобиқда сувнинг бир фазадан иккинчи фазага ўтиши содир бўлади. Бу жараён ўз навбатида модда ва

эшергия алмашинувини вужудга келтириб, географик қобиқда материянинг олий формаси ҳисобланган тирик мавжудотниң яшаши учун оптимал шароит вужудга келтирган.

5. Атмосфера, бу электромагнит нурланишнинг фильтри сифатида географик қобиқда термодинамик ҳолатнинг доимиyllигини таъминлаб туришда муҳим аҳамиятга эга.

6. Ер шарининг энг ташқи қобиғи ҳисобланган магнитосфера географик қобиқнинг ташқи экрани сифатида уни Қуёшнинг корпускулар нурланиши — Қуёш шамолидан ҳимоя қилиб турди. Агар магнитосфера бўлмагандан эди, Қуёш радиацияси ҳеч тўсиқсиз атмосферага келиб, ундан ўтиб, Ер юзасигача етиб келган ва организмнинг ҳалок бўлишига олиб келган бўлур эди.

7. Қуёш Ердан шундай масофада жойлашганки, унинг тортиш кучи Ойга нисбатан кучсиз ва қалқиши қаршилиги Ернинг ўз ўқи атрофида айланишига таъсир этадиган даражада катта эмас.

8. Ер шари географик қобиғидаги табиий жараёнларга Ойнинг таъсири анча катта. Ой Ерга яқин бўлганлигидан қалқиши тулқини вужудга келиб, у океанларда яхши кўринади. Ой таъсирида вужудга келган қалқиши қаршилиги Ернинг ўз ўқи атрофида айланишининг тормозланишига сабабчи бўлади, яъни унинг ўз ўқи атрофида айланишини секинлаштиради. Баъзи назарияларга кўра қалқиши қаршилиги таъсирида Ернинг ўз ўқи атрофида айланишининг секинлашуви туфайли 1 млрд. йил ичидаги сутканинг узунлиги (давомийлиги) 6 соатга ошган.

Ойнинг таъсирида қалқиши туфайли Ернинг суткалик тормозланиши географик қобиқда атмосфера циркуляциясига, у орқали эса иқлимга таъсир этади.

Космоснинг ўзлаштирилиши. Космос инсонни ҳайратда қолдирадиган ҳодисалар билан тўла. Эндиликда, фан ва техника революцияси даврида космос сирларини ўрганишда Ернинг сунъий йўлдошлари, космик кемалар ва автоматик станциялардан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, инсоннинг ўзи бевосита космосга чиқиб, унинг сирларини ўрганмоқда. Бу соҳада Совет Иттифоқи илгорлик қилмоқда. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши 1957 йили 4 октябрда СССР территориясидан учирildi. Йўлдош ичидаги Ерга керакли маълумотлар бериб турадиган автоматик радиопередатчиклар ўрнатилган эди. У ракета ёрдамида 950 км баландликка чиқарилди ва Ер атрофини суткасига 15 марта айланиб, Ерга маълумотлар бериб турди. 1957 йили 3 ноябрда СССРда Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши учирildi. 1961 йили 12 апрелда космосни ўзлаштириш тарихида жуда катта воқеа содир бўлди: СССР граждани Ю. А. Гагарин бошқарган космик кема жаҳонда биринчи бўлиб Ватанимиз территорииядан учирildi.

Космосга биринчи марта группа бўлиб учиш (1962 йили А. Г. Николаев ва П. Р. Поповичлар), биринчи аёл-космонавт (1963 йили В. В. Терешкова) парвози ва биринчи бўлиб космик

кемадан очиқ космосга (1965 йили А. А. Леонов) чиқиши ҳам СССР гражданлари томонидан амалга оширилди.

Радио ва телевидение алоқаларини яхши йүлгө қўйиш мақсадида «Молния — 1», «Интеркосмос» сериясидаги сунъий йўл дошлар ҳам СССР териториясидан учирилди.

Космос сирларини ўрганиш соҳасида АҚШ да ҳам катта ишлар амалга оширилди. 1969 йили 16 июнда «Аполлон—11» нинг «ой кабинаси» Н. Армстронг ва Э. Олдринлар билан биринчи бор ойга қўнди.

Дунёда биринчи марта икки давлат кемаларининг космосда туташтирилиши 1975 йил 15 июля Совет космонавтлари В. Кубасов ва А. Леонов («Союз — 16» космик кемасида), АҚШ астронавтлари Д. Слейтон, Т. Страффорд ва В. Бранд («Аполлон» космик кемасида) томонларидан амалга оширилди. «Союз»—«Аполлон» кемалари туташган ҳолда учиб жуда муҳим илмий кузатишлар олиб бордилар.

Туташтиришдан асосий мақсад космосда шикастланган кемаларни тузатиш ёки космонавтларни қутқариш йўлларини ишлаб чиқишидир. Бу жуда катта амалий аҳамиятга эга. Чунки бирон давлат учирган космик кема космосда шикастланса, иккинчи давлат учирган космик кема унга яқинлашиб, туташиб, кеманинг шикастланган қисмини тузатиши ёки космонавтларга, келажакда эса йўловчиларга ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу асосий вазифадан ташқари «Союз»—«Аполлон» экипажи йўл-йўлакай биологик ва астрономик кузатишлар ҳам олиб бордилар.

Узоқ вақт давом этган 96 кунлик (1977 йил 10 декабрдан 1978 йил 16 марта гача) космик парвоз Совет гражданлари Ю. В. Романенко ва Г. М. Гречко томонидан амалга оширилди. Улар «Союз-27» транспорт кемасида орбитага чиқарилгач «Салют-6» орбитал комплекси билан туташтирилди ҳамда медик-биологик, илмий-техник ва бошқа кузатишлар олиб бордилар.

Дунёда биринчи марта юк ташийдиган автоматик транспорт «Прогресс-1» кемаси 1978 йили 22 январь куни СССР териториясидан учирилди ва киши бошқарадиган «Салют-6»—«Союз-27» орбитал комплекси билан туташтирилди. «Прогресс-1» комплексини учиришдан мақсад юк ташийдиган янги автоматик транспорт кемасини синаш ва орбитал илмий станцияларнинг узоқ вақт ишлаб туришини таъминлаш борасида транспорт ишларини бажаришдан иборатdir. «Прогресс-1» юк ташийдиган автомат экспресс «Ер — Орбита» маршрути бўйича доимо қатнайдиган янги кўпrik вужудга келтирди. Натижада илмий станцияларда космонавтларнинг узоқ вақт актив ишлашлари учун зарур бўлган ёқилғи, ҳаво, сув, озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни керак бўлганда уларга етказиб берувчи юк ташийдиган автоматик экспресс транспорти яратилди.

Мўлжалланган ишлар бажарилгач, 1978 йили 6 январь куни «Прогресс-1» автомат транспорт кемаси «Салют-6», «Союз-27» орбитал кемасида ажратилди ва у мустақил учиш режимига утказилди. Мустақил учиш программаси тугагандан кейин

«Прогресс-1» кемаси тормозланди. Кема атмосферанинг зич қатламларига кириб йўқ булиб кетди.

1978 йили 3 марта «Интеркосмос» ҳамкорлик программа-сига мувофиқ «Союз-28» космик кемаси учирилди ва «Салют-6»—«Союз-27» орбитал кемасига туташтирилди. «Союз-28» космик кемасини Совет космонавти А. Губарев билан ЧССР граждани В. Ремек бошқарди. Социалистик мамлакатлар космонавтларининг биргаликда учишлари космонавтика ривожида янги саҳифа очди.

1979 йили узоқ вақт давом этган 175 кунлик космик парвоз Совет гражданлари В. А. Ляхов ва В. В. Рюмин томонидан амалга оширилди.

«Интеркосмос» программасига кўра 1977—1981 йилларда «Салют-6» ва «Союз» кемаларида Польша, ГДР, Болгария, Венгрия, Вьетнам, Куба, Монголия, Руминия гражданларидан ташкил топган экипажлар учирилди.

1982 йил 19 апрелда узоқ муддатга мўлжалланган стания, «Салют-7» орбитага чиқарилди. Шу йили 13 майда В. Лебедев ва А. Березов бошқарган «Союз Т-5» кемаси учирилди ҳамда «Салют-7» станцияси билан туташтирилди. Сўнгра улар 1982 йил 25 июня В. Жонибеков, А. Иванченков ҳамда Франция граждани Жон-Лу-Кретьендан иборат халқаро экипажни ва 1982 йил 20 августа Л. Попов, А. Серебров ҳамда жаҳондаги иккинчи космонавт-аёл С. Савицкая бошқарган экипажни қабул қилди.

1987 йил 3 апрелда «Союз Т-11» транспорт кемасида Ю. Малишев, Г. Стрекалов ва Ҳиндистон граждани Ракеш Шармадан иборат халқаро экипаж учирилди. Улар космик орбитал станция «Салют-7» билан туташибди. Натижада «Салют-7» станциясида учеб юрган Л. Кизим, В. Соловьев, О. Атьков билан учрашиб, олтоворлон бўлиб кўзланган программани бажаришди.

1987 йил 6 февралда СССРда «Союз ТМ-2» космик кемаси учирилди. Уни Ю. Б. Романенко ва А. И. Лавейкиндадан иборат экипаж бошқарди. Учиш программасида «Союз ТМ-2» кемасини «Мир»—«Прогресс-27» орбитал комплекси билан туташтириш ва унинг ичидаги экипажнинг планлаштирилган фан-техника тадқиқотлари ва экспериментларини ўтказиш кўзда тутилди. Учиш давомида шунингдек «Союз ТМ» сериясидаги такомиллаштирилган транспорт кемасини одам бошқарадиган режимда синаб кўришни пишиқтириш давом эттирилди. Бу учиш дунёда узоқ вақт давом этган 237 кунлик космик парвоз ҳисобланади.

1987 йил 21 декабрда СССРда «Союз ТМ-4» космик кема учирилди. Уни В. Г. Титов, М. Манаров ва А. С. Левченколардан иборат экипаж бошқарди. Учиш программасида «Союз ТМ-4» кемасини «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан туташтириш ва биргаликда кузатиш ишларини олиб бориш эди.

1988 йил 7 июня «Союз-5» космик кемаси учирилди. Кемани А. Соловьев ва Болгария граждани А. Александровдан иборат экипаж бошқарди. Учиш программасида «Союз-5» кемасини

космонавтлар бошқараётган «Мир» кемаси билан туташтириш ҳамда 1987 йил 21 декабрдан бери Ер атрофи орбитасида ишлаётган космонавтлар В. Титов, М. Манаров билан құшма тадқиқот ва тажрибалар үтказиш күзде тутилған эди.

1988 йил 28 августда СССРда «Союз ТМ-6» космик кемаси учирildи. Кемани В. Ляхов, В. Поляков ва Афғонистон Республикасининг граждани Абдул Ахад Моманддан иборат халқаро экипаж бошқарди. Программага күра «Союз ТМ-6» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» комплексига туташтириш ҳамда унда 1987 йил 21 декабрдан бери Ер атрофидаги орбитада ишлаётган В. Титов ва М. Манаров билан биргаликда илмий-тадқиқот ва экспериментлар үтказышдир.

1988 йил 30 августда «Союз ТМ-6» кемаси «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилди. Комплексда В. Титов, М. Манаров, В. Ляхов, В. Поляков, Абдул Ахад Моманддан иборат экипаж иш бошлади.

Программадаги ишлар бажарылғач В. Ляхов ва Абдул Ахад Моманд «Союз ТМ-5» кемасида Ерга қайтиб түшди, В. Титов, М. Манаров ва В. Поляковлар Ер атрофи орбитасидаги ишни давом эттиришди.

Космик кемалар, орбитал станциялар ва Ер сунъий йүлдошларининг учирилиши ионосфера структурасини, Ер атмосферасини, радиотұлқынлар тарқалишини, об-ҳавони олдиндан прогноз қилишни, космик нурларни яхшироқ үрганишга, планетамиз табиий ресурсларини ҳисобға олиш, улардан рационал фойдаланишга ҳам имкон бермоқда.

Совет олимлари Марс, Венера, Ой каби осмон жисмларининг сирларини билиш учун құдратлы ракеталар ёрдамида космик кемалар учирдилар. Ой юзасига юмшоқ құндирилған «Луноход» автоматик станциясининг ақамияти жуда катта бұлды; у орқали Ой ҳақида жуда мұхим маълумотлар олинди. Махсус автомат Ой грунтидан Ерга намуна олиб қайтди. Америка астронавтлари эса Ойга құнис, Ой юзасидан жинс намуналарини келтирдилар. Натижада Ой ҳақида бизнинг тасаввуримиз янада кенгайди.

Марс сайёраси ҳақида янги маълумот түплаш мақсадида СССРда Марксга бир неча автоматик станциялар учирдилди. Натижада Марс ҳақида янги маълумотлар олинди. Венера сайёраси сирини билиш учун эса «Венера» автоматик станциялари учирдилди ва натижада сайёрани янада яхшироқ билиш имконияти вужудда келди.

КОСМИҚ АХБОРОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ер шары геосфераларида содир бұладиган табиий ҳодисаларнинг сирларини билишда космик ахборотларнинг аҳамияти катта. Космик ахборотлар ёрдамида гидросфера ҳақида, хусусан дөнгиз оқымларининг тезлигі, йұналиши, күлами; музлекілар ва үларнинг дрейфлари, айсберглар, океанларнинг ифлос-

ланиш даражаси ва бошқалар ҳақида анча аниқ маълумотлар олинади. Шунингдек, космик ахборотлар ёрдамида океанларнинг биологик ресурсларини ва уларнинг ҳолати ҳамда миқдорини ҳам аниқлаш мумкин.

Космик ахборотлардан айниқса қуруқликдаги муз ва қорларнинг чегаралари, қалинлиги, сув запаси, эриш чегараси, муз ёриқлари, қор күчиши, дарё сувларининг хусусиятлари ва уларнинг серсув ва камсув бўладиган йиллари ва бошқаларни билиш мумкин. Космик ахборотлар ёрдамида антропоген омиллар таъсирида сув сатҳи пасайиб, қирғоғида кескин салбий ўзгаришлар содир бўлаётган (Орол, Қаспий, Балхаш ва бош.) ҳавазалар ҳақида аниқ маълумотлар олинади.

Космик ахборотларда ер ости сувлари, уларнинг қандай чуқурликда жойлашганлиги, сувининг таркиби, миқдори ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Космик ахборотлар ёрдамида атмосфера ҳақида, хусусан булутлар, уларнинг типлари, циклонлар ва уларнинг пайдо булиши, ҳаракати, атмосфера фронтлари, тропик циклонлар ва уларнинг йўналиши, атмосферадаги намлик ва аэрозоллар миқдори, чангли бўронлар ва уларнинг йўналиши, тезлиги, атмосферанинг ҳар хил манбалар (табиий манбалар — вулканларнинг отилиши, ўрмон, ўтлоқларнинг ёниши, антропоген омиллар: саноат, транспорт ва бош.) таъсирида ифлосланиш даражаси, парник эффиқти ва унинг ўзгариши ҳақида маълумотларга эга булиш мумкин.

Литосфера сирларини ўрганишда космик ахборотлар қўл келади. Ер шари рельефи, унга таъсир этувчи экзоген жараёнларнинг, хусусан шамол, оқар сув, музлик ва бошқаларнинг иши натижасида вужудга келган рельеф шаклларини ўрганишда ва уни табиий-территориал комплексларга ажратишда, дарёларнинг палеогеографиясини ўрганишда, океанлар сув ости рельефини, эски ва ҳозирги замон вулканларининг тарқалиш географиясини, типларини аниқлашда космик ахборотлар муҳим роль ўйнайди.

Космик ахборотлар ёрдамида тектоник структуралар, хусусан тектоник ёриқлар аниқланилди, қазилма бойликлар разведка қилинади.

Биосфера элементи ҳисобланган тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонларнинг географик тарқалишини аниқлашда, ўсимлик турлари, майдони, чегаралари, ўрмон билан қопланганлик даражаси, ўрмон турлари (игна ёки кенг баргли), уларнинг бўйи, ёши, дашт, чалачўл ва чўл ўсимликларининг ҳолати, инсоннинг таъсири туфайли содир бўлаётган салбий ўзгаришлар (чўллашиб, ўсимлик сифатининг ёмонлашиши, баъзи ўсимлик турларининг камайиб кетиши ва бош.) ни аниқлашда космик ахборотлардан фойдаланилди. Айниқса қишлоқ ҳужалик экинларининг структурасини, майдонини, ҳосилдорлигини, касалликка учраганигини, бегона ўт босганлик даражасини аниқлашда космик ахборотлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек космик ахбо-

ротлардан ҳайвон турлари ва уларнинг географик тарқалиши, миграцияси, заарли ҳашаротлар, уларнинг ареаллари, жаҳон океанининг биологик ресурслари ҳақида ҳам маълумотлар олиниади.

Космик ахборотлар ёрдамида атмосферанинг инсон таъсирида регионал ва глобал ифлосланишини, сув ресурсларида содир бўлаётган салбий (сувнинг ифлосланиши, баъзи сув ҳавзаларининг, хусусан Орол сув сатҳининг пасайишидан келиб чиқаётган экологик үзгаришлар, Қорақум канали зонасида содир бўлаётган салбий үзгаришлар ва бош.) үзгаришлар, ҳар хил қурилишлар (темирйул, автойул, алоқа линиялари, тоф-кон саноати, электр узаткич линиялари, газ, нефть коммуникация қувурлари ва бош.) туфайли эрозияга учраган майдонлар (ерлар)ни ҳам аниқлаш мумкин.

Космик ахборотлар туфайли ҳозир дефляцияга учраган териториялар, тузли, чангли бўронлар вужудга келадиган ерлар, қадимий карvon йўллари, қадим обикор бўлган ерлар, хароба шаҳарлар қолдиқлари ва бош. ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Шундай қилиб, космик ахборотлар сайёрамиз геосфераларидаги содир бўлаётган жараёнларни чуқур үрганишда муҳим омил бўлишдан ташқари, инсоннинг табиатга таъсири, ундан келиб чиқадиган салбий үзгаришларни олдиндан прогноз қилишда асқотади ва жуда катта иқтисодий самара беради. Баъзи мисоллар келтирамиз: Ер юзасини геодезик йўл билан 80 йилда ёки самолётда 2 йилда оладиган расмини космосдан беш минутда олиш мумкин. Ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида планетамиз юзасини 24 соатда расмга олинса, ваҳоланки бу вазифани 1000 самолёт 24 соатда бажаради. СССР териториясини космосдан расмга тушириш В. И. Севастьянов ва бош. маълумотига қўра ҳар йили 40 млн. сўм, космик ахборотлар ёрдамида топографик карта ишлаш 30 млн. сўм, нефть, газ қидиришда фойдаланиш эса 100 млн. сўм фойда келтиради. В. И. Севастьянов, П. И. Климуклар «Салют» станциясида СССРнинг 5,5 млн. кв км териториясини фотолентага тушириб 50 млн. сўмдан ортиқ фойда келтирди. Фақат «Метеор» йўлдошнинг берган ахборотлари туфайли СССР ва социалистик ҳамдустлик мамлакатларида ўн йил ичидаги 500—700 млн. сўм маблағ иқтисод қилиб қолинган.

Дунёда космик ахборотлар асосида об-ҳавони З кун олдин аниқ прогноз қилиб бериш йилига 600 млрд. доллар, биргина тайфунни ўз вақтида хабар қилиш эса 2,8 млрд. долларни иқтисод қилиб қолади.

Савол ва топшириклар. 1. Нима учун коинотни чексиз деймиз ва у қандай жисмлардан ташкил топган? 2. Галактика нима ва у метагалактикандан қандай фарқланади? 3. Юлдузлар қандай хусусиятлари жиҳатидан планеталардан фарқ қиласди? 4. Қуёш системасининг галактиканда тутган ўрни ва унинг асосий хусусиятлари нималардан иборат? 5. Қуёш системасининг вужудга келиши ҳақида қандай гипотезаларни биласиз? 6. Қуёшнинг таркиби ва физик хоссалари ҳақида нималарни биласиз? 7. Сайёralар деб нимага айтилади, ички

сайёralар қандай хусусиятлари жиҳатидан ташқи сайёralардан фарқланади? 8. Ички сайёralар ҳақида нималарни биласиз? 9. Майда сайёralар нима ва уларнинг характерли хусусияти қандай? 10. Кометалар нима ва улар сайёralардан қандай фарқ қиласи? 11. Галлэй кометаси ҳақида нималарни биласиз ва уни ўрганишда совет фанининг ютуқлари қандай? 12. Сайёralарнинг вужудга келиши ҳақидаги О. Ю. Шмидт ва В. Г. Фесенков назарияларининг можияти нималардан иборат? 13. Космосни ўзлаштиришда совет космонавтларининг хизматлари нималардан иборат? 14. Қуёш ва Ой Ернинг географик қобигидаги табий жараёнларга қандай таъсир этади? 15. Ер шари геосфераларининг табий компонентларини ўрганишда космик ахборотларнинг аҳамиятини галириб беринг.

III боб

ПЛАНЕТА СИФАТИДА ЕРНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ер Қуёш системасидаги органик ҳаёт мавжуд бўлган ягона сайдерадир. У Қуёшдан ўрта ҳисобда 149,6 млн. км. узоқда жойлашган шарсимон жисмдир.

Ер шари узоқ давом этган эволюцион жараён натижасида шаклланган бўлиб, унинг геосфералари вужудга келган. Бу геосфераларга унинг ҳаво қатлами — атмосфера, сув қатлами — гидросфера, қаттиқ қатлами — литосфера киради.

Ер шарининг бу сфералари бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ўзаро узвий алоқада ва бир-бирига таъсир этган ҳолда ривожланиб, тараққий этган. Оқибатда географик қобиқ (биосфера) ёки ҳаёт қобиги вужудга келган.

Ер юзасининг ҳозирги қиёфасини вужудга келишида ўша геосфераларнинг ўзаро модда ва энергия алмашинуидан ташқари яна Ер билан космос орасидаги алоқанинг ҳам аҳамияти катта. Ер Қуёш атрофида айланаётганда йўлида учраган майда заррачаларни илаштириб олади, сунгра улар Ерга чўқади, натижада Ер массаси орта боради. Ер шари вужудга келган даврдан бўён космосдан тушган заррачалар Ер пўсти массасининг 1/500 қисмини ташкил этди. Агар космосдан тушган моддалар Ер юзасидаги жисмлар билан аралашиб кетмаганда эди, Ер юзасида қалинлиги 2—3 см ли қатлам ҳосил бўлур эди.

Ер геосфераларида модда ва энергия алмашинуида айниқса, географик қобиқ тараққиётида Қуёш энергиясининг аҳамияти жуда катта. Қуёшдан келаётган энергия туфайли геосфераларда модда алмашинуви содир бўлиб, сув парланиб, атмосферага кўтарилади. Атмосферадаги сув ёғин тариқасида яна Ер юзасига тушади ва унинг бир қисми Ер пўстига сингиб кетса, бир қисми организм томонидан ўзлаштирилади, Қуёшнинг нури таъсирида ва сувнинг иштирокида яшил ўсимликларда фотосинтез жараёни содир бўлади, оқибатда атмосферадаги газ балансини тартибга солиб туради. Бу жараёнлар туфайли Ер пусти нурайди, емирилади, натижада Ер юзасининг устки қисми (рельефи) ўзгаради.

Ер юзасининг географик қобигида содир бўладиган табиий

географик жараёнлар яна унинг ўқи ва Қуёш атрофида айланиши оқибатида ҳам содир бўлади. Ҳар бир жисмнинг, хусусан Ернинг ҳаракати унинг шакли ва қўламига боғлиқ. Шу сабабли Ернинг ўқи ва Қуёш атрофида айланишидан олдин унинг шакли, қўлами ва Ер юзаси ҳолатини билиш керак. Агар Ер юзасига назар ташласак, у текис, бир хил бўлмасдан, жуда мураккаб тузилиб, океан, денгизлардан, пастлик, текислик, ботик, қир, адир, ясси тоғ ва тоғлардан ташкил топган материядан иборат. Шу сабабли Ер юзасининг ўша мураккаб тузилган хусусиятларини аниқ ҳисобга олиб, унинг шаклини аниқ белгилаш жуда қийин. Шу туфайли Ер шакли ҳақида фикр юритилганда унинг юзасини ўша мураккаб тузилишини ҳисобга олиб, умумлаштириб, шарсимон деб тушуниш шу соҳада эришилган биринчи қадамдир.

Маълумки, жуда катта массага ($5,975 \times 10^{21}$ тонна ёки яхлитлаганда 6 000 000 000 000 000 тонна) эга бўлган Ер шари бир даврнинг ўзида турли хил (ўз ўқи атрофида, Қуёш атрофида Қуёш системаси билан бирга галактика атрофида ва бошқ.) ҳаракат қиласи. Лекин улар ичидаги географик қобиқдаги табиий жараёнлар учун энг муҳими Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланишидир.

Ернинг шакли ва катталиги. Ибтидоий даврда кишилар ўзи яшаган жойдан узоққа бормаган ва билим доираси ниҳоятда тубан бўлган, ўзи яшаган жойи ясси бўлса, Ер шаклини ясси деб, тоғлик бўлса, Ер тоғлардан иборат деб, денгизга яқин бўлса, Ер сувлар билан ўралган ясси қалқон шаклида деб ўйлаганлар. Кейинчалик кишилар онгининг ўсиши натижасида Ернинг шакли тўғрисидаги тасаввур ҳам ўзгара борди. Бундан 2500 йил илгари грек олимлари Пифагор ва Аристотель (Арасату) Ер Ясси эмас, аксинча думалоқ, шар шаклида деган фикрни билдирган. Эндиликда Ернинг шар шаклида эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ернинг шар шаклида эканлигини исботловчи далиллар кўп:

1) Қуёш чиқаётганда энг аввало Ер юзасининг баланд жойларини, чунончи, тоғларни, тепаларни, дараҳтларнинг учларини, сўнгра паст ерларни ёритади. Қуёш ботаётганда ҳам унинг сўнгги нурлари баланд ерларни ёритиб туради;

2) кема қирғоқдан узоқлашиб кетаётганда денгиз юзасининг думалоқлиги туфайли кеманинг танаси ва, охирида, мачталарнинг учлари кўздан ғойиб бўлади;

3) узоқдан келаётган тепловознинг аввал тутуни, сўнгра ўзи кўринади;

4) юқорига кўтарилиган сари горизонт чизиғининг кенгайиб бориши ҳам Ернинг шар шаклида эканлиги оқибатидир. Масалан, текис ерда турган кузатувчи 4—5 км масофадаги нарсаларни кўра олади. Агар у 20 м кўтарилиса — 16 км, 100 м кўтарилиса — 36 км, 10 000 м кўтарилиса — 357 км масофадаги нарсаларни кўра олиши мумкин (11-расм);

ниши туфайли Қүёш нури унинг ҳамма жойига бир хил тушмаслиги ҳамда иситмаслиги оқибатида географик қобиқда табиат компонентларининг зоналлик ҳодисаси вужудга келган.


Ер шарсимонлиги туфайли гравитацион энергия қуввати (дунё тортилиш кучи) унинг ҳамма қисмida бир хил эмас. Агар марказдан қочиш қутбларда 0 бўлса, экваторда у максимумга етади, аксинча оғирлик кучи экватордан қутблар томон ортиб, қутбларда максимумга етади. Демак, марказдан қочиш кучи билан тортиш кучининг супер ҳолати оғирлик кучини вужудга келтиради. Оғирлик кучининг Ернинг турли қисмларида ҳар хил бўлиши эса Ер шаридаги содир бўладиган барча табиий ҳодиса ва жараёнлар учун муҳим аҳамиятга эга. Ернинг тортиш кучи туфайли унинг ҳаво ва сув қатлами мавжуд бўлиб, у ўз навбатида географик қобиқда модда ва энергия алмашинувими вужудга келтиради.

Ер сфероиддан фарқ қилиб геоид шаклдалиги, юзасининг материк ва океанлардан, тоғ ва текисликлардан иборатлиги географик қобиқдаги зоналликнинг баъзан бузилишига сабаб бўлувчи муҳим омиллардан биридир.

ЕР ШАРИНИНГ ҲАРАҚАТИ

Ернинг ўз ўқи атрофида айланishi. Ер шари ўз ўқи атрофидан ғарбдан шарққа томон айланади. У ўз ўқи атрофини 23 соат 56 минут 4 секундда тўла бир марта айланаб чиқади. Ернинг ана шу ўз ўқи теварагида айланаб чиқиш вақти сутка деб айтилади. Сутка яхлит қилиб 24 соат деб олинган.

Ер айланшининг бурчак ҳисобидаги тезлиги унинг ҳамма қисмida тенг, у бир соат вақт ичидаги 15° силжийди ($360^\circ : 24 = 15^\circ$). Лекин Ер айланшининг масофа ҳисобидаги тезлиги бир хил эмас, турли параллеллар учун турличадир. Агар экватор



14-расм. Ернинг шакли ҳақида тушунча (Г. Н. Каттерфельд бўйича)
1 — сфера, 2 — эллипсоид, 3 — геоид (кардиоид)



15-расм. Қўёш нурларининг Ер юзига тушиши (Л. П. Шубаев маълумоти)

Экватор айланасининг узунлиги	4675,7 км
Ер юзининг умумий майдони	510×10^6 км ²
Ернинг ҳажми	1083×10^9 км ³
Ернинг массаси	$5,975 \times 10^{21}$ т


Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ер шарининг Шимолий қутб ва Жанубий қутб атрофлари бир оз (21,4 км) ботиқ экан. Демак, Ернинг шакли шар шаклидан бир оз фарқ қилиб, сфероид¹ ёки эллипсоид шаклига яқинdir (13-расм).

Ернинг шакли икки ўқли эллипсоид эмас, балки уч ўқли эллипсоид экан. Чунки Ер шарининг фақат икки қутбининг сиқиқлигидан ташқари, унинг экватори ҳам тўғри айлана эмас, балки эллипс шаклида бўлиб, экваториал сиқиқлиги 213 м га тенг.

Ер шакли шунингдек сфероиднинг геометрик шаклидан оз миқдорда фарқ қилади. Бу эса Ернинг шаклини геоид (Ерга хос бўлган шакл) деб қабул қилишга сабаб бўлди (14-расм). Геоид юзаси сфероид юзасидан Осиёда 160 м. Шимолий Америкада 57 м, Европа ва Африкада 136 м баландда бўлса, аксинча, океанларда пастда бўлади. Масалан, Тинч океанда геоид сатҳи сфероид сатҳидан 120 м пастдадир.

Сунъий йўлдошларнинг учирилиши ёрдамида сўнгги йилларда Ернинг аниқроқ шакли маълум бўлди. Сунъий йўлдошлар берган маълумотларга кўра Ернинг қутблари бир хил сатҳда жойлашмасдан Шимолий қутб Жанубий қутбга нисбатан 30 м баланддадир. Ернинг бундай шаклда бўлишлигини кардиоид ёки кардиоидал эллипсоид деб қабул қилинди (14-расм).

Ернинг шарсимонлиги унинг юзасида содир бўладиган табиий жараёнлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга.



13-расм. Ернинг катталигини кўрсатувчи сонлар (сонлар яхлитланиб берилган)

¹ Сфероид шаклидаги жисмлар шарга ухшаш бўлса-да, уларнинг бир диаметри узун, иккинчи диаметри эса қисқа бўлади.

Ер шаклининг шарсимонлиги оқибатида Қуёш унинг ҳамма қисмини бир хил иситмайди ва ёритмайди. Чунки Қуёш нури экваторга тик тушиб кўпроқ иситса, қутблар томон нурнинг тушиш бурчаги кичиклашиб, иситиши камайиб боради. Бу эса Ер юзида иссиқлик балансига таъсир этиб, иқлимини экватордан қутблар томон ўзгариб, совиб боришига сабаб бўлади (15-расм). Ер шарсимонлиги туфайли унинг Қуёш нури билан ёритилган ва қоронғу (кеча ва кундуз) қисмлари вужудга келган.

Ер шарсимонлиги ва айла-

4) Ер шарининг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли шамоллар ва оқимлар дастлабки йўналишига нисбатан шимолий ярим шарда ўнг томонга, жанубий ярим шарда эса чап томонга бўрилади;

5) академик К. М. Бэр қонунига кўра, дарёлар қайси томонга оқишидан қатъи назар шимолий ярим шарда кўпроқ ўнг қирғонини, жанубий ярим шарда эса чап қирғонини ювади. Бэр қонуни деб аталган бу ҳодисанинг сабаби шундаки, Ер ўз ўқи атрофида гарбдан-шарққа айланади;

6) Ернинг суткалик айланиши ва Ойнинг тортиш кучи таъсирида Ер эластик равишда «деформацияланиб», чўзинчоқ тухум шаклини олади. Бу вақтда Ернинг Ойга қараган ва тескари томонларидағи сув юзаси кўтарилади. Ернинг Ойга қараган томони Ойнинг тортиш кучи таъсирида кўтарилса, тескари томони, аксинча, марказдан қочирма куч сабабли кўтарилади. Бу икки кўтарилган нуқталар орасидаги сув юзаси эса Ер — Ой чизигига перпендикуляр ҳолда пасаяди.

Ой суткаси (24 соат 50 минут) давомида денгиз суви икки марта кўтарилади ва икки марта пасаяди. Демак, сув кўтарилиши ва қайтиши орасидаги вақт 6 соат-у 12 минут, 30 секундга тенг.

Денгиз суви сатҳининг кўтарилиб ва пасайиб туриши муҳим географик оқибатларга олиб келади. Паст қирғоқларни сув босади, чунки дунё океанида сувнинг кўтарилиши ўртacha 20 см бўлса ҳам, баъзи қўлтиқларда 13—18 м га етади. Натижада денгиз суви қирғоқни емиради, қирғоқ рельефини ўзгартиради.

7) Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли унинг шимолий ва жанубий қисмida ўз ҳолатини ўзгартирадиган икки нуқта — қутблар вужудга келган. Ўша икки қутбни бирлаштирувчи чизиқлар меридианлар дейилади. Ер шаридаги ўша икки қутбдан баравар масофада турадиган доира ўтказилади ва бу доира экватор дейилади. Бу чизиқ Ер шарини икки ярим шарга — шимолий ва жанубий ярим шарларга ажратиб туради.

Карта ва глобусда экваторнинг икки томонида унга параллел бўлган хаёлий доиралар чизилади. Бу доиралар параллеллар деб аталади.

Ҳар бир параллел экватор чизифидан қанча масофада туришига қараб градуслар билан кўрсатилади. Экваторга 0° , қутбларга 90° деб ёзиб қўйилади. Бу эса Ер айланаси чорак қисмини ташкил этади (16 а, 16 б-расм).

Ер шарсимонлиги туфайли параллеллар айлана шаклига эга булиб, экватордан қутблар томон у кичрайиб (қисқариб) боради. Агар экваторда 1° параллел ёйининг узунлиги 11,3 км га тенг бўлса, 40° параллелда 85,1 км га, 80° параллелда 19,4 км га тенг бўлиб қолади. Аксинча меридианларнинг ҳаммасида ҳам 1° ёйининг узунлиги бир хил бўлиб, ўзгармайди.

Глобус ва карталарда ўтказилган меридиан ва параллеллар бир-бири билан кесишиб, бир неча катақчалардан ташкил топ-

атрофида у секундига 464 м тезликда айланиб катта доира ҳосил қылса, ундан ҳар иккала қутбга борган сари айланиш тезлиги сүстлашади ва кичик айлана ясайди. Ер ўқининг учидаги жойлашган икки нуқта (шимолий қутб ва жанубий қутб) Ернинг суткалик ҳаракати жараёнида бир жойда ҳаракатсиз турди, яъни Ернинг бошқа нуқталари сингари айлана ясамайди.

Қишилар Ер шарида яшасалар ҳам унинг айланишини сезмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, Ердаги ҳамма нарса — ҳаво ҳам, киши ҳам, ер билан бирга бир хил тезликда айланади. Лекин бизга гўёки осмон жисмлари айланаётгандек туюлади. Аслида эса осмон жисмлари эмас, балки Ер ҳаракат қилади. Натижада кеча ва кундуз алмашиниб турди, яъни Ернинг қуёшга қараган томонида кундузи, тескари қисмida эса кечаси бўлади.

Ер шарининг ўз ўқи атрофида айланишининг қуидаги исботлари ва ундан келиб чиқадиган географик оқибатлари мавжуд.

1) Фуко тажрибаси. Француз физиги Фуко 1851 йили Ер шарининг суткалик ҳаракатини биринчи бўлиб тажрибада исботлаган. У Париждаги энг баланд бино — Пантеонда қуидагича тажриба ўтказган: бинонинг гумбазига узун, ингича сим осиб, симнинг учига оғир мис шар боғлаган ва бу маятникнинг тагига доира ясад қум сепиб қўйган. Сўнгра маятник учини қумга тегизиб, ҳаракатга келтирган. Бир оз вақт ўтгач, маятникнинг қумга теккан учи бир неча из (чизиқ) қолдирган. Бундай бир-биридан бурчак билан фарқ қилувчи чизиқлар (йўллар) ҳосил бўлишига сабаб механикадан маълумки, эркин ҳаракат қилаётган жисм (маятник)га ташқаридан тазийқ бўлмаса, ўз йўналишини ўзгартирмайди. Демак, маятник йўналишини ўзгартирган эмас, балки унинг тагидаги текислик ғарбдан шарққа томон айланмоқда: натижада маятникнинг дастлабки изи билан кейинги излари орасида фарқ (бурчак) ҳосил бўлган. Маятник бир соатда 15° , 24 соатда 360° ҳосил қилган. Чунки Ер шари 24 соатда ўз ўқи атрофини бир марта айланиб чиқади.

СССРда бундай тажриба Ленинград шаҳридан Исаакий соборида ўтказилиб турди;

2) Ер геоид шаклга эга, яъни қутблари сиқиқ, экватор атрофи қабариб чиқсан. Бу — Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши орқасида ҳосил бўладиган марказдан қочирма куч натижасида ҳосил бўлгандир. Экватор устида марказдан қочирма куч катта, қутбларга борган сари камаяди, қутбларда эса нолга тенг бўлади;

3) юқоридан ташланган жисм ер юзига теккунча шарққа томон бир оз оғади. Агар 158,5 баландликдан бирор нарсани ташласангиз, у ер юзига тушгунча 27,5 мм шарққа томон бурилади. Ер шари ҳаракат қилмаганда эди, бу жисм тўғри тушган бўлур эди. Юқоридан пастга тушаётган жисмнинг шарққа оғишига сабаб юқорида пастроқдагига нисбатан Ер айланиши тезлигининг ортиқ бўлишидир;

кенгликтеги ерларга тик тушади. Жанубий қутб доирасидан қутбгача бүлган жойларда Қуёш узоқ вақт ботмайды, аксинча, шимолий қутб атрофларида узоқ вақт давомида Қуёш күринмайды. Бу пайтда шимолий ярим шарда қиши бўлиб, кун қисқа, тун эса узун, аксинча жанубий ярим шарда ёз бўлиб, кун узун бўлади (17- расм; 2- жадвал).

2- жадвал

Турли географик кенгликларда энг қисқа ва узун кунларнинг давомийлиги

Кенгликлар, градус чисо-бідда	Энг узун кун	Энг қисқа кун	Кенгликлар, градус чисо-бідда	Қуёш ботмайдиган сукта-лар сони	Қуёш чиммайдиган сукта-лар сони
0	12 с 00 мин	12 с 00 мин	66° 33'	1	1
10	12 с 35 мин	11 с 25 мин	70	65	60
20	13 с 13 мин	10 с 47 мин	75	103	97
30	13 с 56 мин	10 с 04 мин	80	134	127
40	14 с 51 мин	9 с 09 мин	85	161	153
50	16 с 09 мин	7 с 51 мин	85	161	153
60	18 с 30 мин	5 с 30 мин	90	186	179
65	21 с 09 мин	2 с 51 мин			
66° 33'	24 с 00 мин	0 с 00 мин			

Тенг кунларда туш вақтида Қуёшнинг турли кенгликларда қанчалик баландда туришларини қўйидаги тенглама ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$h = 90^\circ - \varphi.$$

бу ерда h — Қуёшнинг уфқдан баландлиги, φ — жойнинг кенглиги. Масалан, Тошкентда ($\varphi = 41^\circ$) 21 марта ва 23 сентябрда туш вақтида Қуёшнинг уфқдан баландлиги ($90^\circ - 41^\circ = 49^\circ$) 49° дир.

Ер юзасининг хоҳлаган кенглигига энг узун ва энг қисқа кунларда Қуёшнинг уфқдан баландлиги қўйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$\text{энг узун кун учун } 90^\circ - \varphi + 23^\circ 30'$$

$$\text{энг қисқа кун учун } 90^\circ - \varphi - 23^\circ 30'$$

Масалан, Тошкентда энг узун кун (21 июнь) да ($90^\circ - 41^\circ + 23^\circ 30' = 72^\circ 30'$) Қуёшнинг уфқдан баландлиги $72^\circ 30'$ га тенг бўлса, энг қисқа кун (22 декабрь) да ($90^\circ - 41^\circ - 23^\circ 30' = 25^\circ 30'$) $25^\circ 30'$ ни ташкил этади.

Ернинг шарсизонлиги ва орбита текислигига нисбатан $66^\circ 33' 15''$ оғган ўқни сақлаган ҳолда Қуёш атрофидаги айланиши унинг экваторидан истисно бошқа кенгликларда кун билан туннинг тенг бўлмаслигига (2- жадвал) ҳамда Ер юзасини бир хил ёритиб иситмаслигига сабаб бўлади. Ер юзасини Қуёш бир хил ёритиб иситмаслиги ўз навбатида Ерга қўйидаги ёритилиш минтақаларини ажратишга имкон беради.

1. Экваториал минтақа Ер шарининг $0^\circ - 10^\circ$ шимолий ва жанубий кенгликларида жойлашган. Бу минтақада Қуёшнинг

тушда уфқдан баландлиги 90° дан $65^{\circ} 30'$ гача бўлиб, кун билан тун тенг (12 соат), йил фасллари ўйқ.

2. Тропик минтақа ўз ичига 10° — $23^{\circ} 30'$ шимолий ва жанубий кенгликларни олиб, Қуёшнинг туш вақтидаги баландлиги 90° дан 47° гача, кун ва туннинг узунлиги 10,5 соатдан 19,5 соатгача ўзгаради. Йил температураси унча фарқ қилмайди.

3. Субтропик минтақа $23^{\circ} 30'$ — 40° шимолий ва жанубий кенгликлар орасида жойлашган. Бу кенгликларда Қуёшнинг туш вақтидаги уфқдан баландлиги ёзда тропик яқинида 90° га борса, қарама-қарши томонида қишида $26^{\circ} 30'$ га тушиб қолади. Кун билан туннинг узунлиги 9 соат 09 мин дан 14 соат 51 минутгача ўзгаради. Бу минтақада гира-шира вақт узоқ давом этмайди, ёз билан қиш аниқ ажralиб турса-да, баҳор билан куз унча аниқ ифодаланмайди.

4. Мұйтадил минтақа 40° — 58° шимолий ва жанубий кенгликларни ўз ичига олади. Бу минтақада Қуёшнинг тушдаги уфқдан баландлиги қутбий чегарасида қишида $8^{\circ} 30'$ дан ёзда $55^{\circ} 30'$ гача ўзгаради. Тун билан куннинг узунлиги 6 соатдан 18 соатгача чўзилган бўлиб, гира-шира вақт узун, йил фасллари аниқ ажralиб туради, қиш билан ёз тахминан тенг.

5. Ёзги ёруғ тунлар ва қишки гира-шира кунлар минтақаси 58° — 65° шимолий ва жанубий кенгликларда жойлашган. Бу минтақада Қуёшнинг туш пайтида уфқдан баландлиги (қутбий чегарада) ёзда $55^{\circ} 30'$ дан қишида 0° гача ўзгаради. Йилнинг тўрт фасли содир бўлади.

6. Қутбёни минтақаси ўз ичига $66^{\circ} 30'$ — $74^{\circ} 30'$ шимолий ва жанубий кенгликларни олади. Бу минтақанинг қутбий чегараси Қуёшнинг қишки туриш вақтида уфқдан 8° пастга тушадиган жойдан ўтказилади. Шунинг учун минтақада қутбий тун гира-шира (ёруғ тун) бўлади, қутбий доиралар ёнида эса бир суткадан қутбий чегарасида 103 суткагача давом этади. Қутбёни минтақасида ёзда Қуёшнинг уфқдан баландлиги 44° дан 39° гача бўлади, бинобарин Қуёш нури жуда ётиқ тушади.

7. Қутбий минтақа $74^{\circ} 30'$ — 90° шимолий ва жанубий кенгликларда жойлашиб, қутбларда Қуёш энг баланд бўлганда $23^{\circ} 50'$ гача кўтарилади. Бу минтақада Қуёш шимолий ярим шарда 103 суткадан 179 суткагача чиқмайди, йил фасллари кун билан тунга мос келади.

Календарь. Ер орбита текислигига нисбатан $66^{\circ} 33'$ оғган уқ ҳолатини ўзгартмасдан ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиши оқибатида кун ва тун, ой фазалари ва йил фасллари вужудга келади.

Кун ва тун, ой фазалари ва йил фасллари ораларида ўтган ҳамда қайтарилиб турдиган ҳодисаларни ҳисоблаш системаси — календарь вужудга келган. Календарь ҳисобининг асоси йил бўлиб, йилнинг фасл ва ойларга бўлининишига ва давомийлигига қараб тузилган Ой календари, Ой — Қуёш календари ва Қуёш календари мавжуд.

Ой календари — Ойнинг ҳаракати туфайли вужудга кел-

ган фаза ва фаслларнинг тақрорланишига асосланган. Маълумки, Ой Ер атрофида ғарбдан шарққа томон ҳаракат қилиб, Қуёш тұғрисига келганды ой боши булиб (лекин бу вақтда ой күринмайды) 1—2 кундан сүнг у ғарбда кечқурун ўроқ шаклида күринади ва уни «Янги Ой» дейилади. Ой бошидан иккинчи ой бошигача 29 сутка 12 соат 44 минут 3 секунд¹ (29,5 сутка) вақт үтади ва уни Ой календарининг ойи деб аталади. Ой календари бүйича бир йил 354 кун булиб 12 ойга ($29,6 \times 12 = 354$ кун) булинган. Бу календарь бүйича тоқ ойлар (I, III, V, VII, IX, XI) 30 кунга, жуфт ойлар (II, IV, VI, VIII, X, XII) эса 29 кунга ($6 \times 30 + 6 \times 29 = 354$) тенг.

Ой календари бүйича ҳисобланган йил Қуёш йилига нисбатан 10,5 кун қисқа булиб, Ой йилининг ҳар 34 йили Қуёш астрономик йилининг 33 йилига тұғри келади. Шу сабабли вақт-вақти билан ұша 10,5 кун йиғилиб бир ойга борғанда ұша йилга құшилиб, у 13 ойга булинади. Йил ҳисоблашдаги бу қийинчилікден қутилиш мақсадида Мұхаммад пайғамбар Маккадан Мадинага ҳижрати (Юлий календари бүйича 622 йил 16 июль) куни ұша даврда вақтта құшиладиган 10,5 кун тақиқланади. Шу туғайли мусулмонлар йил санаси 662 йил 16 июль жума кунидан бошланиб, уни Ҳижрий қамарий йил ҳисоби ёки Мұхаммад календари дейилади. Бу календарь бүйича ҳар 34 йилинде янги йилининг бошланиши ғарбда биринчи марта янги ойнинг (уроқ шаклида) күринган кунидан бошланади.

Баъзи мусулмон давлатларида деҳқончилик ишларини тұғри йүлга қўйниш мақсадида Ҳижрий шамсий календаридан ҳам фойдаланилади. Бу календарга кўра йил санаси 622 йил 16 июлдан бошланади. Лекин янги йилининг биринчи куни эса 21 мартдан бошланади. Чунки 21 март баҳорғи төңгүнлик нүктаси — ҳамалнинг биринчи чисолоси (наврӯз байрами) ҳисобланади. Ҳижрий шамсий календаридан ойлар доимо йилининг маълум бир вақтларида келади ва уларнинг тартиби қўйидагичадир:

3- жадвал

№№ Арабча айтилиши	Ўзбекча айтилиши	Хозирги замон ҳисобига кўра	Нечакун
1. Ҳамал	Қўй	21 март — 21 апрель	30—31
2. Сәвр	Сигир	21 апрель — 21 май	31—32
3. Жавзо	Эғизак қиз	21 май — 21 июнь	31—32
4. Саратон	Қисқичбақа	21 июнь — 21 юль	31—32
5. Асад	Арслон	21 юль — 21 август	31—32
6. Сунбула	Бошоқ	21 август — 21 сентябрь	30—31
7. Мизон	Тарози	21 сентябрь — 21 октябрь	30—31
8. Ақрсб	Чаён	21 октябрь — 21 ноябрь	29—30
9. Қавс	Ёй	21 ноябрь — 21 декабрь	29—30
10. Шадий	Тоф әчкиси	21 декабрь — 21 январь	29—30
11. Далов	Қовғз	21 январь — 21 февраль	29—30
12. Хут	Балиқ	21 февраль — 21 март	29—30

¹ Ой календари бүйича ҳисоблаганда йил Қуёш йилига нисбатан айланиш даврига синодик ой дейилиб, у бир хил фазалар орасидаги үтган вақтдир.

Ой — Қуёш календари — Ой ва Қуёш ҳаракатига асосланган бўлиб, баъзи йиллари 12 ой, баъзи йиллари эса 13 ой бўлади. Бу календарга кўра ҳар 19 йилнинг 12 таси 12 ойдан, 7 таси 13 ойдан иборат бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам Ойнинг фарбда ўроқ шаклида кўриниши ой боши ҳисобланади. Янги йил (инсон ойи) бизнинг календарь бўйича (сентябрь ёки октябрь) доимо кузга тўғри келади. Ой — Қуёш календари яхудийлар календари ҳисобланиб, ундан ҳозиргача фойдаланиб келишади.

Қуёш календари — Қуёшнинг ҳаракатига асосланган бўлиб, ундан дунёдаги кўпчилик мамлакатлар фойдалниб келмоқда.

Қуёш календари тропик йил асосида тузилган. Тропик йил бу Қуёшнинг баҳорги тенг кунлик нуқтасидан кетма-кет икки марта ўтиши орасидаги вақт (365 кун 5 соат 40 минут 46 секундга тенг) бўлиб, асрлар мобайнида жуда секин ўзгаради, бизнинг асrimизда эса ҳар 100 йил ичida фақат 0,5 секунд қисқаради, холос.

Қуёш календари ҳозирги ҳолига келгунча у қадимги мисрликлар, римликлар ва хитойликлар томонидан бир неча марта ислоҳ қилинган ва ўзгартирилган.

Мисрликлар энг ёруғ юлдуз Сириус (Сотис) нинг эрта тонгда биринчи марта кўриниши Нил дарёсида яқин орада сувнинг кўпайишига (22 июнга) тўғри келганлигига асосланиб, миср календарини туздилар. Бу календарга кўра (милоддан олдин 28 асрда) йил 365 кун бўлиб 12 ойга ва уч фаслга — тошқин, экиш ва йифим-терим фаслига бўлинган. Календарь бўйича бир ой 30 кундан иборат бўлиб, ортиб қолган 5 куни йил охирига қўшилган.

Миср календари тропик йилдан 6 соат чамаси (тўрт йилда бир сутка) қисқа бўлганлигидан йилнинг бошланиши олдинга сурилиб, ҳар ($365 \times 4 = 1460$ кун) 1460 кунда (сотис даври) яна биринчи бошланган даврга тўғри келади. Миср календарининг бу ноқулай томонини тузатиш мақсадида Рим императори Юлий Цезарь (милоддан аввалги 46 йилда) Миср астрономи Созиген маслаҳати билан ислоҳ ўтказган. Бу ислоҳга кўра бир йил 12 ойга бўлинади ҳамда илгари қўшиб келинган мерцедоний деб номланган ой календардан чиқарилади, йилнинг бошланишини биринчи январга¹ кўчирилади. Бу календарь Юлий календари деб юритилиб, унда бир йил 365 кун 6 соат деб қабул қилинади ҳамда ҳар уч йили 365 кундан, тўртинчи йил эса 366 кун бўлиб, сўнгра уни кабиса йили деб аталди.

Юлий календари тропик йилдан 11 минут 14 секунд ортиқ бўлиб, бу фарқ 400 йил ичida 10 кунга етди. Оқибатда баҳорги тенг кунлик ва христиан байрамлари 21 мартдан 10 марта келиб қолди. Бу ноқулайликка чек қўйиш мақсадида Рим папаси Григорий XIII 1562 йил 24 февралда италиялик астроном ва

¹ Янги сайланган Рим императорлари доимо 1 январдан ўз мансабларини эгаллаган.

врач А. А. Лилио лойиҳаси бўйича ислоҳ ўтказди. Бу ислоҳга қўра 1562 йил 4 октябрдан кейин 5 октябрь эмас, балки 15 октябрь дейилиб, йиғилган 10 кунлик хатога барҳам берилди. Оқибатда баҳорги тенг кунлик яна 21 марта қайтарилиди. Келгусида хатолик яна қайтарилимаслик мақсадида ҳар 400 йилда уч кунни олиб ташлашга қарор қилинди. Бу календарь Григорий календари ёки янги стиль деб ном олиб, у ҳозиргача кўпчилик мамлакатларда, жумладан СССРда қўлланиб келинмоқда. Чунки бу календарь жуда аниқ бўлиб 3300 йилда 24 соат хато бўлиши мумкин. Григорий календарининг юқорида қайд қилинган афзалликлари билан бирга қўйидаги камчиликлари ҳам бор.

1. Ой кунларининг фарқи катта бўлиб 28 дан 31 кунгacha боради: бир йилда 4 ой (апрель, июнь, сентябрь, ноябрь) 30 кун, 7 ой (январь, март, май, июль, август, октябрь, ноябрь) 31 кун, февраль оддий йилда 28 кун, кабиса йилида 29 кун.

2. Йил кварталларининг давомийлиги бир хил бўлмай, 90 дан 92 кунгacha ўзгаради: I квартал — 90—91 кун, II квартал — 91 кун, III ва IV кварталлар — 92 кун.

3. Йилнинг биринчи ярми иккинчи ярмидан кабиса йилда 2 кун, оддий йилда эса 3 кун қисқа.

4. Янги йил ҳафтасининг бошланиши доимо маълум бир кунга тўғри келмайди. Шу сабабли агар 1960 йили янги йил жумадан, 1961 или якшанбадан, 1962 или душанбадан, 1986 йил эса чоршанбадан бошланган.

5. Ойларнинг бошланиши ҳам турли кунларга тўғри келади: 1986 или январь чоршанбадан, февраль ва март шанбадан, май пайшанбадан, июнь ойи якшанбадан бошланган.

6. Ҳафтанинг такрорланиши ойнинг давомийлигига боғлиқ бўлмай, унинг маълум кунлари бир ойга, қолганлари иккинчи ойга утиб кетади: 1985 йил декабрнинг охирги ҳафтасининг 5 куни 1986 йилнинг январь ойига, январь ойининг охирги ҳафта кунларининг бир қисми февраль ойига ўтади ва ҳоказо.

7. Ойлардаги иш кунлари бир хил бўлмай 23 кундан 27 кунгacha давом этади.

8. Йилнинг бошланиш куни астрономик ёки табиий ходисаларга боғлиқ кунларга тўғри келмай аксинча ибтидоий худолар ёки подшолар номига қўйилган ойлар кунига тўғри келади. Бизда янги йил ҳисобининг бошланиши ҳам афсонавий, «христоснинг туғилиши» билан боғлиқ.

Григорий календаридаги бу хатолар планлаштириш ва маблағ ажратиш органлари ишини қийинлаштиради. Чунки иш вақтининг ҳафта ва ойларда бир хил бўлмаслиги туфайли уни ҳисобга олган ҳолда планлаштирилади. Бу ўз навбатида ортиқча иш ва харажатни талаб этади. Бунинг устига ҳар йили турли мамлакатларда, жумладан СССР да жуда кўп нусхада янги календарлар нашр этилади ва жуда катта маблағ сарфланади. Шу сабабли дунё бўйича тан олинган ва Григорий календари-

даги хатоликлар йўқотилган ва кўп йилга мўлжалланган календаръ чиқариш (яратиш) жуда муҳим аҳамиятга эга.

Савол ва топшириқлар. 1. Ер шарининг таркиби ҳақида нималар биласиз? 2. Ернинг шакли ҳақидаги билимлар қандай шаклланган ва такомиллашган? 3. Ер шари қўламини улчашда Абу Райхон Берунийнинг хизматлари нимадан иборат? 4. Нима учун Ернинг шаклини геоид дейилади ва у кардиодал эллипсоиддан қандай фарқ қиласи? 5. Ернинг иккι ўқи эллипсоид шакли қандай хусусиятлари жиҳатидан уч ўқли эллипсоид шаклидан фарқ қиласи? 6. Ернинг шарсизмонлигини исботловчи қандай далилларни биласиз? 7. Ернинг шарсизмонлиги туфайли унинг юзасида содир бўладиган табиий жараёнлар нималардан иборат? 8. Ернинг суткалик ҳаракати нима ва қандай сабабга кўра кишилар уни сезмайди. 9. Ернинг ўқи атрофида айланшининг исботлари ва ундан келиб чиқадиган географик оқибатлар нималардан иборат? 10. Ернинг йиллик ҳаракати нима ва қандай сабабларга кўра баъзи йиллари февраль ойи 29 кун бўлади? 11. Нима учун Ер шарида йил фасллари вужудга келган? 12. Агар Ернинг ўқи орбита текислигига перпендикуляр бўлганда унинг юзасида қандай ўзгаришлар бўлган бўлур эди? 13. Нима учун кун билан тун йил давомида ўзгариб туради? 14. Нима учун 21 июнда шимолий ярим шарда, 22 декабрда жанубий ярим шарда энг узун кун бўлади? 15. Нима сабабдан Ер юзасининг ҳамма қисми бир хил ёритилмайди ва истилмайди? 16. Ер шаридаги иссиқлик минтақаларини контур картага тушириб, уларнинг бир-биридан фарқларини ганириб беринг. 17. Дарсликдаги 2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, шимолий ярим шарнинг турли кенгликларида йил давомида кун ва туннинг узунлигини акс эттирувчи диаграмма ишланг. 18. Календарь нима ва у қандай омилларга асосланиб тузилади? 19. Ой — Қуёш календари қандай хусусиятлари жиҳатидан Қуёш календаридан фарқ қиласи? 20. Григорий (яғи стиль) календари қандай вужудга келган ва унинг афзаллик томонлари ҳамда камчиликлари нималардан иборат?

IV боб

ЖОЙДА ОРИЕНТИРЛАШ. ПЛАН ВА КАРТА

Горизонт ҳақида тушунча. Очиқ ва текис жойда турсак, атроф катта доирага ўхшаб кўринади. Бу доиранинг четларига осмон гумбази туташиб тургандек туюлади. Ана шу доира шаклида кўринадиган очиқ жой горизонт¹ (үфқ) деб аталади. Унинг чеккасида осмон билан ер юзаси гўё туташгандек кўринадиган чизиқка горизонт чизифи деб айтилади.


Горизонтнинг тўртта асосий томони бор: шимол (nord), жануб (sud), шарқ (ost) ёки est, фарб (west). Горизонтнинг қуёш чиқадиган томони шарқ деб, Қуёш ботадиган томони фарб деб аталади. Туш пайтида Қуёш жанубда бўлади, жанубнинг қарама-қарши томони эса шимол дейилади.

Горизонтнинг тўртта асосий томонидан ташқари яна оралиқ томонлари ҳам бор: шимол билан фарб ораси шимоли-фарб (NW), шимол билан шарқ ораси шимоли-шарқ (NO), жануб билан шарқ ораси жануби шарқ (SO) ва жануб билан фарб ораси жануби-фарб (SW) (18- расм).

Ориентировка ҳақида тушунча. Бирор жойда туриб горизонт томонларини топа билиш (аниқлай олиш) ориентировка² ёки ориентирлаш дейилади.

¹ Грекча горизонт «чегара» деган маънони англатади.


² Ориентировка латинча «шарқ» демакдир.



18- расм. Горизонт чизиги ва томонлари
а) Горизонт ва горизонт чизиги. б) Горизонт томонлари

Горизонт томонларини топишда бир қанча усуллар мавжуд. Биз қуйида уларнинг энг муҳимлари билан танишиб чиқамиз.

Қуёшга қараб ориентировка қилиш усули. Қуёш туш пайтида горизонтдан энг баланд кўтарилади ва йил бўйи ўзгармай, доимо жануб томонда бўлади. Қуёшнинг бундай хусусиятидан фойдаланиб, горизонт томонларини аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажариш керак. Очиқ ва текис ерга кичик бир таёқча ёки темир қозиқчани тикка қўямиз. Бу таёқча гномон деб аталади. Бу қозиқ сояси Қуёш кўтарилган сари ўзгариб боради. Туш пайтига келганда Қуёш сояси энг қисқа бўлади. Туш пайтида қозиқчанинг сояси шимолга йўналган бўлади. Бу «туш чизиги» меридиан йўналишини курсатади. Шундай қилиб, гномон сояси ёрдамида жануб билан шимолни аниқлаб оламиз. Сунгра шимолга қараб турсак, ўиг томонимиз шарқ ва чап томонимиз фарб эканлигини осонгина аниқлаб оламиз.



19- расм. Қўл ёки чўптақ соати ёрдамида Қуёшга қараб ориентирлаш


Құл ёки чұнтак соати ёрдамида ҳам Қуёшга қараб ориентировка қилиш мүмкін. Бунда соат маҳаллий вақтта тұғриланиб, горизонтал ҳолда ушлаб турилади. Сұнгра унинг соатни күрсатувчи стрелкасина Қуёшга тұғри бұлғунға қадар айлантирилади. Кейин Қуёшга тұғриланса соат стрелкаси билан унинг циферблатидаги 1 рақами орасыда вужудға келган бурчакнинг қоқ үртасидан чизиқ үтказилади ва у шимол билан жанубни күрсатувчи чизиқ ҳисобланади. Шуни әсдан чиқармаслик керакки, бу чизикнинг жануби доимо Қуёшнинг туш вақти (күн үртаси) да бұлған ёки бұладиган томонни күрсатади (19-расм).

Қутб юлдузига қараб ориентировка қилиш усули. Кечаси ҳаво очиқ бұлса, Қутб юлдузига қараб ҳам горизонт томонини аниқлаш мүмкін. Чунки Қутб юлдузи доимо горизонттың шимол томонида туради. Қутб юлдузини топиш йўли қуйидагичадир. Қутб юлдузи Беш Оғайни юлдузларнинг бири бўлиб, уни аниқлаш учун Етти Оғайни (Етти қароқчи, Катта Айқ) туркумидаги икки четки юлдузлар орқали хаёлимизда тұғри чизиқ үтказамиз. Сұнгра бу юлдузлар орасидаги масофадан беш марта узоқ масофа үлчанади ва ана шуни Қутб юлдузига келиб тақалади (20-расм).

Компас ёрдамида горизонт томонларини аниқлаш энг осон усул ҳисобланади. Компас эрамиздан аввалги III асрда Хитойда ихтиро қилинган. Компас доира шаклидаги қутичадан иборат бўлиб, унинг марказига үткир учли игна, игна устига магнитланган стрелка үрнатилган. Бу стрелка игна устида эркин айланади. Қутича тагига горизонт томонларини күрсатувчи ҳарфлар С (север — шимол), В (восток — шарқ), Ю (юг — жануб), З (запад — гарб) ёзилган ва 0° дан 360° гача бўлган градус бўлаклари чизилган. Компасдан кечаси ҳам фойдаланиш учун унинг магнит стрелкаси ҳамда горизонт томонларини күрсатувчи ҳарфлар фосфорланган.

Компас ёрдамида горизонт томонларини аниқлаш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

- Компасни текис жойга ёки кафтга қўйиб стрелкасини бўшатиш керак. Магнит стрелкаси тебрана-тебрана тұхтагунча кутиб турыш зарур;
- Магнит стрелкасининг бир учи «С» (шимол) ҳарфининг устида тұхтагунга қадар компас қутичасини аста айлантириш керак;
- Компас магнит стрелкасининг учини шимолни күрсатувчи «С» ҳарфига тұғриланғач, горизонттың бошқа томонларини ҳам бемалол аниқлаш мүмкін.



20-расм. Қутб юлдузига қараб горизонт томонларини аниқлаш

Горизонт томонларини аниқлашда маҳаллий белгилардан ҳам фойдаланиш мумкин:

а) тог, тепаларниң жанубий ён бағирларида қор эрта эрийди, үсімліклар эса шимол томонға қараганда эрта күкаради ва сарғая бошлайды; б) якка турған дараҳтнинг шохи ва барглари жануб томонда қалин, шимол томонда, аксинча, сийрак бұлади; в) катта тошларнинг шимолга қараган томонда лишайник қалинроқ, жанубда эса сийрак бұлади; г) кесілған дараҳтнинг тұнкаларидаги уннинг ёшини күрсатадиган ҳалқалар тұнканиң жанубий қисміда кенроқ, аксинча, шимол томонда эса энсизроқ бұлади.

Географик ва магнит меридианлари. Бирор нотаниш жойда адашгандай бұлсанғыз, топографик картага қараб мүлжал олишингиз мумкин. Тұманлы, қоронғы кечаларда эса жойни картага солишириб, йүл топиш қийин. Бундай вақтда компасдан фойдаланилади. Чунки компас ёрдамида йүл азимут бүйіча аниқланади. Жойда азимут компас ёрдамида магнит стрелкаси күрсатған йұналишдан, яғни магнит меридианнинг шимолий йұналишидан бошлаб ұлчанади.


Ернінг магнит құтбларини туташтирадиган чизиқлар магнит меридианлари деб, Ер шарининг шимолий ва жанубий құтбларини туташтирадиган чизиқлар эса географик меридиан деб аталади.

Ернінг географик құтблари билан магнит құтблари бир нүктада жойлашған әмас жанубий магнит құтби жанубда Антрактида қырғоғида бұлса, шимолий магнит құтби Канада оролларидадыр. Шу сабабли Ернінг географик меридианы билан магнит меридианы ҳамма жойда ҳам бир-бирига тұғри келавермайды. Булар орасыда маълум бурчак ҳосил бұлади, бу бурчак магнит стрелкасининг оғиши (энкайиш) бурачаги дейілади.


Одатда магнит меридианнинг йұналиши магнит стрелкаси йұналишига мос келади. Магнит стрелкасининг шимол томони географик меридиандан гарб ёки шарққа томон оғиши мумкин. Агар магнит стрелкаси географик меридиандан шарққа оғса мусбат (+) белги, гарбға оғса манфий (—) белги қўйилади (21—22- расм).

Бирон чизиқ йұналишини аниқлаш учун асосий йұналиш қилиб географик меридиан олинса, улар орасыда ҳосил бұлған ориентирлаш бурчаги ҳақиқий азимут, асосий йұналиш қилиб магнит меридианы қабул қилинса, магнит азимут, тұғри бурчакли координатаниң абсцисса үкі қабул қилинса, дирекцион бурчак деб аталади (21- расмға қаранг). Ҳақиқий азимут — магнит азимути ва дирекцион бурчак бошланғыч йұналишнинг шимол томонидан бошлаб соат стрелкасининг йұналиши бўйлаб 0° дан 360° гача ҳисобланади.

Ернінг магнит ҳодисаси туфайли магнит оғиши Ер шарининг турли жойларыда турличадыр. СССР территориясыда магнит оғиши $+25^{\circ}$ дан (Қора дengiz қирғоқларида) -15° гача



21- расм. Дирекцион бурчак (d), ҳақиқий (A) ва магнит азимут (Ma) лари.
 d — Дирекцион бурчак, A — Ҳақиқий азимут,
 Ma — Магнит азимуты



22- расм. Магнит стрелкасининг оғиш бурчаги

(Якутия АССРда) ўзгаради.
 21- расмдан кўриниб турибдики, ҳақиқий азимутдан (A), магнит азимутига (MA) ўтадётгандага оғиш шарқий бўлса, унинг ҳақиқий азимутидан че-


гириб ташланади, аксинча, оғиш ғарбий бўлса, унга қўшилади. Топографик карталарда магнит оғиш миқдори (ҳақиқий азимутдан магнит азимутига ўтишда ҳисобга олиниши керак бўлган миқдор) чизиқли масштаб ёнига кўрсатиб қўйилади.

План. Горизонт томонларини аниқлаш, ориентировка қилиш усулларини билиб олгач, маълум географик объектнинг (кичик бир жой, шаҳар, бино ва бошқаларнинг) планини олишга киришиш мумкин.

Кичик бир жой, шаҳар, қишлоқ ёки биноларнинг маълум бир масштаб ёрдамида кичрайтирилиб, қоғозга туширилган тасвири план дейилади. Планда маълум жойдаги географик объектлар тўла-тўқис тасвирланади. Масалан, Тошкент шаҳрининг планида асосий кўчалар, ариқлар муҳим бинолар, театр, кино, музей ва бошқалар батафсил туширилади. Агар жойнинг ер усти тузилиши (рельефи) ва бошқалари ҳам тасвирланган бўлса, бундай план топографик план деб айтилади.

План ва карталарда объектлар шартли белгилар ёрдамида тесвирланади. Шартли белгиларнинг изохлари леғенда деб юритилади.

Топографик план оддий пландан анча мураккаб бўлиб, унга қўпинча диаметри 10 км гача бўлган доира ичида жойлар




23- рәсм. Құшалоқ тепаликни планда горизонталлар билан тасвирланиши

туширилади. Топографик планда жойдаги нарсалар ва жойнинг топографик элементлари (тепа, сой, жар, тоғ, текислик, дара ва бошқалар) тұла-тұқис иирик масштабда тушенилади.

Баъзи якка турған нарсалар (масалан, дарахт, мозор, чегара, уй, қудуқ ва бошқалар) эса масштабсиз шартли белгилар ёрдамида тушенилади.

Топографик планда ва карталарда жойнинг паст-баландлиги горизонталлар билан күрсатылади. Топографик план ва карталарда жойнинг бир хил баландликдаги нүкталарини бирлашти-



24- расм. Горизонталлар ва уларнинг бергштрихи

рувчи туташ эгри чизиқлар горизонталлар (ёки изогипслар) дейилади. Горизонталлар бир хил бўлган оралиқда, масалан, ҳар 5 метр ёки 10 метр баландликдан ўтказилиди (23-расм).

Топографик планда горизонталлар ёрдамида тепалик ёки жарликларнинг тик ва қия ён бағирларини тасвирилаш мумкин: горизонталлар ўртасидаги оралиқ тор бўлса, тасвириланган ёнбағир тик, горизонталлар орасидаги оралиқ кенг бўлса, ён бағир қия бўлади.

Топографик планда горизонталлар ёрдамида тепалик ёки чуқурлик калта чизиқча — бергштрих¹ билан кўрсатилади. Агар бергштрих горизонталнинг ички томонига қараб турса, чуқурликни, аксинча, унинг унигоризонталнинг сиртига қараб турса, баландликни кўрсатади (24-расм).

Топографик план ва картани бемалол ўқиш ва тушуниш учун қабул қилинган шартли белгиларни билиш жуда зарурдир.

Шартли белгилар ҳар хил бўлади. Баъзи шартли белгилар кенг майдонларни, чунончи, кўл, ўрмон, ботқоқлик, шўрхок, боғ, полиз, қишлоқларни ифодаласа, баъзилари эса узун нарсаларни — йўллар дарёлар, ариқлар, каналлар, телефон линиялари ва бошқаларни кўрсатади. Масалан, топографик планда ва картада темир йўл икки параллел чизиқ билан тасвириланади, чизиқ ораси оқ ва қора ранг билан кўрсатилади. Тош йўл параллел иккита йўғон қора чизиқ билан, тош териilmagan яхши йўллар эса бири йўғон, иккинчиси эса ингичка чизиқ билан чизилади. Тупроқ йўллар бир чизиқ билан, сўқмоқ йўллар пункттир чизиқ билан кўрсатилади.

¹ Бергштрих — горизонталларга перпендикуляр тусириладиган калта чизиқ.

Картанинг шимоли-шаркий кисми

У-33-Б5-Б (КОРАКАМИШ)

ЎҚУВ НАРТАСИ №2-50

К
Е
К
Ш
М
Т
Б



Картанинг жаңуби-тарбий кисмининг бурчаги

1:50 000

1 сантиметрда 500 метр

М 1000 500 0 1 2 3 4 5 10 20

Янгын горизонталлар жаңа 10 метрдан үткәнлек

Несиш баландылығы 10 м бүркандада

Несиш баландылығы 50 м бүркандада

Заложение шналаси

25- расм. Топографик карта намунаси

Мисол тариқасида масштаби 1 : 50 000 бўлган топографик карта намунасини берамиз (25-расм). Бу топографик карта параллел ва меридианларга бўлиниб, унинг бурчакларининг учидаги ўша меридиан ва параллелларнинг градус ҳисобидаги координаталари ёзилган. Картадан бирон-бир обьектнинг географик ўрнини топиб, аниқлаш қулай бўлсин учун топографик карта рамкаси бир минутга тенг қисмларга бўлинган, ҳар бир минутли кесмада 10 секундга тенг бўлимлар нуқталар билан кўрсатилган.

Масштаб топографик план ва карта тузишда асосий омил ҳисобланади. План ва картадаги чизиқларнинг ҳақиқий масофага нисбатан кичрайтирилиш даражаси масштаб деб айтилади. Демак, масштаб пландаги чизиқларнинг жойдаги масофаларга нисбатини кўрсатади. Агар узунлиги 16 м ва эни 8 м бўлган жойни планда кўрсатиш лозим бўлса, уни кичрайтириласдан, қоғозга сифдириб бўлмайди. Бунинг учун масштаб қўй келади. Чунончи, масштабда 1 метр ўрнига 2 см қилиб қисқартириб оламиз. Натижада ўша жой планимизда узунлиги 8 см, эни эса 4 см бўлади.

Масштаб икки хил: сонли масштаб ва чизиқли масштабга бўлинади.


Сонли масштаб каср тарзида берилади. Бу ерда касрнинг суратида 1, маҳражида эса кичрайтирилиш даражаси (м) берилади. Масалан, 1) 100, 1) 1000, 1) 5000, 1) 20000 ёки 1 : 100, 1 : 1000, 1 : 5000, 1 : 20000 ва ҳоказо.

Агар бирор планинг масштаби 1 : 2000 бўлса, ундаги икки обьект орасидаги масофани қўйидагича топиш мумкин. Ўша икки обьект орасидаги масофа улчаниди, олинган миқдор сонли масштаб маҳражидаги сонга кўпайтирилади. Масалан, пландаги икки обьект орасидаги масофа 4 см бўлса, уни 2000 га кўпайтириш керак ($4 \times 2000 = 8000$ см ёки 80 м).

Агар масштаб график шаклида берилса, чизиқли масштаб деб айтилади. Чизиқли масштаб қисмларининг узунлигини кўрсатувчи ўлчов масштаб асоси дейилади. Масштаб асоси 1 см га тенг бўлади.

Чизиқли масштаб қисмлари О рақамдан бошлаб ҳисобланади. О рақам масштабнинг биринчи қисмидан кейин ўнг томонга ёзилади. Топографик план ва карталарда масофани аниқ улчаща чизиқли масштабнинг биринчи қисмидаги майда бўлаклар (миллиметрлар) жуда қулай келади. Шу сабабли сонли масштабга нисбатан чизиқли масштабдан амалда фойдаланиш анча қулай. Чунки чизиқли масштаб бўлганда план ёки картага қараб ҳақиқий масофани тўғридан-тўғри аниқлаш мумкин (26-расм).

Масштаблар кичрайтириш даражасига кура майда ёки йирик бўлиши мумкин. Сонли масштаб маҳражида кичик сон (1 : 5000) бўлса, йирик масштаб, аксинча катта сон (1 : 100 000) бўлса, майда масштаб дейилади. 1 : 100 000 масштаб 1 : 5000 масштабга нисбатан 20 марта майда.



26- расм. Чизиқлы масштаб

Градус түри. Ер шари параллел ва меридианларга ажратылғанда улар бир-бири билан кесишиб, қатор катақчалар (ячейкалар) ҳосил қиласы. Буни градус түри ёки географик түр дейилади. Географик түр дейилишининг сабаби шундаки, параллел ва меридианлар ёрдамида Ер юзасидаги хоҳлаган объектнинг (тоғ, дарё, күл, орол, құлтиқ, шаҳар, қишлоқ ва бошқа) географик үрнини (қайси кенглик ва узунлик да жойлашғанлигини) тезда аниқлаб олиш мүмкін.

Градус түри параллел, меридиан, құтб, экватор каби элементлардан ташкил (II бобга қараңг) топған.

Ер юзасининг ҳар бир нүктасидан битта параллел ва битта меридиан үтказиш мүмкін. Бинобарин, Ер юзасини хоҳлаганча параллел ва меридианга ажратса бұлади. Лекин құлай бұлсın учун глобус ва карталарда параллел ва меридианлар ҳар 10° , 15° ; 20° каби йирик сонлардан үтказилади.

Параллеллар ичидә энг қаттаси, бу Ер шарининг қоқ үртасидан үтган айланы — экватор ҳисобланади. Экватордан қутблар томон параллеллар айланаси кичиклашиб бораверади. Аксинча, меридианларнинг ҳаммасининг узунлиги бир хилдир.

Маълумки глобус ва карталар масштаби бир хил бұлмаганлиги сабабли параллел ва меридианлар оралиғидаги масофа ҳам үша глобус ва карта масштабига боғлиқ ҳолда ҳар хилдир. Ҳатто бир хил масштабли картанинг үзини ҳам ҳамма қисміда масофа турличады. Бу нөкүлайлик туфайли глобус ва карталарда маълум географик объект оралиғидаги масофани узунлик үлчовида үлчаб ҳисоблаш нотүғри булиб чиқады. Бинобарин, шундай үлчов бирлигини құллаш керакки, оқибатда хоҳлаган глобус ва карталар параллел ва меридианлари ёрдамида географик объектлар орасидаги масофани аниқ ҳисоблаб чиқылсın. Бундай үлчов бирлиги бу градус үлчовидир.

Градус үлчовида градус түри чизиқлари (параллел ва меридианлар) ёрдамида қизиқтирган объект ер юзасининг қайси

кенглик ва узунлигидаги жойлашганлигини тезда топиб, ҳисоблаб чиқилади.

Кенглик ва узунлик географик координатани ташкил этиб, у ер юзасида маълум объектнинг жойлашган ўрнини аниқ кўрсатувчи градус ўлчовининг ифодасидир.

Географик кенглик — бирон объектнинг экватордан қанчалик узоқда жойлашганлигини кўрсатувчи миқдор ҳисобланиб, у меридиан бўйлаб экваторнинг ҳар икки томонига қараб 0° дан 90° гача ҳисобланади.

Экватордан шимолий қутбга томон кетган ва градус билан ифодаланган масофа шимолий кенглик, жанубий қутбга томон кетган масофа эса жанубий кенглик деб айтилади. Одатда, кенглик ўрнига қисқача « ϕ » (грекча «фи» ҳарфи) кўйилади. Агар жанубий кенглик бўлса ўша « ϕ » ҳарфи олдига — (минус) белгиси, шимолий кенглик бўлса + (плюс) белгиси қўйилади. Масалан, Тошкент $+ \phi = 41^{\circ} 21'$.

Географик узунлик бу муайян жойнинг бошлангич меридиандан қанчалик узоқлигини кўрсатувчи миқдор. У бошлангич меридиандан ҳар икки томонга қараб 0° дан 180° гача ҳисобланади. 0° ли меридиан чизиги Гринвич обсерваторияси (Лондон шаҳри) устидан утказилган ва у бошлангич меридиан деб айтилади. Ўша 0° меридиандан шарқ томондаги (градус ҳисобидаги) масофани шарқий узунлик, гарб томондагисини фарбий узунлик дейилади ва 180° гача давом этади. Одатда узунлик ўрнига « λ » (лямбда ҳарфи) ишлатилади. Агар шарқий узунлик бўлса, ўша « λ » ҳарфи олдига + (плюс), гарбда бўлса — (минус) белгиси қўйилади. Масалан, Тошкент $+ \lambda = 69^{\circ} 3'$.

Карта ҳақида тушунча ва унинг пландан фарқи. Географик карта — бу ер юзаси ва ундаги табиий объектлар ҳамда ижтимоий ҳодисаларнинг қоғозга кичрайтирилиб туширилган тасвиридир.

Географик карталар тасвирланган територия майдонига кўра ярим шарлар картаси, материклар картаси, айрим давлатлар картаси каби карталарга бўлинади. Шунингдек, карталар мазмунига кўра умум географик ва маҳсус географик карталарга бўлинади.

Маълум материк, давлат ва ҳатто дунёнинг табиий географик ландшафти тасвирланган карталар умум географик карталар деб аталади. Бундай картада ландшафтнинг асосий элементлари — рельеф, дарёлар, кўллар, ботқоқликлар, музлар, мангу музлаб ётган ерлар, аҳоли пунктлари, йўллар ва ҳоказолар кўрсатилади (масалан, ярим шарлар табиий картаси ёки СССРнинг табиий картаси, Ўзбекистон ССРнинг табиий картаси).

Географик ландшафтнинг айрим элементлари кўрсатилса, бундай карта маҳсус географик карта дейилади. Масалан, ЎзССРнинг иқлим, тупроқ, ўсимлик ёки геологик карталари.

Географик карталар тасвирланган махсус күрсаткичларга күра, табиий ва иқтисодий карталарга бўлинади.

Умумгеографик, иқлим, тупроқ, ўсимлик карталари табиий географик карталарга киради.

Иқтисодий, сиёсий-маъмурий, аҳоли, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, тарихий карталар социал-иқтисодий карталардир.

Умумгеографик карталар масштабига кўра уч хил бўлади: кичик (обзор), ўрта топографик обзор ва йирик (топографик) карталарга бўлинади.


Масштаби 1 : 1 000 000 дан майдага бўлган умумгеографик карталар кичик масштабли карталар бўлиб, обзор карталар деб ҳам аталади. Олий ўқув юртлари учун чиқарилган карталар ана шундай карталардир. Масштаби 1 : 200 000 дан 1 : 1 000 000 гача бўлган карталар ўрта масштабли ёки топографик обзор карталар дейилади. Бундай карталар кўпроқ илмий-тадқиқот, лойиҳалаштириш ташкилотлари учун зарур.

Ниҳоят масштаби 1 : 100 000 ва ундан йирик бўлган карталар йирик масштабли ёки топографик карталар дейилади, улардан кўпроқ илмий ишлар олиб боришда, ҳарбий ишларда фойдаланилади.

Карта ўзининг тузилиши ва мазмуни жиҳатдан пландан қуидагида фарқланади:

1) Планда кичик ер участкалари тасвирланади, бинобарин планнинг масштаби йирик бўлади, жойдаги объектлар бирмунча батафсил тасвирланади. 2) Планда кичик жойлар тасвирланганида ер юзасининг дўмбоқлиги ҳисобга олинмайди. Географик карталарда эса ер юзасининг дўмбоқлиги ҳисобга олинади. Ер юзасининг дўмбоқ шакли ер юзасининг моделида, яъни глобусда айниқса тўғри кўрсатилган. Глобус ва карталарда градус тўрининг чизиқлари, яъни параллеллар ва меридианлар бўлади. Градус тўри — картанинг зарур қисми бўлиб, ҳар бир жойнинг аниқ ўрни (координатаси) нигина эмас, балки ер юзасининг дўмбоқлигини ҳам кўрсатади. Планда эса градус тўри бўлмайди. 3) Планда кўрсаткич — стрелкага қараб, картада эса градус тўрига қараб ориентировка қилинади. Карталарда Ер шарининг шимол ва жануб томонлари меридиан чизиқлари билан, гарб ва шарқ томони эса параллеллар билан аниқланади.

Глобус — Ер шарининг модели бўлиб, унда Ернинг шарсизмонлиги тўғри ифодаланади. Глобусда масштаб унинг ҳамма қисмida бир хил бўлади. Карталарда эса тасвирланган объектнинг масштаби картанинг турли қисмida турлича бўлади. Картадаги хатолар ернинг дўмбоқ юзасини текис қофозда тасвирлашдан келиб чиққандир. Картадаги хатоларнинг характеристи ва катта-кичиклиги уларнинг картографик тўрига боғлиқ. Глобусда меридианларнинг ҳаммаси бир-бирига тенг ва параллеллар билан кесишиганда тўғри бурчак ҳосил қиласди. Картада эса меридианлар ва параллеллар орасидаги карталарнинг шакли ва



27-расм. Глобус юзасининг текисликада ёйтталган кўришиш

ҳажми бир хил бўлмайди, бинобарин, бу майдонларни картада тасвирлашда маълум хатога йўл қуйилади. Глобусда географик объектлар унинг ҳамма қисмидаги хатосиз берилади. Лекин глобуснинг шарсимон юзасини текисликада ёйилганда қат-қат бўлиб, узилиб очиқ қолган жойларсиз кўрсатиш мумкин эмас (27-расм).

Дунёда илмий жиҳатдан аниқ, пухта бўлган глобусни биринчи марта Мартин Бехаймдан¹ 500 йил илгари 995 йили Ўрта осиёлик буюк олим Абу Райхон Беруний ишлаган. Беруний глобусидан градус тўрлари яхши ифодаланиб унда денгиз ва океанлар, материклар ҳамда ороллар, аҳоли яшайдиган жойлар тўғри туширилган. Беруний глобусидан градус тўрлари ёрдамида маълум объектлар орасидаги масофаларни ва ҳатто уларнинг географик координаталарини бемалол аниқлаш мумкин бўлган.

Картографик проекциялар. Ер юзасининг объектларини картада (текисликада) аниқ тасвирлаш усусларини картографик проекциялар дейилади. Демак, географик карта ер юзасининг текисликада муайян картографик проекцияда ва масштабда шартли белгилар билан кичрайтирилган тасвиридир.

Карта тузиш учун бир неча хил проекциялар ишлатилади. Баъзи проекция-

¹ Шу кунгача биринчи илмий глобусни 1492 йили Мартин Бехайм ишлаган деб келинар эди.

ларда майдоннинг шакли (катта-кичиклиги) ва чизиқлар узунлиги ҳақиқий масштабдан фарқ қиласи, лекин бурчаклар чизикларнинг йўналиши) картага тўғри туширилади. Бундай проекциялар тенг бурчакли проекциялар деб айтилади. Бошқа проекцияларда эса бурчаклар нотуғри кўрсатилади, лекин майдонларнинг катта-кичиклиги бирмунча тўғри берилади. Бундай проекциялар тенг майдонли проекциялар деб юритилади. Учинчи хил проекцияларда эса чизиклар, бурчаклар ва майдонлар нотуғри тасвирланади. Аммо бундаги хатолар тенг бурчакли ва тенг майдонли проекцияларга қараганда камроқ бўлади. Бундай проекциялар ихтиёрий проекциялар дейилади.

Карталардаги хатоликлар — бурчак, узунлик, майдон ва шакл каби хатоликлардан иборат: бурчакларнинг картадаги миқдори жойда ўлчанган бурчакларга тўғри келмайди; картанинг турли қисмларида ўлчанган масофалар (узунлик) бир хил масштабга (узунликка) эга эмас; объектларнинг картада тасвирланиш шакли ва майдони ер юзасидаги ҳақиқий объектнинг шакли ва майдонита тўғри келмайди.


Глобуснинг градуслар тўрини картага ўтказишдаги хатоликлар энг аввало уни ёрдамчи геометрик юза (конуссимон, цилиндрик сиртга ва бошқ.) ёрдамида ўтказиб (тушириб), сунгра текис ёйилишидан келиб чиқади, глобуснинг градуслар тўрини картага геометрик сирт ёрдамида тушириб, сунгра текис ёйишнинг бир неча усуслари мавжуд. Географик объектларни карта (текислика) курсатишда ёрдамчи геометрик сиртларнинг турларига (тузилишига) қараб уларни қўйидаги картографик проекцияларга ажратиш мумкин: азимутал, цилиндрик, конуссимон, шартли (М. Д. Соловьев) ёки эгри перспектив цилиндрик.

1. Азимутал проекция ўз навбатида тўғри, эгри (қийшиқ) ва экваториал каби азимутал проекцияларга бўлинади.

Агар Шимолий Муз океанини картага тушириш зарур бўлса, унда тўғри азимутал проекциядан фойдаланилади. Бунда глобуснинг шимолий қутби устига текислик қўйиб, ундан градус тўрлари ўтказилади. Бунда меридианлар тўғри чизик, параллеллар эса айланга ҳосил қиласи. Сунгра унга географик объектлар туширилади. Бу проекцияда хатоликлар картанинг четларида катта бўлади (28-а расм).





Шимолий Американи картага тушириш керак бўлса, унда қийшиқ эгри азимутал проекциядан фойдаланилади. Бунда глобусдаги Шимолий Америка юзаси устига текислик қийшиқ қилиб жойлаштирилади. Сунгра градус тўрлари туширилади, материк шакли чизилади ва бошқа географик объектлар жойлаштирилади. Бундай карталарда хатоликлар унинг четларида катта бўлади (28 б-расм).

Ярим шарлар картасини глобусдан кўчириш керак бўлса, унда экваториал азимутал проекциядан фойдаланилади. Бунда глобуснинг экватор чизигининг қарама-қарши томо-



28- расм. Картографик проекциялар:

- а — Тұғри азимутал проекция,
- б — Кийшиқ (эгри) азимутал проекция,
- в — Экваториал азимутал проекция.



г — Цилиндрик проекция;
д — Конуссимон проекция,
е — Эгри перспектив — цилиндрик (шартли ёки М. Д. Соловьев проекцияси).

нига текислик жойлаширилади. Сұнгра текислик юзасидан глобуснинг экватор нүқтасига тұғрилаб градус тұрлари ұткази-лади, географик объектлар туширилади. Бунда текисликтің глобус сиртига тегиб турған нүқтадан үтган меридиан тұғри чизиқли булып, қолған меридианлар әгрироқ (чүзинчоқ) лиги туфайли глобусдаги меридианлардан узокроқ булади. Демак, тұғри чизиқли меридианды хатолик кам булып, ундан ҳар то-монга қараб картадаги хатолик ортиб боради (28 в-расм).

2. Цилиндрик проекцияда градус тұрлари ва гео-график объектлар глобусга кийдирилған цилиндр юзасига ту-ширилади. Цилиндр ёйиб юборилғач меридиан ва параллеллар тұғри бурчакли тұр ҳосил қилади. Бу проекцияда цилиндр де-ворига тегиб турған территориялар аниқ, хатосиз туширилади, ундан ҳар томонга қараб хатолар ортиб боради (28 г-расм).

3. Конуссімөн проекцияда глобус юзасига конус кийдирила-ди ҳамда унинг ички деворларига градус түри ва географик объекслар туширилади. Сұнгра конус ёйиб юборилғач унинг ички деворларыда карта вужудға келади. Конуссімөн проек-цияда параллеллар 47° ва 62° ш. к. да кесишади. Бу параллел-лар хатолар нолга тең бұлған чизиқлар дейилади ва картада курсатилған масштаб сақланиб қолади. Шунингдек, масштаб унинг ҳамма меридианларыда ҳам сақланиб қолади. Бу про-екция ёрдамида ишланған карталарда, жумладан СССР картасыда хатоликлар камроқ булып, улар юқори кенглікларга (Франц-Иосиф Ери ва бошқа.) борған сары катталашади (28 д-расм).

4. Эгри перспектив—цилиндрик (шартли ёки М. Д. Соловьев проекцияси ёрдамида бошланғич синф-лар учун СССР картасини тузиш методик жиҳатдан мақсадға мувофиқдір. Бу проекцияда меридианлар әгри чизиқлар ҳосил қилиб, шимолий қутбда туташади, параллеллар эса ёй шак-лида жойлашади. Шу сабабли бу проекцияда СССРнинг шимолий қисми, хусусан Челюскин бурни қуруқликтің энг чекка нүқтаси сифатыда яқжының күрініб туради. Ваҳоланки, конуссі-мөн проекция ёрдамида тузылған СССР картасыда қуруқликтің энг шимолий нүқтаси гүёки Кола ва Чукотка ярим оролыда жойлашғандек булып қолған. Булардан ташқары М. Д. Со-ловьев проекциясыда меридианлар әгри чизиқ ҳосил қилиб, ши-молий қутбда туташғанлығы туфайли Ернің шарсімоналигінің ҳам намоён этади. Лекин бу проекцияда хатоликлар бошқа проекция асосыда ишланған карталарга нисбатан күп. Шунга қарамай М. Д. Соловьев проекциясынің афзаллығы, бириңчи-дан, унда СССРнинг энг шимолий қуруқликтің нүқтасинің тұғри курсатилғанлығы, иккінчидан Ернің шарсімоналигінің қисман бұлсада акс эттиришлигидір. Бу проекция асосыда тузылған СССР картасыда 80° параллел ва 100° меридиан устида хато-лар кам, ундан ҳар томонга хатоликлар ортиб боради (28 е-расм).

Лекин шуни әсдан чиқармаслик керакки, картографик тұр

туфайли картадаги барча хатолар Ернинг дўмбок юзасини текислик (карта)да тасвирилашдан келиб чиқади, лекин бу хатолар картада кўрсатиладиган объектларнинг географик ўрнини аниқ тасвирилашга таъсири қилмайди. Шундан кўриниб турибдик, ҳар қандай карта (проекциясидан қатъи назар) — Ер юзасининг математик аниқ тасвиридир.

Топографик план ва картанинг аҳамияти. Ҳозирги даврда кишиларнинг кундалик фаолиятини картасиз тасаввур этиш жуда қийин. Карта халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ҳам зарурдир.

Карта ва топографик план, аввало ер ҳақида билим беришда муҳим кўргазмали ўқув қуролидир. План ва географик карталардан илмий-тадқиқот, қидирув, лойиҳалаш, қурилиш, транспорт ва ниҳоят ҳарбий ишларда кенг фойдаланилади. План ва карта саёҳат, туристик поход ва экскурсияларда ҳам қўлланилади.

Ирик масштабли топографик карталар география, геология, геоботаника, турроқшунослик ва бошқа фанлардан илмий ишлар олиб боришда зарур манба ҳисобланади.

Ирик масштабли топографик карталар айниқса геологик қидирув ишларида, канал, коллектор, сув омбори, ГЭС, завод ва бошқа иншоотларни лойиҳалашда, янги ерларни ўзлаштиришда ҳам жуда зарурдир.

Карталар мазмуни жиҳатидан жуда бой географик маълумотларга эга бўлиб, ҳар бир маданиятли киши уни ўқий билиши, яъни фойдаланиш ўйларини тушунишлари керак. Картани ўқий билиш деганда ундаги ёзувларни эмас, балки шартли белгилари ёрдамида географик маълумотларни анализ ва синтез қила билишлари зарур. Агар ўқувчи карталардаги ўша географик маълумотларни ўқий билиш малакасига эга бўлса, унда табиий объектларни жойлашиш қонуниятларини, уларнинг бирбирига боғлиқлигини маҳсус карталарни (рельеф, иқлим, турроқ ва бошқ.) солишибтириб, яхши тушуниб олиши мумкин. Бу эса карталар аҳамиятини янада оширади ва кузатувчидаги карталар устида ишлаб хулосалар чиқариш малакасини шакллантиради.

Карталарнинг яна бир аҳамияти шундаки, улар ёрдамида маълум географик объектнинг узунлигини, кенглигини, майдонини, баланд-пастлигини ва бошқаларни билиб олиш мумкин.

Савол ва топшириклар. 1. Горизонт нима ва унинг қандай асосий томонларини биласиз? 2. Ориентирлашни қандай усуллари мавжуд? 3. Гномон ёрдамида горизонт томонлари қандай аниқланади? 4. Географик ва магнит меридианлари бир-бираидан қандай фарқ қиласи? 5. План нима ва у топографик картадан қандай хусусиятлари жиҳатидан фарқ қиласи? 6. Карталарнинг легендаси нима ва унинг қандай аҳамияти бор? 7. Карталар масштабининг аҳамияти нималардан иборат? 8. 1:25000; 1:50000; 1:100000; 1:1000000; 1:60 000 000 каби сонли масштабларни чизиқли масштабга айлантиринг. 9. 1 см=10 м; 1 см=50 м; 1 см=100 м; 1 см=1000 м. 1 см=2 000 м чизиқли масштабни сонли масштабга айлантиринг. 10. Карта нима ва у қандай хусусиятлари билан пландан фарқ қиласи? 11. Масштаби жиҳатидан карталар

қандай турларга бўлинади? 12. Глобус нима ва у қандай афзаллик томонлари жиҳатидан картадан фарқланади? 13. Қандай картографик проекциялар мавжуд? СССР табиий картаси қайси проекция асосида тузилган? 14. Карталардан жой баландлиги, чуқурлиги, узунлиги қандай қилиб аниқланади? 15. Карта ва планнинг аҳамиятини гапириб беринг.

V боб

ЕРНИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ. ЕРНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

Ер шари турли хил қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалардан иборат бўлиб, бу моддалар солиштирма оғирлигига қараб жойлашган.

Солиштирма оғирлиги каттароқ бўлган моддалар Ернинг ядро қисмida, аксинча, енгилроқлари эса устки қисмida жойлашган. Ернинг устки қисми (ер пўсти) кўпроқ кислород, кремний ва аммоний кабилардан иборат бўлса, ундан пастки қатлами — мантия кремний, магний ва темир каби моддалардан, Ер ядроси эса, асосан, темир ва никель каби оғир моддалардан таркиб топган.

4- жадвал

Ернинг ички қисмiga тушган сари зичлик, босим ва температуранинг ўзгариб бориши

Чуқурлик (км)	0	400	1000	2900	5100	6730
Зичлик (г см^3 ҳис.)	2,7	3—3,5	4,4	5,3	12,2	12,5
Босим (млн. атм ҳис.)	0	0,2	0,4	1,37	3,2	3,5
Температура (градус)	—	1500	2800	3600	4000	4000 дан ортиқ

Ернинг ички қисмiga тушган сари радиоактив моддаларнинг парчаланиши туфайли иссиқлик ортиб боради. Ер ядросида ҳарорат 4000—5000°га етади. Шу туфайли у ердаги моддалар ўта эластик ҳолатда бўлади. Ернинг ички қисмiga тушган сари зичлик ва босим ҳам орта боради. Буни қўйидаги жадвалдан билиш мумкин. Ернинг ички қисмининг тузилиши ва уни ташкил этувчи моддалар ҳақидаги маълумотлар инсоннинг билвосита кузатишлари (ҳар хил методлар — сейсмик, гравитацион, электрик ва бошқ. ёрдамида) натижасида аниқланган. Чунки шу кунгача кишилар Ернинг 13 км чуқур қисмигача (СССР Қола ярим оролида) пармалаб тушган, холос. Шу туфайли Ернинг ички қисми қандай жинслардан тузилганлиги, уларнинг зичлигини, солиштирма оғирлигини, температурасини геофизик текширишлар, хусусан, сейсмик метод ёрдамида аниқланган. Сейсмик метод Ернинг ички қисмини ёритиб турувчи фонар вазифасини ўтайди. Бу методда зилзила ёки портлатиш таъсирида тўлқинлар вужудга келтирилади. Одатда сейсмик тўлқинлар бўйлама ва кўндаланғ деб аталувчи икки қисмга бўлина-

ди. Сейсмик тұлқинлар зилзила ўчогидан (марказидан) турли тезликда тарқалади. Агар бүйлама тұлқинлар зилзила ўчогидан 10 мінг км масофага 13 минутда етиб борса, күндаланг тұлқин 8—10 минутдан сұнг, яғни 22—23 минутда етиб келади. Зилзила марказидан тарқалған бүйлама тұлқинни сейсмограф бириңчи қабул қылғанлиғы туфайли уни латинча «Р» ҳарфи (латинча *rīta* — бириңчи) билан, сұнgra күндаланг тұлқин етиб келғанлигидан «S» ҳарфи (латинча *secunda* — иккінчи) билан белгиланди.

Бүйлама ва күндаланг сейсмик тұлқинларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг Ернинг ички қисмінде тарқалишига боялық. Маълумотларга күра бүйлама тұлқинлар ҳар қандай мұхитда ҳам (қаттық, суюқ, газсимон моддалар) тарқалаверади. Аксинча, күндаланг тұлқинлар эса фақат қаттық жинслардан үтиб, суюқ ва газсимон моддаларда сұниб қолади. Сейсмик тұлқинларнинг ўша хусусиятлари ёрдамида олимлар Ернинг ички қисми қандай моддалардан тузилғанлигини аниқлаган. Агар Ернинг ички қисми бир хил моддалардан тузилганды әди, унда тұлқинларнинг йұналиши ва тезлиги бир хил бұлған бұлур әди. Аслида Ернинг ички қисми турли хил моддалардан тузилғанлиги сабабли сейсмик тұлқинларнинг үтиш йўли ва тезлиги кескин ўзгаради.


Сейсмик тұлқинларнинг кескин ўзгарадиган бириңчи зонаси, Ер юзасидан таҳминан 60 км чуқурлиқда юз беради: бу чуқурлиқда бүйлама (*P*) тұлқинлар тезлиги секундига 5 км дан 8 км га ошади, сұнgra тезлик ошаверади ва 2900 км чуқурлиқда 13 км га етади. 2900 км чуқурлиқдан сұнг бирданига тезлик камайыб секундига 8 км га тушади. 2900 км дан чуқурлашган сари Ер марказигача бүйлама тұлқинлар тезлиги яна ортиб, секундига 11 км ни ташкил этади (29-расм).

Күндаланг тұлқинлар Ернинг 2900 км ички қисмінде етиб бориб, сұнgra ундан чуқурға ўтмай қайтади (29-расм).

Бүйлама сейсмик тұлқинлар тезлигининг 60 ва 2900 км чуқурлиқда кескин ўзгариши бу чуқурликларда моддалар зичлигінинг ўзгаришини билдиради. Сейсмик тұлқинларнинг чуқурлиқка түшган сари ўзгаришини ҳисобға олиб, австралиялық геофизик К. Буллен Ернинг ички қисмини 7 та қатламға — A, B, C, D, E, F, G ажратған. Күпчилик геофизик олимлар бу қатламларни умумлаштириб учта геосферага: Ер пусты, мантая, Ернинг ядрасында ҳам ажратади.

A — Ер пусты Ер юзасидан Мохо¹ чегарасында бұлған жойларни ўз ичига олиб, бутун Ер ҳажмининг 0,8% ини, Ер массасининг 0,4% ини ташкил этади. Ер пустининг қалинлиғи материкларда 40—80 км, океанлар тубида 5—10 км дир.

¹ Ер пустининг қуйи қисмінде юқори температура ва кучли босим таъсирда жинслар эластик қолда бұлади. Бундай эластик жинслар сейсмик тұлқинларни тез үтказади. Уни бириңчи бұлыб югославиялық геофизик С. Мохорович аниқлади. Шу сабабли ўша чегараны (54 км чуқурда) Мохорович әки Мохо чегарасы дейилади.



29- расм. Ерда бүйлама (P) ва құндаланғ (S) тұлқынларның тарқалиши. Харблар К. Буллен бүйіча Ернинг қатламларига түғри келади

Ер пүсти үзининг физик хусусиятларига хусусан, сейсмик тұлқынларның тарқалиш тезлигиге күра уч хил жинслар қатламидан иборат: чүкінди жинслар (бүйлама тұлқынлар (P) тезлиги секундига 2,0—5,0 км, гранитли жинслар ($P=5,5$ — 6 км/сек) ва базальт жинслар ($P=6,5$ — $7,8$ км/сек).

Моҳо чегарасидан 2900 км чуқурлуккача бұлған жойлар мантія деб аталиб, у химиявий таркиби ва сейсмик тұлқынларни тарқалиш тезлигиге күра бир-биридан фарқланувчы В, С, Д каби қатламларга бүлинади. Мантія бутун Ер ҳажміннің 83% ини, Ер массасининг 68% ини әгаллады.

В — юқори мантія Моҳо чегарасидан қуида 400 км чуқурлуккача давом этади. Бу қатlam ультра асосий жинслардан, хусусан дунит, преидотит кабилардан ташкил топған.

В — қатламнинг устки қисміда (Моҳо чегараси остида) тұлқынлар тезлиги үзгариб, тезлашади. Лекин материкда 100—120 км чуқурлукда океанлар тубида 50—60 км да эса тұлқынлар тезлиги сусаяди. Сұнгра сейсмик тұлқынлар тезлиги яна ортади. Шундай қилиб В қатламининг 70—150 км чуқурлук қисміда сейсмик тұлқынлар тезлиги сусайған область — астеңосфера жойлашган. Астеңосферадан юқорида ва қуида жойлашган чуқурлукларда эса тұлқынлар нисбатан тез ҳараланади. Астеңосферада зичлик 3 — $3,5$ г/см³, босим 150 — 200 минг атмосферани ташкил этиб, температура тез күтарилиб (1000 — 1500°C), эриш нүктасига етади. Натижада босимнинг сал пасайиши туфайлар астеңосферадаги моддалар Эриб магманы ҳосил қиласы да у ер ёриқлары орқали юқорига қараб ҳаралат қиласы да.

лашлар ўчоги (маркази) сифатида геологик жараёнлар тарақ-күйетида актив иштирок этади.

С—ұткинч қатlam 400—950 км чуқурликларда жойлашиб, уни ташкил этувчи жинслар юқори мантиядаги жинсларга ұхшаш. Лекин бу қатламда зичлик ортиб, 4—4,5 г/см³ га, босим күтарилиб, 200—400 минг атмосферага, температура эса 2800°С га этади.

Д—қуий мантия 950—2900 км чуқурликларни үз ичига олади. Бу қатламда темир, магний кабилар бўлиб, улар кучли босим ва нисбатан юқори температура таъсирида зичлашиб (5,2 г/см³), қаттиқлашиб кетган. Бу эса сейсмик тўлқинларни тез тарқалиши учун имкон беради. Д—қатламининг қуий қисмида бўйлама (Р) тўлқин тезлиги планетамиз бўйича максимумга етиб, секундига 13,6 км га этади. Д—қатламининг энг қуий қисмида (2900 км чуқурликда) бўйлама тўлқин тезлиги бир оз сусайиб, секундига 12,6 км га тушади. Қуий мантиянинг Ер ядросига ўтиш қисмида зичлик кескин ортиб, 9,4 г/см³ га, температура күтарилиб 3600°С га, босим ортиб 1000—1300 минг атмосферага этади.

Ер ядроси 2900 км дан 6371 км гача бўлган чуқурликларни үз ичига олади. Ер ядроси планетамиз ҳажмининг 16,2% ини, Ер массасининг 31,6% ини ташкил этади.

Ер ядроси үз навбатида бир-биридан фарқланувчи Е, F, G каби қатламларга бўлинади.

Е—ташқи ядро 2900—4980 км чуқурликларда жойлашган. Бу қатламда моддалар суюқ ҳолатда бўлиб, бўйлама тўлқинлар тезлиги аввало кескин пасайиб, секундига 8 км га тушиб қолади, сунгра эса аста-секин тезлашиб, қуий қисмида секундига 10,5 км га кўтарилади. Бўйлама тўлқин тезлигига пропорционал ҳолда зичлик ҳам ортиб, 9,4 дан 11,5 г/см³ га күтарилади.

F—ұткинчи қатlam үз ичига 4980—5120 км чуқурликларни олади. Бу чуқурликларда бўйлама тўлқинлар тезлиги ортиб боради.

G—Ички ядро 5120 км дан Ернинг марказигача бўлган чуқурликларда жойлашган. Ернинг бу қатламида зичлик 13,7 г/см³ га, босим 3,5 млн. атмосферага, температура 5000° га этади (30 расм, 5-жадвал).

Литосфера. Литосфера — мураккаб тузилишига эга бўлган, асосан қаттиқ тоғ жинс-



30-расм. Ернинг геосфераларининг жойлашиши

(В. С. Милвинчук, М. С. Арабаджи бўйича)

Ернинг ички тузилиши ҳақида маълумот (К. Й. Борсуков, В. С. Урусов, 1983; В. С. Мильничук, М. С. Арабаджи, 1979 маълумотлари асосида тузилди)


Қаватлар номи	Чуқурлиги, чегараси, км	Боғим, атм	Температураси, °C	Зиҷлиғи, г/см³	Кобикларниң ҳақици, %	Кобикларнинг маъсаси (зуммий Ер маъсасига нисбати), %
A — Ер пусті	0—Моҳо чегараси	50—60 минг	1000 гача	2,5—3,3	0,8	0,4
B — Юқори мантия	Моҳо—чегарасидан 400	60—200 минг	1000—2800	3,4—3,6	16,0	10,0
C — Ўткинч қатлам	400—950	200—400 минг	2800	4—4,5	10,0	8,0
D — Қуий мантия	950—2900	1000—1300 минг	3600	5,2—9,4	57,0	50,0
E — Ташқи ядро	2900—5080	1300—2000 минг	4000	9,4—11,5	15,4	
F — Ўткинч қатлам	5080—5120	2000—3000	4500	11,5 12,0	—	31,6
G — ички ядро	5120—6371	3,5 млн.	5000	13,7	0,8	

ларидан ташкил топган сфера. У ўз ичига Ер пустини ва юқори мантияниң астеносферасигача бўлган қисмини олиб, 200 км чуқурликкача давом этади (31-расм).

Литосферани ташкил этган жинсларнинг химиявий хоссалари яхши ўрганилган эмас. Фақат унинг устки қисмини ташкил этувчи Ер пусті озми-кўпми текширилган. А. П. Виноградовнинг маълумотига кўра Ер пустининг химиявий таркиби қуидагича: бутун Ер пустининг 99,79% кислород (47,2%), кремний (27—60%), алюминий (8,60%), темир (5,1%), кальций (3,60%), магний (2,1%), водород (0,15%) кабилардан, қолган 0,21% и эса И. Д. Менделеев даврий системасидаги бошқа барча элементларга тўғри келади.

Литосфера географик қобиқнинг бир қисми сифатида жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки Ер юзасида содир бўладиган барча табиий географик жараёнлар литосфера ва унинг ривожланиш эволюцияси билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Бундан ташқари кишилик жамиятининг бутун ҳаёти литосфера юзасида у билан ўзаро алоқада содир бўлади.

Литосфера узоқ вақт давом этган геологик жараёнлар таъсирида вужудга келган магматик, чўқинди ва метаморфик



31-расм. Ер пустыни литосферанинг тузилиши

А. Континентал (материк типли) Ер пустыни: 1 — чўкинди жинс; 2 — гранитли — метаморфик жинслар; 3 — базальт жинс; 4 — юқори мантия; 5 — астеносфера. Б. Океан типли Ер пустыни: 1 — океан сувлари; 2 — чўкинди қатлам; 3 — базальт қатлам; 4 — юқори мантия; 5 — астеносфера

жинсларнинг йифиндисидан ташкил топган. 31-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, литосферанинг устки қисмини ташкил этувчи Ер пусты материк ва океан типли бўлиб, улар бир-биридан фарқланади. Материк типли Ер пусты уч қатламли ётқизиқдан — чўкинди, гранитли — метаморфик ва базальт каби жинслардан ташкил топган бўлиб, зичлиги океан типли Ер пустидаги жинсларга нисбатан камроқ бўлиб, ўртача $2,65 \text{ г}/\text{см}^3$ дир. Шу сабабли у океан типли Ер пусты устидан кўтарилиб («сузиб») туради. Материк типли Ер пусты литосферадаги энг қадимий вужудга келган жинслар бўлиб, ёши 3,0 млрд. йил ҳисобланади.

Океан типли Ер пусты икки қатламли бўлиб, асосан базальтили жинслардан ташкил топган бўлиб (ўртача зичлиги $2,85 \text{ г}/\text{см}^3$), унинг устини эса юпқа (қалинлиги 0,6—1,0 км) чўкинди жинслар қоплаб олган. Гранитли қатлам эса умуман учрамайди.

Океан типли Ер пустидаги чўкинди жинслар нисбатан ёш ҳисобланаб, 100—150 млн йилни ташкил этади.

Шундай қилиб, литосферани ташкил этувчи жинслар орасида энг кўп тарқалгани магматик ва метаморфик йўл билан вужудга келган ётқизиқлар ҳисобланаб, бутун Ер пустидаги ётқизиқларнинг 90% ини ташкил этади. Лекин географик қобиқ учун аҳамиятлиси литосферанинг энг устки қисмини қоплаган ва унча қалин бўлмаган (ўртача қалинлиги 2,2 км) чўкинди жинслардир. Чунки географик қобиқдаги барча динамик жараёнлар ўша жинсларда содир бўлади ҳамда у билан ҳаво, сувва тирик организм узвий kontaktда бўлиб, турли хил географик процессларда актив иштирок этади.

Литосферадаги чүкинди жинслар орасида кенг тарқалгандар А. Б. Ронов маълумотича лой ва лойли сланец (50%), қум ва қумтош (23,6%), оҳак, доломит ва бошқа карбонатли жинслар (23,49%) дир.

Литосферанинг континентал қисмининг ташқи қиёфаси (рельефи)ни ташкил этувчи тоғлар, ясси тоғлар, қирлар, текисликлар, ботиқлар яхши ўрганилган. Лекин океан қисмининг рельефи ҳали яхши ўрганилган эмас. Сўнгги 15—20 йил ичидаги ўтказилган текширишлардан маълум бўлишича океанларда бир-бiri билан туташиб кетган сув ости тоғ тизмалари бўлиб, улар яхлит тоғ занжирини ҳосил қилган. Хусусан, Шимолий Атлантика сув ости тоғининг давоми Норвег денгизидаги ва Шимолий Муз океанидаги сув ости тоғларига туташган. Шимолий Атлантика сув ости тоғи жанубда Африкани айланиб ўтиб, Ҳинд океанидаги Карлсберг тоғига, ундан Австралия ва Антарктида оралигидаги тоғлар орқали Жанубий Тинч океан ва Шарқий Тинч океан сув ости тоғлари билан туташиб кетади. Уша сув ости тизмаларининг, масалан, Ўрта Атлантика тизмасининг энг баланд чўққилари океан сатҳидан кўтарилиб Исландия, Азор, Воскресения каби оролларни вужудга келтирган.

Океан остидаги уша тизмалариниг марказий қисмларида чуқур ёриқлар, ботиқлар жойлашиб, улар рифт водийлари деб атлади. Океанлардаги энг чуқур жойлар, вулкан ҳодисалари ва сейсмик жараёнлар кўпроқ уша рифт водийлари билан боғлиkdir.

Литосферанинг континентал ва сув ости рельефи, уни ташкил этувчи минераллар, жинслар Ер шарининг узоқ давом этган эволюцияси таъсирида ўзининг бирламчи ҳолатини ўзgartган ва бу ўзгариш ҳамон давом этмоқда. Литосферадаги бу ўзгаришлар энг аввало Ернинг геологик жараёнлари таъсирида содир бўлган. Геологик жараёнлар эса Ернинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) энергияси туфайли содир бўлган.

Ернинг ички энергияси натижасида литосферанинг рельеф шакллари вужудга келиб, вулканлар отилиб, сейсмик ҳодисалар рўй беради. Аксинча, ташқи энергия манбаи Қуёш таъсирида шамол, ёғин, дарёлар, тирик мавжудотлар вужудга келиб улар таъсирида музлар ҳаракатланади, денгиз тўлқинлари содир бўлади. Ернинг уша ташқи энергияси таъсирида вужудга келган омиллар эса литосфера юзасининг нураб, ювиб, оқизиб, учириб, эритиб уни текислайди, силликлайди. Бу икки энергиянинг ўзаро таъсирида литосферанинг ҳозирги рельеф шакллари вужудга келган.

Ернинг иссиқлиги. Ер шарининг юзасидаги иссиқлик Қуёшдан келаётган энергиянинг маҳсулидир. Лекин Ернинг ички иссиқлигининг манбаи Қуёш нури эмас. Чунки Қуёшдан Ер юзасига тушадиган иссиқликнинг фақат 1/5000 қисмигина унинг ички қисмларига ўтади. Чуқурликдаги ҳарорат Ернинг ички иссиқлиги — моддаларнинг сиқилишдан ва радиоактив модда-

ларнинг парчаланиш процессидан вужудга келгандир. Шу сабабли Ернинг энг устки қисмida Қуёшнинг таъсирида суткалик температура 1 м чуқурликкача, йиллик температуранинг ўзгариши эса 30—40 м чуқурликкача сезилади.

Маълум чуқурликда ҳарорат деярли доимо ўзгармай турди. Бу қатлам нейтрал қатлам дейилади. Нейтрал қатлам турли жойларда, турлича чуқурликларда жойлашгандир. Экваторда нейтрал қатлам 10—15 м чуқурликда бўлса, кескин континентал иқлими ўртacha минтақада 25—40 м чуқурликда бўлади. Нейтрал қатламнинг қуйи қисми чуқурлашган сари температура кўтарилиб боради. Ўртacha ҳар 33 м чуқурлашган сари температура 1° дан ошиб боради. Буни геотермик босқич дейилади. Шундай қилиб, Ер шарининг, хусусан географик қобиқнинг иссиқлик манбай бу экзоген ва эндоген йўл билац вужудга келган энергиядир.

Ерга космосдан келаётган барча энергия экзоген энергия дейилиб, унинг асосий қисмини Қуёш эгаллайди. Чунки экзоген энергиянинг 97% дан ортифи Қуёшнинг электромагнит нурланишидан вужудга келади ва у атмосфера, гидросфера ва биосферадан ўтиб, сўнгра Ер пўстига етиб келади. Агар атмосферанинг юқори чегарасида Қуёшдан келаётган энергиянинг йиллик миқдори $1,37 \times 10^{21}$ ккал бўлса, унинг бир қисми атмосферада сарфланиб, ўзгариб фақат Ер юзасига йилига $5,5 \times 10^{20}$ ккал энергия етиб келади. Ер юзасига етиб келган энергиянинг яна 7% и ҳавода, гидросфера, биосфера ва литосфера юзасидан кўтарилиб, қайтиб кетади. Демак, Ер юзасига эндоген энергиянинг фақат 40% га яқини етиб келади, холос. Уша Ер юзасига етиб келаётган энергиянинг фақат беш юздан бир қисминигина тирик организм ўзлаштиради.

Экзоген энергияга инсон ва унинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ҳамда географик қобиққа тарқалаётган энергия ҳам киради. Бу энергия тури йил сайин ортиб бормоқда. Агар 1970 йили у йилига 10^{16} ккал ни ташкил этса, 2100 йилга бориб 10^{19} ккал га етади.

Экзоген энергияга эга денгиз сувининг қалқишидан ва тўлқинларидан вужудга келган энергия, дарё энергияси, ядро энергияси ва келажакдаги водород (водороддан гелийни синтез қилиш туфайли) ёқилги энергияси ҳам киради.

Географик қобиққа Ернинг ички қисмидаги иссиқлик ҳам таъсир этиб, уни эндоген энергия дейилади. Эндоген энергиянинг асосий манбай юқорида қайд қилинганидек моддаларнинг сиқилишидан ва радиоактив моддаларнинг парчаланишидан вужудга келади.

Эндоген энергия географик қобиққа таъсир этиб, у вулканларни отилиши, зилзила ва Ер пўстининг тектоник ҳаракати кўринишида намоён бўлади. Лекин эндоген энергиянинг таъсири ер юзасидан чуқурлашган сари ортиб боради: агар 10 км ернинг чуқурлик қисмida температура 180°C бўлса, у 20 км да

270°C га, 50 км да 620°C га, 100 км да 1250°C га, 200 км чуқурлика эса 1950°C га етади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, географик қобиқдаги барча жараёнлар асосан экзоген энергияга боғлиқ ҳолда содир бўлади. Бу энергия таъсирида гидросферадан сув буғланади, ёғинлар вужудга келади, биосфера да фотосинтез жараёни содир бўлади, қисқаси географик қобиқда модда ва энергия алмашинуви содир бўлади. Шундан кўриниб турибдики, модда ва энергиянинг географик қобиқда тарқалиши, унинг сфераларида бир-биридан ажралган ҳолда эмас, аksинча ўзаро боғланган ҳолда таъсир этиб, ўтиб туради.

Демак, Ер шарининг геосфералари бир-бирлари билан узвий диалектик боғлиқ ҳолда экан. Ер шари геосфераларининг массаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун мисол келтирамиз. Ер пўстининг массаси чинни кося оғирлигига тўғри келади деб фараз қиласак, гидросфера массаси кося ичидаги сув оғирлигига тўғри келади, атмосфера массаси эса танга оғирлигига, тирик организм массаси почта маркаси оғирлигига тенг бўлади. Кўйида геосфераларининг массаси кўрсатилган (т ҳисобида):

Ер (хаммаси)	$5,975 \cdot 10^{21}$
Ер пўсти (литосфера)	$3 \cdot 10^{18}$
Мантиня	$4 \cdot 10^{27}$
Ядро	$2 \cdot 10^{27}$
Атмосфера	$5 \cdot 10^{16}$
Гидросфера	$1,4 \cdot 10^{18}$
Биосфера	$3,2 \cdot 10^{18}$

Ер магнетизми. Ер шари магнит хусусиятига эга бўлиб, унинг иккита қутби мавжуд. Магнит қутбларининг бири Антарктида қирғоқларида (69° жанубий кенглик ва 144° шарқий узунликда) бўлса, иккинчиси Канада архипелагида (74° шарқий кенглик ва 92° фарбий узунликда) жойлашган. Шу сабабли ҳаракатланадиган магнит стрелкасининг бир учи шимол томонга, иккичи учи эса жануб томонга қараган бўлади. Агар магнит стрелкасининг шимол томони географик меридиандан шарқи оғса, оғиш бурчаги шарқий (ишораси +), фарбга оғса, оғиш бурчаги фарбий (ишораси —) бўлади.

Магнит стрелкаси оғиш бурчаги бир хил қийматга эга бўлган нукталарни туташтирадиган чизиқса изогон чизиги дейилади. Ер шаридаги магнит стрелкасининг оғиш бурчаги 0° га тенг бўлган ерлар ҳам мавжуд. Ўша ерлар чизиқлар билан бирлаштирилса, у икки магнит қутбини ва географик қутбларни кесиб ўтади ҳамда 0 (ноль) оғиш чизиги (изогона) деб юритилади. Ноль изогона Ер шарини икки қисмга шарқий оғиш ва фарбий оғиш областларига ажратади. Ноль изогона Америка қитъасининг ўрта қисмидан ўтса-да, Европанинг ўрта қисми, Африканинг шимоли-шарқий қисми орқали Ҳимолай тоғлари, Байкал кўлининг фарбий, Лаптевлар, Чукотка, Беринг денгизлари ва Ҳиндихитой орқали ўтиб, эгри чизиқ ҳосил қиласади.

СССР территориясида ноль изогона Калининград шаҳри орқали ўтиб, Байкал кўлидан тўғри Лаптевлар, Чукотка денгизлари ва Чукотка ярим оролининг жануби орқали Беринг денизигача боради.

Ер шаридаги магнит қутблари ер тагида чуқурда бўлганлиги сабабли эркин осилган магнит стрелкаси горизонтал ҳолатдан бир оз бурчак ҳосил қилиб қийшяди ва магнит энкайиши деб айтилади. Магнит стрелкаси Ер шаридаги фақат бир жойда — икки магнит қутбидан баб-баравар узоқликда бўлган ердагина горизонтал ҳолатда бўлади, ана шу жой магнит экватори дейилади. Магнит экватори географик экваторга тўғри келмайди. У Африка ва Осиёда географик экватордан бир оз шимолда, Америкада эса бир оз жанубдадир. Магнит қутблари билан экватор орасида магнит энкайиши 90° дан 0° орасида ўзгариади. Магнит қутбларида магнит стрелкаси 90° энкайиб, вертикал турса, аксинча магнит экваторида магнит стрелкасининг энкайиши 0° га тенг бўлиб, стрелка горизонтал ҳолда бўлади.

Магнит стрелкасининг тасодифий оғишига космик (шимол шуъласи, Қўёш доғлари) ва маҳаллий ҳодисалар (вулкан отилиши, кучли шамоллар) сабабчи бўлади. Магнит стрелкаси оғишининг ўзгаришига темир рудаси конлари ҳам (Курск, Темиртов конлари) сабаб бўлади, бундай ҳодисани магнит аномалияси дейишади.

Ер шарининг магнит майдони атмосферада 90000 км баландликкача сезилади. Ундан юқорида эса магнит майдони ўз кучини йўқотади.

ЕРНИНГ ЁШИ ВА ГЕОЛОГИК САНАЛАР

Ер шарининг ёши тўғрисида шу кунгача аниқ маълумотлар ўйқ. Сўнгги вақтларда Кола ярим оролида ва Забайкальеда олиб борилган тадқиқотларга кўра, баъзи тоғ жинсларининг ёши 5—5,5 млрд. йил атрофидадир. Демак, Ернинг ёши 5—5,5 млрд йилга тенгdir.¹

Демак, Ер шари қадимий сайёра бўлиб, унинг Ер пўсти ва географик қобиги узоқ давр давом этган тараққиёт маҳсулидир.

Ернинг географик қобиги тарихи, жинсларининг таркиби ва ётиши ҳамда ўсимлик ва ҳайвонотнинг характеристига кўра бироридан фарқ қиласидан бешта эрага бўлинади. Эралар ўз навбатида даврларга, даврлар эса эпохаларга бўлинади.

Археозой ва протерозой эралари. Археозой ётқизиқларининг ёши жиҳатидан энг қадимий эрадир. Бу эса жинслари ўта кристаллашиб кетган чўкинди (кристалли сланец) ва магматик (гранит) жинслардан иборат.

¹ Академик А. П. Виноградов Ернинг ёши 5 млрд. йилга тенг деб исботламоқда.

Протерозой эрасининг ётқизиқлари эса камроқ кристаллашган бўлиб, улар таркибида кристалл сланецлардан ташқари яна конгломерат, қумтош, лойли (гилли) сланец, оҳактош ва шунга ўхшаш чўкинди жинслар учрайди. Бу чўкинди жинсларнинг дастлаб вужудга келишида сув ва ҳавонинг таъсири бўлган. Демак, археозой ва протерозой эраларида чўкинди жинсларнинг учраши ўша замонлардаёқ атмосфера ва гидросфералар мавжуд бўлганлигидан, ер шари устида географик қобиқ пайдо бўла бошлаганлигидан далолат беради.

Энг қадимий эраларнинг ётқизиқлари Ер юзасининг анчагина қисмида, чунончи Скандинавия ва Кола ярим оролларида, Канадада, АҚШда, Хитойда ва бошқа ерларда учрайди. Ўша даврлардаги тоғ ҳосил қилиш процесси туфайли археозой ва протерозой жинслари бурмаланган ва натижада юқорида қайд қилинган жойларда қуруқликлар вужудга келган. Тоғ ҳосил бўлиш процесси билан бирга, вулканлар ҳам отилган. Бу эраларнинг ётқизиқлари орасида эса энг содда ибтидоий ҳайвонлар (бактериялар, жуда содда умуртқасиз ҳайвонлар) ва сувутларнинг қолдиқлари топилган. Бу ўсимлик, ҳайвонлар Ер географик қобиғини шаклланишида иштирок эта бошлаган. Демак, Ер географик қобиғининг ёши 2 миллиард йилдан кам эмас.

Палеозой эраси — «қадимги ҳаёт замони» 340 миллион йил давом этган ва ётқизиқлари орасида жуда кўп ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари сақланган. Палеозой эраси ётқизиқлари орасида кўпроқ оҳактош, лойли (гилли) сланец, қумтош каби чўкинди жинслар учрайди. Бу орада бир неча тоғ ҳосил қилиш процесслири рўй бериб, қуруқликларнинг четларида тоғлар вужудга келган. Натижада қуруқликлар майдони кенгайган, иқлим шароити ўзгарган. Пировардида географик қобиқ ҳам ўзгариб, тараққий этган, такомиллаша борган.

Палеозой эраси олти даврга — кембрый, ордовик, силур, девон, тошкўмир ва пермъ даврларига бўлинади.

Палеозой эрасининг энг биринчи даври кембрый даври деб аталади; бу даврда протерозой эрасида мавжуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонлар яна тараққий этган, умуртқасиз ҳайвонлар: булат, марジョンлар,чувалчанглар, елкаоёқлилар, триллобитлар (бўғиноёқлар), шунингдек, моҳ, қирқбўғин ва папаротник каби ўсимликлар пайдо бўлган.

Ордовик даврига келганда триллобит каби ҳайвонлар ўрнига брахиопод (елкаоёқлилар) кўпая борган. Ордовик даврининг охирида умуртқали ҳайвонларнинг дастлабки энг содда вакиллари — марジョンлар ва грантолитлар, флорадан спорали ўсимликлар тез кўпая борган.

Силур даврининг ётқизиқлари орасида гираптолитларнинг кўплаб қолдиқлари сақланган. Бу даврда умуртқалилардан жағ суюксиз балиқлар вужудга келган. Жуда кўп сувутлари ўсан, шунингдек яна психофитлар ва папортникином ўсимликлар барқ уриб ўсан.

Девон даврига келиб бүгіншілар (трилобитлар) бутунлай қирилиб кетган, аксинча бошоёқлилар (гоннатитлар) күпая борган. Сувларда балиқларнинг чинакам турлари вужудга келган. Умуртқали ҳайвонлар (стегоцефаллар) сувдан чиқиб қуруқликда яшай бошлаган. Девон даврининг охирида псилофит үсимликлар қирилиб папоротниксизон ва қирқбүғин каби үсимликлар кенг тарқалган.

Тошкүмир даврида сув ва қуруқлик ҳайвонлари тараққий эта борган. Бу даврда стегоцефаллар, гоннатитлар, брахиоподлар, дengiz типратикани, маржонлар каби ҳайвонлар яна да тараққий этган, шу билан бирга, жуда катта ниначилар ва бошқа ҳайвонлар вужудга келган.

Тошкүмир даврида айниқса үсимликлар барқ уриб үсган. Бүйи 40 м, эни 2 м улкан дараҳитлар билан бирга, жуда ба ҳайбат қирқбүғинлилар үсиб ётган. Бу үсимлик қолдиқларидан күпгина тошкүмир конлари вужудга келган.

Тошкүмир даврида Ернинг географик қобигида анча үзгаришлар рүй берган, гидросфера майдони бир оз қисқарган, аксинча, материклар майдони кенгайган. Бу эса үз навбатида, үсимликларда қисман бўлса-да, зоналлик хусусиятини вужудга келтирган.


Пермъ даврига келиб үсимлик ва ҳайвонот дунёси яна да тараққий этган. Умуртқалилардан рептилий амфибийлар ва балиқлар күпайган. Шунингдек, игнабаргли үсимликлар вужудга келган.

Шундай қилиб, палеозой эрасида географик қобиқда катта үзгаришлар рүй берган, қуруқлик ва сув майдонларининг қиёфаси үзгарган, материкларнинг майдони кенгайган, биосфера ривожлана борган. Ер шари иқлимида үзгаришлар рүй берган. Экваториал-тропик ва совук минтақалар бир оз қисқариб, мұтадил минтақа вужудга келган.

Мезозой эраси (163 млн. йил давом этган) палеозой эрасидан органик ҳаётнинг янада тараққий этгандығы ва ер пүстыда у қадар катта үзгаришлар содир бўлмаганлыги билан фарқ қиласи. Гилтош, сланец, қум, қумтош, оҳактош ва бўр мезозой эрасига хос жинслардир. Мезозой эраси үсимлик ва ҳайвонларнинг харakterига кура уч даврга — триас, юра ва бўр даврларига бўлинади.

Триас даврида палеозой эрасидан қолган ҳайвонлардан ташқари бошоёқлилар, умуртқалилардан рептилиялар тараққий эта борган, биринчи мартаба сутемизувчилар вакиллари (тухум қювчилар ва қопчиқлилар) ҳамда чинакам папоротниклар, игна баргли үсимликлар вужудга келган.

Юра даврида жуда катта (2 метрлик) аммонитлар ва белемнитлар (чиганоқ) ҳамда угадиган калтакесак, қушлар, ўтхўр улкан ҳайвонлар вужудга келган. Ҳақиқий умуртқали балиқлар, жуда кўп янги ҳашаротлар (чумоли, чивин, пашиша, ари, капалак, асаларилар ва бошқалар) пайдо бўлган. Үсим-



32-расм. Ўтган геологик даврларда (70 млн. йил илгари) иқлим миңтақалари (11. II. Предтеченский маълумоти).

1. Иқлим иссиқ бўлган давр (бундан 70 млн. йил илгари)

2. Иқлим совуқлашган давр (бундан 25 млн. йил илгари)

а — экваторий — тропик миңтақа, б — тропик олди миңтақа, в — ўртача Кенглиқ миңтақа, г — илиқ қутбий миңтақа, д — совуқ қутбий миңтақа.

ликларнинг янги турлари, яъни яланғоч уруғлилар вужудга келган.

Бўр даврига келганда мезозой эрасининг кўпгина судоралиб юрувчи ҳайвонлари қирилиб кетган, ҳозирги эчкемарларга ўхшаш катта жониворлар — йиртқич транозаврлар, властелинлар вужудга келган. Властелинларнинг бўйи 6 м, танасининг узунлиги 15 м га етган. Жуда кўп тишли қушлар пайдо бўлган.

Бу даврга келиб ёпиқ уруғли ўсимликлар (палъма, лилия, лавр, фикус, заранг, дуб (эман), қайнин, тол, терак, ток, чинор, каштан) пайдо бўлган.

Кайнозой эраси. Бу эрада ер пўстида катта ўзгаришлар содир бўлган. Ер шарида Химолай, Помир, Кавказ, Альп, Кордильера, Анд каби улкан тоғлар қад кўтарган, илгари бурмаланиб, сўнг пасайиб қолган Урал, Тяншань, Саян, Олтой тоғлари қайта кўтарилган. Материкларнинг ҳам қиёфаси ўзгарган. Бу эранинг жинслари: оҳактош, кварц, мергель, гилтош, майда қумлар, конгломератлар, дарё ва кўл ётқизиқлари ва бошқалар. Бу эрада ўсимлик ва ҳайвонлар жуда тараққий этган.

Кайнозой эраси палеоген, неоген ва антропоген даврларига бўлинади.

Палеоген ва неоген флораси ҳозирги флорага жуда ўхшаш бўлган, лекин ҳайвонот дунёси бир оз фарқ қилган.

Акулалар күпайган, судралиб юрувчилар камайиб, қушлар эса жуда күпайиб кетган. Бу даврда маймунлар, китлар, айиқлар, итлар, каркидон, буғу, от, одамсизон маймунлар вужудга келган, материклар шаклланган.

Антропоген (тұртламчи) даврда материкларнинг қиёфаси үзгартылған. Вужудга келган баланд тоғлар таъсирида иқлим совуқлашган ва Европа, Осиё, Шимолий Американинг күп ерларида музликлар вужудга келган.

Тұртламчи даврда инсон пайдо бұлған. Шунинг учун бу давр антропоген¹ давр деб ҳам юритилади. Инсон географик қобиққа аста-секин таъсир этиб, уни үзгартыра бошлаган. Инсоннинг табиатта таъсири күн сайин орта борган. 67 млн. йил давом этган кайнозой әраси даврида географик қобиқда жуда катта үзгаришлар бұлған. Материкларнинг ҳозирги қиёфаси вужудга келган ва океанлар майдони қисқарған; әнг сұнгги кучли бурмаланиш туфайли буюк тоғлар вужудга келган ва натижада иқлим совуқлаша борган. Тоғларда баландлық бүйіча минтақаланиш вужудга келган. Кайнозой әрасига келганды географик минтақалар сони күпайган; тропик минтақаси торайған, экваториал тропик минтақа, тропик олди максимуми минтақаси, үртача көнгілділар минтақаси ва совуқ қутб минтақаси вужудга келган (32-расм).

Савол ва толшириқлар. 1. Ернинг физик хоссаларининг характеристикалықтарынан иборат? 2. Ернинг ички қисми қандай түзилған да у нималарға асослана қаталамларға ҳамда геосфераларға ажратылған? 3. Астеносфера нима да унинг характеристикалықтарынан гапириб беринг? 4. 30-расм да 3-жадвал маңылумотлардан фойдаланып Ернинг ички қисмдернін түзилишини гапириб беринг. 5. Литосфера нима да у Ер пүстидан қандай фарқ қиласы? 6. Материк типті Ер пусты түзилиши жиҳатидан океан типті Ер пүстидан қандай фарқ қиласы? 7. Ер шарининг иссиқлив манбаға нималар кирады да улар географик қобиқдагы жараёнларға қандай таъсир этады? 8. Ер неча ёшда да у қандай аниқланған? 9. Ернинг ривожланиш тарихи қандай принциптерге асослана әр да даврларға ажратылған? 10. Эралар қандай хусусиятлары жиҳатидан бир-биридан фарқланады? Ҳар бир ёрага хос ҳайвон да үсімліктарни билиб олинг.

VI боб.

ЕР ЮЗАСИННИНГ РЕЛЬЕФИ

Рельеф ҳосил құлувчи асосий процесслар

Ер юзаси рельефининг вужудга келишида унинг ички қисмидеги энергия билан боғлиқ бұлған геологик жараёнлар, космик таъсир, оғирлик кучи, Құйыш энергиясы таъсирида содир булады (физик нураш, шамол, ғұн, денгиз қалқиши да бошқ.) жараёнлар, органик нураш, ер ости да усти сувларининг иши, музликларнинг иши да бошқалар актив иштирок этады.

Ернинг ички энергиясы таъсирида вужудга келиб, Ернинг рельефига таъсир этувчи асосий омылларға тектоник жараёнлар да у билан боғлиқ бұлған тоғ ҳосил бўлиши, вулканлар-

Антропопс грекча «одам» демакдир.

нинг отилиши, зилзилалар. Ернинг асрий тебраниши кириб, уларни Ернинг ички динамик жараёнлари ёки эндоген кучлар деб юритилади.

Ер юзаси рельефининг ҳосил бўлишида, шаклланишида яна ташқи кучлар — атмосфера, гидросфера, биосфера омиллари ҳам таъсир этиб, ўзгартириб туради ва уни ягона ном билан Ернинг ташқи динамик жараёнлари ёки экзоген кучлар деб юритилади.

Ер юзаси рельефининг вужудга келтирувчи бу икки асосий (эндоген ва экзоген) куч бир-бирига қарама-қарши бўлса-да, лекин улар доимо бир-бири билан ўзаро диалектик алоқада бўлади. Чунки Ернинг ички динамик жараёнлари туфайли горизонтал ҳолда ётган жинслар бурмаланиб, тоғ тизмаларини, ботиқларни, ер ёриқларини, узилмаларни ҳосил қиласа, аксинча ташқи динамик жараёнлар туфайли уша тоғлар, қир ва баландликлар емирилади, яссиланади, текисланади, нураган жинслар эса ботиқларга олиб бориб ётқизилади. Оқибатда вақт ўтиши билан баланд тоғлар ўрнида ясси тоғлар, ботиқлар ўрнида текисликлар вужудга келади. Агар Ернинг ички динамик кучлари бўлмаганда эди, у тақдирда тоғлар ташқи динамик жараёнлар таъсирида емирилиб бораверар, оқибат натижада планетамиз юзаси яссиланиб қолган бўлур эди.

ЕР ЮЗАСИНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ ИЧКИ КУЧЛАР

Сайёрамизнинг ички қисмидаги динамик процесслар (Ернинг ички қисмидаги радиоактив моддаларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган ўта қизиган, суюқ, пластик ҳолдаги модда — магманинг¹ юқорига кўтарилиши) туфайли кучли босим ва энергия вужудга келиб, Ер пўстида ҳар хил ҳаракатларни келтириб чиқаради. Бу ҳаракатлар тектоник ҳаракатлар дейилади; тектоник ҳаракатлар натижасида горизонтал ҳолда ётган жинсларнинг ҳолати ўзгаради, яъни жинслар букилади, синади, ёрилади, бундай ёриқлардан магмалар ер бетига чиқади; пировард-оқибатда рельефининг турли шакллари — тоғлар, текисликлар, ботиқлар ва бошқалар вужудга келади.

Тектоник процесслар тебранма, бурмали (бурмалар ҳосил қиласиган) ва ёрилма (ёриқлар ҳосил қиласиган) ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Тебранма ҳаракат Ер пўстининг вертикал ҳаракати ҳисобланиб, бундай ҳаракат туфайли катта-катта ерлар аста-секин кўтарилиди ёки чўқади. Ер пўстида кўтарилаётган жойлар узоқ геологик даврлар давомида аста-секин пасайиб қолиши мумкин ва аксинча, чўкаётган ерлар қайтадан кўтарилиши мумкин.

Ер пўстининг материк қисмидаги асосий геологик структуралари геосинклиналь ва платформалардир.

Магма сўзи «қуюқ ёғ» демакдир.

Геосинклиналь — Ер пўстининг тектоник жиҳатидан ҳаракатчан ва ўзгарувчан қисми ҳисобланиб, унинг тагидаги (Ер ичида) моддалар жуда мураккаб процесслар натижасида дифференцияланади ва оқибатда кўп энергия ажralиб чиқади. Бу эса Ернинг тебранма ҳаракатининг кучли бўлишига сабаб бўлади.

Геосинклиналь (геосинклиналь область) ўз тараққиётида икки босқичдан ўтади: дастлаб чўка боради ва натижада устига қалин чўкинди жинслар тўпланади; иккинчи босқичда эса чўкинди жинслар билан тўлган территория Ернинг ички кучлари таъсирида кўтарилиб, бурмалар ҳосил қиласди, ёриқлар вужудга келади, ёриқлардан магма отилиб чиқади. Бундай жойларда баланд тоғлар, чуқур ботиқлар вужудга келади. Ернинг тебранма ҳаракати кучли бўлиб, амплитудаси 12—15 км га етади. Масалан, Тинч океан соҳили бўйлаб жойлашган тизмалар, Помир, Ҳиндикӯш ва бошқа тоғлар ана шундай ҳосил бўлган.

Узоқ вақт давом этган геологик даврларда бу геосинклиналь областлар турли факторлар таъсирида емирилиб, текисланиб, яссиланиб, пасайиб боради, кўп қисмини денгиз суви босади, устига чўкинди жинслар тўпланади ва оқибатда платформа¹ вужудга келади.


Платформа геосинклиналь ўрнида тектоник ҳаракатнинг заифлашиши натижасида узоқ геологик даврларда геосинклинальнинг яссиланиб қолиши туфайли вужудга келган. Платформа остида яссиланган бурмали ва кристалли замин бўлиб, устини горизонтал ҳолда ётган жинслар қоплаб олган. Шу сабабли платформа рельефи деярли яssi текисликдан иборат. Платформага Россия, Фарбий Сибирь, Турон текисликлари мисол бўлади.

Ер пўстининг ўзгаришида палеозой, мезозой ва кайнозой эраларида содир бўлган тектоник ҳаракатлар таъсирида вужудга келган бир неча орогеник² ҳаракатлар, яъни тоғ вужудга келтирувчи ҳаракатлар муҳим роль ўйнаган. Орогеник ҳаракат натижасида ер пўсти қатламлари (ётқизиқлари) букилади, эгилади. Оқибатда текис жойларда тоғлар, ботиқлар пайдо бўлади, бошқача айтганда, горизонтал ҳолда ётган жинслар букилиб, ҳар хил бурмалар ҳосил қиласди.

Агар текис жойдаги бирор жар ёки дарёning тик қирғонини кузатсангиз, унда жинсларнинг (ётқизиқларнинг) горизонтал ҳолда ётганлигини, тоғ ён бағирларида эса, аксинча, жинс қатламларининг букилганлиги, яъни бурмаланганлигини кўрасиз. Қатламларнинг бундай бурмаланишига асосий сабаб Ернинг ички кучлари (тектоник процесслар) нинг ён томондан фоят катта босим билан таъсир этишидир. Ён томондан таъсир

¹ Платформа — французча сўз бўлиб, плат — «яssi», форма — «щакл» демакдир.


² Орогеник — орос грекча сўз бўлиб, «тоғ» демакдир.




33-расм. Төр бурмалари: А — синклиналь; Б — антиклиналь

этувчи фоят зүр кучга эга бўлган босим горизонтал ҳолда ётган жинсларни эгиг бурмалайди ва баландга кўтариб, иргитиб ташлаши натижасида бурмали ва палахсали тоғлар вужудга келади. Помир, Олой, Копетдоғ, Кавказ, Альп, Олтой ва бошқа тоғлар ана шундай пайдо бўлган. Орогеник процесслар натижасида бурмалар гумбаз шаклида бўлиб, қирраси юқорига қараб қолса, антиклиналь, аксинча ботиқ бўлса, синклиналь деб аталади. Одатда бурмаланаётган қатламлар кучли босим натижасида эгилиб узилади ва бир-бирининг устига чиқиб кетади, натижада пастки қатламлар ер юзасига чиқиб қолади (33-расм).

Ер пўсти кучли босим таъсирида бурмаланганда, баъзан қия ёриқлар ҳам вужудга келади. Ўша ёриқларда ер ўпирлиб тушиб, сброс (узилма) ҳосил қиласи. Ўша ўпирилган участка ёнидаги ер эса аввалги ҳолатини (баландлигини) сақлаб қолади. Уни горст деб аталади. Баъзан ер пўстининг узилиб тушган қисми кўтарилиган икки участка орасида бўлади, бундай чуқурлик грабен деб аталади (34-расм). Баъзан ўша чўккан грабенда сув тўлиб кўллар ҳосил қиласи; Байкал, Иссиккўл, Зайсан каби кўллар шундай ҳосил бўлган. Сўнгги, орогеник процесслар натижасида Ер шаридаги жуда улкан баланд тоғлар — Помир, Кавказ, Хиндикуш, Ҳимолай, Альп, Анд каби тоғлар вужудга келган. Бундай ёш тоғ занжирларидан бири Тинч океан атрофини ўраб олса, иккинчиси Осиё ва Европанинг жанубий қисми орқали ўтади (35-расм). Планетамиз юзасининг ўзгаришида ҳозирги замон тебранма ҳарака-



34-расм. Узилма (сброс) тоғлар: А — грабен; Б — горст



35- расм. Янги бурмали төглар сейсмик, районлар ва вулканларнинг тарқалиш карта-схемаси

тининг ҳам аҳамияти катта. Чунки Ер шарининг баъзи районлари ҳозир аста-секин кутарилаётган бўлса, баъзи ерлари чўкмоқда.

Исландия, Шотландия, Новая Земля ороллари, Скандинавия ярим ороли териториялари, Ўрта Россия қирлари, Кавказда ва бошқа жойлар ҳозирги замон тебранма ҳаракати туфайли йилига 2—7 мм кутарилоқда. Тебранма ҳаракат туфайли Норвегия қирғоқларида сўнгги 15—20 минг йил ичидаги 5 та қайир (денгиз қайири) вужудга келган; улар денгиз сатҳидан 176 м баланд. Финляндия қирғоқларидан тебранма ҳаракат туфайли сув чекиниб, сўнгги 100 йил ичидаги 700 км² ер қуруқликка айланди. XVII аср карталарида орол деб кўрсатилган Қанин ҳозирги карталарда ярим оролдир.

Тебранма ҳаракат туфайли планетамизнинг баъзи ерлари чўкиб пасттекисликларни, дарё водийларини, портларни денгиз суви босмоқда. Қавказнинг Қора денгиз соҳили, Фарбий Европанинг шимолий қирғоқлари шундай жойлардан дидир. Айниқса Нидерландия територияси тез пасайиб бормоқда, ҳозир мамлакат териториясининг 40% қисми денгиз сатҳидан пастдадир; денгиз суви босиб кетмаслиги учун у ерларга 1600 км узунликда дамба қурилган.

Ер тарихида тоғ ҳосил бўлишининг асосий босқич (давр)лари

Планетамизнинг ҳозирги қиёфаси Ер пустининг узоқ вақт давом этган эволюцион тараққиёти тарихи натижасида вужудга келган. Ер пустининг тараққиёти бир маромда (текисда) содир бўлмай, гоҳ тинч, гоҳ нотинч (бурмаланиш жараёнлари) давом этиб, оқибат натижада Ер юзасининг ҳозирги қиёфаси шаклланган.

Ер юзасининг ҳозирги рельефи унинг геологик даврларда содир бўлган бир неча тоғ ҳосил бўлиш (тектоник жараёнлар) босқичлари таъсирида вужудга келган.

Ер юзасининг, жумладан, СССР териториясининг ҳозирги қиёфаси қуйидаги тоғ ҳосил бўлиш (бурмаланиш) жараёнлари билан боғлиқ: кембрийгача бўлган, байкал, герцин (ворицей), киммерий, алъп бурмаланишлари.

Кембрийгача бўлган босқич. Бу бурмаланиш босқичига архей ва претерозой эраларида вужудга келган қуруқликлар киради. Бу бурмаланиш натижасида Шимолий Америка, Жанубий Америка (Бразилия), Африка — Араб, Австралия, Скандинавия, Ҳиндистон, Хитой платформалари, СССРда эса Россия, Сибирь ва Колима платформалари вужудга келган. Натижада Ер юзасида сувлар майдони қисқариб, Арктика, Атлантика, Урал — Мұғул, Ўрта денгиз, Тинч океан геосинклиналь минтақаларига ажралган.

Кембрийгача вужудга келган платформаларнинг негизи архей ва претерозой эраларининг қаттиқ метаморфикашган жинсларидан, хусусан гнейс, слюдали сланец, кварцит, мармар, гранит, базальт диабаз кабилардан ташкил топган.

Протерозой эрасининг охирида байкал бурмаланиши содир бўлиб, унинг таъсирида Шимолий Америка платформасининг шарқи, Бразилия платформасининг шарқи, Ҳиндистон платформасининг шимоли-ғарби, Африка-Араб платформасининг жануби, СССРда эса Сибирь платформасининг жанубидаги жойлар қуруқликка айланган.

Каледон босқичи. Бу босқич ўз ичига палеозой эрасининг кембрий, ордовик, силур даврларида содир бўлган Каледон бурмаланишини олади. Бу бурмаланиш таъсирида Гренландиянинг шарқи, Австралиянинг жануби-шарқи, СССРда эса Байкалбўйи тоғлари, Витим яssi тоғлиги, Шарқий Олтой, Қозоғистон паст тоғларининг жануби, Тяншаннинг шимоли вужудга келган. Бу вужудга келган қуруқликлардаги ер ёриқлари орқали вулканоген жинслар оқиб чиқиб траппаларни ҳосил қилган.

Каледон босқичида яна илгари шаклланган платформалар — Жанубий Америка, Африка — Араб, Ҳиндистон, ва Австралия бирлашиб яхлит Гондвана материгини вужудга келтирган.

Герцен босқичи — палеозой эрасининг девон, корбон ва перм даврларида содир бўлиб, унинг таъсирида ер юзасида сув ҳавзасининг майдони яна қисқаради. Натижада Аппалачи тоғлари, Муғулистон териториясининг кўп қисми, СССРда эса Урал тоғи, Новая Земля ороли, Қозоғистон паст тоғларининг шимоли-шарқи, Тяншань тоғининг маркази ва жануби, Шарқий Олтой тоғлари, Таймир ярим оролидаги Бирранга тоғлари бурмаланиб, қуруқликка айланади. Оқибатда Урал — Мұғул, Атлантика ва Тинч океан геосинклиналь минтақаларининг майдони қисқаради.

Герцин бурмаланиши натижасида жуда кучли ер ёриқлари, чўкишлар, ўтиришишлар содир бўлиб, эффузив жинслар ер бетига чиқиб қолган ва траппаларни ҳосил қилган. Фақат Сибирь платформасидаги траппалар қоплаган майдон 1 млн. кв. км ни ташкил этади.

Герцин бурмаланиши таъсирида Шимолий ярим шардаги қуруқликлар бирлашиб Лавразия материгини ҳосил қилган, Гондвана материгининг майдони эса кенгайган.

Мезозой босқичи. Бу босқич триас даврининг охири ва юра даврини ўз ичига олади. Бу даврда ҳосил бўлган бурмаланиши киммирий тоғ ҳосил бўлиши деб аташади. Киммирий бурмаланиши натижасида геосинклиналлар майдони қисқариб, Шимолий Америкадаги Қояли (Скалистых) тизмаси, Ҳиндихитой ярим ороли, СССРда эса Сибирнинг шимолий шарқи (Верхоян, Черский, Мом каби тоғлар, Колима, Анадир каби ясси тоғлар), Сихотэ — Алинь тоғи вужудга келган.

Бу босқич охирига келиб Гондвана материги парчаланиб, Австралия, Африка, Жанубий Америка материклари Осиёдан ажralади. Улар орасида Ҳинд, Атлантика океанлари вужудга келади.

Кайнозой босқичи ўз ичига палеогенниң охири ва неоген даврини олиб, унда альп бурмаланиши бўлган. Альп бурмаланиши туфайли Ер юзасида иккита ғоят катта тоб ҳалқаси (занжири) вужудга келган.

Биринчи тоб ҳалқасига Ўрта дengiz геосинклиналь миңтақаси (Атлантика қирғоғидан Салай архепелагигача) кириб, унда Пиреней, Атлас, Альп, Апеннин, Карпат, Болқон, Қрим, Кавказ, Копетдог, Помир, Ҳимолай, Ҳиндикӯш, Қорақурут каби тоб тизмалари бурмаланиб, қуруқликка айланган.

Иккинчи тоб ҳалқасига Тинч океанинг ғарбий ва шарқий қирғоқлари кириб, Коряқ тизмаси, Қамчатка ярим оролидаги, Сахалин ва Япония оролларидағи тоғлар бурмаланган.

Кайнозой бурмаланиш босқичи ҳамон давом этмоқда. Шу сабабли Ўрта дengiz ва Тинч океан ҳалқасига кирувчи территорияларда вулканлар отилиб, ер тез-тез қимирлаб туради.

Кайнозой босқичининг неоген даврини охирида Ер юзасида материк ва океанларниң қиёфаси ва жойлашиши ҳозирги кўринишига жуда яқин бўлган. Лекин антропоген даврида Ернинг тебранма (асрий) ҳаракати натижасида Европа, Осиё ва Шимолий Американинг баъзи жойларида ўзгаришлар юз берган. Хусусан, ҳозирги Беринг бўғози ўрнида чўкиш бўлиб, Осиё Шимолий Америкадан ажралади, Гибралтар бўғози вужудга келиб Африка, Европадан ажралади, Қора дengиз эса Ўрта дengиз билан тушади.

Планетамизда Ернинг тебранма (асрий) ҳаракатидан ташқари, асосан геосинклиналь областларда яна энг янги — неотектоника процесслари ҳам мавжуддир. Шу туфайли ўша жойларда тез-тез ер қимирлаб, вулканлар отилиб туради.

Зилзила. Зилзила бу геосинклиналларда ер пўсти қатламиninger ёрилиб, узилган жойларида рўй беради. Зилзила эластик тўлқинлардан иборат. Бундай тўлқинлар Ер шарида тез-тез бўлиб туради ва ер юзасида кучли ёки кучсиз зилзилаларни (ер қимирлаш) вужудга келтиради. Демак, зилзилалар шу районда тектоник ҳаракатлар ва энг аввало, тоб ҳосил бўлиш процесслари давом этаётганлигини билдиради. Шунингдек, зилзилалар яна тоғларниң қулаши, вулканларниң отилиши таъсирида ҳамда маҳаллий факторлар, ҳатто самолёт, поезд, трамвай ва бошқаларниң таъсири туфайли ҳам содир бўлади.

Ер юзасида ўрта ҳисобда ҳар йили 1000000 марта зилзила бўлиб туради, шундан 10% ини кишилар сезади, қолган 90% и махсус асбоб — сейсмограф ёрдамида қайд қилинади.

Ер шарида зилзила, асосан, Тинч океанинг ўраб олган ҳалқа ва Евросиёнинг жанубий қисмидан ўтган Альп — Кавказ — Ўрта Осиё — Ҳимолай тоғлари миңтақасида бўлиб туради — бутун Ер шарида содир бўладиган зилзиланинг 90 проценти шу жойларда рўй беради. Қолган 10 проценти эса бошқа жойларга тўғри келади. Демак, зилзилалар ёш бурмали тоғлар пайдо бўлган ва сброслар (узилмалар) кўп жойларда бўлар экан.

Чунки бундай ерларда ер пүсти қатlamлари ҳам мустаҳкам эмас ва ҳали ҳам силжіб туради. Ер пүстининг ана шундай ҳаракатчан, тез-тез зилзила бўлиб турадиган жойлари сейсмик районлар деб аталади (35-расмга қаранг). Аксинча, қаттиқ жинслардан таркиб топган қадимги платформаларда (Россия текислигига, Канадада, Бразилияда) ер жуда кам ва кучсиз қимирлайди ёки умуман қимирламайди. Бундай жойлар асейсмик районлар дейилади.

Зилзила турли чуқурликда, яъни ер юзасидан то бир неча юз километр чуқурликкача бўлган жойларда содир бўлиши мумкин.

Ер пүсти ичида силкиниш рўй берган жой зилзила ўчоги ёки гипоцентр¹ дейилади. Унинг устида зарба энг кучли бўладиган жой эпицентр² деб аталади. Зилзиланинг ўчогидан силкиниш тик кўтарилиб зўр куч билан аввало эпицентрга етиб келади. Эпицентрдан узоқлашган сари зилзила кучи заифлашиб боради.

Зилзила ўчоги қанча чуқурда бўлса, унинг кучи шунча катта терриорияга тарқалади, аксинча ер юзасига яқин бўлса, кичик терриорияга тарқалади. Бунга 1966 йилда содир бўлган Тошкент зилзиласини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Бунда эпицентрда силкиниш кучли, шаҳар четларида эса анча заиф бўлган.

Зилзила ўчогида эластик тебраниш — сейсмик тўлқинлар вужудга келади. Сейсмик тўлқинлар икки хил — горизонтал ва вертикал тўлқинлар бўлади. Вертикал тўлқинлар силкитувчи кучга эга бўлиб, ер устидаги буюмларни гўёки остидан ургандек ирғитиб юборади. Аксинча, горизонтал тўлқинлар эса тўлқинсимон ҳаракат бўлиб, нарсаларни гўёки бешик тебратгандай тебратади.

Сейсмик тўлқинлар қуруқликка қараганда ҳавода ва сувда бир неча марта тез ҳаракат қиласди.

Зилзиланинг кучи ҳар хил бўлиб, унинг кучи 12 баллишкала билан ўлчанади. Бунда энг кучсиз зилзила 1 балл, энг кучлиси 12 балл деб қабул қилинган.

1 балл. Бунда ернинг тебранишини фақат сезгир асбоблар қайд қиласди.

2 балл. Жуда кучсиз бўлиб, уни асбоблар қайд қиласди ва тинч турган киши баъзан билиши мумкин.

3 балл. Кучсиз бўлиб, тинч турган одамларнинг кўпчилиги билади.

4 балл. Ўртача кучга эга бўлиб, деярли ҳамма сезади. Дераза ойналари, эшик дириллайди.

5 балл. Анча кучли бўлиб, ҳамма сезади. Қандил қимирлайди, пол ғижирлайди.

¹ Грекча гипо — «марказ ости» демакдир.

² Грекча эпи — «уст, марказ усти» деган сўз.

6 балл. Кучли бўлиб, уйқудаги кўпчилик одам уйғонади. Баъзи биноларда ёриқлар вужудга келади.

7 балл. Жуда кучли бўлиб, буюмлар ағдарилади, мўри фиштлари қулайди.

8 балл. Хавфли бўлиб, хом фиштли бинолар бузилади, пишиқ фишт деворларида ёриқлар вужудга келади.

9 балл. Жуда хавфли бўлиб, баъзи бинолар қулайди. Ерда 10 сантиметр келадиган ёриқлар пайдо бўлади.

10 балл. Вайронгарчиликка олиб келади, жуда кўп бинолар қулайди, 1 м келадиган ёриқлар пайдо бўлади, баъзи тоғлар қулаб тушади.

11 балл. Ҳалокатли (фожиали) бўлади. Бутун бинолар қулайди.

12 балл. Ўта ҳалокатли бўлади. Барча иншоот ва буюмлар ағдарилади, дарё ўзани ўзгаради, тоғлар қулаб, рельеф шакли ўзгаради.

Зилзила вақтида жуда катта энергия чиқади. Ҳисобларга қараганда, 10—11 балли зилзилада вужудга келган энергия 10^{25} эрг га етади.

Юқорида қайд қилганимиздек. Ер шарида ҳар йили 1000000 тача зилзила бўлиб туради, шундан 3 таси 10 балли, 11 таси 9 балли, 80 таси 8 балли, 400 таси 7 балли. Фақат Ўрта Осиёнинг ўзида 10 йил ичida 5000 марта ер қимирлаганлиги қайд қилинган.

Ҳозирча зилзила бўлишини олдиндан айтиш масаласи тўлиқ ҳал қилинган эмас. Бу соҳада интенсив ишлар олиб борилмоқда ва дастлабки ютуқларга эришилмоқда. Лекин зилзила бўладиган ерларда тебраниш кучи неча баллга этишини курсатувчи карталар мавжуд.

Вулканлар. Ер пўстидаги даҳшатли ҳодисалардан яна бири вулканлар отилишидир. Ернинг ички қисмидаги эриган суюқ жинслар (магма) ҳамда турли газларни ёриқлар орқали ер бетига отилиб чиқишига вулкан дейилади. Вулкан сўзи Ўрта денгизда жойлашган Вулкано ороли номидан олинган.

Ер шарида В. И. Влодавец маълумотига кўра 1000 га яқин отилиб турадиган сўнмаган вулкан бор ва сўнган вулканлар эса ундан бир неча марта кўп.

Вулканлар кўпинча конус шаклида бўлади. Чунки вулкан бириичи отилгандан сўнг унинг оғзи теварагида вулкан ичидан чиққан қаттиқ ва суюқ жинслар ҳамда лава конус шаклида қотиб тўпланади. Ўша вулкан конусининг тепасидаги чуқур кратер¹ дейилади. Кратердан эриган қайноқ жисмлар — лавалар² отилиб чиқади.

Вулкан конуслари ва кратерларининг катталиги ҳар хил бўлади. Агар вулкан конус баланд бўлса, кратер катта, аксинча, конус паст бўлса, кратер кичик бўлади. Масалан: Кам-

¹ Грекча кратер «товок, чуқур қозон» деган маънони англатади.

² Итальянча лава «эриган масса» демакдир.

чатка ярим оролидаги баланд (4861 метр) Ключи сопкаси вулкани кратерининг диаметри 675 м га етади.

Тұхтосиз ёки ахён-аҳёнда отилиб турадиган вулканлар сүнмаган, тарихий даврлар мобайнида отилмаган вулканлар эса сүнгапан вулканлар деб юритилади. Лекин бир неча асрлар мобайнида отилмасдан, сүнгапан ҳисобланган вулканлар бирданига отилиши ҳам мумкин. Бунга Везувий вулкани мисол бұлади. У милоднинг 79 йилида тұsatдан отилиб, Геркуланум, Помпея ва Стабия каби шаҳарларни харобага айлантирган ва күміб юборған.

Вулкан отилишидан бир оз аввал гулдираган овоз әшитилади, сүнгра кратер ёриқларидан газ ва буғ чиқа бошлайды. Чиққан газ ва буғлар вулкан устида қарағай дарахти шошшаббаси шаклиға үхшаб юқорига күтарилади. Газ ва буғлар билан биргә, күп миқдорда ҳар хил майда қора чанг — вулкан кули ҳам чиқади. Сүнгра вулкан кули аста-секин атрофға сув буғлари билан аралашып ёмғир каби ёғади.

Күл ва ҳар хил катталиктаги жинслар аралаш иссиқ ёмғир (жарорати 500° гача етади) ўсимлик, қишлоқ ва ҳатто шаҳарларни харобага айлантиради.

Вулкан кулидан ташқари, нұхатдек ва ундан сал катта донлар вулкан қуми, янада каттароқлари лапилли¹, энг катталари эса вулкан бомбалари деб аталауди.

Вулкан кулинин жуда узоқ жойларға олиб бориб ташлаши мумкин. Масалан, Италиядаги Этна вулканининг кули Африканинг шимолига етиб борған.

Кратердан чиқаётган лаванинг температураси 1000—1300° га етиши мумкин. Лава оқимининг усти совиб, қотиб қолғандан кейин ғадир-бұдур пүст ҳосил қиласы. Вулкан отилгандан сүнг бир йил үтгач, пүстнинг тагида 20 м чүқурлықда лава иссиқлиги 200—300° бўлиши мумкин.

Ер шаридаги сүнмаган вулканлар ҳам, худди зилзила сингари, ер пустининг ҳаракатчан ва ёриқлар содир бўлган жойларда учрайди. Бунинг сабаби шундаки, Ернинг ички қисмидаги ўта қизиган ва турлича физик хоссаларига эга бўлган силикатли эритмадан иборат магма босимининг үзгариши туфайли суюқлашади ва ҳатто, қисман газсимон ҳолатга ўтади. Ажralган газлар магманинг ҳажмини катталаштириб юборади, натижада ер пустининг ёриқлари орқали юқорига күтарила бошлайди. Магма юқорига күтарилган сари босим камаяди, аксинча, газ ажралиб чиқса, босим ортади. Натижада ўша газларнинг тазийқи остида магма ёриқлардан отилиб ер бетига чиқади. Шунинг учун ҳам Ер шаридаги ҳаракати сүнмаган вулканларнинг 80 проценти ёриқлари күп, тез-тез зилзила бўлиб турадиган Тинч океан ҳавзасида тўпланган: бу вулканлар Алеут оролларидан Патагониягача, Камчатка ярим оролидан Осиё ва Австралия орасида жойлашган ороллар орқали Ан-

¹ Италиянча лапилли «майды тош» деган сөздир.

тарктида қирғогигача чүзилган ҳалқада жойлашган. Дунёдаги энг катта сүнмаган вулканлар — Кракатау (Индонезия оролларида), Мауна — Лоа (Гавайи оролида), Мон — Пеле (Кичик Антиль оролларида), Ключи сопкаси (Камчатка ярим оролида) ана шу Тинч океан вулканлари ҳалқасыда жойлашгандир. Шу ҳалқадаги Камчатка ярим оролида 28, Куриль оролларида 39 ҳаракатдаги вулкан ва жуда күп гейзерлар бор (35-расмга қаранг).

Гейзерлар вулкан отилиб туралыган жойларда вужудга келади. Гейзер вақт-вақти билан отилиб туралыган иссиқ сувлардир. Гейзерлар қуидагича вужудга келади: Ер ёриқларида қадимий вулкан каналларида жойлашган сув аввал тинч туриб, унинг усти совииди, таги эса иссиқ, ҳатто бүф ҳолатида бұлади. Бүф совиган сувни юқорига қаттық зарб билан фонтан сингари отади. Бундай гейзерлар СССРда Камчатка ярим оролида, Исландия оролида, АҚШнинг Иеллоустон миллий паркида ва бошқа жойларда мавжуд.

Дунёдаги энг катта гейзерлар АҚШнинг Иеллоустон миллий паркида (суви 40 м баландликка отиласы) ва СССРнинг Камчатка ярим оролидадир. Бу ердаги Великан гейзерининг фонтани 50 м баландликка, ундан чиқаётган бүф эса 300 м баландликка күтарилади.

Гейзерлар сувининг ҳарорати ер юзасыда 90° — 99° га етса, үшкүрроқ қисміда 150° ва ундан ҳам ортиқ бұлади. Гейзерлар Камчатка ярим оролида жуда күп. Айнұңса Гейзерная дарё водийсіда үнлаб кичик ва 20 та йирик гейзерлар бўлиб, энг кattалари Великан, Тройной, Фонтан ва бошқалардир. Великан гейзери ҳар уч соатда тўрт минут давомида отилиб туради.

Камчатка ярим оролида, Курил ва Исландия оролларида, Кавказда иссиқ булоқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар тектоник процесслар натижасыда содир бўлган ер ёриқлари бўйлаб жойлашган. Бу булоқлар сувининг температураси 80° — 90° гача етади.

Камчатка ярим оролидаги гейзерлар ва иссиқ булоқлар суви тўпланиб, Гейзерная дарёсини ҳосил қилган. Шу туфайли Гейзерная дарёсининг суви иссиқ бўлиб қишида ҳам музламайди.

Хозир гейзерлар ва иссиқ булоқлар сувидан уй ва теплицаларни иситишда, электр энергия олишда, ҳамда даволанишда фойдаланилмоқда. СССРда биринчи геотермал электр станция Камчатка ярим оролидаги Паужет районида ишга туширилди.

ЕР ЮЗАСИНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ ТАШҚИ ҚУЧЛАР

Сув, шамол, тирик мавжудотларнинг иши ва температуранинг ўзгариши Ер юзасини ўзгартирувчи ташқи кучлардир. Бу кучлар таъсирида жинсларнинг емирилиш процесси нураш

лнейлади. Нураш процесси туфайли жисмлар уваланиб, бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб ётқизилади ва натижада Ер юзасининг рельефи ўзгаради.

Нураш процесси ўзининг хусусиятига кура физик, химик ва органик деб аталувчи уч турга бўлинади. Температуранинг ўзгариб туриши оқибатида физик нураш рўй беради, шу туфайли вужудга келган ёриқларга сув кириб музлаб қолади. Натижада тоғ жинслари уваланиб емирилади. Хусусан, чўлларда кундузи ҳаво исиб (сояда $+50^{\circ}$, офтобда эса $+70^{\circ}-78^{\circ}$), кечаси эса совийди (тупроқ температураси ёзда $+10^{\circ}$ га тушиб қолади), оқибатда жинслар емирилиб, шамол таъсирида бир жойдан иккинчи жойга олиб кетилади. Тошлоқ чўллар ва тоғ ёнбагирларидаги қурумлар ана шундай пайдо бўлади. Совуқ натижасида вужудга келадиган нураш кўпроқ қутбларда ва қутбий районларда рўй беради. Бунда ёрилган жинслар ичига сув кириб, музлаб ёриқларни кенгайтиради, ниҳоят, уларни ўпириб емиради. Демак, физик нураш натижасида жинслар майдаланади, бўлакланади ва бир жойдан бошқа жойларга кўчади, аммо уларнинг химиявий таркиби ўзгармайди.

Химиявий нурашнинг асосий факторлари сув, кислород ва карбонат ангидрид ҳисобланиб, уларнинг таъсирида тоғ жинслари емирилади, майдаланади ва ҳатто минералогик таркиби ҳам ўзгаради. Чунки сув эритувчанлик хусусиятига эга. Температураси $+18^{\circ}$ бўлган бир литр тоза сувни олсак, унинг таркибида 2 грамм (кальций сульфат) CaO_4 , 0,43 грамм (магний карбонат) 0,013 грамм (кальций карбонат) CaCO_3 , 0,00000014 грамм (темир сульфат) эриган ҳолда учрайди. Агар сув сувсиз минералларга қўшилса, уларни сувли минералларга (қизил темир тошни лимонитга, ангидридни гипсга) айлантириши мумкин.

Ҳавода эркин ва сувда эриган ҳолдаги кислород оксидланиш реакциясига сабабчи бўлади ва оқибатда тоғ жинсларнинг нурашига таъсир этади.

Органик нураш туфайли тоғ жинслари емирилади ва янги тоғ жинслари вужудга келади. Тоғ жинслари айниқса, микроорганизмлар (бактерия, замбуруғлар, фильтранувчи вируслар ва бошқа)нинг иши туфайли кўпроқ емирилади. Чунки микроорганизмлар тупроқнинг устки қатламида жуда кўплаб (1 см^3 ерда юз минглаб) яшайди. Ўша микроорганизмлар таъсирида тупроқдаги органик қолдиқлар парчаланиб, бижгийди ва натижада хлорид кислотаси, фосфорли бирикмалар вужудга келади.

Органик моддаларнинг парчаланишидан кислоталар, эфирлар, спиртлар, азот бирикмалари, нитрат кислотаси вужудга келади. Улар ўз навбатида, тоғ жинсларига таъсир этиб, уларнинг таркибини ўзgartириб, нурашига сабаб бўлади.

Микроорганизмлар таъсирида тоғ жинсларининг емирилиши Ер шарининг ҳамма жойида содир бўлади. Тяншань тоғларида 4500—5000 м баландликда ҳам микроорганизмлар (сувутлари,

замбуруглар, бактериялар) мавжуд бўлиб, тоғ жинсларини емиради. Микроорганизмлар ва ўсимликлар тоғ жинсларини емиришдан ташқари, ўзлари ҳам жинсларни вужудга келтиришда иштирок этади. Бунга торф ҳосил бўлиши яққол мисолидир.

Тоғ жинсларининг нурашида тупроқда яшовчи юмонқозиқ, каламуш, қўшоёқ, сичқон ва бошқа жониворлар ҳам иштирок этади. Сўнгги вақтларда тоғ жинсларининг парчаланишида кишиларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнлар (шахта, каръер, канал, тўғон, сув омборлари ва бошқалар қуриш) нинг таъсири ҳам кучайиб бормоқда.

Ер юзаси рельефини ўзгартиришда нурашнинг роли жуда катта. Нураш туфайли тоғ жинслари емирилиб, бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб ётқизилади. Демак, нураш туфайли бир жой пасайса, иккинчи жой тўлдирилади. Нураш туфайли майда жинслар кўчиб, қумли ерлар вужудга келади ва янги жинслар ҳосил бўлиб туради.

Шамолнинг иши. Шамол геоморфологик агент сифатида тоғ жинсларига таъсир этиб, емириш, учириси ва ётқизиш каби ишларни бажаради. Шамол таъсирида вужудга келган юмшоқ жинслар зол ётқизиқлар, шамолнинг фаолияти эса эол процесси деб юритилади.

Шамолнинг иши икки хил куринишда бўлади. Аввало, шамол бирор юзага таъсир этиб заррачаларни кўчириб, учириси олиб кетади. Бу ҳодиса дефляция дейилади. Шамол ҳавода учириси ёки юмалатиб келаётган майда заррачалар бирор жойга бориб урилади ва уни емириб силлиқлайди ёки ҳар хил шаклдаги чуқурчалар ҳосил қиласиди. Бундай процесс коррозия дейилади.

Дефляция кўпроқ ғовак тоғ жинслари мавжуд бўлган районларда содир бўлиб, юмшоқ жинсларни учириси кичик ботиқчаларни, чуқурчаларни ҳосил қиласиди. Бунга Ўрта Осиёдаги Қониёриқ ботиғи мисол бўлади.

Коррозия процесси эса кўпроқ қаттиқроқ тоғ жинслари тарқалган жойларда бўлиб, қолдиқ тоғлар, тош устунлар, қўзиқоринсимон рельеф шаклларини вужудга келтиради.

Шамол тоғ жинсларини узоқ жойларга учириси боради. Африка чўларидан учирилган чанг-тўзонлар 2000—2500 км узоқликкача борган. Шамол айниқса шўрхок жойлардаги, денгиз бўйларидағи юмшоқ, ғовак тузли қатламларни кўпроқ учиради. Ҳар йили довул шамоллар Дунё океани юзасидан атмосферага 15 млн. т ҳар хил тузларни учириси кетади.

Шамол емириб, учириси кетаётган майда зарраларни бошқа бир ерга олиб бориб ётқизади. Бундай процесс шамол аккумуляцияси турфайли чўлларда қумнинг ҳар хил рельеф шакллари — барханлар, қум марзалари ҳамда лёссли қатламлар вужудга келган.

Ер ости сувлари ҳам ер юзаси рельефини ўзгартиришда фол иштирок этади. Чунки ер ости сувлари туфайли карст ҳоди-

саси, форлар, сурималар, ўпирлишлар ва бошқалар вужудга келади. Сувда тез эрийдиган туз, гипс, оҳак жинслари кўп тарқалган жойларда ер ости суви таъсирида карст ҳодисаси вужудга келади. Натижада сувда эриган жинслар ўрнида конуссимон, воронкасимон чуқурлар вужудга келади. Карст процесси СССРнинг Пермь области территорииясида, Крим ярим оролида, Шимолий Кавказда, Ўрта Осиёнинг Копетдоф, Бойсун, Зарафшон, Кўхитанг каби тоғ тизмаларида айниқса кўп учрайди.

Ер пусти сувлари таъсирида тез эрувчан жинслар ўрнида бўшлиқлар, форлар ҳам вужудга келади. Форларнинг узунлиги бир неча ўн ва ҳатто юз км га етиши мумкин. Масалан, АҚШ даги Мамонт горининг узунлиги 250 км, СССРдаги Кунгур горининг узунлиги 4,6 км. Ўзбекистонда форлар Зарафшон, Кўхитанг, Бойсун тоғ тизмаларида учрайди. Зарафшон тизмаси-нинг Қирқтоғ платосида жойлашган Килси гори СССРдаги энг чуқур (1082 м) фордир.

Ер юзаси рельефини ўзгартиришда оқар сувларнинг иши жуда муҳимдир. Чунки оқиб келаётган сув маълум энергияга эга. Бу энергия ўз йўлида учраган тоғ жинсларини емиради. Нураган жинсларни оқизиб ва юмалатиб кетади. Дарё суви бажарадиган иш уч турга бўлинади — ўзанни ювиш (эрозия), ювилган жинсларни оқизиб кетиш (транспортировка) ва оқизиб келинаётган жинсларни чўктириб ётқизиш (аккумуляция).

Эрозия процесси чуқурлатиш эрозияси ва ён эрозияга бўлиниади. Чуқурлатиш эрозиясида дарё остини ювиб, ўзанни чуқурлатади, ён эрозияда эса ўзанни кенгайтиради. Эрозиянинг бу икки тури доимо биргаликда содир бўлса-да, лекин тоғли районларда чуқурлатиш (остки) эрозия, текисликда эса ён эрозия кучлироқ бўлади. Чуқурлатиш эрозияси туфайли дарё қайирлари вужудга келади. Улар кейинчалик террасаларга айланади. Текисликда дарёлар ён эрозия туфайли илон изи бўлиб оқади ва тирсаклар ҳосил қиласи. Вақт ўтиши билан тирсаклар дарёдан узилиб қолиб, ярим ой шаклидаги кўлларни ҳосил қиласи. Булар қолдиқ ўзанлар дейилади.

Дарёлар нураган жинсларни оқизиб бир жойдан иккинчи жойга элтиб қўяди. Ер шаридаги дарёлар денгиз ва океанларга ҳар йили 20 миллиард т ҳар хил моддалар (эритмалар, лойқа, қум, шағал ва бошқалар) ни келтиради.

Дарё оқимининг сустлашиши натижасида жинсларни оқизиш кучи сусаяди, оқиб келаётган моддалар чўка бошлайди. Дарёнинг юқори ва ўрта оқимларида йирикроқ, қуйи оқимида эса майдароқ жинслар чўкади. Дарё емириб олиб келиб маълум ерга ётқизадиган материаллар алювий дейилади.

Ер шари юзаси шаклини қор ва музликлар ҳамда доимий кўп йиллик музлаб ётган қатламлар ҳам ўзгартиради.

Музликлар ҳаракати натижасида жинслар парчаланади, парчаланган материалларни бир ердан иккинчи ерга олиб бориб ётқизади.

Музликлар ҳаракат қилаётганды қулаган ва йўлда учраган тоғ жинсларини суриб, ўзи билан илаштириб кетади ва бу жараён экзарация¹ деб айтилади. Музлик иши туфайли рельеф шакллари — карлар (цирклар), трог водийлари, «қўй пешоналар» ва бошқалар вужудга келади. Бундай рельеф шакллари кўпроқ тоғли ерларда учрайди.

Силжиган музлик катталиги турлича бўлган тоғ жинслари парчаларини олиб кетади. Бундай жинслар морена дейилади. Музлик маълум ерга келиб тўхтайди ва эрий бошлайди. Натижада ўша ерда муз келтирган материаллар тупланиб қолади. Бу охири морена дейилади. Музлик тагида тўплланган жинслар остки морена, музлик четидан жинслар чекка морена ва икки муз тили орасидаги жинслар ўрта морена деб юритилади. Қадимги музликлар турли рельеф шаклларини ҳосил қиласан.

Ер усти рельефининг ўзгаришида доимий музлаб ётган қатламлар ҳам иштирок этади. Доимий музлаб ётган ерларда даёларнинг ён эрозияси остки эрозиядан кучли бўлиб, ўзани саёз, лекин кенг бўлади. Ер ости музи эриган тақдирда унинг устидаги қатламлар чўкиб ер устида ўралар, ботиқлар вужудга келади. Агар ўша ўралар сув билан тўлса, термокарст кўллари вужудга келади. Бундай кўллар СССРнинг Сибирь қисмидаги айниқса кўп.

Доимий музлаб ётган қатламлар орасида ер ости суви яхлаб ўз устидаги ерни кўтариб, дўнг ҳосил қиласади. Агар шу ерлар ёрилса, сув яна атрофга тарқалиб, яхлаб, катта територияда «яхмалак» ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган ташқи кучлар (эззоген процесслар) натижасида Ер юзаси аста-секин ўзгариб, яссиланиб, пасайиб, текисланиб боради. Лекин бундай процессларни юз (50—100) йилда сезиш қийин. Чунки эззоген процесслар бир неча юз ва ҳатто миллион йиллар давом этади. Агар ер шарида фақат ташқи (эззоген) кучларнинг таъсири бўлганда эди, ҳозир ер юзи текисланиб, деярли бир хил бўлиб қолган бўлур эди.

ЕР ЮЗАСИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ЖИНСЛАР

Ер пўстидаги тоғ жинслари муайян минералларнинг йиғиндисидан иборат. Минераллар эса табиий химиявий бирикмалар бўлиб, ер пўстидаги содир бўладиган физик ва химиявий жараёнлар натижасида вужудга келган. Минераллар пайдо бўлиши жиҳатидан эндоген ва экзоген минераллар деб аталувчи икки катта груплага бўлинади.

Эндоген минераллар ички минераллар демакдир. Бундай минераллар ер пўстининг икки қисмидаги мантия қаватининг устидаги магматизм ва метаморфизм жараёнлари натижасида вужудга келган.

¹ Экзарация латинча сўз бўлиб «ўйиб кетиш» деган маънони англатади.

Экзоген минераллар ташқи (устки) минераллар маънисини англатади. Бундай минераллар ер пўстининг устки қисмida экзоген процесслар оқибатида вужудга келган.

Хозир ер пўстида 2500 дан ортиқ табиий бирикмалар маълум. Улар химиявий таркибига ва кристалларининг тузилишига кўра қўйидаги типларга бўлинади.

Силикатлар типи ер пўстида энг кўп тарқалган тоғ жинсларини ташкил этувчи минераллардир. Бу типга кирувчи минераллар ер пўсти умумий вазнининг 75% ини ташкил этиб, уларнинг энг муҳимлари дала шпати, слюда, каолинит, асбест ва бошқалар.

Оксидлар ва гидроксидлар типига кирувчи минераллар тарқалиши жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаб ер пўсти умумий вазнининг 17% ини ташкил этади. Улардан энг муҳимлари кварц, корунд, қўнғир темир, гематит, магнетит ва бошқалар.

Карбонатлар типидан бўлган минераллар ер пўсти вазнининг 1,7% ини ташкил этади; бу минераллардан энг муҳимлари кальцит, доломит, магнезит, малахит ва бошқалардир.

Фосфатлар типи ер пўсти умумий оғирлигининг 0,7% ини ташкил этади. Бу типга кирувчи минералларнинг энг муҳимлари апатитдир.

Хлоридлар типи (галит, сильвинит, флюорит ва бошқа минераллар) ер пўсти умумий вазнининг 5% ини ташкил этади.

Сульфидлар типи (пирит, галенит, киноварь, сфалерит ва бошқа минераллар) га ер пўсти умумий вазнининг 0,3—0,4% и тўғри келади.

Сульфатлар типига гипс, мирабилит, барит ва бошқа минераллар киради.

Соф элементлар типи (олтин, олтингугурт, графит, олмос ва бошқалар) ер пўсти умумий вазнининг 0,1% ини ташкил этади. Қолган минераллар зиммасига ер пўсти умумий вазнининг 4,6% и тўғри келади, холос.

Юқорида қайд қилинган маълумотлардан кўриниб турибдики, силикатлар ва оксидлар вазнига кўра, бутун ер пўстининг 92 процентини ташкил этади. Ваҳоланки, фосфат, сульфид, сульфат бирикмали минераллар табиатда кўп бўлса-да, лекин ер пўстининг умумий вазнининг кам қисмини ташкил этади.

Тоғ жинслари бу ер пўстидаги турли хил минералларнинг йигиндисидан иборат бўлади. Тоғ жинслари ўз тузилишига кўра полиминералли ва мономинералли бўлиши мумкин. Агар тоғ жинси бир неча минераллар йигиндисидан иборат бўлса, полиминералли тоғ жинси дейилади. Бунга кварц, дала шпати ва слюдадан таркиб топган гранит мисол бўла олади. Тоғ жинси бир минералдан ташкил топса, мономинералли тоғ жинси деб айтилади. Масалан,

кварцит фақат битта кварц минералидан, оҳактош эса фақат кальций минералидан ташкил топган.

Тоғ жинслари вужудга келиши жиҳатидан яна уч группага — магматик (отқинди), чўкинди ва метаморфик тоғ жинсларига бўлинади.

1. Магматик (отқинди) тоғ жинслари, бу Ернинг ички қисмидаги чўғдай қизиган магма ва лаваларнинг ер бетига чиқиб совишидан вужудга келади. Магматик жинслар ўзининг вужудга келиш шароити жиҳатидан чуқурдаги ёки интрузив ҳамда оқиб чиққан ёки эффузив жинслар деб иккига бўлинади.

Интрузив жинслар ер пўстининг ички қисмида қизиган магманинг узоқ вақт давомида кристаллашуви натижасида вужудга келади. Гранит, гранодиорит, сиенит, диорит, габбро кабилар ана шундай тоғ жинсларидир.

Эффузив жинслар эса вулканлар отилишидан чиққан лаванинг ер юзасида совиб, қотиб қолишидан вужудга келади. Бундай жинсларга липарит, трахит, андезит, базальт, долерит ва бошқалар мисол бўлади.

Магматик жинслар таркибидаги силикат кислотасининг миқдорига кўра нордон, ўрта, асосли ва ультра асосли деб аталувчи 4 группага бўлинади.

Нордон тоғ жинсларига гранит, кварцли порфир, липарит киради: уларнинг таркибида SiO_2 65% дан ортиқ.

Ўрта тоғ жинсларига порфир, трахит, диорит, порфирит ва андезит киради; уларнинг таркибида SiO_2 — 65—52% бўлади. Асосли тоғ жинсларига габбро, диабаз, базальт, базальти порфирит киради, уларнинг таркибида SiO_2 52—40% ни ташкил этади. Ультра асосли тоғ жинсларига эса дунит, перидонит киради, уларнинг таркибида SiO_2 40% дан кам.

2. Чўкинди тоғ жинслари қадимий тоғ жинсларининг ташки кучлар таъсирида ер устида ва ер пўстининг юқори қисмида нураб, парчаланишининг маҳсулидир. Ташки кучлар туфайли нураган маҳсулотларни шамол, оқар сув ва музлик бир жойдан иккинчи жойга олиб боради ҳамда қуруқлик юзасига ёки денгиз, кўл тубига ва дарё водийсига ётқизади.

Чўкинди тоғ жинслари Ер шаридаги тарқалган бўлиб, қуруқлик юзасининг 75 процентини қоплаган. Чўкинди жинслар асосан, денгиз ҳавзаларида вужудга келади. Улар кўпроқ кат-кат бўлиб жойлашиб, орасида организм қолдиқлари ҳам сақланган.

Чўкинди тоғ жинслари генетик жиҳатдан синиб уваланган, химик ва органик каби группаларга бўлинади.

Синиб уваланган жинслар тоғ жинсларининг механик емирилиши туфайли вужудга келган. Уваланган жинслар ўзининг шакли, жинснинг катта-кичиклигига қараб, учга бўлинади — уваланган ёки псефитолитлар¹, ўртача уваланган ёки псамми-

¹ Юнонча *псефито* — «шагал», литос — «тош».

толитлар¹ ва майда уваланган ёки алевролитлар² га бўли-
нади.

Уваланган жинс диаметри 2—200 мм ва ундан катта бўл-
са, псефитолитлар деб аталади. Тоғ жинсининг бўлаклари,
харсангош, майда шағаллар ва бошқалар киради.

Уваланган жинсларнинг диаметри 2 дан 0,1 мм гача бўлса,
псаммитолитлар дейилади (қум, қумтошлар).

Уваланган жинсларнинг диаметри 0,1 дан 0,01 мм гача бўл-
са, алевролитлар дейилади (лёсс).

Химиявий ва органик йўл билан вужудга келган чўкинди
жинслар кўпроқ сув ҳавзаларида (денгиз, кўл, ботқоқлар ва
х.к.) жойлашиб, эриган тузларнинг ҳамда ҳайвон ва ўсимлик-
лар қолдиқларининг тўпланишидан ҳосил бўлади. Бунга кар-
бонатли (бўр, доломит, мергель), темирли (лимонит, сидерит-
лар), сульфат галогенли (гипс, ангидрид, тош ва калий тузлари,
мирабилит), ёнувчи тоғ жинслари (торф, кўмир, сланец, нефть,
газ) киради.

3. Метаморфик тоғ жинслари тоғ жинсларининг кучли бо-
сим ва юқори температура таъсирида ўзгаришидан ҳосил бў-
лади. Бундай ўзгариш ер пўстида тектоник жараёнлар туфай-
ли вужудга келган кучли босим, температура, газ ва суюқ
ҳолдаги эриган моддалар таъсири натижасида содир бўлади.
Бу процесслар таъсирида чўкинди ва отқинди жинслар ўзла-
рининг аввалги хусусиятларини ўзgartириб юборади. Натижа-
да сланецлар кристалли сланецларга, оҳактош ва доломит
мармарга, кварцли қум ва қумлоқ тошлар кварцит жинсларига
айланади.

СССРнинг ҚАЗИЛМА БОЙЛИҚЛАРИ

СССР территориясида ҳозир маълум бўлган қазилма бой-
ликларнинг аксарияти революциягача топилмаган эди. Чунки
революциягача СССР территориясининг қарийб 70 проценти
геологик жиҳатдан деярли текширилмаган эди. Хўжалик учун
зарур бўлган никель, алюминий, молибден, подир металларнинг
жуда кўп тури, апатит ва бошқалар бутунлай қазиб олинмас
эди. Ҳатто бўр, ўтга чидамли гил ва бошқалар ҳам четдан
келтириларди.

Совет ҳокимияти даврида СССР территориясида геологик
қидирув ишлари қизитиб юборилди. Эндиликда СССР жуда
кўп қазилма бойликлар, чунончи: кўмир, темир ва марганец
рудалари, калий тузларининг аниқланган запаси ва уларни
қазиб чиқариш жиҳатидан дунёда биринчи, табиий газ ва ас-
бест запаси жиҳатидан биринчи, уларни қазиб чиқариш бўйича
иккинчи, нефть қазиб чиқаришда иккинчи, кўпгина рангдор
металлар, фосфорли ўғитлар, хромит ва бошқаларнинг запаси,

¹ Юонча *псаммито* — «қум», литос — «тош».

² Юонча *алевро* — «ун», литос — «тош».

қазиб олиш ва ишланиши жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринда туради.

Дунёда прогноз йўли билан аниқланган кўмир ресурсларининг тахминан ярми СССРдадир. 1800 м чуқурликкача бўлган тошкўмир ва 600 м чуқурликкача бўлган қўнғир кўмирнинг геологик запаси 6800 млрд. т деб ҳисобланади. Нефть билан табиий газнинг ҳам хом ашё ресурслари бор. Табиий газнинг геологик запаси 120 трлн. м³ га teng. Бу эса дунёдаги барча табиий газнинг қарийб $\frac{1}{3}$ қисмидир. Разведка йўли билан аниқланган табиий газ запаси эса 23 трлн. м³ га teng. Темир рудасининг разведка йўли билан аниқланган запаси дунёдаги барча темир рудаси ресурсларининг 40% ини, марганец рудасининг разведка йўли билан аниқланган запаси эса дунёдаги марганец запасининг 75% идан ортиқроғини ташкил этади.

СССРда темир рудасининг умумий запаси 100 млрд. т, разведка йўли билан аниқланган запаси эса 60 млрд. т. Калий тузлари, фосфат рудалари, алюминий хом ашёси, мис, никель, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден, калий, суръма, нодир ва асл металлар, асбест, графит слюда, флюорит, магнезит, олтингугурт, тош тузи, хилма-хил қурилиш материаллари ва бошқа фойдали қазилмаларнинг ҳам йирик ресурслари аниқланди. СССР чет элларга, биринчи галда, социалистик мамлакатларга минерал хом ашё ва унинг маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

СССР териториясидаги қазилма бойликлар таркиби ва халқ хўжалигига фойдаланишига кўра, ёнувчи (ёқилғи), металл ва металлмас қазилма бойликларга бўлинади. СССР територияси бўйича ёнувчи қазилма бойликлар бир текис жойлашган эмас. Уларнинг $\frac{9}{10}$ қисмидан ортиғи Уралдан шарқдаги районлардадир.

Кўмир. Кўмир халқ хўжалигига катта аҳамиятга эга. СССР териториясидаги умумий кўмир миқдорининг тахминан $\frac{3}{5}$ қисми тошкўмир, қолгани қўнғир кўмирdir.

Уралда кўмир Кизел, Челябинск, Жанубий Урал районларида бўлиб баланс запаси 6,9 млрд. т. СССРнинг Осиё қисмидаги энг муҳим кўмир ҳавзаси Кузбассdir.

Қозоғистондаги энг муҳим кўмир ҳавзаси Қарағандадир. Бу кўмир ҳавзасининг майдони 3600 кв. км. Қазиб олинадиган кўмирнинг ярмидан кўпроғи коксланувчи кўмирdir. Қозоғистондаги иккинчи муҳим кўмир ҳавзаси Убаган ёки Түргайдир.

Ўрта Осиёда кўмир кам — СССРдаги кўмир запасининг фақат ярим процентига яқини шу ерда. Ўрта Осиёдаги кўмир конлари Фарғона водийсининг атрофида жойлашган ва Кирғизистон ССРга қарайдиган Тошкўмир, Қизилқия, Сулукта, Қўкёнғоқ, Ўзган конларидир. Ўзбекистондаги Оҳангарон қўнғир кўмир конининг сифати анча паст, калорияси эса ўртача (3530 кал). Бундан ташқари Сурхондарё обlastida Шарғун тошкўмир кони ҳам бор.

Күмірнің умумий запаси жиҳатидан Шарқий Сибирь СССР да биринчи үринде тұрады. Бу үлкада күмірнің умумий миқдори 3949 млрд. т. Энг муҳим ҳавзалари Канск-Ачинск, Минусинск, Иркутск Лена, Тунгуска, Таймир, Жанубий Якутия (Алдан), Усть Енисей ҳавзаларидір.

Узоқ Шарқ иқтисодий районда умумий запаси 8 млрд. т бұлған 100 дан ортиқ күмір кони бор. Улар қойыдагилар: Кіевда — Райчихинск, Бурея, Сучан, Суйфун, Угловое, Александровск, Углегорск, Лесогорск ва бошқалар.

Нефть. Нефть ҳозирги замон саноати учун муҳим аҳамияттаға эга. Нефттан ажратыб олинадиган маҳсулоттар асосида түрли хил машиналар, реактив ва турбореактив двигателлар ҳамда ракеталар ишлайди. Шунингдек, нефть химия саноати учун хом ашё ҳамдир.

Революциягача ҳозирги СССР территориясыда 32 нефть кони бұлып, улар Боку, Грозний, Кубань ва Эмба районларыда ҳамда Фарғона водийсіда эди. Совет ҳокимияти даврида эса геологик қидируд ишларининг қызыб кетиши натижасыда, 1979 йилға келиб 600 дан ортиқ нефть кони аниқланған.

СССР территориясыда ҳозирча аниқланған нефть конлари Волга-Урал ҳавзасыда, Крим-Кавказ нефть провинциясыда, Украина, Фарбий Сибирь, Урта Осиё ва Қозоғистон ССР территориясидадыр.

СССРдаги Волга-Урал нефть провинцияси шимолда Оқ денгиз құрғоқларидан бошланады ва жанубда Эмба нефть провинциясында келиб туташады. Бу провинция Татаристон АССР (Алмат ва бошқа), Бошқирдистон АССР (Ишимбай, Туймази ва бошқа), Куйбишев обласы, Пермь обласы, Коми АССР, Оренбург обласы территорияларидадыр.

СССР территориясидеги иккінчи нефть провинцияси Крим-Кавказ провинциясидір.

Крим-Кавказ нефть провинциясыда Озарбайжон ССР олдинги үринде тұрады. Бу ерда нефть Апшерон ярым оролидан, Каспий денгиз құрғоқларидан, Кура пасттекислигидан топилған. Шунингдек, нефть Каспий денгизидан (Нефтяные Камни, Грязевая Сонка, Дарвин саёзлиги, Артём ороли, Песчанний ороли, Жилой ороли ва бошқа конларидан) ҳам олинмоқда. Нефть яна Чечен-Ингушия АССР (Грозний атрофлари), Дагестон АССР (Махачқала, Избербаш), Краснодар үлкәсі ва Ставрополь үлкәсі территорияларидан ҳам чиқады.

СССРнінг Европа қисмінде нефть конлари яна Днепр-Донецк нефть провинциясыда бұлып, үз ичига Полтава, Чернигов, Могилёв, Гомель ва бошқа областларнан олады.

Карпат нефть провинциясидеги конлар Долина, Борислов, Битков ва бошқалардір.

Қозоғистондагы Урал-Эмба нефть провинциясыда нефть конлари (Макат, Доссор, Құсшағал ва бошқалар) бор. Сүнгі вактда олиб бориленген геологик қидируд ишлари натижасыда Манғышлоқ ярым оролидан ҳам нефть конлари топилди.

Ўрта Осиёдаги нефть конлари Туркманистан ССРда (Челекен, Небитдоғ, Борсакелмас, Құшдоғ, Комсомольск), Фарғона водийсида (Қызилолма, Мойлисув, Избоскан, Чангиртош, Оламушук, Полвонтош, Хонқиз, Чимён, Нефтобод, Хұжаобод, Равот ва бошқалар), Сурхондарё водийсида (Хавдоғ, Кокайти), Қарши чүлида, Вахш водийсида (Оқбошодир, Кичикбел) жойлашган.

Сүнгги вактларда СССРда нефть конлари Ғарбий Сибирь текислигидан (Усть-Балиқ, Сургут, Локосово, Мегион, Соснино, Васюганье ва бошқа конлар), Шарқий Сибирда Иркутск областидан (Морково), Вилюй водийсидан ҳам топилди.

СССР нинг Узок Шарқдаги нефть конлари Сахалин оролида жойлашган (Жанубий Оха, Сабо, Эхаби, Лисая Сопка ва бошқалар).

Газ. Газ СССР ёқилғи ресурслари ичидә энг муҳимларидан биридир.

Газ конлари СССР территорияси бүйича нотекис жойлашган: 72,5 проценти СССРнинг Осиё қисмидә, қолган 27,5 процента Европа қисмидә ва Кавказдадир.

СССРда газ конлари ҳам күпроқ нефть-газ провинциялари ҳисобланған Шимолий Кавказ, Волга-Урал, Ғарбий Украина, Жанубий Украина, Печора, Урал-Эмба, Ғарбий ва Шарқий Сибирь, Закавказье ва Ўрта Осиёда жойлашган.

Волга-Урал нефть-газ провинцияси ўз ичига Волгоград, Саратов, Куйбишев, Оренбург, Пермь областларидағы ҳамда Бошқирдистон АССРдаги газ конларини олади.

Шимолий Кавказ газ провинцияси ўз ичига Краснодар, Ставрополь үлкаларини ва Догистон АССРни олади, бу ерда Майкоп, Степное каби газ конлари мавжуд.

СССР территориясида сүнгги йилларда аниқланған газ райони Ғарбий Сибирь текислигидир.

Ғарбий Сибирдаги газ конлари — Уренгой, Заполярное, Губкин, Тазовский, Комсомольский, Айваседепур, Медвежье, Шимолий Васюганье ва бошқалардир.

Ватанимиздаги перспектив газ районларидан бири Шарқий Сибирь ҳисобланади. Лекин ҳозирча аниқланған газ конлари эса күпроқ Марказий Якутия ботигидадир.

Сүнгги даврларда Украина нинг бир қанча жойларida газ конлари топилди. Озарбайжонда Ашерон ярим ороли ва Кура бўйи пасттекислигига ҳам газ конлари бор.

Ўрта Осиёдаги газ районларидан бири Бухоро-Хива провинциясидир. Бу район Ўзбекистон территориясида бўлиб, унинг конлари Газли, Саритош, Коровулбозор, Жарқоқ, Оқжар, Шўрчи, Юлдузқоқ, Сеталантепа, Шўртепа, Шимолий Муборак, Жанубий Муборак, Қорабайир, Қызылработ ва бошқалардир.

Шунингдек, газ Фарғона водийсидан, Сурхондарё водийсидан, Қарши чўлидан (Шўртонг), Устюрт платосидан, Ҳисор

торининг ғарбий ён бағридан (Одамтош кони) ва бошқа ерлардан ҳам чиқади.

Туркманистоннинг ғарбий қисмида — Дарвоз, Байрамали, Ачак, Шодлик, Сомонтепа каби газ конлари бор.

Газ конлари Қозогистоннинг Эмба ҳавзасида ва Мангишлок ярим оролида, Узоқ Шарқда ҳам мавжуддир.

СССРда газдан фойдаланадиган районларга газ қувурлар орқали юборилади. СССРдаги энг муҳим магистраль газ қувурлари Марказий, Шарқий Украина, Ғарбий Волгабўй, Кавказ, Ўрта Осиё ва Урал системаларидир.

Марказий система — бунда Ставрополь ва Краснодар ўлкаларидаги газлар Шимолий Кавказ — Марказ қувури орқали Москвага, Ленинградга, Донецкка боради.

Шарқий Украина магистралига Шебелинка-Харьков-Белгород-Брянск-Москва, Шебелинка-Киев, Шебелинка-Кривой-Рог-Одесса газ қувурлари киради, газ Украинанинг шарқий қисмидаги Шебелинка конидан олинади.

Ғарбий магистрал, системага Даshawa-Киев, Даshawa-Минск-Рига киради, газ Украинанинг ғарбидаги Даshawa конидан олинади.

Волгабўй магистраль газ қувурига Саратов-Москва, Саратов-Горький-Череповец газ қувурлари киради, газ Саратов, Волгоград областларидан чиқади.

Кавказ магистраль системасига Ставрополь-Грозний, Қорадоф-Ақстафа-Тбилиси-Ереван, Майкоп-Невинномисск ва Оржоникидзе-Тбилиси газ қувурлари киради.

Ўрта Осиё магистраль системасига эса Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ қувурлари ва унинг тармоқлари ҳамда Ўрта Осиё-Марказ газ қувурлари киради.

Урал магистраль системасига Бухоро-Урал газ қувури киради, газ Ўзбекистондаги Газли конидан олинади.

Торф. СССРда торфнинг умумий геологик запаси 158 млрд. т; бу эса дунёдаги торф миқдорининг 60 процентидир. СССР территориясида торф бир текис жойлашган эмас. Энг кўп торф запаслари СССР Европа қисмининг шимоли-ғарбида, Уралнинг шимолий қисмида, Ғарбий Сибирда ва Камчатка ярим оролидадир. СССРдаги торфнинг $\frac{9}{10}$ қисми РСФСРда, қолгани Белоруссия, Эстония, Латвия, Украина ва Литвада дир. СССРда торф энергетика, химия саноатида, коммунал хўжаликда хом ашё ва қишлоқ хўжалигида ўғит сифатида ишлатилади. Торфдан ўғит, органик кислоталар (сирка), фурфурол, дрожжи, спирт, мум, смола, елим, заҳарли химикатлар (карболинеум) ва бошқалар олинади.

Ёнувчи сланец. СССРда ёнувчи сланецнинг умумий геологик запаси 195 млрд. т бўлиб, бу эса дунёдаги сланец запасининг 40 процентидан кўпроқдир.

СССРдаги ёнувчи сланецнинг энг катта конлари Балтика бўйи, Волгабўйи ва Тиман-Печора ҳавзасидадир. Кострома области Чувашия, Мордва, Коми АССРларда, Уралда, Шимолий

Кавказда, Шарқий ва Фарбий Сибирда, Украина, Белоруссияда, Қозоғистонда ва Ўрта Осиёда ҳам ёнувчи сланец қисман учрайди.

Лекин ҳозирча фақат икки ҳавзадан: Болтиқбўйи сланец ҳавзаси (Эстония ССР, Ленинград ва Псков областлари) ва Волгабўйи сланец ҳавзасидан (Куйбишев, Саратов, Оренбург, Ульяновск областлари ва Татаристон АССР) сланец қазиб олиниади.

Металл қазилма бойликлар. СССР териториясида металл қазилмалар — темир ва марганец рудалари, хром, мис, рух ва қўрғошин рудалари, никель, қалайи, вольфрам, молибден, нодир ва қимматбаҳо металлар рудалари запаси аичагина.

Темир рудаси қора металлургия саноати учун энг муҳим хом ашёдир; СССРда ҳозирча аниқланган темир руда запасининг 40 проценти СССРнинг Осиё қисмига, 60 проценти эса Европа қисмига тўғри келади. СССРнинг Европа қисмида темир рудасининг муҳим конлари Кривой-Рог, Керчъ ва Курск магнит аномалиясидир.

Курск магнит аномалияси майдони 100 млн кв. км бўлиб, Курск, Белгород, Брянск, Орёл, Воронеж ва Қалуга областлари територияларида жойлашган (темир рудасининг умумий баланс запаси 44,6 млрд. т).

СССРнинг Европа қисми шимолида, Кола ярим ороли ва Қарелия АССР территорияларида, ҳам бир қанча темир рудаси конлари топилган. Темир рудаси конлари Урал, Фарбий Сибирь, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқда, Қозоғистон ССР ва Озарбайжон ССРда (Дошкесан) бор.

Марганец. СССР марганец рудасининг запаси ва уни қазиб чиқариш ҳамда экспорт қилишда дунёда биринчи ўриндадир. Марганец рудасининг кўпчилик қисми чўян ва пуллатнинг сифатини яхшилаш мақсадида қора металлургия саноатида, сўнгра химия саноатида ишлатилади.

Совет ҳокимияти даврида марганецнинг янги конлари Шимолий Уралда, Марказий Қозоғистонда (Қоражала, Жезди), Фарбий Сибирь ва Узоқ Шарқда (Кичик Хинган) топилди. СССР даги энг катта марганец конлари Украина даги Никополь ва Грузиядаги Чиатурадир.

Хром. Хром ҳам, марганец сингари, қора металлургия саноатида пуллат ва чўяннинг сифатли бўлиши учун хизмат қилаади. Шунингдек, химия саноатида хром тузи ҳамда ўтга чидамили материаллар олишда ҳам ишлатилади.

СССРдаги хром рудасининг асосий конлари Қозоғистонда ва Уралдадир. Уралда Сарана хром рудаси бор.

Мис. Мис рангли металлургия саноатининг асосий хом ашёсидир.

СССРда мис рудасининг конлари Қозоғистон территориясида (Жезқазғон, Қўнғирот, Бўзшакўл), Уралда (Дегтярск, Красноуральск, III Интернационал, Кировоград) жойлашган. Бу-

лардан ташқари, мис рудасининг кони яна Ставрополь ўлкасида (Уруп), Олтойда (Николаевка, Белоусово), Чита областида (Удокан), Ўзбекистонда (Олмалиқ), Арманистонда (Алаверди, Зангезур), Краснояр ўлкасида (Норильск), Кола ярим оролида ҳам бор.

Қўрғошин ва рух. Табиатда қўрғошин ва рух бирга, баъзан эса бошқа металлар, чунончи, мис, кумуш, олтин, висмут, қалайи кабилар билан бирга учрайди ва улар полиметаллар деб юритилади.

СССР терриориясида қўрғошин ва рух рудасининг муҳим конлари Қозоғистонда (Лениногорск, Белоусов, Сокольное, Заряновск, Ачисой, Текели, Миргалимсой ва бошқа конлар), Ўрта Осиёда (Консой, Олтингитган, Адрасман), Ғарбий Сибирда (Салаир группа конлари), Олтой тоғларида, Шарқий Сибирда (Нерчинск группа конлари), Узоқ Шарқда (Тетюхе, Николаевск), Кавказда (Садон) ва бошқа ерларда учрайди.

Қалайи конлари Чита, Магадан областлари, Приморье ва Хабаровск ўлкалари, Якутия АССР ва Ўрта Осиё териорияларида бор.

Никель ва кобальт. Чор Россияси даврида ҳозирги СССР терриориясида никель ва кобальт ишлаб чиқарувчи бирорта ҳам корхона йўқ эди.

Совет ҳокимияти йилларида эса никель ва кобальт ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. Никель конлари Ноғильска (Красноярск ўлкаси), сунгра Мурманск области, Свердловск области, Челябинск области, Оренбург области, Актюбинск области ва бошқа жойларда бор. Ҳозир СССР никель рудасининг запаси жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан биридадир.

Революциягача кобальт фақат Дошкесан конида бўлган бўлса, ҳозир унинг кони Уралда, Ўрта Осиёда ва Красноярск ўлкасида ҳам бор.

Алунит конлари эса Озарбайжонда (Занглик кони), алунит каби хом ашёдан фойдаланилади. СССРда боксит конлари Уралда (Североуральск), Қозоғистон (Тўргай кони), Ленинград областида (Тихвин), Ғарбий ва Шарқий Сибирда бор.

Нефелин рудасининг конлари Мурманск обlastida (Хибини кони), Красноярск ўлкасида, Кемерово, Иркутск областида, Бурятия, Арманистон ССР ва Ўрта Осиёда жойлашган.

Алунит конлари эта Озарбайжонда (Заглик кони), Ғарбий Сибирда, Қозоғистонда, Ўзбекистонда (Оҳангарондаги каолин кони) ва бошқа ерларда ҳам мавжуд.

Сурма ва симоб. СССРда сурьма конлари Қирғизистонда (Қадамжой кони) жойлашган. Симоб рудаси Қирғизистондаги Ҳайдаркон, Украинаадаги Никитовка конларидан топилган. Шунингдек, симоб конлари Ғарбий Сибирда (Олтой тоғларида), Шарқий Сибирда, Догистон АССРда ҳам мавжуд.

Вольфрам. Вольфрам рудасининг запаси жиҳатидан СССР дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Унинг муҳим конлари Шарқий Сибирда (Жида кони), Ўрта Осиёда (Лангар, Қўйтош конлари), Қозоғистонда (Оқтоб кони), Шимолий Қавказда (Тирни-Ауз кони) жойлашган.

Молибден ҳозирги вақтда металлургия, ракета техникиса ва электроникада кенг қўлланади. Қарағанда обласида (Бўзшакул, Қўнғирот), Арманистонда молибден конлари маълум. Молибден Узоқ Шарқда, Шарқий Забайкальеда ҳам бор.

Олтин. Чор Россияси ўтган асрнинг ўрталарида олтин ишлаб чиқаришда дунёда олдинги ўринда бўлиб, жаҳонда олинидиган олтиннинг 40 процентини берар эди. Лекин у даврда фақат сочма олтин олинар эди.

Совет ҳокимиюти даврида эса сочма олтин конлари билан бир қаторда, кварт томирлари орасида учрайдиган олтин конлари ҳам қидириб топилди ва ишга солинди. Ҳозир СССРдаги олтин конлари Уралда, Қозоғистонда, Сибирда, Узоқ Шарқда, Арманистонда ва бошқа ерлардадир. Кейинги йилларда СССР даги олтин конлари Ўзбекистон терриориясидан (Мурунтов, Чадаксой, Кучбулоқ, Маржонбулоқ) ҳам топилди.

Урал, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда кумуш конлари ҳам мавжудdir.

СССРда олмоснинг асосий конлари Шарқий Сибирдадир (трубка Мир, Удачная ва бошқалар).

Металлмас қазилма бойликлар. СССР терриориясида металлмас қазилмалар кўп бўлишига қарамай, революциягача улардан фойдаланиш жуда паст даражада эди. Ҳатто, фосфорит, графит ва каолин каби қазилмалар ҳам чет эллардан олиб келинар эди.

Совет ҳокимиюти йилларида металлмас бойликларнинг конларини қидириб топиш ва улардан рационал фойдаланиш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Эндиликда СССР металлмас бойликлар билан ўз эҳтиёжини қондиришдан ташқари, жуда кўп давлатларга асбест, цемент, калий ва фосфорит ўғитлар экспорт қилмоқда. Фосфорит ва апатит химиявий ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашёдир.

СССР терриориясида апатит кони Кола ярим оролидаги Хибин тоғларидадир. Фосфоритнинг муҳим конлари СССРнинг Европа қисмидаги Вятка-Кама (Киров облости), Егорьевск (Москва облости) ҳамда Қоратов конлари (Қозоғистон ССР).

Калий тузининг аниқланган запаси жиҳатидан СССР дунёда биринчи ўринда туради. Бу хом ашёдан кўпроқ калийли ўғит олишда фойдаланилади.

СССРдаги калий тузининг асосий конлари Соликамск ва Березникидир. Шунингдек, Қалуш (Ивано-Франковск облости) ва Стебениск (Львов облости), Старобинск (Белоруссия ССР) каби калий тузи конлари бор. Калий тузи яна Қозоғистон ССРда (Индер кони), Туркманистон ССРда (Ўкузбулоқ), Тожи-

кистон ССРда (Күлоб шаҳри яқинидаги Хожа Сартеz ва Хожа Мұмін тоғларида), Саратов области ва Башқирдистон АССРда ҳам бор.

СССРда ош тузи запаси жуда катта, ош тузининг энг муҳим конлари Украина ССР (Славянск, Артемовск конлари), Урал (Верхне-Қамск), Оренбург области (Соль-Илецк), Башқирдистон АССР, Шарқий Сибирь, Волгабаййида (Босқунчоқ) жойлашган. Булардан ташқари, ош тузи яна Озарбайжон, Арманистон, Ўрта Осиёда ва бошқа ерларда бор.

Натрий сульфат тузи. Каспий денгизининг шарқий қирғофидаги Қорабўғоз-Гўл қўлтиғида айниқса кўп. Шунингдек, Орол денгизи қирғофидаги шўр кўллардан, Курунда чулидаги Кучук кўлидан ҳам глаубер тузи олинади.

Ватанимизда олтингугурт конлари Туркманистондаги Гугурттоғ, Ўзбекистондаги Шўрсув, Қозогистондаги Чанғиртошдадир. Олтингугурт яна Украина, Камчаткада ва Кирил оролларида ҳам мавжуддир.

Асбестнинг энг муҳим конлари Қозогистонда (Жетиқара), Оренбург областида (Килембай), Тува АССРда (Актоврак) жойлашган; асбест конлари Шарқий Сибирда, Ўрта Осиёда ва Шимолий Қавказда ҳам бор.

Графит — электротехникада, машинасозликда, атом саноатида, керамикада, қалам ишлашда кенг қўлланилади. Лекин революциягача Россия графитни четдан келтирас эди. Совет ҳокимиияти йилларида графитнинг кўплаб конлари топилди.

Графит конлари Украина, Завалье, Перово, Жданов; Уралдаги Тайгинка, Мурзинка; Ўзбекистондаги Тосказгон (Бухоро области); Сибирдаги Ногинский, Курея, Фатьяниха (Енисей дарёсининг қуёй оқимида) ва Ўзоқ Шарқдаги Союзное конларидир.

СССРда юқорида қайд қилинган қазилма бойликлардан ташқари мармар, оҳактош, қум, шагал, бўр каби қурилиш материаллари ҳам куп.

Савол ва топшириқлар. 1. Ер шари рельефи қандай жараёнлар таъсирида шаклланади? 2. Қандай жараёнлар эндоген кучлар дейилади? 3. Тектоник ҳаракатларга нималар киради? 4. Картадан Ер юзидаги энг катта геосинклиналлар ва платформаларни топинг, улар қандай хусусиятлари жиҳатидан фарқланишини билиб олинг. 5. Бурмали ва палаҳса тоғларга характеристика бериб, бир-биридан фарқини билиб олинг. 6. Антиклинални синклиналдан, горстни грабендан фарқини билиб олинг. 7. Ер тарихидаги асосий бурмаланиш (тоғ ҳосил бўлиш) босқичларини билиб олиб, уларга характеристика беринг. 8. Картадан каледон, герцин ва алъп бурмаланишида вужудга келган тогларни топиб, билиб олинг. 9. Нима сабабдан зилзила ва вулканлар Ўрта дентиз ва Тинч океан ҳалқасида жойлашган? 10. Картадан тез-тез зилзила бўлиб, вулканлар отилиб турадиган жойларни топинг ва контур картага туширинг. 11. Ер шаридаги қандай жойлар сейсмик ва асерсмик районлар деб айтилади? 12. Ўзбекистон ССРнинг қайси қисми сейсмик районга киради? 13. Зилзила қандай асбоб ёрдамида аниқланади ва кучи неча балли шкала билан ўлчаниди? 14. Қандай вулканлар сунгани ҳисобланади? Картадан СССР да ҳаракатдаги вулканлар мавжуд бўлган районларни курсатинг. 15. Гейзерлар нима? Улар қандай хусусиятлари жиҳатидан вулканлардан фарқ қиласиди? Картадан СССРдаги гейзерлар мавжуд бўлган жойларни курсатинг. 16. Ер юзасини

ўзгартувчи ташқи (экзоген) кучларга нималар киради? 17. Тог жинслари нима ва у минераллардан қандай фарқ қиласы? 18. Тог жинслари вужудга келиши жиҳатидан қандай группага бўлинади? Магматик, чўкинди ва метаморфик тог жинсларига кирувчи асосий биримларни билиб, уларни фарқларини гапириб беринг. 19. Қазилма байликлар картасидан СССРдаги энг муҳим қазилма бойликлар конини топиб, билиб олинг.

ЕР ЮЗАСИ РЕЛЬЕФИННИГ ШАҚЛЛАРИ

Ер юзаси бир хил ва текис бўлмасдан у океан ва материкалардан ташкил топган. Океанларда чуқур чўкмалар, ёриқлар, сув ости тоғлари; материкларда эса ботиқлар, пасттекисликлар, текисликлар, плато ва қирлар, ясси тоғлар, баланд тоғлар мавжуд. Ер сиртининг ўша текис бўлмаган юзасини бир ном билан унинг рельефи деб аталади.

Ер юзаси рельефи эса унинг ички ва ташқи динамик жаёнларининг ўзаро таъсири ва алоқаси натижасида вужудга келган ва шакланган.

Ер шари юзасининг умумий майдони 510 миллион кв. км бўлиб, шундан 361 миллион кв. км ни океанлар, 149 миллион кв. км ни эса қуруқлик эгаллаган.

Ернинг қаттиқ пўсти устида сув ва қуруқликларнинг тақсимланиши ва жойлашиши унинг ҳамма қисмида ҳам бир хил эмас. Чунки ернинг шимолий ярим шаридаги қуруқлик жанубий ярим шардагига нисбатан кўпроқ. Шимолий ярим шарнинг 39 процентини қуруқлик, 61 процентини сув ишғол қилса, жанубий ярим шарда қуруқлик 19 процент, сув эса 81 процентдир. Ер шаридаги қуруқлик майдонини 100 процент десак, шунинг 67,5 процента шимолий, 32,5 процента эса жанубий ярим шарда жойлашган (36-расм).



36-расм. Ер шари қуруқлик ва сувлар майдонининг нисбати (% ҳисобида)

1. Ер шари бўйича, 2. Шимолий ярим шар, 3. Жанубий ярим шар. 4. Қуруқликнинг ярим шарлар бўйича жойлашиши.


Қуруқлик шимолий ярим шарнинг ўртача кенгликларида кўпроқ, жанубий ярим шарнинг ўртача кенгликларида эса камроқ майдонни эгаллади (37-расм).

Ер юзасида сув ва қуруқликларнинг бундай тақсимланиши тасодифий бўлмай, балки Ердаги ички ва ташқи кучларнинг ўзаро таъсири оқибатидир.

Океанлар. Сайёрәмизнинг океанлардан иборат бўлган яхлит сув юзасига Дунё океани дейилади. Дунё океани, ўз навбатида, материклар орқали бўлакларга бўлинади ва бу қисмлар океанлар дейилади. Ер юзасида тўртта океан мавжуд бўлиб, улар қуидагилардир¹ (6-жадвал).

¹ Базъи тадқиқотчилар Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларининг Антарктида ёнидаги қисмларини океан деб алоҳида ажратмоқдалар.

Шимол



Жануб

Қуруқликлар

Сувлар

37- расм. Қуруқлик ва океанларнинг күтб антисимметрияси. Ҳар 10° географик көнгликтеги қуруқлик ва океанларнинг тақсимланиши (Л. П. Шубаев маълумоти). Қуруқлик ва сувларнинг майдонини билдирувчи рақамлар млн. кв. км ҳисобида.

6- жадвал

Океанлар	Денгизлари билан бирга майдони (млн. кв. км.)	Энг чуқур жойи (м)	Үртача чуқурлиги (м)
Тинч	179,68	11022	3984
Атлантика	93,36	9428	3926
Хинд	74,92	7130	3897
Шимолий Муз	13,10	5449	1205

Океан туби чуқурлигига қараб материк саёзлиги, материк ён бағри, океан туби, океан нови ёки қаъри деб 4 босқичга бўлинади.

Океаннинг 0—200 м гача чуқур бўлган жойлари *материк саёзлиги* дейилади. Материк саёзлиги материки чеккасининг сув остидаги давоми бўлиб, бутун Ер юзасининг 4 процентини ташкил этади.

Океанларнинг 200—2500 метргача чуқур бўлган қия қисми материкин ён бағри дейилади ва бутун Ер юзаси майдонининг 40 процентини ишғол қиласди.

Океанларнинг 2500—6000 м чуқур бўлган қисми эса океан туби дейилади ва Ер шарининг 55,0 процентини ишғол қиласди. Ниҳоят, океанларнинг 6000 м дан чуқур бўлган қисми океан нови ёки қаъти деб аталади ва Ер юзасининг 1 процентини ташкил этади.

Материк ва қитъалар. Ер шаридаги 149,0 миллион кв. км майдонга эга бўлган қуруқлик бир неча катта ва кичик бўлаклардан иборат. Ер шаридаги қуруқликнинг океанлар орқали бир-биридан ажралган бўлакларига *материклар* дейилади. Олтида материки бор: Евросиё, Африка, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Антарктида ва Австралия (7- жадвал). Демак, материки — атрофи океанлар билан ўралган катта қуруқликдир.

7- жадвал

Материклар	Майдони млн. кв. км	Баландлиги, м ҳисобида			Литосферанинг ўртacha қалин- лиги (км)
		ўртacha	максимум	минимум	
Евросиё	50,70	840	Жамолунгма 8848	—392 Ўлик ден- гиз	
Африка	29,20	750	Килиманжаро 5895	—150 Ассаль бо- тиғи	42
Шимолий Америка	20,3	720	Мак-Кинли 6194	—85 Ажал во- дийсиз	42
Жанубий Америка	18,10	590	Аконкагуа 6960	—35 Салинос Чикос	40
Австралия	7,60	340	Косцюшко 2230	--12 Эйр кули	37
Антарктида	13,90	2040	Биноси 5140 (муз усти- нинг баланд- лиги)	—	?

Бу маълумотлардан кўринадики, энг катта материки Евросиё, энг кичиги эса Австралиядир.

Ер шарининг қуруқлик қисмини яна қитъаларга булиш ҳам одат бўлиб қолган. Қитъа — маданий-тариҳий тушунча бўлиб, унга теварак-атрофдаги ороллар ҳам киради. Ер шаридаги олтида қитъага ажралган.

Евросиё материги иккита қитъага: Европа ва Осиё қитъаларига бўлинади. Аксинча, Америка қитъаси эса икки материкдан: Жанубий Америка ва Шимолий Америка материгидан иборат:

Қитъалар	Майдони (млн. кв. км)
1. Осиё	43,45
2. Америка	42,53
3. Африка	30,30
4. Антарктида	13,97
5. Европа	10,0
6. Австралия ва Океания	8,89

МАТЕРИКЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ ВА ВУЖУДГА ҚЕЛИШИ

Материкларнинг жойлашиши. Материклар шимолдан жанубга қараб чўзилган, кенглик бўйича икки қатор бўлиб жойлашган ҳамда океанларга қарама-қарши (антипод) ўрнашган. Агар сиз глобусга ёки ярим шарлар картасига назар ташласангиз, материкларнинг шимолдан жанубга чўзинчоқ эканини ва шу йўналиш бўйича торайиб борганини, шимолда эса кенгайиб, Шимолий Муз океанини ўраб олганини кўрасиз. Антарктидани истисно қилганда, материклар жуфт-жуфт бўлиб жойлашган; Шимолий Америка билан Жанубий Америка, Европа билан Африка, Осиё билан Австралия. Ҳар бир жуфт материкни — шимолий материкни жанубий материкдан Ер пўстининг «синган» ёки «ёрилган» минтақаси ажратиб туради. Бу минтақа ўтган жойларда эса ороллар, денгизлар, қўлтиқлар кўп бўлиб, улар актив сейсмик районлар жумласига киради. Кариб денгизи, Мексика қўлтиғи, Ўрта денгиз, Индонезия ороллари орқали ана шундай минтақалар ўтади.

Материклар кенглик бўйича икки қатор жойлашган. Шимолий қаторда Евросиё ва Шимолий Америка, Жанубий қатор (ёки экватор олди қатори)да эса Жанубий Америка, Африка ва Австралия ўрнашган. Шимолий материкларнинг рельеф шакллари турли-туман ва мураккаб, Жанубий материкларнинг рельефи эса бир хилроқ ва соддароқ.

Ниҳоят, материклар океанларга қарама-қарши: Антарктида қаршисида Шимолий Муз океани, Шимолий Америка қаршисида Ҳинд океани, Африка ва Евросиё қаршисида Тинч океани жойлашган. Материкларнинг бундай жойлашишининг юқоридаги сабаби фанда ҳали етарли аниқланмаган.

Материкларнинг вужудга қелиши. Материкларнинг пайдо бўлиши тўғрисида бир қатор гипотезалар мавжуд. Улардан энг муҳимлари қисилиш гипотезаси, геосинклиналлар гипотезаси ва Вегенер гипотезасидир.

Қисилиш гипотезасига кўра, Ер шарининг ички қисми совиган сари қисилиб боради. Натижада ядро билан Ер пўсти орасида бўшлиқлар пайдо бўлади. Ер пўсти оғирлик кучига

биноан чұқади. Чүккан жойларға сув тұлиб, океанлар пайдо бұлған, күтарилиб қолған ерларда материклар вужудға келгандыр. Лекин академик О. Ю. Шмидт гипотезаси қисишиш гипотезасында қарама-қаршидір. (О. Ю. Шмидт Ер шары аслида совуқ бұлған, сұнгра унинг ядросидаги радиоактив моддалар-нинг парчаланиши туфайлы жуда катта энергия вужудға келіб, жинсларни эритиб эластик ҳолга келтирған деб ҳисоблады).


Геосинклиналлар гипотезасында күра, Ер юзаси платформа ва геосинклиналлардан иборат бұлған. Жуда қадимий геологик даврларда геосинклиналлар майдони ниҳоятта катта материкларни вужудға келтирған, платформалар майдони эса кичик бұлған. Сұнгри геологик даврларда материкларнинг чеккаларап тұпланған чүкінді жинслар бурмаланиб тоғлар ҳосил қылған, шундай қилиб материклар майдони катталашған.

Вегенер гипотезаси материкларнинг силжиши ёки сурилиши гипотезаси ҳам дейилади. Бу гипотезаға күра, Ер пұстининг устки қисміні силикат ва алюминий каби енгил жинслардан таркиб топған *Sial* (сиал) қавати қоплаб олған. Унинг остки қисмі эса оғирроқ силикат ва магний *Sima* (сима) қаватидан иборат. Ер пұстининг бирмұнча енгил *Sial* қавати оғирроқ қатлами устида «сузиб» (силжиб) юрган. Даңталғанда бутун Ер шарининг *Sial* қатлами устки қисмі ёппасында сув билан қопланған зор. Туташ океанларнинг үртаса чуқурулғы 2,6 км бұлған. Бу даврда Ер юзасыда материик бұлмаган.


Ернінг гарбдан шарққа қараб айланиши туфайлы сиал қатлам кейинчалық шу йұналиш бүйіча горизонтал равища аста-секін «сирғана» бошлаган. Марказдан қочиш кучи таъсирида ер пұстидан ёриқлар вужудға келиб, тобора кенгая борған, пировардіда баъзи ерларда (хозирғи Тинч океан) үрніда ер пұстининг сима қатлами очилиб қолған ва океан чуқулашған. Аксинча, ер пұстининг сиал қатламида ернінг бурмаланиши такрорланаверған ва бундан 225 млн. йил бурун (пермь даврида) хозирғи Эски дунё үрніда яхлит Пангея деган қуруқлик вужудға келған. Сұнгра бу яхлит қуруқлик мезозой әрасында келиб ёрилиб, парчаланиб ва сурилиб хозирғи материкларни ҳосил қылған. Материкларнинг сурилиши ҳозир ҳам давом этмоқда.

Чунончы Гренландия қар үили Европадан 20 см, Арабистон ярим ороли Африкадан 3 см узоқлашиб бормоқда.


Пангея қуруқлиги бундан 180 млн. йил илгари иккита материикка-Лавразия ва Гондвана деб аталған суперконтинентта бўлинган. Сұнгра Лавразиядан шимолий ярим шардаги Шимолий Америка, Гренландия ва Евросиё ажралиб чиққан. Гондвана материgidан эса Жанубий ярим шардаги Жанубий Америка, Африка, Антарктида, Австралия, Арабистон ва Ҳиндистон ажралиб чиққан (38- расм).




38- расм. Материкларнинг вужудга келиш карта схемаси.
а) Бундан 225 млн. йил аввалги (пермь даврининг охирида) Пангея материгининг умумий кўрничиши.



б) Бундан 180 млн. йил бурун (триас даврининг охирида) Пангея материгининг Лавразия ва Гондванага бўлиниши.



в) Бундан 135 млн. йил бурун (бўр даврида) материкларнинг жойлашиши.



г) Бундан 65 млн. йил буруни (бўр даврининг охирида) материкларнинг жойлашиши.




д) Материкларнинг ҳозирги жойлашиш қиёфаси.

А. Вегенер материкларнинг, хусусан Жанубий Америка билан Африканинг қирғоқ чизиқлари қиёфасига қараб ўз назариясини яратган. Чунки у Жанубий Американинг шарқий қирғофини Африканинг ғарбий қирғоги билан туташтирилса, улар бир-бирига зичлашиб, яхлит материк вужудга келишлígига ишонч ҳосил қилган.

1970 йилларда америка олимлари материкларни бир-бирига туташиб жипслашишлígини электрон ҳисоблаш машинасида текшириб кўрдилар. Олинган маълумотларга кўра материклар умумий қирғоқ чизигининг 93 проценти бир-бирига тўғри келиб, жипслашиб туташган. Айниқса Африка билан Жанубий Америка, Антарктида билан Африка қирғоқлари яхши туташган.

А. Вегенер назариясини янада ривожлантириш негизида ҳозир материкларнинг вужудга келиши ҳақида янги гипотеза «Литосфера плитасининг тектоникаси» ёки «плиталар тектоникаси» яратилди. Бу гипотезага кўра литосфера бир неча плиталардан — Евросиё, Африка, Хитой, Ҳинди-Австралия, Ғарбий Атлантика (Америка), Антарктида ва Тинч океан плитасидан иборат бўлиб, улар вулканлар ва ер қимирлашлар зонаси ҳисобланган ёриқлар орқали ажralиб туради. Шундай ёриқлардан бири Атлантика океани марказидаги Ўрта сув ости тизмаси ёнидан ўтган (39- расм).

Маълумки, океан типли ер пусты материк типли ер пустига нисбатан ўш (100—150 млн. йил) бўлиб, анча юпқа. Шу сабабли плиталар тектоникаси гипотезасига кўра ўш океан тип-



39- расм. Ернинг литосфера плиталари (С. М. Мильничук, М. С. Арбаджи бўйича).


Зилзилалар; 1 — кучсиз (қичик); 2 — ёртча; 3 — чуқура; 4 — спрединг зонаси; 5 — литосфера плиталари ҳаракатининг йўналиниши

ли ер пўсти плиталар орасидаги ёриқ зоналари бўйлаб астеносфера (юқори мантия)дан чиқаётган моддалар негизида янгиланиб туради. Бу жараён астеносферадаги моддаларнинг конвектив¹ ҳаракатлари натижасида содир бўлиб, улар таъсирида кекса (қадимий) континентал плиталар ва материклар сурилиб (силжиб) ер пўсти тагига — астеносферага чўкади. Аксинча, ёриқ зоналар орқали астеносферадан юқорига кўтарилаётган моддалар ҳисобига плиталар кенгайиб, янгиланиб (тўлдирилиб) турилади (39-расм).

Плиталарнинг силжиш (сурилиш) тезлиги (ернинг космик йўлдошлари ёрдамида олинган маълумотларга кўра унча катта эмас: Тинч океан плитаси шимол, шимоли-ғарбга қараб йилига 5 см тезликда силжимоқда. Бошқа плиталарнинг силжиш тезлиги ҳам Тинч океан плитаси силжиш тезлигига яқин (39-расм).

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинганлардан маълумки, плиталар тектоникаси назариясига кўра плиталар ва материкларнинг вужудга келиши ва уларнинг «ҳалокати», яъни астеносферага сурилиб (силжиб) чўкиб, қайтиб кетиши Ернинг бутун геологик ривожланиш тарихи жараёнида юз берган. Бу жараённи вужудга келтирувчи асосий манба, бу мантиядаги

¹ Конвекция (латинча *convection* — қелтириш, элтиб бериш маъносидаги маълум муҳитда жисмларнинг жойини ўзгариши туфайли иссиқликнинг кучиши).



40- расм. Литосферани спрединг ва субдукция динамикасининг кўрсатувчи палахса диаграммаси

жисмларнинг конвектив ҳаракатидир. Бунда литосферанинг спрединг зонасида Ер пўсти янгиланса, аксинча субдукция зонасида Ер пўсти астеносферага силжиб, чўкиб (ютилиб) сўнгра эриб кетади (40- расм).

ҚУРУҚЛИКНИНГ ГОРИЗОНТАЛ ВА ВЕРТИКАЛ ЎЗГАРИШИ

Ёр шарининг қуруқлик юзаси унинг ички ва ташқи кучлари таъсирида ҳам горизонтал, ҳам вертикал ҳолда ўзгариши. Қуруқлик юзасининг горизонтал ҳолда ўзгариши деганда тоғлар ва текисликларнинг жойлашиши тушунилади. Материклар юзасининг ўрта қисми четларига нисбатан пастроқ бўлиб, баланд тоғлар кўпроқ уларнинг четларида жойлашган. Паст текисликлар ва текисликлар эса, материкларнинг ички қисмидаги ўрнашган. Масалан, Жанубий Америка материгининг четки қисмидаги баланд Анд тоғлари, Ўрта қисмидаги эса Ла-Плата ва Амазонка паст текисликлари жойлашган. Евросиё материгининг жанубида Альп-Карпат- Помир- Ҳимолай тоғ системалари, шарқида Чукотка, Анадир тизмалари, ўрта қисмидаги Россия, Фарбий Сибирь, Турон текисликлари ўрнашган.

Қуруқлик юзасидаги тоғлар асосан меридионал ва параллел ҳолда йўналган миңтақалар (занжирлар) ҳосил қилиб, улар орасида эса текисликлар ҳамда қирлар жойлашган. Масалан, Америка материкларидағи тоғлар (Кордильера ва Анд) меридионал ҳолда, Евросиёдаги (Альп, Помир, Карпат, Тяншань, Ҳимолай ва бошқа) тоғлар эса параллел йўналишга эга. Ер юзасидаги энг баланд тоғ тизмалари шимолий ёки жанубий кенгликларнинг 30° — 40° орасида жойлашган.

Қуруқлик юзасининг вертикал ўзгаришини гипсометрик эгри чизиқ яққол тасвирлаб беради. Ўша гипсометрик эгри чизиқ

маълумотларидан кўриниб турибдики, қуруқлик юзасида баландлиги 1000 м дан паст бўлган жойлар қуруқлик юзаси умумий майдонининг $\frac{3}{4}$ қисмини ишғол қиласди. Дунё океани умумий майдонининг $\frac{3}{4}$ қисмининг чуқурлиги эса 3000—6000 м дир. Демак, материклардан баланд (1000 м дан юқори) тоғлар, океанларда эса чуқур (6000 м дан ортиқ) ботиқлар камроқ тарқалган.

Ер юзасидаги қуруқликнинг ўртача баландлиги 875 м бўлса, Дунё океанининг ўртача чуқурлиги 3794 м дир.

Денгиз билан қуруқлик орасида жойлашган, баъзан денгиз суви (шамол ёки сувнинг кўтарилиши таъсирида) босиб кетадиган, баъзан эса (денгиз сувининг пасайиши ёки материкдан эсадиган шамол туфайли) қуриб қоладиган жойлар материк қирроқ чизиги зонаси деб айтилади. Бу зона океанлардан орол ҳамда ярим ороллар орқали ажралиб туради.

Ороллар. Атрофи сув билан ўралган ва материкка нисбатан кичик бўлган қуруқликларга ороллар дейилади.

Ер шаридаги оролларнинг майдони 9,2 млн. кв. км бўлиб, планетамиздаги қуруқлик майдонининг 6,1 процентини ташкил қиласди.

Майдони 50 минг кв. км дан ортиқ бўлган қўйидаги 28 та катта орол Ер шаридаги ороллар умумий майдонининг 79 процентини ташкил этади (8- жадвал).

8 - жадвал

Дунёдаги энг катта ороллар

Оролнинг номи	Майдони, минг км ²	Оролларнинг номи	Майдони, минг км ²
Гренландия	2176	Ньюфаундленд	111
Янги Гвинея	829	Куба	107
Калимантан (Борнео)	734	Лусон	105
Мадагаскар	590	Исландия	103
Баффин Ери	512	Минданао	94
Суматра	435	Новая Земля	82
Буюк Британия	230	Гаити	77
Хонсю	223	Хоккайдо	77
Виктория	212	Сахалин	76
Элсмира Ери	200	Ирландия	70
Сулавеси (Целебес)	170	Тасмания	68
Янги Зеландия (Жанубий орол)	150	Банкс	68
Ява	126	Шри Ланка (Цейлон)	65
Янги Зеландия (Шимолий орол)	115	Девон	56
		Ҳаммаси	7870

Ороллар жойлашишига кўра якка ёки тўда-тўда ҳолда бўлади. Ороллар тўдаси архипелаг дейилади. (Малайя архипелаги, Франц Иосиф Ери, Шпицберген).

Ороллар пайдо бўлишига қараб икки группага: материк оролларига ва мустақил оролларга бўлинади.

Материк ороллари генетик жиҳатидан материк билан боғлиқдир. Бу ороллар дастлаб материкинг давоми бўлган, сўнгра материкинг бир қисми чўккан ва денгиз суви босиши туфайли қуруқликдан ажralиб қолган. Материк ороллари материк саёзлигида (Новая Земля, Северная Земля, Буюк Британия, Тасмания, Ирландия, Сахалин ва бошқалар) ёки материк ён бағрида (Мадагаскар, Шри Ланка, Корсика ва бошқалар) жойлашган.

Мустақил ороллар материк билан алоқада бўлмаган, яъни ҳеч қачон континентнинг қисми бўлмаган, бутунлай мустақил ҳолда вужудга келган. Мустақил ороллар вужудга келиши жиҳатидан вулкан ва маржон оролларига бўлиниди.

Вулкан ороллари денгиз ёки океан суви тагидан вулканларнинг отилиб чиқиши туфайли вужудга келади. Вулкан отилганда чиққан маҳсулотлар аста-секин тўпланиб, ниҳоят сув юзига чиқиб орол ҳосил қиласди. Вулкан ороллари анча баланд бўлади. Масалан, Тинч океанидаги Гавайи ороли сув тагида 4600 м бўлса, денгиз устидан 4170 м чиқиб туради, умумий баландлиги эса 8770 м.

Маржон ороллари денгиз сувининг температураси 16° — 18° дан паст бўлмаган, чуқурлиги 90 м дан ошмайдиган жойларда вужудга келади. Маржон ороллари маржон ҳосил қилувчи полипларнинг ўсиши натижасида пайдо бўлади. Лекин, маржон оролларини ҳосил қилувчи асосий организм ҳисобланган маржонлар кислородга бой, анча шўр, тиниқ, ёруғлик етарли бўлган иссиқ сувлардагина яшайди. Шундан кўриниб турибдики, маржон уюmlари қутбий ва ўртacha географик кенгликларда вужудга кела олмайди.

Маржонлар денгиз сувидан кальций карбонат тузини (оҳак тоши) ажратиб чиқаради. Шу сабабли улар яшаган ва ҳалок бўлган ерларда оҳактош тўпланади. Сўнгра унинг устига янгидан вужудга келган маржонлар ўрнаша боради, натижада ороллар вужудга кела бошлайди. Маржон уюmlари 330—335 йил ичida 2 м ўса олади.

Маржон ороллари жойланиши ва қиёфасига қараб уч группага бўлинади: қирғоқ рифлари, барьер рифлари ва маржон ороллари (атоллар).

Қирғоқ рифи орол ёки материк қирғоғига жуда яқин жойлашган марзалардан иборат бўлади. Бу маржон марзалари қирғоқдан торгина канал орқали ажralиб, сув сатҳидан сал кўтарилиб туради.

Барьер (тўсиқ) рифи ҳам худди қирғоқ рифининг марзасига ўхшайди, лекин у қирғоқдан анча узоқда бўлади. Барьер рифига Австралия материги ёқалаб 1900 км чўзилган, кенглиги бир неча ўн километрча келадиган Катта Барьер (тўсиқ) рифи типик мисол бўлади. У материкдан 35—120 км келадиган канал орқали ажралган.

Сув ости баландликлари атрофида жойлашган маржон уюмлари аста-секин түпланиб маржон (атолл) оролларини ҳосил қиласди.

Улар күпинча таңа шаклида бўлади. Атолл оролларининг диаметри 2 кмдан 30 км ва ҳатто 90 км га етиши мумкин. Тинч океандаги Гильберт, Эллис, Туомоту архипелаглари, Маршалл ва Королина оролларида атоллар жуда кўп.

Ярим ороллар. Уч томони сув билан ӯралган ва бир томони материикка туташган қуруқлик ярим орол дейилади. Ярим ороллар вужудга келиши жиҳатидан икки турга: туб (дастлабки) ва бирлашган (ёпишган) ярим оролларга бўлиниади.

Туб ярим ороллар материикнинг бевосита давоми ҳисобланади. Бундай ярим ороллар қаторига Чукотка, Кола, Кичик Осиё, Хиндихитой, Апеннин, Болқон, Лабрадор, Аляска каби ярим ороллар киради.

Бирлашган ярим ороллар аслида материикка яқин орол бўлиб, кейинчалик материикка қўшилган бўлади. Бундай ярим оролларга СССРдаги Крим, Камчатка, Осиёдаги Малакка, Хиндистон, Америкадаги Флорида ярим ороллари мисол бўлади.

Қуруқлик юзасининг рельефи. Ботиқлар, текисликлар ва тоғлар материиклар рельефининг энг муҳим шакллариидир. Тоғлар материикларнинг кўзга яққол ташланиб турадиган элементлари бўлсада, лекин тоғлар катта майдонни эгалламайди. Қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, ҳар бир материикда ҳам денгиз сатҳидан паст ботиқлар билан бирга, баланд чўққили тоғ тизмалари ҳам мавжуддир.

Дунёнинг гипсометрик картасини кўздан кечирсак, қуруқлик юзасининг энг кўп қисми (133 млн. кв. км) денгиз сатҳидан 2000 метр баландликкача бўлган жойлардан иборат эканлигини, 2000 метрдан баланд бўлган жойлар атиги 16 млн. кв. км эканини кўрамиз (9- жадвал).

Жадвал маълумотларидан қўринадики, Ер юзасининг баландликлари ҳамма қисмida бир хил эмас. Қуруқлик юзасида денгиз сатҳидан пастда жойлашган ерлар ботиқлар (депресиялар) дейилиб, уларнинг майдони 800 минг кв. км га тенг. Қуруқликдаги энг катта ботиқлардан бири Қаспий бўйи пасттекислиги бўлиб, денгиз сатҳидан 28 м пастдир. Шунингдек, Ўрта Осиёдаги Ботир (Қорагие) ботифи денгиз сатҳидан 132 м, Оқчақоя ботифи эса денгиз сатҳидан 92 м пастдир. Осиёдаги Тўрфон ботифи денгиз сатҳидан 154 м, Ўлик денгиз ботифи эса 392 м пастда жойлашган.

Текислик материикнинг абсолют баландлиги 500 м гача бўлган платформа қисмидир (масалан, Россия, Фарбий Сибирь, Турон текисликлари). Текисликлар бутун Ер шари майдонининг 15,9 процентини ишғол қиласди. Текисликларда пасттекисликлар, қирлар, платолар каби рельеф шакллари учрайди. Масалан, Турон текислигига Унгузорти, Султон Увайс тоғлари, Фар-

Ер юзасининг турли хил баландлик ва чуқурликларида жойлашган
майдонлари нисбати

Куруқлик баландлиги, м. хисобида	Хар хил баландликлар ва уларнинг майдони		Денгизлар чуқур- лиги, м. ҳисобида	Чуқурликлар ва улар- нинг майдони	
	МЛН. КВ. КМ	Ер шари уму- мий майдонин га нисбатин %		МЛН. КВ. КМ	Ер шари уму- мий майдонин га нисбатин %
3000 м дан баланд	6,0	1,2	0—200	28,0	5,5
3000—2000	10,0	2,0	200—1000	15,0	2,9
2000—1000	24,0	4,7	1000—2000	15,0	2,9
1000—500	27,0	5,3	2000—3000	24,9	4,7
500—200	33,0	6,4	3000—4000	71,0	13,9
200—0	48,2	9,5	4000—5000	119,0	23,4
0 дан паст	0,8	0,1	5000—6000	84,0	16,5
Ҳаммаса	149,0	29,2	6000 дан чу- қур ҳаммаси	5,0	1,0
				361,0	70,8

бий Сибирда эса Ханти-Манси, Бараба пасттекисликлари ва Васюганье қирлари бор. Шунинг учун Ғарбий Сибирни ва Туронни пасттекислик эмас, балки текислик дейиш түғрироқдир.

Текислик юзасининг дengiz сатҳидан 0—200 метргача баланд бўлган жойлари пасттекислик деб айтилади. Пасттекисликларнинг умумий майдони 48,2 миллион кв. км бўлиб, Ер шари майдонининг 9,5 процентини ташкил этади. Қаспийбўйи, Амазонка пасттекисликлари дунёдаги энг катта пасттекисликлардир.

Текислик юзасининг дengiz сатҳидан 200 метрдан 500 метргача бўлган қисми қир ёки плато деб юритилади. Бутун Ер юзасининг 6,4 процентини қирлар ташкил этади. Рельеф хусусиятлари жиҳатидан қирлар билан плато бир-биридан фарқ қиласди. Платонинг усти ясси текислик бўлади (Устюрт, Красноводск, Унгузорти платолари), аксинча, қирлар юзаси турли факторлар таъсирида парчаланган бўлади (Ўрта Россия, Волгабўйи қирлари).

Абсолют баландлиги 500 метрдан ортиқ бўлган жойлар тоғлар дейилади; тоғлар майдони 67,0 миллион кв. км бўлиб бутун Ер шари юзасининг 13,2 процентини ташкил этади. Ер шарида тоғлар, асосан, икки занжир ҳосил қилиб жойлашган. Биринчи зона Тинч океани соҳили бўйлаб меридионал чўзилган. Бу тоғ занжирига Алеут оролларидан Антарктидагача чўзилган Кордильера, Анд ва Антарктидадаги тоғ тизмалари киради.

Иккинчи тоғ занжирига Евросиёning гарбидан шарқига кесиб ўтган тоғлар киради, бу тоғлар ўз навбатида, икки тар-

моққа — шимолий ва жанубий тармоқларга бўлинади. Пиреней, Альп, Карпат, Болқон, Қрим, Шимолий Анатолия, Қавказ, Копетдог, Помир, Тяньшань, Олтой, Саян тоғ системалари шимолий тармоққа, Атлас, Апенин, Динар, Тавр, Эрон тоғлари, Ҳиндиқуш, Қорақум, Ҳимолай, Бирма тоғ системалари, шунингдек, Зонд архипелаги, Янги Гвинея, Янги Зеландия оролларида тоғлар жанубий тармоққа киради.

Ҳимолай тоғлари Ер шаридаги энг баланд тоғлар бўлиб, Жомолунгма чўққисининг баландлиги 8848 м. Помир тоғларидағи Коммунизм чўққисининг баландлиги эса 7495 м¹ дир, бу СССРнинг энг баланд нуқтасидир. Тоғлар абсолют баландлигига қараб паст тоғлар, ўртача тоғлар ва баланд (альп типли) тоғларга бўлинади.

Агар тоғларнинг абсолют (денгиз сатҳидан) баландлиги 1000 метрдан ошмаса, паст тоғлар деб юритилади. Масалан, Султон Увайс тоғи ва Қизилқумнинг марказий қисмидаги Томди, Бўкан, Қулжиқ ва бошқалар паст тоғларга мисолдир. Паст тоғларнинг умумий майдони 27 миллион кв. км бўлиб, бутун Ер юзасининг 5,3 процентини ишғол қиласди.

Денгиз сатҳидан 1000—2000 м баланд бўлган тоғлар ўртача баландликдаги тоғлар деб юритилади ва Ер юзаси умумий майдонининг 4,7 процентини ишғол қиласди. Бундай тоғларга Нурота, Копетдоғ, Урал тоғлари мисол бўлади.

Ниҳоят, денгиз сатҳидан 2000 м дан юқори бўлган тоғлар баланд (альп типли) тоғлар деб айтилади. Уларнинг умумий майдони 16,0 млн. кв. км бўлиб, Ер шари юзасининг 3,2 процентини ташкил этади. Бундай тоғларга Помир, Олой, Тяньшань, Олтой, Қавказ, Ҳиндиқуш, Ҳимолай, Кордильера, Анд, Альп каби тоғлар мисол бўлади.

Савол ва топшириқлар. 1. 36- ва 37-расм маълумотларидан фойдаланиб, Ер шарida қуруқлик ва сувларнинг тақсимланишини билиб олинг. 2. Контур картага материк ва океанлар номларини ёзиб, уларнинг энг чекка нуқталарини, энг чуқур ва энг баланд жойларини белгилаб кўйинг. 3. Ярим шарлар картасидан материкларнинг жойлашиб қонуниятларини гапириб беринг. 4. 38-расмни анализ қилиб, материкларнинг вужудга келиш тарихини билиб олинг. 5. Материкларнинг вужудга келиши ҳақидаги А. Вегенер гипотезаси билан «плиталар тектоникаси» назариясининг үхшаш томонлари ва фарқи нималардан иборат? 6. 39- ва 40-расм маълумотларидан фойдаланиб, материкларнинг қандай янгиланаб ёки «ҳалок» бўлиш сабабини гапириб беринг. 7. Энг муҳим планетар рельеф шаклларига нималар киради? 8. Материк саёзлиги материк ён бағри қандай хусусиятлари билан океан тубидан фарқ қиласди? 9. Ташиқи кўрининиши жиҳатидан қуруқлик юзаси қандай рельеф шаклларига бўлинади? 10. Абсолют баландлиги жиҳатидан тоғлар қандай типларга бўлинади? 11. Текислик қандай хусусиятлари жиҳатидан пасттекисликдан фарқ қиласди? 12. Контур картага Ер шаридаги энг муҳим тоғларни, яси тоғларни, текислик ва пасттекисликларни тушириб, билиб олинг.

¹ Сунгги аниқланган маълумотга кўра 7482 м.

VII бөб


ГИДРОСФЕРА

Гидросфера ҳақида умумий түшүнчә. Планетамиздаги сув қобигини гидросфера деб айтилади. Гидросферага планетамиздаги ҳамма сувлар — океан, денгиз, дарё, күл, муз, ботта, 750 минг км^3 күлларга, 75 минг км^3 тупроқ сувларига, киради.

Гидросферада сувнинг миқдори 1 млрд. 454,5 млн. км^3 бўлиб, шундан 1 млрд. 370 млн. км^3 океан ва денгизларга, 60,0 млн. км^3 ер ости сувларига, 24 млн. км^3 музлар ва қорларга, 750 минг км^3 күлларга, 75 минг км^3 тупроқ сувларига, 1,2 минг км^3 дарё сувларига, қолгани эса атмосфера ва тирик организм таркибидағи сувларга тўғри келади (41-расм).

Гидросферадаги сувнинг 97,20 проценти шўр, фақат 2,80 проценти чучук сувдир. Чучук сувнинг асосий қисми музликлар суви, қолгани дарё, күллар ва ер ости суви, бир оз қисми атмосферадаги сувдир. Гидросферадаги сув доимо бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб, ҳаракат қилиб юради. Гидросферадаги сув Қуёшдан келаётган иссиқликни ўзида тўпловчи гўёки бир аккумулятор вазифасини бажаради. Сув қуруқликка нисбатан иссиқликни 25—30 процент кўп ютади.

Сув — Ер шаридаги энг кўп ва энг қимматбаҳо минерал ҳисобланиб, қуйидаги физик ва химик хусусиятларга эга.



41-расм. Ер шаридаги сувларнинг циклограмаси (М. И. Львович маълумоти).

1) Табиатда бир вақтнинг ўзида қаттиқ, суюқ ва газ (буғ) ҳолида учрайдиган ягона минерал. 2) Сув қандай ҳолатда (қаттиқ, суюқ ва буғ) бўлмасин у бошқа моддаларни эритувчанлик хусусиятига эга. 3) Сувнинг қайнаш температураси босимга боғлиқ ҳолда ўзгариши, агар босим ошса қайнаш температураси ҳам ортади. 4) Сув ҳам бошқа моддалар сингари иситилгач, унинг ҳажми кенгайиб, зичлиги камаяди. Лекин $0^{\circ} + 4^{\circ}\text{C}$ орасида эса сувнинг ҳажми торайиб, зичлиги ортади. Сувнинг максимал зичлиги $+4^{\circ}\text{C}$ да содир бўлиб температура ундан кўтаришса ҳам, пасайса ҳам унинг ҳажми кенгайиб, зичлиги эса камаяди. Сувнинг температураси 0°C дан пастга тушгач, бутилкадаги ёки қувурлардаги сув ҳажми кенгайиб, музлаб уни ёриб юборишлиги бунга яқъол мисолдир. 5) Сувнинг таъми, ҳиди ва ранги йўқлиги туфайли бошқа элементлардан ажралиб туради. 6) Сув Ер шаридағи энг кўп иссиқлик сиғдирувчи жисмдир. Шу сабабли сув ҳавзалари ёзда тўплаган Қуёш иссиқлигини қишида нам ва илиқ ҳаво оқими сифатида совуқ жойларга олиб бориб илитади. 7) Сув химиявий формуласига кўра «тоза» ҳисобланиб, бириммага кирувчи водороднинг атом массаси 1 углерод бирлиги (у. б.)га кислородники 16 у. б. га тенг бўлиб, бошқа моддалар учрамайди.

Ер шарида сувнинг айланиши. Қуёш нури таъсирида Ер юзасидан ҳар йили 520 минг km^3 сув буғга айланаб¹, юқорига кўтарилади ва тўйиниб, конденцияланиб, ёғин бўлиб яна Ерга тушади.

Ер юзасига ўртacha йилига 1015 мм ёғин (520 минг km^3) ёғади. Ёғин сувнинг бир қисми яна буғга айланади, бир қисми ерга шимилиб грунт сувини ҳосил қиласи, бир қисми эса дарёлар орқали денгиз — океанларга қўйилади. Ерга шимишган сув маълум вақт ўтгач, яна буғга айланаб кетади. Шундай қилиб, бир йилда 520 минг km^3 ҳажмдаги сув Ер юзасида гоҳ ёғинга, гоҳ дарё, гоҳ кўл, гоҳ денгиз сувига айланаб, тўхтовсиз ҳаракат қилиб туради (42-расм).

Сувнинг тўхтовсиз айланиши натижасида дунё океанининг суви 2600—3000 йилда бир марта янгиланиб туради, арктика музликлари 15 000 йилда бир марта, кўл сувлари 10 йилда бир марта, дарё сувлари эса ўртacha 12 суткада янгиланиб туради.

Ер шарида сувнинг айланаб юришини уч турга бўлиш мумкин. Намлиқ океан устига ёғиб яна буғланиб кетса, буни сувнинг кичик айланиши дейилади. Маълум територияга ёқсан ёғиннинг бир қисми шу ерда буғланиб кетади, бир қисми дарёларга қўйилиб ва ерга сингиб кетади, бу материк ичкарисида сувнинг айланаб юриши дейилади. Сувнинг кичик айланиши билан материк ичкарисида сувнинг айланаб юриши қўшилса, сувнинг катта айланиши вужудга келади. Лекин бу уч турли сув айланиши бир-бири билан

¹ Ер юзасидан буғланиб кетаётган 520 минг km^3 намнинг фақат 15 проценти қуруқлик юзасига тўғри келади.



42- расм. Ер шарыда сувнинг катта ва қичик ҳаракаты схемаси

узвий боғлиқ ва алоқададир. Масалан, Атлантика океани юза-
сидан күтарилган сув бұғларининг бир қисми қайта унинг
устига ёғади. Бир қисми эса ҳаво массаларининг таъсирида
СССР Европа қисмігә келади. Бунинг бир қисми Волга дарё-
сининг ҳавзасына тушади. Волга дарёси Қаспий деңгизиге қуйи-
лади. Қаспий деңгизидан буғланған намликтің бир қисми
Фарбий Сибирь текислиги ва Қозоғистоннинг шимолий қисми-
га тушиб, Обь дарёси системасы орқали Дунё океанига қай-
тади. Қаспий юзасидан буғланған намликтің бир қисми Үрта
Осиённинг тоғларыга етиб келади ва Сирдарё ва Амударёни
сув билан таъминлаб туради. Бу дарёлар Орол деңгизиге қуйи-
лади, бу деңгизде сув яна буғланади ва шу тариқа айланиб
юради.

Сувнинг тұхтосыз айланиб юриши Ер шарыннан географик
қобиғи ва айниқса, ундаги органик ҳаёт учун жуда катта аха-
мияттаға эга: сувнинг айланышыдан модда ва энергияннан айла-
ниши вужуда келади, органик дунё ривожланади.

ДУНЁ ОҚЕАНИ

Юқорида қайд қилганимиздек, Ер юзасиннан 71 проценти
сув билан қопланған бўлиб, Дунё океанини ташкил этади. Дунё
океаниннан майдони 361 минг км², сувнинг ҳажми 1 млрд.
370 млн. км³, ўртача чуқурликда 3,7 км, энг чуқур ери 11 022 м
метрни ташкил этади. Дунё океанини материклар жуда катта
қисмларга — океанларга бўлиб туради. Демак, Дунё океани-
нинг материклар орасида жойлашган жуда катта қисми
о кеан деб айтилади. Дунё океани түртгасы: Тинч, Атлантика,
Хинд ва Шимолий Муз океанларига бўлинади.

Океанларнинг материк ичкарисига ёриб кирган қисмини
денгизлар дейилади. Деңгизлар уч турға бўлинади. Агар

океан сувининг бир қисми материк ичкарисига ёриб кирса ва океан билан бўғозлар орқали ажralиб турса, ички дengиз ҳосил бўлади. Қора, Балтика, Азов дengизлари ички дengизлардир.

Океан суви қуруқлик ичига бир оз ёриб кириб, ундан ороллар орқали ажralиб турса, ташқи дengизлар дейилади; чунончи, Баренц, Беринг, Япон, Охота дengизлари. Ниҳоят, материклар орасида жойлашган дengизлар эса ўрта дengизлар деб юритилади: Ўрта дengиз, Кариб дengизи, Қизил дengиз ва бошқалар.

Дунё океанининг энг катта қисмини Тинч океан ишғол қилади. У Америка, Осиё, Австралия ҳамда Антарктида орасида жойлашиб, майдони 179,7 млн. кв. км. Бу эса бутун Ер юзаси терриориясининг 30% и, Дунё океани майдонининг эса 50% ига тенг. Шу сабабдан баъзан Тинч океан Улуғ океан деб ҳам юритилади. Тинч океанинг сув ҳажми 724 млн. км³, ўртacha чуқурлиги эса 4028 м. Баъзи ерларида сувининг чуқурлиги 7—11 км га етади. Алеут ботифи 7822 м, Курил-Камчатка ботифи 9717 м, Филиппин ботифи 10 497 м, Мариана ботифи 11 022 м ва ҳоказо. Мариана ботифи Тинч океандагина эмас, балки Дунё океанида ҳам энг чуқур жой ҳисобланади.

Атлантика океани катталиги ва чуқурлиги жиҳатидан Тинч океанидан сўнг иккинчи ўринда туради. У Америка қитъаси билан Европа ва Африка материги орасида «S» ҳарфи шаклида жойлашган. Унинг майдони 93,3 млн. кв. км, сув ҳажми 350 млн. км³. Океанинг ўртacha чуқурлиги 3332 м, энг чуқур ери Браунсен (Пуэрто-Рико ороли яқинида) ботифи 9428 м.

Ҳинд океани. Осиё, Африка ва Австралия материклари орасида жойлашган. Майдони 75 млн. км³ бўлиб, Дунё океани умумий сув запасининг 4,4% и шу океанда. Чуқурлиги ва катталиги жиҳатидан учинчи ўринда бўлиб, энг чуқур ери Ява ороли яқинида 7450 м га етади.

Майдони жиҳатидан энг кичик ва энг саёз Шимолий Муз океани дир. Унинг майдони 13,1 млн. км³ бўлиб, Дунё океани сув запасининг бир проценти шу океанда. Бу океан анча совуқ жода ўrnashganiлиги сабабли суви уича шур эмас, йилнинг узоқ вақти муз билан қопланиб ётади. Шимолий Муз океани нисбатан саёз бўлиб, энг чуқур ери 5449 м га етади.

Океанлар орасидаги чегара шартли бўлиб, қуруқликлар бир-бирига яқин бўлган жойлардан ўтказилади. Тинч Океан билан Атлантика океани орасидаги чегара Гори бурни (Оловли Ер ороли)дан Грейам Ери ороли (Антарктида) гача ўтказилади. Тинч океан билан Ҳинд океани орасидаги чегара Вильямс бурни (Антарктида 70° жанубий кенглик ва 163° шарқий узунлик)дан Тасмания ороли орқали ўтказилади. Атлантика океани билан Шимолий Муз океани орасидаги чегара Шимолий Америкадан 32° параллел бўйлаб Гренландия оролига, Гренландия оролидан 65° шимолий кенгликдан Скандинавия ярим

оролининг 59° шимолий кенглигигача боради. Атлантика океани билан Ҳинд океани орасидаги чегара Антарктидадаги Ларс Ери (68° жанубий кенглик, 69° шарқий узунлик)дан Кергелен ороли орқали Африканинг жануби-шарқий қирғоғи-гача боради.

Океан сувининг шўрлиги ва ундаги газлар. Дунё океани массасининг 96,5 проценти сувдан, қолгани эса эриган ҳар хил тузлардан, газлардан ва майдага заррачалардан иборат. Океан сувида эриган ҳолда маълум бўлган ҳамма химиявий элементлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги тузлардир. Тузлар ичидаги энг кўпи натрий хлор ($\text{NaCl} — 77,8$ процент), магний хлор ($\text{MgCl} — 10,9$ процент). Шунингдек, океан сувида олтин, кумуш, мис, фосфор, йод каби моддалар ҳам мавжуд.

Океанлардаги минерал моддаларнинг миқдори $5 \cdot 10^{16}$ тонна бўлиб, бутун океан суви массасининг 3,5 процентини ташкил этади. Океан сувида эриган ҳолдаги минераллар ичидаги энг кўпи тузлардир. Агар бу тузларни Ер шарининг қуруқлик юзасига ёйилса, 153 м, бутун Ер шари юзасига ётқизилса, қалинлиги 45 м туз қатлами вужудга келар эди.

Океан сувида минераллар эриган ҳолда бўлса, шўрлиги деб айтилади. Океан сувининг шўрлиги промилле¹ (%) билан белгиланади. Океанларда сувнинг ўртача шўрлиги 35% . Лекин сувнинг шўрлиги океанларнинг турли қисмларида турличадир.

Ер шарининг экватор атрофидаги жойларида сувнинг шўрлиги 34% . Чунки бу ерларга ёғин кўп тушади. Океанларнинг 20° билан 30° географик кенгликлар орасида, яъни субтропик минтақада жойлашган сувларда шўрлик $36—37\%$ га тенг. Бу жойларда ҳарорат юқори, ёғин кам.

Мўтадил ва совуқ минтақаларда океан сувининг шўрлиги $30—32\%$. Чунки бу минтақаларда Қуёш иссиқлиги ва ёруғлиги камаяди, ёғин кўп, дарёлар кўплаб чучук сув келтиради.

Океанлар билан туташиб турган ташқи денгизларнинг шўрлиги $30—32$ процент бўлса-да, лекин материк ичкарисидаги денгизларнинг шўрлиги океан шўрлигидан анча паст. Яrim ташқи денгиз ҳисобланган Охота денгизининг шўрлиги 32% . Япон денгизиники 33% бўлса, ички денгиз ҳисобланган Қора денгизнинг шўрлиги $14—30\%$. Балтика денгизиники $8—12\%$. Балтика денгизининг кўплаб чучук дарё суви қўйиладиган Ботник қўлтиғида шўрлик 3% дир. Лекин ёз иссиқ бўладиган териториялардаги баъзи ички денгизлар, чунончи, Қизил денгизда сувнинг шўрлиги 41% га етади.

Океан ва денгиз сувлари таркибида ҳар хил тузлардан ташқари, яна эриган ҳолда азот, карбонат ангидрид, водород сульфид, аммиак, метан ва бошқа газлар ҳам бўлади. Денгиз сувида атмосферадагига нисбатан кислороднинг миқдори (35%) ортиқ. Бу эса денгиз ҳайвонлари учун жуда қулайдир. Газ

¹ Промилле — бирон нарсанинг мингдан бир булаги, ёки бир кг сувда неча грамм туз борлигини билдиради.

иссиқ сувдагига нисбатан совуқ сувда күп. Шұрлиги 35% бўлган океан сувининг бир литрида 0° температурада 8,5 см³, 30° температурада эса 4,5 см³ ҳажмдаги эриган газ бўлади.

Океан суви таркибидағи газлар ҳар хил йўллар билан вужудга келган. Агар азот атмосферадан сувга ўтган бўлса, кислород сувга ҳам атмосферадан ўтади, ҳам сувнинг ўзида фотосинтез йўли билан вужудга келади. Карбонат ангидрид эса вулканларнинг отилишидан, атмосферадан ва жониворлар туфайли вужудга келади.

Кислород совуқ сувда иссиқ сувдагига нисбатан күпроқ бўлади. 100—300 м чуқурликдаги 1 литр денгиз сувида 5 см³ дан (0° кенглиқда) 8 см³ гача (50° кенглиқда) ҳажмда кислород мавжуд.

Карбонат ангидриди ҳам, кислород сингари, совуқ сувда кўп бўлади. Чунки иссиқ сувда у атмосферага тарқалса, совуқ сув уни кўплаб ютади. Океан сувининг 1 литрида 45—50 см³ ҳажмда карбонат ангидриди мавжуд.

Денгиз сувининг тиниқлиги, ранги ва босими. Сув таркибида турли хил химиявий элементлар заррачаларининг мавжудлиги натижасида унинг тиниқлик даражаси ҳам турличадир. Одатда, сувнинг тиниқлик даражасини аниқлашда диаметри 30 см келадиган оқ рангли диск ишлатилади. Диск йўғон ипга боғлаб сувга туширилади ва маълум чуқурликка тушгач, у кўринмай қолади. Дискнинг неча метр чуқурликда кўринмай қолиши сувнинг тиниқлик даражаси ҳисобланади. Океанлар ичида энг тиниқ сув Атлантика океанининг Саргассо денгизида кузатилиб, тиниқлик даражаси 66,5 м. Чунки бу денгизда сув вертикал ҳаракат қилмайди, планктон қатлами юпқа. Тинч океанда тиниқлик даражаси 59 м. Хинд океанида 50 м, Шимолий Муз океанида 23 м, Балтика денгизида 13 м, Оқ денгизда 9 м, Азов денгизида эса 3 м.

Денгиз ва океан сувлари нурни ютиши ва тарқатиши натижасида ранги зангори ва ҳаво ранг бўлади. Лекин планктон ва ноорганик моддаларнинг сувда бўлиши унинг рангини ўзгартириб, бир оз сарфиш тусга киритади. Денгиз сувининг ранги, шунингдек, унга келиб қўшиладиган дарёларга ҳам боғлиқ. Масалан, Хуанхэ дарёси Хитойнинг лёссли ерларидан оқиб ўтади ва жуда кўп лойқани Сариқ денгизга олиб келиб қўяди. Натижада денгизнинг ранги сарфиш тусга киради.

Океан сувининг устки қисмида ҳар см³ юзага бир кг оғирликда атмосфера босими босади, бу миқдор 10,06 м чуқурликкача ўзгармайди. Ундан чуқурда ҳар 10 м чуқурликда босим 1 атмосфера ортиб боради. Шундай қилиб, 10 км чуқурликда босим 1110—1119 атмосфера атрофида бўлади. Лекин океан сувларида босим чуқурлашган сари ортиб бориши органик ҳаётга салбий таъсир этмайди. Ҳайвон ёки ўсимлик бу шароитга мослашган ҳолда ҳаёт кечираверади.

Океан ва денгиз сувининг иссиқлик режими. Океанлар иссиқликни Қуёшдан олади. Сувнинг майдони қуруқлик майдо-

нидан 2,5 марта катта бүлганилиги сабабли Ер шарининг Қүёшдан оладиган энергиясининг $\frac{2}{3}$ қисмидан ортиқроғи Дунё океанига тушади. Агар Ер юзасига Қүёшдан бир йилда $5 \cdot 10^{20}$ ккал энергия тушса, шунинг $3,6 \cdot 10^{20}$ ккал қисми Дунё океанига тұғри келади. Иессиқлик сиғими катта бүлганилигидан сув үзида жуда күп иессиқлик тұплайды.

Дунё океанида тұплантган иессиқликнинг бир қисми бүгланышга, бир қисми сув устидаги ҳавони иситишга, бир қисми сув юзасининг үзини илтишга сарфланади. Баъзи бир маълумоттарға күра, океанлар сув юзасига тушадиган Қүёш иессиқлигининг экватор ва тропик минтақаларда 60 процент, үртача минтақада 30 процент, совуқ минтақада эса 10 проценти дengiz сувини иситишга сарфланади.

Дунё океанининг экваториал минтақада жойлашган қисмиде сувнинг ҳарорати доимо ҳамма ойларда 27° — 28° бўлиб туради. Йилнинг совуқ ойлари билан иессиқ ойлари орасидаги температура фарқи 2° дан ошмайди.

Тропик минтақада жойлашган океан сувлари ҳам 20° — 25° орасида илиқ бўлади. Йилнинг иессиқ ойлари билан совуқ ойлари орасидаги температура фарқи 4° га teng.

Үртача минтақада эса океан сувининг температураси йил фасллари бўйича үзгариб туради. Қишида сувнинг температураси пасайиб 10° дан 0° га тушиб қолади, ёзда эса 20° га чиқади. Шундай қилиб, йиллик температура амплитудаси 20° га teng бўлади.

Кутб минтақасида эса ёз жуда қисқа бўлганидан сув температураси йил бўйи паст туради. Қишида эса сув янада совиб боради ва музлар пайдо бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, Дунё океани сувидаги энг юқори температура экваториал минтақада (36°), энг паст температура эса қутбий минтақада (-2°) бўлиб, температура амплитудаси 38° га teng бўлади. Ваҳоланки, қуруқликда бу фарқ $146,3^{\circ}$ га етади. Океан юзида үртача температура $17,4^{\circ}$ бўлиб, ҳаво үртача температурасидан 3° ортиқдир.

Океан сувларининг күп қисми йил бўйи илиқ бўлиб туради. Дунё океани сувининг 53 процентининг температураси 20° дан ортиқ бўлиб, фақат 13 процентгина сув совуқдир. Бу совуқ сувлар, асосан, қутб, қисман эса үртача минтақада жойлашган. Дарҳақиқат, бутун Дунё океани майдонининг 15 процентини қоплаб олган музларнинг ҳаммаси Арктика ва Антарктида атрофида жойлашган.

Дунё океани сувлари шур бўлганилиги туфайли чучук сувга нисбатан анча паст температурада музлайди. Таркибида туз бўлган музлар қаттиқ әмас, балки бир оз пластик бўлади. Шу сабабли, юпқа музлар шур сувда чайқалганида майдада майдада бўлакларга ажралмасдан, бир-қисми пасайиб, иккинчи қисми кўтарилиб қолади.

Денгиз музлай бошлаганда, аввало, устида муз парчалари вужудга келиб, сунгра улар бирлашиб яхлит муз майдонини

ҳосил қиласи. Қутб районларида бу музларнинг қалинлиги 5 м дан ошмайди. Қутб музлари сузаб (дрейф қилиб) юрганда ёрилади, натижада бир-бирининг устига мингашиб, то ро с музларни ҳосил қиласи.

Музларнинг майдони ёзда қисқариб, қишида яна эски ҳолига келиб туради.

Хозирги вақтда жанубий ярим шарда қутб музларининг чегараси Тинч ва Ҳинд океанларида $55-60^{\circ}$ жанубий кенгликка етиб келса, Атлантика океанида 50° жанубий кенгликдан ўтади. Лекин сузаб юрувчи катта айсберглар эса то $30-40^{\circ}$ жанубий кенгликкача етиб келади; Шимолий ярим шарда эса $40-50^{\circ}$ шимолий кенгликда ҳам учрайди.

Айсберг¹ — материк музларидан (Антарктида, Гренландия, Шпицберген ва ҳоказо) узилиб тушган муз бўлакларидир. Баъзи айсбергларнинг баландлиги сув юзасидан $80-90$ м, сув остида қалинлиги 500 м, узунлиги $200-300$ км дан 560 км гача, ҳажми эса $500-700$ km^3 га этиши мумкин. Антарктидада музнинг қалинлиги айрим жойларда 4 км га етади. Ундан ҳар йили 1180 km^3 ҳаждаги муз узилиб тушиб, дengиз сувида оқиб кетади. Лекин бу чиқими ёғинлар яна қоплаб туради. Хозирги вақтда айсбергларни катта пароходларда қурғоқчил қирғоққа тортиб келтирилиб, чучук сув олиш мўлжалланмоқда. Айсберглар дengиз транспортига жуда катта хавф туғдирали.

Океан сувларининг ҳаракати. Океан сувлари турли хил факторлар (шамол, дengиз сувининг бир хил исимаслиги, зилзила ва вулканлар отилиши, ойнинг тортиш кучи ва ҳоказолар) таъсирида доимо ҳаракат қилиб туради. Тўлқинлар, сувнинг кўтарилиши ва қайтиши ҳамда дengиз оқимлари айниқса характерлидир.

Дунё океанининг юзи тинч турмай, асосан, шамол, қисман зилзила ва вулканнинг отилиши натижасида тўлқинланиб туради. Ҳатто секундига $0,25$ м ҳаракат қилувчи кучсиз шамоллар таъсирида ҳам океан сувлари жимиirlаб жуда кичик тўлқинларни ҳосил қиласи. Шамол кучининг зўрайиши билан тўлқинлар катталашиб боради. Ниҳоят, шамолнинг тезлиги секундига 1 м га етгач, ҳақиқий тўлқинлар вужудга келади.

Тўлқинлар Ер шарининг жанубий ярим палласида анча кучли. Чунки бу қисм яхлит туташ сувларидан иборат бўлиб, доимо ғарбий шамоллар таъсирида баландлиги 13 м га етадиган кучли тўлқинларни ҳосил қиласи. Океан сувларида тўлқинларнинг баландлиги, одатда, $4-4,5$ м бўлиб, баъзан кучли тўлқинларнинг баландлиги Атлантика океанида 16 м га, Тинч океанида эса 18 м га етади. Океанларда тўлқинларнинг узунлиги $250-840$ м га ҳатто, 1000 м га ҳам этиши мумкин.

Дengизларда тўлқинлар океангага нисбатан кучсиз бўлиб, баландлиги 3 м, узунлиги 150 м дан ошмайди. Шамол натижасида вужудга келган тўлқинлар катта энергияга эга. Баланд-

¹ Айсберг инглизча муз тоги демакдир.

лиги 3,5 м бұлған тұлқин бир кв. метр ерга 7,8 т күч билан урилади. Шу сабабли, деңгиз қирғоқлари доимо емирилиб туради. Портларда эса тұлқин күчини ҳисобға олган ҳолда дамбалар қурилади. Масалан, Балтика деңгизидеги дамба 11 т/м² га, Африканинг Марокаш қирғоғидеги дамба 25 т/м² га мос slab қурилған.

Океанларда ер қимирлаганда ва вулкан отилғанда сувнинг устки юзасидагина әмас, балки ҳамма қисміда (тагидан тепасигача) тұлқин вужудга келади. Сув ости зилзиласи натижасыда вужудға келдиган тұлқинлар қуна ми деб айтилади. Цунами тұлқинларининг баландлығы 20—30 м, узунлығы эса 10 км га етади, тезлиги соатига 800 км га боради. Сұнгги минг йил ичіда 357 та цунами қайд қилинған бўлиб, уларнинг құпладар катта фалокатлар келтирған. Цунами кўпроқ Тинч океан қирғоқларига яқин ерларда содир бўлади. Фақат Японияда содир бўлған баландлығи 10 м га етган цунами 50 000 уйни сув тагида қолдирған.

Вулканларнинг отилиши натижасыда ҳам кучли тұлқинлар бўлади. 1883 йилги Кракатау вулканининг отилиши туфайли вужудға келған тұлқиннинг баландлығы 35 м, узунлығы 524 км, тезлиги секундига 189 м га етиб, 36 минг кишининг ёстиғини қуритған.

Океан ва деңгиз сувлари ҳаракатининг яна бир тури, сувнинг кўтарилиб ва қайтиб туришидир. Бир суткада деңгиз сувлари иккى марта кўтарилиб, иккى марта пасаяди. Демак, ҳар 6 соатда сувнинг кўтарилиш муддати тамом бўлиб, қайтиш муддати бошланади. Сувнинг кўтарилиши ички деңгизларнинг қўлтиқларида ва дарёларнинг қуяр ерларида анча кучли бўлади. Масалан, энг кучли сувнинг кўтарилиши Янги Шотландиядаги Фонди қўлтиғида бўлиб, 18 м га, СССРда эса Охота деңгизининг Пенжина қўлтиқасыда 13 м га етади.

Океан ва деңгиз сувларининг кўтарилиши ва қайтиши сабабини И. Ньютоннинг бутун оламнинг тортилиш қонуни изоҳлаб берган. Қуёш ва Ойнинг Ердаги сув массасини тортиши натижасыда сувнинг кўтарилиш ҳодисаси содир бўлади.

Бизга маълумки, Ер билан Ой үзаро бир-бирига жуда яқин туради. Ернинг Ойга қараган томонида Ойнинг тортиш кучи кўпроқ бўлиб, деңгиз сувини Ойга томон тортади, натижада сув кўтарилади. Ернинг тескари томонида аксинча, Ойнинг тортиш кучи камроқ бўлиб, марказдан қочиш кучи кўпроқдир.

Океан ва деңгиз суви фақат Ой тортишиданғина әмас, балки Қуёш тортишидан ҳам кўтарилиб, қайтиб туради. Қуёш массаси катта бўлса ҳам, у жуда узоқда жойлашғанлиги учун унинг тортиш кучи Ойнинг тортиш кучидан анча заифдир. Шуннинг учун Қуёшдан ҳосил бўлған сув кўтарилиши Ойнидан 2,17 марта күчсизроқ бўлади. Шундай қилиб, Ер үз үқи атрофини бир марта айланғанда сувларнинг иккى марта кўтарилиши ва иккى марта қайтишига сабаб бўлади. Сувнинг кўтарилиши ва қайтиши натижасыда жуда катта энергия

(8×10^{12} кВт) вужудга келади. Бундан фойдаланиб, Франциянинг Рона дарёсининг қуяр ерига электр станция қурилган.

Ниҳоят, денгиз суви ҳаракатининг яна бир муҳими — денигиз оқимлари дидир. Сув массаларининг Дунё океанида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришига денигиз оқимлари дейилади. Денгиз оқимлари жуда катта сув оқимидан иборат бўлиб, экватордан қутбларга томон ва қутб ўлкаларидан экваторга узлуксиз ҳаракат қилиб туради.

Океан сувларининг бундай ҳаракат қилиб туришига асосий сабаб, шамолдир. Чунки доимо эсиб турувчи кучли шамоллар сувнинг устки қисмини бир томонга суриб, жуда катта сув оқимини вужудга келтиради. Шамол таъсирида вужудга келган оқимлар дрейф оқимлари дейилади. Шамол бир томонга суриб кетган ва камайган жойни тўлдириш учун океанинг бошқа қисмидан сув оқиб келади. Натижада компенсациян оқим вужудга келади. Шамол ҳайдаб келган сувлар материк ва оролларга урилиб атрофга оқа бошлиди. Бундай оқим қуйилма (сток) оқим дейилади.

Оқимлар температурасига кўра, илиқ ва совуқ оқимларга бўлинади. Экватордан ҳар икки томонга ҳаракат қилувчи оқимлар илиқ бўлади. Чунки Қўёш бу ерларни узоқ вақт ёритиб, сувни кўпроқ иситиб туради. Аксинча, океанларнинг совуқ сувли қисмларидан экватор томон ҳаракат қилувчи оқимлар совуқ оқимлар бўлади.

Экваторнинг ҳар икки томонидан доимий эсиб турувчи пас-сат шамоллари океанларда Шимолий ва Жанубий экваториал (пассат) иссиқ оқимларни вужудга келтиради. Бу оқим на-тижасида иссиқ океан суви шарқдан гарбга қараб сурилади. Лекин бу оқимлар материкка дуч келиб, ўз йўналишини ўзгартириб, шимолга ва жанубга бурилади. Масалан, Атлантика океанидаги Жанубий экваториал оқими Жанубий Америка қирғогига урилиб, Бразилия ва Гвиана оқимларни, Шимолий экваториал оқими эса шимолга бурилиб, Мексика қўлтиғидан чиқиб Гольфстрим оқимини ҳосил қиласи. Бу ерда Гольфстрим оқими соатига 6—10 км тезлик билан секундига 25 млн. м³ сувни ҳайдайди. Бу бутун Ер шаридаги дарёларнинг сувларидан 20 марта ортиқдир. Гольфстрим оқимининг кенглиги 75 км, қалинлиги 700—800 м, температураси 26°. У ҳар йили Арктикамага $2 \cdot 10^{14}$ ккал иссиқлик олиб келади. Тинч океандаги экваториал оқим гарбга қараб Осиё ва Австралия қирғогигача давом этади, сўнгра иккига ажралади — жануби-гарбга бурилгани Шарқий Австралия оқими, шимолга бурилгани эса Куро-сиво оқими деб аталади.

Хинд океанида фақат Жанубий экваториал оқим мавжуд бўлиб, Африкага яқинлашгач, иккига бўлинади: шимолга бурилгани Сомали оқими, жанубга бурилгани эса Игорльний оқими номини олади. Хинд океанида Шимолий экваториал оқим ўйқ бўлиб, унинг ўрнига муссон оқими вужудга келган. У ўз йўналишини бир йилда икки марта ўзгартиради.

Тинч ва Атлантика океанларидағи компенсацион оқимлар материикларнинг ғарбий қырғоқлари бўйлаб, шимол ва жануб томонлардан экваторга оқиб келади. Улар экваториал иссиқ оқимлар олиб кетган сувларнинг ўрнини тўлдириб туради. Булар Канаар, Бенгуэла, Қалифорния ва Перу оқимлариридир.

Бразилия, Игольний ва Шарқий Австралия иссиқ оқимлари 35° жанубий кенглиқда Антарктида оқими билан бирлашиб кетади.

Шимолий Муз океанининг ғарбий қисмida совуқ Шарқий Гренландия ва Лабрадор оқими Атлантика океани томонга ҳаракат қиласиди. Шимолий Муз океанининг шарқида эса доира бўйлаб ҳаракат қилувчи оқим мавжуд.

Яқин вақтгача океан юзасининг пастки қисмida оқим йўқ, шу туфайли сувнинг алмашинини жуда суст деб ҳисобланар эди. Шу нуқтаи назардан радиоактив чиқиндилар океан тубига ташланарди. Лекин сунгра 10—20 йил ичидаги олиб борилган қузатишлардан маълум бўлдики, Дунё океанининг чуқур қисмida ҳам оқимлар мавжуд экан. Шулар жумласига Жанубий Экваториал (пассат) оқимнинг остида 100 м чуқурликда топилган Кромвел оқими киради. Кромвел оқимининг эни 400 км, қалинлиги 200 м, тезлиги секундига 1,5 м бўлиб, ғарбдан шарқка оқади. Кромвел оқимининг остида эса унга қарама-қарши оқадиган кучсиз оқим борлиги ҳам аниқланди. Шунингдек, Антарктида оқими океан тубигача тарқалиб, оқим тезлиги океан остида секундига 4—8 см га етади. Океан сувлари Ернинг ички қисмидан чиқадиган иссиқлик натижасида ҳам алмашиб туради.

Шундай қилиб, океан сувлари унинг ҳамма қисмida ҳам тўхтовсиз ҳаракатдадир. Шу туфайли сув таркиби унинг ҳамма қисмida бир хил. Бу ҳол океан тубига радиоактив чиқиндиларни ташлаш жуда хавфли эканлигидан дарак беради.

Денгиз оқимларининг аҳамияти жуда катта. Чунки оқимлар экватор ва унинг атрофидаги ортиқча иссиқ сувни шимолга суриб, ўша ўлкалар иқлимини юмшатиб туради. Аксинча, совуқ оқимлар эса иссиқ ўлкадаги сувларнинг ҳароратини бир оз бўлса-да, пасайтиради. Гольфстрим оқимининг давоми ҳисобланган Шимолий Атлантика оқими ҳар йили Европага 140 000—240 000 млрд. ккал иссиқлик олиб келади. Океан оқимлари, шунингдек, ёғинларнинг тақсимланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Дунё океанининг табиий ресурслари. Дунё океани Ер шаридаги иқлимини нормаллаштириб туради. Транспортда катта аҳамиятга эга; бундан ташқари океанда хилма-хил табиий ресурслар жуда кўп: а) озиқ-овқат ресурслари; б) минерал хом ашё ресурслари; в) йирик энергия ресурслари.

Дунё океани инсон учун озиқ-овқат бўла оладиган ўсимлик ва ҳайвоnlарга жуда бой. Дунё океанида 10 минг ўсимлик тури бўлиб, қуруқликдаги ўсимликларга нисбатан органик моддаларга 4—5 марта бой. Баъзан сув ўтларида қуруқликдаги

ұтлардагига нисбатан оқсил моддалари күпроқ (50 процент). Ваҳоланки, мол гүштида оқсил атиги 21 процент.

Дунёдаги 63 ҳайвон синфининг 51 таси океан ва денгизларда бўлиб, уларнинг 150 минг тури мавжуд. Уларнинг умумий вазни 16—20 млрд. тоннага етади. Шу сабабли, ҳар гектар дengiz сувидан қуруқликдаги энг яхши бир гектар яйловда етиштирилган гүштга нисбатан 2 марта ортиқ маҳсулот олиш мумкин.

Демак, Дунё океани озиқ-овқат ресурсларининг йирик манбаидир. Дунё океанидаги органик моддаларнинг миқдори 30 млрд. тоннани ташкил этади. Лекин ҳозир Дунё океанидаги мана шу озиқ-овқат ресурсларининг (балиқлар, кит, белуга, дengiz мушуги, тюлень, дengiz қуёни, нерпа, морж, қисқичбақа, моллюска, устрица ва умуртқали ҳам умуртқасиз бошқа ҳайвонлар ҳамда сув ўсимликлари) фақат 1 процентиданғина инсон фойдаланмоқда.

Дунё океанидаги ҳайвонлардан олинаётган мой етиштирилётган ҳамма мойнинг 3 процентинигина, СССРда эса 4—5 процентни ташкил қиласы, холос.

Океан ҳайвонлари ичида күп мой ва гүшт беришда кит биринчи ўринда туради. У Ер шаридаги энг катта ҳайвон бўлиб¹, узунлиги 35 м, оғирлиги 125 т. Шунинг 50 тоннаси мойга тўғри келади. Китдан консерва маҳсулоти, чорвачилик учун озуқа, ун, ўғит, шунингдек, юқори сифатли чарм² олинади. Дунё океанидан ҳозир ҳар йили 550 млн. ц ҳар хил балиқлар овланади.

Дунё океанида сувутларнинг озиқ-овқат учун фойдаланиш мумкин бўлган 70 тури бўлиб, уларнинг энг муҳимлари дengиз карами, дengиз салати ва бошқалар. Улар озиқ-овқат, доридармон, бўёқ ва кондитер саноати учун хом ашё ҳисобланади. Ламинарий ўсимлигидан алъгин елими олинади ва ундан газламаларни бўяшда, совун тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Шунингдек сувутлардан дрожжи (ачитқи), спирт, қоғоз, картон ва бошқа нарсалар тайёрлаш ҳам мумкин. Сувутлари материк саёзлигига айниқса жуда ҳосилдор бўлади. Масалан, Калифорния қирғоғидаги қизил сувутларининг биомассаси гектарига 60—100 т га етади. Лекин ҳозирча ўша сувутлардан жуда ҳам кам фойдаланилади. Шундай қилиб, океанлардан ҳозир йилига 70—80 млн. тоннага яқин балиқ, моллюска, сувутлар ва бошқа маҳсулотлар олинмоқда, бу эса инсониятнинг оқсил моддасига бўлган талабининг $\frac{1}{5}$ қисмини қоплади.

Дунё океани жуда катта минерал хом ашё ресурслари манбаидир. Океан сувидаги 70 дан ортиқ химиявий элемент эриган ҳолда учрайди. Буларнинг энг кўпли ош тузи (хлор ва натрий), магний, калий, олтингугурт, бром, углерод, азот, фосфор,

¹ Оғирлиги 100 т келадиган кит вазни 25 бош фил, 150 буқа оғирлигига тенгdir. Қитининг тили 3 т. келади.

² Бир китдан 7 минг жуфт тагчарм олиш мумкин.

йод, темир, алюминий, молибден, қалай, мис, уран, никель, кумуш, олтин ва ҳоказо. Бундан ташқари, океан тубида нефть, газ ва бошқа қазилма бойлик конлари ҳам мавжуд.

Дунё океан сувида эриган ҳолда мавжуд бўлган химиявий элементларнинг 85,2 процентини фақат натрий ва хлор ташкил этади. қолган барча элементлар эса 14,8 процентга тўғри келади. Лекин ҳозирча океан тузларидан кам фойдаланилаётir, ҳар йили атиги 6 млн. т туз олинмоқда.

Ер шаридаги бром запасининг 99 проценти океан сувларида (90 000 т). Шунингдек, сувда эриган ҳолда 5,5 млн. т олтин, 4 млрд. т уран мавжуд. Океан тубида қуруқликдагига нисбатан 3 марта зиёд нефть запаси мавжуд. Океанлар катта энергия манбай ҳисобланади. Океан сувларининг сутка мобайнида икки марта кўтарилиб ва қайтишидан жуда катта энергия ($8 \cdot 10^{12}$ кВт) вужудга келади.

Ҳозир дунёда океан сувларининг кўтарилиши ва қайтишига асосланган электр (ПЭС)¹ станциялари қуриш иши амалга оширилмоқда. СССРда ҳозир Мурманск обlastida . Кисляя губаси электр станцияси ишлаб турибди. Келажакда эса қуввати 320 минг кВт Лумбовка, қуввати 1,3 млн. кВт Мезень, қуввати 0,5 млн. кВт Кулой ва қуввати 14 млн. кВт Беломорская электр станциялари қуриш мўлжалланган. Лекин бундай станциялар қуриш ГЭСлар қуришга нисбатан 70 процент қимматга тушади.

Океан ва денгиз сувларини тоза сақлаш. Юқорида қайд қилинганидек, Дунё океани жуда катта табиий ресурсларга эга. Келажакда бу ресурслар инсон манфаати учун хизмат қилади. Океандаги табиий ресурсларнинг кўп бўлиши сувининг тоза сақланишига боғлиқ. Лекин сўнгги даврда кўплаб кема қатнаши, шаҳар чиқиндиларининг денгиз сувларига оқизилиши ва сувда бомбалар портлатилиши, радиоактив моддаларнинг миқдорини ортиб бориши океан табиий ресурсларининг энг аввало, балиқлар ва сувўтларнинг камайиб кетишига ва заҳарланишига олиб келмоқда.

Океан сувини нефть ва химия саноати чиқиндилари айниқса, кўп ифлос қилмоқда: нефть ташийдиган ва у билан боғлиқ бўлган кемалар йилига Дунё океанига 10 млн. т дан ортиқ нефть ва нефть маҳсулотлари ташламоқда. Океан сувига суткасига 6800 куб метр заҳарли химикатлар (нефть чиқиндилари, ҳар хил суюқ ёқилғи ва бошқалар) оқизилмоқда. Шунингдек, Дунё океанига атмосферадан 9 млн. т. ёқилган нефть ва нефть чиқиндилари ҳам тушмоқда.

Океан сувининг атом ишлаб чиқариш чиқиндилари ва термоядро бомбаларини синаш вақтида ҳосил бўладиган радиоактив моддалар билан заҳарланиши айниқса хавфли. Баъзи маълумотларга кўра, йилига 1000 т атом чиқиндилари сувга ташланмоқда. Шунингдек, атом реактори билан ишлайдиган

¹ ПЭС — приливная электростанция.

кемалар ҳам океан сувини ифлослантиради. Дунё океанлари заҳарли химикатлар билан ҳам ифлосланмоқда. Заҳарли химикатларнинг 50 проценти атмосфера орқали, қолгани дарёлар, вақтли сувлар орқали келиб қўшилмоқда. Океан ва денгизлар айниқса қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган пестицидлар билан ифлосланиб, сувдаги тирик организмга салбий таъсир этмоқда. Денгиз ва океан ҳайвонлари организмида заҳарли моддалар тўпланиб, уларга зарар келтирмоқда. Ҳатто Антарктидадаги пингвинлар организмида ҳам ўта заҳарли ДДТ борлиги аниқланди.

Дунё океанлари майший-коммунал хўжалик чиқиндилиари билан ҳам ифлосланмоқда. Ҳозир дунёдаги аҳолиси 1 млн. дан ортиқ бўлган шаҳарларнинг 60 процентидан кўпине океан ва денгиз қўроқларида жойлашган. Бу шаҳарлардаги аҳоли жон бошига йилига 1 т озиқ-овқат ва майший хўжалик чиқиндилиари тўғри келади. Шаҳарлардан ҳар йили 6—6,5 млрд. т атрофида қаттиқ чиқиндилиар океан ва денгиз сувларига ташланади. Бунинг устига ўша шаҳарлардаги майший коммунал ва даволаниш корхоналаридан чиқаётган ифлос сув ҳамда чиқиндилиарнинг 90 проценти тозаланмасдан океан ва денгизларга ташланмоқда. Бу ифлос чиқинди ва сувлар жуда хавфли бўлиб, улар таркибида ҳар хил касалликлар тарқатувчи бактериялар, заҳарли моддалар (симоб, рух, қўрғошин, кадмий ва бошқалар бор).

Шундай қилиб, жуда катта озиқ-овқат, минерал ва энергия ресурсига эга бўлган океан сувларини тоза сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун заарли ва заҳарли чиқиндилиарни, нефть маҳсулотларини океан ва денгизга ташламаслик, атом ва водород бомбаларини синашни тўхтатиш, радиоактив чиқиндилиарни океан тагига чўктириб юборишга чек қўйиш керак.


ҚУРУҚЛИКДАГИ СУВ

Қуруқликда 85 млн. км³ сув (ер ости сувлари, доимий қорва музликлар, дарё ва кўл сувлари ҳамда ботқоқликлардаги сувлар ва бошқалар) бор. Ёгинлар қуруқликка тушгач, унинг бир қисми дарёларни ҳосил қиласа, бир қисми шимилиб ер ости сувини, бошқа бир қисми ботқоқликлардаги сувларни, шунингдек, қорва музликларни ҳосил қиласди.

Ер ости сувлари. Ер пўстисти қатламлари ичидаги бўлган ҳамма сувлар ер ости сувлари дейилади. Улар қаттиқ (муз), буғ ҳамда суюқ ҳолатда бўлиши мумкин.

Ер ости сувларининг умумий ҳажми 60,0 млн. км³. Ер ости сувлари ер юзасидаги (дарё, кўл, ботқоқлик) сувлардан, ёгинлардан, ҳаводаги сув буғларининг Ер ичига ёриқлар орқали кириб қуюқлашиб, сўнгра сувга айланишидан вужудга келган. Бундай йўл билан вужудга келган ер ости сувларини вадоз¹

¹ Латинча вадоз «саёз» демакдир.



43- расм. Ер ости сувларининг жойлашиш схемаси.

(юзадаги) сувлар дейилади. Вадоз сувлар ер юзасига яқин бўлади ва грунт сувлар деб ҳам юритилади.

Ер ости сувларининг бир қисми магмадан ажралиб чиққан сув буғларининг аста-секин юқорига кўтарилиб совишидан ҳосил бўлади. Бу йўл билан вужудга келган ер ости сувлари ювенил сувлар дейилади. Ювенил сувлар магмадан ажралиб чиққан ёш сувлар бўлиб, табиятда сув айланишида иштирок этади.

Ер усти ва ёғин сувлар ерга сингиб, тупроқ қатламидан қум, майда ва йирик шағаллар орасидан бемалол ўтиб кетади. Бундай қатламлар сув үтказмайдиган қатламлар деб айтилади. Баъзан сув гилли қатламга етиб боргач, тўхтаб қолади. Чунки гил сувни деярли үтказмайди. Сув үтмай тўхтаб қоладиган қатламлар сув үтказмайдиган қатламлар деб айтилади. Гранит, қумтош, гилли сланецдан таркиб топган қатламлар сув үтказмайди. Ер ости сувлари сув үтказмайдиган қатламга етганда тўпланиб сувли қатламни вужудга келтиради (43- расм).

Ер ости сувининг бир қанча турлари бўлиб, улар орасида энг кўп тарқалганлари босимсиз грунт (сизот) сувлар, қатламлар орасидаги босимли ер ости сувлари (артезиан сувлар) характеристидир. Грунт сувлари (сизот сувлар) ер бетига яқин энг устки қатламлар орасида (30—100 м чуқурликкача) бўладиган сувлардир. Грунт сувлари юқорида қайд қилганимиздек, ёғин сувларидан ва ер устидаги сувлардан вужудга келган. Шу сабабли, грунт сувларининг жойланиши ва чуқурлиги йил фаслларида ўзгариб туради. Масалан, Урта Осиё шароитида грунт сувлари эрта баҳорда қорлар эриганда, баҳорги ёмғирлардан кейин юқорига кўтарилса, аксинча, ёзда

анча пастга тушиб кетади¹. Грунт сувларининг химиявий таркиби иқлимга, тупроқ қатлами ва ўсимликлар характерига кўра, зонал ҳолда ўзгарида.

Грунт суви сув ўтказмайдиган қатlam устида тўпланиб, нишаб томонга қараб оқади ва бирон ердан булоқ бўлиб ер юзасига чиқади. Бир неча юз йиллар қатламлар орасида сув тўпланаверади. Агар бундай жой қазилса, икки томондан бўлган босим таъсирида ер ости суви фонтан каби ер бетига отилиб чиқади. Шундай қудуқ XII асрда биринчи марта Франциянинг Артуа провинциясида қазилгани учун артезиан қудуқ деб ном олган.

Артезиан сувларининг минераллашиш даражаси турлича бўлади, ер бетига яқин (100—600 м чуқурликда) бўлган сувлар чучук — литрида 1 гр туз бўлади. Бу сувларда кўпроқ гидрокарбонат, хлорид тузлари бор. Лекин сув қанча чуқурликдан чиқса, унинг минераллашиш даражаси ортиб боради — 1 литр сувда 50 гр ҳар хил тузлар бўлади. Минерал сувлар шифобахш хусусиятга эга. Чуқурлашган сари сув иссиқ бўлиб, температураси 300° га етиши мумкин. Лекин 10—12 км дан чуқурликда ер ости суви буғ ҳолида бўлади.

Ер ости сувлари температурасига кўра иссиқ (температураси 20—27° бўлса), тер мал (37—42°) ва қайнок (42° дан юқори) турларга бўлинади.

Ер ости сувлари қуруқ иқлими районлар учун айниқса аҳамиятли, чунки бундай сувлар билан ҳатто экин далаларини ҳам сугориш мумкин. Шу сабабли, артезиан қудуқлари СССРда, жумладан, Ўрта Осиёнинг текислик қисмидаги кўплаб (артезиан қудуқлари) қазилиб, аҳоли ва чорва моллари сув билан таъминланмоқда, экинлар сугорилмоқда, ўта минераллашган сувлардан даволаш мақсадларида фойдаланимоқда.

Ер ости сувлари баъзан иссиқ булоқлар ва гейзерлар кўринишида ер бетига чиқади. СССРда гейзерлар Камчатка ярим оролида айниқса кўп.

Ер ости сувлари қаттиқ (музлаган) ҳолда ҳам учраши мумкин. Ер ости суви ўртача йиллик температураси 0° дан паст бўлган ерларда муз ҳолида учрайди. Бундай жойлар Евросиёнинг шимоли, шимоли-шарқида, Американинг шимолий қисмida, Антарктидада учрайди. Бундай жойлар абадий музлаб ётган ерлар дейилади. Музлаб ётган ерларнинг қалинлиги 600—800 м га етади. Ер шарининг 25% майдони ана шундай доимий музлаб ётган ерлардир.

СССР териториясида доимий (кўп йиллар давомида) музлаб ётган ерлар² жуда катта майдонни эгаллайди. М. И. Сумигиннинг ҳисобига кўра бунда ер 10 млн. кв. км бўлиб, Ватанимиз майдонининг 47 процентини ташкил қиласди.

¹ Сугориладиган зона бундан мустасно.

² Доимий (кўп йиллик) музлаб ётган ерларда замин — тупроқ ва жинслар доимо музлаб ётади.

СССР нинг Осиё қисмида доимий музлаб ётган ерлар — Сибирь ва Узоқ Шарқда жойлашган; СССР Европа қисми-нинг шимолида кичикроқ майдонни эгаллади.

СССРда доимий музлаб ётган ерларнинг жанубий чегараси Кола ярим оролининг жануби-шарқий қисми орқали, Қутбий доира чизиги орқали Урал тоғларига келиб туташади. Урал тоғларида унинг жанубий чегараси 60° ш. к. ка тушади. Сунгра Фарбий Сибирь текислигига 63° ш. к. орқали Енисей дарёсига бориб тақалади. Енисей дарёсининг ўнг қирғоги бўйлаб унинг чегараси жанубга қараб йўналади ва Олтой тоғларининг фарбий қисми орқали СССР давлат чегараси бўйлаб шарққа қараб давом этади. Сунгра Зея-Бурея сув айирғичи орқали Охота денгизига чиқади. Жанубий Приморье ва Амурбўйи пасттекислигига, Сахалин оролида, Камчатка ярим оролининг жанубий қисмида доимий музлаб ётган ерлар учрамайди.

Доимий музлаб ётган ерларда музлаган грунтнинг қалинлиги бир хил эмас — бир неча ўн см дан бир неча юз м га этиши мумкин. СССР нинг Сибирь қисмида, айниқса, унинг шимолида музлаб ётган грунтнинг қалинлиги (Таймир ярим оролининг ва Шимолий Сибирь пасттекислигининг баъзи ерларида) 600—800 м га етади. Тундра зонасидан жанубга тушган сари эса музлаб ётган грунтнинг қалинлиги камаяверади. Ёзда куннинг исиши туфайли доимий музлаб ётган грунтнинг устки қисми бир неча см дан то бир неча м чуқурликкача эриши мумкин. Қолган пастки қисми эса ёзда ҳам эримайди.

Доимий музлаб ётган ерлар, шунингдек, Помирь, Тяншань, Катта Қавказ, Урал, Сихотэ-Алинь каби тоғларининг баланд қисмларида ҳам учрайди.

СССР территориясидаги доимий музлаб ётган ерларнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида шу кунгача ягона фикр йўқ. Баъзи бир олимлар музлаб ётган ерлар ҳозирги иқлимий шароитлар натижасида вужудга келган деса, бошқалар эса тўртламчи даврдаги музлик даври қолдиғи деб ҳисоблайдилар.

Доимий музлаб ётган ерлар үзига хос ландшафт вужудга келишида муҳим роль ўйнайди. Доимий музлаб ётган ерларнинг устки қатламидаги сувлар қишида ерларни ёриб чиқиб катта муз тепаликларни, яхмалакларни¹ ҳосил қиласди. Улардан ташқари, доимий музлаб ётган ерларнинг баъзи қисмлари эса эриб, у ерда ҳосил бўлган чуқурчаларга сув тўлиб термо-карст кўллари пайдо бўлади.

Доимий музлаб ётган ерлар халқ хўжалиги учун катта қийинчиликлар тутдиради. Темир йўл ва автомобиль йўллари, саноат обьектлари, турар жойлар ва гидротехника иншоотлари қуришдан олдин бундай ерларни яхши ўрганиш талаб этилади, акс ҳолда иншоотлар чўкиши, ёрилиши мумкин.

¹ Индигирка дарёсининг ирмоғи ҳисобланган Мома дарё водийсидаги яхмалакнинг майдони $160-180 \text{ km}^2$, ундаги сувнинг миқдори $500-600 \text{ млн. куб м}$ га етади.

Доимий музлаб ётган ерлардан хұжаликда музхона сифатыда фойдаланиш мүмкін. Бунда анча қалин музлаган грунтни үйіб ишланған ертұлаларда тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулоттарини сақласа бұлади.

Музликлар. Қуруқликдаги сувнинг күпчилик қисми (24 млн. км³) муз ҳолидадир. Бу эса планетамиздаги барча чүчук сувнинг 25% идір.

Ер шарыда музликнинг умумий майдони 16 млн. км² атродида. Музликларнинг күпчилигі Антарктидада, Арктикада бұлғын, Осиёнинг тогли үлкаларида — Қорақұрум, Тяньшань, Помир, Химолай, Олтой, Кавказ ва башқа тоғларда музлик бор.

С. В. Қалесникнинг маълумотига кўра музликлар Ер шарыда қўйидагича жойлашган:

Антарктика	13,4 млн. км ²
Арктика (Гренландия билан)	2 млн. км ²
Осиё (Кавказ билан)	131,3 минг км ²
Америка	85,5 минг км ²
Европа (Исландия билан)	20,5 минг км ²
Океания (Янги Гвинея ва Янги Зеландия билан)	1,0 минг км ²

Ер шаридаги энг катта тоғ музликлари Қорақұм тоғидаги Сиачен (узунлиги 75 км), Помирдаги Федченко (77 км), Тяньшандаги Инилчиқ (65 км) музликларидир.

СССР территориясіда ҳозирғы замон музликлари 76,3 минг кв. км га яқын майдонни ишғол қылади. Бунинг 56 минг кв. км га яқын қисми ёки 75% и СССР нинг Арктика секторидаги оролларыда жойлашган яхлит музликлар, қолған 26 минг кв. км қисми эса тогли районлардаги музликлардир. Буни қўйидаги маълумотдан яхши билиш мүмкін.

10-жадвал

СССР территориясідаги асосий музликлар

Музлик тарқалған районлар	Музликнинг майдони (км ²)	Музлик тарқалған районлар	Музликнинг майдони (км ²)
Арктика	55484	Жунғория Олатови	956
Шундан:			
Новая Земля	24300	Олтой	898
Северная Земля	17470	Камчатка	870
Франц-Иосиф Ери архипелаги	13703	Сибирнинг шимоли-шарқий тогли үлкәси	477
Виктория ороли	11	Коряк төглари	180
Тогли районларыда	20860	Саян төглари	40
Шундан:			
Помир-Олой	8041	Урал төглари	25
Тяньшань	7561	Саур төглари	17
Кавказ	1780	Становой төглари	15
СССР буйича жами			76344

¹ С. В. Қалесник ва Р. Д. Забиров маълумоти асосида тузылған.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, СССР тоғлари ичидаги ҳозирги замон музликларининг кўплиги жиҳатидан Ўрта Осиё тоғлари биринчи ўринда туради. СССР даги тоғ музликлар майдонининг 82% дан ортиғи Ўрта Осиё тоғларига тұғри келади. Ўрта Осиё тоғларидаги музликларнинг умумий сони 4000 дан ортиқ.

Ўрта Осиё тоғларидаги ҳозирги замон музликларининг умумий майдони 16 562 кв. км. Бу эса Кавказ тоғларидаги музликлардан 9,5 марта, Олтой музликларидан эса 28 марта зиёддир. Ўрта Осиё музликларининг 48% и Помир тоғларida, 46% и Тяньшань тоғларida ва 6% и эса Олой тоғларida жойлашган.

Помир тоғларидаги (Фанлар Академияси тоғ тизмаси) Федченко музлигининг узунлиги 77 км, эни 2—5 км, қалинлиги 0,5 км бўлиб, дунёдаги энг катта тоғ — водий музлигидир. СССР даги иккинчи катта музлик Тяньшань тоғларининг Ғалаба — Хонтангри тоғ тугунида жойлашган Инилчиқ музлигидир. Унинг узунлиги 57 км, майдони эса 823 кв. м.

СССР тоғли районлари ичидаги ҳозирги замон музликларининг кўплиги жиҳатидан Қавказ иккинчи ўринда туради. Бу ерда умумий майдони 1800 кв. км га яқин бўлган 1400 музлик жойлашган. Музликларнинг кўпчилиги Катта Қавказ тизмасида, айниқса, унинг марказий қисмида (Эльбрус билан Казбек чўққилари орасида) жойлашган. Қавказ тоғларидаги энг катта Безенги, Дихсув, Қораугам каби музликлар ҳам (буларнинг узунлиги 12 км дан ортиқ) Катта Қавказнинг ўша марказий баланд қисмида жойлашган.

Ҳозирги замон музликларининг кўплиги жиҳатидан Олтой тоғлари учинчи ўринда туради.

СССР териториясидаги ҳозирги замон музликлари яна Сибирнинг шимоли-шарқий қисмидаги Черский, Мома, Верхояна каби тизмаларида, Қамчаткадаги тоғларда, Саян, Урал ва бошқа тоғларда ҳам жойлашган.

СССР териториясидаги музликларнинг аҳамияти жуда катта. Айниқса, тоғли районлардаги музликлар дарёларни сув билан таъминлаб турувчи табиий манбадир. Ҳақиқатан ҳам, СССРнинг тоғли қисмидаги музлар 2430 km^3 миқдордаги сув запасига эга.

Ботқоқликлар. Ер устида намгарчилликка мослашган ўсимликлар ўсиб ётадиган ўта зах ерлар ботқоқликлар деб аталади.

Ботқоқликларнинг вужудга келиши учун бир қатор табиий географик шароитлар бўлиши керак. Аввало рельеф текис бўлиши, сўнгра келган сувга нисбатан буғланиш кам бўлиши, сув ўтказмайдиган қатлам ер юзасига яқин туриши керак. Бундай ҳолда сув чуқурликка сизиб ўтолмайди, ер текис бўлганидан сув оқиб кетмайди ва натижада ботқоқлик вужудга келади.

Ботқоқликлар яна кўл тагига қум, лойқалар чўкиб, унинг саёзланишидан ҳам ҳосил бўлади, уларда ҳар хил ўсимликлар (қамиш, савағич, құға, қиёқ, моҳ ва бошқалар) ўсади. Тошқин

вақтида дарё қайирларини сув босганда ҳам ботқоқ ерлар вужудга келади.

Географик ўри, сув режими ва ўсимликларига кўра, ботқоқликлар икки катта группага бўлинади: 1) яssi ёки паст (пастқам) ботқоқликлар. Бундай ботқоқликлар асосан, ер юзаси яssi, ботиқ ёки илгари кўл бўлган жойларда, дарё қайирларида вужудга келади. Бундай ботқоқликлар сизот сувларидан ёки дарё сувларидан тўйинади. Бу жойларда озиқ моддаларни кўпроқ талаб қиласидиган қиёқ, қамиш, савағич каби ўсимликлар ўсади. 2) Баланд (юқори) ботқоқликлар бевосита ёғинлардан тўйинади. Баланд ботқоқликлар нам иқлими ерларда ва айниқса, ёғинга нисбатан буғланиш кам бўлган жойларда вужудга келади; суви таркибида тузлар бўлмайди, шу сабабли сфагнум мохлари, қарағай, қорақарагай каби ўсимликлар ўсади.

Ботқоқликлар кўпроқ тундрада ва ўрта минтақанинг ўрмон зонасида учрайди. Ер юзасида тахминан 3,5 млн. км² ботқоқлик бор.

СССР территориясидаги ботқоқликлар 2,1 млн. кв. км бўлиб, Иттифоқимиз майдонининг 10% га яқинини ишғол қиласиди. СССР территориясида ботқоқликлар бир хил жойлашган эмас. СССР территориясидаги ботқоқлашган майдонининг 0,6 млн. кв. км СССРнинг Европа қисмидаги, 1,5 млн. кв. км эса Осиё қисмидаги жойлашган. Фарбий Сибирь текислигининг 70% майдони ботқоқлашган бўлса, Россия текислигининг шимолида унинг миқдори 20—50%, Полесьеда 35%, Карелия ва Кола ярим оролида эса 30% га етади. Ўрмонли дашт зонасида умумий майдонининг 3—5% ини ботқоқликлар ташкил этса, Украина нинг дашт қисмидаги майдони 1,5% га, Оренбург областида эса 0,05% га тушшиб қолади. СССРнинг чала чўл ва чўл зонасида ботқоқликлар фақат Волга, Амударё, Сирдарё, Йли каби дарёларнинг қўйи қисмидагина учрайди. Жанубга тушган сари ботқоқликлар майдонининг камайшига асосий сабаб иқлимининг континенталлашиб боришидир.

СССРнинг Узоқ Шарқ қисмидаги ҳам ботқоқлик ерлар кўп: Амур дарёси ҳавзасида 12%, Зея-Бурея, Қўйи Амур ва Ханка бўйи пасттекисликларида эса 15—20%. Бунга асосий сабаб муссон ёғинларининг кўплигидир.

СССР субтропик зонасидаги энг кўп ботқоқлашган ерлар Колхидаги Ленкоренъ пасттекисликларида жойлашган. Ботқоқликлар баъзи бир дарёларимизни сув билан таъминлаб туришада ва торф олишда муҳим аҳамиятга эга. СССР торф запаси жиҳатидан дунёда биринчи бўлиб, жаҳондаги торф миқдорининг 60% ини ўз бағрида сақлайди.

Кўллар. Қуруқликларнинг сувга тўлган ва денгиз билан бевосита туташмаган чуқурликларига кўллар деб айтилади. Ер шаридаги кўлларнинг майдони 2,7 млн. кв. км бўлиб, бутун қуруқлик майдонининг 1,8% ини ишғол қиласиди. Кўллар чуқур-

ликлари (котловиналари) нинг вужудга келиши жиҳатидан қўйидаги группаларга бўлинади:

1) ер пустининг чўкишидан вужудга келган тектоник кўллар;

2) ўчган вулкан кратерларида ҳосил бўлган вулканик кўллар; 3) тўғон кўллар; 4) музлик (морена) кўллари; 5) карст кўллари; 6) дарёнинг ўзанларида вужудга келган қолдиқ кўллари; 7) лагуна кўллари; 8) антропоген кўллар.

1) Тектоник кўлларга Қаспий, Байкал, Буюк кўллар, Онега, Ладога, Танганьика, Иссиқкўл, Орол, Балхаш кўллари мисол бўлади. Тектоник йўл билан вужудга келган кўллар жуда катта ва чуқур бўлади. Дарҳақиқат, Қаспий кўлиниң майдони 371,0 минг кв. км бўлиб, дунёдаги энг катта кўл ҳисобланади. Байкал кўли эса дунёдаги энг чуқур кўл бўлиб, чуқурлиги 1620 м.

2) Ўчган вулкан конуслари сув билан тўлганда ҳам кўллар вужудга келади. Қамчатка Ярим оролидаги Кроноки кўли ҳам шундай пайдо бўлган.

3) Тўғон кўллар котловинаси тоғ қулаб тушиб дарё водийсини тўсиб қўйишидан вужудга келади. Бундай кўлларга Помирдаги Сarez кўли (чуқурлиги 505 м), Зўркўл, Яшилкўл мисол бўлади.

4) Морена кўллари асосан антропоген давридаги материк музликлари таъсирида пайдо бўлган чуқурликларнинг сув билан тўлишидан вужудга келган. Бундай кўллар Скандинавия ва Таймир ярим оролларида, СССР Европа қисмининг шимолида кўп (Селигер, Ильмень, Псков, Чуд, Топозеро, Вигозеро ва бошқа кўллар).

5) Карст кўллари оҳак, гипс каби сувда тез эрийдиган жинслар тарқалган ерларда вужудга келади. Сув жинсларни эритиб, конус ёки воронкасимон чуқурликлар ҳосил қиласди. Сўнгра, улар сув билан тўлиб кўлга айланади. Бундай кўллар жуда кичик бўлади. Карст кўллари СССРнинг Пермь обlastida, Қрим ярим оролида, Шимолий Қавказда учрайди.

Агар доимий музлаб ётган ерларнинг эришидан вужудга келган чуқурликлар сув билан тўлса, термокарст кўллар ҳосил бўлади; бундай кўллар СССРнинг Сибирь қисмida учрайди.

6) Баъзи кўллар текисликда оқадиган дарёларнинг эски ўзанларида ҳам вужудга келади. Бундай қолдиқ кўллар Амазонка, Миссисипи, Волга, Амударё ва Сирдарё каби дарё водийларида жуда кўп.

7) Дарё этагини дengiz суви босиши, сўнгра дарёнинг қуярерида қум тили орқали лиманнинг дengиздан ажралиб қолиши туфайли вужудга келадиган лиман кўллари; масалан, Қора ва Азов дengизларининг паст қирроқларида ҳосил бўлган Хажибей, Қуяльик, Ея каби лиман кўллари мавжуд.

8) Кишилар вужудга келтирган сунъий кўллар — сув омборлари антропоген кўллар дейилади.

Антропоген күлларга — Кариба, Асвон, Братск, Қайроққум, Чордара, Чорвоқ, Каттақұрғон, Қуйимозор, Учқизил, Жанубий Сурхон, Пачкамар, Тябұғыз (Тошкент деңгизи) ва бошқа сув омборлари мисол бұлади.

Сув алмашиши характеристига қараб күллар оқар ва оқмас күлларга бүлинади. Агар күлдан сув оқиб чиқса, оқар күл деб айтилади; бундай күлнинг суви чучук бұлади. Аксинча, күлга дарё қоюлса-ю, лекин ундан сув оқиб чиқмаса, оқмас күл деб айтилади; бундай күлнинг суви шур бұлади. Байкал, Онега, Антарио, Виктория, Ильмень, Женева, Сарез күллари, Зүркүл, Яшилкүл оқар күлларга киради. Каспий, Орол, Иссиқкүл, Балхаш, Сариқамиш ва бошқалар оқмас күлларга мисол бұла олади.

Күллар ёғинлардан, дарёлардан, ер ости сувларидан түйинади.

Күлларнинг сув сатҳи үзгариб туради. Агар күл сувининг кирими унинг сарфига нисбатан оз бұлса, күл суви сатҳи пасаяверади (масалан, Балхаш ва Орол деңгизлари), аксинча, кирим сарфига нисбатан күп бұлса, сув сатҳи күтарилади.

Күллар сув сатҳи фасслар бүйіча Балхаш ва маңылум даврларда үзгариб туради. Арктика, Субарктика мінтақаларида жойлашған күлларнинг сув сатҳи қишлоғда пасайиб, ёз ва күзда күтарилади. Ўртача мінтақадаги күлларда баҳор ва күзда ёғинлар ҳисобига сув сатҳи күтарилса, ёзда күп буғланиши, қиша эса кам сув келиши туфайли сатҳи пасайди.

Сувнинг минераллашиш даражасига қараб күллар чучук, шұртандын шур (минерал) күлларга бүлинади. Агар сувнинг шұрлиги 0,3% дан кам бұлса, у чучук күл дейилади. Бундай күлларга Байкал, Онега, Ладога, Севан, Сарез күллари мисол бұла олади.

Сувнинг таркибида тузларнинг миқдори 0,3% дан 24% гача бұлса, бундай күл шұртандын күл дейилади. Бу типли күлларга Каспий, Орол, Иссиқкүл, Сариқамиш күли киради.

Ниҳоят, суви таркибида тузларнинг миқдори 27% дан ортиқ бұлса, у шур күл дейилади. Бундай күлларга Ұлғың деңгиз, Эльтон ва Боскунчоқ күллари мисол бұлади. Бундай күлларда сув туз әрітмаларига үтә түйинган бұлади ва туз кристалланиб, күл тағига ва қирғоққа түпланиб, туз қатламлари ҳосил бұлади (Эльтон, Боскунчоқ күллари).

Күлларнинг эволюциясыда асосий ролни биологик процесслар үйнайды. Құл сувнинг ҳамма қисміда органик ҳаёт бұлсада, лекин унинг озиқ-овқат моддаларига бой бұлған қирғоққа яқин жойларда (1 м чуқурлықда) қиёқ, құға сингари үсімліктер күп үсади ва балиқлар ҳам бұлади. Қүлнинг 2—3 м чуқур қисміда эса қамиш үсади. Күлларнинг чуқур қисмларыда планктон (сувда пассив ҳолда оқиб юрувчи организмлар) ва нектон (мустақил харакат қылувчи ҳайвонлар) жуда күп бұлади.

Кўллар Ер шаридаги турлича тарқалган. Кўллар рельефи текис ёки қадимий музликлар таъсирида бўлган сернам ерларда кўп тарқалган. Қадимда музлик босган Финляндия териториясининг 15%, Шарқий Сибирдаги Вилюй пасттекислигининг 20% ини кўллар ишғол қиласди.

11-жадвал

Ер шаридаги энг катта кўллар

Кўлларнинг номи	Қайси қитъада	Катталиги минг кв. км	Энг чуқур жойи, м	Денгиз сат- хидан ба- ландлиги, м
Каспий	Осиё	371,0	1025	-28,5
Орол	«—»	61,5	—	50
Байкал	«—»	31,5	1620	456
Балхаш	«—»	17,6	26,0	340
Иссиккўл	«—»	6,2	668	1602
Ладога	Европа	18,1	230	5
Онега	«—»	9,7	12,7	35
Юқори кўл	Америка	82,4	393	183
Гурон	«—»	59,6	228	177
Мичиган	«—»	58,0	281	177
Эри	«—»	25,7	64	175
Онタрио	«—»	19,5	236,0	75
Виктория	«—»	68,0	80	1134
Танганьика	Африка	34,0	1435	773
Нъяса	«—»	30,8	706	472
Чад	«—»	26(72,0)	11,4	281
Сув омборлари	Қайси дарёда			
Кориба	Замбези дарёсида	5,2	35,2	Сув сифи- ми, км³
Братск	Ангара дарёсида	5,5	57,5	185,0
Асвон	Нил дарёсида	5,5	—	169,3
Красноярск	Енисей дарёсида	2,0	36,6	160,0
Саминъя	Хуанхэ дарёсида	3,5	18,5	73,7
Бухтарма	Иртиш дарёсида	5,5	10,5	65,0
Ленин номли Волга	(Волга дарёсида	6,5	9,0	58,0
сув омбори				
КПСС XXII съезда ном- ли Волга сув омбори		3,1	10,1	31,5
Боулдер-Дам	Колорадо дарёсида	0,6	61,0	36,0
Қайроқум	Сирдарёда	—	—	4,1
Чорвоқ	Чирчиқда	—	—	2,0
Каттақўрон	Зарафшонда	—	—	1,0

Кўллар хўжаликда катта аҳамиятга эга. Кўллардан қадим замонлардан бери кишилар балиқ овлаб келмоқдалар. Кўллардан туз олишда, даволанишда, далаларни сугориш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини, завод ва фабрикаларни сув билан таъминлашда фойдаланилади.

Дарёлар. Табиий чуқурликда ҳаракат қиласидиган доимий сув оқимида дарё дейилади. Ҳар қандай дарёниң бошланадиган жойи, юқори оқими, ўртача оқими, қўйиш оқими ва қўйилиш жойи бор.

Дарёлар булоқлардан, сизот сувларидан, ботқоқликлардан, кўллардан, доимий қор, музликлардан бошланади. Дарёниң қандай ердан бошланиши унинг сув режимини хусусиятига ҳам таъсир этади. Агар дарёлар кўл ва музлардан бошланса,

серсув, аксинча, булоқлардан, сизот сувлардан бошланса, кам сув бұлади.

Дарёларнинг бошланиш жойига яқин бұлған қисми унинг юқори оқими дейилади. Бу қисмida дарё суви ўрта қисмидагига нисбатан кам сув бұлса-да, тез оқади. Чунки дарё нишаби катта бұлади. Дарёлар ўрта қисмida ўртача тезликда оқади. Одатда, жуда күп дарёлар қуйи оқими текисликдан се-кин оқади. Дарёнинг деңгизга, күлга, бирон бошқа каттароқ дарёға қайиладиган жойи унинг қуи иши жойи дейилади. Баъзи дарёлар, чунончи, Зарафшон, Қашқадарё суви күлга, деңгизга ёки бирор дарёға оқиб бормасдан сугоришига сарф булиб тугаб қолади.

Дарёлар, одатда, сойликдан оқади. Бундай сойлик дарё водийси деб юритилади. Дарё водийсинаң сув тұлиб оқадиган қисми эса дарё ўзани деб айтилади. Дарё суви құпайған даврда тошиб, водийсинаң бир қисмини сув босади. Ўзанның ұша тошқын вақтида сув тагида қолган қисмiga қайири дейилади.

Дарё водийси ёнбағрида зинапоя шаклида террасалар (күхна қайирлар) жойлашган. Террасалар дарё водийсинаң қадимги (дарё анча баландда оқсан давридаги) қайирларнинг қолдиқлари дандир. Террасалар дарёлар ўзанининг чуқурлашиши натижасида ҳосил бұлади. Ҳар қандай дарёнинг ирмоқлари бор. Ирмоқлари бөш дарёдан камсув, калта бұлади. Бөш дарёнинг оқиши томонига қараб турилса, дарёға үнг томондан қуйилаётган үнг ирмоқ, аксинча, чап томондан қуйилаётгани чап ирмоқ деб айтилади. Масалан, Амударё учун Коғирниҳон үнг ирмоқ, Афғонистондан оқиб келаётган Сурхоб эса чап ирмоқдир.

Маълум дарёға (масалан, Сирдарёға) сув йифиладиган территория ұша дарёнинг ҳавзаси ҳисобланади. Бир дарё ҳавзаси билан иккинчи дарё ҳавзаси ажратиб турадиган жойлар сув айирғычлар дейилади. Улар күпинча тоғлар, баландликлардан иборат бұлади. Маълум ҳавза территориясидан оқадиган бөш дарё ва унинг катта-кичик ирмоқлари дарё системаси ташкил этади. Дарё системаси бөш дарё, унинг ирмоқларидан иборат бұлади. Дарёларнинг бошланиш ерідан қуяр еригача бұлған умумий масофаси унинг узунлиги дейилади. Масалан, Зарафшон дарёсинаң Зарафшон музлигидан Сандиқли құмлигигача 781 км.

Ер шаридаги энг узун дарё Африкадаги Нил (6671 км), СССРда эса энг узун дарё Лена (4400 км), Ўрта Осиёнинг энг узун дарёси Сирдарё (2982 км). Дарёларнинг зичлиги Ер шары бүйіча бир хил эмас. Дарё-сойларнинг зичлиги деганда маълум территориядаги дарёлар, сойлар, жилғаларнинг умумий узунлигининг шу территория майдонига нисбати тушунилади ва $\text{км}/\text{км}^2$ билан ифодаланади. Сернам иқлимли ерларда ва тоғли үлкаларда дарё-сойларнинг зичлиги ортиқ бұлади. Масалан, СССР да дарё-сойларнинг энг зич ери Катта Кавказ

төгларидир ($1,49 \text{ км}^2$), аксинча, энг сийрак жой эса Ўрта Осиёning текислик қисмидир ($0,003 \text{ км}^2$).

Дарёларнинг оқими ва сув сарфи. Дарёнинг бошланиш еридан қуяр жойига томон тұхтосыз ҳаракати унинг оқими дейилади. Дарё үзани нишаб бұлғанидан оқади. Дарё үзани қанчалик нишаб бұлса, шунчалик тез оқади. Шу сабабли, тоғли ерларда дарё тез оқади. Бундан ташқари, дарёнинг үрта қисміда икки четига нисбатан, устки қисми эса остки қисміга қараганда тез оқади.

Дарёнинг оқим тезлигини аниқлашнинг энг оддий усули бу қалқитмалар (ёғоч парчаси ёки оғзи пробка билан беркитилген шиша) ёрдамида үлчашдир. Бунинг учун қалқитма икки нүктә орасидан қанча вақт давомида оқиб үтиши аниқланади. Лекин бу сувнинг устки қисмидаги оқим тезлигини билдиради. Сувнинг чуқурроқ қисмининг ёки үртата тезлигини үлчаш учун бир-бирига боғланған иккита шиша ишлатилади (бир шиша тұлдирилиб, иккінчисінде ярим қилиб сув қуйилади). Бунда юқоридаги шиша ҳар иккала шиша орасидаги үртата тезликни күрсатади. Сувнинг бетида үртата оқим тезлигини билиб олғанимиздан сұнг, керакли чуқурлықдаги тезликни қуидеги формуладан топиб олишимиз мүмкін:

$$V_2 = \frac{V_1 + V}{2}.$$

Бундан биз излаган тезлик $V = 2V_2 - V_1$ келиб чиқади.

Агар биз $0,2h$ (h — дарёнинг чуқурлығы) чуқурлықдаги сув тезлигини билмоқчи бұлсак, $V_0, 2h = 2V_2 - V_1$.

Шу йүл билан 0,4; 0,6; 0,8 м чуқурлықдаги тезликни ҳам билиб олиш мүмкін. Сұнгра буларнинг ҳаммасини құшиб, 5 га тақсимласак, бутун дарёнинг үртата оқим тезлиги келиб чиқади.

$$V_{yp} = V_1 + 0,2h + V0,4h + V0,6h + V0,8h.$$

Дарёларнинг оқим тезлигини гидрометрик ғалтаклар билан ҳам үлчанади.

Дарёларнинг маълум күндаланг кесимидан вақт бирлиги ичіда оқиб үтадиган сув миқдори унинг сарфи дейилади. Одатда, сувнинг сарфи (Q), дарёнинг күндаланг кесимининг юзи (F) билан, үртата оқим тезлигининг (V_{yp}) күпайтмасига ($Q = F \cdot V$ $\text{yr m}^3/\text{сек}$) баробардир. Масалан, агар бирор дарёнинг күндаланг кесими юзаси 200 м^2 , оқим тезлиги $4 \text{ м}/\text{сек}$ болса, сув сарфи секундига 800 м^3 бўлади:

$$Q = 200 \cdot 4 = 800 \text{ м}^3/\text{сек}.$$

Америкадаги Амазонка Ер шаридаги энг серсув дарёдир (секундига үртата $120\,000 \text{ м}^3$); СССР да Енисей (секундига үртата $17\,400 \text{ м}^3$); Ўрта Осиёда эса Амударё (секундига үртата 1330 м^3).

Дарёларнинг иши. Оқар сувлар үзанинг нишаб томонига қараб оққанда анча катта энергияга эга бўлади ва натижада

тид
үйн
лот

(24
чук

фи
лис
ми

да

С
ш
к
я
л
к
м

М
—
А
—
Н
С
С
Л
В
И

тоғ жинсларини емиради, уларни оқизиб бошқа жойларга олиб бориб етказади, яъни дарё иш бажаради.

Дарёлар ер юзасида эрозия¹ процессини бажаради, яъни тоғ жинсларини ювади, ўзан тагини чуқурлаштиради, текислайди, қирғоқларини емиради, емирилган жинсларни оқизиб, текис ерларда ўзан тагига ва четига чўқтириб қолдиради, яъни акумуляция² қиласди.

Дарёларда эрозия процесси унинг юқори оқимида ўзан нишаблиги туфайли кучли бўлади. Аксинча, ўрта ва қуйи оқимларида эрозия сустлашиб, емирилган жинслар аста-секин дарё тагига ёки қирғонига ётқизила боради. Бундай ҳодиса, айниқса, дарёнинг қуйи қисми учун характерлидир. Дарёлар ётқизиб қолдираган жинслар аллювиал ётқизиқлар дарёларнинг қуйи оқимида айниқса кўп бўлади. Чунки дарё қуилиши қисмида жуда секин оқади, жинсларни аста-секин чўқтириб қолдиради ва пасттекисликлар ҳосил қиласди. Дарё қуяр ерида тармоқларга булинниб дельта ҳосил қиласди. Дельта купинча учбурсчак шаклида бўлиб, грекча (дельта) ҳарфига ухшайди. Дарё дельталари аста-секин денгиз томонга қараб ўсиб боради. Масалан, Лена дарёсининг денгизга қуайлар ерида майдони 31 минг км² келадиган дельта вужудга келтирилган. Дарё дельтаси йил сайнин денгиз томон ўсиб бормоқда.

Шундай қилиб, дарёлар ўзанининг нишаби тик бўлган юқори қисмида остки (чуқурлатиш) эрозияси кучли бўлса, қуйи қисмида эса аста-секин оққанлиги сабабли ён эрозияси кучли бўлади. Натижада дарё ўз йўлида ҳар хил тусиқларга дуч келиб, ўзининг тўғри йўлини ўзгартиради ва илон изи бўлиб оқади. Дарёларнинг бундай эгри-бугри бўлиб оқиши мебандр дейилади. Дарёлар ўзани бўйлаб оқаётганда ўз йўлида турлича қаттиқликдаги жинсларга дуч келади. Дарё ўзанида мармар, гранит, сланец каби қаттиқ жинслар билан бўш жинслар ара-лаш учраса, зинапоя каби ўзан вужудга келади. Бу зинапоялар кичик ва қия бўлса, осто налар, аксинча, катта ва тик бўлса, шаршаралар деб аталади. Ер шаридаги энг катта шаршаралардан бири Африканинг Замбези дарёсидаги Виктория шаршарасидир (122 м). Шимолий Американинг Ниагара дарёсидаги Ниагара шаршараси эса 48 м баландликдан отилиб тушади. Ўрта Осиёдаги Арслонбоб сойидаги катта шаршаранинг баландлиги 150 м, Чотқол дарёсининг ўнг ирмоғи Палтов сойидаги шаршаранинг баландлиги эса 40 м.

Дунёдаги ва СССРдаги энг муҳим дарёлар. Ер шаридаги дарёларнинг йиллик оқими (сток) 37 000 куб км бўлиб, шундан 12 900 куб км Осиё, 12 200 куб км Америка, 5400 куб км Африка, 2900 куб км Европа, 1600 куб км Австра-

¹ Эрозия — латинча эрдере «бузиш, ювиш, емириш» демакдир.

² Латинча аккумулатио «тўплаш» деган маънени билдиради.

³ Латинча улливио «чўқинди» демакдир.

лия, 2000 куб.км Гренландия, Антрактида ва бошқа ерлардаги дарёларга тұғри келади.

Ер шаридаги әнг серсув ва сув йигадиган ҳавзаси әнг катта дарё Жанубий Америкадаги Амазонка дарёсидир, унинг ўртача йиллик сув сарфи секундига 120 000 м³. Ҳавзасининг майдони эса 7180 минг км².

Ер шаридаги әнг узун дарё Африкадаги Нил дарёсидир — 6661 км. Үндан кейин Миссouri — Миссисипи (6420 км), Амазонка (6400 км), Янцзи (5800 км) туради.

Амазонкадан кейин серсувлиги жиҳатидан дунёда иккинчи үринде Африкадаги Конго, учинчи үринде Осиёдаги Янцзи туради (12-жадвал).

12-жадвал

Ер шаридаги әнг мұхим дарёлар

Дарёлар	Ұзунлығы (км)	Сув йигадиган майдони (минг км ²)	Уртача йиллик сув сарфи (м ³ /сек)
Амазонка	6400	7180	120 000
Нил	6671	2870	2 284
Миссисипи	6420	3233	19 600
Янцзи	5800	1808	31 000
Конго	4320	3690	39 000
Параана	4700	3100	14 880
Меконг	4500	810	12 000
Нигер	4320	3690	—
Юкон	3700	855	—
Хинд	3180	960	—
Брахмапутра	2900	935	12 100
Дунай	2850	817	6 430

СССР дарёларининг күплигі ва уларнинг умумий үзүнлиги жиҳатидан дунёда бириңчи үриндадир. Ватанимизда үзүнлиги 10 км дан кам бўлмаган дарё ва дарёчаларнинг умумий миқдори 777 минг, умумий үзүнлиги 5,1 млн. км.

СССРда үзүнлиги 50 км дан ортиқ бўлган 221 дарё бор. СССР дарёлари серсув бўлиб, йиллик умумий оқими (сток) 3938 км³. СССРда әнг катта, узун ва серсув дарёлар Обь, Енисей, Лена, Амур, Волга ва бошқалардир (44-расм).

СССР дарёлари ичидә әнг узуни Лена (4400 км) бўлиб, дунёда Миссисипи, Нил, Амазонка, Янцзи ва Ла-Платадан сўнг 6-үринда туради.

Объ ҳавзасининг катталиги жиҳатидан СССРда бириңчи үринни эгаллади (2 млн. 975 минг. кв.км) ва дунёда Амазонка, Конго, Миссисипи, Паранадан сўнг 5-үринда туради.

Енисей дарёси СССРдаги әнг серсув дарё бўлиб, йиллик оқими (сток) 585 км³ ва серсувлиги жиҳатидан эса дунёда Амазонка, Конго, Ганг, Янцзи, Брахмапутра, Миссисипи, Паранадан кейин 8-үринда туради. СССРда яна Амур, Иртиш, Волга, Ангара, Колима, Амударё, Сирдарё каби катта дарёлар

бүр-
ин-
. б₂

ОҚ
Н-
(Г-
у-

т-
1)
з-
/-
/-
/-
/-
/-
/-
1)

,

1

мавжуд. СССР территориясидаги энг муҳим дарёларнинг характеристикаси 13- жадвалда берилган.

13-жадвал

СССР асосий дарёларининг морфометрик ва гидрометрик маълумотлари

Дарё	Кўйилиш жойи	Узунлиги, км	Нишаблиги, м	Ҳавзасининг майдони кв, км ²	Йиллик оқим миқдори, км ³	Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /сек
Енисей ¹	Қара дengизи	5940	1500	260000	585	17400
Лена	Лаптевлар дengизи	4270	—	222000	488	15500
Объ ²	Қара дengизи	5570	—	2275000	394	12500
Амур ³	Татар бўғози	4510	—	205000	346	11000
Иртиш ⁴	Объ	4450	—	159000	95	3000
Волга	Қаспий дengизи	3690	221	1380000	225	1800
Ангара	Енисей	1830	380	1060000	131	4200
Алдан	Лена	2240	—	702000	164	5200
Колима	Шарқий Сибирь дengизи	2600	—	644000	120	3800
Печора	Баренц дengизи	1790	—	326930	129	4100
Шимолий	Оқ дengиз	1310	—	360300	111	3530
Двина ⁵						
Нева	Балтика дengизи	74	4	282300	82	2600
Днепр	Қора дengиз	2285	220	503360	53	1670
Амударё ⁶	Орол дengизи	2540	—	465429	42	1330
Сирдарё ⁷	Орол дengизи	2982	—	463000	13,5	430
Дон	Азов дengизи	1952	180	422500	28	900
Фарбий	Балтика дengизи	1020	—	84440	21	680
Двина						
Риони	Қора дengиз	327	—	13390	13	400
Кура	Қаспий дengизи	1515	—	188000	18	58

¹ Селенга дарёси бошидан.

² Иртиш дарёси бошидан.

³ Шилка дарёси бошидан.

⁴ Қора Иртиш билан биргаликда.

⁵ Сухона дарёси бошодан.

⁶ Важир дарёси бошидан.

⁷ Норин дарёси бошидан.

Дарёларнинг хўжаликдаги аҳамияти. Дарёлар муҳим табиий ресурслардир. Шу билан биргаликда, дарёлардан ерларни сугорища, энергия олишда, транспортда, аҳолини ва саноатни сув билан таъминлашда, балиқ овлашда ва бошқаларда фойдаланилади.

Дарё суни, энг аввало, кишиларнинг ва саноатнинг чучук сувга бўлган талабини қондиришда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда бир кишининг ичиши ва овқат тайёрлаши учун суткасига 2,5—3 литр сув сарфланмоқда.

Агар кишиларнинг майший истеъмоли учун суткасига 200 л, озиқ-овқат ва савдода 100 л, кўчаларга сепиш ва дарахтларни сугориш учун 100 л сарф бўлаётганини ҳисобга



44- расм. СССР дарёларининг серсувллик диаграммаси (қүйи қисмидан, минг м³/сек)

олсак, Ер шари бўйича бир киши суткасига 400 л сув сарфлади. Кўплаб сув истеъмол қиласидаган иккинчи соҳа саноат корхоналаридир. Ҳозир бутун дунёдаги саноат корхоналари йилига 400 км³ сув олиб, шундан 40 км³ дарёга қайтиб қўшилмайди. СССРда коммунал хўжалик ва саноат учун йилига 54—55 км³ атрофида чучук сув сарфланиб, шунинг 18—19 км³ қисми бутунлай истеъмол қилинади ва дарёларга қайта қўйилмайди.

Совет ҳокимияти йилларида совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлигининг ўсиши, янги-янги саноат обьектларининг вужудга келиши сувга бўлган талабни ошириб боради.

Агар 1912 йили Россияда марказлашган водопровод системаси билан 215 шаҳар, канализация билан 18 шаҳар таъминланган бўлса, ҳозир деярли ҳамма шаҳарлар ва ишчи посёлкалари водопровод билан таъминланган. Натижада ҳар йили СССРда киши бошига марказлашган водопроводдан суткасига 150—200 литр сув сарфланади.

СССРда дарё сувининг бир қисми саноат обьектлари учун сарфланади. Айниқса, металлургия, химия саноати ва иссиқлик электр станциялари кўплаб чучук сувни истеъмол қиласди.

Перспектив планда СССРнинг қишлоқ районларидағи ҳар бир киши суткасига 300—400 л, шаҳарларда эса 500—600 л гача сув сарф қилиши кўзда тутилади. Шундай қилиб, келажак 20 йил ичидаги СССРда коммунал хўжалик ва саноат ҳисобига йилига бир неча ўн куб км сув бутунлай сарфланиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, чучук дарё сувини тоза сақлашга ва ундан рационал фойдаланишга алоҳида аҳамият беришни талаб қиласди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ, СССРда дарё сувидан рационал фойдаланиш мақсадида суви кўп, лекин аҳоли сийрак, саноат обьектлари кам бўлган ерлардаги дарёлар сувининг бир қисми каналлар ва водопроводлар орқали саноатлашган районларга олиб келинган. Масалан, Урал дарёсидан водопровод орқали Урал-Эмба нефть районига, Катта Кавказ тоғларидаги дарёлардан водопровод орқали Бокуга, Чусовая дарёсидан Свердловск шаҳрига сув келтирилган ёки Амударёдан Қизилқумдаги Зарафшон шаҳрига водопровод орқали сув келтирилган.

Қозоғистоннинг марказий қисмидаги саноат обьектлари ва аҳолининг сувга бўлган талабини қондириш мақсадида узунлиги 500 км келадиган Иртиш-Қарағанда канали қурилди. Бу канал секундига 75 м^3 сув ўтказади.

СССРда дарёлар сувини истеъмол қилишдан ташқари, ундан энергия олишда, транспортда, балиқ овлашда фойдаланилади.

Дарёларнинг ерларни сугоришдаги аҳамияти ғоят каттадир. Ҳозир Ер шаридаги 200 млн. гектарга яқин ер сугорилмоқда. Бунинг учун ҳар йили 2300 км^3 сув сарфланмоқда. Шундан $\frac{1}{4}$ қисми яна ер остига шимилади ва дарёларга қайтиб қўшилади, $\frac{3}{4}$ қисми эса бутунлай сарфланиб кетади.

СССРда истеъмол қилинадиган дарё сувининг ярмидан кўни қишлоқ хўжалигига кетади. Агар СССРда халқ хўжалигига сарфланадиган сувни 100% десак, шунинг 70% сугоришга, қолган 30% саноатнинг, аҳолининг сувга бўлган талабини қондиришга кетади. Сугоришга ишлатиладиган сувнинг 91% и эса иқлими қуруқ бўлган Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье даги ерларни сугоришга сарфланади.

СССРдаги асосий сугориладиган ерлар Ўрта Осиёда жойлашган. Лекин бу ўлкада сув ресурси кўп эмас. Жанубий Қозоғистон билан бирга Ўрта Осиёда дарёларнинг йиллик сув ресурси 140 куб км атрофида.

СССРда сугориб деҳқончилик қилинадиган иккинчи район Закавказье дарёлари. Закавказье иттилоқдош республикаларида йилига 15—16 куб. км сув сарфланадиган бўлса, шунинг 86,3% и ёки 13,2 км³ қисми фақат сугоришига кетади.

СССР Европа қисмининг жануби ва Шимолий Кавказ Ватанимизнинг учинчи обикор райони ҳисобланади. Бу территория (Украина, Молдавия, Марказий Қора тупроқ, Волгабўйи ва Шимолий Кавказ) да хўжалик учун йилига 18,5 км³ сув сарфланади.

Дарёларнинг энергетик аҳамияти ҳам муҳимдир. Ер шаридаги дарёларнинг умумий потенциал энергия ресурси 3750 млн. кВт бўлиб, шунинг 35,7% Осиё, 18,7% Африка, 18,7% Шимолий ва Марказий Америка, 16,0% Жанубий Америка, 6,4% Европа ва 4,5% Австралия дарёларига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда дарё гидроэнергия ресурсларидан фақат 9% игина фойдаланилмоқда.

СССР дарёлари жуда катта гидроэнергия ресурсларига эга бўлиб, потенциал запаси жиҳатидан дунёда биринчи ўринади. Дунёдаги дарёларнинг гидроэнергия ресурсининг 12,0% и СССР дарёларига тўғри келади.

СССР дарёларининг умумий потенциал гидроэнергия ресурси 450 млн. кВт бўлиб, шундан 79 млн. кВт СССР Европа қисмига, 371 млн. кВт СССР Осиё қисмига тўғри келади. СССРнинг гидроэнергетик ресурси АҚШ никидан 4 марта, Канаданикidan 9 марта, Японияникidan эса 20 марта ортиқ.


СССР дарё энергоресурслари територия бўйича нотекис жойлашган. Умумий гидроэнергия ресурсининг 83% га яқини СССР Осиё қисмida бўлиб, Лена, Енисей, Ангара, Амур, Обь, Норин, Вахш каби дарёлар жуда катта энергия ресурсига эга (45-расм).

СССРда гидроэнергияга бойлиги жиҳатидан биринчи ўринни Сибирь дарёлари (Обь, Енисей, Ангара, Лена, Хатанга, Колима, Пясина, Индигирка ва бошқалар) эгаллайди ва Иттилоқимиздаги умумий потенциал гидроэнергия ресурсининг 40% идан ортигини ташкил этади.

Дарё энергоресурсининг кўплиги жиҳатидан иккинчи ўринда Ўрта Осиё туради. Бу ўлкада дарёларнинг умумий гидроэнергоресурси 60,2 млн. кВт бўлиб, СССРдаги гидроэнергоресурсларнинг 14% га яқинини ташкил қилади. Бу энергоресурслар дарёлар бўйича қуйидагича тақсимланган. Бутун Ўрта Осиё дарё гидроэнергоресурсининг 17% и Панж дарёсига, 14% и Вахш дарёсига, 11% и Норин дарёсига тўғри келади.

СССР табиий-географик районлари ичida гидроэнергия ресурсининг кўплиги жиҳатидан учинчи ўринни Узоқ Шарқ дарёлари эгаллайди ва Иттилоқимиздаги умумий гидроэнергоресурснинг 10% га яқинини ташкил қилади. Бу ерда Амур, Анадирь, Камчатка каби катта дарёлар бор.

Кавказ дарёлари гидроэнергия ресурсининг запаси жиҳатидан Иттилоқимизда тўртинчи ўринни эгаллаб, умумиттилоқ



45- расм. СССРнинг муҳим дарёларининг потенциал гидроресурслари (млн. кВт.).

ресурсининг 8,6% ини ташкил этади. Кавказда энг муҳим ва энергетик аҳамиятга эга бўлган дарёлар: Кура, Терек, Қубань ва Рионидир.

Ниҳоят, СССР Европа қисми Иттифоқимизда гидроэнергия ресурслари запаси жиҳатидан бешинчи ўринда туради. Бу ерда Волга, Днепр, Печора, Шимолий Двина ва Дон муҳим энергетик аҳамиятга эга бўлган дарёлардир.

СССР дарёларининг 520 минг км қисми кема қатнашга яроқли. Лекин шундан ҳозир 26—27% қисмидагина кема қатнамоқда. Келажакда эса кема қатнайдиган дарё йўлнинг узулиги 160 минг км га етказилади.

СССР дарёларидан ёғоч оқизишда ҳам фойдаланимоқда. Ҳозирча дарёларнинг 142 минг км қисмida ёғоч оқизилмоқда.

Ниҳоят, дарёлар балиқ овлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. СССРда тутиладиган балиқнинг 83% и денгиз ва океанлардан, қолган 17% и ички сувлардан овланади.

Дарёлар сувини тоза сақлаш. Сүнгги йилларда дарё сувларидан халқ хұжалиғида нотұғри фойдаланиш туфайли Ер шаридаги дарёлар сувининг табиий хусусияти бузилиб, ифлосланиб бормоқда. Натижада дунёдаги саноатлашган районларда жойлашган баъзи дарёлар (Рейн, Рур, Колорадо, Сена, Рена, Миас, Эльба, Миссисипи дарёлари ва ирмоқлари ва ҳоказо) ахлатхоналарга айланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси дунёниң айрим қисмларида чучук сувнинг етишмаслигига сабаб бўлмоқда. Чучук сув айниқса АҚШ, ГФР, Голландия, Дания, Польша, Чехословакия каби мамлакатларда етишмаяпти. В. Н. Степанов маълумотига кўра, планетамиз **аҳолисининг $\frac{1}{3}$ қисми** сув етишмаслигини сезмоқда¹. Шу сабабли, баъзи мамлакатлар бошқа давлатлардан тоза чучук сув олмоқда. Чунончи, ГФР, Голландия ва Дания, Швециядан тоза, чучук сув сотиб олиш ҳақида келишиб олган. АҚШ ҳозир Гренландиядан айсбергларни судраб келиб, эритиб халқ хұжалиғида ишлатиш устида бош қотирмоқда.

Ер шаридан, жумладан СССРда чучук сув ресурсларини ифлосланишдан сақлаш ва қайта тиклаш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Сув ресурсларини тоза сақлаш учун саноат корхоналаридан чиқаётган ифлос сувлар миқдорини кескин камайтиришга эришиш зарур. Бунинг учун саноатда сувдан фойдаланишнинг берк (айланма) цикли системасига ўтиш керак. СССРдаги саноат корхоналарининг $\frac{3}{4}$ қисми сувдан фойдаланишнинг берк системасига ўтган. Натижада йилига 200 км^3 чучук сув иқтисод қилинмоқда.

2. Бир-бирига яқин жойлашган корхоналар чучук сувдан фойдаланишнинг кооперативлашган системасига ўтиши керак. Бунда бир корхона фойдаланган сувдан тозалаб, совитиб иккинчи, сўнгра учинчи корхона фойдаланиши мумкин.

3. Чучук сувни иқтисод қилиб, тоза сақлаш учун саноат корхоналаридан совитиши ишларини сув ёрдамида әмас, ҳаво ёрдамида амалга оширишни жорий этиш зарур. Бу ишлар СССРда кенг кўламда амалга оширилмоқда ва йилига $10-12 \text{ км}^3$ чучук сув иқтисод қилиб қолинмоқда.

4. Саноат корхоналарида сув истеъмол қилишнинг илмий асосланган нормативини ишлаб чиқиши зарур. Бунда маълум маҳсулот ишлаб чиқаришда иложи борича кам сув ишлатишга эришиш керак. СССРда бу соҳада анча ишлар амалга оширилди. Масалан, Бурунтоғ олтин конида фан ютуқларини қўллаш натижасида олтин сақловчидан рудани қайта ишлашда ишлатиладиган сув миқдори 2—3 марта камайтирилди.

5. Сувни тоза сақлашда баъзи корхоналарда «қуруқ» технологияни қўллашга эришиш зарур. Масалан, бир тонна қоғоз ишлаб чиқариш учун 250 т сув сарфланса, СССР, АҚШ, Анг-

¹ В. Н. Степанов. Водный голод планеты. М., 1969.

лия, Франция, Япониядаги баъзи корхоналарда сув ишлатмасдан қозоз ишлаб чиқарилмоқда.

6. Чучук сувни тоза сақлаш учун корхоналардан улар оләтган тоза суви учун әмас, балки дарё, кўлларга чиқариб ташлаётган ифлос сувининг миқдори учун ҳақ олишни жорий этиш керак. Бунда корхона раҳбарлари камроқ ифлос суви чиқаришга ҳаракат қиласди.

7. Чучук сувни иқтисод қилиб, тоза сақлаш учун ифлос—чиқинди сувлардан суворишда фойдаланишга ўтиш керак. СССР да ҳозир 170 минг га ер майший-коммунал ифлос чиқинди сувлари билан суворилмоқда.

8. Чучук сувни тоза сақлаб, иқтисод қилиш учун катта шаҳарларда иккита водопровод системасига ўтиш керак. Бунда биринчи қувурдан тоза ичимлик сув, иккинчи қувурдан эса саноат ва майший-коммунал хўжалик эҳтиёжи учун ишлатиладиган сув келади. Москванинг баъзи районларида, Шевченко шаҳаридаги иккита водопровод системаси ишлаб турибди.

9. Қишлоқ хўжалигидан чиқаётган, таркибида органик ва химик моддалар мавжуд бўлган ифлос сувларни иложи борича дарё, кўл, канал ва сув омборларига оқизмасликка эришиш керак.

10. Чучук сувни тоза сақлашда дарёларда ёғоч оқизишини тартибга солиб, уларни якка-якка ҳолда оқизмасликка эришиш керак.

11. Чучук сувни тоза сақлаб, иқтисод қилишда водопровод кранларини бекорга очиб қўйишга чек қўйиш зарур. Агар водопровод крани очиқ қолса, 10 секундда 1 литр, 2 соатда 1 куб м чучук сув бекорга оқиб кетади.

Савол ва топшириклар. 1. Географик қобиқда модда ва энергия айланасида гидросферанинг тутган ўрни нималардан иборат? 2. Сув ўзининг физик-химик ҳусусиятлари жиҳатидан бошқа минераллардан қандай фарқ қиласди? 3. Қандай ҳароратда сувнинг энг зич ҳолати рўй беради? 4. Сувнинг катта ва кичик айланаси қандай вужудга келади? 5. Денгиз деб нимага айтилади ва у қандай группаларга бўлинади? 6. Нима учун океан суви шур ва у қандай ўлчов бирлиги билан ўлчанади? 7. Нима учун ва қандай сабабларга кўра океан сувининг иссиқлик режими экватордан ҳар иккала қутб томон ёзгариб боради? 8. Океан сувининг қандай ҳаракатларини биласиз ва улар қандай омиллар таъсирида вужудга келади? 9. Контур картага океан оқимларини (иссиқ оқим қизил рангда, совуқ оқим қора рангда) тушириб, номларини ёзиб қўйинг. 10. Океан табиий ресурсларига нималар киради ва уларнинг хўжаликдаги аҳамияти қандай? 11. Океан ва денгиз суви нималар таъсирида ифлосланмоқда ва уни тоза сақлаш учун қандай чоралар мавжуд? 12. Ер ости сувлари қандай вужудга келади ва унинг қанақа турларини биласиз? 13. Яшаб турган жойингизда ер ости сувининг қайси тури мавжуд: булоқми, грунт сувими, артезианми? Қайси тури бўлса, ўшанга характеристика беринг. 14. Ер ости сувларининг хўжалик аҳамиятини яшаб турган районингиз мисолида гапириб беринг. 15. Ҳозирги замон музиклар Ер шаридаги жойлашган? СССР музиклар майдонининг территориал тақсимланишини кўрсатувчи диаграмма тузинг. 16. Музикларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини Ўрта Осиё мисолида гапириб беринг. 17. Ботқоқликлар қайси йўл билан вужудга келади ва улар қандай группаларга бўлинади? СССР мисолида ботқоқликларнинг зарар ва фойда томонини гапириб беринг. 18. Контур картага Ер шаридаги катта кўллар номини ёзиб, уларнинг вужудга келиши жиҳатидан классификацияга ажратиб, дафтарингизга ёзинг. 19. Нима сабабдан кўл сувининг минералла-

шиш даражаси шимолдан жанубга томон ошиб боради? 20. Нима учун Балхаш, Иссиқкул ва Орол кўлининг сув сатҳи йил сайин пасайиб, майдони қисқариб, шўрлиги ортиб бормоқда? 21. Дарё нима ва у қандай қисмлардан ташкил топганлигини яшаб турган территориянгиз мисолида гапириб беринг. 22. Дунё контур картасига энг катта дарёлар номини ёзив, билиб олинг. 23. Нима сабабдан дарё, кўл ва ер ости сувлари ифлосланиб бормоқда, уларни тоза сақлаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? 24. Дарёларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини Ўзбекистон мисолида гапириб беринг.

VIII боб

АТМОСФЕРА

Атмосфера ҳақида умумий тушунча. Планетамизни ўраб олган ҳаво қобигига атмосфера¹ дейилади. Ернинг ҳаво қобиги эса ҳар хил газларнинг механик аралашмасидан иборат. Атмосферанинг қалинлиги 3000 км га етади. Атмосферанинг массаси эса гидросфера массасидан 100 марта, литосфера массасидан 1000 марта кам бўлиб, $5,15 \cdot 10^{15}$ тоннага тенг.


Атмосфера планетамиз учун айниқса, унинг биосфераси (органик сфера) учун, жонли организмнинг нафас олиши учун катта аҳамиятга эга. Булардан ташқари, ернинг ҳаво қобиги планетамиз юзасини кундузи қаттиқ қизиб кетишдан, кечаси эса совиб кетишдан сақловчи гўёки бир кўрпа вазифасини ўтайди. Атмосфера, шунингдек, Ерни космосдан келадиган кўплаб метеорлардан сақлайди: метеорлар атмосферада қизиб ёниб кетиб, ерга етиб кела олмайди.

Атмосферанинг таркиби. Атмосфера (ер юзаси яқинида) асосан азот (78,08%) ва кислород (20,95%) дан иборат бўлиб, унда камроқ миқдорда аргон (0,93%), карбонат ангидриди (0,03%), гелий, неон, ксенон, криптон, водород, озон, амиак, юод ва бошқа газлар (0,01%) бор.

Атмосфера таркибидаги газларнинг процент миқдори унинг қўйи қисмida ўзгармайди. Фақат карбонат ангидрид газининг миқдори саноатлашган катта шаҳарларда бир оз кўпроқ, аксинча, Арктика, Антарктида ва океанлар устида бир оз камроқ бўлади.

Атмосфера таркибидаги газлар ичиде кислород жуда катта аҳамиятга эга. У организм нафас олишининг зарурий шарти-дир. Атмосферада тахминан 10^{15} т кислород бор. У организмларни ҳосил қилувчи оқсил, ёғ, углеродлар таркибида киради. Организмлар ҳаёт кечириши учун зарур бўлган энергияни оксидланиш ҳисобига олади. Табиатда ўсимликлар сарфланган кислороднинг ўрнини тўлдириб туради. Атмосферада азот кислород аралашмаси ролини ўйнаб, оксидланиш суръатини ва бинобарин, биологик процессларни тартибга солиб туради. Карбонат ангидрид гази табиатда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўсим-

¹ Атмосфера грекча сўз бўлиб, «Ернинг буг қобиги», «Ҳаво қатлами» деган маънони англатади.



46-расм. Атмосферанинг тузилиши

ча бўлган қисмида гелий газидан, энг енгил газ — водороддан иборат.

Атмосферанинг қуи қисми таркибида, бу газлардан ташқари, ҳар хил йўллар билан вужудга келган жуда майдагарчалар — аэрозоллар (тутун, чанг, тўзон ва ҳоказо), шунингдек, тупроқ ва тоғ жинсларининг емирилишидан вужудга келган заррачалар, вулкан кули, радиоактив моддалар ҳам бор.

Атмосферанинг тузилиши. Қуидан юқорига кўтарилиган сарни атмосферадаги газларнинг таркиби ўзгариб, сийраклашиб боради. Шунинг учун атмосфера бир-бираидан газларнинг таркиби, зичлиги, температураси жиҳатидан фарқланувчи 5 та асосий қатламга (сферага) ва 4 та ўткинчи қатламга (паузага) бўлинади (46-расм).

Тропосфера¹ — атмосферанинг энг пастки, қуи қисми: унинг баландлиги қутбий кенгликларда 8—10 км, уртача кенгликлар устида 11—12 км, экватор устида ҳатто 16—18 км.

Бутун атмосфера массасининг 80% қисми тропосферада жойлашган. Атмосферадаги сув буғларининг деярли ҳаммаси шу сферададир. Тропосфера ҳаво зич бўлиб, булутлар, ёғинлар, шамоллар вужудга келади ва шу жиҳатдан у ер юзаси учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

¹ Тропос грекча сўз бўлиб, «бурилиш, ўзгариш» деган маънони англатади.

ликлар учун зарурдир. Шунингдек, у Ернинг иссиқлик балансини тартибга солиб туради, чунки карбонат ангидрид қисқа тўлқинли қуёш радиациясини ўtkазиб юбориб, Ер тарқатадиган узун тўлқинли иссиқлик нурини ютади.

Ракета, сунъий йўлдош ёрдамида ва космонавтларнинг олиб борган кузатишларидан маълум бўлдики, атмосферанинг 100 км гача баланд бўлган қисмида ҳам унинг таркиби (сув буғлари ва азотнинг миқдори ортиб боришини ҳисобга олмаганда) юқорида қайд қилинган газлардан иборатdir. Атмосфера массасида 0,2—4% гача сув буғи бўлиб, шунинг 9/10 қисми 5 км баландликкача бўлган пастки қисмида учрайди. Чунки атмосферадаги сув буғлари ер юзасидаги намликтарни буғланишидан тўпланди.

1000—1200 км баландликда атмосфера асосан кислород ва азотдан, ундан юқорида — 2500 км газидан, 2500 км дан юқорида эса энг енгил газ — водороддан иборат.

Атмосферанинг қуи қисми таркибида, бу газлардан ташқари, ҳар хил йўллар билан вужудга келган жуда майдагарчалар — аэрозоллар (тутун, чанг, тўзон ва ҳоказо), шунингдек, тупроқ ва тоғ жинсларининг емирилишидан вужудга келган заррачалар, вулкан кули, радиоактив моддалар ҳам бор.

Атмосферанинг тузилиши. Қуидан юқорига кўтарилиган сарни атмосферадаги газларнинг таркиби ўзгариб, сийраклашиб боради. Шунинг учун атмосфера бир-бираидан газларнинг таркиби, зичлиги, температураси жиҳатидан фарқланувчи 5 та асосий қатламга (сферага) ва 4 та ўткинчи қатламга (паузага) бўлинади (46-расм).

Тропосфера¹ — атмосферанинг энг пастки, қуи қисми: унинг баландлиги қутбий кенгликларда 8—10 км, уртача кенгликлар устида 11—12 км, экватор устида ҳатто 16—18 км.

Бутун атмосфера массасининг 80% қисми тропосферада жойлашган. Атмосферадаги сув буғларининг деярли ҳаммаси шу сферададир. Тропосфера ҳаво зич бўлиб, булутлар, ёғинлар, шамоллар вужудга келади ва шу жиҳатдан у ер юзаси учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тропосферада ҳаво температураси ҳар 100 м юқорига күтарилилган сари ўрта ҳисобда $0,6^{\circ}$ совиб боради. Натижада тропосферанинг юқориги чегарасида температура экватор устида -65° , шимолий қутб устида -45° , -50° совуқ бўлади. Об-ҳаво ўзгаришлари, асосан, тропосферада рўй беради.

Тропопаузада тропосфера билан стратосфера орасидаги зона бўлиб, кўп хусусияти жиҳатидан тропосферага ўхшайди, лекин энг юқори қисмida сув буғлари камайиб, газлар сийраклаша боради, температура паст бўлиб, -72° га етади.


Стратосфера атмосферанинг 50—60 км баландликкача бўлган қисмини ўз ичига олади, бутун атмосфера массасининг 10% қисми шу сферада. Стратосфера ҳаво сийрак. Бу сферада ҳаво, асосан, тропосферадаги газлардан иборат бўлса-да, лекин унда озон газининг миқдори кўпроқ. Стратосферанинг қўйи қисмida температура ёзда экватор устида -70° , қутблар устида -56° га пасаяди; лекин 35—55 км баландликда температура кўтарилиди ва $+10^{\circ}$, -35° га етади. Бунинг сабаби шундаки, бу ерда озоннинг кўп бўлганидан қўёш нури, айниқса ультрабинафша нур кўплаб ютилади (47-расм). Стратосфера да тезлиги соатига 340 км га етадиган кучли шамоллар ҳам бўлиб туради.

Стропопаузада стратосфера билан мезосфера орасидаги ўткинчи қатлам бўлиб, бу ерда ҳаво анча сийрак, температура эса кўтарилиб 0° атрофида бўлади.

Мезосфера атмосферанинг 50—60 км дан 80—85 км гача бўлган қисмини олади. Бу қатламда атмосфера босими кам, ҳаво ер юзасидагига нисбатан 200 марта сийрак, температура эса яна паст: -60° , -80° . Атмосферанинг бу қисмida табиати яхши ўрганилмаган кумуш ранг булутлар пайдо бўлиб туради, кўпчилик олимлар бу булутлар жуда майдада муз кристалларидан иборат бўлса керак, деб тахмин қилсалар, баъзи олимлар эса жуда майдада космос чанглари тўпланишидан вужудга келган деб ўйлайдилар.

Мезопаузада — мезосфера билан термосфера орасидаги қатламдир.

Термосфера (ионосфера) атмосферанинг 80—85 км дан 900 км гача бўлган юқори қисмидир. Термосфера ҳам, атмосферанинг қўйи қатламидек, асосан, молекула ҳолатидаги азот ва кислороддан иборат. Лекин термосферада Қўёш радиа-



47-расм. Атмосферада юқорига кўтарилилган сари температуранинг ўзгариши (К. А. Куликов, Н. С. Сидоренко маълумоти)

ти
уй
ло
(2
чу

фи
ли
ми
да

С
ш
к
я
л
к
м

М
А
Н
О
С
Ф
Е
Р
И

циясининг қисқа ($0,3$ микрондан ҳам калта) тұлқинли нурлари ва космик нурлар таъсирида кислород ва азот молекулалари атомларга ажралади ва электр билан зарядланиб, ионлашган бұлади. Ионлашган бу қатламнинг аҳамияты шундаки, у радио тұлқинларини ерга бир неча бор қайтаради ва радио тұлқинларининг Ер шарини айланиб чиқишига ҳамда бу тұлқинларни радио станцияларнинг осон қабул қилишига имкон беради. Термосферада ионлар бұлмаганда әди, радио тұлқинлари $50-100$ км масофадан нарига тарқалмас әди.

Термосферада ион күп бўлгани учун уни ионосфера деб ҳам юритилади. Ионосферада баландлашган сари ҳаво сийраклашиб, температура эса кутарила боради. Агар 90 км баландликда температура -90° бўлса, 400 км да температура (максимал қўёш активлиги йилларида кундузи 2000° , кечаси эса $1500-1900^{\circ}$, минимал активлик йилларида эса ҳарорат кундузи $1200-1400^{\circ}$, кечаси $750-1000^{\circ}$ бўлади. 400 км дан юқорида температура деярли ўзгармайди.

Термопаза — бу атмосфера билан экзосфера орасидаги ўткинчи зонадир. Экзосфера атмосферанинг 900 км дан $2000-3000$ км гача бўлган энг юқори қисми. Экзосфера ҳали яхши ўрганилган эмас. Учирилган ракеталар, йўлдошлардан олинган маълумотларга асосланиб, экзосферада температура 2000° га етса керак, деб фараз қилмоқдалар. Бундай баландликда газлар (асосан, гелий ва водород) жуда ҳам тез — секундига $11,2$ км гача ҳаракат қиласы да натижада баъзи заррачалар (водород атомлари) Ернинг тортиш кучини енгиб, дунё бушлиғига ҳам чиқиб кетади. Ер тортишини енгиб чиқиб кетган водород атомлари Ер атрофидан тож ҳосил қиласы. Ернинг тожи 20000 км гача тарқалади. Ер тожи тарқалган қисмидага газ жуда ҳам сийрак бўлса-да, лекин планеталар орасидаги бушлиқлардагидан кўра 10 марта зичдир.

Атмосфера Қуёшнинг ультрабинафша ва қисқа тұлқинли радиацияларини ютиб туришдан ташқари, Ер шарининг иқлимини вужудга келтирувчи омилдир.

Қуёш радиацияси. Иссиқлик ва ёруғлик планетамизнинг географик қобиги учун энг муҳим фактордир. Ер юзасидаги иссиқлик ва ёруғликнинг асосий манбасы — Қуёш. Ернинг ички иссиқлиги эса Қуёш иссиқлигидан 5 минг марта кам. Демак, Ер юзасининг иссиқлик балансида Қуёш ҳал құлувчи роль үйнайды. Ер юзаси Қуёшдан бир йилда $1,37 \cdot 10^{24}$ ж энергия олади. Қуёшнинг нур сочишини Қуёш радиацияси¹ деймиз. Қуёш радиацияси атмосфера, гидросфера, биосфера ва литосфераны устки қисмидә бұладынан ҳамма процессларнинг энергия манбасы ҳисобланади.

Атмосферанинг юқори қисмидә Қуёш нурлари перпендикуляр түшгандан бир минут ичіда ҳар 1 кв см майдон қуёшдан 2 кал. иссиқлик олади ва бу Қуёш доимийлиги дейилади.

¹ Радиация латинча сўз бўлиб, «нур сочиш» деган маънени англатади.

Қуёш нури (қуёш радиацияси) нинг маълум юзага сочилиш интенсивлиги нурнинг тушиш бурчагига ва Ер билан Қуёш орасидаги масофага боғлиқ.


Қуёш нури перпендикуляр (тик) тушса, жой энг кўп радиация олади. Чунки бундай ҳолатда Қуёшнинг бир тўп энергияси кичик майдонга ($a - b$) тушади, аксинча, Қуёш нури ётиқ тушса, ўша бир тўп нур энергияси каттароқ майдонга ($a_2 - b_2$) тарқалади (48-расм). Қуёш нурининг қандай бурчак ҳосил қилиши, энг аввало, жойнинг географик кенглигига ҳамда Қуёшнинг горизонтдан қанчалик баландда туришига боғлиқ.

Қуёш нури $23^{\circ} 30'$ шимолий кенглик (шимолий тропик чизиги) билан $23^{\circ} 30'$ жанубий кенглик (жанубий тропик чизиги) орасидаги майдонга энг катта (90°) бурчак ҳосил қилиб тушади. Ер юзасининг қолган кенгликларида эса Қуёш нурининг тушиш бурчаги 90° дан кам бўлади. Юқорида айтилганидек, Қуёш нурининг тушиш бурчаги қанчалик ётиқ бўлса, Қуёш радиациясининг интенсивлиги шунчалик кам бўлади. Буни қуидаги мисолдан яхши билиш мумкин: агар туш пайтида радиация кучини экваторда 1 деб олсак, 60° кенгликда 0,5 га, қутбда эса 0 га баробар бўлади.


Ернинг шарсизмонлиги ва ўқи орбита текислигига $66^{\circ} 33'$ оғишганлиги натижасида Қуёш нурининг тушиш бурчаги йил давомида ўзгариб туради.

Ернинг радиация орқали оладиган энергиясининг миқдори фақат нурнинг тушиш бурчагига эмас, балки Қуёшнинг ёритиш даврининг узун ва қисқа бўлишига ҳам боғлиқдир. Қуёш нурининг тушиш бурчаги сингари, унинг ёритиш даври ҳам йил фаслларига қараб ўзгариб. Экватор атрофида кун билан туннинг узунлиги йилнинг ҳамма фаслларида деярли тенг бўлса, қутбий ва ўртача кенгликларда тун билан куннинг нисбати йил фаслларида кескин ўзгариб. Масалан, 70° шимолий кенгликда Қуёш ёзда 65 сутка, қутбда эса 180 сутка мобайнида ботмайди. Шундай қилиб, қутбда ёзда Қуёшнинг узоқ вақт ёритиб виситиб туриши иссиқлик етишмаслигини бирмунча қоплади. Қиши фаслида эса қуёш бутунлай чиқмайди, оқибатда радиация миқдори 0° га баробар бўлади. Ана шунинг учун ҳам қутбда қуёш ялпи радиациясининг йиллик ўртача миқдори экватордагидан 3—3,5 марта кам бўлади.

Қуёш радиациясининг Ер юзига етиб келишига яна атмосфера ҳам таъсир кўрсатади. Чунки атмосфера қуёшдан келаётган радиациянинг бир қисмини тарқатиб юборса, бир қисмини ютади: қуёшдан келаётган нурнинг бир қисмини сув буғлари



48-расм. Қуёш нурининг тушиш бурчагига боғлиқ ҳолда радиациянинг интенсивлиги. Бу ерда a , b ; a_1 , b_1 ; a_2 , b_2 ларнинг майдони тенг.



49- расм. Тушиш бурчаклари турлича $(90^\circ - 0^\circ)$ гача бўлган нурларнинг атмосферадан ўтиш йўлининг узунлиги:

ВАС—ер юзаси, a_1, a_2, a_3 —атмосферанинг юқори чегараси, S_1, S_2, S_3 —Қуёшнинг уфқдан юқорида туриш ҳолати 1,00, т 35,40 т, м—оптик массалар—ўлчов бирлиги қилиб нурлар вертикаль тушадиган ҳаво қатлами массасига тенг бўлган оптик масса қабул қилинган.

ютса, қисқа тўлқинли ультрабинафша нурни эса озон ютади. Қарбонат ангидрид эса узун тўлқинли нурни ушлаб қолади. Шундай қилиб, Қуёшдан келаётган ёргуликнинг бир қисми (15%) атмосферада сарфланади (ютилади), натижада Ерга келаетган қуёш радиацияси кучсизланаб қолади.

Қуёш радиациясининг атмосферада сочилиб, ютилиб сусайиши Ернинг турли кенгликларида турличадир. Чунки Қуёш нурининг тушиш бурчаги катта бўлса, у атмосфера орқали қисқа, аксинча, нурнинг тушиш бурчаги кичик бўлса, узоқ йўл босиб ўтади. Агар Қуёш зенитда турса, нур тик тушади ва атмосферани энг яқин, қисқа йўл билан кесиб ўтади, натижада қуёш радиацияси Ер юзасида кучли бўлади.

Қуёш нурининг тушиш бурчаги 90° бўлганда, унинг атмосферадан ўтадиган йўлининг узунлигини 1,0 деб олсан, шунда радиациянинг сусайиш даражаси 25% бўлади. Қуёш нурининг тушиш бурчаги 50° бўлганда, атмосферадан ўтадиган нур йўли 1,30 га тенг, радиациянинг сусайиши даражаси 31% га етади. Қуёш нурининг тушиш бурчаги 30° бўлса, атмосферадан ўтадиган нур йўли узунлиги 2,00 радиациянинг сусайиш даражаси 44%, 10° бурчак ҳосил қилиб тушганда эса, атмосферадан ўтадиган нур йўлининг узунлиги 5,56, радиациянинг сусайиш даражаси 80% га тенг, қуёш нурининг тушиш бурчаги 0° бўлганда, атмосферадан ўтадиган нур йўли узунлиги 35,40, радиациянинг сусайиш даражаси 100% бўлади (49-расм).

Юқорида қайд қилингандардан кўринадики, қуёш радиацияси атмосферадан ўтадиганда унинг бир қисми ҳар тарафга со-

чилади, бу тарқоқ ёки сочилма радиация дейилади. Қүёш радиациясининг бир қисми эса атмосферани кесиб ўтиб, Ер юзасига келади. Буни тұғри радиация¹ дейилади. Қүёшнинг Ер юзасига келаётган тұғри ва тарқоқ радиацияси-нинг йиғиндисига ялпи радиация дейилади.

Ялпи радиациянинг ҳаммаси ҳам планетамиз юзасидаги жисмлар томонидан ютилавермайды. Энергиянинг бир қисми қайтади. Қайтиб кетаётган энергиянинг шу жойга тушган энергияга нисбати альбедо дейилади. Альбедонинг катта-кичиклиги жисмларнинг рангиға боғлиқ. Агар жисмлар ранги қора бұлса, альбедо миқдори 4—14%, аксинча, оқ бўлса (қор, муз), альбедо миқдори 85—90% га тенг бўлади. Демак, Қүёш энергияси-нинг Ер шари юзасида тақсимланишида жисмларнинг ранги ҳам катта роль ўйнар экан. Шу сабабли, Арктика ва Антракти-дада, шунингдек, Ўрта Осиёнинг доимий қор ва музлар билан қопланган ерларидан альбедо катта, қора тупроқли ҳайдалган ерларда альбедо жуда кам бўлади.

Ер шаридан Қүёшнинг умумий радиацияси-нинг йиллик миқ-дори юқорида қайд қилинган факторлар натижасида геозонал ҳолда жойлашган. Қүёшнинг ялпи радиацияси тропик миңтақа-га энг күп — ҳар кв. см ерга унинг миқдори 180—200 ва ҳатто 220 ккал тушади. Экваторда булутли кунлар күп бўлганидан қўёшнинг ялпи радиацияси бир оз камроқ, ҳар кв. см юзага 140 ккал иссиқлик тушади.

Тропик кенгликлардан ўртача кенгликларга борган сари ял-пи радиация баланси камайиб боради ва Арктиканда ҳар кв. см юзага бори йўғи 60 ккал иссиқлик тушади, холос.

Қўёшнинг ялпи (умумий) радиацияси СССР территорияси-да географик ўрнига ва булутларнинг оз-кўплигига боғлиқ ҳол-да шимолдан жанубга ўзгариб боради. СССРнинг шимолий районларида 1 кв. см юзага 60—70 ккал иссиқлик тушса, ўрта қисмида (60° ш. к. да) 80—90 ккал, жанубий қисмида (Ўрта Осиёда) эса 150—160 ккал иссиқлик тушади. Ялпи радиация Узоқ Шарқда (анча жанубий кенгликларда жойлашса-да) булут-ларнинг кўплиги туфайли бир оз кам бўлиб, 1 кв. см юзага 90—100 ккал иссиқлик тушади. Ваҳоланки, шу кенгликларда жойлаш-ган СССР Европа қисмида радиация 100—110 ккал га тенг.

Ер юзаси бир даврнинг ўзида Қўёшдан келаётган иссиқлик-ни қабул қиласи ва уни турли ўйлар билан яна сарфлайди. Мана шу процессга радиация баланси дейилади.

Агар Ер юзасига келаётган радиация (иссиқлик) сарф бў-лаётган радиациядан ортиқ бўлса, унда радиация баланси мус-бат, акс ҳолда манфий бўлади.

Муз зонасини истисно қилгандан Ер шари юзасида йиллик радиация баланси мусбатдир. Радиация баланси сутка давоми-да ўзгариб туради: кечқурун ҳамма кенгликларда радиация баланси манфий бўлади, кундузи эса (қишида қутбларни ҳи-


¹ Қўёшнинг тұғри радиацияси баъзан Ер юзасининг инсолацияси (ёрити-лиши) деб ҳам юритилади.

собга олмаганда) тушгача ҳамма ерда мусбат, тушдан кейин эса яна манфий.

Ииллик ўртача радиация баланси СССРнинг Шимолий Муз океанидаги оролларидан ташқари ҳамма ерида мусбатдир. Ёзда СССР территориясининг ҳамма жойида радиация баланси мусбат бўлади. Қишида эса (Туркманистоннинг жанубий районларидан ташқари) ҳамма ерида манфийдир.

Радиация баланси ер юзасига иссиқлик олиб келади ва у экватордан қутбга қараб ўзгариб боради. Шу сабабли, радиация баланси иссиқлик балансини вужудга келтиради. Ўртача кўп ииллик иссиқлик баланси планетамиз юзасида ҳам ва атмосферада ҳам 0 га тенг. Буни қўйидаги мисолдан яхши билиш мумкин.

Атмосферанинг юқори қисмида Қуёш нурига перпендикуляр бўлган ҳар бир кв. см юзага йилига 250 ккал иссиқлик тушади. Агар биз буни 100% деб олсак, шунинг 38% и булутларга урилиб қайтади ва атмосферанинг юқори чегарасида атрофга тарқайди, 14% и эса атмосферада ютилади. 48% и тўғри радиация сифатида Ер юзига етиб келади. Ер юзига етиб келган 48% қуёш радиациясининг 44% и ютилса, 4% и яна қайтиб кетади. Шундай қилиб, Ернинг альбедоси 42% ($38\% + 4\% = 42\%$) ни ташкил этади (50-расм).



50-расм. Атмосферанинг иссиқлик баланси

50-расмдан кўринадики, атмосфера 14% иссиқликни қўёшдан, 24% иссиқликни Ер юзасидан ҳамда Ер юзасининг самарали (узун тўлқинли) нур сочишига кетган 20% иссиқликни ($14+24+20=58$) олиб дунё бўшлиғига тарқатиб юборади.

Шундай қилиб, Ер юзасига атмосфера орқали келаётган иссиқлик миқдори ундан сарфланадиган иссиқлик миқдорига тенг. Лекин Ер юзасидаги иссиқлик баланси турли географик кенгликларда турличадир.

Шимолий ярим шарда Қуёш июль ойи охирида горизонт устида энг баланд туради, бу вақтда қуёшдан келаётган иссиқлик сарфланадиган (Ернинг совушига ва Ердан дунё бўшлиғига кетаётган) иссиқлик миқдорига нисбатан ортиқдир. Шу сабабли, шимолий ярим шардаги материкларда июль ойида, денгизларда эса августда температура энг юқори (максимум) бўлади. Аксинча, январь ойида Қуёшдан келаётган иссиқлик миқдори шимолий ярим шарда энг кам ва натижада температура январь ойида (денгизларда февралда) энг паст (минимум) бўлади.

Жанубий ярим шарда эса, аксинча, энг иссиқ ой январь, энг совуқ ой эса июлдир.

Ер шарида иссиқликнинг тақсимланиши. Ер юзасида иссиқликнинг тақсимланишини июль ва январь изотерма¹ ларининг хусусиятларидан билиб олиш мумкин: 1) Қуёш радиациясига боғлиқ ҳолда температура экватордан қутбларга томон пасая боради. 2) Жанубий ярим шарда океанлар кўп бўлганлигидан изотермалари шимолий ярим шардагидек эгри-буғри эмас. 3) Сув қуруқликка нисбатан секин иссиқ, секин совиганлиги туфайли бир хил географик кенгликлардаги материклар океанга нисбатан ёзда иссиқ, қишида совуқроқ бўлади. Бундан ташқари, қуруқликка нисбатан океан юзасининг ҳамма жойида ҳаво температураси кам ўзгаради. 4) Тропиклар орасида Қуёш нурийил бўйи катта бурчак ҳосил қилиб тушади, шунинг учун қиш температураси билан ёз температураси орасида фарқ жуда кам. Лекин тропикдан ҳар иккала қутбларга томон бу фарқ ортиб боради. Ёзда энг иссиқ температура экваторда эмас, балки тропикларда бўлади. Чунки бу вақтда Қуёш тропикда қоқ зенитда туради.

Рангли карталарда январь ойининг изотермаси қора, июль ойининг изотерма чизиги эса қизил рангда берилади.

Январь шимолий ярим шар учун энг совуқ, жанубий ярим шар учун эса энг иссиқ ой ҳисобланади. Январь ойининг изотермалари океан устида ва жанубий ярим шарда деярли параллел ҳолда йўналган. Лекин изотерма совуқ оқимларга ва қизиган материликка яқинлашганда эса бир оз бурилади. Январь изотермаси шимолий ярим шарда жуда эгри-буғри ҳолда йўналган. Қишида материлик совиб кетади, оқибатда январь изотермаси шимолий ярим шарда жанубга томон кескин тушиб

¹ Температуралари бир хил бўлган жойларни картада бирлаштирувчи чизиқлар изотерма дейилади.

кетса, шу пайтнинг ўзида океанларда эса шимолга томон кутарилади. Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида, яъни Якутияда январь ойи изотермалари айлана доира ҳосил қилиб жойлашган ва январда энг совуқ температуралар ўша жойда учрайди.

Июль шимолий ярим шар учун энг иссиқ, лекин жанубий ярим шар учун энг совуқ ой ҳисобланади. Июль изотермалари январь изотермаларига нисбатан деярли параллел ҳолда жойлашса-да, лекин қуруқликлар устида шимолга қараб бир оз суррилади. Июль ойида энг совуқ температура Антарктидада бўлади — унинг марказий қисмидан -56° изотермалари ўтади.

Июль ва январь изотермалари ўша ойларнинг ўртача температураларини билдиради. Шу сабабли, изотермалари абсолют максимум ва минимум температурани акс эттирамайди. Ер шарида абсолют максимум температура — Африканинг Триполи шаҳрида рўй берган ($+58^{\circ}$). Абсолют минимум температура эса шимолий ярим шарда (СССРнинг Оймякон шаҳрида) -71° , жанубий ярим шарда (Антарктидада) $-88,3^{\circ}$ бўлган. Шундай қилиб, температуранинг Ер юзасида йиллик ва суткалик ўзгариши иссиқлик балансининг характеристерини аниқлаб беради.

Температура. Маълум жойнинг температураси ва унинг ўзгариши автомат асбоблар ёрдамида ёки термометр кўрсатган маълумотларни системали равишда кузатиб бориш асосида аниқланади.

Термометрдаги симоб ёки спирт устунчасининг юқоридаги боши 0° дан юқори температурани кўрсатади ва иссиқни + (плюс) билдиради, 0° дан паstdаги рақамлардан бирини кўрсатса, у тақдирда ҳавонинг температураси совуқ — (минус) эканлигини билдиради. Баъзан суткалик максимал температурани ўлчашда симобли термометр, минимал температурани ўлчашда эса спиртли термометр ишлатилади. Чунки, совуқ жуда ҳам пасайиб кетса, симоб музлаб қолади.

Бир кунда ҳарорат 4 марта (тунги соат 1 да, эрталаб соат 7 да, кундузи соат 1 да ва кечқурун соат 19 да ўлчанади. Сўнгра тўпланган сонлар қўшилиб, 4 га бўлинади, натижада суткалик ўртача температура келиб чиқади. Масалан, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида июль ойида термометр тунги соат 1 да 19° , эрталаб соат 7 да 21° , кундузи 1 да 31° , кечқурун 19 да 28° ни кўрсатса, ўртача суткалик температураси $24,7^{\circ}$ бўлади ($19+21+31+28=99 : 4=24,7$).

Агар сутка давомида мусбат (+) температура ҳам, манфий (-) температура ҳам бўлса, ўртача температурани топиш учун аввало ҳар иккала хил температура алоҳида олиб қўшилади. Сўнгра катта сондан кичик сон олинади ва қолган сон неча марта ўлчанганд бўлса, уша сонга бўлинади. Бундай бўлинмада бўлинувчининг ишораси сақланиб қолинади. Масалан, бир суткада температура -6° , -7° , -9° , -12° , -4° ; $+2^{\circ}$, $+4^{\circ}$, -4° тарзда ўзгарса, у тақдирда $6+7+9+12+4+4=42$, $4+2=6$

бұлади. Сұнгра $42 - 6 = 36 : 8 = 4,5$. Демак, сутканиң ўртача температурасы — $4,5^{\circ}$ әкан.

Ўртача ойлік температуралы топиш учун шу ойдаги жами суткаларнинг ўртача температурасы құшилади, ҳосил бұлған соң ойнинг күнларига бұлинади, натижада ойнинг ўртача температурасы келиб чиқади. Йиллик ўртача температуралы топиш учун эса 12 ойнинг ўртача температурасы құшилиб, сұнгра 12 ойга тақсимланади. Бир сутка ичида әнг баланд ва әнг паст температура орасидаги фарқ температуралынг суткалик үзгариш миқдори ёки амплитудасы дейилади. Бир йил давомида маълум жойнинг әнг иссиқ ва әнг совуқ ойларининг ўртача температурадары орасидаги фарқ үша жойнинг йиллик температура амплитудасы дейилади. Қутбларда ва материк ичкарисидаги жойларда йиллик температура амплитудасы катта, экватор атрофика ва океанлар устида кичик бұлади.

Ҳавонинг ўртача йиллик температурасы шимолий ярим шар билан жанубий ярим шарда бир хил әмас. Шимолий ярим шарнинг ҳамма кенгликларыда ҳам ўртача йиллик температура жанубий ярим шарнидан юқоридир. Бунинг асосий сабаби шундаки, жанубий ярим шарға қалин муз билан қолланган совуқ иқлимли Антарктида таъсир этади.

Шимолий ярим шарда январь ойнинг ўртача температура — 8° , июлники эса $+22^{\circ}$, жанубий ярим шарда эса июлникинг ўртача температурасы — 10° , январники эса $+17^{\circ}$, йиллик температура амплитудасы эса шимолий ярим шарда 30° , жанубий ярим шарда 27° . Бунга сабаб шуки, жанубий ярим шарнинг күпроқ қисми океанлар билан қоллангандыр.

Иссиқлик минтақалари. Ер шарини иссиқлик минтақаларында ажратында фақат турли географик кенгликларнинг иссиқлик олиш хусусиятларында әмас, балки маълум изотермасининг хусусиятлари ҳам ҳисобға олинади. Бунда йиллик температура амплитудасы кичик бұлған минтақа (илиқ ёки иссиқ минтақа) учун чегара қилиб йиллик изотермаларни олиш, аксинча, температура амплитудасы катта бұлған минтақалар учун эса чегара қилиб әнг иссиқ ойнинг изотермаларини олиш анча түгри бұлади. Мана шу принципге асосланиб С. В. Калесник Ер шарини қуйидаги 7 иссиқлик минтақага бүледи.

1) Иссиқ ёки илиқ минтақа. Ҳар иккала ярим шардаги $+20^{\circ}$ ли йиллик изотерма билан чегараланған жойлар шу минтақаларға киради. Бу $+20^{\circ}$ ли изотерма чизиги 30° шимолий ва 30° жанубий параллеллар яқинидан ұтади. Бу минтақада йиллик температурадар амплитудасы жуда кичик, кун билан тун деярли тенг бұлади.

2-3) Иккита мұтадил минтақа. Бу минтақаларға ҳар иккала ярим шарда $+20^{\circ}$ ли йиллик изотерма билан әнг иссиқ ойнинг $+10^{\circ}$ изотермасы орасидаги жойлар киради. Бу минтақада ёз фаслида қутбларға томон кундузуи үзайиб борса, кечаси қисқа бўлади. Бу ерда йил фасллари ҳам бир-биридан кескин фарқ қиласы.

4—5) Иккита совуқ миңтақа. Бу миңтақаларга ҳар иккала ярим шарда энг иссиқ ойнинг изотермаси $+10^{\circ}$ билан 0° орасида бўлган ерлар киради. Бу миңтақада Қўёш нури ётиқ тушади ва йил бўйи температура анча паст бўлади.

6—7) Иккита мангу совуқ миңтақа. Бу миңтақаларга шимолий қутб билан жанубий қутб ва уларнинг атрофлари энг илиқ ойнинг температураси 0° дан паст бўлган ерлар киради.

ҲАВО БОСИМИ

Атмосферанинг оғирлиги Ернинг оғирлигига нисбатан миллион марта кам бўлса-да, лекин у Ер юзасини анча катта куч билан босиб туради. Ер юзасида бир кубометр ҳавонинг оғирлиги 1 кг 300 г келади. Ҳаво Ер юзасининг ҳар бир квадрат метр жойига тахминан 10 тонна (тўғрироғи 10333 кг) куч билан босади. Инсон баданинг юзаси ўрта ҳисобда бир ярим квадрат метр келади. Демак, ҳар бир кишини ҳаво 15 тонна куч билан босиб туар экан. Бундай оғирлик ҳар қандай кишини ҳам мажақлаб ташлар эди, бироқ киши организми ичидаги босим атмосфера босимига тенгdir. Шу сабабли, инсонларда ички босим билан ташқи (атмосфера) босими гўёки мувозанат ҳолатида бўлади. Атмосферанинг босими океан сатҳида ўрта ҳисобда 76 см (760 мм) баландликдаги симоб устунининг босимига баравардир. Бу нормал босим деб қабул қилинган. Одатда, босим барометр¹ деб аталган асбоб билан ўлчанади. Барометр симоб тўлдирилган узун шиша найчадан иборат бўлиб, унинг юқори учи қалайлаб беркитилган; пастки учи симоб тўлдирилган идиш ичига туширилиб қўйилади. Атмосфера босими таъсири остида симоб най ичиди қўтарилиб туради. Унинг қўтарилиш баландлиги атмосфера босимига боғлиқ. Барометранероид эса металл қутичадан иборат бўлиб, унинг ичидаги ҳаво тортиб олинган. Ҳаво босими ўзгариши билан қутичанинг устки қисмига таъсир этади, буни қутича ичиди ҳаракат қиладиган стрелка циферблат устида миллиметрлар ҳисобида кўрсатиб беради.

Сўнгги йилларда атмосфера босими миллибар (мб) билан ҳам ифодаланади. Норвег олимни Бъекрнеснинг таклифи билан 1 см² га бўлинадиган 1 000 000 дина босим кучини стандарт бирлик деб қабул қилинган, бу бирлик «бар» деб аталади. Бар 750,1 мм симоб устунининг босимига тенг. 1000000 динага баробар бўлган бар 100 га бўлинади ва шу ҳар бир бўлимни миллибар (қисқартириб мб) дейилади. Демак, симоб устунининг 1 мм босими 1335 мб ёки 1 мб 0,75 миллиметр симоб устунига тенг.

Агар ҳаво босими денгиз сатҳида ўртача 1013,2 мб (760 мм) бўлса, денгиз сатҳидан юқорига қўтарилиган сари ҳаво сийраклашиб, унинг босими камайиб боради. Босимнинг 1 мм камайиши учун қўтарилиш зарур бўлган баландлик барометрик босқич деб аталади. Атмосферанинг Ер юзасига яқин бўл-

¹ Барометр «оғирлик ўлчови» демакдир.

ган пастки қисмида ҳар 10,5 м күтарилганда босим тахминан 1 мм камаяди. Лекин атмосферанинг юқори қисмида эса барометрик босқич ортиб боради.

Юқорига күтарилган сари атмосфера босими кучсизланиб боради. Агар 0 м да босим 750 мм бўлса, 5,5 км баландликда 380 мм, 10—11 км да 190 мм, 10—15 км да эса 95 мм га тушиб қолади.

Босим жойининг баландлигидан ташқари, ҳаво температура сига ҳам боғлиқ. Температура пасайса, ҳаво зичлашиб, босим ортади, температура күтарилса, аксинча, ҳаво енгиллашиб, босим камаяди. Ҳатто ёзда бир хил географик кенглика турган океанларга нисбатан қуруқликда ҳаво иссиқ ва босим паст, қишида эса, аксинча, денгизга нисбатан материкда ҳаво совуқ ва босим юқори бўлади.

Босимнинг Ер юзасида географик тарқалишини изобар¹ чизиқлари орқали яхши билиш мумкин. Океан сатҳидан ҳисобланганда босим бир хил бўлган жойларни бирлаштирадиган чизиқлар изобарлар дейилади. Атмосфера босимлари Ер юзасида зонал ҳолда тақсимланган (бунга қўёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси ва бошқа омиллар таъсир этган).

1) Экватор атрофида экваториал зона жойлашган, бу зонада йил бўйи паст (1000—1008 мб) босимли экватор депрессияси мавжуд. Чунки бу зонада йил бўйи температура баланд бўлганлигидан қизиган ҳаво доимо юқорига кўтарилиб турди. Бу ерда шамол қисқа вақт эсиб турди. Кўпинча сокинлик ҳукм суради.

2) Субтропик максимумда босим йил бўйи юқори бўлиб турди. Шимолий ярим шарда материк исиб кетиб кўпроқ юқори босим океанлар устида (Азор, Гавайн оролларида) вужудга келади. Жанубий ярим шарда эса Ҳинд, Жанубий Атлантика океани ва Жанубий Тинч океанда ҳам юқори босим бўлади. Субтропик максимумлардан ҳаво экваториал барик минимумларга томон оқиб, пассатлар вужудга келади.

3) Ўртача кенгликлар устидаги зона. Жанубий ярим шарда деярли йил бўйи паст босимли минимум ҳукмронлик қилса, шимолий ярим шарда материклар билан океан бир-биридан фарқ қилади. Материклар қишида совуб кетиб, Осиё ва Шимолий Америка максимумлари, океанларда паст босим Исландия ва Алеут минимумлари вужудга келади.


4) Ҳар иккала қутбий доира ичида жойлашган юқори босим зонаси (51-расм).

ШАМОЛЛАР

Ер шарининг турли жойи турлича исийди² ва оқибатда босим ҳам турлича бўлади. Юқори босимли ерлардан ҳаво боси-

¹ Изобар грекча **σύζ** бўлиб, «оғирлик» деган маънени англатади.

² Ер юзасининг бир хил исимаслиги унинг юзасида сув ва қуруқликнинг мавжудлиги, ер усти тузилишининг бир хил эмаслиги, ўсимликлар қоплами характеристерининг турличалиги ва бошқалар сабаб бўлади.



51- расм. Бир хил ер юзасида атмосфера босими ва шамолларнинг зонал тақсимланиши (Л. П. Шубаева маълумоти)

ми паст жойларга оқади. Ер юзида атмосфера босимининг бир хил бўлмаслиги натижасидаги ҳаво ҳаракатига шамол дейлади. Икки жой орасидаги ҳаво босимининг фарқи қанчалик катта бўлса, шамол шунчалик тез ва кучли эсади. Одатда, шамолнинг тезлиги бир секундда неча метр (м/сек) ёки бир соатда неча километр (км/соат) йўл босганлиги ёки балл билан (0 балл дан — 12 баллгача) ифодаланади. Тезлиги 11 баллдан (секундига 25 м) ошган шамол анча хавфли бўлади. Ер юзида бундай кучли шамоллар Антарктида соҳилларида кўп эсади, шамолнинг йиллик ўртacha тезлиги секундига 22 м га, суткалик максимал тезлиги эса секундига 90 м га этиши мумкин. Шамолнинг йўналиши флюгер, тезлиги ва кучи анерометр¹ деган асбоблар ёрдамида ўлчанади.

Флюгер вертикал таёқчадан иборат бўлиб, унинг тепа учida вертикал пластинка осилган. Шамол кучайган сари пластинка горизонтал ҳолатга киради. Бу эса шамолнинг кучини

¹ Анерометр грекча сўз бўлиб, «шамол», «ўлчайман» деган маънони билдиради.

кўрсатади. Таёқча тагига горизонтал ҳолда стрелка ўрнатилган. Стрелка учида шар (золдир) бўлиб, у шамол эсаётган томонга қараб туради. Унинг пастида горизонтал томонларини кўрсатувчи (ҳаракатланмайдиган) таёқчалар бўлади. Флюгер бир неча метрлик хода устига ўрнатилади.

Анемометр (шамол тегирмони ҳам дейилади) тепасида 4 та ярим шарлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир томонга қараган; улар битта ўқ теварагида айланади ҳамда ҳар бир айланиши счётчикда ҳисоблаб борилади. Маълум вақт ичиде стрелка неча марта айланганлигига қараб шамол тезлиги аниқланади.

Шамолнинг йўналиши, яъни қай томондан эсаётганлиги шамол эсаётган горизонт томон номи билан аталади. Томонларни кўрсатиш учун горизонт румбларга¹ бўлинади. Асосий румблар шимол (N), жануб (S), шарқ (E) ва фарб (W).

Румбларни аниқроқ белгилаш мақсадида градус ҳам қўшиб ёзилади. N 40 E), яъни шамол шимолдан шарққа томон 40° бурилган. Шамолнинг йўналиши унинг азимути² билан белгиланади. Азимут шамол эслан томон билан шимол томон орасида ҳосил бўлган бурчакdir. Одатда, шимол томон 0° деб кўрсатилади, ундан бошлиб, соат стрелкаси бўйича 0° дан 360° гача ҳисобланади.

Ер юзида шамолларнинг хиллари жуда кўп. Лекин уларни ҳосил бўлишига қараб учта катта группага бўлиш мумкин:

1) Атмосфера умумий циркуляциясининг шамоллари. 2) Циклон ва антициклон шамоллари. 3) Маҳаллий шамоллар.

Атмосфера умумий циркуляциясининг шамоллари. Ер юзасининг ҳамма қисмида температура ва у билан боғлиқ ҳолда ҳаво босимининг бир хил бўлмаслиги атмосферанинг умумий циркуляциясини вужудга келтиради.

Экватор атрофларини Кўёш узоқ вақт иситиб, ёритиб турди. Натижада ўйил бўйи температура юқори бўлиб, паст босимли ва шамолсиз минтақа вужудга келади. Бу минтақада сокинлик бўлиб, доимий эсиб турувчи шамоллар йўқ. Исиган ҳаво юқорига кўтарилади, юқоридаги ҳаво экватордан қутб томонларга қараб ҳаракат қиласди. Лекин Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши таъсирида юқорига кўтарилаётган ҳаво (8 км баландликкача) ўзининг дастлабки йўналишини ўзгартириб, шимолий ярим шарда ўнгга — шарққа, жанубий ярим шарда эса чапга қараб бурилади. Бу ҳаво массалари 30° — 35° шимолий ва жанубий кенгликлар устига келганда бутунлай шарққа қараб бурилади. Ер билан бирга унинг атрофида фарбдан шарққа қараб Фарбий ҳаво массаси кўринишида айланаверади.

Юқори босимли субтропик минтақадан паст босимли экваторга қараб шарқдан эсадиган доимий шамоллар пассатлар деб юритилади. Ернинг фарбдан шарққа қараб айланиши

¹ Румб — горизонт айланасининг 1/32 қисми.

² Азимут — арабча сўз бўлиб, «йўналиш» деган маънени англатади.

таъсирида шимолий ярим шарда пассат шамоллари түғри жанубга эмас, балки ўнгга бурилади ва натижада шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қараб эсади. Жанубий ярим шарда эса пассатлар чапга бурилади ва натижада жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб эсади.

Пассат номи билан экватор томонга эсувчи шарқий шамоллар экватор атрофида тропосферанинг қуи ва ўрта қисмлари га ҳам тарқалади. Шу сабабли, бу баландликларда ғарбий шамоллар йўқ. Лекин тропосферанинг юқори қисмида эса ғарбий шамоллар эсади; бу шамолларни баъзан антипассат¹ деб атайдилар. Аммо антипассат генетик жиҳатидан пассат шамоли билан боғлиқ бўлмасдан, ғарбий ҳаво массасининг (шамолининг) бир қисмидир.

Юқори босимли субтропик миңтақадан ўртача географик кенгликларнинг паст босимли миңтақасига ҳаво оқими ернинг айланиши натижасида шимолий ярим шарда жануби-ғарбий, жанубий ярим шарда эса шимоли-ғарбий шамоллар йўналишида эсиб туради.

Ниҳоят, Ер шарининг ҳар иккала қутби атрофида босим юқори бўлиб, қутблардан ўртача кенгликларнинг паст босимли ўлкаларига шамол эсади. Лекин Ернинг ҳаракати туфайли шимолий ярим шарда шимоли-шарқий, жанубий ярим шарда эса жануби-шарқий шамоллар эсиб туради.

Циклон ва антициклон Ер юзаси нотекис исиганидан атмосфера қуюнлари (уюрмалари) вужудга келади. Ер юзасининг бирор қисми теварак-атрофга нисбатан кўпроқ исиб кетди дейлик, натижада бу жой устидаги ҳаво юқорига кўтарилиб, теварак-атрофга ёйилиб кетади ва ўша ер устида босим пасаяди. Бу ердаги сийраклашган ҳавони тўлдириш учун атрофдан ўша жойга ҳаво оқиб келаверади. Бу ҳодиса шу ерда ҳаво босими тенглашгунча давом этади. Аксинча, бирор жой совиб, босим ортса, ҳаво ўша жойдан атрофга ҳаракатланади. Шундай қилиб, ер юзасининг нотекис исиши туфайли бир қанча жойларда, айниқса, ўртача географик кенгликларда турли хоссаларга эга бўлган ҳаво массалари тўқнашиши натижасида циклонлар ва антициклонлар пайдо бўлади. Лекин циклон ва антициклонларнинг марказлари йил фаслларига қараб ўзгариб туради. Циклон ва антициклонлар деганда ер юзасининг нотекис қизишидан вужудга келадиган паст ва юқори босимли териториялар ҳолатини кўрсатадиган берк изобарларгина эмас, балки бу берк изобарлар ичидаги ҳаво оқимларининг тўлқинли ҳаракати ҳам тушунилади. Бир-бири билан учрашган ҳаво массаларининг температураси, намлиги ва йўналиши турлича булганидан улар орасида эгри-буғри чегара — фронт ҳосил бўлади. Совуқ ҳаво билан илиқ ҳаво бир-бирининг орасига гўёки бир пона сингари кириб боради. Агар совуқ ҳаво ичига илиқ ҳаво кириб борса, бундай жойларда циклон, аксинча,

¹ «Пассатга қарши» деган маънени билдиради.

илиқ ҳаво ичиға совуқ ҳаво кириб борса, антициклон вужудга келади.

Циклонлар Ер юзасининг босими паст бўлган жойларида вужудга келади ва картада доира шаклидаги берк изобарлар билан кўрсатилади ва циклонда ҳаво босими марказига қараб пасая боради. Демак, циклон жойлашган ерда энг паст босим унинг марказий қисмida бўлади. Шу сабабли, атрофдан циклоннинг марказига қараб шамоллар эса бошлайди. Лекин Ернинг айланishi таъсирида циклон марказига эсувчи шамоллар шимолий ярим шарда ўнгга, жанубий ярим шарда эса чапга бурилади. Натижада атрофдан циклон марказига қараб эсувчи ҳавонинг айланма ҳаракати, яъни у юрma вужудга келади. Ҳавонинг бундай уюрмаси шимолий ярим шарда соат стрелкаси йўналишига қарши, жанубий ярим шарда эса соат стрелкаси йўналиши бўйлаб айланади.

Циклонлар кўпроқ ўртacha миintaқаларга хос, баъзан иссиқ миintaқада ҳам циклонлар пайдо бўлади, бу циклонларни тропик циклонлари деб аталади. Тропик циклонлари кичикроқ майдонга тарқалиши, ниҳоятда кучли шамоллар эсиши ва жуда кўп ёғиши билан ўртacha миintaқa циклонларидан фарқ қилади. Дарҳақиқат, тропик циклонларидан шамолнинг тезлиги 50 м/сек дан 120 м/сек гача етади. Демак, тропик циклоннинг соатлик энергияси ўртacha қувватга эга бўлган 36 водород бомбаси энергиясига тенгдир.


Атлантика океанидаги Қаріб денгизи ва Мексика қўлтиғида, Тинч океандаги Филиппин ороллари ва Жанубий Хитой денгизида, Ҳинд океанидаги Арабистон денгизи, Бенгалия қўлтиғи ва Мадагаскар оролларида тропик циклонлар айниқса кучли бўлади.

Осиёнинг жануби-шарқий соҳилларида ўрта ҳисобда йилига 20 циклон ҳосил бўлиб, ниҳоятда кучли уюрма шамол эсади. Бундай шамол таъфу н дейилади.

Атлантика океанидаги циклонларда ҳосил бўлган кучли буронлар урагани деб, Ҳинд океанидаги циклонлар оркан деб аталади.

Тропик циклонлар жуда катта оғат келтиради. Масалан, 1961 йили Маршалл ва Япон ороллари яқинидан ўтган «Ненси» тропик циклонида шамолнинг тезлиги соатига 300 км га етган, кучли жала қўйган. Тайфундан 450 минг уй, 400 кўпприк ва тўғон вайрон бўлган, 1500 киши ўлган, 2000 киши шикастланган.

Циклонларнинг аксича антициклонлар марказида босим юқори бўлиб, атрофиға томон пасая боради. Шу сабабли, антициклон, марказида об-ҳаво тинч, шамолсиз, булутсиз бўлади. Шамоллар марказдан атрофга қараб — Ернинг айланishi таъсирида шимолий ярим шарда соат стрелкаси йўналиши бўйича, жанубий ярим шарда эса соат стрелкасига тескари йўналишда эсади (52-расм).



52-расм. Шимолий ярим шарда циклон ва антициклон да шамоллар йұналиши:
А — циклон; Б — антициклон

Антициклонда ҳаво оқимлари күпроқ юқоридан пастга тұшады. Ҳаво түйинмаганлығы сабаблы, об-ҳаво күпроқ очиқ бұлади. Антициклондаги булаты об-ҳаво ундағи ҳаво массаларининг намлығы ва қароратига боғлиқ. Агар антициклоннинг ҳаво массалари деңгиздан (деңгиз құтб ҳавоси) келса, илиқроқ ва намроқ бұлади. Бундай ҳаво материк устига келиб совиіди, натижада булаты об-ҳаво вужудға келади. Арктика ҳавосидан ташкил топған антициклонларда эса булатыз об-ҳаво бұлади.

Антициклонларда ҳаво марказдан атрофға қараб әсіб, очиқ ва қуруқ об-ҳаво ҳосил бўлади. Қишида осмон очиқ, ҳаво тиниқ бўлиб, қаттиқ совуқ туради. Антициклон четларида эса совуқ ҳаво массалари илиқроқ ҳаво билан тўқнашади ва үша жойларда қишида туман пайдо бўлади.

Маҳаллий шамоллар. Бризлар, муссонлар, фён, тоғ, водий шамоллари, гармсел, афғон каби шамоллар маҳаллий шамоллардир.

Ер юзасидаги иккита құшни жой орасидаги босимнинг фарқи натижасида деңгиз ва күл соҳилида эсадиган шамол бриз дейилади. Ёз даврида деңгиз, күл ёки дарё ёқасида турсангиз, кундузи деңгиз, күл ёки дарёдан қуруқлик томонга, кечқурун эса, аксинча, қуруқликдан деңгиз, күл ёки дарё томонға шамоллар эсганини сезасиз. Чунки, кундузи сув ҳавзаси устида босим құшни қуруқликка нисбатан юқори бўлади. Шу сабабли, қуруқликка қараб салқын шамол эсади. Кечқурун эса, аксинча, қуруқлик сувга нисбатан тез совиіди ва босим ортиб, деңгиз, күл ёки дарёға қараб шамол (кечки бриз) эсади.

Муссонлар — йилнинг совуқ фаслида материкдан океанга иссиқ фаслида, аксинча, океандан материкка эсадиган шамоллардир. Чунки қишида материк жуда совиб кетади. Шу даврда океан-деңгиз илиқроқ бўлиб, босим пастроқ бўлади. Шу сабаб-

ли, материкдан океанга совуқ, қуруқ ҳаво эсади. Ёзда, аксинча, қуруқлик тез исиб кетади. Океан-денгиз аста-секин исийди. Натижада денгиздан нам ҳаво оқими қуруқликка эсади, бундай пайтда күплаб ёмғир ёғади. СССРда Узоқ Шарқда муссон исиб туради.

Фён — тоғли районларда вужудга келадиган шамолдир. Фён тоғ тизмаларининг ҳар икки томонида босимнинг бир хил бўлмаслигидан вужудга келади. Агар тоғнинг бир томонида босим паст бўлса, иккинчи томонидаги баланд босимли ҳаво юқорига кўтарилади ва совийди. Кўтарилган ҳаво ҳар 100 м да $0,5^{\circ}$ совиб боради, тоққа кўтарилган ҳаво совиб, тўйиниб ёғин ҳосил қиласи. Ниҳоят, тоғдан ошиб утган ҳаво қуруқ бўлади ва пастга туша бошлайди. Унинг температураси ҳар 100 м га тушганда 1° исийди. Чунки пастга тушаётган ҳавода конденсация процесси бўлмайди. Шу сабабли, 1000 м баландликдаги тоғдан ошиб утган ва пастга тушган ҳавонинг температураси 10° , 2000 м баландликдан ошиб, пастга тушган ҳавонинг температураси 20° кўтарилади. Бундай ҳодиса баъзан Тошкент обlastининг тоғ олди районларида содир бўлади — қиш ва баҳор фаслларида Фарбий Тяншань тоғ системасидан ошиб утган ҳаво тоғ олди қисмига тушгунча 15° — 20° қизиди.

Тоғ-водий шамоллари тоғли районларда, хусусан, Ўрта Осиё тоғларида тез-тез содир бўлиб туради. Тоғ-водий шамоллари об-ҳаво ўзгармаганда, куннинг биринчи ярмида водийнинг юқори қисмидан қуий қисмига, иккинчи ярмида эса, тескари йўналишда эсади. Тунда эса тоғдан водийга оқади. Тоғ-водий шамолларининг ҳосил бўлиши бирмунча мураккаб бўлиб тоғ ва водийнинг орографик тузилишига боғлиқдир.

Гармсөл Ўрта Осиёдаги маҳаллий шамоллардан бири бўлиб, иссиқ ва чангли бўлади. Гармсөл эсганда ҳарорат кескин кўтарилади, намлик эса пасаяди. У май ойлари билан сентябрь ойлари орасида эсади, ёввойи ўсимлик ва экинларга зарар етказади, уларда сув баланси бузилиб, намлик етишмай қолади, айрим ҳолларда нобуд бўлади, юқори босимли ҳаво чўлларга келганда антициклон ҳолатини вужудга келтиради, чўл устида қизиган ҳавони атрофга ҳайдайди; ана шундан гармсөл ҳосил бўлади. Баъзи мутахассислар фикрича, тоғдан текисликка эсаётган шамоллар ҳам гармсөл ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Гармсөл сингари шамол Мисрда ҳамсин, Арабистон ярим оролида самум, Жазоирда сирокко деб аталади.

Совет ҳокимияти йилларида чўлларнинг ўзлаштирилиши, далалар атрофида ихота дарахтзорлари бунёд этилиши натижасида гармсөлнинг заарарли таъсири камаймоқда.

Ўрта Осиёнинг яна бир маҳаллий шамоли афғон шамолидир. Афғон шамоли Ўзбекистоннинг Сурхон-Шеробод водийсида тез-тез бўлади. Бу шамол Ўрта Осиёнинг жануби-шарқий қисмига кириб келган совуқ ҳаво натижасида вужудга келиб, Фарбий йўналишга эга. Лекин бу ерда Бойсун-Қўҳитанг тоғлари бўлганидан, бу шамол Сурхон-Шеробод водийсига жану-

би-гарбдан эсади. Бу чанг-түзөн аралаш қуруқ шамол бўлиб, суткалаб, баъзан эса 4—5 сутка эсиб туради. Афтон шамоли халқ ҳужалигига, айниқса, экинларга заарар келтиради. Бу шамол ёз, куз, баҳор ва ҳатто қор қоплами бўлмаган вақтда — қишида ҳам эсиб туради.

Шамолнинг аҳамияти. Планетамизнинг географик қобиғи учун шамолнинг аҳамияти foят каттадир. Шамол бўлмаса, булут қайси ерда вужудга келса, ўша жойга ёғин ёгар эди. Натижада океан ва денгизлар устига узлуксиз ёғин ёғиб, қуруқликка умуман ёғин тушмаган бўлур эди.

Денгиз оқимлари ҳам шамол туфайли вужудга келиб, материк қиргоқларини илитиб туради. Шамол биз яшаб, нафас олаётган ҳавони тозалаб туради. Агар шамол бўлмагандага эди, автомобиллар, завод ва фабрикалар чиқарадиган ҳар хил газлар, хусусан, карбонат ангидрид маълум территорияда тўплашиб, ҳавони жуда ҳам бузиб юборган бўлур эди. Демак, шамол ифлос ҳавони ҳайдаб, унинг ўрнига тоза ҳаво олиб келиб туради.

Шамол — энергия манбаидир. Кишилар қадим замонлардан бери шамол кучидан фойдаланиб, елканли кемаларда денгизда сузганлар, шамол тегирмонлари қурганлар ва эндиликда шамол кучини электр энергияга ҳам айлантироқдалар.

Дунёнинг қурғоқчил районларида шамол кучи асосида ишлайдиган агрегатлар ёрдамида ер ости сувлари насос оғкали тортиб олинмоқда. Ҳозир дунёда (СССРдан ташқари) 500000 дан ортиқ шамол насоси ва 70000 дан ортиқ шамол электр агрегати мавжуд. Шамол энергиясидан фойдаланиб, Ўрта Осиё чўлларининг айрим қисмларини сув билан таъминланмоқда. Ўрта Осиёнинг текислик қисмида шамолнинг ўртача йиллик тезлиги секундига 3,5—5 м га teng. Бу эса 10—12 киловатт қувватга эга бўлган Д-12 типли шамол агрегатини бемалол ишлата олади. Бу энергия билан 10 м чуқурликдан 100—140 минг кубометр сув чиқариб. 10—12 гектар ерни сугориш мумкин.

АТМОСФЕРАДАГИ СУВ ВА УНИНГ РЕЖИМИ

Буғланиш. Атмосферанинг қўйи қисмида 12 000 куб км сув буғи бўлиб, бу планетамиздаги сув миқдорининг тахминан 0,001% ини ташкил этади. Атмосфера таркибидаги бу сув океанлардан, денгизлардан, кўллардан, дарёлардан, ҳовузлардан ва ердан буғланиб чиқиб туради.

Планетамиз юзасидаги сувнинг буғланиши, аввало, температурага, шамолларга ҳамда ўсимликларга боғлиқдир. Ўрта ҳисобда Ер юзасидан бир йилда 1000 мм, жумладан океан сатҳидан 1240 мм, қуруқлик юзасидан эса 480 мм намлик буғланади.

Тропикларда, иссиқ ва қуруқ иқлимли чўлларда энг кўп, бир йилда 3000—4000 мм намлик буғланиши мумкин. Аксинча, совуқ иқлимли Арктика зоналарида буғланиш миқдори бир

йилда 100 мм дан ошмайди. Амударёning қуи қисмида эса йилига 2000 мм намлик буғланади.

Буғланиш миқдорининг ўзгаришига шамол ҳам таъсир этиди — шамол нам ҳавони бошқа томонга суреб, унинг ўрнига қуруқ ҳаво олиб келади. Тезлиги секундига 0,25 м бўлган шамол ҳам буғланишни З марта оширади. Шунингдек, ўрмонли, ўтлоқли ерларда яланг ерга нисбатан буғланиш З марта ортиқ бўлади. Буғланиш сувнинг табиатда айланиб юришига, ёғин ҳосил бўлишига имкон беради.

Ҳаво сув буғларининг маълум миқдорини қабул қила олади, яъни юта олади, сўнгра ҳаво тўйинади. Агар тўйинган ҳаво иситилса, у тўйиниш ҳолатидан қайтиб, яна сув буғларини ютиши мумкин. Аксинча, тўйинмаган ҳаво совитилса, у тўйинади: буғ қуюқлашиб (конденсациялашиб) сув томчилари ҳосил бўлади. Тўйинмаган ҳавонинг тўйинган ҳаво ҳолатига ўтиш температураси шудринг нуқтаси дейилади. Демак, совуқ ҳавога нисбатан иссиқ ҳаво кўпроқ сув буғларини ушлаб тура олади.

Ҳаво намлиги. Ҳаводаги намлик миқдори абсолют намлик ва нисбий намлик тушунчаларида ифодаланади. Абсолют намлик — маълум вақтда ҳавода бўлган сув буғларининг миқдоридир. Абсолют намлик бир куб метр ҳавода қанча грамм сув буғи борлиги билан ёки симоб устунининг миллиметрлари ёки миллибарлар билан ўлчанади. Абсолют намлик температура таъсирида ёки қуруқлик юзасининг ҳолати (сув, тоғ, чўл, водий ва ҳоказо) таъсирида ўзгариб туради. Температура кўтарилган сари абсолют намлик ортади. Буни қуидаги мисолда яққол кўриш мумкин. Агар экваторда бир кубометр ҳаво таркибида 25 мм, тропикларда 20 мм, чўлларда 4,5—5,5 мм абсолют намлик бўлса, қутб ўлкалари соҳилларида 2—3 мм намлик бор, холос. Агар ер юзасида (Европада) абсолют намлик 6,66 мм бўлса, 1000 м баландликда 0,52 мм, 10000 м баландликда эса 0,02 мм намлик бор, холос. Демак, юқорига кўтарилган сари ҳавода абсолют намлик камайиб боради.

Абсолют намлик температурага тўғри пропорционал бўлса, аксинча, нисбий намлик температурага тескари пропорционалдир. Чунки, температура қанча иссиқ бўлса, ҳаво тўйинишидан шунча узоқ булади. Демак, нисбий намлик кам (кичкина) булади. Қўпинча абсолют намлик эмас, балки нисбий намлик (ҳавонинг тўйинишига қанча қолганлиги) амалий аҳамиятга эга. Демак, ҳавода маълум вақтда сув буғлари миқдорининг тўйинишига нисбати, яъни тўйинган дақиқада унда бўлиши мумкин бўлган сув буғларининг миқдори нисбий намлик деб аталади. Одатда, нисбий намлик процент билан ифодаланади. Масалан, 0° даги 1 куб метр ҳавонинг тўйиниши учун 4,85 г сув буғи керак. Лекин ўша 1 куб метр ҳавода ҳақиқатда 3,88 г сув буғи бўлса, у тақдирда нисбий намлик қуидагича бўлади.

$\frac{3,88 \times 100}{4,85} = 80\%$. Нисбий намлик ёздағига қараланда қиша
юқори бұлади. Одатда, ҳавода нисбий намлик 100% га етгандығына ёғин ёға бошлайды. Ёғынларнинг вужудга келишида ҳавонинг совиши ва түйиниши етарлы әмас, балки конденсация¹ ядролари ва сублимация² ядролари — ҳар хил майда заррачалар (аэрозоллар) ҳам зарур. Сув буғларидан дастлабки сув томчилари ва муз кристаллари мана шу ядро (марказ) лар атрофида ҳосил бұлади. Ҳосил бұлган сув томчилари ва муз кристаллари шундан сүнг тобора йириклаша боради ва ниҳоят, пастга тушади.

Илиқроқ нам ҳаво ўз йұналишида совиган қаттиқ нарсаларға текканда, ұша қаттиқ нарсаларнинг устки (сиртқи) қисміда қуюқ нам ўтириб қолиши туфайли шудринг, қиров, булдуруқ ҳосил бұлади.

Очиқ ва шамолсиз кечада сув буғлари совуқ нарсаларға ўтириб шудрингга айланади. СССРнинг күргина районларында шудринг тушади: бир йилда бир гектар ерга 100 000 литрдан 300 000 литргача сув шудринг бұлиб тушади. Агар айни вақтда ҳавонинг температураси 0° дан пастға түшса, қиров ҳосил бұлади. Ҳаво температураси янада совиса, туман пайдо бұлади, дараахт шохларыда ва телеграф симларыда оппоқ майда игнасиом муз заррачалари — булдуруқ ўтириб қолади.

Атмосфераниң пастки қисміда эса майда сув томчилари ва қор кристаллаларынинг түпланишидан туман ва булатлар ҳосил бұлади. Булат ҳам худди туманның үзи, лекин тумандан анча баландда ҳосил бұлади.

Булат ҳавонинг вертикал ҳаракати натижасыда ҳосил бұлади. Булатлар баландлығына, ташқи күринишиға ва бошқа хусусиятларына күра, халқаро келишувге мувофиқ қуйидаги 4 ярусга бўлинади:

- 1) 6000 м дан юқорида бұлган баланд булатлар;
- 2) 2000—6000 м баландлықда бұлган үрта яруслы булатлар;
- 3) 2000 м дан пастда бұлган паст булатлар;
- 4) 2000—3000 м баландда үрнашган вертикал тарқалган булатлар.

Бу булатлар ташқи күриниши (шакли) жиҳатидан яна 10 турга бўлинади.

Булатларнинг тури кўпроқ «булатлар атласи» ёрдамида аниқланади: бу атласдан ҳамма турдаги булатларнинг фотосуратлари ва шакллари берилган. Ҳавонинг булатлилик ҳолати 10 балли шкала ёрдамида ифодаланади. Бунда ҳаво тиник, очиқ бўлса, булатлилик—0 балл, осмон гумбазининг үндадан бир қисми булатли бўлса, 1 балл, осмон гумбазининг ярми булатли бўлса, 5 балл, ҳаммаси булат билан қоплаб олинган бўлса, 10 балл бўлади.

¹ Конденсация — сув буғининг суюқ ҳолатга ўтиши.

² Сублимация — сув буғининг қаттиқ ҳолатга ўтиши.

Булатлар совуқ миңтақада ва экватор устида энг күп, аксинча, қурғоқчил чүлларда эса кам бўлади. Дунёда булат энг кам жой Африканинг шимолий қисмидаги Асвон шаҳри бўлиб, бу ерда булатлилик 0,5, СССРда эса Ўзбекистондаги Термиз шаҳридир; бу ерда булатлилик 1,6 га тенг.

Ёғинлар ва уларнинг вужудга келиши. Атмосферадан ёмғир, қор ва дўл тариқасида ер юзига тушадиган намлиқ ёғин дейилади. Ёғин, асосан, булатлардан ҳосил бўлади. Лекин ҳамма булатлар ҳам ёғин беравермайди.

Таркибида сув томчилари ҳамда муз кристаллари бўлган булатларда нисбий намлиқ 100% га етганда, сув томчилари ва муз кристаллари йириклишиб оғирлик кучи таъсирида пастга туша бошлайди. Пастга тушаётган муз кристаллари илиқроқ ҳаво қаватига дуч келиб эрийди ва ёмғир томчиларига айланади. Шу тариқа ёмғир вужудга келади.

Агар температура 0° дан паст бўлса, у ҳолда тушаётган муз кристаллари ҳам эриб улгура олмайди, натижада қор ёғади. Дўл кўпроқ йилнинг илиқ фаслида ёради. Бунинг сабаби қуидагича: Ер юзасидан кўтарилаётган ҳаво булатларни атмосферанинг юқори қатламига олиб чиқади ва ундаги сув томчилари совуқдан қотиб музга айланади. У яна пастга тушаётганда унга сув заррачалари ёпишиб, катталашади, шу тариқа юмалоқ муз доналари ҳосил бўлади. Муз доналарини ҳаво оқими яна баландга олиб чиқади ва шу тариқа бир неча бор такрорланади; дўлнинг катталиги қандай баландликда ҳосил бўлганлигига қараб турлича бўлади. Баъзи бир дўл доналарининг оғирлиги 300 граммга этиши ҳам мумкин.

Йилнинг совуқ фаслида булатлардаги сув буғлари томчилардан эмас, аксинча, майда муз кристалларидан иборат бўлиб, бир-бирига қўшилиб қор учқунларини ҳосил қиласади. Қор учқунларининг ҳаммаси олти қиррали, турли хил шаклда бўлади.

Ёғинлар планетамиз географик қобиғи ва ундаги органик ҳёт учун жуда катта аҳамиятга эга. Табиатдаги биронта тирик мавжудот сувсиз яшай олмайди. Бир йилда Ер шарига 520 минг км³ ёғин ёғади. Шунинг 79% и океанлар юзасига, 21% и қуруқлик устига тўғри келади. Шуниси қизиқки, ер юзасидан бир йилда яна 520 минг км³ сув буғланади. Демак, бутун Ер юзаси бўйича ёғин билан буғланиш тенг экан. Аммо қуруқлик устида ёғинга нисбатан буғланиш кам, океанларда эса аксинча, буғланиш ёғин миқдорига нисбатан кўп бўлади.

Ер шаридаги ёғиннинг тақсимланиши жойнинг географик ўрнига, ҳаво температурасига, асосий шамолларнинг йўналишига, дengizdan узоқ ва яқинлигига ва жойнинг ер усти тузилишига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Ер шаридаги ёғинлар ҳам, табиатнинг бошқа компонентлари сингари, зонал тақсимланган. Ёғин миқдорига қараб планетамиз 7 зонага бўлинади. Бу 7 зонанинг 4 таси ёғин кам ёғади-

ган арид зона, қолган З таси эса ёғин кўп ёғадиган гумид зона ҳисобланади.

Ер шарининг тахминан 20° шимолий кенглики билан 20° жанубии кенглиги орасида серёгин экваториал зона жойлашган. Бу зонада ҳаво температурасининг баландлиги ва нисбий намликнинг юқорилиги ҳамда ҳавонинг вертикал кўтарилима оқимлари кучли эканлиги ёғининг кўп бўлишига асосий сабабдир. Бу зонага ўртача йилига 750—1000 мм дан ортиқ, баъзи ерларига (Марказий Америка, Африканинг марказий қисмига, Амазонка ҳавзасига, Ҳимолай тоғларига, Зонд оролларига ва бошқа ерларга) эса 1000—2000 мм дан кўп ёғин тушади. Ер шаридаги энг кўп ёғин тушадиган район ҳам мазкур зонадаги Черапунжи (Хассия тоғи ёнбағрида¹) булиб, бу ерга йилига 12000 мм дан ортиқ, 1961 йили эса 23000 мм ёғин тушган. Гавайи оролларида бир суткада (1958 йили 4 июнда) 953 мм, бир соатда эса 120 мм ёғин тушганилиги қайд қилинган.

Ҳар иккала ярим шарнинг тахминан 20° ва 30° — 32° кенгликлари орасида ёғин кам тушадиган қуруқ ёки арид зоналар жойлашган. Бу зонада дунёning энг катта чўллари — Саҳрои Кабир, Ливия, Арабистон, Тар, Калифорния, Мексика, Калахари, Намиб, Атакама, Фарбий Австралия чўллари жойлашган. Бу чўлларнинг баъзиларида, чунончи, Африкадаги Саҳрои Кабирда йилига 10—40 мм, Жанубий Америкадаги Атакама чўлида эса йилига 0,1—5 мм ёғин тушади.

Ҳар иккала ярим шарнинг тахминан 40° — 60° кенгликлари орасида гумид зоналар жойлашган. Бу зоналарга океанлардан ғарбий ҳаво массалари эсиб туради ва кўплаб циклонлар ҳосил бўлади. Бу зонада йиллик ўртача ёғин миқдори 500 мм дан ортиқдир. Ғарбий нам ҳаво массаларига қараган тоғ ёнбағирларида эса йилига 5000 мм гача ёғин тушиши мумкин. Бунга СССРдаги Кавказнинг Қора денгиз соҳили (2500—3000 мм) мисол бўлади. Аксинча, материклар ичкарисида ва тоғлар орасида ёғин кам тушадиган қурғоқчил жойлар ҳам бор. Масалан, Ўрта Осиё, Гоби, Такламакон чўллари ва бошқалар.

Ўрта Осиёning чўл қисмida, яъни Амударёning қуий оқимида йилига ўртача 80—100 мм, Помирнинг шарқий қисмida эса 50—100 мм ёғин тушади.

Шимолий ва жанубий ярим шарларнинг юқори географик кенгликларида, яъни ҳар иккала қутбий доиралар ичкарисида яна ёғин камайиб (йилига 250 мм дан кам) арид зона бошланади. Чунки бу зонада температуранинг паст бўлганидан буғланиш жуда кам (53-расм).

Планетамизда ва айниқса, унинг юқори ва ўрта кенгликларида ёғин қор ҳолида ёғади. Қор Арктикада ва Антарктидада йил бўйи, Сибирнинг шимолий қисмida 8 ой, мўътадил минтақанинг ўрта қисмida 6 ой, 45° кенгликларда эса бир ой эри-

¹ Хассия тизмаси Ҳимолай тоғ системасининг жанубий ёнбағрида, 25° шимолий кенгликда жойлашган.


май туради. Ўрта Осиёда эса ўрта ҳисобда 20 кун қор эри-май ётади.

Шимолий ярим шарда қор ёғадиган территориянинг жа-нубий чегараси тахминан ши-молий тропик чизигининг бир оз шимолидан ўтади. Жанубий ярим шарда қор ёғадиган тер-риториянинг шимолий чегара-си эса тахминан 35° — 38° ши-молий кенгликтан ўтади.

Қор қоплами биосфера учун жуда катта аҳамиятга эга. Қор ер юзасини, хусусан, тупроқни музлаб қолишдан сақ-лади. Агар -30° совуқ бўлган ерда қор қопламининг қа-линлиги 50 см бўлган тақдирда, унинг тагида тупроқ темпе-ратураси -3° бўлади. Қорнинг эришидан ҳосил бўлган сув ерга шимилиб тупроқнинг нам запасини ортириади. 1 см қа-линликдаги қор эриганда 1 гектар ерда 35 т сув ҳосил бўлади.

ССР территорииясида ёғинлар циркуляция процесслари ва рельефнинг таъсирида бир хил тақсимланган эмас. Тоғларнинг гарбий, жануби-гарбий томонларида текисликдагига нисбатан ёғин кўп ёғади. Шунингдек, ССРнинг текислик қисмида тах-минан 60° ш. к. атрофида ёғинлар кўп ёғади. Ундан шимолга, тундрага ва жанубга дашт зонаси томонга ёғин миқдори ка-майиб боради. Бундай ҳодиса айниқса, Россия текислигига ва Фарбий Сибирь текислигига яққол сезилади. Чунки бу ерлар-нинг ўрта полосасида (60° ш. к.) циклонлар ҳукмрон. Ундан шимолда ва жанубда эса циклонларнинг таъсири камайиб бо-ради. Дарҳақиқат, агар 60° ш. к. атрофида йилига 500—600 мм ёғин тушса, ундан шимол ва жанубда атиги 300—400 мм ёғин тушади. Шунингдек, ёғин миқдори текисликда шарққа борган сари ҳам камаяди ва Фарбий Сибирь текислигига 200—300 мм, Якутиянинг шимоли-шарқида 150—200 мм ёғин тушади. Бу районларда ёғин миқдорининг кам бўлишига сабаб шу-ки, гарбий ҳаво массаларининг таъсири суст бўлиб, қуруқ Арктика ҳаво массаси ҳукмрондир. Сибирнинг шарқий қисми-даги тоғлар эса ёзда Тинч океандан муссонларнинг Шарқий Сибирга ўтишига тўсқинлик қиласи. Узоқ Шарқда ва Қамчат-ка ярим оролларининг шарқий қисмларида ёзги муссонлар таъсирида йилига 700—800 мм ёғин ёғади.

ССРнинг текисликлар қисмида энг кам ёғин тушадиган жой Турон текислигининг марказий қисмидир (йилига 100 мм



53-расм. Ер шаридаги ёғинларнинг зонал тақсимланиши (Л. П. Шубаев маълумоти)

дан ҳам кам). СССРнинг тоғли районларида, уларнинг ғарбий қисмларида ёғин кўпроқ бўлиб, шарққа борган сари камая боради. Қавказ тоғларининг Қора дengiz соҳиллари СССРда энг кўп ёғин тушадиган жой бўлиб, йилига 4000 мм (Ачишҳо атрофида), Ўрта Осиё тоғларида 500—2000 мм, Саян тоғларида 1000—1500 мм ёғин ёғади. Тоғларнинг ғарбий ва шарқий ёнбағирларида бир хил миқдорда ёғин тушмайди. Помир тоғ системасининг ғарбий қисмига бир йилда 2000 мм ёғин тушса, шарқий қисмига жуда кам, атиги 50—100 мм ёғин тушади.

СССР территориясида ёғинлар фасллар бўйича ҳам нотекис тақсимланган. СССРнинг катта қисмида кўпроқ ёғин йилнинг иссиқ фаслларида ёғади. Чунки бу даврда температура тез-тез ўзгариб туради ва циклонларнинг активлиги ошади. СССРнинг тундра ва тайга зоналарида максимум ёғин ёзнинг иккинчи ярмига тўғри келса, даштларда ёз бошларига, чалачўл ва чўлларда баҳор ойига тўғри келади. Қrimнинг жануби ва Қавказнинг Қора дengиз соҳилида (Новороссийскдан Туапсегача) ёғин кўпроқ қишида ёғади.

СССР территориясининг айрим қисмларида ёғин жала тарикасида ҳам ёғади. Лекин жала кўпроқ жанубий қисмида кучли ва тез-тез бўлиб туради.

СССР территориясида қор қоплами турлича қалинликда бўлади. Қор қопламининг қалинлиги Ўрта Осиёнинг текислик қисмида 10 см га етмайди. Балтика бўйида, Белоруссияда, Украинанинг шимолида эса 1 м дан ортади. Россия текислигининг шимоли-шарқида, Уралнинг ғарбида, Ғарбий Сибирь текислигининг шимоли-шарқида, Ўрта Сибирь ясси тоғлигининг ғарбида, Сахалин ороли ва Камчатка ярим оролида қор қопламининг қалинлиги 70 см га етади. Қор қоплами Ўрта Осиёда 20 кунгача, Украина даштларида 40 кунгача, Сибирь тундрасида 260 кунгача эримай туради. Бу эса совуқсиз кунларнинг миқдорига боғлиқ. Таймирда совуқсиз кунлар 45 кун бўлса, Шарқий Сибирда 60—70 кун, Ғарбий Сибирда 90—120 кун, Россия текислигининг шимолида 100 кун, жанубида 180 кун, Қавказнинг Қора дengиз соҳилларида 300 кундир. Совуқсиз кунларнинг шимолдан жанубга ортиб бориши ўз навбатида экинларнинг географик жойлашишига жуда катта таъсир кўрсатади. Агар СССРнинг субарктика зонасида вегетация даврида ($+10^{\circ}$ дан юқори) температураларнинг миқдори 400° — 1000° бўлса, СССРнинг 65° — 60° ш. к. ларида эса (Новгород—Киров—Тюмень—Томск меридианида) $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунларда температураларнинг йигиндиси 1800° га етади. Киев—Саратов—Оренбург кенглигига температура йигиндиси 2600° , Ўрта Осиёда эса 5400° га етади.

СССР территориясида инсоннинг кўп йиллик хўжалик фаолияти иқлимга қисман бўлса-да, таъсир курсатмоқда. Кишиларнинг иқлимга таъсири суғориладиган ерларда ва саноатлашган шаҳарларда анча сезиларлидир. Чунки йирик шаҳарларда кўплаб қурилган саноат объектлари, транспорт ва

бошқалар таъсирида атрофдаги очиқ жойларга қараганда ҳаво температураси юқори (ҳавонинг ўртача йиллик температураси Москвада атрофга нисбатан $0,7^{\circ}$, Ленинградда $0,6^{\circ}$, Тошкентда $0,8^{\circ}$ дан юқори), ҳавонинг газ таркиби ўзгариб, ифлосланган бўлади.

ОБ-ҲАВО ВА ИҚЛИМ

Об-ҳаво ва ҳаво массалари. Бирон жойда маълум вақтда атмосферанинг қуий қисмида юз берадиган ҳодисалар (температура, босим, ҳавонинг абсолют ва нисбий намлиги, ёмғир, туман, булут, шамол, момақалдироқ, чақмоқ ва бошқалар) йиғиндисига об-ҳаво дейилади. Об-ҳаво жуда ўзгарувчан бўлади. Сиз турган жойда (масалан, Тошкентда) об-ҳаво кунига бир неча бор ўзгариши мумкин: эрталаб ҳаво очиқ бўлса, тушда булут келиб ёмғир, кечқурун эса қор ёғиши мумкин ва ҳоказо.

Планетамизнинг турли ерларида бир вақтнинг ўзида об-ҳаво турлича бўлиши мумкин. Лекин маълум бир жойнинг об-ҳавосининг ўзгариши, ўз навбатида, иккинчи жойдаги об-ҳавонинг ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, Урта Осиёда ёзда ҳаво исиб кетиб, босим пасаяди, натижада бу ерга шимолдан, шимоли-ғарбдан салқироқ ҳаво массалари кириб келади ва территориянинг температурасини бир оз пасайтиради.

Об-ҳаво ўзгариши натижасида ҳаво массалари алмашинади. Ер шарини Қуёш бир хилда иситмайди ва бир хил ёритмайди, шунга кўра, ҳавонинг ҳолати ҳамма ерда бир хил эмас. Шу сабабли, атмосферанинг қуий қаватида ўз хоссаларига кўра, бир-биридан фарқ қиласидиган ҳаво массалари вужудга келади. Планетамизнинг шимолий ярим шарида тўртта йирик ҳаво массаси бор:

1) Арктика ҳавоси; 2) Қутбий ёки мўътадил ҳаво; 3) Тропик (денгиз ва континентал) ҳаво; 4) Экваториал ҳаво.

1) Арктика ҳавоси. Арктиканинг совуқ юзасида (Шимолий муз океанида) вужудга келади. Бу ҳавонинг температураси паст, нами кам, босим юқори, ҳавода чанг кам. Шу сабабли Арктика ҳавоси материкка келиб, ҳавони бирданига совитиб юборади. Масалан, Арктика ҳаво массаси Урта Осиёга Ғарбий Сибирь текислиги орқали 3—5 кунда етиб келади ва температурани қишида пасайтириб юборади, баҳор ва кузда эса бундай ҳавода экинларни ва дараҳтларни совуқ уриши мумкин.

2) Қутбий ҳаво ўртача кенгликлар ҳавосидир. Пайдо бўладиган жойи ва хусусиятларига қараб, иккига — дengiz қутбий ҳавосига ва қуруқлик қутбий ҳавосига бўлинади.

Денгиз қутбий ҳавоси ўртача минтақа океанлари устида пайдо бўлиб, СССР территориясига гарб томондан, яъни Атлантика океанидан келади. Бу ҳаво СССР Европа қис-

мига етиб келиб, ёзда тез-тез ёмғир, қишда эса жуда күп қор олиб келади.

Құруқлик қутбий ҳавоси үртача минтақадаги материклар устидан вужудга келади. Шу сабабли, у қишда жуда совиб кетиб, аёзли кунлар вужудга келади. Бу ҳаво баъзан шимоли-шарқдан Ўрта Осиёга етиб келиб, қишда об-ҳавони жуда совитиб юборади.

3) Тропик ҳаво. Субтропик кенглиklärarda вужудга келдиган ҳаво массалари тропик ҳавоси дейилади. У дengiz тропик ҳавоси ҳамда континентал тропик ҳавосига бўлинади.

Дengiz тропик ҳавоси Атлантика океанидаги Азор ороллари атрофларида пайдо бўлиб, сўнгра СССРга келади. Бу ҳаво Европага ёзда ҳам, қишда ҳам иссиқ ҳамда кўплаб нам олиб келади.

Континентал тропик ҳавоси Африканинг шимолий қисмида, Кичик Осиёда, ёзда эса Ўрта Осиёда, Европанинг жанубида, Қозоғистон территориясида вужудга келади ва иссиқ қуруқ ва чанг тўзонли бўлади. Тропик ҳавоси үртача кенглиklärarga ва шунингдек, пассат шамоллари тарзида экватор томонга етиб боради.

4) Экватор ҳавоси. Экватор зонаси устида вужудга келади. Бу ҳаво иссиқ ва сернам бўлади. Лекин экватор ҳавосининг таъсири СССР территориясига етиб келмайди.

Об-ҳавони олдиндан айтиб бериш. Ҳозирги вақтда об-ҳавонинг қандай бўлишилигини 1—2 кун ва ҳатто бир ой илгари айтиб бериш мумкин. Об-ҳавони олдиндан айтиб бериш халқ хўжалигида, айниқса, қишлоқ хўжалигида, транспортда жуда катта аҳамиятга эга.

Об-ҳавонинг ҳолатини олдиндан айтиб бериш учун бир давринг ўзида планетализнинг турли жойларида кузатишлар олиб борилади ҳамда метеорологик ва аэрологик станцияларнинг берган хабарига асосланиб, маълум ернинг синоптик (об-ҳаво) картаси тузилади. Об-ҳавони кузатиш халқаро миқёсда Гринвич вақти билан соат 00, 0,3, 06, 09, 12, 15, 18 ва 21 да олиб борилади. СССРда кузатиш маълумотлари телеграмма орқали Гидрометмарказга юборилади. Ер шаридаги 10000 дан ортиқ синоптик-метеорологик станция мавжуд бўлиб, Марказий Гидрометмарказ ҳар куни улардан 650000 метеохабарлар олиб туради ва ўша хабарлар асосида маълум ернинг синоптик картаси тузилади. Бу картага қараб, ҳаво массалари қайси томонга ва қандай тезлик билан ҳаракат қилаётганини, унинг температурасини, намлигини билиб олиш, бинобарин шунга қараб, об-ҳаво қандай бўлишилигини олдиндан айтиб бериш мумкин. Масалан, Арктика ҳавоси жанубга қараб ҳаракат қиласа (тезлиги, температураси, намлиги ва бошқалар ҳам хабар қилинади), у 3—4 кундан сўнг Ўрта Осиёга етиб келиши мумкин. Тошкентдаги республика Гидрометеорология маркази бу маълумотни ишлаб чиқиб, об-ҳаво ўзгаришини олдиндан

хабар қиласи. Об-ҳавони олдиндан прогноз қилишда космик автоматик станцияларнинг берган хабарларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Об-ҳавони олдиндан айтиб беришда космик ахборотлардан кенг фойдаланилмоқда. Ернинг сунъий йўлдошлари, автоматик станциялар ва космонавтлар берган маълумотлар асосида об-ҳавони олдиндан прогноз қилиш жуда аниқ бўлиб, унинг тўғри чиқишлиги 86—90% ни ташкил этади. Чунки космик ахборотлар атмосфера ва ҳаво массаларининг йўналиши, тезлиги, характеристери, булут типлари, намлик миқдори, тайфун ва унинг йўналиши, чанг-бўронлар ва бошқалар ҳақида тўлиқ ҳамда аниқ маълумотлар беради.

Об-ҳавонинг қандай бўлишнин кишилар ўзларининг кўп йиллик тажрибалари асосида маҳаллий алломатларга қараб ҳам аниқлайди.

Қуёш ботаётгандага осмон бегубор бўлса — эртасига ҳаво очиқ бўлади, қорамтирик қизариб ботса, яъни шафақ тўқ қизил бўлса — эртасига об-ҳаво айнийди. Мўридан чиқсан тутун тик кутарилса — ҳаво очилиб кетади, аксинча ер бағирлаб тарқалса — ҳаво айнийди. Эрталаб туман тушса, ҳаво очилиб кетади. Кечга яқин шамол кучайса, ҳаво айнийди. Қора булатлар пастлаб, тез сузуб юрса, ёмғир узоқ вақт ёғади. Кечга яқин шамол кучайса, ҳаво айниши мумкин. Ёмғир томчисидан сувда пуфакчалар ҳосил бўлса, ёғингарчилик узоқ давом этади. Камалак — ҳаво очилиб кетишини билдиради.

Печак гуллари катта бўлиб очилса, ҳаво очиқ бўлади, қоқигул юмилса — ҳаво айнийди. Гуллар одатдагидан кура ортиқчароқ ҳид чиқарса, ёмғир ёғиши мумкин, терак кучаласи ҳавода учеб юрса, ҳаво очиқ бўлади. Баъзи мевали дараҳтлар, чунончи олма ёз охирида иккинчи марта гулласа, куз яхши келади. Кузда дараҳтлар баргларини барвақт тўксса, қиши эрта тушади. Терак барглари кузда пастдан сарғая бошласа, баҳор кеч келади, учидан сарғайса эрта келади.

От кузда ёмғир ёғиши, қишида қор ёғиши олдидан ётади. От дам-бадам хирилласа, ҳаво айнийди. Мол сувни кам ичиб, кундузи мурдраса, ёмғир ёғиши мумкин. Мушук керишиб, деворни тирнаса, ҳаво айнийди. Мушук кучала бўлиб ётса, ҳаво совуқ бўлади. Қарға ҳурпайиб олса, ёмғир ёғади, кўп қағилласа, ҳаво айнийди. Қишида сичқонлар ер юзасига чиқаверса, ҳаво илиқ бўлади. Ит бошини олди оёқлари орасига олиб, ғужанак бўлиб ётса, совуқ бўлади. Товуқлар баландроқ жойга чикиб, патларини тозаласа, ёмғир ёғиши мумкин. Қалдирғоч баланд учса — ҳаво очиқ ва қуруқ бўлади, пастлаб, ер бағирлаб учса — ёмғир ёғади. Қишида сичқон ва қўнғизлар ер бетига чиқса, ҳавонинг исишини билдиради.

Иқлим ва иқлим минтақалари. Маълум жойда об-ҳавонинг кўп йиллик такрорланиши иқлим деб аталади. Иқлим ҳам, об-ҳаво сингари, бир қатор омилларга боғлиқ, буларга жойнинг географик кенглиги, Қуёшнинг ёритиши ва иситиши, ат-

мосфера циркуляцияси, ер усти тузилиши, океан ва денгизнинг узоқ-яқинлиги ва бошқалар киради.

Күёш радиациясининг миқдори ўша жойнинг географик ўрнига (кенглигига) боғлиқ. Шунингдек, ер юзасининг хусусиятлари (ўсимликлар, қор ва музлар, денгиз оқимлари, денгиз ёки қуруқлик эканлиги ва ҳоказо), ўз навбатида, радиация балансига, атмосфера циркуляциясига ҳамда намликтининг тақсимлашишига таъсир кўрсатади.

Чунончи, океанлар устида суткалик амплитудалар тропик ўлкаларда $1,5^{\circ}$ дан ошмайди, континентал иқлим шароитида эса суткалик амплитудалар 10° — 12° , Ўзбекистонда 20° — 30° , Саҳрои Қабирда ҳатто 40° — 43° га етади. Температуранинг йиллик амплитудаси океанлар устида иссиқ минтақада 2° — 3° бўлса, континентал иқлим шароитида 30° — 40° , айrim ҳолларда 90° га етиши мумкин. Кўриниб турибдики, Ер шарининг турли қисмида иқлим ҳосил қуловчи факторларнинг таъсири бир хил бўлмаганидан жуда кўп иқлим типлари ҳосил бўлган. Бу эса, уларни маълум типларга ажратиш — классификация қилишини талаб этади. Совет иқлимшуноси Б. П. Алисов температура характеристири, намлик миқдори, ҳукмон ҳаво массасига ва унинг циркуляциясига қараб, ҳар бир ярим шарни 7 иқлим минтақасига ажратади. Шундан тўрттаси (экваториал, тропик, мұътадил ва совуқ — Арктика ва Антарктика) асосий ва учтаси (субэкваториал, субтропик, субарктика ёки субантарктика) оралиқ минтақалар ҳисобланади.

Кўйида ҳар бир иқлим минтақасига қисқача характеристика берамиз.

Экваториал минтақа иссиқлик баланси йил бўйи мусбат, ҳаво иссиқ, босим паст бўлиб, кучсиз шамоллар эсиб туради. Йил фасллари ва сутка давомида ҳаво температураси ва намлик жуда кам фарқ қиласи. Ойлик ўртача температура $+20^{\circ}$, максимум эса $+35^{\circ}$. Ёғин миқдори 3000 мм; кўпинча момақалдироқ бўлиб, жала қуяди. Бу минтақага Жанубий Американинг Амазонка ҳавзаси, Африканинг Гвинея қўлтифи атрофлари ва Конго ҳавзаси, Малакка ярим ороли, Зонд ороллари, Янги Гвинея ороллари киради.

Субэкваториал минтақа экваториал минтақа билан тропик иқлим минтақаси орасида жойлашган ўткинчи минтақа бўлиб, ўз ичига анча катта територияни олади. Унинг чегараси иккала ярим шарнинг 18° параллелларигача, ҳатто Ҳиндистон ва Ҳиндихитой ярим оролларида эса 30° шимолий кенглиkkача кутарилади. Субэкваториал минтақа Гвиана, Бразилия төрликларини, Амазонка ҳавзасининг қуйи қисмини, Африканинг марказий қисмини, Ҳиндистон, Ҳиндихитой ярим оролларини ва Австралиянинг шимолий қисмини ўз ичига олади. Бу ерларда ҳаво массалари йил фаслларига қараб ўзгаради: ёзда муссон шамоллар экватор томондан, қишида эса тропик томондан эсади. Минимум температура шимолий ярим шарда декабрь ва январь ойларига, жанубий ярим шарда эса июнь, июль ойла-

рига тұғри келади. Бу мінтақада ёзда ёғингарчылық күп бұлғанлыгидан температура бағорға нисбатан пастроқ. Масалан, Аgra шаҳрида (Хиндистон) май ойида температура $34,4^{\circ}$ бўлса, январда $15,5^{\circ}$ бўлади. Бу мінтақада экваториал мінтақага нисбатан температура амплитудаси катта. Бу ерларда ёғин асосан ёзда ёғади, қишида эса ҳаво қуруқ, очиқ бўлади. Материкнинг ички қисмларида 1000—1500 мм, муссонларга рўпара бўлган тоғ ёнбағирларида 6000—10000 мм гача, Ҳимолай тоғларининг муссон шамолларга рўпара бўлган қисмида (Черрапунжида) 12000 мм атрофида ёғин тушади.

Тропик иқлим мінтақаси. Тропик иқлим мінтақаси ҳар иккала ярим шарнинг тахминан 30° — 35° шимоли-жанубий кенгликларигача бўлган ерларни ўз ичига олади. Бу ерларда булат кўп бўлганидан Қуёш радиациясининг миқдори йилига ҳар кв. см ерга материкларда 180—200 ккал, океанларда эса 160 ккал тушади.

Тропик иқлим мінтақасида кўпинча пассат шамоллар эсіб туради, ҳаво кўп вақт очиқ бўлади, қиш илиқ бўлса-да, лекин ёзга нисбатан салқин. Бу мінтақада пассат ҳаво циркуляциясининг хусусиятига эга ер усти тузилишининг характеристига кўра учта иқлим типи мавжуд: материклар ички қисми, ғарбий соҳил ва шарқий соҳил.

Материкларнинг ички қисми (Саҳрои Кабир, Арабистон ярим ороли, Марказий Америка, Тар чўли, Австралияning катта қисми, Аргентинанинг шимоли) иқлими қуруқ ва иссиқ бўлиб, ҳаво кам булатли, ёз билан қиши орасидаги температура фарқлари катта. Ёзда июлнинг ўртача температураси 30° , қишида эса 10—20°. Ҳавонинг иссиқ ва очиқ бўлиши нисбий намликтининг жуда кам (30%) бўлишига олиб келган. Бу ерда ёғин жуда кам, баъзан қисқа вақтли жала ёғади.

Материкларнинг ғарбий соҳилига совуқ дengiz оқимлари етиб келиб, ҳаво ҳароратини пасайтиради, аксинча, намлик миқдорини орттиради. Натижада қуюқ туман ҳосил бўлади, лекин булат ёғин бермайди. Чунки дengиз ҳавосига нисбатан қуруклик иссиқ бўлганлыгидан конденсация процесси содир бўлмайди. Бундай ерларда йиллик ўртача температура бирмунча паст, яъни 15 — 18° бўлади.

Нихоят, материкларнинг шарқий соҳили ғарбий соҳилидан ҳавонинг иссиқлиги, ёғиннинг кўплиги билан фарқ қилади. Бу ерларда пассат шамоллар таъсир этганидан ёғин миқдори йилига 1000 мм га етади. Йиллик ва ойлик температура ғарбий соҳилга қараганда анча юқоридир.

Субтропик мінтақада (ер шарининг 30° — 40° шимолий кенглик билан ва 30° — 40° жанубий кенглик орасида) температура, ёғин ва шамоллар мавсумга қараб ўзгариб туради, баъзан қор ҳам ёғиши мумкин. Ёзда тропик ҳаво массаси, қишида эса ўртача мінтақа ҳаво массаси таъсири сезилади. Субтропик иқлим мінтақасида учта иқлим типи: Ўрта дengиз, субтропик ва муссон иқлим типлари бор.

Ўрта денгиз атрофидаги жойлар, Шимолий Американинг Сан-Франциско, Жанубий Америкадаги Сант-Яго шаҳри ва Африкадаги Кеиптаун шаҳри атрофлари, Австралиянинг жануби-ғарби ва СССРда Крим ярим оролининг жанубий соҳили, Кавказнинг Новороссийск шаҳри атрофлари Ўрта денгиз иқлим типига киради; бу ерларда ёзда ҳаво очиқ ва шамолсиз, қишида эса ёғин кўп ёғади; энг совуқ ойининг ўртача температураси 7° атрофида бўлади.

Ўрта Осиёнинг жануби, Туркиянинг шарқий қисми, Эрон, Гоби чўли, АҚШнинг ўрта қисми, Аргентина иқлими қуруқ субтропик иқлим бўлиб, ёзи жуда иссиқ, қуруқ ва серофотб, қиши бирмунча совуқ бўлади. Бу ерларда ёз иссиқ бўлиб, ёмғирни денгиз муссонлари келтиради. Қишида ҳаво — 30° гача совиб кетиши мумкин. Йилига 300 мм ёғин (қишида қор) ёғади. Лекин қор қоплами доимий эмас.

Ниҳоят, Хитойнинг шарқий қисми, АҚШ нинг жануби-шарқий штатлари, Жанубий Американинг Ла-Плата текислиги муссонли иқлим типига киради. Бу ерларда ёз иссиқ бўлиб, ёмғирни денгиз муссонлари келтиради. Қишида қуруқ, қуруқликдан эсувчи муссонлар таъсир этади.

СССРда Кавказнинг Қора денгиз соҳилида нам субтропик иқлим бўлиб, ёз сернам ва иссиқ, қишида эса илиқ. Июлнинг ўртача температураси 23° , январники 9° (Батуми). Йиллик ёғин миқдори $1500—3000$ мм.

Мўътадил иқлим минтақаси ўз ичига иккала ярим шарнинг 40° кенгликлари билан қутбий доиралар чизигигача бўлган ерларни олади. Бу ерларда йиллик ўртача радиация баланси тропик минтақаларидан икки марта кам. Бу эса қишида территориянинг ниҳоятда совиб кетишига ва қор ёғишига сабаб бўлади.

Мўътадил иқлим минтақасида ўртача кенглик денгиз ва қуруқлик иқлим типлари, ўртача кенглик муссон ҳамда мўътадил қуруқ иқлим типлари мавжуд.

Мўътадил минтақанинг денгиз иқлими Фарбий Европани, Американинг шимоли-ғарбини (Аляскадан Сан-Францискогача) ҳамда Чилининг жанубини ўз ичига олади. Бу ерларга океан ва океан оқимларининг таъсири катта бўлиб, қишида ҳаво тез-тез ўзгариб туради, ёзда об-ҳаво муқим туради. Қишида илиқ бўлиб, январнинг ўртача температураси $+6^{\circ}$ билан $-3,6^{\circ}$ орасида бўлади. Июлнинг ўртача температураси $14—22^{\circ}$, ёғин миқдори $500—600$ мм, тоғларнинг фарбий ён бағирларида 2000 мм.

Материк иқлими Евросиё материгининг фарбда Швециядан тортиб, шарқда Шарқий Сибиргача, шимолда тундрадан тортиб, жанубда даштлар зонасигача бўлган ерларни, Америкада эса Канада ва АҚШ нинг ўрмонли зоналарини ўз ичига олади. Бу ерларда Фарбий ҳаво массасининг таъсири суст, натижада ёғин кам, қиши совуқ, қаттиқ ва давомли. Ёз иссиқ бўлиб, максимал ёғин ёзга тўғри келади. Қишида қор узоқ ётади.

СССР нинг Узоқ Шарқ қисмида, Хитойнинг шимоли-шарқида, Корея ярим оролида, Япониянинг шимолида ва Лабрадор ярим оролида мұлтадил минтақанынг муссонлы иқлими мавжуд. Бу ерларда қиши материк совиб кетади, оқибатда қуруқ, со-вуқ шамол қуруқликдан денгизга, аксинча, ёзда нам, илиқ шамоллар денгиздан қуруқликка әсади ва күп ёғин келтиради. Бу ерларда қиши анча совуқ бўлиб, январнинг ўртача ҳарорати — 13,7°, июлники эса 20° (Владивостокда), 1000—1500 мм ёғин ёғади.

Евросиё материгининг ўрмон зонасидан жанубда ва Шимолий Американинг ўрмон зонасидан ғарбда иқлим қуруқ бўлиб, бу ерларда мұлтадил қуруқ иқлим мавжуддир.

Қуруқ мұлтадил иқлими ерларда қиши совуқ бўлиб, январнинг ўртача температураси —4°, —17°, ёз эса иссиқ — июлнинг ўртача температураси +22, +26°, ёғин миқдори 100—400 мм. Ўрта Осиё шу иқлим типига киради, масалан, Нукусда июлнинг ўртача температураси +26°, январники эса —6°, йиллик ёғин миқдори 80 мм, потенциал буғланиш эса 2000 мм. Баъзан, Ўрта Осиёда ёзда максимум температура +50° га етиши мумкин. Бундай ҳолларда ёғинга нисбатан потенциал буғланиш бир неча марта ортиқ бўлади. Лекин ёзда Ўрта Осиё тоғларида юқорига кўтарилиган сари температура пасая боради ва тоғларнинг юқори қисмларида июлнинг ўртача ҳарорати —5°га тушиб қолади. Йиллик ёғин миқдори эса ортиб бориб, 1000—1500 мм га етади.

Субарктика ва Субантарктика минтақаси. Бу ўтқинчи иқлим минтақаси шимолий ярим шарда Европанинг тундра зонасини, Сибирнинг шимолий катта қисмини, Канада ва Алясканинг катта қисмини ўз ичига олади. Жанубий ярим шарда эса бу минтақага Фолкленд, Жанубий Георгия, Жанубий Оркней ва Кергелен ороллари киради. Бу ерларда радиация баланси унча катта әмас (бир кв. см ерга йилига 50—60 ккал), кўпроқ қутбий ҳаво массаси эсиб, қиши давомли ва қаҳратон, ёз қисқа ва салқин, йиллик температура амплитудаси катта, ёғин жуда кам (200 мм).

Бу иқлим типи кўпроқ шимолий ярим шар учун характерли бўлиб, ўртача йиллик амплитуда 60° дан ошади, қишида эса совуқ баъзан —70° гача етади. Лекин денгизларда йиллик амплитуда 20°, ёғин миқдори 400 мм.

Арктика ва Антарктида иқлим минтақаси. Бу иқлим минтақаси қутбий доирадан то қутбларгача бўлган ерларни ўз ичига олиб, ўртача йиллик радиация баланси 0 га яқин, қиши давомли, совуқ, ёз жуда қисқа ва салқин, туманли, қор йил бўйи эримай ётади. Бу иқлим минтақасида денгиз ва континентал иқлим типлари бор. Денгиз иқлими Арктиканы, континентал иқлими типи Антарктиданы ўз ичига олади.

Арктиканда муз тагидан Атлантика океанидан келадиган илиқ денгиз оқими таъсирида қиши континентал иқлим типига нисбатан юмшоқроқ. Лекин ёзда иссиқнинг кўпи қор ва муз-

ларни эритишига сарфланганидан ҳаво туманли ва салқин бўлиб, температура 0° атрофида. Йиллик ёғин миқдори эса 100 мм.


Континентал иқлим типига эга бўлган Антарктида Ер шаридаги энг совуқ район ҳисобланади. Чунки бу материкда баландлиги 3000 м га етадиган қалин муз билан қопланган тоғлар бор. Шу сабабли, қишида (августда) -71° бўлса, ёзда (январда) -2° бўлади. Лекин абсолют минимуми $-88,3^{\circ}$ бўлган (Восток станциясида). Йиллик ёғин миқдори 500 мм, кучли қор бўронлари бўлади.

Б. П. Алисов иқлим классификациясидан ташқари, В. Кёппен, Л. С. Берг ва бошқаларнинг ҳам иқлим классификациялари бор. Шу вақтгача дунё миқёсида қабул қилинган ягона иқлим классификацияси йўқ.

Биз иссиқликнинг горизонтал равишда ўзгаришига боғлиқ ҳолда иқлимнинг миңтақа ва типларга бўлинишини кўрдик. Иқлим элементлари тоғ ёнбағирлари бўйлаб юқорига кўтарилиган сари ўзгаради: ўрга ҳисобда ҳар бир километрда температура 6° пасаяди. Бу ҳодисани айниқса Ўрта Осиё тоғлари мисолида яққол кўриш мумкин. Бу тоғларда ёз ойлари ҳам температура текисликка нисбатан анча паст бўлади. Агар текисликларда (200 м) июлнинг ўртача ҳарорати 26° бўлса, тоғларнинг 2200—3200 м баланд жойларида $+13$, $+7^{\circ}$, 6200—7200 м баланд қисмларида эса -5° , -11° бўлади. Баландлашган сари ёғин миқдори орта боради. Тоғларнинг нам ҳаво массасига рўпара бўлган ёнбағирларида йилига 1000—1500 мм ёғин тушади, вахоланки, Ўрта Осиёнинг текислик қисмида йилига 100—200 мм ёғин ёғади. Бу мисоллар баландликка қараб иқлимнинг вертикал ўзгаришини кўрсатади.

Атмосферанинг ифлосланиши ва уни муҳофаза қилиш. Ер шарининг ҳаво қатлами кишиларнинг ва бошқа тирик организмларнинг ҳаёти учун жуда зарур: кишилар ва барча тирик мавжудот ҳаво билан нафас олади. Киши нафас органлари бир суткада 20 куб метр ҳаво ўтказади. Демак, атмосфера планетамиз ҳаёти учун ғоят зарур бўлган табиий ресурс бўлса-да, лекин у кишиларнинг хўжалик фаолияти таъсирида ифлосланмоқда.

Инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келган углерод оксиди, олтингугурт оксиди, азот, углеводород, майда, қатиқ заррачалар ва радиактив моддалар атмосферани ифлослантиради. Атмосферанинг ифлосланиши Күёш радиация балансига таъсир этиб, Ер шари температурасининг ўзгаришига сабаб бўлади. Сайёрамиз температурасининг бир оз ўзгариши эса, ўз навбатида, Ер шаридаги органик ҳаётга салбий таъсир этади. Бас, шундай экан, уни тоза сақлаш ва муҳофаза қилиш муҳим ҳаётий тадбирdir. Сўнгги йилларда саноатнинг ривожланиши ва ҳар хил ёқилги билан ишлайдиган завод, фабрика ва машиналарнинг кўпайиши натижасида



54-расм. Атмосферани ифлословчи манбалар.

1 — саноат, 2 — трансфэрт, 3 — энергетика, 4 — башкалар

атмосферага кўплаб зарарли газлар — аэрозоллар, тутун, қурум, куллар чиқарилмоқда ва кўплаб кислород сарф бўлмоқда. Кислород ишлаб берувчи ўрмонлар ва ўтлоқлар майдони эса йил сайин қисқариб бормоқда. Буларниг ҳаммаси, ўз навбатида, атмосфера таркибида кислороднинг камайиб, карбонат ангирид ва бошқа зарарли газлар миқдорининг ортиб боришига олиб келмоқда.

Академик М. А. Стириковичнинг маълумотига кўра, йилига Ер шаридаги фойдаланилган ёқилғилардан атмосферага 100 млн т қаттиқ заррача, 150 млн. т сульфид ангириди, 300 млн. т карбон оксиди ва 50 млн т азот оксиди чиқади. Бунинг устига Ер шаридаги 280 млн. автомобилдан ҳар йили атмосферага 500 минг т ис гази, 100 минг т углеводород ва 25 минг т азот оксиди ажралиб чиқмоқда.

Шундан кўриниб турибдики, атмосферанинг ифлосланишида асосий манбалардан бири автотранспортдир. АҚШ да ҳавонинг ифлосланиши 100% десак, унинг 60,0% и (1978) автомобилга, 17% и саноат чиқиндиларига, 14% и электр станциялар чиқиндиларига, 9% и ёқилган ахлатларга тўғри келади. СССРда эса автомобиль газлари 13%, саноат чиқиндилари 60%, электр станциялар чиқиндилари эса 27 процентдир (54-расм).

Саноат атмосферани ифлослантирувчи иккинчи манба ҳисобланади. Иссиқлик электр станциялари, цемент, химия, металлургия заводлари атмосферага кўплаб ҳар хил заҳарли газлар ва қаттиқ заррачалар чиқаради. Саноат корхоналарида 1 т кўмир ёқилса, атмосферага 90 кг қаттиқ заррача, 22 кг сульфид ангирид (SO_2 гази) ва азот оксиди ажралиб чиқади.

Атмосферани ифлослантирувчи яна бир манба — чиқинди-ларни ёқишидир. Чунки 1 т чиқинди ёқилса, ҳавога 11,3 кг қаттиқ заррачалар, 2,72 кг олтингугурт оксиди, 1,8 кг азот оксиди чиқади.

Шундай қилиб, атмосфера таркибида карбонат ангидрид миқдори ортиб, 0,032 дан баъзи саноатлашган шаҳарлар устида 0,040% га етди. Совет олими М. И. Будиконинг ҳисобига кўра, аҳвол шу тариқада давом этаверса, яқин вақтлар мобайнада атмосфера таркибидаги карбонат ангидрид кўпайиб, Ер шарининг температураси ўртача 1° кўтарилади.

Бундан ташқари, киши соғлиги учун айниқса зарур бўлган озон саноатлашган катта шаҳарларда қишлоқларга нисбатан 10 марта кам. Шаҳарлар устида чанг кўп бўлганидан қуёш радиация миқдори 20—40% кам, аксинча ўртача йиллик ҳаво температураси атрофидаги районларга нисбатан $0,7^{\circ}$ — $1,5^{\circ}$ юқори.

Атмосферада атом ва водород бомбаларининг портлатилишидан ажralиб чиқсан радиоактив моддалар миқдори хам кўпаймоқда. Атмосферанинг юқори қисмида (20 км баландликкача) реактив самолётлар кўплаб CO_2 гази чиқаради. Америка мутахассисларининг маълумотига кўра 1985—1990 йилларга бориб самолётлар чиқарадиган CO_2 нинг миқдори 2 марта, самолётлар кўп учадиган зонада эса 10 марта кўпаяди.

Ҳавонинг ифлосланишини яна бир тури — шовқинидир. Ортиқча шовқин-сурон кишилар соғлиғига, айниқса, асабига, кайфиятига салбий таъсир этади.

Шовқин ёқимсиз овоздир. Нормал шовқин (20 децибал — дб), яъни дараҳт шохининг майин шитирлаши, нормал музика овози каби киши табиатига ёқиб, унга эстетик завқ беради. Аксинча 90—120 дб га етувчи қаттиқ шовқин (автомобиль, трамвай, трактор, самолёт, станоклар овози) киши асабига салбий таъсир этади.

Шаҳарларда шовқин кучини пасайтириш учун кучаларнинг ҳар икки томонига кўплаб дараҳт ва буталар экиш, йўлларни сифатли асфальт-бетонлаш, шаҳар ичидаги юқ машиналарининг юришини тартибга солиш керак. Заарли моддалар чиқарувчи завод ва фабрикаларни газ билан ишлайдиган қилиш, ҳар хил газларни махсус цехлар қуриб заарсизлантириш керак.

Савол ва топшириқлар. 1. Атмосфера нима ва унинг планетамиз ҳаётида қандай аҳамияти бор? 2. Атмосферанинг вертикал тузилиши қандай ва нималарга асосланиб сфераларга ажратилган? 3. Қуёш радиацияси нима ва у қандай омиллар таъсирида ўзгаради? 4. Ер юзасида иссиқликнинг бир хил тақсимланаслигига нималар сабабчи? 5. Сўнга ва йил давомида температуранинг ўзгаришига Қўёшнинг горизонтдан қанчалик баландда туршилигининг қандай алоқаси борлигини тушунириб беринг. 6. Ҳаво температураси қайси вақтларда ўлчанади ва ўртача суткалик, ойлик ва йиллик температуралар қандай аниқланади? 7. Контур картага дунёнинг январь (қора рангда) ва июль (қизил рангда) изотермаларини туширинг. Нима сабабдан январь изотермаси жанубий ярим шарда ва океанлар устида деярли параллел ҳолда,

шимолниң ярим шарда эгри-бугри ҳолда йұналғанлыгини тушунтириб беринг. 8. Нима учун ва қандай сабабларга күра қишида Оймяконда энг союқ, Термизда энг иссиқ бұлади. 9. Изотерма карталаридан дунёда июлда энг иссиқ, январда энг союқ бұладын жойларни топинг ва сабабини тушунтириб беринг. 10. Нима сабабдан Ер шари иссиқлик мінтақаларига ажратылған? 11. Нормал атмосфера босими деб нимага айтилади ва қандай сабабларга күра босим баландлашған сари үзгәради? 12. Нима сабабдан январда материк устида, июлда океан устида босим қоюры бұлади? 13. Нима учун Ер юзасида босим зонал ҳолда үзгәради. 14. Шамол қандай сабабларга күра вужуда келади? Картадан муссон шамоллари тарқалған жойларни күрсатынг. 15. Яшаб турған жойингизда қандай маҳаллий шамоллар әсади ва уларнинг вужуда келишига нималар сабабчи? 16. Циклон ва антициклон қандай вужуда келади, циклонларнинг антициклонлардан фарқи нималардан иборат? 17. Картадан ураган, тайфун шамоллари бұладын районларни топинг ва уларнинг вужуда келиш сабабарини тушунтириб беринг. 18. Ҳаво массалари қандай вужуда келади? Үрта Осіеге ёзда ва қишида энг күп есадынан ҳаво массаларининг процент ҳисобида йұналиши билан чишиб күрсатынг. 19. Шамолнинг ахамияттани яшаб турған жойингиз мисолида гапириб беринг. 20. Атмосфера таркибидағы сув бұллары қандай вужуда келади? 21. Нисбий намлык билан температура орасида қандай бағланыш борлыгини гапириб беринг. 22. Яшаб турған жойингиздеги булултар устида күзатыш үтказынг ва нима сабабдан ҳамма булултар ёғии бермаслыгини тушунтириб беринг. 23. Нима учун ва қандай сабабларга күра ёмғир, қор ва дұл вужуда келади? 24. Нима учун Ер шарыда ёғындар зонал тақсымланған? 25. 53-расм маълумотларидан фойдаланыб Ер юзасининг қайси көнгилкларига ёғин энг күп ва энг кам түщизлигина биліб олинг ҳамда сабабини гапириб беринг. 26. СССРнинг иқлим картасидан ёғин энг күп ва энг оз тушадын жойларни топиб, сабабини тушунтириб беринг. 27. Об-ҳаво нима уа у иқлиmdан қандай фарқ қиласади? Шимолий ярим шардаги энг муҳым ҳаво массаларини билиб олинг. 28. Ер шары қандай иқлим мінтақаларига бұлинған? Иқлим мінтақаларининг фарқини гапириб беринг. 29. Об-ҳавони қандай қилиб ва нималарға асосланиб олдиндан айттыңдер? 30. Об-ҳавони маҳаллий аломатларға асосланиб олдиндан билиш мүмкінми? 31. Нима учун ва қандай манбалар туғайли атмосфера ифлосланади? Яшаб турған жойингиз мисолида атмосфераны тоза сақлаш учун нималарға риоя қилиш зарурлыгини гапириб беринг.

IX бөб БИОСФЕРА

Биосфера ҳақида умумий тушунча. Ер шаридаги тирик организм тарқалған ва унинг ҳаёт фаолияти рүй берадынан жойлар биосфера деб аталади. Биосферага жуда ибтидоий организм — бактериядан тортиб одамгача бұлған организмлар киради. Биосферага атмосфераның қуи қатлами, гидросфера ва Ер пустининг (литосфераның) қоюры қисми киради. Юқориға ҳаракат қилаёттан ҳаво оқимлары микрорганизмларни тропосфераның қоюры қисмларига (уртака 10 км, баъзан 25—30 км гача) олиб чиқади. Ер пустында анаэроб (кислородсиз яшайдын) бактериялар 3—5 км чуқурлукда ҳам учрайди. Океанда әса ҳаёт унинг энг чуқур (11) қисмларыда ҳам мавжуддир. (55-расм). Ер шары ҳаёт қаватини биринчи бўлиб Э. Зюсс биосфера деб атаган бўлса-да, лекин бу тушунчани илмий равишда асослаб беришда В. И. Вернадскийнинг хизмати катта.

«Биосфера» терминини турли маънода тушуниш мумкин. Тор маънода биосфера ўз ичига географик қобиқнинг ҳаёт мавжуд бўлган областларини олади. Кенг маънодаги биосфера тушунчасига Ернинг ташқи қисмидаги ҳаёт мавжуд бўлган жойлардан ташқари, яна ҳаётнинг у ёки бу даражада ўзгаришлари юз берган бутун қатлами киритилади. Бу жиҳатидан қараганда биосфера географик қобиққа тўғри келади. В. И. Вернадский биосферани ана шу кенг маънода тушуниб, унга гранитли қатламни ўз ичига олган Ер пустининг юқори қисмини киритган.

В. И. Вернадский биосфера хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиб, тирик организм, бу Ер юзасидаги энг қудратли геохимик кучдир, деган холосага келди. У тирик организмнинг қўйидаги бешта асосий биогеохимик функцияларини асосслаб берди.

Биринчи функциясига кўра Ер пустининг юқори қисмидаги барча газларни организм вужудга келтиргандир: атмосфера-даги эркин кислород фотосинтез орқали яшил ўсимликлардан вужудга келса, карбонат ангидрид организмларнинг нафас чиқариши маҳсулидир. Вернадский таълимотига кўра атмосфера-даги азот биоген йўл билан вужудга келган бўлса, углеводород маълум даражада микроорганизмларнинг маҳсулидир.


Тирик моддаларнинг иккинчи функцияси, бу концентрацион функция ҳисобланниб, унга кўра организмлар ўз танасида жуда кўп химиявий элементларни тўплайди. Бунга яқъол мисол қилиб кўмири, торф ёки нефти олиш мумкин. Улар кадимий ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиги негизида вужудга келиб, углерод концентратори ҳисобланади.

Учинчи окислантириш — тиклаш функцияси. Бу таълимотга кўра жуда кўп маъданлар, жумладан темир, олтингугурт, марганец, мис, азот, уран, кобальт, ванадий, молибден кабиларнинг окисланиб, тикланишида тирик моддаларнинг, хусусан микроорганизмларнинг иштироқи бор.

Тўртинчи — биохимик функцияси ҳисобланниб, унга геологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган тирик организмларнинг кўпайиш, ўсиш ва тарқалиш ҳодисалари киради. Чунки биосфера-да организм яшашдан ташқари жуда катта геологик иш баҳаради.

Бешинчи функцияси, бу мустақил фактор ҳисобланган инсоннинг биогеохимик фаолиятидир. Маълумки, техника билан қуролланган инсон биосферада жуда катта ўзгартирисларни амалга ошириб, баъзи ҳолларда унда салбий ҳодисаларни (қайта чўллашиш, ўсимлик ва ҳайвонларнинг баъзи турларини йўқ қилиниши, ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши ва бошқ.) вужудга келтирмоқда.

В. И. Вернадский тирик моддаларнинг геологик даврлардаги ва юқорида қайд қилинган функцияларини ўрганиб, атмосферадаги ҳозирги азот ва кислородни вужудга келтирган, ли-



55- расм. Ер пустыннан биосфера (А. И. Перельман бүйінчі)

1 — чүкінді қатлам; 2 — «гранит» ли қатлам; 3 — «базальтълы» қатлам; 4 — юкори мантния, 5 — биосфера чегараси; 6 — биосфера орқали үзгартылған маддадарнинг күйи чегараси (оқи биосфера)

тосфера ва гидросферанинг таркибини үзгартырган омил, бу тирик организмлардир, деган илмий холосага келди.

Миллиард йиллар мобайнида тирик организмлар таъсирида катта ҳажмга эга бўлган тоғ жинслари ер остида тўпланган, оқибатда биоген қазилма бойликлар (кўумир, фосфорит, нефть ва бошқ.) вужудга келган.

Ер пустининг кўп қисмини ташкил этувчи барча чүкінди тоғ жинслари ҳамда метаморфик жинслар бир вақтлар ер юза-сига яқин жойда, биосфера да тўпланган. Демак, уларга бевосита ва билвосита тирик организм таъсир этган ва бир-бири билан генетик боғлиқ. Шу сабабли Ер пустидаги отқинди жинс — гранит тарқалган қисмини В. И. Вернадский «оқи биосфера» (палеобиосфера) деб атаган (55-расм).

Планетамизнинг тараққиёт тарихи ва ҳозирги ҳаётида биосферанинг роли жуда кattадир. Чунки Ернинг географик қо-

биги тараққиётида биохимик ва геохимик процессларнинг со-
дир булишида «тирик» организмларнинг иштироки фоят
мухимдир. Биосферанинг тирик моддаси орқали ҳар йили пла-
нетамизда жуда катта миқдорда модда алмашиши содир бу-
лади; натижада Ернинг географик қобиғида анча катта ўзга-
ришлар рўй беради. Организмлар тоғ жинсларининг нурашида,
тупроқ ҳосил булишида, рельеф шаклларини ўзгартиришда,
айрим жинсларнинг ва баъзи қазилма бойликларнинг ҳосил
булишида ҳамда атмосферанинг ҳозирги таркибини вужудга
келтиришда иштирок этади.

Биосфера тирик организмлари иккига булинади: ўсимлик-
лар ва ҳайвонлар. Ер шаридаги ўсимликлар кўп — уларнинг мас-
саси ҳайвонлар массасидан бир неча ўн марта ортиқ: Ер ша-
ридаги биомасса 100% бўлса, шундан 94,5% ўсимликлар
биомассасига, атиги 5,5% ҳайвонлар биомассасига тўғри ке-
лади.

Биосферада ўсимликлар билан ҳайвонлар орасида узлук-
сиз алоқа мавжуд. Ўсимликлар неорганик моддаларни органик
моддаларга айлантириб беради, ҳайвонлар эса ўсимликларни
ейди.


Моддалар айланишида биосферанинг роли. Ернинг географи-
ческий қобиғидаги моддаларнинг айланишида тирик мавжудот-
ларнинг аҳамияти жуда каттадир. Тирик мавжудотлар ўзи-
нинг яшаш процессида муҳит билан доимо алоқада бўлиб
туради ва географик қобиқда нарсаларнинг айланишини ву-
ждуга келтиради. Буни биологик айланиш деб аталади. Био-
сферада тирик мавжудотларнинг массаси $2,7 \cdot 10^{12}$ тоннага
тенг¹, улар фотосинтез орқали ҳар йили $0,2 \cdot 10^{99}$ тонна ўсади,
йилига шунчак тирик мавжудот ҳалок бўлади.

Атмосферадаги 500 000 млрд. т кислороднинг ҳаммаси био-
геник йўл билан вужудга келган. Сарф бўлган кислород ўрни
фотосинтез процесси натижасида тўлдириб турилади². Демак,
ўсимликлар фотосинтез орқали атмосферада кислород миқдо-
рини тўлдириб турса, аксинча карбонат ангидрид миқдорини
ютиб камайтириб туради. Ўсимликлар озиқланиши учун ҳар
йили ҳаводаги карбонат ангидриднинг (CO_2)^{1/35} қисмини ютиб
туради. Агар карбонат ангидридни атмосферага қайтариб ту-
рувчи процесслар (вулканлар отилиши, кишиларнинг хўжалик
фаолияти, организмларнинг нафас олиши, органик қолдиқлар-
нинг чириши ва минераллашиш процесси ва бошқалар) бўл-
маганда эди, атмосферадаги CO_2 35 йилда ўсимликлар томо-
нидан ютиб юборилган бўлур эди (56-расм).

Биосферада сувнинг айланишига тирик моддалар катта
таъсир курсатади. Ўсимликлар йилига $1,4 \times 10^{11}$ т углеродни
ўзлаштириш ва $4,6 \times 10^{11}$ т кислород ажратиб чиқариш учун

¹ Барча тирик мавжудотларнинг 70% и кислород, 18% и углерод, 10,54%
и водород, 0,3% и азот ва қолгани бошқа микроэлементлардир.

² Ҳар йили фотосинтез натижасида 460 млрд. т кислород вужудга келади.



56- расм. Биосферада модда айланиши схемаси (соддалаштириб олингани)

йил давомида $2,25 \times 10^{11}$ т сувдан фойдаланади. Демак, океан сувлари ($13,7 \times 10^{11}$ т) ни ўсимликлар тахминан 6 млн. йил мобайнида парчалаб, янгилаб туриши мумкин. Яшил ўсимликлар вужудга келгандан (550 млн. йил) бери гидросферадаги сув жуда күп марта фотосинтезланиб, янгиланиб турган.

Биосферадаги организмлар Ер пустидаги углерод, кислород, азот, калий, кремний, фосфор, олтингугурт, темир, мис, марганец, натрий, йод, радий каби элементларнинг бир жойдан иккинчи жойга кучишида, тўпланишида фаол иштирок этади. Тирик организмлар кўпгина тог жинсларини ҳосил қиласди.

Органик моддалар бошқа бирикмалар билан бир қаторда CO_2 ва H_2O ни ўзида тўплайди. Органик моддалар парчаланганда бу бирикмалар яна атроф-муҳитга қайтади. Агар жараён бир томонлама бўлганда, яъни органик моддалар фақат тўплана борганда эди, бу ҳол атмосферада карбонат ангиридиднинг камайиб кетишига, Ер шари иқлимининг қуруқлашишига олиб келган бўлур эди. Ваҳоланки, Ер шари тарихи давомида фотосинтез йўли билан вужудга келган органик моддаларнинг фақат 1% игина Ер пустидаги ҳар хил қазилмалар тариқасида тўпланиб, кўмилиб қолган, холос.

Шундай қилиб, моддаларнинг табиатда айланиб юришида тирик мавжудотларнинг бўлиши муҳимдир. Лекин шуни унут-маслик керакки, бунда моддалар қатъий доира бўйлаб айла-

ниб юрмасдан, балки айланма ҳаракатнинг охирги босқичи, унинг дастлабки босқичига ўхшамайди. Буни қўйидаги мисолда кўриш мумкин: ўсимлик тупроқдан озиқ олгандан кўра, унда кўпроқ ҳар хил модда ҳосил қилиб беради. Демак, Ернинг географик қобигида моддаларнинг айланиб юриши — такрорланиши шарт эмас экан.

Тоғ жинсларининг нурашида ва тупроқ ҳосил бўлишида биосферанинг роли. Тирик организмларнинг тупроқ ҳосил қилишдаги роли фоят катта. Чунки ўсимликлар тупроқдан сув ва минерал моддалар олади, унинг қолдиқлари (илдизи, барглари) эса тупроқда тўпланади. Ўсимликларнинг қолдиқлари бактерия ва замбуруғлар таъсирида парчаланади. Анерганик моддаларнинг тез парчаланиши тупроқдаги микроорганизмларнинг яаш шароитига боғлиқ. Агар тупроқда ҳаво, кислород, намлик етарли ва термик режим қулай бўлса, органик моддалар тезроқ парчаланади. Органик моддалар парчаланиб, сув, карбонат ангидрид таркибида азот ва олtingугурт бўлган тузларга айланади. Аксинча, шароит нокулай бўлса, органик моддалар тўлиқ парчаланмасдан, тўла оксидланмаган маҳсулотлар (метан, водород сульфид, аммиак, азот, ҳар хил органик кислоталар ҳосил бўлади.

Тупроқда ўсимлик жониворларнинг қолдиқларининг тўплашидан чиринди (гумус) деб аталган қорамтири органик модда вужудга келади. Тупроқда чириндининг роли катта; чиринди таркибида ўсимликларга озиқ бўладиган асосий элементлар (углерод, азот, фосфор, олtingугурт ва бошқалар) бўлади. Демак, чириндининг йиғилиши, парчаланиши тупроқ ҳосил қилиш процессининг асоси бўлиб, унда тирик моддалар актив иштирок этади.

Биосферадаги мавжудотлар Ер юзаси рельефининг вужудга келишида ҳам иштирок этади. Бунга денгиз тагида маржон уюмлари — тепаликлар ва маржон оролларининг вужудга келиши яққол мисолдир. Тирик моддалар (ҳайвон ва ўсимликлар) рельефни вужудга келтириш билан бирга, унинг нурашида ҳам қатнашади. Буни органик нураш дейилади. Ўсимликлар илдизи жинсларни ёриб физик нурашини тезлаштиrsa, ўзидан баъзи кислоталар чиқариб химиявиий нурашини вужудга келтиради. Тоғ жинсларини емиришда микроорганизмларнинг роли ҳам катта. Каолин лабораторияда 1000° иссиқлиқда парчаланади, микроорганизм, хусусан, диатомеялар эса бу процессни оддий температурада бажаради.

Тирик мавжудотлар иштирокида оҳактошлар, торф, кўмир, нефть, тоғ муми, газ, ёнувчи сланецлар ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, биосфера Ер шари географик қобигининг энг мураккаб ва муҳим компонентларидан биридир. Барча географик ландшафтларнинг қиёфаси тирик мавжудотларга боғлиқ.

Организм ва муҳит. Планетамиздаги тирик организм географик қобиқ билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки ҳар қандай ти-

тирик организм географик мұхитта мослашиб, ривожлана боради. Тирик организм билан географик мұхиттің үзаро муносабаттарини маҳсус фан — экология фани үрганади.

Тирик организмниң үраб турадиган, унинг ҳолатига, ривожланишига, күпайишига бевосита ёки бавосита таъсир күрсатадиган барча үлік ва тирик элементлар (ёруғлик, иссиқлик, сувлар, шамоллар, субстратлар, турли мавжудотлар ва бошқалар) ташқи мұхит ҳисобланади. Үша мұхиттің организмга таъсир этувчи элементлари экологик факторлар деб юритилади.

Экологик факторлар ўз хусусиятлари жиҳатидан абиотик ва биотик деб аталувчи иккى группага бүлинади.

Абиотик факторлар бу организмга таъсир этувчи үлік табиаттің элементлари — ёруғлик, температура, намлық, шамол, субстрат, ҳаво, сув ва бошқалар.

Биотик факторларға теварак-атрофдаги тирик мавжудотларнің организмга күрсатаётгандың турли-туман таъсири киради. Сұнгги вақтларда инсоннің табиатта күрсатаётгандың таъсири күн сайын ортиб бормоқда ва табиий ҳолатини үзгартыриб юбормоқда. Шу жиҳатдан қараганда одам фаолиятини ҳам маҳсус экологик фактор дейиши мүмкін.

Планетамиздеги тирик организмнің яшашы ташқи мұхитта, яғни экологик факторларға жуда ҳам боғлиқдір. Организм мұхитсіз яшай олмайды. Организм (үсимликтер, ҳайвонлар) ўз навбатида мұхит билан узлуксіз моддалар алмашинув процессида теварак-атрофдаги географик шароитта таъсир этиб, табиий мұхиттың үзгартыради. Мұхитта рүй берадиган үзгаришлар еса, ўз навбатида организмларда мұхитта янги мосланишларини көлтириб чиқаради. Масалан, фотосинтез туфайли кислородға бой ҳозирғи атмосфера вужудға келган. Атмосфера-нің вужудға келиши ҳозирғи организмларнің шу шароитта мослашиб яшашы олиб келган. Үсимликтер, ҳайвонлар эволюция процессида үша тупроқ шароитта мослашған. Организмлар билан мұхит үртасидеги узвий алоқаның әнг яхши күрсатқичи ҳам организмнің үша мұхитта мослашиши адаптация) дір.

Мослашиш организмнің барча хусусиятларини — шакли, ранги, физиологик функциялары, яшаш тарзы ва бошқаларни ўз ичига олади.

Организмнің мұхитта мослашиши — органик дүннің ривожланиш процессида узоқ даврли табиий танланишнің тарихий самараасидір. Қайси тирик организм мұхитта мослаша олмаса, у яшай олмайды, факт мослашганларигина яшайды. Масалан, сувсиз, иссиқ, құмли чүлларда шу шароитта мослашған саксовул бемалол үсади, саксовул салқын ва сернам тайга зонасыда яшай олмай ҳалок бүлади. Ҳайвонлар рангинің улар яшайдын мұхит рангиға ўхшаш бүлиши ҳам табиатта мослашишдір. Мұз зонасыда яшовчи ҳайвонлар ранги оқ бүлса, چул ҳайвонлары күпроқ құм рангидә бүлади. Сувсиз ерларда күпроқ сувсизликка чидамли ҳайвонлар (туя, типратикон) нінг

яшаши ~~хам~~ уларнинг шу мұхитта мослашувларидан дарап беради. Шундай қилиб, организмнинг мұхитта мослашуви органик дүнөнинг ривожланиш жараёнида узоқ даврли табиий танланишнинг маҳсулидир.

Органик моддаларнинг вужудга келиши эса жуда узоқ даврлар мобайнидаги ривожланиш маҳсулидир.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Тирик мавжудотлар органик моддалардан тузилган бўлиб, бу органик моддаларнинг негизида углерод бор. Шу туфайли ҳаётнинг пайдо бўлиш тарихи углероднинг пайдо бўлиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Академик А. И. Опарин углерод тарихига тўхтаб, у қийин эрийдиган бошқа элементлар, энг аввало оғир металлар (масалан, темир) билан қизиган олов ҳолдаги суюқ карбидлар ҳосил қилган дейди. Уша даврларда Ёрнинг қаттиқ силикатли пўсти бўлмаган, аксинча, юпқа базальти қатлам билан қопланган бўлиб, бу қатлам океан тубининг баъзи ерларида ҳозир ҳам учраши мумкин. Иессиқликдан эриган карбидлар бу қатламни ёриб чиқиб, Ер юзасига ёйилган. Уларнинг атмосферадаги ўта қизиган сув буғлари билан ўзаро таъсири оқибатида жуда кўп углеводородлар вужудга келган. А. И. Опариннинг бу фикрларини химиклар лабораторияда карбидларни юқори температурада сув буғи таъсирига учратиб, углеводородлар ҳосил қилиб, исбот этдилар.

Қадимги замонларда Ер юзасида температура узоқ вақтга ча юқори бўлганлигидан углеводородлар атмосферадаги сув буғлари ва аммиак билан реакцияга киришган. Натижада углерод, водород, кислород ва азотдан иборат мураккаб бирикмалар — органик моддалар ҳосил бўлган. У вақтда бу органик моддалар газ шаклида Ер атмосфераси таркибида кирган.

Қуёш ва Ойнинг тортиш кучи ҳамда босимнинг ҳар хиллиги туфайли атмосфера массасини ҳаракатга келтирган ва натижада шамол, бўронлар пайдо бўлиб, Ер устида чақмоқ чақиб, момақалдироқ бўлиб турган. Аммиак, метан, сув буғи ва водороддан иборат бўлган атмосферада А. И. Опариннинг фикрига кўра, кучли электр учқунлари таъсирида ҳаётнинг пайдо бўлиши учун зарур органик моддалар вужудга келган бўлиши мумкин. Олимнинг фикрича, эҳтимол бу моддалар газ ҳолатда бўлиб, аввал атмосфера таркибида бўлган.

Атмосферадаги газсимон органик моддалар ёмғир билан бирга эритмага айланган. Ер қаъридан карбонат ангидрид ажралиб чиқиб, атмосферага кўтарилиган ҳамда метан ва аммиак билан бирикмалар ҳосил қилиб, сувда эриган. Сув мұхитига тушган энг оддий органик моддалар эса (буни М. А. Бутлеров ва А. Н. Бах лабораторияда исботлаган) қанд ва оқсил каби анча бирикмаларга айланиши мумкин.

Оқсил тирик модданинг энг мұхим таркибий қисми. Шу туфайли оқсилларга ўхшаш моддаларнинг вужудга келиши ҳаёт-

нинг пайдо бўлиш процесидаги энг биринчи босқичлардан дир.

А. Опарин фикрига кўра, оқсил моддалар эритмаларида қуюқ томчилар шаклида йирик ва мураккаб молекулали коацерватлар шаклида ажралган ҳамда органик моддалар сероб бўлган иссиқ ва саёзроқ сув ҳавзаларида сузуб юрган. Олимлар ҳозир лабораторияда турли оқсиллар, масалан, желетин, гуммиарабикни сувли эритмаларда аралаштириб, юқорида қайд қилинган коацерватларни олмоқдалар.

Коацерватлар — ташқи муҳитдаги ҳар хил бирикмаларни ўзига сингдириш ва боғлаш қобилиятига эга бўлган коллоид моддалардир. Ер шаридаги оқсил моддалар вужудга келган сув ҳавзаларида коацерватларнинг пайдо бўлиши муҳим воқеа бўлди, чунки органик бирикмаларнинг илгариги бир текис тақсимланиши ўрнига, энди улар эритмада томчига ўхшаб тўп-тўп бўлиб қолди.

Коацерват томчилар ўз структурасига эга бўлган қандайдир алоҳида нарса бўлиб, ҳар бир томчи ташқи муҳитдаги ҳар хил бирикмаларни ўзига сингдириш ва боғлаш қобилиятига эга бўлган. Демак, коацерват томчилар теварак-атрофдаги муҳитдан ҳар хил моддаларни ўзлаштириб олиб, катталашиб, қуюқлашиб, мустаҳкамланиб борган.

А. Опариннинг фикрича, ҳосил бўлган миллион-миллион коацерват томчилар барқарор бўлмай, парчаланиб кетаверган бўлса керак. Лекин пировард натижада шундай томчилар пайдо бўлганки, уларнинг ички тузилиши ва таркиби шу томчиларнинг барқарор бўлиб, узоқ вақт яшашигина эмас, балки ўсиши ва бўлининб «кўпайишига», яъни ўсиш ҳамда бўлининб кўпайиш хусусиятига эга бўлган икки томчига ажралишига ҳам имкон берган. Шундай қилиб, динамик жиҳатдан барқарор ва бўлининб кўпайиш хусусиятига эга бўлган томчининг вужудга келиши оқибатида мураккаб, аммо жонсиз органик ҳосила тирик мавжудотга айланган. Бу мавжудотларнинг ички тузилиши ҳам вақт ўтиши билан тобора мураккаблашиб борган ҳамда озиқланиш, нафас олиш, ўсиш ва кўпайишига тобора мослашган. Оқибат натижада дастлабки тирик организмлар пайдо бўлганки, улар бутун органик оламга асос солган. Бунинг учун орадан минг-минг йиллар ўтган.

Тупроқ ҳақида умумий тушунча. Тупроқ литосферада организмнинг таъсири натижасида вужудга келган, унумдорлик хусусиятига эга бўлган ва Ер пўстининг устки ғовак, зичланмаган ҳавати ҳисобланиб, қуруқлик юзасининг ҳамма қисмини (қояли тоғ ёнбағирлари, чўлнинг баъзи ерларини ҳисобга олмаганда) қоплаб қолган. Тупроқ унумдорлиги — ўсимликларни зарур озиқ ва сув билан таъминлаш хусусиятиdir.

Тупроқ тоғ жинсларининг нураши натижасида вужудга келган ғовак маҳсулотлардан ҳосил бўлиб, сўнгра унда содда организмлар пайдо бўла бошлаган. Бу организмларнинг ҳаёт фоалияти (яшashi, ҳалок бўлиши, янгиларининг вужудга келиши

ва бошқа) натижасида тупроқда органик моддалар вужудга кела бошлаган. Вақтнинг ўтиши билан ҳалок бўлган органик модданинг парчаланиши натижасида ўсимликлар учун зарур озиқ ҳисобланган минерал маҳсулотлар пайдо бўлган. Бундай процесслар давом эта берган ва тупроқда органик ҳамда минерал маҳсулотлар тўплана борган, тупроқда юксак даражада ривожланган ўсимликлар ўсган, улар ҳалок бўлиши оқибатида эса тупроқда органик моддаларнинг миқдори орта борган. Натижада, тупроқ ҳосил қилган ғовак төғ жинси¹ ўзгариб, унинг устки қисмида юпқа органик моддалар тўпланган қатlam — тупроқ вужудга келган.

Юқорида қайд қилинган жараёнларнинг узоқ давом этиши натижасида тупроқда органик ва минерал моддалар вужудга келган. Тупроқнинг органик моддалари унинг ажралмас қисми ҳисоблакиб, тупроқда ўсимлик ва микроорганизмнинг ўзаро таъсири туфайли вужудга келади. Чунки ўсимликларнинг илдизлари ва ер устидаги қолдиқлари тупроқда бактерия ва замбуруғлар таъсирида парчаланади. Органик модданинг парчаланиш жараёни табиий шароитга ва микроорганизмларнинг миқдорига боғлиқ. Агар тупроққа ҳаво (кислород) яхши кириб турса, температура ва нам нормал бўлса, органик модда тезгина бутунлай минералларга ажралади, натижада сув, карбонат ангидрид, азотли ва олtingугуртли тузларга ва бошқа анорганик кислоталарга айланади. Аксинча, тупроқда микроорганизмлар яшаши учун шароит ноқулай (температура паст ёки юқори, нам кам ёки жуда кўп, кислород кам ва ҳоказо) бўлса, органик модда тамоман минералларга ажралмайди ҳамда парчаланиш натижасида тўла оксидланмаган маҳсулотлар — метан, водород, аммиак азот, турли органик кислоталар вужудга келади.

Тупроқдаги органик моддалар (ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари)нинг чириши натижасида унинг таркибида қорамтири органик модда — чиринди (гумус) вужудга келади.² Тупроқнинг унумдор бўлиши ана шу чиринди миқдорига боғлиқ. Чунки чириндида ўсимликлар учун зарур — азот, углерод, фосфор, олtingугурт каби элементлар бор. СССР территориясидаги энг унумдор ҳисобланган қоратупроқнинг устки бир метрлик қатламининг ҳар гектарида 709 т гача, Ўрта Осиёдаги бўз тупроқда эса 83 т гача чиринди бор.

Тупроқнинг минерал таркиби минерал кислоталардан ва уларнинг тузларидан ҳамда органик бирикмалардан иборат. Ер шарининг қуруқлик қисмидаги тупроқ қатлами қўйидаги тупроқ ҳосил қилувчи факторларнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келган:

¹ Тупроқ ҳосил қилувчи ғовак төғ жинси она төғ жинси деб ҳам айтилади.

² 1 га қора тупроқда 2,5 млрд. бактерия бўлиб, унинг оғирлиги 5 т бўлса, 1 га подзол тупроқда 0,6 млрд. бактерия бўлиб, оғирлиги 2 т ни ташкил этади.

1. Литологик фактор — тупроқнинг пайдо бўлиши она тоғ жинсига ва унинг характеристига боғлиқ. Чунки тупроқнинг механик ва химик таркиби ўша ердаги тоғ жинсининг таркибига боғлиқдир. Чўкинди тоғ жинси негизида вужудга келган тупроқнинг минерал таркиби ўша тоғ жинси таркибига жуда яқин бўлади.

2. Биологик фактор — тупроқдаги органик моддаларнинг манбаидир. Тупроқдаги органик моддаларнинг вужудга келишида минерал моддаларнинг нураши, парчаланишида ва чириндининг пайдо бўлишида биологик фактор (ўсимлик ва ҳайвонлар) нинг роли жуда каттадир.

3. Тупроқдаги иссиқлик ва намлик режими иқлимий факторга боғлиқдир. Иқлим — она тоғ жинсининг нурашига, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятига, маълум территорияда ўсимликнинг кўп ёки оз бўлишига, тупроқнинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир этади.

4. Территориянинг рельефи ҳам ўша жойда тупроқ ҳосил бўлишига таъсир этади. Чунки рельеф таъсирида иқлим элементлари ўзгаради, бу эса тупроқ характеристининг ўзгаришига сабаб бўлади.

5. Тупроқ ҳолатининг ўзгаришида антропоген факторлар ҳам иштирок этади. Чунки инсон ерларни ҳайдаб сугоради, ўғит солади, экин экади, табиий ўсимликларни нобуд қиласи ёки уларнинг кўпайшига имкон беради. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, тупроқ ҳолатининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Юқорида қайд қилинган факторларнинг ўзаро таъсири натижасида Ер шаридан, жумладан, СССР территориясида бир неча хил тупроқ типлари вужудга келган.

СССР территориясида тупроқ типлари рельеф, иқлим, ўсимликлар ва бошқа табиий компонентларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда шимолдан жанубга зонал ўзгариб боради. Зоналлик айниқса, СССРнинг Фарбий қисмидан (Енисей дарёсидан фарбда бўлган ерларда) яққол кўзга ташланади. Енисей дарёсидан шарқда эса зоналлик рельеф ва иқлим таъсирида бир оз ўзгаради.

СССР территориясида шимолдан жанубга қараб, тундра тупроқлари, подзол тупроқлар, қора тупроқлар, каштан тупроқлар, бўз тупроқлар ва сарғиш, қизғиш тупроқлар зонал ҳолда жойлашган. Булардан ташқари, яна интразонал тупроқлар (аллювиал, шурхок, тақир тупроқлар ва тоғлик районларда эса азонал тупроқ типлари) ҳам мавжуд.

Тундра тупроқлари иссиқлик етишмайдиган, сийрак ўтлар ва буталар ўсадиган сернам тундра зonasида жойлашган. Тундра зonasида, СССРнинг Арктика қисмидаги ороллар ва Шимолий Муз океани соҳилларида глейли ва торфли — ботқоқ тупроқ типлари тарқалган. Тундра тупроқлари юпқа, чириндиси кам, механик таркиби йирик ва ботқоқлашган бўлади. Бу ерларда температура паст, намлик сероб бўлиб, ҳавонинг

тупроққа үтишини қийинлаштириши тұла парчаланмаган үсимлиқ қолдиқларынинг тұпланишига ва оқибатда торф ҳосил бўлишига имкон беради, органик қолдиқларнинг чиришини сенинлаштиради.

Подзол тупроқлар СССР территориясида кенг тарқалган мамлакат майдонининг 50% идан ортигини ишғол қиласиди. Подзол тупроқлар жойлашган территория табиий шароитига кўра подзол, чимли подзол, қўнғир ва сур тусли ўрмон тупроқлари каби типларга бўлинади.

Игна баргли ўрмонлар тарқалган ерларда сернам ва сувда эрийдиган моддалар тупроқнинг пастки горизонтларига тушиб кетади ва натижада подзол тупроқлар вужудга келади. Иссик ва нам етарли бўлган шароитда үсимлик қолдиқлари (барг, шох-шаббалар, пўстлоқ ва бошқа) тез парчаланади, юзадан тупроқ тагига тушади ва натижада кулранг — подзол тупроқ вужудга келади. Янада жануброққа тушган сари баргли дараҳтлар, ўтлоқлар, қалин ўтлар кўпаяди. Үсимлик қолдиқлари кўпроқ бўладиган бундай ерларда подзол тупроқлар ўрнини чириндиси нисбатан кўпроқ чимли-подзол тупроқлар эгаллайди. Баргли ўрмонлар тарқалган жойларда дараҳтлар тагида үсимлик қолдиқлари янада ортади, бунинг устига Қуёш кўп иситади ва кўп ёритади, буғланиш кучлироқ бўлади. Бундай табиий шароит мавжуд бўлган ерларда қўнғир ва сур тусли ўрмон тупроқлари учрайди.

Подзол тупроқлар зонаси билан қора тупроқлар тарқалган территория орасида ўрмонли даштлар тарқалиб, бу ерларда ювилган сур ўрмон, ишқорсизланган қора тупроқлар тарқалган.

Қора тупроқлар СССР территориясида Карпат тоғларидан Олтой тоғларигача кенг полоса ҳосил қилиб жойлашган. Олтой тоғларидан шарқда эса қора тупроқ ахён-аҳёнда тоғлар орасидаги даштларда «ороллар» тарзида учрайди.

Қора тупроқлар донадор, структуралы, чиринди миқдори кўп ва чириндили қатлами қалин, унумдор бўлиб, ранги қорамтир, баъзан деярли қора. Қора тупроқларда чиринди сақловчи қатламнинг қалинлиги 50—80 см дан 1,0—1,5 м га, чиринди миқдори эса 10% га етади.

Қора тупроқлар шимолдан жанубга борган сари ўзгариб боради. Унинг шимолий чеккаларида айниганд, ишқорсиз қора тупроқ бўлса, марказий қисмида типик қора тупроқлар, жанубий чеккаларида эса жанубий (оддий) қора тупроқлар мавжуд.

Қора тупроқлар тарқалган территориянинг жанубида каштан тупроқли чала چуллар жойлашган. Бу ерларда иқлим қуруқ бўлиб, ёғинга нисбатан буғланиш кўп, үсимликлар сийрак бўлиб, шимолда асосан бетага-шувоқ, жанубида шувоқ-бетага формациялари мавжуд. Ўша бетага-шувоқли формациялар жойлашган шимолий қисмида чириндили нисбатан кўп бўлган

ТҮК каштан тупроқлар, шувоқ-бетага формацияли жанубда эса оч каштан тупроқлар бор. Каштан тупроқлари тарқалган территорияларда баъзан грунт суви ер бетига яқин бўлган жойларда шўрхок ва шўртоб тупроқлар ҳам учрайди.

Қўнғир ва бўз тупроқли чўл зонаси — Ўрта Осиёning текислик ва Қозогистоннинг жанубий қисмида жойлашган. Бўз тупроқлар, ўз навбатида, оч бўз тупроқлар, типик бўз тупроқлар ва тўқ бўз тупроқлар деб уч типга бўлинади.

Бўз тупроқлар тарқалган жойлар СССРнинг энг қурғоқчил районлари ҳисобланиб, ёғинга нисбатан буғланиш бир неча марта кўп, ўсимликлари сийрак ва қумлар, шўрхоклар, шўртоблар кўп ерларни қоплаб олган. Бўз тупроқларда чиринди миқдори кам, чиринди сақловчи қатлами эса юпқадир.

Оч тусли бўз тупроқлар абсолют баландлиги 400—500 м гача бўлган ерларда учраб, чиринди миқдори кам (1—1,5%), чиринди сақловчи қоплам юпқа (40—70 см).

Типик бўз тупроқлар эса 500—800 м баландликларда учраб, чиринди миқдори бир оз кўпроқ (1,5—2), чиринди сақловчи қатлам эса қалин (60—100 см).

Ўрта Осиёning адирларида тўқ тусли бўз тупроқларнинг чиринди миқдори 3—5%, чиринди қатлами эса 80—120 см га етади. Бўз тупроқлар тарқалган зонада шўртоб, тақир тупроқлар ҳам учрайди.

СССР териториясининг нам субтропик иқлимли Колхida, Ленкоран пасттекисликларида ва Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида қизил ва сариқ тупроқлар мавжуд. Бу тупроқлар тарқалган жойларда температура юқори, сернам, ўсимликлар қалин бўлганлигидан тупроқ таркибида темир ҳамда алюминий оксидлари кўп. Шу туфайли тупроқ ранги сарғиш, қизил ва пушти бўлади.

СССР териториясидаги тоғли ўлкаларда тупроқларнинг жойлашиши баландлик минтақаланиш қонунига бўйсунади. Баландлик минтақалари тоғ жойлашган территориянинг географик ўрнига, тоғларнинг баландлигига ва шу ердаги табиий географик муҳитга боғлиқдир. Агар тоғлар қанча баланд ва жанубий кенгликларда (Ўрта Осиё, Кавказда) бўлса, баландлик минтақалари анча мураккаб, аксинча, шимолда жойлашган бўлса, баландлик минтақалари оддий бўлади. Масалан, тундра зonasida жойлашган тоғлар ҳар қанча баланд бўлса ҳам, тундра тупроқларидан бошқа тупроқларнинг пайдо бўлиши учун табиий-географик шароит етарли эмас. Ўрта Осиё тоғларида эса баландлик минтақалари яқол кўзга ташланади. Бу ерларда тоғларнинг қуий қисмида бўз тупроқли минтақа 1000 (1200) м гача учрайди. 1000 (1200) м дан 2500 (3000) м гача сернам баргли ўрмонлари бор ерларда жигар ранг ва кўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари бор. Тоғларнинг 2500 (3000) м дан 4000 (4500) м гача баланд қисмида оч тусли қўнғир тупроқ минтақаси жойлашган. Нихоят, 4000 (4500) м баландликда эса тоғ-ўтлоқ тупроқлар учрайди.

Кишиларнинг хўжалик фаолиятида ерлардан нотўғри фойдаланиш яъни агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, ўрмонларни нес-нобуд қилиш, ерларни нотўғри ҳайдаш натижасида тупроқ эрозияси вужудга келмоқда. Вақтли сувлардан вужудга келган жўяклардан жарлар ҳосил бўлади ва оқибатда тупроқларнинг унумдор қисми ювилиб кетади.

Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз тупроқ эрозиясига қарши кураш чораларини кўрмоқда. Бунинг учун агротехника қоидаларига риоя қилиб, қияроқ ёнбағирларни кўндалангига ҳайдаш ва дараҳт-буталар экиш, жарлар ёқасида дараҳтлар барпо этиш, шамолнинг кучини кесиш, намни сақлаб қолиш учун иҳота дараҳтлари полосасини барпо этиш каби тадбирлар янада кенг амалга оширилмоқда.

Ўсимлик туркумлари. Ер шаридаги 0,5 млн. ўсимлик тури бўлиб, улар планетамиз юзасининг ҳамма жойини сидирғасига қоплаб олмасдан, балки табиий шароитга қараб жойлашган. Табиий шароити қулай бўлган жойларда (нам тропикларда) ўсимликлар қалин ва тури кўп, аксинча, шароит нокулай бўлган ерларда (тундрада) ўсимлик тури кам ва сийрак ҳолда ўсади. Ер шаридаги ўсимликлар бир-бирларидан ажралган ҳолда эмас, балки группа-группа бўлиб ўсади. Бу группалар ҳар хил ўсимликларнинг характерли комбинацияси ҳисобланниб, бундай комбинациялар (чўл, ўтлоқ, ўрмон, игна баргли ва аралаш ўрмон ва бошқалар) ўсимлик туркумлари ёки фитоценозлар деб аталади. Маълум территория учун характерли фитоценозлар йиғиндиси ўсимликлар дейилса, музайян территорияда ўсадиган ўсимлик турларининг йиғиндиси эса флора деб аталади.

Ер шаридаги ҳар бир ўсимлик тури маълум территорияда тарқалган бўлиб, ареал деб аталади. Масалан, чинорнинг тарқалган ареали СССРда — Ўрта Осиё ва Кавказда. Ер шаридаги баъзи ўсимликлар тури маълум кичик жойларда (ареалда) ўсиб, бошқа районларда учрамайди. Бундай ўсимлик турлари эндемик деб аталади. Ленкоран паст текислигида учрайдиган темир дараҳт эндемикдир.

Ер шаридаги ўсимлик турларининг ҳаётини ва характеристикини ҳам экологик факторлар таъсирига боғлиқдир. Фақат намлик дараҷасига кўра қуруқликдаги ўсимликлар гигрофитлар, ксерофитлар ва мезофитлар деб уч гуруҳга бўлинади.

Гигрофитларга сернам ва намлик ортиқча шароитда ўсадиган ўсимликлар (сернам ўрмонлар, нам ўтлоқлар, ботқоқлар, денгиз қирғоғидаги ўсимликлар ва бошқалар) киради. Бундай ўсимликларнинг барглари кенг, лекин илдизлари яхши тараққий этмаган бўлади (қирққулоқлар, ботқоқ толи ва бошқалар).

Ксерофитларга қурғоқчилик иқлим шароитига ва сувиззликка мослашган ўсимликлар — чўл, чала чўл, дашт ўсимликлари киради. Бундай ўсимликларнинг барги сертук, игназимон илдизи узун (янтоқнинг илдизи 20 м гача етади), йил-

нинг иссиқ фаслида баргни түкиш, ўзида запас сув сақлаш каби хусусиятларга эга.

Ксерофит ўсимликлари ичиде суккулент типли ўсимликлар учрайди. Бу ўсимликларнинг танаси семиз ва танасида запас сув сақловчи түқималар (кактус, алоэ ва бошқалар) мавжуд. Баъзи кактусларда сув бутун ўсимлик вазнининг 95% ини ташкил этади. Ксерофитлар орасида вегетация даври қисқа бўлган эфемер (бир йиллик) ва эфемероид (кўп йиллик) ўсимликлар типи (лола, лолақизғалдоқ, ранг, қозонёрап ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Мезофитларга эса мўътадил миintaқада намлик ўртача миқдорда бўлган шароитда ўсадиган баргли ва игна баргли ўрмонлар ва ўтлоқлар киради.

Ер шаридаги ўсимлик туркумлари (фитоценозлар) эдафик, биотик ва антропоген факторлар таъсирида бир текис жойлашмасдан, қутблардан экватор томонга ўзгариб боради. Бу ўзгаришлар, энг аввало, ҳозирги географик муҳитга боғлиқдир. Чунки қутблардан экватор томонга борган сари Қуёшнинг иссиқлиги ва ёргулиги ўзгариб, ортиб боради. Натижада эдафик факторларнинг хусусиятлари ҳам зонал ҳолда ўзгариб, бу, энг аввало ўсимликлар туркумларининг шу йўналиш бўйлаб ўзгаришига сабаб бўлади. Қуйида Ер шаридаги энг типик фитоценозларга қисқача характеристика берамиз.

Тундра ўсимликлари, асосан, шимолий ярим шарда жойлашиб, Евросиё ва Шимолий Америка материкларининг шимолий чеккаларида учрайди. Тундрада экологик факторларнинг нокулайлиги сабабли, ўсимликларнинг 500 га яқин хили бўлиб, улар пакана ер бағирлаб ўсади. Тундранинг асосий ўсимликлари мох, лишайник, брусника, голубика, клюква, пакана қайнин, пакана толдир. Тундрада ўсимликлар сийрак бўлганлигидан биомассаси ҳар гектаридан атиги 40—80 ц га тўғри келади.

Тайга ўсимликлари фақат шимолий ярим шарда бўлиб, у шарқда СССРнинг Тинч океан қирғоқларидан бошлаб, фарбда Канада қирғоқларигача узлуксиз давом этади.

Тайга ўсимликлари мезофил типли бўлиб, игна баргли ўрмонлардан, буталардан ва ўтлардан иборат. Тайгада асосан, игна барглилардан қора қарағай (ель), оқ қарағай (пихта), кедр, тилоғоч ўсади. Шимолий Америкада эса цуга, веймут ва дуглас қарағайлари ҳам учрайди. Тайгада яна буталар ва ҳар хил ўтлар ўсади. Тайгада ўсимликлар анча зич ўсиб, биомассаси ҳар гектаридан 500—550 ц га тўғри келади.

Аралаш ва баргли ўрмонлар шимолий ярим шарда Фарбий Европани (Ўрта денгизи атрофидан бошқа) СССР нинг ўрта қисмини ва Осиёнинг Тинч океан қирғоқларини, Шимолий Американинг Буюк кўллар атрофини ўз ичига олади. Жанубий Ярим шарда эса Жанубий Американинг жанубида (38° жанубий кенглиқдан жанубда) учрайди, холос. Бу ерларда экологик шароитлар анча қулай бўлганлигидан ўрмонларнинг тури кўпdir. Игна барглилардан қарағай, оқ қарағай, майда барглилардан

қайин, төг терак, кенг баргилардан дуб, бук, заранг, шумтол, жұка, тис, қайраоч, граб, Монголия дуби, Амур жұкасы, баҳмал дарахти, Манжурия ёнғоғи, ёввойи ток үсади. Шимолий Америкада дуб, каштан, лола дарахти сариқ қайин, Жанубий Америкада доимий яшил Чили кедри, сарв, дарахтсімон папоротниклар учрайди. Аралаш ва кенг баргли үрмөнлар тагида буталар, үтлар қалин үсиб, биомассаси гектарига 3000—5000 ц га тұғри келади.

Дашт үсимликлари ксерофит харakterига эга бўлиб, Евросиёда, Шимолий Америкада кенг тарқалган. Жанубий ярим шарда дашт үсимликлари Жанубий Америкада, Африканинг жанубида ва Австралияниң ғарбида учрайди.

Даштлар Ғарбий Европада (Венгрияда) пушта, Шимолий Америкада эса пампа деб юритилади. Даштда баҳор фаслида лола, гулсағасар, пиёз, қиёқ, оч сариқ наврӯзгүл каби эфир ва эфемероид үсимликлар барқ уриб гуллаб ётади. Ёзда эса улар сарғайиб қолади, сұнgra chalov, betaga, шувоқ, себарга, сариқ бұтакұз, астрагал кабилар үз вегетациясини давом эттиради. Дашт үсимликларининг биомассаси гектарига атиги 100—300 ц.

Чул үсимликлари ксерофит харakterига эга бўлиб, Ер шарининг иқлими кескин континентал, ёғин жуда кам ёғадиган жойларда тарқалган. Бундай жойлар қаторига шимолий ярим шардаги Таксамакон, Гоби, Қизилқұм, Қорақұм, Тар, Арабистон, Сахрои Кабир, Калифорнияниң жануби, Мексика, жанубий ярим шардаги Австралияниң Марказий чўли, Жанубий Америкадаги Атакама чўли киради.

Чул үсимликлари қуруқ иқлим шароитга мослашган бўлиб, илдизлари узун, сертуқ, барглари ва танаси этдор. Чул үсимликлари илдизлари узун бўлганидан ер остидан сув олади. Үсимликларининг семиз танасида эса запас сув булади (бўйи 15 м кактус үзида 2000—3000 л сув сақлади). Чул шароитига мослашган иккинчи бир үсимликлар сернам, баҳорда үсуви эфемерлардир. Эфемерлар Ўрта Осиё чўллари учун харakterлидир.

Чўлда үсимликлар сийрак ҳолда үсиб, уларниң энг муҳимлари шувоқ, бурган, саксовул, құйғынчак, қандим, шұралар, жузғун, сарсазан, астрагал, кактус, агава, юққ каби үсимликлардир. Чул үсимликлари сийрак бўлганлигидан биомассаси гектаридан 25 центнердан ҳам кам.

Субтропик үсимликлари тоғлар билан түсилган, совуқ ҳаво массалари кам таъсир этадиган ерларда, яъни Ўрта денгиз атрофларида, Қора денгизниң Крим, Кавказ соҳилларида, Калифорния ярим оролининг Тинч океан қирғоғида, Африканинг шимоли ғарбида ва жануби ғарбида, Австралияниң жануби-ғарбида, Осиёнинг жануби-шарқида, Бразилия тоғларининг жануби-шарқида жойлашган. Субтропиклар жойлашган ерларда эдафик факторларининг хусусиятига кўра қуруқ ва нам субтропикларга ажralади.

Қуруқ субтропиклар Ўрта денгиз соҳилларида, СССР да Кримнинг жанубий соҳилларида, Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида, Калифорния ярим оролининг ғарбий қирғоқларида, Чилининг Ўрта қисмида, Африканинг жануби-ғарбида, Австралиянинг жануби-ғарбида жойлашиб, дуб, қора қайин (бук), қарағай, қора қарағай ва оқ қарағай, секвоя, чирмовиқлар, лаврлар, маквис буталари ўсади. Қуруқ субтропикларда ўсимликлар сийрак ўсиб, уларнинг биомассаси гектаридан 10 дан 250 ц га етади.

Нам субтропик ўсимликлари ҳам худди субтропиклар жойлашган кенгликларда. Лекин нам субтропиклар материкларнинг денгиз ва океанлардан нам кўп етиб келадиган шарқий қирғоқларида жойлашган. Шу сабабли, нам субтропик ўсимликлар Осиёнинг, Австралиянинг, Африканинг, Шимолий ва Жанубий Американинг жануби-шарқий қирғоқларида, Янги Зеландияда, СССРда эса Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида жойлашган. Бу ерларда магнолия, лак дарахти, камфора лаврлари, доимий яшил дуб, пакана пальма, бамбук, қора қарағай, каштан, қора қайин (бук), падуб, шамшод, темир дарахти, турли лианлар ўсади. Ўсимликлар зич бўлиб, уларнинг биомассаси гектаридан 2100 ц га етади.

Савания ўсимликлари экваторга яқин, ёғинлар кўпроқ ёғадиган ерларда чўл ўсимликлари аста-секин саванналарга айланади. Саванналар экваторнинг иккала томонида ундан кўп узоқ бўлмаган жойларда — полоса шаклида Африкада, Жанубий Америкада, Осиёнинг жанубида, Австралиянинг шимоли-шарқида жойлашган. Саванналар яккам-дуккам дарахт ва буталари бўлган тропик даштлардир. Саванналарда эдафик факторлар чўллардагига нисбатан ўсимликларнинг ҳаёти учун анча қулай. Бу ерларда қиш қирғоқчил, ёз эса сернам бўлади. Шу туфайли саванналарда йил икки мавсумга — серёмғир ёз ва қуруқ қиш фаслларига бўлинади. Сернам ёзда саванналар одам бўйли ям-яшил ўтлар билан қопланади. Ўтлар орасида эса онда-сонда дарахтлар ҳам ўсади. Қишида намгарчилик етишмаганлигидан ўтлар қурий бошлайди, дарахтлар эса баргини тўқади. Бу даврда саванналар оч сарғиши ёки қўнғир тусга киради.

Саванналарда ҳар хил ўтлар орасида унда-бунда баобаб дарахти ўсади. Унинг бўйи 25 м, танасининг айланаси 45 м, танасининг диаметри эса 8—9 м га етади. У 5000 йил яшashi мумкин. Баобабнинг меваси бодрингга ўхшайди, узунлиги 0,5 м га етади. Шунингдек, бу ерда бўйи 3—15 м га етадиган соя-вонсимон акациялар, ёввойи шакарқамиш ўсади. Саванна ўсимликларининг биомассаси гектаридан 800—1500 ц га етади.

Тропик ўсимликлар формацияси экваториал иқлими ерларда жойлашган. Тропик ўрмонлари Африкада (Конго ва Нигер дарёлари ҳавзаларида), Марказий ва Жанубий Америкада (Амазонка ҳавзасида), Осиёнинг жануби-шарқида, Австралиянинг шимоли-шарқида ва Океания оролларида учрайди.

Тропик ўрмонлар формацияси ўсимлик турининг ва сонининг хилма-хиллиги ҳамда кўплиги жиҳатидан бошқа ўсимлик формацияларидан ажralиб туради. Тропик ўрмонлар формациясида ўсимликлар бир неча қават (ярус) бўлиб ўсади. Энг паст қисмида баланд бўйли ўтлар, ундан юқорироқда буталар ва энг баландда эса бўйи 50—80 м га етадиган дараҳтлар ўсади; уларга лианалар чирманиб олган. Тропик ўрмонларидағи ўсимликлар ичидаги энг кўп тарқалганлари фикус, сандал ва темир дараҳтлари, каучук дараҳти, хин дараҳти, нон дараҳти, шоколад дараҳти, турли пальмалар, кофе дараҳти, қизил дараҳт, бамбуклар, дараҳтсимон папоротниклар ва бошқалар бор. Тропик ўрмонларидағи фикуснинг бўйи 7—8 қаватли уйга барвар келади, барги эса бир метрга етади. Нон дараҳтининг каталиги қовундек келадиган мевасини маҳаллий халқлар ейди.

Қирғоқ ёнидаги паст текисликларда мангра ўрмонлари ўсади. Денгиз суви кўтарилганда бу ўрмонлар сув ичидаги қолиб, дараҳтлар гўёки сувда сузиб юргандек туюлади. Денгиз суви қайтганда мангра дараҳтларининг ёй шаклида эгилган илдизлари очилиб қолади.

Тропик зонасининг иқлими илиқ ва нам, тупроғи унумдор бўлганидан ўсимликлар жуда тез ўсади. Баъзи дараҳтлар бир йилда 5—6 м ўсади. Баъзи ўсимликлар, масалан, бамбукинг қандай ўсаётганлиги сезилади. Тропик ўрмонларини болта билан кесиб, йўл очсангиз, эртасига яна ўша ерда ўсимликлар ўсиб қолади. Тропик ўсимликлари зич ўғланлиги сабабли уларнинг биомассаси гектаридан 5000 центнерга, ҳатто Бразилия тропикларида 17 000 центнерга етади.

Ҳайвонлар ва географик муҳит. Ер шарида ҳайвонларнинг 1,5 миллион тури бўлиб, улар югуриш, юриш, сузиш, судралиш, учиш каби хусусиятлари туфайли планетамиз юзасида актив равишда тарқалган. Ҳайвонларнинг ҳаракат қилиб бир жойдан иккинчи жойга бориши уларнинг кўпроқ ўзгаришига ва ўша муҳитга мослашишига сабаб бўлади. Ҳаракат қиладиган ҳайвонлар ўз йўлидан механик (денгизлар, дарёлар, тоғлар, кўллар ва бошқалар), иқлимий ва биологик тўсиқлар (йўлда озиқларнинг йўқлиги, бошқа ҳайвонлар билан бўладиган рақобатлар)га учрайди. Шу туфайли ҳайвонларнинг тарқалиш ареали экологик, биологик ва бошқа сабабларга боғлиқ.

Ҳайвонлар табиий муҳитга мослашиб яшайди. Табиий шароит деярли бир хил бўлган ва шу шароитга мослашган ҳайвонларнинг муайян комплекси яшайдиган жойлар биотоп дейилади. Демак, биотоп — бирон ҳайвон ёки ҳайвонларнинг тури яшайдиган реал шароитdir. Тайга, кенг баргли ўрмонлар, кўл, ботқоқлик ва бошқалар биотопга яққол мисолдир. Бирбирига яқин бўлган биотоплар группаси бирлашиб биохорни ташкил этади. Масалан, тайга ва кенг баргли ўрмонлар биотопи йиғилиб ўрмонлар биохорини ҳосил қилади. Биохорлар эса, ўз навбатида, экологияда янада каттароқ бўлак — биоцикл.

ни ҳосил қиласи. Ер шарида учта биоцикл — қуруқлик, денгиз ва ички сувлар биоцикллари мавжуддир.

Денгизлар бирлашиб яхлит дунё океанларини ташкил этади. Дунё океани яхлит бир биоциклдир. Денгиздаги ҳайвонлар узларининг жуда кўп хусусиятлари билан қуруқлик ҳайвонларидан фарқланади. Денгизда муаллақ ва бир жойда туриб ҳаёт кечирадиган ўтроқ организмлар бўлиб, улар сув таркибидаги озиқ билан озиқланади.

Қуруқлик яхлит бўлмасдан, бир неча материклар ва ороллардан ташкил топган ҳамда ҳамма материкнинг табиий шароитлари бир хил эмас. Шу сабабли бу материкларда озиқ моддалари ҳам ҳар хилдир. Бу эса қуруқликда яшовчи ҳайвонларни ўша район географик муҳитига мослаштиради ва бинобарин фауна турлари денгиз фаунаси турларидан кўп бўлади. Иккичидан, қуруқлик ҳайвонлари ўзи юриб овқат топишга мажбур.

Қуруқликдаги ҳайвонлар географик муҳитга шундай мослашганки, ҳатто бир материкнинг ўзида ҳам ўрмонли ерларда бир хил, яланг жойларда иккинчи хил ҳайвонлар групласи яшайди.

Ўрмондаги қалин дараҳтлар ҳайвонларнинг тез ва узоққа чопишига тўсқинлик қиласи. Бу эса ўрмон ҳайвонларининг аксариятини тез ва узоқ масофага чопа олмаслигига сабаб бўлган. Ўрмонлар қалин бўлганлигидан у ердаги ҳайвонларнинг эшитиш органлари тараққий этган. Ҳайвонларнинг баъзилари дараҳтларга тирмасиб чиқиш ва дараҳтларда яшашга кўнишиб кетган.

Чўлларда табиий пана жойлар кам, теварак-атроф очиқ, ёғин-сочин фасллар бўйича нотекис тақсимланган, температура кескин ўзгаради, сув кам. Бу табиий шароитлар ҳайвонларга ҳам таъсир этиб, улар тез чопиши, сакраш, ерни қазиб ин қўйиш, сув излаб узоқ масофага чопиши ҳамда узоқ вақт сувсизликка чидай олиш, иссиқ фаслда ёки кундузи ухлаб, кечаси кезиб юриш хусусиятларига эга.

Ҳайвонлар географик муҳитга шундай мослашиб кетганки, улар табиий шароитга боғлиқ ҳолда Ер шарида экватор томони СССР да эса шимолдан жанубга қараб табиат зоналари бўйича ўзгариб боради. Бу ҳақда СССРнинг табиат зоналари таърифида батафсил тўхталиб ўтамиш.

Биоценозлар. Ер шарида ўсимликлар билан боғлиқ бўлмаган ҳайвонлар бўлмагани каби, ҳайвонсиз ўсимликлар ҳам йўқ. Ҳайвон ва ўсимликлар ҳар хил группалардан иборат бўлса-да, лекин улар (ҳайвон ва ўсимликлар дунёси) бир бутун яшаб доимо алоқада ва ўзаро муносабатдадир. Бир жойда пайдо бўлган ва бир-бiri билан узвий алоқада ривожланган ҳайвонларнинг, микроорганизмларнинг ва ўсимликларнинг барқарор туркуми биоценоз дейилади. Ўрмон, дашт, чўл ва бошқалар биоценозга яқол мисолдир. Биоценоз негизини тирик моддани ҳосил қиласидиган яшил ўсимликлар ташкил этса ҳам, лекин

тирик органик моддани истеъмол қилувчи ҳайвонлар ва микроорганизмлар биоценозда албатта иштирок этади. Демак, биоценозга кирадиган турлар ва жинслар ўзларининг яшashi ва кўпайиши учун зарур бўлган ҳамма нарсани мазкур биотопдан олади. Биоценозларнинг муҳим белгиси — экологик системада биргаликда ҳаёт кечираётган турлар сонининг ўз-ўзидан «автоматик» равишда бошқарилишидир. Масалан, ўсимлик турлари иқлим ва тупроқ шароитига боғлиқ ҳолда оз ёки кўп бўлади. Ҳайвон турларининг сони асосий озиқ бўлган ўсимликларнинг оз-кўплигига боғлиқ. Ўсимликлар билан озиқланадиган бир хил ҳайвонлар йиртқич ҳайвонлар учун ўлжа бўлади. Демак, биоценоз ўсимликлари қанча кўп бўлса, унинг ҳайвонлари ҳам шунча кўп ва хилма-хил бўлади.

Биоценозда турларнинг ўз-ўзини бошқаришига микроорганизмлар типик мисол бўлади. Органик қолдиқларда бактериялар учрайди. Бактерияларнинг кўпайиши — инфузорияларнинг тез урчиши учун қулай шароит туғдиради. Инфузориялар бактерияларни йўқ қиласи, бактериялар камайгач, озиқ етишмаслиги туфайли, инфузориялар сони ҳам камаяди.

Организмнинг муҳитга мос келиши унинг ҳаёт формаси дейилади. Ксерофитлар, эфемерлар, мезофитлар ва бошқалар ўсимликларнинг ҳаёт формалари ҳисобланади. Ҳайвонларнинг ҳам ҳаёт формалари мавжуд бўлиб, уларни бир қанча алматларига қараб классификация қилиш мумкин. Масалан, совуқ қонлилар ва иссиқ қонлилар ҳайвонларнинг иқлим билан боғлиқ ҳаёт формалари ҳисобланса, ҳайвонлар озиқланishiга қараб ўтхўр, йиртқич каби турларга бўлинади. Ҳайвонлар, шунингдек, яшаш шароитига қараб қуруқликда, дараҳтда, сувда яшовчи турларга бўлинади.

Сув биоценозлари яшаш шароитларига қараб иккита асосий биохорлар группасига — бенталь ва пелагиал группаларга бўлинади. Сув тагида яшовчи ҳамма организмлар бенталь биохорга кирса, сувда яшовчи ҳамма организмлар пелагиал биохорга киради.

Бенталь организмлари бентос дейилади. Пелагиал биохор организмлари яна икки группага — планктон ва нектонга бўлинади. Сувда пассив сузиб юрадиган (сув оқизиб юрадиган) барча майда организмлар планктон деб айтилади. Сувда ўзлари сузиб юрадиган организмлар эса нектон дейилади.

Бактериялар планктон организмларга типик мисол бўлиб, бир литр сувда бир неча ўн миллион индивидга этади, шу сабабли сув ҳавзасидаги планктоннинг умумий биомассаси жуда катта. Шунинг учун моддаларнинг биосферада айланиб юришида ва сув ҳавзасининг ҳаётида планктон жуда муҳим роль ўйнайди ва кўпинча органик модда ҳосил қилувчи асосий биомасса ҳисобланади.

Денгиздаги ҳаётга ҳам қуруқликдаги организмлар каби ёруғлик, сув, иссиқлик, озиқ зарур. Лекин сув ҳавзаларида мавжуд бўлган турлар денгизнинг ҳамма қисмида текис тақ-

симланған әмас. Ҳар бир түр қайси шароитта күпроқ мослашган бұлса, ұша шароитда яшайды. Шу сабабли сув ҳавзасининг турли қисмларида шу жой учун характерлы доимий түр комплекслари вужуда келади. Қирғоққа яқин сувларда табиий географик шароит очиқ деңгиз ва океанинг чуқур жойларидаги шароитдан бутунлай бошқача. Шу туфайли қирғоққа яқин сувларда бир хил, очиқ деңгиз ва унинг чуқур қисміда иккінчи хил организмлар мавжуд.

Денгизнинг қирғоққа яқин қисмлари табиий-географик шароити жиҳатидан ҳаёт учун жуда қулай. Чunksи қирғоқ яқиннегінде зонада сув офтобда күпроқ исиганы учун илиқ ва кислороди күпроқ бұлади. Сувнинг тубигача ёруғлик тушади, бу эса қирғоқ яқини үсімлікларининг зич үсишига, майда сувұттарнинг күп бұлишига имкон беради. Бу зонада сув үсімлікларда ҳаёт кечиришга мослашган ҳайвонлар, жумладан, моллюскалардан тортиб балиқларға мавжуд.

Очиқ деңгиздә, айниқса унинг күпроқ ёруғлик тушиб, исиб турадын устки қисміда майда үсімліклар ва ҳайвонлар күп. Очиқ деңгизларда аксарият организмлар умр бүйі сузиб юрады, лекин ғрунтта ёпишиб яшайдын турлар деярли йўқ.

Дунё океанинг чуқур қисмларда органик ҳаёт бутунлай бошқача. Чunksи у жойларнинг табиий-географик шароити нокулай бўлиб, сув қоронғи, босим кучли, температура паст, сув деярли тинч, үсімліклар деярли йўқ, бинобарин ўтхўр ҳайвонлар ҳам йўқ. Бу шароитда йиртқич ҳайвонлар бўлиб, улар сувнинг устки қисміда тушадын ўлимтиклир билан озиқладади. Баъзи ҳайвонлар овқат излаб сувнинг юқори қисмларига ҳам чиқади.

Океан тубидаги бундай бир жойда яшайдын ҳайвонларнинг органлари жуда тармоқланыб кетган. Чunksи сувга мүмкін қадар күпроқ тегиб туриш керак. Сув тинч турганлигидан кўпчилик ҳайвонларининг скелети ингичка ва нозик. Океан туби қоронғи бўлганлигидан, у ердаги ҳайвонларнинг сезги органлари яхши ривожланган. Баъзи ҳайвонларнинг ёруғлик чиқарувчи органлари ҳам бўлади. Океан туби лойқа бўлган ерларда яшовчи ҳайвонларнинг танаси лойқага чўкиб кетмасликка мослашиб, ялпоқ ёки оёқлари узун, тармоқланган, сертуқ бўлади.

Ер ландшафт (географик) қобиғининг ривожланишида организмнинг роли. Ер географик қобиғининг ривожланишида организмнинг роли бениҳоят каттадир. Чunksи тирик моддалар, хусусан үсімліклар Қуёш радиацияси таъсирида фотосинтез процессини вужуда келтиради. Үсімліклар Қуёш энергиясини қабул қилиб, унинг таъсирида карбонат ангидрид ва сувни органик бирикмаларга айлантириб беради. Үсімліклар Қуёш радиациясидан фойдаланиш билан бирга, балки унга таъсир ҳам этади. Чunksи Қуёшдан ерга тушаётган энергия туфайли үсімліклар йилига 145 миллиард тонна атрофида углерод ўзлаштиради. Айни вақтда үсімліклар 400 миллиард тоннага яқин CO_2 ютиб, 460 миллиард тоннага яқин кислород чиқаради.

Шу сабабли ўсимликлар чиқарадиган эркин кислород стратосферанинг юқори чегарасида (тахминан 40—45 км баландликда) узун тұлқинли Қүёш нурлари таъсирида озон экранини ҳосил қиласы (O₂→O₃). Бу озонли экран эса Қүёш радиация таркибини ўзгартыриб, Ердаги ҳаёт учун шароит яратып беради.

Тирик моддалар фотосинтез процесси орқали табиатда углероднинг айланиб юришини вужудга келтирған. Агар ўсимликларда фотосинтез рүй бермаса, ҳаводаги карбонат ангидрид (CO₂) миқдори ҳар 100 йилда 1 % ошиб, натижада одамлар ва ҳайвонлар бұғилиб ҳамда Ер шары иқлими ўзгариб, исиб кетган бўлур эди, музликлар эриб, дунё океанининг сув сатҳи кўтарилиб, материкларнинг кўп қисмини сув босган бўлур эди.

Тирик моддалар географик қобиқда сувнинг тұхтосиз айланиб юришида ҳам иштирок этади. Чунки гидросфера планетамиз майдонининг кўп қисмини ишғол қиласы, унинг ҳамма жойида тирик мавжудотлар бор. Сув ұтлари фотосинтез орқали сувни кислород (O₂) билан бойитиб туради. Гидросферадаги тирик моддалар, хусусан ўсимликлар ҳар йили $1,4 \times 10^{11}$ т углеродни ютиб, $4,6 \times 10^{11}$ тонна кислородни чиқариш жараёнида $2,25 \times 10^{11}$ тонна сувдан фойдаланади.

Тирик моддалар айниқса Ер пустининг ўзгаришида актив иштирок этади. Чунки, ўсимлик ва ҳайвонлар нураш жараёнида иштирок этади. Ер қазувчи ҳайвонлар ин қазиганда чиққан тупроқдан баландлиги 1 метргача бўлган тепачалар ҳосил бўлади. Микроскопик ҳайвонларнинг чиганоқлари ва скелетларидан эса денгиз тагида махсус төр жинслари ҳосил бўлади, маржонлар эса ороллар пайдо қиласы. Шунингдек, ер қазувчи ҳайвонлар тупроққа сув ва ҳаво киришини осонлаштириб, тупроқни аралаштиради. Масалан, ёмғирчувалчанглари йилига бир гектар ерда 0,5 см қалинликдаги 25 т тупроқ қатламини ҳосил қилиши мумкин.

Айниқса ер пустини ўзгаришида микроорганизмларнинг роли катта. Миллион-миллион организмлар минут сайин нобуд бўлиб туради. Нобуд бўлган ҳайвон ва ўсимлик танасининг чириши мураккаб органик бирикмаларни яна оддий моддаларга айлантиради. Чириш процессида атмосферага жуда кўп CO₂ билан H₂ ажralиб чиқади. Яшил ўсимликлар органик модда ишлаб чиқарса, ҳайвонлар уни истеъмол қиласы, микроорганизмлар эса емириб юборади. Шундай қилиб, Ер ландшафт географик қобиғининг ўзгаришида тирик моддалар актив иштирок этади.

Географик қобиқнинг зоналлiği. Планетамиз табиий компонентларининг тақсимланишида зоналлик географик қобиқнинг энг муҳим структура хусусиятидир. Ернинг географик қобиғида зоналлик вужудга келишининг асосий сабаби — Ернинг шарсизмонлиги ва шунга боғлиқ ҳолда Қүёш радиациясининг турлича тақсимланишидир. Қүёшдан келаётган энергия Ер думалоқ бўлганидан унинг ҳамма қисмiga бирдай тақсимланмайди. Бу билан узвий боғлиқ бошқа табиат компонентлари (температура, буғла-

ниш ва булатлар, ёгинлар, шамоллар, тупроқлар, ўсимлик ва ҳайвонлар) ҳам зона-зона бўлиб жойлашган. Планетамиз юзаси бир хил бўлганда эди, унда вужудга келган ҳар бир зона яхлит лента ҳосил қилиб, ғарбдан шарққа узлуксиз чўзилган бўлур эди. Лекин Ер юзасининг тоғлардан, пасттекисликлардан, денгиз ва океанлардан ташкил топғанилиги зоналарнинг яхлит бўлишига имкон бермайди. Аммо қонуний ҳодиса ҳисобланган зоналлик батамом тугамайди. Масалан, СССР териториясида жойлашган даштлар зонаси Ватанимизнинг ғарбида яхлит лента ҳосил қиласа, шарққа борган сари иқлим рельеф таъсирида торайиб ва тоғли ерларда эса ўз ўрини баландлик минтақаларига бўшатиб беради. Бунда дашт зонаси батамом йўқ бўлиб кетмайди, балки зоналлик процесси анча мураккаблашади.

Шундай қилиб, географик зона Ер шари табиат компонентлари бир-бири билан узвий боғланган, бир хил табиий хусусиятлар (бир хил иқлим, ўсимлик, тупроқ ва ҳайвонлар)га эга бўлган ҳамда полоса шаклида кенглик бўйлаб узунасига жойлашган территориядир. Табиий компонентлари комплекси кенглик бўйича зоналар ҳосил қилиб жойлашишини биринчи марта рус олими В. В. Докучаев Россия территорияси мисолида исботлаб берди. У Россия тупроқларини ўрганар экан, тупроқлар табиатнинг бошқа компонентлари (иқлим, топ жинси, ўсимлик, ҳайвон) билан узвий боғлиқ ҳолда жойлашганилигини исботлади. Ўшимолий ярим шарни 5 та кенглик зонасига (тундра, ўрмон, қора тупроқли, аэрал¹ ва қизил тупроқли зоналарга) ажратган. В. В. Докучаев «Дунё қонуни»² деб ном берган зоналлик қонунини географик қобиқнинг ҳамма қатламларида эмас, балки Ернинг устки юзасида учратамиз. Табиат компонентларининг кенглик бўйича зоналланиши билан бирга, тоғли районларда азоналлик аломатлари ҳам сезилади. Бунда жойнинг баландлашиши билан температура пасаяди, ёгин миқдори, тупроқ ва ўсимликларнинг хусусиятлари ўзгаради. Натижада табиат компонентларининг баландлик минтақалланиши вужудга келади. Баландлик минтақалланишида зоналар кенглик зоналаридек тақорланади. Мазкур топ қайси кенглик зонасида жойлашса, топдаги баландлик минтақалари ўша зонадан бошланиб, баландликка кўтарилиган сари зоналар (экватордан қутбга томон боргандек) ўзгара боради. Масалан, Олтой тоғлари дашт зонаси кенглигига жойлашган. Шу сабабли бу тоғларнинг қўйи қисмида дашт, сўнгра ўрмонли-дашт, ўрмон, топ тундра, ниҳоят, энг юқори қисмида эса доимий қор-муз зонаси жойлашган. Ер юзасида фақат кенглик ва баландлик зоналари мавжуд бўлмасдан, балки ҳар бир зона ичидаги бошқа табиий комплекслар ҳам учрайди. Масалан, Ўрта Осиёнинг чўллар зонаси ичидаги түқай ва воҳалар жойлашган. Бу азоналлик ёки интра-зоналлик деб юритилади.

¹ Аэрал ҳозирги чала чўл ва чўллар зонасига тўғри келади.

² «Дунё қонуни» ни планетамизнинг устки қисми учун умумий қонун маъносида тушунмоқ керак.

СССРнинг ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЗОНАЛАРИ

СССР табиатининг компонентлари билан танишиш шуни кўрсатадики, улар асосан географик кенглик бўйича шимолдан жанубга қараб маълум полоса (зона) ҳосил қилиб, ўзгариб боради. Табиат компонентларининг мана шундай ўзгаришини биринчи марта В. В. Докучаев аниқлаган ва уларни табиий тарихий зоналар деб юритган. Л. С. Берг эса буни ландшафт ёки географик зоналар деб атаган.

Табиат зонаси географик кенглика боғлиқ ҳолда Қуёш радиациясининг шимолдан жанубга қараб ўзгариб бориши оқибати натижасида вужудга келган. Бу процесс айниқса тупроқ ва ўсимликлар ҳамда ҳайвонот дунёсида яққол акс этади.

СССР териториясида шимолдан жанубга томон қўйидаги географик ландшафт зоналари жойлашган. Муз зонаси, тундра зонаси, ўрмонли-тундра зонаси, ўрмонлар зонаси, ўрмонли-дашт зонаси, даشت зонаси, чала чўл зонаси, чўл зонаси ва субтропиклар зонаси. Текисликдаги бу зоналардан ташқари, СССРнинг тоғли районларида ландшафтнинг баландлик минтақалари ҳам мавжуддир.

1. Муз зонаси. Муз зонаси ёки Арктика зонаси СССРнинг энг шимолий қисмida жойлашган бўлиб, Франц-Иосиф Ери архипелагини, Новая Земля оролини, Северная Земля, Новая Сибирь ороллари, Врангель оролини ва Таймир ярим оролининг шимолий қисмини ўз ичига олади. Бу зонанинг энг жанубий нуқтаси 71° ш. к. да, энг шимолий нуқтаси эса $81^{\circ} 45'$ ш. к. да жойлашган. Бу ерда территориянинг кўпчилик қисми музликлар ва қорлар билан қопланган бўлиб, улар ландшафтнинг асосий элементи ҳисобланади. Чунки музлик ва қорлар йилнинг ҳамма фаслларида бўлади.

Зонага кирувчи ороллар рельефи анча мураккаб бўлиб, денгиз қирғоқларида қия текислик, марказий қисмida эса унча баланд бўлмаган музлар билан қопланган тоғлар, платолар мавжуд. Уларнинг максимал баландлиги Франц-Иосиф Ери архипелагида ва Северная Земля оролида 700—800 м бўлса, Новая Земля ва Врангель оролларида 1000 м дан ошади. Новая Сибирь ороллари рельефи эса деярли текисликдан иборат.

Муз зонасида паст температура ҳукмрон. Бу зонада йиллик ўртача температура 0° дан пастдир. Энг совуқ ой ҳисобланган февралнинг ўртача температураси Франц-Иосиф Ери архипелагида -20 — -22° бўлса, Новая Сибирь оролларида -30 — -31° . Ёз салқин бўлиб, июлнинг ўртача температураси $+1^{\circ}$. 50—60 куннинггина ўртача суткалик температураси 0° дан юқори бўлади. Йиллик ёғин миқдори 200—400 мм бўлиб, кўпроқ қор ёғади. Қор қопламининг қалинлиги 40—50 см га етади. Бу зонада булутли ва туманли кунлар кўп, кучли шамоллар ҳукмрон бўлиб, узоқ (98—127 кун) давом этади.

Муз зонасидаги оролларнинг кўпчилик қисми муз қоплами билан банд. Ҳатто Франц-Иосиф Ери архипелагининг 87% ини,

Северная Земля оролининг 44% ини музликлар қоплаб олган. Бу қоплама музликларнинг қалинлиги 200 м дан (Франц-Иосиф Ерида), 300—400 м гача (Северная Земля оролида) ётади.

Муз зонасида жинсларнинг совуқдан нураши химик ва биологик нурашга нисбатан кучлидир. Шу сабабли зонанинг грунти ва тупроғи катта-катта тоғ жинси бўлакларидан иборат бўлиб, майда заррачали гиллар деярли учрамайди.

Зона иқлимининг ноқулайлиги, музликларнинг кўплиги ва грунтининг доимо музлаб ётганлиги бу ерда тупроқ ҳосил қилиш процессининг ниҳоятда сустлигига сабабчи бўлган. Зонанинг кўп ерида тупроқ ривожланмаган бўлиб, музликлар билан қопланган. Фақат дарё водийларида ва қисман ўсимликлар мавжуд бўлган денгиз террасаларида унча тараққий этмаган ботқоқлашган тундра тупроқлар учрайди.

Муз зонасида ўсимликлар жуда сийрак ўсади. Ўсимликлар зонанинг 50—60% юзасидагина ўсади, қолган қисми музлик ва доимий қорликлар билан банд. Бу зонада ўсимликлар тури жуда кам бўлиб, 35—50 тури ўсади. Франц-Иосиф Ерида 40 хил ўсимлик бўлса, Северная Земляда 50 хил ўсимлик ўсади.

Моҳ ва лишайниклар, шунингдек, альп мушукқўйруғи, бутакӯз, қутб лоласи муз зонасининг ўзига хос ўсимликлариdir.

Муз зонасида ўсимликларнинг сийрак ва пакана бўлиб ўсизи туфайли уларнинг ҳосилдорлиги жуда кам, шунинг учун бу зонада жоноворлар ҳам кам. Зонада кўпроқ қушлар бўлиб, уларнинг 16 тури бор (қайра, оқ чағалай, гагра, глупиш ва люриклар). Улар ёзда қаш бозорлари ҳосил этади. Шунингдек, зонада яна қутб тулкиси, лемминг, оқ айиқ, сувларда эса морж, тюленъ, денгиз қуёни ящайди.

Муз зонасининг СССР ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти бошқа табиий зоналарга нисбатан кам. Чунки бу районлар табиатининг ноқулай булиши сувларидан транспортда фойдаланишини қийинлаштиради, балиқ овлаш даври қисқа. Бу зонадан қутб тулкиси, оқ айиқ ва қушлар овланади, момиқ йигилади.

2. Тундра зонаси. Тундра СССРнинг шимолида, Шимолий Муз океанининг соҳили бўйлаб жойлашган. Бу зона шимолда муз зонаси билан чегарадош. Жанубий чегараси эса қўйидаги жойлар орқали ўтади. Кола ярим оролининг шимоли-шарқий қирғоғи, Канин ярим оролининг жанубий қисми орқали ўтиб, Нарьян-Мар шаҳри кенглиги бўйлаб, Таймир ярим оролининг жанубий қисмидан ўтади ва Ленанинг дельтасига боради. Сўнгра Йндигирка, Колима дарёсининг дельтаси орқали Анадирь дарёсининг ўрта оқимиға, Анадирь, ва Пенжина ботиғи ва Камчатка ярим оролининг Параполь Доли бўйни орқали Тинч океан соҳилига бориб туташади.

Тундра зонасида қиши совуқ бўлиб, узоқ давом этади, ёз эса қисқа ва салқин, тупроқда намлик ортиқча бўлади. Чунки територия доимий музлаб ётади. Термик режимнинг етарли бўлмаслиги сабабли зона деярли ўрмонсиздир. Асосан моҳ, лишайниклар билан қопланган оролларида пакана буталар ҳам уч-

райди. Тундра сўзининг ўзи ҳам саами халқлар тилида «ўрмон-сиз» деган маънони билдиради.

Тундра муз зонасига нисбатан Қүёшдан кўпроқ иссиқлик олса-да, энг иссиқ ойнинг ўртача температураси $+10^{\circ}$ — $+12^{\circ}$ дан ошмайди. Ёзниг салқин ва қисқа, қишининг узоқ ва совуқ бўлиши бу зонада ёғинга нисбатан буғланишнинг кам бўлишига олиб келган. Агар йиллик ёгин миқдори 200—400 мм бўлса, буғланиш 50—100 мм атрофидаги бўлади. Ёғиннинг кўпчилик қисми қор ҳолида ёғиб, у 200—260 кун эримай туради. Чунки бу зонада совуқ 8—9 ой давом этади ва ҳатто Осиё қисмидаги январнинг ўртача температураси -50° га пасайди. Тундра зонасида булутсиз кунлар кам бўлиб, кучли шамоллар қорларни учирив, сойликларга тўплаб қўяди. Очилиб қолган грунт эса музлаб қолади. Бу зонада доимий музлаган грунтнинг қалинлиги 400—600 м га етади. Ёзда эса музлаб ётган грунтнинг 0,5—1 м қалинликдаги устки қисми эриди, холос.

Тундранинг асосий тупроғи торф-глейли тупроқ бўлиб, температуранинг пастлиги сабабли химик ва биологик процесслар жуда суст бўлади. Шунинг учун тупроқда чиринди ниҳоятда кам (1—2%) бўлади.

Тундра тупроғи нордон, озиқ моддалари жуда кам. Тундра тупроғининг унумдорлиги паст бўлғанлиги сабабли ўсимликлар етарли озиқ ола олмайди. Бу тупроқларнинг унумдорлигини ошириб, сабзавот экинлар экиш мақсадида органик ўғит солиш керак. Тундрада ўрмон йўқлиги ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Баъзи олимлар (А. Миддендорф, А. Каминский) тундрада ўрмонларнинг йўқлиги унинг иқлимига боғлиқ десалар, бошقا олимлар (Г. И. Танфильев) ўсимликнинг ўсмаслигига тупроқ температурасининг пастлиги сабаб бўлади, дейдилар. Б. Н. Городков эса тундрада ўрмонларнинг йўқлиги дараҳтларнинг илдиз системасидан келадиган сув миқдори билан дараҳт орқали буғлатадиган нам миқдорининг вегетация даврида бир-бирига мос келмаслигидир, дейди.

Тундра зонасида дараҳтлар кам бўлса-да, лекин ўсимликларнинг 350—400 тури мавжуд бўлиб, улар пакана, ер бағирлаб ўсади. Улар ер бағирлаб ўсганда тупроқдаги иссиқлик ва намликтан яхши фойдаланади. Тундра зонасининг ўсимлик қоплами гарбдан шарққа ва шимолдан жанубга қараб ўзгаради. Агар тундра зонасининг гарбий қисмидаги Енисей дарёсигача кўпроқ майда буталардан голубика, брусника, водяника, багульник, пакана қайнин ўсса, Енисейдан шарқда эса тол ўсади.

Тундра зонаси жанубга томон арктик тундрага, асосий ёки мох-лишайникли тундрага ва жанубий бутали тундрага бўлиниади. Арктик тундра энг шимолий қисмидаги бўлиб, бу ерларда мох, лишайник, ягель, каклик ўти ўсади. Лишайник жуда секин (йилига 2—3 мм) ўсади. Шунинг учун буғулар еган ўтлар 15—20 йилдан сўнг қайтадан ўсиб чиқади.

Арктик тундранинг жанубида асосий тундра ёки мох-лишайникли тундра бўлиб, бу ерда мох, лишайник, ягель, каклик

ути билан бирга, дарё водийларида ва сувайирғичларда буталаридан пакана қайин, тол, багульник, водяника, голубикалар ўсади.

Асосий тундранинг жанубида бутали тундра жойлашган бўлиб, бу ерда буталардан ташқари дарё водийлари бўйлаб онда-сонда тол, қайин, қора қарағай, тилоғоч учрайди. Бу зонача жанубда оралиқ зона ҳисобланган ўрмонли тундра билан тушиб кетади.

Тундра зonasида қутб тулкиси, лемминг, оқ каклик, тундра каклиги, шимол буғуси, оқ айиқ, бури, оқ қүён, оқ сичқон каби ҳайвонлар яшайди. Булар ичидаги буғу, қутб тулкиси, лемминг, оқ сичқон қишида ҳам тундрада яшайди. Айниқса лемминг билан оқ сичқон қишида қор тагида яшаб, баъзан шу даврда бола ҳам очади.

Лемминг қутб тулкисининг асосий озиғи. Тулкининг қишида юнгি қалин, опноқ, ёзда эса кул ранг бўлиб, анча хўра ҳайвондир. У леммингдан ташқари, оқ каклик, фоз, ўрдакни ҳам ейди. Ёзда эса қушларнинг тухуми билан овқатланади. Тулки жуда тез кўпаяди. Бир она қутб тулкиси йилига 6—20 тагача болалайди. Болалари 3—4 ойдан сўнг мустақил ҳаёт кечиради. Қутб тулкиси тундранинг қимматбаҳо мўйна берадиган асосий ҳайвонидир.

Тундра учун характерли бўлган шимол буғуси ўтлар билан, айниқса ягель билан овқатланади. Буғу қуш тухумини, боласини ва ҳатто леммингни ҳам еяверади. Буғу тундрада яшовчи халқлар учун «универсал» ҳайвондир. Чунки унинг гўшти ейилади, сути ичилади, терисидан ва жунидан иссиқ кийим тикилади, ўзидан транспорт сифатида фойдаланилади.

Табиатнинг ноқулайлиги сабабли бу зонада аҳоли кам яшайди ва асосан буғучилик, балиқчилик ва мўйначилик, қисман эса тор-кон саноати билан шуғулланади.

Тундра зonasида ўсимликлар кам бўлса-да лекин ҳар гектар ердан (Шарқий Европанинг арктика тундра полосасида) 12 ц., бутали тундрада эса 32 ц., хўл озуқа йиғиб олиш, бундай шароитда буғучилик хўжаликлари ташкил этиш мумкин.

3. **Ўрмонли тундра** зonasи бутали тундра билан ўрмон зonasи орасидаги ўткинчи зонача ҳисобланади. Ўрмонли тундра зоначасининг жанубий чегараси эса тундра зonasидан 20 км дан 200 км гача бўлган лентасимон масофа юрқали ўтади.

Ўрмонли тундра зоначасининг иқлими, тупроқ ва ўсимлик қоплами тундра зонасиникига анча яқин бўлиб, ёз фасли иссиқ-роқ (июннинг ўртача температураси 11—14°). Тундрада ўртача температураси 15° дан юқори бўлган кунлар бўлмайди, ўрмонли тундра зонасида эса бундай кунларнинг сони (Мурманск, Салехард ва Дудинка шаҳарларида) 20 га етади.

Ўрмонли тундра зонасида тундрадаги торф-глейли тупроқлар билан бирга, глейли-подзол ва чимли-ўтлоқ тупроқлар ҳам учрайди. Чимли-ўтлоқ тупроқлар дарёларнинг қайирларида ях-

широқ ривожланган. Илфор агротехниканы құллаш туфайли чимли-үтлоқ тупроқларда ҳозир картошка, карам, жавдари ва ем-хашак үсімліктері үстирилмоқда. Чунки бу үсімліктардың үсиши учун иссиқлик етарлы бұлиб, вегетация давридаги температура йиғиндиси (температураси +10° юқори бұлған кунлар йиғиндиси) Енисей дарёсидан ғарбда 600—800° га етади, шарққа эса 400—600°.

Үрмөнли тундра зоначасыда дараҳтлар фақат дарё водийлари әмас, балки «орол» тарықасыда сувайирғич қисмларыда ҳам учрайди. Кола ярим оролида қайн дараҳтлары үсіб ётади. Мезень дарёси билан Урал тоғлари оралиғида Сибирь қора қарагайи, Урал тоғлари билан Пясина дарё оралиғида Сибирь тилоғочи, Пясина дарёси билан Анадирь дарёси орасыда даурия тилоғочи үсади. СССР Осиё қисмінінг шимоли-шарққа дарё водийларыда тол, корея тераги ва қайн үсади. Үрмөнли тундра зоначасыда тундрага хос бұлған паст бүйли үт ва буталардан гектарига 70 центнергача озиқ олиш мүмкін.

Үрмөнли тундра зоначасыда тундрада яшайдын шимол бұғаси, қутб тулкиси, лемминг, оқ каклик, қутб бойқуши каби жониворлардан ташқары үрмөнга хос бұлған лось, құнғир айиқ, тийин (белка), оқ қүён, росомаха, карқур, чил каби ҳайвонлар ва құшлар яшайды.

4. Үрмөнлар зонасы. СССРнінг үрмөнлар зонасы ғарбда Балтика деңгизидан шарқда Тинч океан қырғоқларынан чұзилиб, шимолда үрмөнли-тундра, жанубда эса үрмөнли-дашт зоналары орасыда жойлашған. Бу зона СССР ер майдонининг ярмігі яқынини ишғол қиласы.

Үрмөнлар зонасинінг жанубий чегарасы Луцк-Житомир-Киев-Калуга-Рязань-Гор'кий-Қозон-Уфа-Тюмень-Томск шаҳарлары орқали үтиб, сұнgra Олтой, Саян, Байкал тоғларыннан қуий қисмларынің үз ичига олади ва СССР давлат чегарасы орқали шарққа қараб давом этади. Шунингдек, үрмөнлар зонасы Узок Шарқда, Сахалин, Кирил оролларыда ва Камчатка ярим оролида ҳам мавжуд.

Үрмөнлар зонаси жуда катта территорияни ишғол қылғанлиги сабабли унинг иқлим шароитлары ҳамма қисміда бир хил әмас. Зонаның ғарбіда үртаса континентал иқлим ҳұмрон бұлса, шарққа борған сары унинг континенталлығы ортиб боради, Тинч океан қырғоқларыда эса муссон типли иқлим билан алмашынади. Ийлік радиация баланси ҳам шимолдан жанубға томон орта боради.

Үрмөнлар зонасы иқлимининг вужудға келишида ғарбий ҳаво массаси муҳым роль үйнаб, территорияға намлық олиб келади. Лекин шарққа борған сары ғарбий ҳаво массасининг кучи сусая боради. Аксинча, үртаса минтақаның континентал ҳаво массасининг таъсіри кучая боради. Тинч океанидан эсувчи үртаса минтақаның деңгиз ҳаво массаси эса фақат Узок Шарқтың соҳилларына таъсир қиласы, холос. Үрмөнлар зонасинінг шимолий қисміда арктика ҳаво массасининг йүлини түсіб ту-

рувчи тоғлар йүқлиги сабабли арктика ҳаво массаси жанубгача етиб келиб, иқлимни совитиб юборади.

Шундай қилиб, үрмонлар зонасининг иқлими айниқса шарқий қисмида қиши совуқ, ёз эса үрмонли тундрага нисбатан иссиқ бўлади. Үрмонлар зонасининг шимолий қисмида июлнинг ўртacha температураси $+12^{\circ}$ бўлса, жанубида $+20^{\circ}$ га етади. Январнинг ўртacha температураси фарбдан шарққа пасая боради. Агар зонанинг фарбий қисмидан январнинг -5° изотермаси ўтса, Фарбий Сибирь текислигидан -25° — -30° изотермаси ўтади. Шарқий Сибирда январнинг ўртacha температураси -40° — 50° га етади. Шу сабабли Сибирдаги үрмонлар зонасининг аксарият қисми доимий музлоқ ерлардир.

Үрмонлар зонасида ёғин миқдори бир хил эмас. Фарбий қисмида йилига 500—600 мм ёғин тушса, Шарқий Сибирда 200—300 мм ёғин ёфади. Узоқ Шарқда эса 500—900 мм га етади. Үрмонлар зонасида ёз анча иссиқ бўлса-да, ёғин миқдорига нисбатан буғланиш кам. Шу сабабли зонанинг кўпчилик қисмида тупроқ ботқоқлашгандир.

СССР үрмонлар зонасининг асосий тупроқлари унинг текислик қисмида подзол, тоғли қисмида эса тоғ-подзол тупроқларидир. Лекин подзол тупроқлар бутун зона бўйича бир хил типга эга бўлмасдан, жойнинг табиатига қараб хар хил типларга бўлинади. Россия текислигига ва зонанинг шимолий қисмида қумли қатлам тагида, сувни кам ўтказадиган қумоқ қатламнинг жойлашиши сабабли тупроқ ботқоқлашган бўлиб, глейли-подзол тупроқ учрайди. Үрмонлар зонасининг жанубига борган сари қуёшнинг ёритиши ва иситиши ортиб бориши туфайли ёғин билан буғланишнинг миқдори бир оз тенглашади, натижада ботқоқликлар кам. Бу эса подзол тупроқнинг астасекин чимли-подзол тупроққа айланишига ёрдам беради.

Ўрта ва Шарқий Сибирда, Байкал тоғли ўлкада рельефнинг баландлашиши туфайли ботқоқ тупроқлар камайиб, тошлоқ-тоғ подзол тупроғи кўпайиб боради. Узоқ Шарқнинг жанубий қисмида чимли-подзол ва үрмон-қўнғир тупроқлари учрайди.

Үрмонлар зонасида чимли-подзол ва қўнғир, сур тусли тупроқлар бор. Лекин бу тупроқда чиринди қатлам жуда юпқа, азот кам, нордон ва табиий унумдорлиги жуда паст бўлади. Шу сабабли үрмонлар зонасидаги тупроқларнинг унумдорлигини ёшириш учун уларни чуқур ҳайдаш, алмашлаб экишини жорий этиш, тупроққа оҳак, минерал ва органик ўғит солиш зарур. Илфор агротехникани қўллаш орқали ҳозир үрмон зонасидаги подзол тупроқли ерларга жавдар, арпа, сули, нұхат, толали зифир, картошка, карам, маккажӯҳори экилмоқда.

СССР үрмонлар зонаси ўсимлик қопламишининг характеристига кўра қўйидаги икки зоначага бўлинади:

1. Йгна баргли үрмонлар (тайга) зоначаси.

2. Арадаш ва кенг баргли үрмонлар зоначаси.

Үрмонлар зонасида игна ва кенг баргли үрмонлардан ташқари, катта-катта майдонларни ўтлоқ ва ботқоқ ўсимликлари

әгаллайди. Аралаш ва кенг баргли ўрмонлар зоначаси иқлими шароити мулойимроқ бўлган ерларда — СССР Европа қисмиди ва Узоқ Шарқдагина мавжуд бўлиб, Сибирда бу зонача йўқ. СССР Европа қисмиди тайга билан аралаш ўрмон зоначалари орасида чегара Ленинград-Ярославль-Иваново-Горький-Қозон шаҳарлари орқали ўтади. Аралаш ўрмонлар зоначаси Совет Узоқ Шарқида унча катта терриорияни ишғол қилмайди, факат нам муссон иқлими қўйи Амурбўйи ва Приморъенинг жанубий қисмидаги кичик майдонда учрайди.

1. Игна баргли ўрмон ёки тайга зоначаси шимолда ўрмонли тундра, жанубда аралаш ўрмон зоначалари билан ўралган. Тайга зоначаси асосан қора қарагай, оқ қарагай, қарагай тилоғоч Сибирь кедридан таркиб топган ўрмонлардан иборат бўлиб, улар зоначанинг ҳамма қисмидаги бир хил ўсмайди.

Енисей дарёсидан ғарбда — Ғарбий Сибирь текислигида ва СССР Европа қисмиди игна баргли ўрмон зоначасида ўрмон ҳосил қилувчи дараҳт турлари — Европа ва Сибирь қора қарагайи, Сибирь кедри, Сибирь тилоғочи, Сибирь оқ қарагайи, қарагай бор. Игна барглиларга аралаш ҳолда майдада баргли ўсимликлардан қайин, тоғтерак, ольха ўсади. Шунингдек, тайга зоначасининг Европа қисмиди кенг барглилардан жўка, заранг, қайрағоч, шумтол кабилар ҳам учрайди. Енисей дарёсининг шарқий қисмидаги тайга зоначасида асосан абадий музлаб ётган ерга мослашган даурия тилоғочи бор. Қумли ерларда қарагай, дарё водийларида эса қора қарагай ҳам ўсади.

Муссон иқлими Совет Узоқ Шарқида аян қора қарагайи, даурия тилоғочи, оқ қарагай, корея кедри ўсади. Шунингдек, тайга зоначасининг бу қисмидаги майдада баргли дараҳтлардан тош қайин, тоғтерак, ольха каби дараҳтлар ҳам учрайди.

2. Ўрмонлар зонасининг жанубий қисмидаги аралаш ўрмонлар СССР Европа қисмиди ва Совет Узоқ Шарқининг жанубидаги на зонача ҳосил қиласиди. Аралаш ўрмонлар зоначаси дегандаги таркибида игна ва майдада баргли дараҳтлардан ташқари кенг баргли дараҳтлар ўсадиган жойлар тушунилади.

Россия текислигидаги аралаш ўрмонлар зоначасида кенг барглилардан дуб, жўка, заранг, шумтол, қайрағоч, граб, қора қайин, липа кўп ўсади. Аралаш ўрмонлар зоначаси тайга зоначасидан ўсимликларнинг кўп ярус бўлиб ўсиши жиҳатидан ҳам фарқланади. Чунки баланд бўйли дараҳтлар тагида ўрмон ёнғоги, ундан пастда эса ҳар хил ўтлар (қиёқ, ялтиробош ва б.) ўсади.

Совет Узоқ Шарқининг жанубий қисмидаги аралаш ўрмонлар зоначаси ўсимлик турларига жуда бой, 1800 га яқин ўсимлик тури бор. Шундан 200 таси шу ерга хос (энделиск) ўсимликлардир. Бу ерда корея кедри, корея қора қарагайи, Сибирь оқ қарагайи, шарқий тисс, Манжурия ёнғоги ва заранг, Амур жўкаси, граб, қайрағоч, нок, амур сирени, ёввойи қалампир, ўтлардан женъшешн ва бошқалар ўсади. Бу зоначадаги кўп дараҳтлар чирмовуқлар (лианалар) билан ўралган. Узоқ Шарқ-

даги аралаш ўрмонлар зоначасининг сув ўсимликлари айниқса ажайиб. Чунки бу ерда сув ўтлар орасида неоген давридан қолган реликт ўсимликлар — нилүфар, қизил рангли бразения, сувёңғоқ, күк бинафша гулли эвриалия ўсади. Ўрмонлар зонасида дараҳт, бута ва ҳар хил ўтлардан ташқари, яна ботқоқлик ва ўтлоқ ўсимликлари ҳам ўсади. Ботқоқликларда қиёқлар, қамишлар, рўвак, қирқбўғинлар ўсади. Ўрмон ёки оралиқ ботқоқликларда сфагнум мохлари, шунингдек, ель, қарағай, кул ранг ва қора ольха, қайнин, тоғтерак ўсади. Сфагнум ботқоқликларида баланд бўйли дараҳтлар ўсмайди, аҳён-аҳёнда эса қарағайнинг пакана тури учрайди. Бу ботқоқликларда багульник, момиқбош, клюква, морошка каби ўсимликлар ўсади.

Узоқ Шарқнинг сфагнум ботқоқликларида эса сарғайиб қолган тилоғочлар учрайди, бундай ботқоқли ерларни ўша жойнинг аҳолиси «марі» деб атайди.

Ўрмонлар зонасидаги ўтлоқларда қирқбўғин, ялтирош, буғдойиқ, қўнғирбош бетага, оқсўхта учрайди. Узоқ Шарқдаги ўтлоқларда эса одам бўйи келадиган ўсимликлар ўсади. Улардан ёввойи нўхат характерли. Ўтлоқларда Амур липаси, дуб, шумтол, Амур баҳмал дараҳти ҳам ўсади.

Ўрмонлар зонаси ҳайвонот дунёси турларининг кўплиги жижатидан бошқа зоналардан фарқланади. Ўрмонлар зонасининг ҳамма жойида учрайдиган ҳайвонлар қаторига тийин, қўнғир айиқ, тертер қуши ва бошқалар киради.

СССРнинг тайга зоначасида лось, росомаха, оқ қуён, қўнғир айиқ, бурундиқ, оқ сичқон, колонок, қушлардан чил, карқур, кедровка, қизилиштон, шчур, судралиб юрувчилардан оддий сув илон, тирик бола тугадиган калтакесак ва бошқа жониворлар яшайди.

Россия текислигидаги аралаш ўрмонларда эса ўрмон мушуғи, ўрмон сувсари, асл буғу, ёввойи чўчқа, малла қуён, олмахон, типратикан, қундуз, даласичқони, қизилиштон, гарб булбули, ўрмон тўргайи, қораялоқлар яшайди.

Узоқ Шарқдаги кенг баргли ўрмонларнинг ҳайвонлари ўзига хос бўлиб, бу ерда чипор илон, чипор буғу, ёнутсимон ит, қора айиқ, йўлбарс, ўрмон мушуги, тошбақа, қирғовул, ҳаво ранг зағизғон кабилар билан бирга, тайгага хос жониворлардан лось, олмахон, қўнғир айиқ, оқ қуён каби ҳайвонлар учрайди.

Ўрмонлар зонаси ўзининг табиий ресурслари билан СССР халқ хужалигида алоҳида ўрин тутади. Бу зонада ўрмон бойлигининг 85% га яқини жойлашган. Ўрмонлар зонасининг хужалик аҳамиятига эга бўлган иккинчи бойлиги унинг ҳайвонотлариdir. Чунки ўрмонлар зонасидаги жуда кўп ҳайвонлар юқори сифатли мўйна беради.

Ўрмонлар зонасининг учинчи муҳим табиий бойлиги унумдор тупроқлари, ўтлоқлари, торф запаси, хилма-хил қазилма бойликлари, дарё энергия ресурслариdir.

5. **Ўрмонли дашт зонаси.** Ўрмонлар зонасининг жанубий қисмida Карпат тоғ этакларидан тортиб Олтой тоғ этакларигача

чүзилган табиий зона ўрмонли дашт зонасидир. Ўрмонли дашт зонаси Россия текислигига ва Ғарбий Сибирь текислигига яхлит полоса ҳосил қылса, Олтой тоғларидан шарқда у Кузнецк, Минусинск, Тыва ботиқларида, шунингдек, Красноярск, Канска, Иркутск ва Забайкалье районларида тайга орасида «орол» ҳолида учрайди. Ўрмонли дашт ўрмонлар зонаси билан дашт зонаси оралиғидаги үткинчи зона ҳисобланыб, у ҳам ўрмон ҳам даштта хос бўлган ландшафт билан характерланади.

Ўрмонли дашт ўрмон зонасидан қиёсан илиқ ва қуруқ иқлими билан фарқланади. Чунки бу зонада ёзи ҳарорат анча кўтарилиб, ўртача июль температураси шимолида 20° га, жанубида эса $21-22^{\circ}$ га етади. Қиши гарбдан шарққа совиб бориб, январнинг ўртача температураси Украина нинг гарбида -5° бўлса, Урал олдида -16° . Бу зонада ҳарорати 10° юқори бўлган даврдаги температураларнинг йифиндиси гарбий қисмидаги $2600-2500^{\circ}$, шарқида эса $1500-2000^{\circ}$ бўлади. Совуқсиз кунлар эса $165-190$. Бундай иқлимиш шароит зонада дон экинлари ва қанд лавлаги ўстириш учун қулайдир.

Ўрмонли дашт зонасининг тупроқлари бир хил эмас. Бу ерда сур тусли ўрмон тупроғи, ишқорсиз ва подзоллашган қора тупроқлар учрайди. Россия текислигига ўрмонли даштнинг ўрмонлар билан қопланган жойларида сур тусли ўрмон тупроғи, даштларида эса ишқорсиз ва подзоллашган қора тупроқ тарқалган. Лекин зонанинг жанубий қисмларида қора тупроқ ҳам учрайди. Ғарбий Сибирдаги ўрмонли дашт зонасида асосан чимли тупроқ тарқалган.

Ўрмонли дашт ландшафт зонаси дараҳтлар ва турли хил ўтларнинг бирга ўсадиган жойи ҳисобланади ва уларнинг нисбати деярли баробар. Лекин зонанинг шимолида ўрмонлар, жанубида эса даштлар кўпроқ бўлади.

Ўрмонли дашт зонасидаги дараҳтлар СССРнинг Европа қисмидаги дуб ва қора қайнин, қайрағоч, жўқа, шумтол, граб, қайнин ва тоғтерак, озроқ қарагай ўсади. Ғарбий Сибирдаги ўрмонли дашт зонасининг қумли ерларида асосан қарагайлар, қисман қайнинлар ва тилағочлар учрайди. Ўрмонли дашт зонасининг даштили ерларида табиий ўсимлик кишиларнинг хўжалик фаoliyati натижасида жуда ўзгартирилиб юборилган. Даштга хос бўлган ўсимликларнинг мұхимлари оқ беда, магмарак, шувоқ, чалов, бинафша кабилардир. Бу ердаги ҳайвонларнинг кўпчилиги даштга хосдир. Ўрмонли ерларда лось, буғу, олмахон, ёввойи чўчқа, ўрмон сувсари, тертер қуши яшаса, очиқ, яланг ерларда Европа юрмонқозиги, сариқ юрмонқозик, оддий олахуржун, оддий типратикан, катта қўшоёқ, суғур, сичқонлар ва бошқалар яшайди.

СССРнинг ўрмонли дашт зонаси буғдой, қанд лавлаги, маккажухори, кунгабоқар экиладиган ҳамда гўшт-сут чорвачилиги, чўчқачилик, паррандачилик ва Ғарбий Сибирда эса қўйчилик ривожлантирилган районлардир.

6. Даشت зонаси. Даشت зонаси Россия текислиги ва Ғарбий Сибирь текислигининг жанубий қисмида жойлашиб, Днепрбүйи пасттекислигини, Қора денгизбүйи пасттекислигини, Азовбүйини, Шимолий Қавказни, Шимолий Қримни Ока-Дон пасттекислигини, Волгабүйи қирларини, Заволжьени, Қозогистоннинг шимолини ва Ғарбий Сибирь текислигининг жанубини олади. Бу масофада даشت зонаси ғарбда Карпат тоғлари этакларидан шарқда Олтой тоғлари этакларигача яхлит бир лента ҳосил қиласи. Олтой тоғларидан шарқда даشت яхлит зона ҳосил қилмайди, аксинча, тайга орасида «орол» ҳолидаги Ачинск, Минусинск, Абакан, Канск каби даштлар учрайди. Даشت зонасининг майдони 4 млн. кв. км га яқин бўлиб, СССР ер майдонининг 17% га яқинини эгаллайди.

Даشت зонаси ўрмонлар зонаси, ўрмонли даشت зонасига қараганда жануброқда жойлашганлиги туфайли Қуёшдан кўп иссиқлик ва ёруғлик олади. Лекин намлик миқдори камайиб, иқлим қуруқлашиб боради. Бу зона ёз анча иссиқ ва қуруқ бўлиб, июлнинг ўртача температураси 22° — $23,5^{\circ}$ га етади. Ўртача суткалик ҳарорати $+10^{\circ}$ дан юқори бўлган кунлардаги температуralарнинг йиғиндиси ғарбда 2500° — 3400° , шарқида эса 2000 — 2600° га етади. Қишида ғарбдан шарққа борган сари қор қоплами юпқаласи, температура пасайиб боради. Ғарбда январь ойининг ўртача температураси -2° бўлса, шарқида -20° га тушиб қолади.

Даشت зонасида йилига 250—450 мм ёғин тушади, лекин буғланиш бир неча марта кўп бўлиб, ҳатто жанубий қисмида 1118 мм га етади. Бунинг устига ёғин йиллар мобайнида бир текис ёғмайди. Ёғин баъзи йиллари кўп, баъзи йиллари жуда оз бўлиб, ҳатто максимум ёғин тушадиган июнь ойида ҳам ёмғир ёғмаслиги мумкин. Шу сабабли бу зонада ёзда баъзи йиллари қурғоқчилик бўлиб туради: ўрта ҳисобда ҳар уч йилда бир марта қурғоқчилик такрорланади.

Даشت зонасида иссиқлик ва ёруғликнинг кўплиги бу ерда иссиқсевар буғдой, кунгабоқар, узум кабиларни етишириш учун имкон беради. Даشت зонасида тупроқдаги намни сақлаб қолиш мақсадида ерларни ағдариб ҳайдаш, қорларнинг эришини кечкитириш ва ўрмон полосаси ташкил этиш кенг кўламда олиб борилмоқда.

Даشت зонасининг асосий тупроғи қора тупроқ, лекин жанубий қисмида тўқ каштан тупроқ ҳам мавжуд. Қора тупроқнинг бу зонада учта типи жойлашган: зонанинг энг шимолий қисмида подзоллашган (айниган) ва ишқорсиз қора тупроқ жойлашган. Ундан жанубда эса энг унумдор ва чириндига сероб бўлган типик (қалин) қора тупроқ бўлиб, чириндининг миқдори 6—10% га етади. Зонанинг жанубий қисмида эса оддий қора тупроқ бўлиб, чиринди миқдори ўртача 6% гача боради. Ниҳоят, даشت зонаси билан чала чўл оралиғида эса тўқ каштан тупроқ ҳам жойлашган. Бу тупроқлардан ташқари, даشت зонасининг таркибида туз бўлган ётқизиқлардан ташкил топган жойларда

шүрланган қора тупроқ учрайди. Бундай ерлар күпроқ Фарбий Сибирь текислигидаги даштларда тарқалған.

Дашт зонасида табиий үсимлик ерларнинг күп қисмини ҳайдаб экин экиш туфайли деярли йүқ қилиб юборилған. Табиий үсимлик кам үзлаштирилған Фарбий Сибирь текислигиде күп сақланған. Россия текислигиде үзлаштирилмай қолған баъзи жойларда даштнинг табиий үсимликлари учрайди.

Дашт зонасида ёғинларнинг камлиги ва ҳароратнинг юқорилиги сабабли ксерофит үсимликлар гуруҳи тарқалған. Уларнинг муҳим вакиллари чалов, майдада баргли чалов, бетага, Украина чалови, эркакут, чұл арпаси ва бошқалар. Дашт зонаси баҳорда барқ уриб үсувчи қизил, сариқ рангли лолалар, гулсағарлар, күк-бинафша үтлар билан қопланади. Ёзниң иссиқ даврларыда чалов, шувоқ, айиқтовон каби үсимликлар үсади. Зонада бутасимон үсимликлардан дашт бодоми, дашт олчаси, қарағай, дарё водийларнинг қайирларыда тол, терак, қирларнинг шимолий ён бағрида дуб, заранг, қайрағоч, шумтол, қумли ерларда қарағайлар үсади.

Дашт зонасининг ҳар хил үтлардан таркиб топған ва ҳайдалмаган ерлари жуда яхши яйлов ҳисобланиб, ҳар гектаридан үртача 10—15 ц пичан олиш мүмкін.

Дашт зонасининг табиий ҳайвонлари кишиларнинг күп йиллик хұжалик фаолияти натижасыда анча үзгарған ва баъзилари эса чунончи, антилопа, ёввойи от (тарпан) йүқ бўлиб кетди.

Дашт зонасида ҳозир туёқлилардан сайфоқ, кемирувчилардан байбаксуғур, чипор юмронқозиқ, кичик юмронқозиқ, катта қўшоёқ, уч бармоқли қўшоёқ, кўрсичқон, дашт дала сичқони, кул ранг дала сичқони, сассиқ қўзан, бўри, тулки, қуён, қушлардан бизғалдоқ, тувалоқ, кичик турна, қорақуш, бургут, човли, тўрғай, бедана, судралиб юрувчилардан дашт қора илони, дашт кичик калтакесаги күп учрайди.

Олтой тоғларидан шарқда «орол» ҳолида учрайдиган даштларда күпроқ Монголияга хос фауна вакиллари, чунончи, жайрон, монголия суғури, дауря юмрон қозиғи, дауря пишчухаси, монголия дала сичқони, монголия тўрғайи, монголия калтакесаги яшайди.

Дашт зонасидаги жониворлар орасида зааркунандалари сичқонлар ва юмронқозиқлардир. Бу кемирувчилар катта-катта ерлардаги ғаллага зарар етказиши мүмкін. Лекин иккинчи томондан кемирувчилар тупроқнинг донадорлигини оширишда анча фойдали. Фақат битта юмронқозиқ 1 га экинзордан 20 м³ грунтни чиқариб ташлайди.

Дашт зонаси СССР халқ хұжалигиде жуда катта ахамиятга эга бўлиб, аҳоли зич яшайдиган ва территориясининг 70—80% и ҳайдалиб, үзлаштирилған зонадир. Бу зона СССРнинг асосий ғаллакор зонасидир. Шунингдек, кунгабоқар, маккажұхори, қанд лавлаги, картошка күплаб экиласи. Зонаниң ғарбий қис-

мида эса күплаб боғлар, узумзорлар мавжуд. Бу ерда қорамол, ийләчилик, құйчилик ҳам тарақкый этган.

7. **Чала чүл зонаси.** Чала чүл дашт зонаси билан чүл зонаси орасидаги үткинчи зона қисобланиб, гарбда Ергени қырларидан бошлаб, шарқда Зайсан котловинасигача боради, үз ичига Кума-Терек ва Қаспийбүйін пасттекисликларини ҳамда Қозоғистоннинг марказий қисмими олади. Зонанинг жанубий чегараси Қаспий дengизининг шарқий соҳилидан бошланиб, тахминан 48° ш. к. орқали үтади. Чала чүл зонаси анча жанубда жойлашганлиги туфайли Қуёшдан күп иссиқлик ва ёруғлик олади. Бу ерда ийлнинг иссиқ фаслида ҳарорат анча юқори бўлади ҳамда июлнинг ўртacha температураси 24° — 26° га етади. Ҳатто баъзан максимал ҳарорат 40° га етади. Ҳарорати 10° юқори бўлган температураларнинг йифиндиси бу зонада 3000° — 3600° , совуқсиз кунлар эса 180 кун давом этади. Лекин чүл зонасида қиш бироз совуқ бўлиб, январнинг ўртacha температураси -12° — 16° га етади. Баъзан эса ҳаво совиб, температура -40° га тушиб кетиши ҳам мумкин. Зонанинг қиши совуқ бўлса-да, ийлнинг күп вақтида ҳаво очиқ бўлади. Шу сабабли қуёшнинг ёритиши узоқ давом этиб, 2500 соатга етади.

Чала чүл зонасида иқлим ёзда иссиқ ва анча қурғоқчил бўлиб, ийллик ёғин миқдори 150—250 мм га тушиб қолади. Лекин ёзги температуранинг юқорилиги сабабли буғланиш бир неча марта ортиқ бўлади.

Чала чүл зонасининг зонал тупроғи каштан тупроқдир. Каштан тупроқда чиринди дашт зонасининг тупроғига (қора тупроққа) нисбатан жуда кам 2—4% бўлиб, чиринди сақловчи қатлами эса юпқа (25—35 см). Бу зонада шўр босган ерлар, ҳатто шўрхоклар ҳам учрайди.

Чала чүл зонасида каштан тупроқнинг иккি тури — тўқ ва оч каштан тупроқ учрайди. Зонанинг шимолий қисмидан тўқ тусли каштан тупроқ бўлса, қолган қисмларида оч каштан тупроқ тарқалгандир. Грунт сувлари ер бетига яқин бўлган ерларда шўрхоклар, ясси ботиқларда эса ўтлоқ каштан тупроқ вужудга келади.

Чала чўлда ўсимликлар чўлларга нисбатан қалин, лекин даштга нисбатан сийракдир. Чала чўлдаги асосий ўсимликлар бошоқлилар ва шувоқ қисобланиб, чалов камроқ, бетага кўпроқ учрайди. Чўл ўсимликлари рельефга, иқлимга, грунт сувининг характеристига ва тупроқ турига боғлиқ ҳолда ҳамма жойда бир хил тарқалган эмас. Шу сабабли зонанинг намроқ ва тўқ каштан тупроқ кўпроқ тарқалган, грунт суви чуқурроқ жойлашган шимолий қисмидан асосий ўринни бошоқли ўсимликлар эгаллайди. Аксинча, иқлими иссиқ, тупроғи оч каштан ва шўрлашган, иқлими қуруқроқ жанубий қисмидан эса шувоқ, шўра ўтлар кенг тарқалган. Кўпроқ шўр босган ерларда қора шувоқ, бурган, оз шўрлашган ерларда оқ шувоқ, бурган ўсади.

Чала чўл зонасидаги бошоқли ўсимликлардан айниқса бетага кўп учрайди, чаловлардан эса кўпроқ тукли чалов, патсимон

баргли чалов ўсади. Чала чўл зонасининг кўмли ерларида айғирқиёқ, паст-баланд қумли ерларда чий, ботиқларда пакана тол, ёввойи жийда, чучук ер ости суви ер бетига яқин бўлган ерларда эса оқ терак, қора терак, тол, наъматак ўсади.

Чала чўл зонасида баҳор фаслида лола, айиқтовон, қўнғирбош, бойчечак каби ўсимликлар ўсиб, улар ёзда сарғайиб, қуриб қолади. Бу жойлардан баҳорги яйлов сифатида фойдаланилади.

Чала чўл ҳайвонот дунёси чўл ҳайвонларига ўхшаш бўлади. Бу зона учун юмонқозиқ, қум қушоёқ, кичик қушоёқ, туvalоқ характерли ҳайвонлар ҳисобланади. Шунингдек, зонада қўмсичқон, олаҳуржун, малла қуён, зонанинг ғарбий қисмида эса сайфоқ, дашт сассиқ кўзани, оқсичқон, бўрсиқ, оддий тулки, қора тулки, бўри учрайди.

Чала чўл зонасида қушлардан қора тўрғай, кичик тўрғай, шўртоб ерларда оқ қанотли тўрғай, калхатлар бўлади. Судралиб юрувчилардан бу ерда юмaloқ бошли калтакесак, агама калтакесаги, ўқилон, тошбақалар бор, шунингдек, гўшт-жун берувчи қўйлар, йилқи ва қорамол боқилади. Зонада деҳқончилик қилиш учун табиий шароит қулади.

8. Чўл зонаси. Чўл СССРнинг энг жанубий зонаси ҳисобланиб, Ўрта Осиёning текислик қисмини, Қозоғистоннинг жануби ва Каспий бўйи пасттекислигининг жанубий қисмини ўз ичига олади.

Чўл СССРнинг бошқа зоналаридан иқлимининг жуда қуруқ ва континенталлиги, оқар сувларнинг жуда ҳам камлиги, ўсимликларнинг ниҳоятда сийраклиги ва ксерофитлашганлиги, тупроқларининг шўрлашганлиги билан яққол ажralиб туради.

Агар ўрмонли дашт ва даштда зонал ҳодиса рельефнинг эрозион шакли бўлса, аксинча, чўлда зонал ҳодиса рельефнинг эол (шамолдан ҳосил бўлган) шакллари ҳисобланади. Чунки чўл зонаси территориясининг ҳамма қисмида табиий нураш, айниқса шамол билан боғлиқ бўлган рельеф шакллари кенг тарқалган бўлиб, оқар сувларнинг роли сустлашиб боради.

Чўлнинг ёзи узоқ, серофтоб, жазирма иссиқ ва ниҳоятда қуруқ, буғланиш катта; қиши бирмунча совуқ, йиллик, ойлик, суткалик температура фарқлари катта.

Чўл зонасига Қуёш радиацияси кўп тушади. Чўл зонасининг ҳар бир квадрат сантиметр ерига бир йилда ўрта ҳисоб билан Қуёш 140—150 килокалорий иссиқлик сочади. Бу эса тайга зоначасига тушаётган иссиқликдан 2 марта зиёддир. Бунинг устига булатсиз кунларнинг кўп бўлиши натижасида Қуёш узоқ вақт ёритиб туради ва унинг миқдори йилига 3000 соатга етади.

Июлнинг ўртача температураси 25° — 30° , баъзи кунлари эса 40° дан ортиқ иссиқ бўлади. Тупроқнинг устки қисми эса ҳатто 70° қизиб кетиши мумкин. Киши шу географик кенглик учун совуқ бўлиб, январнинг ўртача температураси шимолда -12° , жанубида 0° , абсолют минимум температура эса -35° гача бўлиши мумкин.

Чүл зонасида ҳарорат 10° дан юқори бўлганда температура-лар йиғиндиси $3200-5500^{\circ}$ га етади. Бундай шароитда иссиқ-севар ўсимликлар, хусусан пахта жуда яхши ўсади. Лекин ёғин ниҳоятда кам (200 мм дан оз), буғланиш кўп (йилига 2000 мм гача) бўлганидан фақат сугориб деҳқончилик қилиш мумкин.

Чүл зонасида ёғингарчиликнинг жуда кам бўлиши, буғла-нишининг ниҳоятда кўплиги транзит дарёларни ҳисобга олма-ганда, доимий оқар сувларнинг йўқ бўлишига сабаб бўлган. Чўл-нинг жала сувлардан ҳосил бўлган вақтли оқимни ҳисобга олмаганда, оқар сувлари кам. Фақат бу зонада Или, Чу, Сир-дарё, Амударё, Зарафшон, Мурғоб, Тажан каби тоғлардан бош-ланувчи транзит дарёларгина учрайди. Лекин чўл зонасида ер ости сув запаслари жуда катта. Олимларнинг ҳисобларига кўра, Қорақумнинг тўртламчи давр ётқизиқлари орасида $3-5$ минг куб км ер ости суви бор. Бу эса Амударё йиллик сув миқдори-дан 66 марта зиёддир. Лекин ҳозирча ўша ер ости сувидан кам фойдаланилаётir.

Чўл зонасининг ҳамма қисмида тупроқ қоплами бир хил эмас. Рельефга, ер ости сувининг хусусиятига кўра, чўл зонасида қўнғир, сув қўнғир ва бўз тупроқлар тарқалган. Чўл зона-сининг шимолий қисмида қўнғир тупроқ тили бўлса, чўлларнинг қолган кўпчилик қисмида қўнғир бўз ва бўз тупроқ кенг тар-қалган. Бўз тупроқ чўл зонасининг кўпчилик қисмини ишғол қилиб, чириндига унча бой эмас ($1-2,5\%$) ҳамда чиринди сақ-ловчи қатлам юпқа ($30-80$ см) ва карбонатлидир. Бўз тупроқ-лар орасида ўтлоқ, ботқоқ-ўтлоқ, шўрхок, тақир каби тупроқ тип-лари ҳам учрайди. Воҳаларда эса кишиларнинг хўжалик фао-лияти натижасида табиий ҳөлати ўзгарган, маданийлашган бўз тупроқлар жойлашган.

Чўл зонасида ўсимликтининг 1700 тури бўлиб, уларнинг кўп-чилиги қурғоқчиликка чидамли ксерофит ўсимликлардир. Дар-ҳақиқат, чўлларнинг ўсимликлари қурғоқчиликка жуда ҳам мослашган бўлиб, барглари сертуқ ва қаттиқ, илдизлари узун-дир. Баъзи чўл ўсимликларининг илдизи, чунончи, янтоқнинг илдизи 20 м чуқурликка тушади. Чўл зонаси эрта баҳорда барқ уриб ўсуви эфемер ва эфемероид ўсимликлари (қиёқ, ранг, қўнғирбош, ялтиробош, бойчечак, лолақизғалдоқ, чучмома) билан қопланади. Ёзниг бошланиши билан улар қуриб, сар-ғайиб қолади.

Чўл зонасининг ўсимликлари тупроқ типларининг ўзари-шига қараб ўзгаради. Қумли ерларда, айниқса барханларда селин, бўйи 7 м қуёнсуяқ, дўнг қумларда эса бўйи 3 м қандим, оқ ва қора саксовул, черкез, пастлик ерларда қора саксовул, илоқ, қизилча ўсади. Жўяқ қум шакллари кенг тарқалган жой-ларда буғдойиқ, ялтиробош, илоқ, оқ саксовул, қуёнсуяқ, Бал-хаш бўйида эса қумсағиз учрайди. Чўл зонасида кенг тарқалган ўсимлик шувоқ бўлиб, у чорвачилик учун сифатли озиқ ҳисоб-ланади. Чўлда яна турли хил шўралар ва янтоқлар, исириқлар ҳам ўсади.

Тошлоқ чүлда ўсувчи исириқ жуда қадим замонлардан бері ҳар хил касалликларни даволашда дори сифатида ишлятилади.

Чүл зонасининг дарё водийларида эса тұқайлар мавжуд бўлиб, кўпроқ тераклар, туранди, пакана тол, жийда, юлғун, оқтикан, ажриқ савофич, қиёқ ва қамишлар кўп ўсади. Қора саксовул 18—25 йил яшайди, бўй 5—8 м га етади. Чўлларда саксовулнинг майдони 10—15 млн. гектар бўлиб, ҳар йили тахминан 150 минг тонна саксовул йигиб олинади.

Чўл зонасининг иқлими қуруқ ва иссиқ бўлишига, ўсимликларнинг сийрак ўсишига қарамай, бу ерда хилма-хил ҳайвонлар яшайди. Ҳисобларга қараганда, чўлда сут эмизувчиларнинг 50 тури, қушларнинг 300 тури, ҳашарот ва судралиб юрувчиларнинг 35 тури мавжуд. Чўл зонасидаги ҳайвонлар қизиб кетган тупроққа, узоқ сувсизликка, кўчма кумлар ва тақир ерларга мослашган. Чўл ҳайвонларининг яна бир хусусияти шуки, баъзилари сувсизликка чидамли бўлса, бошқалари сув қидириб, узоқ масофага жуда тез юриб боришга мослашган. Масалан, жайрон соатига 80 км, қулон эса 65 км тезликда югуради. Чўл зонасининг учинчи хил жониворлари (калтакесаклар, ўқилон, ҳашаротлар) куандузи ҳавонинг исиб кетганилиги сабабли инларнiga кириб ухлаб, қуёш ботиши билан ҳаракатга киради.

Чўл зонасида сут эмизувчилардан жайрон, қулон, сиртлон, чўл мушуги, чипор мушук, катта құмсичқон, ингичка бармоқли чўл юмронқозиги; судралиб юрувчилардан юмалоқ бошли калтакесак, агама, эчкемар, геккон калтакесаклар, ўқилон, чўл бўғма илони, заҳарли чарх-илон, чўл тошбақаси яшайди.

Чўлда қушлардан хўжасавдогар, кичик тувалоқ, чўл қарғаси, чўл чумчуғи, қум чумчуғи, тўргайлар яшайди.

Чўлларда яна юмронқозиқ, сертуқ қўшоёқ, кичик қўшоёқ, кўрсичқон, сариқ юмронқозиқ, бармоқли геккон калтакесаги яшайди. Чўлдаги тұқайзорларда ёввойи чўчқа, чиябўри, тұқай мушуги, қирғовул, хонгул бууси учрайди. Чўлларда ҳашаротлардан ари, чумоли, ўргимчаксимонлардан эса бий, қорақурт, фаланга кўп учрайди.

Қорақурт ва «қорақум тимсохи» деб аталувчи эчкемар чўл ҳайвонлари ичидә характеристиларидандир. Қорақурт хавфли ҳашарот бўлиб, узунлиги 1 см. У паст бўйли ўсимликлар билан қопланган ерларда яшайди. Қорақурт заҳарли бўлиб, ҳайвонларни (қўйдан ташқари) ва одамни чақади. Чўл эчкемарларидан баъзиларининг узунлиги 1,5 м га етади. У одам учун хавфсиз, ҳар хил ҳашарот ва илонларни еб фойда келтиради.

Чўл зонасида 58 млн. гектар сугоришига яроқли ер бор, ҳозир шундан 7,0 млн. гектар атрофида ер сугорилиб пахта, жун, каноп, шоли, тамаки, маккажӯхори, сабзавот каби экинлар экилмоқда. Шунингдек кўплаб бօғ, полиз ва узумзорлар барпо этилмоқда. Чўл зонаси СССРда етишириладиган пахтанинг 90% ини, пилланинг учдан икки қисмини, қуруқ меванинг 70%

ини беради. Шунингдек, чўл зонасида каноп, жут, шоли, пилла, қоракўл териси етказилади.

9. Субтропиклар зонаси. СССР территориясида субтропиклар зонаси яхлит бир полоса ҳосил қилмайди. Аксинча, шимолий қисми тоғлар билан тўсилган ҳамда совуқ ҳаво массаси кам таъсир қиласидиган ерларда, яъни Қримнинг жанубий соҳилида, Кавказнинг Қора дengиз соҳиларида, Риони, Кура-Аракс ва Ленкорань пасттекисликларида ҳамда Туркманистон ССРнинг Атрек дарёси водийсини қўйи қисмida, Ўзбекистоннинг Сурхон-Шеробод, Тожикистоннинг Вахш водийларида жойлашган.

СССР территориясидаги субтропиклар зонаси қуруқ ва сернам субтропикларга бўлинади. Ёнгарчилик кам бўладиган Кура-Аракс пасттекислиги, Қримнинг жанубий соҳили, Кавказнинг Новороссийскдан Туапсегача бўлган Қора дengиз соҳили ва Ўрта Осиёning жануби қуруқ субтропикка киради. Қуруқ субтропикда ёз иссиқ ва қуруқ, қиши эса сернам. Январнинг ўртacha температураси 0° дан юқори, июлнинг ўртacha температураси эса $24^{\circ}-25^{\circ}$. Тупроғи ҳамма қисмida бир хил эмас. Қура-Аракс пасттекислигига, Атрек, Сурхон-Шеробод ва Вахш водийларида бўз тупроқ бўлса, Қримнинг жануби ва Қора дengиз соҳилида жигар ранг тупроқ тарқалган бўлиб, таркибида 4—7% чириндиси бор.

Қуруқ субтропикда ўсимликлар қоплами ҳам бир хил эмас. Кура-Аракс пасттекислигига, Атрек, Сурхон-Шеробод ва Вахш водийларида баҳорда эфемер ўсимликлар ўсади, ёзда улар сарғайиб қуриб қолади, шувоқ эса ўсишини давом эттиради.

Қуруқ субтропикда дуб, ёввойи писта, Қрим қарағайи ўсади.

Сернам субтропик ўз ичига Кавказнинг Туапсе шаҳридан Батуми шаҳригача бўлган соҳилни, Риони пасттекислигини ва Ленкорань пасттекислигини олади. Сернам субтропикда қишилиқ, ёзи унча иссиқ эмас, ёғин сероб. Нисбий намлик кўп бўлади. Сернам субтропикда йилига 1500 мм гача ёғин тушади. Бунинг устига июлнинг ўртacha температураси $23-26^{\circ}$ га етади. Қишилиқ бўлиб, январнинг ўртacha температураси $+6 +7^{\circ}$ ҳамда бир йилда 10—15 кун қор ёғади. Абсолют минимум температура $-5 -10^{\circ}$ гача тушиши қайд қилинган.

Сернам субтропикда қизил ва сариқ тупроқлар кенг тарқалган. Бу тупроқларнинг қатлами анча қалин ва таркибида темир ва алюминий кўп, кремнезём эса кам. Қизил ва сариқ субтропик тупроқларида чиринди камроқ.

Сернам субтропикда доимий яшил ва барг тўкувчи дарахтлар, бута, чирмовуқлар ўсади. Уларнинг энг муҳимлари лапина, дала зарангি, шумтоллар, зирклар, чирмовуқлар, шамшод, граб, каштан, дзелква, доимий яшил рододендрон, лаврглос, филирия, ер дарахти каби маҳаллий буталар, шунингдек, Ленкорань пасттекислигига ўсувчи темир дарахти сернам субтропикнинг характерли ўсимликлариидир.

Субтропиклар зонасида табиий ўсимликлардан ташқари, кишилар бошқа материклардан олиб келиб ўтқазган ва ҳозир иқлимга жуда мослашиб кетган ўсимлик турлари ҳам мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари зайдун, анжир, самбитгул, яхудий дараҳти, елпифиҷисимон пальма, Хитой шумтоли, сарв, магнолия, Австралия эвкалипти, чой, цитрус мевалар ва бошқалардир.

Субтропиклар зонасининг хўжаликда ўзлаштирилганлиги сабабли (айниқса Қримнинг жанубий соҳили, Кавказнинг Қора денгиз соҳили, Колхидаги пасттекислиги) табиий ҳайвонлар кам қолган. Фақат Ленкоранъ пасттекислигига ҳайвонлар кўпроқ сақланган бўлиб, уларнинг энг муҳимлари ўрмон ва қамишзорлар ичидаги яшовчи қирғовул, тўқай мушуги, тўнғиз, жайра, барс. Кўлларда ва денгиз қўлтиқларидаги эса ҳар хил паррандалар, жумладан лойхўрак, сulton товуғи, гоз, ўрдак, лайлак фламинго кабилар учрайди.

Сернам субтропиклар чой, апельсин, лимон, мандарин еткашиб беришда ва тунг дараҳти мойи етиширишда муҳим аҳамияга эга. Тунг дараҳти мойидан жуда сифатли лак, бўёқ тайёрланади ва сув ўтказмайдиган мато тайёрлашда фойдаланилади. Субтропиклар зонаси курортлар зонаси эканлиги билан шуҳрат қозонган — Қримнинг жанубий қисмида ва Кавказнинг Қора денгиз соҳилларидаги айниқса курортлар кўп.

Баландлик минтақалари. СССРда тупроқ, ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёси кенглик бўйлаб, шимолдан жанубга ўзгариб, зоналар ҳосил қилишидан ташқари, тоғли районларда пастдан юқорига қараб ўзгариб, баландлик минтақаларини вужудга келтиради. Чунки тоғли районларда табиат компонентлари (иқлими, рельеф тузилиши, тупроқ, ўсимликлар ва бошқалар) тоғ этагидан баландликка кўтарилиган сари аста-секин ўзгариб, бир типли ландшафт ўрнида иккинчи типли ландшафт вужудга келтиради.

СССР тоғли ўлкаларининг баландлик минтақалари уларнинг географик ўрнига, рельеф шаклларига, тоғ тизмаларининг йўналишига, ҳаво массаларининг характеристига (ҳаво массасига тескари ёки рӯпара бўлишига), тоғ ён бағирларининг Қўёшга нисбатан қай ҳолатда жойлашишига ва бошқа омилларга борлиқ.

Тоғли ўлкаларининг баландлик минтақалари ўша тоғнинг қайси табиий зонада жойлашганлигига боғлиқ ҳолда ўзгариади. Чунки тоғлардаги баландлик минтақаларининг энг пастки қисми ўша тоғ жойлашган текислик ландшафти зонаси хусусиятига яқин ва унга анча ўхшаш бўлади. Лекин территориянинг абсолют баландлигининг ортиб бориши билан температура пасаяди, намлик миқдори орта боради, рельеф анча мураккаблашади, натижада тупроқ билан ўсимлик типлари ҳам ўзгариади.

Агар тоғлар СССРнинг шимолий қисмида, яъни юқори географик кенгликда (тундра ва тайга зонасида) жойлашса, баландлик минтақалари схемаси жуда содда, аксинча жанубда

(дашт ва чүл зоналарида) жойлашса, баландлик миңтақалари анча мураккаб бўлади.

Урал тоғларининг шимолий қисмида баландлик миңтақалари оддий, текисликда тундра зонаси бўлиб, баландда тоғ тундра миңтақасига айланади, холос. Урал тоғларининг жанубий қисмида (дашт зонасида жойлашган Жанубий Уралда) учта баландлик миңтақаси бўлиб, энг паст қисми текисликдаги дашт ландшафтiga яқин, ундан юқорида тоғ ўрмонли-дашт миңтақаси, ундан баландда тоғ-ўрмон миңтақаси 900—1050 м гача жойлашган. Ундан баландда тоғ-ўтлоқ миңтақаси бошланниб кетади.

СССРнинг жанубида жойлашган Кавказ тизма тоғида баландлик миңтақаси анча мураккаб. Катта Қавказ тоғларининг гарбий қисмининг шимолий ён бағрида тоғнинг энг паст қисми текисликдаги даштга хос ўтлоқлар билан банд, тоғ ёнбағри бўйлаб юқорига кўтарила тоғ ўрмонли дашти, ундан сўнг тоғ ўрмони миңтақаси (кенг баргли ва аралаш ҳамда игна баргли ўрмонлар), янада юқорида баланд бўйли ўтлар ўсуви субальп, сўнгра пакана ўтлар ўсуви алъи миңтақалари бошланади.

Баландлик миңтақалари айниқса Ўрта Осиё тоғларида жуда яхши шаклланган.

Ўрта Осиё тоғларининг энг паст қисми чўл миңтақасига хос ландшафтга эга. 400—1200 м баландликда адир миңтақаси, 1200—2500 м баландликлarda тоғ миңтақаси, 2500 м дан юқорида эса яйлов миңтақаси бошланади. Ўрта Осиёдаги энг баланд тоғ тизмаларида, яйлов миңтақасининг юқори қисмида доимий қор, музликлар билан қопланган ва яланғоч қояли тошлардан иборат нивал миңтақаси жойлашган.

Географик қобиқ (биосфера)нинг ифлосланиши ва уни олдини олиш масаласи. Сўнгги минг йиллар ичida Ер юзасида жуда катта биологик кучга эга бўлган ва техник имкониятлар билан қуролланган инсон вужудга келди. Инсоннинг биосфера га кўрсатаётган техник таъсири йил сайин ортиб, унинг дастлабки табиий ҳолатини ўзгартириб, ифлослаб, салбий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда.

Ҳозир Ер юзасининг 40% атрофидаги қисми инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиий ҳолатини бутунлай ўзгартирган. Жумладан Ер юзасининг 11% и ҳайдалган майдонга, 25% и маданийлаштирилган яйловга, 3% и саноат обьектлари, уйлар, транспорт тармоқлари эгаллаган жойларга, 1% и эса шахта, карьерларга тўғри келади. Бу територияларда биосфера элементлари (табиий ўсимлик ва ҳайвонлар деярли йўқ қилинган, ҳаво, сув, тупроқ ифлосланган) ўзгартирилган. Бунинг устига йилига (1980 йил маълумоти) ердан 100 млрд. т ҳар хил рудалар, ёқилғи қазилмалар ва бошқа хом ашё ресурслари қазиб олиниб, керакли элементларни ажратиб олиб, қолган 96—98% ини кераксиз жинс сифатида географик муҳитга чиқарип ташланмоқда.

Дунёда аҳолининг, хусусан шаҳар аҳолисининг йил сайин ўсиб бориши атроф-муҳитга кўплаб озиқ-овқат, майший-комму-

нал чиқиндиларни чиқарып ташлашга сабаб бўлмоқда. Ҳозир ҳар км² майдонга ўртача 17 т қаттиқ чиқинди тўғри келмоқда. Шунингдек биосферага ҳар йили 65—90 млн. т атрофидаги нефть маҳсулотлари чиқарилмоқда. Шунинг 19 млн. т си қуруқлик юзасига, 2 млн. т си океанларга, 44—68 млн. т си атмосферага тўғри келади. Булардан ташқари ҳар хил ёқилғилар туфайли атмосферага яна 20 млрд. т. CO₂ гази чиқарилмоқда.

А. М. Алпатьев маълумотига кўра (1982 й.) йилига атмосферага 300—350 млн. т углерод оксида (шунинг 91% и антропоген йўл билан), 166—250 млн. т олтингугурт оксида (39% и антропоген йўл билан), 130—170 млн. т азот оксида (шунинг 30% и антропоген йўл билан), 180—290 млн. т углеводород (37% и антропоген йўл билан) чиқарилмоқда ва у йилига 5% га ўсмоқда. Натижада бу моддалар атмосферадаги сув буғлари билан қўшилиб, реакцияга киришиб нордон ёмғир тариқасида ер юзасига тушиб, биосфера компонентлари ҳолатига салбий таъсир этиб, ўрмон ва ўтлоқларнинг қуриб қолишига, қишлоқ хўжалик экинларининг заарланишига, сув ва тупроқнинг ифлосланшига сабаб бўлмоқда.

Дунё хўжалигининг турли тармоқларидан (1982 йил маълумотига кўра) биосферага йилига ўрта ҳисобда 600 млн. т рух, 227 минг т мис, 4 млн. т қўрғошин, 38 минг т симоб, 18 минг т кадмий, 43 минг т никель, 3 млн. т фтор, 35 млн. т фосфор, 3 млн. т пестицид чиқарилмоқда. Натижада ҳаво, сув, тупроқ ифлосланмоқда, ўсимлик ва ҳайвонлар шикастланмоқда, кишиларда ҳар хил касалликлар кўпайиб кетмоқда.

Биосфера айниқса заҳарли химикатлар билан кўп ифлосланмоқда. Ҳозирча дунёда қишлоқ хўжалик зааркунандаларига қарши заҳарли химикатлар ишлатилмоқда. Шу туфайли дунё бўйича жон бошига йилига қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган 5—6 кг пестицид тўғри келмоқда. Баъзи пестицидлар узоқ вақт (50 йилгача) парчаланмай, ўз хусусиятларини сақлаб қолишлиги туфайли улар ҳавода, сувда, тупроқда ва ўсимликда тўпланиб, ундан ҳайвонларга ўтмоқда. Ҳаво, сув ва чорвачилик маҳсулотлари орқали ўша заҳарли моддалар инсон организмида тўпланиб, уларда турли хил касалликларни вужудга келтирмоқда ва наслига салбий таъсир этмоқда.

Сўнгги йилларда биосферанинг радиоактив ифлосланishi ҳам ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб атом ва водород бомбаларини синаш, радиоактив чиқиндилар, атом электростанцияларнинг ва пароходларнинг шикастланиши ва бошқалардир.

Биосферани тоза сақлаш, бу бугунги куннинг энг долзарб масаласи. Шу сабабли ҳалқаро миқёсда саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндилар миқдорини камайтиришга эришиш керак. Бунинг учун корхоналарда чиқиндисиз технологияни жорий этиш, чиқиндилардан иккиласми фойдаланишга эришиш, ифлос сувларни тозалаб, заарсизлантириб, сўнгра табиий ҳавзаларга оқизишга эришиш, майший — коммунал чиқиндиларни утелизациялаш керак.

Биосферани заҳарли химикатлар билан ифлосланишдан сақлаш учун қишлоқ ҳұжалигіда зааркунандаларга қарши заҳарсиз химикатлар ишлаб чиқаришга ўтиш ёки уларга қарши биологик курашни кенг йұлға қўйиш пестицидларни ва химиявий үғитларни сақлаш, ташиш ишларини тұғри йұлға қўйиб, қаттиқ контрол остига олиш, пестицид ва химиявий үғитлардан мөъёрида, үз вақтида ва тұғри фойдаланишга эришиш керак.

Атроф-мухитни радиоактив моддалар билан ифлосланишга чек қўйиш учун атом бомбаларини синашни бутунлай ман этиш, атом энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш, радиоактив чиқиндиларни хавфсиз сақлаш йўлларини ишлаб чиқиши, радиоактив моддалар хом ашёсини қазиш, ташиш, сақлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Савол ва топшириқлар. 1. Биосфера нима ва у қандай хусусиятлари жиҳатидан Ернинг бошқа сфераларидан фарқланади? 2. Биосфера ҳақидаги таълимотини яратишида В. И. Вернадскийнинг хизматлари нималардан иборат? 3. Ер пусты, гидросфера ва атмосферанинг тараққиетида тирик организмларнинг ролини тушунтириб беринг. 4. Ер шарида модда ва энергия айланишида биосферанинг роли нималардан иборат? 5. Тупроқ ҳосил бўлишида тирик организмнинг иштироки нималардан иборат? СССР тупроқ картасидан фойдаланиб, Ватанимизда учорчи асосий тупроқ типларини билиб олинг. 6. Географик қобиқнинг ривожланишида тирик организмларнинг роли нималардан иборат? 7. Географик қобиқнинг йирик табий-территориал комплексларга — зоналарга ва баландлик минтақаларига бўлиниш сабабини тушунтириб беринг. Карта ва атласлардан фойдаланиб, СССРдаги табиат зоналарини билиб олинг. 8. Чўл зонасining ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Карта ва адабиётлардан фойдаланиб чўл зонасига ёзма характеристика беринг. 9. Географик қобиқнинг ифлосланишга нималар сабабчи ва уни тоза сақлашга қаратилган қандай чора-тадбирларни биласиз?

X боб

ИНСОН ВА ГЕОГРАФИК МУҲИТ ЕР ШАРИДА ОДАМНИНГ ВУЖУДГА ҚЕЛИШИ, ИРҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ТЕНГЛИГИ

Одамнинг пайдо бўлиши Ернинг географик қобиғи тарихида энг муҳим воқеалардан биридир. Чунки одам ўзининг узоқ вақт давом этган ҳўжалик фаолияти натижасида планетамизнинг географик қобиғини ўзгартиришда актив иштирок этмоқда. Одам анча тараққий этган одамсимон маймундан пайдо бўлган. Неоген даврининг охирига келиб одамсимон маймунлар кўпайиб, уларнинг баъзилари ўрмонларда, баъзилари эса ўрмонсиз жойларда яшай бошлияди. Ўрмонларда яшаган одамсимон маймунларнинг баъзилари уша шароитга жуда ҳам мослашиб, уларнинг ўзгарган авлодлари — шимпанзе, горилла, орангутан, гиббон Африкада ва Осиёнинг Жанубий қисмидаги ўрмонларда ҳозир ҳам яшайди.

Одамсимон маймунларнинг баъзи турлари, чуончы австра-

лопитеклар (*австралис* — жанубий, *питекос* — маймун) эса да-рахтесиз, очиқ, яланг ерларда яшашы сабаблы географик мұхитта мослаша борган. Натижада иккі оёқлаб қаддина күтариб юра бошлаган. Олдинги оёғи (құли) билан эса үсимликлар уруғини, мевасини, шунингдек, баъзан ҳайвонларни тутиб еган ва оддий қуроллардан ҳам фойдалана бошлаган. Бу процесс милоддан 4 миллион йил илгари содир бўлган.

Австралопитеклар гуруҳига кирувчи одамсимон маймунлар эволюцияси тараққий этиб борган ва навбатдаги мұхим босқич — хомо эректус¹ни вужудга келтирган. Хомо эректуснинг бўйи ва скелетининг умумий тузилиши ҳозирги одамларнига жуда яқин бўлган. Биринчи хомо эректус суюклари 1891 йили Ява оролидан топилган, уни дастлаб питекантроп деб аталди. Лекин питекантропнинг бош суюк ҳажми кичик (900 см^3), танаси жудаям тик эмас, лунжлари осилган бўлиб, ҳам маймунга, ҳам одамга ұшар эди. Сўнгра ўша питекантропларнинг биологик типи турли тараққиёт босқичларидан синантроп одам² ва неандертал одам³га ўтиб, маймуннинг биологик типидан узоқлаша борган ва натижада бундан бир миллион йилча илгари ҳозирги одам типи вужудга келган. Албатта, одамсимон маймунларнинг одамга айланишида, Ф. Энгельс айтганидек, меҳнатнинг роли катта бўлган. Аждодларимиз меҳнат туфайли бир-бирлари билан муомалада бўлганлар, натижада сўзлаш қобилияти вужудга келган. Бу эса, ўз навбатида, одам бош мия қобиги ва тафаккурнинг ривожланишига олиб келган.

Шундай қилиб, бош мияси ниҳоятда тараққий этган одамнинг вужудга келиши, ўз навбатида, кишилик жамиятини ҳам вужудга келтирди. Бу даврга келиб одамларда биологик эволюция тұхтади. Лекин уларда маълум территория табиий шароитининг таъсирида унча мұхим бўлмаган биологик белгилар сақланиб қолган. Бошқача қилиб айтганда, табиий шароит таъсирида Ер шарининг турли жойларыда яшаган одамлар ташқи қиёфаси (танасининг ранги, сочи, кўзи, бурни ва бошқалар) жиҳатидан бир-биридан фарқ қила бошлаганлар, яъни ирқлар пайдо бўлган. Дунё аҳолиси учта асосий ирққа бўлиниади: европоидлар, монголоидлар ва экваториал ирқлардир.

Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, бу уч ирққа кирувчи ҳамма одамлар анатомик-физиологик жиҳатдан фарқ қилмайди, яъни уларнинг қон айланиш системаси, мия тузилишининг структураси бир хилдир. Ҳар хил ирқ вакилларининг ҷа-тишиши (метисация) натижасида оралиқ ирқлар пайдо бўлади. Бу ҳол ирқларнинг қон-қариндошлигини ва уларнинг келиб чиқишлиарининг бирлигини, буржуача ирқий камситишнинг бу-

¹ Хомо эректус латинча сўз бўлиб, «қадди ростланган одам» демакдир.

² Синантроп Хитой территориясидан топилган, унинг бош суюги питекантропнига ұшаса-да, лекин ҳажми катта 1050 см^3 бўлган.

³ Неандерталь қолдиги Европанинг неандерталь (Германияда) во-дийсисдан топилган; унинг бош мия суюгининг ҳажми 1400 см^3 га етган.

тунлай асосизлигини, жисмоний фарқлар эса одамларнинг ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятида ҳеч қандай роль йўнамаслигини кўрсатади.

Демак, ирқлар одамларнинг маълум территорияда шу табиий шароитга мослашиши натижасида уларнинг ташқи қиёфасининг ўзгаришидан вужудга келгандир. Дарҳақиқат, совуқ ва Қуёш радиацияси учча кучли бўлмаган жойларда яшаган халқларнинг бадани оқ, бурун катаклари эса совуқ иқлим шароитида секин нафас олишга мослашгандир. Бундай аломатларга эга бўлган катта бир группа одамлар европоидлар ирқига киради.

Европоид ирқи, ўз навбатида иккита кичик ирққа — шимолий ва жанубий ирқларга бўлинади. Шимолий кичик ирққа Скандинавия ярим оролидаги ва Балтика денгизи атрофидаги одамлар киради, улар сариқ сочли бўлади. Жанубий кичик ирққа эса Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Кавказ, Ўрта дengиз атрофи ва Ўрта Европада яшайдиган қора сочли одамлар киради.

Аксинча, Ер шарининг қуруқ, иссиқ, серофтоб ҳамда қаттиқ шамол эсиб, чанг-тўзон ва бўрон бўлиб турадиган ерларида яшаган бир группа одамлар ўша шароитга мослашганлар, уларнинг таналари сариқ, кўзлари қисиқ бўлади. Булар эса монголоидлар ирқига киради. Монголоид ирқи иккита кичик ирққа — Осиё кичик ирқи ва Америка кичик ирқига бўлинади. Осиё кичик ирқига Ўрта Осиё (тожиклар, ўзбекларнинг бир қисми). Монголия, Ҳиндихитой, Индонезияда яшовчи халқлар, шунингдек, буряtlар, якуtlар, туваликлар, эвенклар, чукчилар, коряклар, эскимослар ва бошқалар киради. Америка кичик ирқига эса индеецлар киради.

Ниҳоят, Ер шарининг йил бўйи иссиқ ва сернам, Қуёш радиацияси интенсив бўлган ерларида эса ўша шароитга мослашган, баданлари қора, жингалак сочли, кенг бурунли, қалин лабли экваториал ирққа мансуб одамлар яшайди. Бу ирққа кирувчи одамлар баданларида пигментлар кўп бўлиб, пигментлар кишиларни Қуёшнинг ультрабинафша нурларидан сақлайди¹. Сочнинг жингалак бўлиши эса бошнинг офтобда ҳаддан ташқари исиб кетишдан сақласа, бурун ва лабнинг катта бўлиши бугланишини осонлаштиришга мослашгандир.

Экваториал ирқ ҳам иккига — Африка кичик ирқига ва Океания (Австралия) кичик ирқига бўлинади.

Сўнгги даврларда тури ирқлар вакиллари яқинлашиб, чатишишидан аралаш аломатларга эга бўлган оралиқ группалар кўпайиб бормоқда. Буларга оқ танли европоидлар билан қора танли экваториал ирқ вакилларининг чатишишидан вужудга келган кишиларни мисол қилиб кўсатиш мумкин.

Баданнинг Қуёшда куйиб қорайиши ҳам кишини офтоб уришдан сақладиди.

Барча ирқларнинг вакиллари тенг ҳуқуқли бўлиб, баъзи мамлакатлар тараққиётидаги қолоқлик империалистик мустамлакачилик сиёсатининг иллатидан иборатdir. Жамият тараққиётини белгиловчи омил географик шароит эмас, балки ишлаб чиқариш усули, яъни ижтимоий тузумdir.

Ер юзаси аҳолисининг ўсиши, сони, мамлакатлар бўйича жойлашиши ва зичлиги. Планетамизда 5,0 млрд. дан ортиқ киши яшайди. Лекин дастлабки вужудга келган даврларда ўсиш суръати жуда паст бўлиб, ҳар 1000 йилда 2% кўпайган. Вақт ўтиши билан Ер шари аҳолисининг ўсиш суръати тезлаша борган. Агар бундан 9 минг йил илгари Ер шари аҳолиси 10 млн. бўлса, 1000 йилга келиб 275 млн. кишига, 1650 йилга келиб 0,5 млрд. кишига, 1850 йилга келиб, 1,3 млрд., 1950 йилга келиб 2,5 млрд. кишига етган. 1978 йили эса 4,3 млрд. дан ортиқ кишига етган.

Хозир аҳолининг йиллик ўсиш суръати 2% ни ташкил этмоқда. Демак, ҳозир Ер юзида бир йилда 74 млн. киши кўпаймоқда. БМТ нинг маълумотларига кўра, Ер шари аҳолисининг сони 2000 йилга боргандада 6 млрд. дан ортиқ кишига етади. Аҳолининг ўсиши айрим мамлакат ва материклар бўйича қўйида-тича:

14-жадвал

Материклар ва мамлакатлар	Млн. киши ҳисобида ¹			
	1964	1970	1974	2000
Африка	263,52	344	391	507
Латин Америкаси	414,47	511	550	907
Осиё (СССРдан ташқари)	1720,1	2056	2206	3869
СССР	219,75	243	252	389
Европа (СССРдан ташқари)	428,26	462	470	568
Австралия ва Океания	16,8	19	21	40
Ер шари бўйича	3067,7	3635	3890	6280

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳоли Ер шари бўйича хотекис жойлашган. Энг кўп аҳоли (умумий аҳоли сонининг 85% дан ортиғи) шарқий ярим шарда жойлашган. Евросиё материлигида эса бутун планетамиздаги аҳолининг 77% яшайди, қолган материкларда 23% аҳоли яшайди, холос. Аҳолининг табиий ўсиш суръати турли материқ ва мамлакатларда турличадир. Энг юқори ўсиш Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатлариадир. Осиё ва Африкада аҳолининг тез суръатлар

¹ Народонаселение стран Мира, М., 1974, 19-бет.

билин үсишига асосий сабаб сүнгги вақтларда у ердаги жуда күп давлатларнинг мустақилликка эришиши, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, кишиларга медицина хизматининг йўлга қўйилишидир, шунинг натижасида туғилиш кўпайиб, ўлиш илгаригига нисбатан камайиб бормоқда.

Планетамизда аҳолининг зичлиги ҳам турличадир. Ер шарининг қуруқлик қисмидаги уртача аҳоли зичлиги — ҳар кв. км ерга 24 киши тўғри келади. Фарбий Европада эса ўртача зичлик ҳар кв. км ерга 94 киши, Осиёда (СССРдан ташқари) 75 киши, Америкада 12 киши, Африкада 12 киши, Австралия ва Океанияда 12 киши, СССРда эса 11 киши тўғри келади¹.

Ер шари қуруқлик қисмининг 10% ида доимий аҳоли йўқ. Бундай жойларга Антарктида, Америка ва Осиёнинг қутбий қисмидаги оролларни ва Марказий Осиё ҳамда Африканинг марказидаги баъзи жойларини киритиш мумкин. Аҳоли табиий шароити ноқулай тундра, чўл зоналарида ва тропик ўрмонларида ҳам сийрак яшайди, у ерларда ўрта ҳисоб билан ҳар кв. км ерга 1 киши тўғри келади. Аксинча, табиий шароити қуллай, тупроғи унумдор пасттекисликларда, дарё ва денгиз соҳилларида, саноатлашган марказларда аҳоли зич яшаб, ҳар кв. км ерга 500, 600, ҳатто 1000 киши тўғри келади. Ява оролининг баъзи жойларida (Адиверн, Клатен) аҳолининг зичлиги 1 кв. км ерга 2400 киши тўғри келади.

КИШИЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ГЕОГРАФИҚ МУҲИТНИНГ РОЛИ

Кишилик жамиятининг тараққиёти табиат билан, географик муҳит билан чамбарчас боғлиқdir. Инсон табиатнинг ажралмас бир онгли қисми бўлиб, унда яшайди, ўз ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарсани (ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик, озиқ-овқат, уй-жой, кийим-бош учун керак нарсаларни, саноат учун хом ашё ресурслари ва бошқаларни) табиатдан олади.

Лекин кишилик жамияти тараққиётида географик муҳитнинг ролини белгилашда бир-бирига қарама-қарши икки оқим — идеалистик ва диалектик-материалистик оқимлар мавжуд.

Идеалистик оқим намояндалари кишилик жамияти тараққиётида географик муҳит ҳал қилувчи, жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи асосий куч деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, кишиларнинг турмуши, ахлоқи ва ҳатто жамият тузиш формаси ҳам географик муҳитга боғлиқ эмиш. Кишилик жамияти тараққиётида географик муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди деган идеалистик назарияни географик детерминизм² деб айтилади.

¹ Народонаселение стран Мира, М., 1974.

² Детерминизм — латинча детерминс сўзидан олинган бўлиб, «ҳал қилувчи» деган маънони англатади.

Географик детерминизм намояндалари ўз назариялари орқали буржуа тузумини оқлаб, у гўёки географик муҳит заминида вужудга келган деб асослашга уринадилар. Аслида эса жамият тараққиётига нисбатан табиат, яъни географик муҳит жуда секин ўзгаради. Демак, секин ўзгарадиган географик муҳит тез тараққий этётган жамиятга таъсир этувчи асосий куч бўла олмайди. Масалан, Ўрта Осиё табиатида бир неча асрлар мобайнида катта ўзгаришлар бўлмаган тақдирда ҳам бу ўлкада кишилик жамияти бир неча бор ўзгарди. Бу эса географик муҳит кишилик жамияти тараққиётида ҳал қилувчи куч эмаслигидан далолат беради.

Диалектик-материализм фани географик муҳитнинг жамият тараққиётидаги ролига баҳо берар экан, географик муҳит жамият ривожланишида доимий ва зарурый шартлардан бири бўлиб, унинг тараққиётига таъсир этади, лекин жамиятнинг иқтисодий, сиёсий тузум характеристикини белгилай олмайди деб тушунтиради. Жамият тараққиётини белгиловчи асосий куч эса кишилар ҳаёти учун зарур бўлган тирикчилик воситаларини ишлаб чиқарувчи моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулидир.

Географик муҳит кишилик жамиятига таъсир этиб, унинг тараққиётини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Масалан, иқлим шароити қулай, тупроғи унумдор ерларда иқлими совуқ, тупроғи камунум тундрага нисбатан дехқончиликни ва бошқа тармоқларни яхшироқ ривожлантириш мумкин.

Шундай қилиб, жамият билан географик муҳитнинг ўзаро муносабатларини тўғри тушуниш жуда муҳим назарий аҳамиятга эгадир. Чунки ҳозир ҳам буржуа олимлари географик детерминизм назариясини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилиб, капиталистик тузумнинг зарарли иллатларини географик муҳитга (иқлимга, табиатнинг бошқа компонентларига) боғламоқдалар. Улар Африка, Жанубий Америка ва Осиёнинг жанубий қисмida яшайдиган халқларнинг ишлаб чиқарувчи кучлар қолоқлигини тропик миңтаقا шароитига тўнкамоқдалар. Аслида ўша халқлар қолоқлигининг асосий сабаби империализмнинг мустамлакачилик сиёсати эди. Чунки Осиё, Африка, Жанубий Америкадаги яқиндагина озодликка эришган баъзи халқларнинг экономикаси, маданияти қисқа вақт ичидан ривожланиб бормоқда. Бунга яқиндагина социалистик йўлга кирган Куба давлатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Демак, жамият тараққиётига географик муҳит таъсир этади, лекин у ҳал қилувчи куч эмас. Жамият тараққиётини белгиловчи асосий куч моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулидир.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш эса табиат ноз-неъматларидан (ресурсларидан) фойдаланиш билан боғлиқdir.

Географик муҳитга одамнинг таъсири. Юқорида қайд қилинганлардан маълумки, табиат ва инсон бир-бири билан узвий алоқададир. Лекин табиат билан инсон ўртасидаги муносабатлар, яъни инсоннинг табиатга (географик муҳитга) таъсири кишилик жамиятининг тараққиёт даражасига боғлиқ. Кишилик

жамияти тараққиётининг турли даврларида инсоннинг географик муҳитга таъсири ҳам турлича бўлган.

Ибтидоий даврларда одамлар ўзларини ўраб турган табиат сирларини билмас ва табиатга қарам эдилар. Йирик дарёлар улар учун енгиб бўлмас тўсиқ эди. Лекин фан ва техника тараққий этган сари, инсоннинг табиатга таъсири кучайиб, кишилар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдалана бошладилар. Чунончи дарёлардан транспортда, сугориш ишларида, шаҳар ва қишлоқларни, завод ва фабрикаларни сув билан таъминлашда, энергия олишда фойдаланилоқда.

Капиталистик жамиятда максимал фойда олиш мақсадида инсоннинг табиатга таъсири плансиз бўлиб, табиат бойликларини нес-нобуд қилишга қаратилгандир. Аксинча, социалистик жамиятда эса табиатдан бутун халқ фаровонлиги учун тўғри, планли, оқилона фойдаланилади ва баъзи табиий бойликлар қайта тикланади. Эндиликда инсон мураккаб техника билан қуролланиб, ер юзасигагина эмас, балки унинг анчагина чукур қатламларига ва ҳатто атмосферанинг энг юқори қисмларига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда планетамиз аҳолисининг географик муҳитга бўлган таъсири шу қадар кучайдики, натижада атмосфера, гидросфера, биосфера, литосферанинг дастлабки табиий ҳолати бирмунча ўзгарди.

Масалан, инсоннинг хўжалик фаолияти, яъни қўплаб завод-фабрикалар, транспорт, уй мўриларидан чиқадиган ҳар хил зарарли газлар туфайли атмосферанинг табиий ҳолати ўзгариб бормоқда. Киши соглиги учун заарли газлар ортиб, шаҳар ва қишлоқлар иқлими, бинобарин, планетамиз иқлими ўзгариб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ катта-катта саноатлашган шаҳарлар иқлими ёмонлашиб бормоқда. Масалан, АҚШнинг Лос-Анжелос шаҳрида қатнаб турган 3 млн. 750 минг автомобиль ҳар суткада ҳавога 10 минг т карбонат ангидрид, 2 минг т углеводород, 530 т азот оксиди чиқаради. Шу туфайли бу шаҳар кўчаларида кишининг нафас олиши қийинлашган. Нью-Йорк, Токио шаҳарларида ҳам ахвол ҳудди шундай, бу шаҳарларда ҳавонинг ифлосланишидан бир неча юзлаб кишилар заҳарланган ва касалланган. Бу мисолларнинг ҳаммаси инсоннинг табиатга кўрсатаётган салбий таъсири оқибатидир.

Кишилар гидросферанинг табиий ҳолатини ҳам ўзгартиб юбормоқда, шунингдек, биосферага таъсир этмоқда. Нотўғри ов қилиш натижасида дунёдаги ҳайвонларнинг 75 га яқин тури ва кенжা тури йўқ қилиб юборилмоқда. Мадагаскар түяқуши, Янги Зеландия моа қуши, зубр, бизон, ёввойи от (Пржевальский оти), кулон ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Эндиликда уларнинг баъзилари қўриқхоналарда кўпайтирилмоқда. Шу билан бир қаторда кишилар ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги тур ва навларини яратмоқдалар. Ҳозиргача кишилар товуқнинг 100, қўйнинг 250, отнинг 150, итнинг 350, йирик шохли моллар-

нинг 400 турини, картошка ва шолининг 2000, олманинг 10 000, буғдойнинг 30 000 навини яратганлар.

Инсон таъсирида Ер шаридаги ўрмонлар майдони 2 марта қисқарди. Англияда ўрмонлар майдони 20 марта камайди. Бельгия, Италияда ўрмонлар майдони 80—90% қисқарса, АҚШ да 50% қисқариб кетди. Ўрмонларнинг кесилиши ва ернинг но-тӯғри сугорилиши туфайли тупроқ эрозияси ҳам кескин кучайди. Ҳозир қуруқликдаги хўжаликка яроқли ерлардан 50 млн. га бутунлай ишдан чиқиб қолди.

Шундай қилиб, техника билан қуролланган инсон бугунги кунда географик муҳитга тобора кучли таъсир этиб, уни ўзгартириб юбормоқда. Бу эса салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Шунинг учун инсоннинг табиатга таъсирини тартибга солиш, уни планли, оқилона олиб бориш бугунги кунда оламшумул аҳамиятга эга бўлган проблемадир. Инсоннинг табиатга таъсири тартибга солинмас экан. Ер шаридаги табиий ресурслар тобора камайди ва ниҳоят бутунлай тугаб, табиат қашшоқлашиб боради.

СССРда ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА ҮЗГАРТИШ

СССРда халқларнинг тобора усиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондиришда Ватанимизнинг бой ва хилма-хил табиий ресурсларидан планли, оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга: ҳар куни истеъмол қиладиган озиқ-овқат, кийим-кечак, буюм ва предметлар, уй-жойлар — булар ҳаммаси инсон меҳнати туфайли табиий ресурслардан олинади.

СССРда табиий ресурслар хилма-хил бўлиб, уларни қўйида-ти уч турга бўлиш мумкин:


1. Қанча фойдаланилса ҳам тугамайдиган, лекин табиий ҳолати бузилиб қоладиган табиий ресурслар — атмосфера, сувлар.

2. Фойдаланиш натижасида миқдори тугайдиган ва қайта тиклаш мумкин бўлмаган табиий ресурслар — қазилма бойликлар.

3. Нотўғри, плансиз фойдаланиш туфайли камайиб, хўжалик оборотидан чиқиб қоладиган, лекин қайта тиклаш мумкин бўлган табиий ресурслар — тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонлар (57-расм).

Биринчи типга кирадиган ресурслардан иқлим, космик ресурслар ва сувлар — маҳаллий сувлардан ташқари қанча фойдаланса-да, уларнинг миқдори тугамайди, лекин нотўғри фойдаланиш натижасида улар ифлосланиб, табиий ҳолати ўзгарамади. Кейинги 100 йил мобайнида саноат обьектларидан, транспорт воситаларидан, уй мўриларидан атмосферага 360—400 млрд. т чамаси карбонат ангидрид гази ва жуда кўп миқдорда майдадар заррачалар чиқарилган бўлиб, ҳаводаги ўша газ миқдори ўртача 13% ошган. Шу сабабли планетамиз, жумладан, СССР ҳавосини тоза сақлаш учун саноат корхоналари қошида маҳсус

Табиий ресурслар



57-расм. Табиий ресурслар ва уларнинг турлари

цехлар қуриб чиқаётган заңарли газларни ва майды заррачаларни ушлаб, заарсизлантириб, қайта фойдаланиш процессини жорий қилиш керак.

1984 йилги маълумотга кўра СССРда саноат корхоналаридан атмосферага чиқаётган заарарли моддаларнинг 75% и заарсизлантирилди. Бу курслаткич Эстония ССРДа 93%, Қозоғистон, Қирғизистон ва Молдавияда 82%, Ўзбекистонда 65% ни, Озарбайжонда эса 50% ни ташкил этди.

Дарё сувларини тоза сақлаш ниҳоятда муҳимдир. Чунки чук сув фақат кишиларнинг эҳтиёжини қондиришдан ташқари, сугориш учун, ўсимликлар учун, завод ва фабрика учун ҳам зарур. Лекин сўнгги йилларда дунёда, жумладан, СССРда саноат обьектларининг, шаҳарларнинг кўпайиши, ўз навбатида, кўплаб ифлос сувларнинг вужудга келишига ва дарё сувларининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирнинг ўзида СССРда ҳар йили 300 куб. км га яқин чучук сув қишлоқ хўжалиги, саноат, коммунал хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланмоқда. Лекин истеъмолдан чиққан ифлос сувларнинг бир қисми эса ҳозирча дарё сувларига қўшиб юборилмоқда. Натижада дарё сувининг химиявий таркибини ўзгартиб бормоқда, бу эса қимматли баълиқларнинг ҳалок бўлишига олиб келмоқда. Бундай ҳодиса Волга, Днепр, Дон, Чирчиқ каби саноат марказлари кўп бўлган районлардан ўтадиган дарёларда содир бўлмоқда.

Дарё сувларини тоза сақлаш учун оқова — ифлос сувларни тозаловчи иншоотлар қуриш, сувдан берк, айланма, кооперативлашган ҳолда фойдаланишга ўтиш ва улардан ерларни сугоришида фойдаланишига эришиш керак. Ҳозир СССРда ифлос — оқова сувлар билан 200 минг гектарга яқин ер сугорилмоқда. Натижада ҳар йили 0,5 км³ ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларидан чиқаётган ифлос сувни табиий ҳавзаларга ташлашга чек қўйилди. Бу ишлар айниқса РСФСРда, Қозоғистонда, Литвада яхши йўлга қўйилган.

Иккинчи гурӯхга кирадиган табиий ресурслар — қазилма бойликларни қайта тиклаш мумкин эмас. Лекин улардан рацонал, планли фойдаланиш керак. Бунга Оҳангарон кўмир конини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу кўмирни қазиб олгач, қайта тиклаб бўлмайди. Кўмирдан рацонал фойдаланиш мақсадида унинг бир қисми ер остида газга айлантирилмоқда, шу асосда Ангрен ГРЭСи ишлаб турибди.

Ниҳоят, учинчи табиий ресурсларга тупроқлар, ўсимлик, ҳайвонлар кириб, табиатни қўриқлашнинг асосий обьектлари ҳисобланади. Чунки тупроқ унумсизланиб қолса, уни унумдор қилиш мумкин, камайиб қолган ўсимлик ва ҳайвон турларини қайта кўпайтириш мумкин.

СССРда ўрмонлар, ўтлоқлар, даштлар ва чўллар ўрнида 240 млн. гектар ерни ҳайдаб, экинзор барпо қилинган. Бу эса тупроқ ҳолатига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсир этди. Кишилар маълум территорияни ўзлаштираётганда, баъзан илғор агротехника қоидаларига риоя қилмайдилар, ўрмонларни

нотұғри кесиб, ерларни нотұғри ҳайдайдилар. Натижада шамолнинг кучи ошади, вақтли сувлардан вужудга келган жүйклардан жарлар ҳосил бўлади ва тупроқлар ювилиб кетади. СССРда ҳар йили 100—150 минг га ер сув ва шамол эрозияси натижасида қишлоқ хўжалик оборотидан чиқмоқда.

Шунинг учун ҳозир СССРда тупроқ эрозиясига қарши кенг кўламда иш олиб борилмоқда, яъни қиароқ ён бағирларни кўндалангига ҳайдаш ва кўп йиллик экин экиш, жарлар ёқасига дараҳтлар экиш, шамолнинг кучини кесиш, намни сақлаб қолиш учун ихота дараҳтлар полосасини ташкил этиш керак.

1984 йили СССРда эрозияга қарши 27 минг гектар иҳота ўрмонлари, 3 минг гектар ёнбағирларга террасасимон ўрмонлар ташкил этилди. Шунингдек колхоз ва совхозлар ўз кучлари билан жар ёқаларига, қум босишга қарши, яйлов сифатини яхшилаш мақсадида 107 минг гектар ерга ҳар хил дараҳтлар ўтқазди. 153,1 минг гектар майдон рекультивация қилиниб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Бу ишлар учун йилига 162 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ўрмонлар тупроқ эрозиясининг кучини сусайтиради, шифобахш кўркам манзараларни вужудга келтириб, қишиларда эстетик завқ турғиди. СССРда ўрмонлардан планли, пропорционал равишда фойдаланилади. СССР ўрмон запаси жиҳатидан дунёда биринчи ўринда бўлиб, ҳар йили 2 млн. гектар ўрмон кесилади. Унинг ўрнига 1,5 млн. га янги ўрмонлар бунёд этилади, қолган 0,5 млн. га эса табиий ҳолда ўсиб чиқади.

Сўнгти йилларда Ватанимизда эрозия процесси кучли бўлган тоғ олдиларида, ўрмонли дашт, дашт зоналарида, қумлар кўчиб юрадиган чўл зонасининг воҳалари атрофида янги ўрмонлар полосалари ташкил этилмоқда. СССРда фақат ўсимликлардан рационал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан чекланмай, тури ва сони камайиб кетаётган жониворларни ҳам кўпайтиш ва муҳофаза қилишга ҳам жуда катта аҳамият берилмоқда.

Фан ва техника билан қуролланган инсон ҳозир табиатга кучли таъсир этиб, унинг табиий ҳолатини тезкорлик билан ўзгартиromoқда. Қисқа вақт ичиде қишилар гигант сув омборлари, каналлар, тўғонлар, кучли насос станциялари қуриб, қаҳраб ётган чўл ва даштларга сув чиқармоқдалар. Мирзачўл, Қарши, Қорақум чўлларининг ўзлаштирилиши бунга яққол мисолдир. Қишилар гигант ГЭС лар ва атом электр станциялари, товушдан тез учар реактив транспорт турлари, атом муз ёрар кемалари яратдилар. Ракеталар, космик кемалар, Ернинг сунъий ўйлдошлари ёрдамида инсон космос сирларини очишга киришиди. Халқ фаровонлиги учун табиатни ўзгартиш керак, лекин табиатниң барча элементларининг бузилишига йўл қўймаслик зарур. Шундагина табиатда амалга оширилаётган ўзгартиш ишлари (ўрмон полосалари ташкил қилиш, ботқоқлик, заҳкаш ерларни қуритиш ва ҳ. к.) инсоният учун наф келтиради. Акс ҳолда табиат элементларининг дастлабки ҳолатида кескин ўз-

гаришлар содир булиб (ҳаво, сувнинг ифлосланиши, тупроқнинг эрозияга учраши, баъзи ўсимлик ва ҳайвон турларининг йўқ булиб кетиши), инсон учун заарли оқибатлар келиб чиқади.

СССРда табиатга таъсир этиб, уни ўзгартиш ишлари табиатни муҳофаза қилиш билан бирга амалга оширилмоқда. СССРда бу масалага партия ва ҳукуматимиз алоҳида эътибор берид, қатор қарорлар чиқарган. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1960 йили «СССРда сувдан фойдаланишини тартиба солиши ва сув ресурсларини муҳофаза қилишини кучайтириш» ҳақида, 1967 йили «Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлашнинг энг муҳим тадбирлари» ҳақида, 1973 йили «Табиатни муҳофаза қилишини кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишини яхшилаш» ҳақида маҳсус қарорлар қабул қилди. Шунингдек, 1968 йили «СССР ва иттифоқдош республикаларнинг Ер қонунлари асослари» ва 1977 йили «СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон қонунлари Асослари» ҳақида қарор қабул қилинди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1978 йили декабрда «Табиатни муҳофаза қилишини кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қонун ва қарорларда Ватанимиз табиатни қўриқлаш; сувни, атмосферани тоза сақлаш; қазилма бойликлардан планли, рационал фойдаланиш; тупроқнинг ювилишига, унумсиз булиб қолишига қарши кураш; ҳар бир географик зоналарнинг характерли манзараларини ёки ўсимлик, ҳайвонотини табиий ҳолича сақлаб қолиш, қўриқхоналар ташкил қилиш; ўрмонларнинг нес-нобуд қилинишига йўл қўймаслик; кучатлар ўтқазиш; дам олиш, курорт, туризм учун қўлай бўлган ерларни қўриқлаш ва бошқа тадбир-чоралар кўриш уқтириб ўтилган.

СССРда табиатни қўриқлаш соҳасида қилинаётган барча ишлар СССР Конституциясининг 18- моддасида кўрсатилган «СССРда ҳозирги ва келажак авлодларнинг манбаатларини кўзлаб: ер ва ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва улардан илмий асосда оқилюна фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришини таъминлаш ва инсоннинг атроф-муҳитини яхшилаш учун зарур чоралар қўрилади» деган сўзларнинг амалда бажарилаётганлигини кўрсатади.

Ватанимиз табиатини муҳофаза қилишда қўриқхоналар муҳим роль ўйнайди. Чунки қўриқхоналарда маълум зонага хос бўлган табиий манзараларни, ундаги тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни табиий ҳолича сақлайди, уларни кўпайтиради.

В. И. Ленин 1918 йилдаёқ қуриқхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор берган. В. И. Ленин 1918 йили ўрмонлар тўғрисидаги декретга, 1919 йили Астрахань қўриқхонасини ташкил этиш тўғрисидаги, 1920 йили эса Ильмень минералогия қўриқхонасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорларга имзо чеккан.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида СССРда 122 га яқин қўриқхона, жумладан, Ўзбекистонда 11 та қўриқхона ташкил этилган.

Арктика тундрасидаги «қўш бозорлари»ни табиий ҳолича сақлаш мақсадида Баренц денгизи оролларида «Етти орол» қўриқхонаси, тоғ тундра ландшафти ва буғуларни табиий ҳолича муҳофаза қилиш учун Кола ярим оролида «Лапландия» қўриқхонаси ташкил этилган. Камайиб кетган зубр ҳайвонини муҳофаза қилиш учун ўрмон зонаси Неман, Буг ва Припять дарёлари орасида «Беловежская пушча» қўриқхонаси ташкил этилган.

Дашт зonasининг табиий манзараси ва унда яшовчи қимматбаҳо мўйнали қундуз (бобр)ни қўриқлаш учун «Воронеж» қўриқхонаси, чўл зонасидаги қум ландшафти ва у ердаги органик дунёни табиий ҳолда сақлаш учун эса Туркманистанда «Рапатак» қўриқхонаси ташкил этилган. Пермь обlastida эса ерости горидаги муз сумалакларини муҳофаза қилиш учун «Кунгур» қўриқхонаси мавжуд.

Камчатка ярим оролида сўнмаган вулканлар, гейзерлар ва иссиқ булоқларни ҳамда ўша ердаги ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаш мақсадида «Кроноцки» қўриқхонаси ташкил этилган. Бу қўриқхонада 12 вулкан, 22 гейзер мавжуд бўлиб, «Великан» гейзери ҳар 2 соату 50 минутда отилиб, ўз сувини 50 м баландликка ирғитади.

Ўрта Осиёдаги «Борсакелмас» (Орол денгизида) қўриқхонаси жайрон, сайфоқ ва қулонларни муҳофаза қилади ва кўпайтиради. Тоҷикистондаги «Паҳлавон тўқай» қўриқхонаси эса тўқай буғусини муҳофаза қилади.

Туркманистандаги «Эсен қули» қўриқхонаси турли қушларни муҳофаза қилса, «Оқсув-Жабағли» қўриқхонаси Тяншань тоғлари ландшафтини ва архар, тоғ эчкиси ва суғурни муҳофаза қилади. Ўзбекистондаги «Зомин» тоғ-ўрмон қўриқхонаси арчани, Туркманистандаги «Бодхиз» қўриқхонаси чўл ландшафтини ва пистазорларни, Ўзбекистондаги «Қизил-қум» қўриқхонаси чўлтўқай ландшафти ва у ердаги фауна ҳам флорани, «Бадайтўқай» қўриқхонаси тўқай ландшафти ва у ердаги flora ва фаунани муҳофаза қилади.

СССР табиатининг хушманзара ерларини, зоти ва тури камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларни қўриқлаш ва кўпайтириш жуда катта илмий, амалий ва умуммаданий аҳамиятга эга. Чунки академик А. Н. Несмеянов айтганидек, «Эндилика инсоннинг асрий орзуларини рӯёбга чиқариш даври келди, у ердан ташқарига — космоснинг сирли дунёси сари одим ота бошлади. Бироқ, бу нарса планетамиз табиатини муҳофаза қилиш юзасидан олиб борилётган ишларнинг аҳамиятини сира пасайтирумайди. Ҳамма вақт биз учун ҳам, келгуси авлодларимиз учун ҳам Ерда яшашга тўғри келади, шундай экан, унинг табиатини асрash ва севиш лозим».

Савол ва топшириқлар. 1. Ер шаридаги одамнинг пайдо булиши ҳақида нималарни биласиз? Энг қадимий аждодларимиз яшаган жойларни билib, контур картага туширинг. 2. Дунё аҳолиси қандай белгиларига (аломатларига) қараб ирқларга бўлинади? 3. Дарсликдаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, дунё аҳолисининг 2000-йилгача материклар бўйича ўсиш диаграммасини ишланг. Нима учун Осиё ва Африка аҳолиси тез усаётганлигини билиб олинг. 4. Қишилик жамияти тараққиетида географик мұхитнинг роли нималардан иборат? 5. Инсон ўзининг хўжалик фаолияти таъсирида географик мұхиттага қандай салбий таъсир этмоқда? 6. Табиий ресурс деганда нималарни тушунасиз? СССРда табиатни муҳофаза қилиб, қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни тушунтириб беринг.

XI боб

ЎЛКАШУНОСЛИК

Ўлкашуносликнинг вазифаси ва мазмuni. Ўлкашунослик — Ватанимизнинг маълум бир қисмини (область, республика) маҳаллий аҳоли иштирокида ҳар томонлама комплекс ҳолда ўрганишdir.

Маълум ўлканинг (республиканинг) табиий шароитлари, аҳолиси, хўжалиги, маданияти, санъати, алоқа йўллари ва алока воситалари ўлкашуносликнинг обьекти ҳисобланади. Шунуктаи назардан қараганда, ўлкашуносликни мустақил фан деб бўлмайди. Чунки, у жуда кўп фанларга (география, тарих, этнография, биология, геология ва бошқаларга) тааллуқли масалалар билан шуғулланади. Демак, ўлкашунослик фанлар комплекси ҳисобланаб, мазмuni ва текшириш услуби жиҳатидан ҳар хил бўлса-да, лекин умумий йўналиши жиҳатидан ўзи яшаб турган республика ёки областни ҳар томонлама илмий равишда ўрганишга қаратилгандир.

Ўлкашунослик билан географлар, ботаниклар, тарихчилар, адабиётшунослар, санъатшунослар ва бошқалар ҳам шуғулланади. Шунга кура, ўлкашунослик географик, биологик, тарихий, адабий каби турларга бўлинади. Лекин уларнинг биронтаси ҳам географик ўлкашуносликдек эффектив текшириш методига эга эмас. Географик ўлкашуносликнинг ўрганиш обьекти ва текшириш методи география фанининг текшириш обьекти ва методига ўхшашибди. Шу сабабли географик ўлкашуносликнинг вазифаси ҳам ўз ўлкасини (Ватанини) ҳар томонлама комплекс ҳолда таҳлил қилиб, ўрганишдан иборатдир. Географик ўлкашунослик терминининг ўзи ҳам «она ўлка» тушунчасини англатиб, ўша территорияни ҳар томонлама ўрганиш маъносини билдиради. Шунга асосланиб, А. С. Барков ўлкашунослик — бу «кенжа география», аниқроги «кенжа мамлакатшунослик»дир деб ёзган эди.

Ўлкашунослик ўз олдига қўйган вазифаси, мазмuni ва ташкил этилиш шаклига кўра давлат, жамоат, мактаб ўлкашунослиги деб уч қисмга бўлинади.

Область ёки республикани ўша ердаги музей, маҳаллий совет ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотларининг кучи билан ўрга-

ниш давлат ўлкашунослиги дейилади. Ўлкани ўрганишда ихтиёрий равишда халқ оммаси, туристлар, касаба союз ташкилотлари қатнашади. Буни жамоат ўлкашунослиги дейилади.

Мактаб ўлкашунослигида эса ўзи яшаб турган територияни ўрганишда асосий вазифани ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар бажаради.

Мактаб ўлкашунослиги ўқув-тарбия ишларини яхшилаш мақсадида ўз ўлкасининг маълум қисмини турли хил адабиётлар ёрдамида ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида олиб борган кузатишлар асосида ҳар томонлама ўрганишни назарда тутади. Бунда ўқувчилар ўз ўлкаси материаллари мисолида географик жараёнларнинг моҳиятини яхши тушунади ва географик қонуниятларни конкрет ҳаётий мисоллар асосида пухта билиб олади. Демак, мактаб ўлкашунослигининг асосий мақсади география дарсларида таниш материаллар асосида бу фан қонуниятларини ўқувчиларга яхши тушунтиришдан иборат. Шу сабабли мактаб ўлкашунослигининг ажралмас қисми — ўқув ўлкашунослиги ҳисобланади. Ўқув ўлкашунослигининг мазмуни ва характеристини ўқув программаси белгилаб беради. Ўқув ўлкашунослигининг иккита асосий вазифаси бор:

1) ўзи яшаб турган жойни шахсий кузатишлар асосида, тўпланган ўлкашунослик материалларига таяниб, ҳар томонлама ўрганиш;

2) ўша тўпланган маҳаллий материаллардан дарс жараёнида фойдаланиш.

География дарсларида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш «маълумдан номаълумга», «яқиндан-узоққа» деган дидактик принципга жуда мос келади. Чунки ўзи яшаб турган ўлканинг табиати, унинг ривожланиш қонуниятлари, аҳолиси, ҳужалиги ва ривожланиш тарихини ҳамда маданиятини билмасдан туриб, она Ватанимиз — СССР ва чет давлатларнинг табиий ва иқтисодий географик тушунчаларини билиш жуда қийин. Ўқув процессида ўлкашунослик принципи қўлланилса, у ҳолда ўқувчиларга планетамизда содир бўлаётган географик қонуниятларининг моҳиятини тушуниш осон. Ўқишида ўлкашунослик принципини қўллаш орқали ўқувчиларда ҳаётий кўнилмалар ҳосил қиласиз, ўлка табиатини муҳофаза қилишга ўргатамиз, уларга эстетик, ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбия берамиз ва оқибатда ўқувчилар она юрти, яъни Ўзбекистон табиатининг гўзал томонларини кўра оладиган бўладилар.

ЎЗБЕҚИСТОН ССРнинг ГЕОГРАФИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши. Ўзбекистон ССР Ватанимиздаги 15 та тенг ҳуқуқли иттифоқдош республикалардан биридир.

Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ғалабаси натижасида барча халқлар ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқига

эга булдилар. 1917 йили ноябрь ойида үлка Советининг III съезди бўлиб, унда бутун ҳокимият ишчи, солдат ва дәҳқон депутатлари Совети қулига ўтганлиги эълон қилинди ва Туркистон үлка Халқ Комиссарлари Советини тузди.

1918 йил 30 апрелда Үлка Советининг V съездиде РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. 1920 йил февраль ойида Хива хонлиги, шу йили сентябрда Бухоро амирилиги афдариб ташланди ва Хоразм ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикалари тузилди.

Ўрта Осиёда ташкил топган Туркистон АССР, Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари ҳали на ўзбекнинг, на тоҷикнинг, на қирғизнинг ва на туркманинг миллый республикаси эмас эди. Чунки у республикаларда барча халқлар яшар эди. Масалан, ўзбекларнинг 66,5% и Бухоро амирилигига қарашли, 11,3% и Хива хонлигига тегишли территорияларда яшар эди. Шу сабабли Ўрта Осиёда яшовчи миллатларнинг ўз миллый маъмурий бирликларига эга бўлишлари учун большевиклар партияси ва Совет ҳукумати тинмай тайёргарлик ишларини олиб борди. 1924 йилга келганда Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг барча соҳасида (социал-иқтисодий ва маданий соҳада) маълум муваффақиятларга эришилди ва миллий давлат чегаралари ўтказиш учун шарт-шароитлар вужудга келди. Шулар ҳисобга олиниб, 1924 йил 27 октябрда СССР Марказий Ижроия Комитетининг II сессиясида Ўрта Осиё халқларининг ҳоҳишига кўра миллий давлат чегараларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Натижада Ўзбекистон ва Туркманистон Совет Социалистик Республикалари, сўнгра Ўзбекистон ССР таркибида Тоҷикистон АССР, РСФСР таркибида Қирғизистон АССР, Қозоғистон таркибида эса Қорақалпоғистон автоном области тузилди.

1929 йилга келиб Тоҷикистон АССР, 1936 йили Қирғизистон АССР иттифоқдош Совет Социалистик республикаларига айлантирилди. 1932 йили Қорақалпоғистон РСФСР таркибидағи АССРга айлантирилди ва 1936 йилга келиб, у Ўзбекистон ССР таркибиға киритилди.

Шундай қилиб, Совет давлати тузуми туфайли ва партия-мизнинг доно раҳбарлигида ўзбек халқи социалистик миллат бўлиб ташкил топди ва ўз ягона миллий давлати — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига эга бўлди.

Географик ўрни ва чегараларини. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ўрта Осиёнинг марказий қисмida бўлиб, асосан Амударё билан Сирдарё орасида жойлашган. У жануби-шарқдан Тоҷикистон ССР, шарқдан Қирғизистон ССР, шимолдан ва шимоли-ғарбдан Қозоғистон ССР, жануби-ғарбдан эса Туркманистон ССР билан чегарадош. Жанубда Ўзбекистон ССР торгина Сурхон-Шеробод водийсида Афғонистон Республикаси билан чегараланди. Бу ерда Афғонистон — СССР чегараси Амударё орқали ўтади.

Ўзбекистон ССР (Қорақалпоғистон АССР билан бирга) $37^{\circ} 11'$ ва $45^{\circ} 35'$ шимолий кенгилклар билан $56^{\circ} 00'$ — $73^{\circ} 10'$ шарқий узунликлар орасидадир. Республика территориясининг контури нотўғри шаклга эга бўлиб, жануби-шарқдан шимоли-ғарбга чўзилган. Ўзбекистон территорияси шимолдан жанубга 925 км, ғарбдан шарқга эса 1400 км га чўзилган. Республика майдони 447,4 минг кв. км бўлиб, катталиги жиҳатидан Итифоқда РСФСР, Қозогистон, Украина ва Туркманистандан кейин бешинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг ер майдони Норвегия, Финляндия, Буюк Британия ва Италия каби капиталистик давлатлар территориясидан катта. Ўзбекистон Бельгия, Голландия ва Дания каби давлатларниң территориияларини қўшиб ҳисобласак ҳам улардан 4 марта зиёддир.

Ўзбекистон ССРнинг географик ўрни жуда қулай. Чунки унинг территорияси Ўрта Осиёнинг марказидаги табиий шароити қулай ва ресурсларга жуда бой бўлган ерларни ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг кўп қисмининг текисликтан иборат бўлиши ҳамда серунум воҳаларнинг (Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Оҳангарон, Қуи Амударё ва бошқаларнинг) мавжудлиги республика экономикасининг ривожланишига қулай шароит яратиб берган.

Ўзбекистон ССР ер усти тузилиши жиҳатидан Тожикистон ва Қирғизистон республикаларидан кескин фарқланади. Ўзбекистон территориясининг кўп (71%) қисмини дехқончилик учун қулай водийлар ва тоғ олди текисликлари ишғол қиласди. Текислик ерларининг кўп бўлиши ва бу ерлардан Сирдарё, Зарафшон, Амударё, Сангзор ва бошқа дарёларнинг оқиб ўтиши, иқлимининг қулайлиги, дехқончиликнинг ва айниқса пахтачиликнинг қадимдан ривожланишига имкон берган.

Ўзбекистон ССРнинг табиий шароити, иссиқсевар ўсимликлар — пахта, луб экинлари, узум ва бошқа ширин-шарбат меваҳаралар етишириш учун жуда қулайдир.

Ўзбекистон КПСС ва Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги остида ҳозирги кунда индустрисал, қишлоқ хўжалиги эса юқори даражада механизациялашган ва маданияти ривожланган республикага айланди. Ўзбекистон саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жиҳатидан фақат Ўрта Осиё иқтисодий районида эмас, балки СССР да етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозир Ўзбекистон пахта териш ва кўрак териш, кўрак чувиш, ер текислаш машиналари, пахта тозалаш ускуналари ишлаб чиқаради, пахта, каноп, жут, пилла, қоракўл тери етиширишда биринчи ўринда; йигириш машиналари ишлаб чиқаришда, электр куприк кранлари ишлаб чиқаришда иккинчи, табиий газ, ўсимлик мойи, ип-газлама, шойи газлама ишлаб чиқаришда ва шоли етиширишда эса учинчи ўриндадир.

Ўзбекистон хўжалиги Совет ҳокимияти даврида мисли кўрилмаган даражада тараққий этмоқда. Чор Россиясининг чекка қолоқ ўлкаси ҳисобланган Ўзбекистон ҳозир (1985 й.) 1940 или ишлаб чиқарган бутун саноат маҳсулотини 1,8 кунда ишлаб чи-

қармоқда. 1987 йили республикамиз бир кунда 150,0 млн. кВт соат энергия (буни 1940 йили 99 кунда ишлаб чиқарган), 22,0 минг т минерал үгит (1940 йилги даражага таққосласак 5500 кунда ишлаб берар эди), 71 трактор, 21 пахта териш машинаси, 184 уй-рұзғор холодильниги, 1233 т үсімлік мойи ишлаб чиқарган, 18,0 минг м³ турар жой құрган, 51,6 минг кишини темир йүлдә, 15,1 минг кишини самолётда, 7029,7 минг кишини автобусда ташиган ва 2,9 млн. нұсқада газета чоп этилган.

Ўзбекистон ССР маъмурий жиҳатдан ҳозир 11 область (Тошкент, Сирдарё, Жizzак, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Ҳоразм обlastлари) ва Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасидан иборат бўлиб, аҳолиси 20 млн. дан ортиқ. Ўзбекистон ССРнинг пойтакти Тошкент шаҳри. Үнда ҳозир 2,0 дан ортиқ аҳоли яшайди.

Рельефи. Ўзбекистон ССРнинг ер усти тузилиши турличадир. Бунда Турон текислигининг бир қисмини ишғол қылган Қизилқум, Қарши, Мирзачұл сингари чұллар билан бирга, унумдор Фарғона, Зарафшон, Чирчик, Оҳангарон, Қашқадарё, Сурхондарё водийлари ва Ҳоразм воҳаси ҳамда республика сув манбай ҳисобланған қор — музликлар билан қопланған тоғлар ҳам мавжудdir. Республика территориясининг 71% ини текисликлар, 17% ини адирлар ва 12% ини тоғлар ишғол қиласы. Текисликлар асосан Ўзбекистоннинг ғарбий қисмини ишғол қиласы. Турон текислигидаги Сариқамиш ботиғи океан сатқидан 39 м пастда туриб, бутун Ўзбекистоннинг энг паст жойи ҳисоблады¹.

Қизилқум Ўрта Осиёдаги энг катта чұллардан ҳисобланиб, Зарафшон водийсидан Орол дengизигача чўзилған, Қизилқум ер усти тузилишига кўра, ўр — қирлардан ва қум тепаларидан иборат.

Қизилқумнинг майдони 300 минг кв. км бўлиб, шимолий ва шимоли-шарқий қисми Қозогистонга, қолган қисми эса Ўзбекистонга қарайди. Ўзбекистон территориясида Қизилқум жануби-шарқдан шимоли-ғарбга, яъни Орол дengизи томонга пасайиб боради. Үнинг ўртасида баландлиги 200—300 м. Қизилқумнинг Нурота тоғ олди қисмida абсолют баландлиги 300 м бўлса, Орол дengизи бўйида атиги 54 м. Лекин Қизилқумда орол сингари кўтарилиб турган Қулжиқтоғ (784 м), Томдитоғ (888 м), Буқантоғ (758 м), Олтинтоғ, Овминзатоғ, Султан-Увайс (485 м) каби палеозой қолдиқ тоғлари ҳамда Мингбулоқ, Қорагота, Оёқ-офитма сингари ботиқлар ҳам бор.

Қизилқумнинг кўпчилик қисмida дўнг ва жуяксимон қум шакллари бўлиб, улар деярли меридиан бўйлаб чўзилған. Улар саксовул, жузун, юлғун, шувоқ, илоқ каби үсімліклар билан мустаҳкамланған. Аммо Қизилқумда үсімліклар билан мустаҳ-

¹ Зовур сувлари туфайли Сариқамиш ботиғининг энг паст ерлари сув билан тўлиб, Сариқамиш кўли вужудга келган.

камланган құмлар билан бирга, күчиб юрувчи барханлар ҳам бор. Барханлар күпроқ Томди воҳасининг шимолида, Қулжиқтогонинг ғарбидә, Амударё соҳилларида ва Қоракўл воҳасини жануби-ғарбини ўраб олган Сандиқли құмлигіда жойлашган. Ҳозирги кунларда күчиб юрадиган құмларни мустаҳкамлаш ва чорвачилик базасига айлантириш учун самолётда шувоқ, саксовул ва юлғун каби үсимлик уруғлари сепилмоқда.

Қизилқұмнинг марказий қисміда қатор ботиқ (Мингбулоқ — 18 м, Қорагота, Оёқофитма) жойлашган. Булар ичида энг кичиги Оёқофитма ботиғи бўлиб, узунлиги 40 км, эни 20 км. Бу ботиқлар ерости сувларига бой бўлиб, у ерларда бир қанча артезиан қудуқлари ковланган.

Амударё дельтаси Қизилқұмдан ўзига хос бўлган ландшафт билан ажralиб туради. Дельта асосан дарё олиб келган аллювиал ётқизиқлардан иборат. Амударё дельтасининг характерли томони шундан иборатки, бу районда қадимий дарё ўзанлари, кичик-кичик кўллар, ўнқир-чўнқир ерлари кўп, тўқайзорлар ҳам бор. Амударё дельтаси шимоли-ғарбга қараб бир оз қияроқдир: баландлиги жануби-шарқда 100—150 м бўлса, Орол денгизи соҳилларида атиги 50—60 м.

Амударё дельтасидан кейин рельеф шимоли-ғарбга қараб баландлашиб, Устюрт платосига қўшилиб кетади. Устюртнинг жануби-шарқий қисмигина Ўзбекистонга кириб, ер усти тузилишига кўра пастроқ (150—250 м) платодир. Устюртда айrim ботиқлар, ботқоқ босган ерлар мавжуд. Бундай ерларга платонинг жанубий қисмидаги Борсакелмас шўрхоги, Асакаводон ва Сариқамиш ботиқлари мисол бўла олади. Устюрт платосида ботиқлардан ташқари Сам, Осмонтой-Матой каби құмли ерлар ҳам мавжуд. Уларда дўнг ва бархан каби қум рельеф шакллари учрайди. Устюрт рельефининг яна бир характерли хусусияти унинг чекка қисмларида тикка жарликлар, яъни чинкларнинг мавжудлигидир. Айниқса, шарқий чинклари баланд бўлиб, Орол денгизидан кўтарилиб туради.

Қизилқұм жанубда Зарапшон водийсига бориб туташади. Лекин Қоракўл воҳасини жануби-ғарбий томондан ўраб олган Сандиқли құмлиги орқали чўл ландшафти жанубга қараб давом этади. Ҳозир Сандиқли құмлиги ҳам ўзлаштирилмоқда. Айниқса Аму — Қоракўл, Аму — Бухоро каналларининг қурилиши Сандиқли құмлигини ўзлаштириш ишларини тезлаштирди. Сандиқли құмлиги шимоли-шарққа баландлашиб боради ва Қарши чўлига туташади. Қарши Ўзбекистоннинг энг катта чўлларидан бири бўлиб, шаклига кўра учбурчакка ўхшайди. У жануби-ғарбдан шарққа ва шимоли-шарққа баландлашиб боради. Шу йуналишда унинг абсолют баландлиги 200—500 м орасида ўзгаради. Чўл асосан аллювиал, пролювиал ётқизиқлар билан тўлдирилган бўлиб, устида бўз тупроқ ҳосил бўлган. Шунинг учун у сув билан таъминланса, жуда яхши ҳосил беради. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, Қарши чўлида сугоришга яроқли 1700 минг гектар ер бор, Қарши чўли ер юзасининг тузилиши бир хил

бұлмай, ұнқир-чұнқир ерлардан иборат. Паст жойларда эса шұрхоклар, тақирилар, ботқоқлашған ерлар вужуда келган.

Қарши чүлида жучли эрозия процессиға дучор бұлиб пасайыб қолған Құнғиртог (671 м), Косонтоғ, Маймөктоғ (500 м), Оловиддинтоғ (455 м) каби қолдиқ тоғлар ва шарқида эса Жарқоқ (397 м), Денгизқұл (350 м) сингари платолар мавжуд.

Қарши чүлиниң атрофида кичик чүллар бор, уларнинг энг муҳимлари Қарши чүлиниң жанубидаги Нишон, шимоли ва шимоли-шарқидаги Қарноп, Малик чүлларидир. Бу чүллар ҳозир үзластирилмоқда, Қарши чүли шимоли-шарққа томон баландлашиб боради ҳамда унумдор Шахрисабз — Китоб воҳаси билан тулашиб кетади. Бу воҳанинг абсолют баландлиги 500—700 м бұлиб, атрофи тоғлар билан үралған. Қарши чүлиниң шимолида эса уни Зарафшон водийсидан ажратиб турған паст Зиёвиддин ва Зирабулоқ тоғлари үрнашған.

Зарафшон водийси Туркистан, Нурота ва Зарафшон тоғлари орасида жойлашған. У деярли кенглик бүйлаб шарқданғарбға 766 км құзилған ва шу йұналиш бүйлаб пасая боради. Зарафшон водийсінинг юқори қисми тор ва чуқур бұлиб, Тожикистан ССРга қарайди. Үзбекистонға унинг 370 км масофадаги үрта ва қуий қисми киради. Бу қисмда водийнинг баландлиги шарқда 900 м дан (1 Май тұғони яқинида), ғарбда 180 м га (Абумуслим қишлоғи) тулашиб қолади.

Зарафшон водийси марказий қисмидан ҳар иккала томонға, яъни шимол ва жанубға борған сари баландлашади. Ниҳоят, жанубға Зиёвиддин-Зирабулоқ, Қоратепа тоғларига, шимолда эса Қоратоғ, Оқтоғ, Қароқчытоғ ва Ғубдуң тоғлари жойлашған. Зарафшон водийси шимолдаги Нурота-Оқтоғ тоғлари орқали Мирзачұлдан ажралиб туради. Мирзачұл нотұғри учбурчак шаклиға эга бұлиб, Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашған гилли чүлдір. У Жанубда Туркистан тизмасининг ғарбий тармоқлари билан үралып, ғарбда аста-секин Қизилқұмға тулашиб кетади. Шарқда эса у Сирдарё водийси орқали Чирчиқ-Оҳангарон водийси ва Дағварзин чүлидан ажралиб туради. Мирзачұл ер усти тузилишиға күра текисликдан иборат бұлиб, ғарбға ва шимоли-ғарбға нишабдир. Унинг абсолют баландлиги жануби-шарқда 370—380 м бұлса, ғарбдаги Арнасой-Тузкон-Айдар күллар системаси атрофида 230 м. Мирзачұл рельефи текисликдан иборат бұлиб, унда 3—15 м келадиган чуқурликлар, үрқирилар ҳам учрайди. Ана шундай паст ерларда (Сардоба, Жетисой, Еғочота, Шұрұзак, Айдар, Тузкон, Арнасой ва б.) шұрхоклар, ботқоқ шұр босған ерлар вужуда келган¹.

Мирзачұл шарқда тор (кенглиги 8—10 км) Хұжанд дарвоздаси орқали Фарғона водийси билан тулашиб туради. Фарғона водийси тектоник ботиқда жойлашиб, шаклиға күра, тухум ёки данакка үшайди. Унинг шарқдан ғарбға томон узунилиги 370 км,

¹ Айдар, Тузкон, Арнасой шұрхоклари үрида ташландық ва коллектор-дренаж сувлари туфайлы ҳозир күллар вужуда келган.

шимолдан жанубга томон кенглиги бир хил бўлмай, ўртача 80—100 км, энг кенг ери (Эски Новқат-Афлотун қишлоқлари орасида) 190 км.

Фарғона водийси ер усти тузилишига кўра атрофдан ўрта қисмига томон пасая боради. Агар водийнинг атрофини ўраб турган адирларнинг баландлиги 600—1200 м бўлса, марказий қисмининг баландлиги 393—500 м. Фарғона водийси шарқдан (500 м) гарбга (320 м) қараб ҳам пасаяди. Фарғона водийси рельефининг атрофдан ўрта қисмига томон ўзгариши, экинларнинг жойлашишига ҳам таъсир қилган. Адирларда табиий шароитнинг ноқулайлиги, яъни атрофдаги тоғлардан емирилиб тушган шағал, тошлар рельефнинг ўр-қир бўлиши, сугориб дехқончилик қилишни қийинлаштиради. Адир этагидаги унумдор бўз тўпроқли ерлар ўзлаштирилиб, пахта далаларига айлантирилган. Водийнинг марказий қисмida Қорақалпоқ ва Ёзёвон чўллари бўлиб, уларда кучма қумликлар мавжуд.

Мирзачўл шимоли-шарққа борган сари баландлашиб боради ва Далварzin чўлига ҳамда Чирчиқ-Оҳангарон водийсига қўшилиб кетади. Сирдарё уларни бир-биридан ажратиб туради. Далварzin чўли Сирдарёнинг ўнг террасаларида жойлашиб, рельефига кўра тўлқинсимон текисликдир. У Шарққа баландлаша бориб, Муғултоф, Қурама тоғларига туташади.

Далварzin чўли шимоли-шарққа томон давом этади ва Чирчиқ — Оҳангарон водийсига туташади. Бу водий атрофи тоғлардан иборат бўлиб, қўйи томонга пасая боради: Чирчиқ водийсининг Чорвоқ яқинида 1000 м бўлса, Бўзсув яқинида 473 м, Чинозда эса 278 м.

Оҳангарон водийси юқори қисмida тор ва чуқур бўлиб, ўрта оқимида бир оз кенгаяди ва кенг террасалар ҳосил қиласди. Ана шу қисмida республикани ёқилғи билан таъминлаб турган Оҳангарон кўмир ҳавзаси жойлашган. Ниҳоят, қўйи қисмida Оҳангарон водийси жуда кенгаяди ва Чирчиқ водийси билан қўшилиб кетади.

Республикамиздаги тоғлар Тяньшань ва Олой тоғ системасининг гарбий ва жануби-гарбий давомидир. Бу икки тоғ системаси орасидаги табиий чегара эса Фарғона водийси ҳисобланади.

Ўзбекистон территориясидаги тоғлар Тожикистон ва Қирғизистондаги тизмаларга нисбатан паст бўлиб, баландлиги 450—500 м дан 4600 м гача боради. Тоғларни дарёлар ўйиб, айrim жойларда чуқур ва тор водийлар ҳосил қиласган.

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқидаги Талас Олатогидан ажралиб чиққан Чотқол, Писком, Угом, Қоржонтоғ, Қурама ва Муғултоғ гарбий Тяньшань деб юритилади. Булар ичida энг баланди Талас Олатоги бўлиб, унинг фақат жануби-гарбий қисми республикамизга қарайди. Бу ерда унинг баландлиги 3000—3500 м га етади. Талас Олатоги Қирғизистон Олатогидан Туюшув (3586 м) довони яқинида Талас дарёсининг юқори оқими орқали ажралади. У Үтмак (3330 м) довонигача жануби-

ғарбга, сұнгра эса ғарбга йұналған. Талас Олатогининг күп чүқілари доимий қор чегарасидан юқорида туради.

Талас Олатогининг Үзбекистонға қарайдиган қисміда (Майдонтол довони билан Сандалаш дарёсининг юқори оқимигача бұлған жойларда) ги әнг баланд чүқікі Манас чүқісі (4488 м) дир. Талас Олатоги асимметрик тузилған бұлиб, шимол томондаги тармоқлари у қадар катта әмас. Аксинча, жанубға томон үндан Қоржонтоғ, Үгом, Писком, Құксу қаби тизмалар ажралиб чиқади. Бу тизмалар бир-бирларидан Үгом, Писком, Құксу, Чотқол қаби дарё водийлари орқали ажралған.

Бу тизмаларнинг әнг ғарбда Қоржонтоғ жойлашиб, жануби-ғарбға йұналған ва Үгом тизмасидан Үгом дарёси орқали ажралиб туради. Тоғ асимметрик тузилған, шимоли-ғарбий ёнбағри ётиқ ва кенг, жануби-шарқий ёнбағри эса тор ва тик. Тизма анча емирилған бұлиб, қояли, қирралы чүқілар жуда кам. Үртача баландлиги 2000 м, айрим чүқілари 2500—2800 м га етади. Әнг баланд Мингбулоқ чүқісі 2634 м. Қоржонтоғ жануби-ғарбға пасайиб боради ва баландлиги 1768 м бұлған Қозиқурт тоғыға айланади. Қоржонтоғ, шимоли-шарққа баландлаша бориб, Үгом тизмаси билан туташади.

Үгом тизмаси Писком ва Үгом дарёлари орасыда 115 км чүзилған. У Манас чүқісі яқинида Талас Олатоги билан туташади. Тоғ Қоржонтоққа нисбатан баланд бұлиб, ён бағри тик, чүқілар қояли, қирралидир. Уннинг үртача баландлиги 3500 м, айрим чүқілари 4 км га етади, чунончы Сайрам чүқісі 4234 м, унда кичик музліклар бор.

Писком дарёсининг юқорисида Талас Олатогидан Үгом тизмасига параллел йұналған Писком тизмаси ажралиб чиқади. Уннинг үртача баландлиги 3200 м, айрим чүқілари 4300 м бұлиб, қояли, қирралидир. Писком тизмасининг әнг мұхым чүқілары Өктуяұлған — 4224 м, Опалитоғ — 4216 м, Бештор — 4299 м. Писком тизмаси баланд бўлғанлигидан узунлиги 4—5 км келадиган 47 та музлик бор.

Писком тизмаси жануби-ғарбға бир оз пасаяди. Чотқол водийсига етмасдан үндан Құксу тизмаси ажралиб чиқади. Бу тизманинг узунлиги 80 км бұлиб, оҳактошлардан тузилған ва жуда ҳам қоялидир.

Писком тизмасининг жануби-шарқыда Чотқол тизмаси жойлашган, уларни бир-бирларидан Чотқол дарёси ажратиб туради. Чотқол тоғи жануби-ғарбға қараб 250 км чүзилған бұлиб, Чапчама довонидан жануби-ғарбда бұлған қисмі Үзбекистонға қарайди. Бу қисміда Чотқол тизмаси кенгаяди ва пасаяди ҳамда үндан Күмбел, Саргардон, Қызылнұра, Арашон тоғлари ажралиб чиқади. Бу тоғлар Оқангарон платосини шимолдан үраб туради. Буюктар ичіда әнг мұхими Қызылнұра бұлиб, Қирчанди чүқісінинг баландлиги 4045 м га етади. Қызылнұра тоғи жануби-ғарбға давом этиб, Заркент — Сұқоқ тоғларига айланади. Қызылнұра тоғи шимолда Оқсоқта платосига, Катта Чимён (3277 м) ва Кичик Чимён (2100 м) тоғларига айланади.

Катта ва Қичик Чимён тофлари орасида эса машхур Чимён сойлиги жойлашган.

Оҳангарон платосининг шарқида Қўкали тоғи, жануби-шарқида эса Қурама тизмаси жойлашган. Қурама тизмаси жануби-ғарбга чўзилган бўлиб, ўртача баландлиги 1800—2000 м, энг баланд Оқшурон тизмаси эса 3745 м га етади. Қурама тизмасининг ғарбий қисми Қорамозор тоғи деб аталади.

Қурама тизмасининг жануби-шарқида паст ва жуда ҳам емирилган Мўғултоғ бўлиб, бир-биридан кенглиги 35 км келадиган Мирзаработ ботиги орқали ажралиб туради. Мўғултоғнинг ўртача баландлиги 1000—1200 м, энг баланд ери 1628 м. Мўғултоғ Сирдарё водийси томонга пасайиб, Фарҳод-Ширин қирларига айланиб кетади. Ана шу ерда Сирдарё остоналар ҳосил қилган. Бу остоналар Фарҳод ГЭС қурилиши натижасида сув остида қолган.

Фаргона водийсининг жанубидаги Туркистон тизмаси Олой тоғ системасига киради ва Қурама тизмаси, Мўғултоғдан тор Хўжанд дарвозаси орқали ажралиб туради.

Туркистон тизмаси мустақил тизма сифатида Мастчоҳ тоғ тугунида Олойдан ажралиб чиқади ва кенглик бўйлаб 350 км чўзилади. Унинг ўртача баландлиги 3600—4000 м, баъзи ерларининг (Пирамидал чўққиси) баландлиги эса 5580 м га етади. Туркистон тизмаси анча баланд, шарқий қисмida жуда кўп қичик музликлар жойлашган.

Туркистон тизмасининг Шаҳристон довонигача бўлган шарқий қисмининг рельефи алп типли бўлиб, қояли, қиррали баланд чўққилари кўп. Лекин Шаҳристон довонидан (3351 м) ғарбда бўлган қисми эса анча паст. Фақат айрим чўққиларигина баланд (Шовқортот — 4033 м). Бу тизма Санѓзор водийсининг юқори оқимида икки қисмга ажралади. Санѓзор водийсининг жанубий қисмida жойлашгани Чумқортот деб, шимолидагиси эса Молгузар тоғи деб юритилади. Молгузар тоғи эса ўз навбатида Йлонўтди дарвозаси орқали Нурота тоғларидан ажралиб туради.

Туркистон тизмаси асимметрик тузилган бўлиб, жанубий ён бағри тик қояли, шағал, қурумлар кўп, ўсимликлар жуда сийрак. Аксинча, шимолий ён бағри ётиқ, ўсимликлар жуда қалин, айниқса арчазорлар кўп.

Чумқортот Туркистон тизмасининг бевосита ғарбий давоми бўлиб, узунлиги 70 км, баъзи чўққилари 3000 м дан баланд. Чумқортот Қуштепа довони яқинида жануби-ғарбга бурилиб пасайди ва Оқтепа дарё водийси орқали Қароқчитогидан ажралади: жанубий қисми Қизилқанор тоғи дейиллиб (ўртача баландлиги 100 м), бутунлай Тоҷикистонга қарайди; иккинчи шимолий қисми эса Латтабанд тоғи дейилади ва баландлиги 2200 м га етади.

Чумқортот ғарбда Мўғул қишлоғи яқинида тугаб, сўнгра тепаликларга айланиб кетади ва баландлиги 700—800 м га тушиб қолади. Бу тепаликларнинг шимоли-ғарбига эса ғурдуноғ

бўлиб, баландлиги 1666 м га етади. Фубдунтоф гарбида пасаяди ва Оқтепа дарё водийси орқали Қароқчитоғдан ажралади, Қароқчитоғнинг энг баланд нуқтаси 1200 м га етади ва у гарбидаги Тусундарё водийси орқали Оқтоғдан ажралади, Бу тоғнинг ўртача баландлиги 1000—1200 м, энг баланд Тахку чўққиси 2005 м га етади. Оқтоғ, ўз навбатида, жануби-гарбга давом этиб, Қоратоқча айланиб кетади.

Нурота тизмаси 200 км узунликка эга бўлиб, ўртача баландлиги 1500 м, энг баланд Ҳаёт (Заргар) чўққиси 2169 м га етади. Тоғ асимметрик тузилган: жанубий ён бағри ётиқ бўлиб, Нурота ботиги қўшилиб кетади, шимолий ён бағри эса тик ва тор бўлиб, Мирзачулга туташади. Нурота тоғи ўз навбатида жанубда жойлашган Фубдунтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғдан Қўйтош. Нурота ботиги орқали ажралиб туради.

Туркистон, Нурота-Оқтош тизмалари жанубдаги Зарафшон водийси орқали Зарафшон тизмасидан ажралиб туради. Зарафшон тизмасининг гарбий қисми ҳисобланган Чақоликалон, Қоратепа, Зирабулоқ ва Зиёвиддин тоғлари Ўзбекистон ССРга киради.

Зарафшон тизмаси шарқда Мастчоҳ тоғ тугунидан гарбга қараб Туркистон тизмасига параллел ҳолда 350 км масофага чўзилган. Унинг шарқий қисми баланд (Чимтарға чўққиси 5494 м).

Зарафшон тизмасининг Мағиёндарё водийсидан гарбда бўлган қисми Чақоликалон тоғи номи билан юритилади (энг баланд Зебон чўққиси 2336 м). Чақоликалон тоғи Тахтақорача (1630 м) довонида тугайди, сўнгра гарбга қараб Қоратепа тоғи давом этади (энг баланд Камқутон чўққиси 2195 м)¹. Қоратепа тоғи гарбга давом этиб, пасаяди ва бу қисми Зирабулоқ тоғи деб аталади. Зирабулоқ тоғи 100 км га (энг баланд Зиндонтоғ чўққиси 1116 м) чўзилган. Зирабулоқ тоғи гарбда Қарноп йўлаги орқали Зиёвиддин тоғидан ажралиб туради. Зиёвиддин тоғи жуда паст ва кучли емирилган [энг баланд Дартқўл чўққиси 914 м].

Зарафшон тизмаси жанубида Ҳисор тизмаси жойлашиб, у жануби-гарбга қараб кенгаяди ва жуда кўп тармоқларга ажралган ҳамда Қашқадарё, Сурхондарёнинг ирмоқлари орқали парчаланиб, чуқур, тор водийлар ҳосил қилган. Ҳисор тоғи парчаланганилиги, чуқур ва тор водийлар мавжудлиги жиҳатидан, Гарбий Помир тоғларидан қолишмайди.

Ўзбекистонга Ҳисор тизмасининг жануби-гарби киради. Бу қисмида тоғнинг баландлиги 4000 м бўлиб, айрим чўққилари-нинг баландлиги 4400 м дан ошади. (Ҳазорхон — 4480 м, Хожи — Пирраях — 4424 м). Тўпалон дарёсининг юқори оқимида жойлашган «КПСС XXII съезд» чўққисининг баландлиги эса 4688 м, у Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади.

¹ Қоратепа тоғида СССРдаги энг чуқур (1082 м) Қилси гори бор.

Ҳисор тизмасидаги Ҳазрат Султон массивидан Чақчар, Бой-сун, Осмонтараш, Бешнов ва бошқа тоғлар ажралиб чиқади. Булар ичида энг баланди Чақчар тоғи ҳисобланиб, унинг Хурросон чўкқиси 3744 м. Чақчар тоғи жанубга давом этиб, ундан жануби-ғарбга Осмонтараш (3700 м) тоғи ажралиб чиқади. Бу тоғ Оқсув ва Танхоз дарёлари орасида жойлашган. Осмонтараш билан Чақчар тоғлари туташган ерда (Фова довонида) қатор музликлар бўлиб, энг катталари Северцев (бўйи 2,3 км, эни 550 м, майдони 1,38 кв. км) ва Ботирбой (бўйи 2,2 км, майдони 1,3 кв. км) музликларидир.

Осмонтараш тоғининг жанубида Бешнов тоғи жойлашиб, ундан Танхоздарё водийси орқали ажралади. Чақчар тоғининг шарқида унга параллел ҳолда Бойсунтоғ жойлашган. Бу тоғ анча узун бўлиб, шимоли-шарқида Кўштанг (3723 м), ўрта қисмида Кетмончопти (3168 м) ва жанубида эса Сувсизтоғ деб юритилади. Бойсун тоғи жанубга давом этади ва Кўҳитанг тоғига уланади. Кўҳитанг тоғининг энг баланд нуқтаси 3137 м. Бу ерда оҳактош кўп бўлганлигидан карст процесси ривожланган, узунлиги 4 км келадиган форлар ҳам бор.


Бойсунтоғнинг шарқида унга параллел ҳолда Сурхонтоғ жойлашган, у қисқа лекин анча баланд (3722 м) тизмадир. Бу тоғнинг жанубида шимоли-шарқдан жануби-ғарбга йўналган паст (900—1100 м) Келиф — Шеробод тоғлари жойлашган.

Сурхонтоғ ва Бойсунтоғнинг шарқида Сурхондарё водийси жойлашган. Сурхондарё водийси шаклан учбurchакка ўштайди. Унинг узунлиги 170 км, кенглиги жанубида 110—115 км, шимолида 15—20 км. Водий ер устининг тузилишига кўра, текисликдан иборат бўлиб (баландлиги 270—550 м) шимоли-шарққа баландлашиб боради. Сурхондарё водийсининг шарқида унга параллел ҳолда Боботоғ жойлашган. Бу тоғ ўртача баландликда (1200—1500 м) бўлиб, жуда ҳам емирилиб кетган, энг баланд Заркоса чўққиси эса 2286 м га етади (58- расм).

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. Ўзбекистоннинг геологик тузилиши анча мураккаб: қуруқликнинг вужудга келиши палеозой эрасининг каледон тоғ ҳосил қилиш жараёнидан бошланган. Бу жараён туфайли Талас, Чотқол, Угом, Писком, Қурама тоғлари ўрнида қуруқлик вужудга келган. Республиканинг қолган қисми денгиз остида бўлган.

Палеозой эрасининг иккинчи ярмида содир бўлган герцин тоғ ҳосил қилиши натижасида аввал вужудга келган қуруқлик майдони кенгая борган ҳамда ҳозирги Фарғона, Олой, Зарафшон, Ҳисор, Туркистон, Нурота тизмалари ва Марказий Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар вужудга келган. Натижада Фарғона, Чирчик, Зарафшон, Сурхондарё водийларида, Қарши чўли, Мирзачўл, Қизилқум ўрнидагина денгиз суви қолган.

Мезозой эрасида Ўзбекистон териториясида кучли тектоник процесслар содир бўлмаган. Аксинча, кўтарилиган тоғлар емирилиб, пасая борган. Нураган юмшоқ жинслар эса унинг текислик қисмига олиб келиб ётқизилган. Ўзбекистоннинг тоғли қис-



58-расм, Ўзбекистон ССРнинг орографик карта-схемаси.

мида каледон, герцин тектоник процесслари натижасида ёриқлар пайдо бўлиб, улар орқали отқинди жинслар чиқиб, вулканлар отилиб турган.

Мезозой эрасида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон терриориясининг текислик қисми Тетис океани остида бўлган. Шу туфайли иқлими илиқ ва нам бўлиб, баланд бўйли дараҳтлар зич ўсган. Сув илиқ бўлганилигидан Тетис океанида турли организмлар жуда кўп яшаган.

Кайнозой эрасига келганда, альп тектоник процесси таъсирида Ўзбекистон терриориясининг текислик қисмидағи сувлар чекинган. Ниҳоят, неоген охирларида республика терриорияси қуруқликка айланган. Альп тектоник процесси натижасида Ўзбекистоннинг пасайиб қолган тоғлари қайта кўтарилган ва ҳозирги ҳолатига келган.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон терриориясидан илиқ денгизнинг чекиниши ва баланд тоғларнинг вужудга келиши туфайли унинг иқлими ўзгариб, континенталлаша борган. Натижада иссиқсевар ўсимликлар ва денгиз организмлари ҳалок бўлган. Улар негизида эса кўмир, нефть, газ каби қазилма бойликлар вужудга келган.

Ўзбекистон терриориясида тектоник процесслар ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу сабабли республикамизнинг тектоник ёриқлар, узилмалар содир бўлган районларида тез-тез зилзилалар бўлиб туради.


Октябрь революциясигача Ўзбекистон терриориясининг геологик тузилиши яхши ўрганилмаган эди. Октябрь революциясида кейин терриориянинг ер ости бойликларини ўрганиш ҳамда янги-янги конларни қидириб топиш ишлари қизиб кетди. Натижада, қисқа вақт ичida қазилма бойликларнинг саноат аҳамиятига эга бўлган бир қатор конлари топилди (59-расм).

Ўзбекистонда рангли металлардан мис, алюминий, қўрошин ва рух рудаларининг конлари бор. Мис Оҳангарон дарёсининг чап соҳилидаги Олмалиқ ва Қалмоққир конларидан чиқади.

Ўзбекистонда алюминий олиш учун зарур бўлган алунит ва бошқа минералларнинг ҳам запаслари Оҳангарон водийсида жойлашган. Бу ерда кўмирни очиқ усулда қазиб олиш пайтида коалин ҳам ажратиб олиш мумкин.

Ўзбекистонда қўрошин ва рух конлари Олмалиқ, Кошмансой, Қўрошин, Кумушкон, Мискон, Лочинхона, Хондиза каби ерларда жойлашган. Бу конлар рудаси таркибида рух ва қўрошиндан ташқари яна мис, кумуш, олтин кабилар ҳам бор.

Ўзбекистонда нодир металлардан вольфрам ва молибден рудаларининг конлари Самарқанд обласидаги Лангар, Қўйтош, Ингичка сингари ерлардан топилган. Булардан ташқари вольфрам конлари Қоратепада, Ургут яқинида ва Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий қисмларида ҳам мавжуд. Сўнгги йиллардаги геологик қидирув ишлари натижасида симоб Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларидан топилган.



59- расм. Ўзбекистон ССРнинг қазилма бойликлар карта-схемаси.

Марказий Қизилқумда, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида қалай конлари бор.

Республикамизда Қурама тизмасида Кучбулоқ, Ғубдунтоғда Маржонбулоқ, Фарғона водийсида Чодақсой, Қизилқумда Мурунтоғ, Қўкпатос каби олтин конлари бор.

Марганец асосан Самарқанд облатининг Довтош деган ерида оҳак, сланец жинслари орасида учрайди. Лекин ҳозирча ундан фойдаланилаётгани йўқ. Ўзбекистонда хромит рудасига бой келажаги порлоқ районлардан бири Марказий Қизилқумда жойлашган Томдитоғ ҳисобланади.

Ўзбекистонда Ангрен кўмир кони бор, унинг кўмир сақловчи қатламининг қалинлиги 10—58 м га етади. Кўмир қатлами ер бетига яқин ва айрим жойларда очилиб қолгани сабабли очиқ усулда қазиб олинади. Лекин кўмир сифати паст, очиқ ҳавода сақланса майдаланиб кетади.

Ўзбекистонда тошкўмир кони Сурхондарё облатидаги Шарғун, Бойсун каби ерлардан топилган.

Ўзбекистонда газ — Бухоро облатида Газли, Жарқоқ, Учқир, Ўрта булоқ, Янгиқазиган, Қоравулбозор, Сеталонтепа, Сариташ, Қорачуқур ҳамда Андижон облатида, Қашқадарё облатида Шўртанг, Жанубий Муборак, Сурхондарё облатида Лалмикорда, Ҳисор тоғларининг гарбий ён бағридаги Одамтошда, Устюрт платосида бор.

Газ ва нефть кўпинча бир-бирига йўлдош ҳолда учрайди. Нефть чиқсан районлардан кўпинча газ ҳам чиқади. Ҳозирча нефть конлари Фарғона водийсида (Жанубий Оламушук, Полвонтош, Хўжаобод, Чимён, Мойлисой, Чуст, Избоскан, Поп) ва Сурхондарё (Ховдак, Лалмикор ва Кўкайди) ва Қашқадарё облатида бор.

Ўзбекистонда фосфорит конлари Фарғона водийсида, Сурхондарё облатида, Марказий Қизилқумда, Султон-Увайс тоғида жойлашган. Металлургия саноати учун зарур бўлган флюоритнинг Ўзбекистонда бир қанча конлари бўлиб, энг муҳимлари Қурама тоғидаги Супатош ва унинг яқинидаги Чакмоқтош, Чуқуртош каби конлардир.

Графит республикамизда кўп бўлса-да, ҳозирча фақат биргина Тосқозғон кони ишлаб турибди. Бу ердан олинаётган графит Ўзбекистондаги металлургия заводлари учун ишлатишдан ташқари, Иттифоқимизнинг бошқа ерларига ва ҳатто чет элларга ҳам экспорт қилинади. Графит конлари яна Оқтош, Қўлжиқтоғ, Қоратепа, Қурама тизмаси ҳамда Фарғонадаги Жалақудуқ каби жойлардан ҳам топилган.

Султон-Увайс ва Томди тоғларида талькнинг саноат аҳамиятига эга бўлган конлари бўлиб, ундан резина саноатида, медицина, қурилишда ва керамика буюмлари ишлашда фойдаланилади.

Республикамиздаги туз конлари Сурхондарё облатидаги Хўжакон, Оқбош, Бойбиччака, Хамкон кабилардир. Бу туз кон-

ларининг запаси жуда катта. Фақат биргина Оқбош конининг ўзида туз қатламларининг қалинлиги 700 метрга етади.

Бухоро — Қарши нефть ва газ ҳавзаларида ҳам жуда катта ош ва калий туз конлари мавжуд. Бу районда туз тарқалган майдоннинг катталиги 14000 км² бўлиб, қалинлиги 900 метрга етади.

Республикамизда кўплаб янги-янги турар жойлар, интернат-мактаблар, завод-фабрикалар ва бошқаларнинг қад кўтариши ўз навбатида қурилиш материалларига (оҳак, мергель, созупуроқ, коалин, қум, шағал, гипс, мармар, гилмоя, асбест кабиларга) бўлган талабни яна ҳам оширади. Ўзбекистон териториясида 50 дан ортиқ оҳактош конлари бўлиб, уларнинг энг катталари Кармана, Оҳаклик (Оғалик), Косонсой, Оқтоғ, Учқудуқ ва Тошкент яқинидаги Апартак конларидир. Фақат Апартак конида оҳактошнинг запаси 100 млн. тоннадан ортиқдир. Сўнгги йилларда Устюрт платосида ҳам катта оҳактош кони топилди.

Мергель яхши қурилиш материали ҳисобланиб, цемент ишлашда, фишт тайёрлашда ва бошқа бинокорлик материаллари тайёрлашда ишлатилади. Республикализнинг Тошкент, Сирдарё областлари територияларида, Зарафшон, Фарғона водийларида мергелнинг катта қатламлари мавжуд.

Коалин (оқтупроқ) муҳим қазилма бойликлардан ҳисобланниб, коалин запаси жиҳатидан Ўзбекистон дунёда биринчи ўринда туради. Унинг энг катта запаслари Марказий Қизилқумда, Зирабулоқ-Зиёвиддин тоғларида, Фарғона водийси ва Тошкент атрофларида.

Республикада ойна ва силикат саноатини ривожлантиришда қумнинг аҳамияти жуда катта. Ойна ишлаб чиқариш учун қум тоза бўлиши ва унинг 80—90% ини кварц ташкил этиши керак. Бу жиҳатдан ҳам Ўзбекистондан чиқадиган қумлар сифатли бўлиб, асосий конлари Тошкент обlastida (Дарвоза, Майск), Марказий Қизилқумда, Хоразм обlastida (Пўрлитог ва Қушхонатоғ), Самарқанд атрофида жойлашган. Булардан Марказий Қизилқумдаги кварц қуми юқори сифатли бўлиб, у оптик асбоблар ишлаш учун ҳам яроқлидир.

Республиканинг қурилиш саноати учун зарур бўлган шағаллар Чирчиқ, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Оҳангарон дарёларининг водийларида жуда кенг тарқалгандир.

Республикада қурилиш материалларидан яна бир муҳими гипсdir. Гипс қўшилса цемент қаттиқ ва чидамли бўлади, гипс 180° гача қиздирилиб, майдаланилса алебастр бўлади. Ўзбекистондаги йирик гипс конлари Қувасой шаҳри яқинида, Исфайрамсойда, Мўғултоғда жойлашган. Ўша гипслар асосида Қува, Бекобод цемент заводлари ишлаб турибди.

Ўзбекистон ўзининг мармари билан Иттифоқимизда эмас, балки дунёда машҳурдир. Мармар конлари Оқтоғдаги Ғозғон, Қоратепадаги Омонқутон ҳамда Заркент ва бошқа ерларда жойлашган.

Ғозғон мармари дунёга машҳур бўлиб, жуда ранг-баранг-

дир. Париж, Нью-Йорк виставкаларида Фозгон мармари Италияниг машхур Киррари мармаридан афзал эканлиги аниқланди. Москва, Ленинград, Тошкент шаҳарларидағи ҳашаматли биноларда Фозгон мармари кенг ишлатилган. Москва метросининг 20 дан ортиқ ва Тошкент метросининг кўпчилик станциялари Фозон мармари билан безатилган.

Гилмоя — бентонит халқ хўжалигимизнинг 300 дан ортиқ тармоғида ишлатилиши мумкин. Тошкент атрофида, Фарғона, Сурхондарё водийларида ва Бухоро обласида гилмоянинг катта запаслари бор.

Гилмоядан қоғоз ва резина саноатида, керамика, металлургияда, қурилиш саноатида, медицинада, қишлоқ хўжалигига ирригацияда, нефть қазишида ва бошқа ишларда фойдаланилади.

Республикамиздаги муҳим қурилиш материалларидан бири асбесттир. Уни халқимиз Тошпахта деб юритади. Асбестнинг асосий конлари Томди, Султон-Увайс тоғларида жойлашган. Ундан асбестцемент трубалар, ўтга чидамли термоизоляцион материаллар тайёрланади.


Ўзбекистондаги қазилма бойликларининг яна бир тури ер ости сувларидир. Республикамизда минерал сувлар кўп. Минерал сувлар айниқса медицинада муҳим аҳамиятга эга. Фарғона водийсида, Тошкент атрофида, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро областлари территорияларида минерал сувлар кўп. Ҳозирча маҳсус синовдан ўтган 50 дан ортиқ шифобахш минерал сувлар мавжуд. Бу сувлардан ҳар хил тери касалликлари, нерв системасини, юрак, буйрак, жигар, ошқозон касалликлари, бод, қон босими ортиши ва бошқа хасталикларни даволашда фойдаланилмоқда. Бундай минерал сувлардан Чорток, Олтиариқ, Чимён, Тошкент, Жайронхона, Учқизил, Кўкайди, Ховдоғ (Сурхондарё) ва бошқа шифохоналарда кишиларни даволашда кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон минерал сувлари чанқоқ бостида ва иштаҳа очишда ҳам ишлатилади. Иттифоқимизга манзур бўлган Тошкент, Фарғона минерал сувлари ана шундай сувлардир.

Минерал сувларнинг температураси юқори ($50-70^{\circ}$) бўлганидан, улардан коммунал хўжаликда, биноларни иситишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Иқлими. Ўзбекистон океан ва денгизлардан жуда узоқда, Евросиё материгининг ички қисмида жойлашганлиги сабабли континентал иқлимга эга. Бу ерда ёз серофтоб, жазирама иссиқ, қуруқ бўлиб узоқ давом этади, қиши эса бирмунча совуқ. Йиллик температуралар фарқи (амплитудаси) анча катта. Ўзбекистон ССРнинг иқлимий ҳусусиятларига яна унинг географик ўрни ва Қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси ва териториянинг рельефи таъсир этади.

Ўзбекистон Иттифоқнинг жанубий қисмида бўлиб, Қуёшдан кўп иссиқлик ва ёргулук олади. Дарҳақиқат. Ўзбекистоннинг текислик қисмида Қуёш бир йилда ўртача $2500-3000$ соат ёритиб туради. Республикамизнинг энг жанубидаги Термиз шаҳрида



60- расм. Қишда ўрта Осиёга эсувчи ҳаво массаларининг схемаси

килокалория иссиқлик олади. Республика территорияси айниқса ёзда Қуёшдан күп иссиқлик олади. Чунки ёз буутсиз очиқ бўлиб, Қуёш чарақлаб туради. Бу эса ёзги температуранинг анча юқори бўлишига сабабчидир. Қишда Ўзбекистон территорияси Қуёшдан ёзга нисбатан 4—5 марта кам иссиқлик олади. Натижада температура анча паст бўлади.

Республика иқлимининг вужудга келишида атмосфера циркуляцияси ҳам муҳим роль ўйнайди. Атмосферанинг ер юзасига яқин бўлган қисмида (тропосферанинг қуий қисмида) ҳаво массалари тез-тез ўзгариб туради. Иқлимшунос В. А. Бугаев, В. А. Жорджио каби олимларининг ёзишича, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ўйл давомида 29% шимолдан эсадиган соvuқ ҳаво массалари, 26% антициклон, 19% гарбий ҳаво массалари, 16% жанубий циклонлар ва 10 % бошқа ҳаво массалари таъсир этади.

Атмосфера циркуляциясининг хусусиятлари айниқса йилнинг соvuқ қиш ва иссиқ ёз фаслида яққол сезилади. Чунки Сибирь антициклонининг бир тармоғи шимоли-шарқдан ва шарқдан Ўрта Осиёга кириб келади. Натижада ҳаво очиқ, аёз кунлар вужудга келади. Бу ҳаво Ўрта Осиёга келгач, бир оз ўз хусусиятини ўзгартириб (трансформациялашиб), маҳаллий континентал ҳавога (турон ҳавосига) айланади. Қишда бундай об-ҳаволи кунлар 28% ни ташкил қиласди (60-расм).

Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистон территориясига қишда, кузда ва баҳорда Эрон томондан (Каспий денгизининг жанубида) тропик ҳаво массалари кириб келади, натижада ҳаво исийди. Ёздан бошқа фаслларда Атлантика океанидан келган илиқ нам ҳаво массалари соvuқ ҳаво массалари билан тўқнашиб циклон ҳолида Ўзбекистонга келади, бунинг натижасида буултлар кўпайиб ёғин ёғади. Гарбий ҳаво массаси Атлантика океани ва Қора денгиз устидан ўтиб келаётганда нам тўплайди, илийди, шундай қилиб ёмғир, қор ёғдиради. Бундай об-ҳаволи кунлар қиши кунларининг 11% ини ташкил этади.

Ёзда Ўзбекистоннинг текислик қисми жуда исиб кетиб, ма-

Қуёшнинг ёритиши даври йилига 3059 соатга тенг. Ваҳоланки, Москвада шу миқдор атиги 1600 соат. Агар Қоҳирада май — октябрь ойларида Қуёшнинг ёритиши даври 1612 соат бўлса, Тошкентда — 1749, Термизда эса 2012 соатга етади.

Ўзбекистон серофтоб үлка бўлғанлигидан унинг територияси Қуёшдан кўп иссиқлик олади. Тошкент атрофидаги ерларда ҳар бир кв. см майдон йилига Қуёшдан 136


халлий континентал тропик ҳавоси пайдо бўлади. Циклонлар ҳаракати деярли тұхтайди. Территориянинг исиши ва қизиши давом этиб, пировардидаги паст босим (термик депрессия) вужудга келади ва унинг маркази Тоҷикистоннинг жанубий қисмida бўлади. Бу термик депрессия ёз кунларининг 15% ини ташкил этади ҳамда шимолдан ва шимоли-ғарбдан совуқроқ ҳаво массаларини тортиб олади. Шу сабабли ғарбий ҳаво массалари ёз кунларининг 29% ини, шимоли-ғарбий шамоллар эса 34,3% ини ишғол қилади. Лекин бу ҳаво массалари ёзда қишига нисбатан 2 марта кўп такрорланса-да, территориянинг ниҳоятда қизиганлиги сабабли текислик қисмida ёғингарчилик бўлмайди. Лекин ҳароратни 3—5 ° пасайтириши мумкин. Тоғлик қисмida эса температура паст бўлганлигидан ҳаво массалари ёғингарчилик олиб келади. Демак, бу ерда иқлимга рельефнинг таъсири сезиларли. Тоғларнинг ғарбий ён бағирларига ёғин кўп тушса, тескари ён бағирларга жуда кам ёғин тушади. Шимоли-шарқий совуқ ҳаво массалари (тоғлар билан ўралганлиги сабабли) Сурхон-Шеробод водийсига кам таъсир этади, қиши анча илиқ бўлади (61-расм).

Ўзбекистонда йиллик ва ойлик температура шимолдан жанубга томон ва пастдан баландга кўтарилиган сари ўзгаради. Ўзбекистоннинг энг совуқ райони шимоли-ғарбда, арктика ҳаво массасига очиқ бўлган Устюрт, Қўйи Амударё, Қизилқумнинг шимолий қисмida бўлиб, бу ерларда январнинг ўртача температураси $-8-11^{\circ}$ га teng. Минимал температура Устюрт пласидаги -32° бўлиши мумкин. Ёз бу ерларда иссиқ бўлиб, июлнинг ўртача температураси $25-26^{\circ}$ атрофига. Вегетация даврида температуралар йиғиндиси эса $3800-4500^{\circ}$.

Ўзбекистоннинг марказий қисмларида, яъни Сирдарё, Жиззах, Тошкент областларида ва Фарғона водийсида январнинг ўртача температураси -2° бўлса, июлники 28° , вегетация даврида температуралар йиғиндиси $4600-4900^{\circ}$.

Зарафшон водийси, Қарши чўли жануброқда жойлашганлиги ҳамда шимоли-шарқдан тоғлар билан тўсилганлиги туфайли қиши нисбатан илиқ бўлади. Бу ерларда январнинг ўртача температураси $-1-0^{\circ}$, июлники $28-30^{\circ}$ ва температураси 0° дан паст бўлган кунларнинг сони $24-38^{\circ}$. Вегетация даврида температуралар йиғиндиси $4600-5000^{\circ}$.

Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган ва тоғлар билан ўралган Сурхондарё водийсида ёз иссиқ, қиши илиқ бўлади. Бу



61-расм. Ёзда Ўрта Осиёга эсувчи ҳаво массаларининг схемаси

водийда январнинг ўртacha температураси $+2^{\circ}$ бўлиб, қиши деярли бўлмайди. Баъзан қишида совуқ ҳаво массаси бостириб киргандага абсолют минимум температура -21° га етади. Июлнинг ўртacha температураси эса $30-32^{\circ}$, абсолют максимум температура $+48^{\circ}$. Районда совуқ кунларнинг сони 0—24, вегетация даврида температуралар йиғиндиси 5930°. Бу эса ингичка толали пахта ва субтропик экинлар ўстириш имкониятини беради.

Ўзбекистон тоғлари текисликка нисбатан салқин. Температура эса ҳар 100 м кутарилган сари 0,5—0,6° пасайиб, ёғинлар миқдори ортиб боради.

Ўзбекистоннинг тоғли қисмида рельефнинг баландлашуви натижасида январнинг ўртacha температураси доимо 0° дан паст. 3200—3300 м дан юқорида эса январнинг ўртacha температураси -10° , июлники 10° , йиллик ўртacha температура $-0,1^{\circ}$. Ўзбекистон тоғларида ёз ойларида ҳаво бундай салқин бўлиши, ўз навбатида ёзда ҳам ёғин ёғишига сабаб бўлади, бу эса алп ўтлоқларини қуриб қолишдан сақлайди.

Ўзбекистоннинг текислик қисмида йиллик ёғин миқдори жуда кам. Амударёнинг қуий қисми ва Қизилқумнинг марказий қисмида йилига ўрта ҳисобда 80—100 мм ёғин ёғади, потенциал буғланиш эса 2000—2520 мм га етади. Бу ерларда ёғин кам бўлса-да, унинг кўп қисми кўкламда ёғади, бу эса баҳорда ўтларни яхши ўсиши учун қулай шароит яратади. Чўлларда май ойидан сўнг деярли ёғин ёғмайди ва ёзнинг жазирма ёғинсиз кунлари бошланади.

Шунингдек, Марказий Фарғонада ҳам ёғин кам ёғади, Қўқонда 98 мм. Ўзбекистон территорияси бўйлаб шарққа юрган сари рельефнинг бир оз кутарилиши туфайли ёғин миқдори (Зарафшон, Сурхондарё, Фарғона водийларида) қисман кўпайиб, йилига 100—200 мм га етади.

Ўзбекистоннинг текисликлар қисмидан тоғ этагига кутарилган сари ёғин миқдори кўпайиб (Деновда — 360 мм, Китобда — 545 мм, Самарқандда — 328 мм, Тошкентда — 359 мм) йилига 350—500 мм га етади. Тоғларда ёғин миқдори бундан ҳам кўп: йилига 500—800 мм. Ҳатто тоғларнинг ғарбий ҳаво массасига рўпара бўлган ён бағирларида йилига 900 мм гача ёғин тушади (Чимёнда 787 мм, Хумсонда 879 мм, Омонқутонда 900 мм).

Республика территориясида ёғиннинг нотекис тақсимланишидан ташқари у йил фаслларида ҳам бир хил тушмайди. Умумий ёғин миқдорининг 30—60% и баҳорга, 25—40% и қишига, 10—20% и кузга, 1—10% и ёзга туғри келади.

Баҳор фаслида ёғинлар кўпроқ жала бўлиб ёғиб, ҳатто бир суткада 30—90 мм га етиши мумкин (Бухорода 37 мм, Тошкентда 50 мм, Жиззахда 75 мм, Самарқандда 82 мм, Каттақўргонда 88 мм). Ёгиннинг бундай тушиши халқ хўжалиги учун зарарли бўлган селларни вужудга келтиради.

Ўзбекистонда қишида қор ёғиб, республика жанубидаги районларда 20—25 кун, қолган ерларда эса 40—45 кун, тоғли қисмларида эса 2—6 ой давомида қор эримай ётади. Қорнинг қа-

линлиги текисликларда 5—10 см дан 20—30 см гача, тоғларда эса 0,5 м га етади. Республика тоғларидағи қор жуда катта аҳамиятга эга бұлып, дарёларни сув билан таъминлаб туради.

Ўзбекистоннинг текислик қисмida йил бўйи шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий шамоллар эсиб туради. Тоғли қисмida эса шамолларнинг йўналиши рельеф таъсирида ўзгариғи. Водийларда эса кўпроқ тоғ-водий шамоллари эсади. Бунда шамол кечаси ва эрталаб тоғдан водийга, тушдан кейин водийдан тоғ томонга эсади. Тоғ-водий шамоли айниқса Фарғона водийсида яққол сезилади, қишида водийнинг атрофидан эсган совуқ шамоллар водийда тўпланиб Хўжанд дарвозаси орқали Мирзачўл томонга эсади ва Бекобод шамоли деб юритилади. Мирзачўл томондан Фарғона водийсига ҳам шамол эсади. Буни Кўқон шамоли дейишади.

Ўзбекистоннинг Сурхондарё водийси учун Афғон шамоли характеристидир. Бу иссиқ шамол Афғонистон территориияси томондан чанг-тўзон ҳам олиб келади. Аслида бу шамолнинг вужудга келиши шимолдан, шимоли-ғарбдан совуқ ҳавонинг кириб келиши билан боғлиқ. Чунки совуқ ҳаво нисбатан оғир бўлганигидан Копетдоғ ва Парапамиз тоғларидан ошиб ўтолмай тўпланиб, босими нисбатан паст, қизиган Сурхон-Вахш водийси томонга Афғонистон территориияси орқали айланиб ўтади. Афғон шамоли Сурхондарё водийсига 1—2 кун, баъзан 3—4 кун сурункасига эсади. Натижада чанг-тўзонли об-ҳаводан, ҳатто баъзан 100—200 м даги нарсани ҳам кўриш қийин бўлади. Ўзбекистоннинг текислик ва адир қисмларида май — сентябрь ойлари давомида иссиқ, чангли гармсеп шамоли эсади. Бу шамол ҳамма нарсани қовжиратиб юборади.

Дарёлари. Ўзбекистон гидрологик хусусиятлари жиҳатидан берк ҳавза ҳисобланади. Чунки Ўзбекистоннинг катта дарёлари океанлар билан туташмаган ички ҳавзага — Орол денгизига қўйилади; кичик дарёлари эса текисликка чиқиши биланоқ қўплаб сугоришга сарфланиши, ерга шимилиши ва буғланиши туфайли тугаб қолади.

Ўзбекистон дарёларининг иккинчи хусусияти тоғлардан бошланишидир. Текисликлар қисмida дарёлар жуда сийрак бўлиб, ҳар кв. км ерга 20 м узунликдаги дарё тармоғи тўғри келади. Ваҳоланки, Россия текислигига дарё тармоқларининг ўртacha зичлиги ҳар кв. км ерга 350—370 м тўғри келади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон территориясининг 30% ини ишғол қилган адирлар ва тоғлар сув йиғиладиган район бўлиб, дарёларни тўйинтириб турса, аксинча, территориянинг 70% ини эгаллаб ётган текисликлар йиғилган сувларни турли йўллар билан сарфлаб турадиган район ҳисобланади.

Ўзбекистон дарёларининг режимини тўғри тушуниш учун аввало уларнинг нималардан сув олишларини билиш зарур. Ўзбекистоннинг баланд тоғларидан бошланувчи дарёлари қор ва музикларнинг эришидан вужудга келган сувдан тўйинади. Шу сабабли республикамизнинг энг баланд тоғларидан бошла-

нувчи Исфайрамсой, Сұх, Исфара ва бошқа дарёларда музларнинг эришидан вужудга келган сув йиллик оқимининг 25—30% ини ташкил этади. Үнча баланд бўлмаган тоғлардан бошланувчи Шерободдарё, Фузордарё, Оҳангарон ва бошқаларнинг сув таъминотида ёмғир суви йиллик оқимининг 10—15% ини ташкил қиласди.

Ўзбекистондаги баъзи дарёларни, чунончи Оҳангарон, Фузордарё, Зоминсув, Қалас ва Шерободдарё ва бошқаларни түйинтириб туришда ер ости суви йиллик миқдорининг 10—15% ини ва ундан ортиғини ташкил этади.

Урта Осиё дарёларини тўйиниши жиҳатидан (ер ости сувларидан тўйинадиган кичик сой-жилгалар бундан мустасно) В. Л. Шульц қуйидаги тўртта типга бўлади:

1. Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
2. Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар;
3. Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
4. Қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар:

Тоғларнинг энг баланд (4500 м дан юқори) қисмидан бошланувчи дарёлар асосан музлик ва қорларнинг эришидан сув олади. Бундай типга Амударё, Зарабшон, Исфайрамсой, Сұх, Исфара киради. Бу типдаги дарёларнинг тўйинишида музлик сувларнинг миқдори йиллик оқимининг 25—30% ини ташкил этади. Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёларнинг суви уйлдан-бу йилга кам ўзгаради ва тўлин сув энг кеч, яъни июль-август ойларида тўғри келади. Чунки бу даврларда тоғларнинг баланд қисмидаги музлик ва қорлар кўплаб эрийди. Июль-август ойларида йиллик оқим миқдорининг 30,2—50,3% и ўтади. Сувнинг энг озайган даври декабрь-март ойларида тўғри келади.

Иккинчи типдаги дарёларга Ўзбекистон тоғларининг денгиз сатҳидан 3400—4500 м баланд қисмларидан бошланадиган Сирдарё, Чирчик, Сурхондарё киради. Бу дарёларнинг суви май-июнь ойларида қор кўплаб эриганда жуда кўпайиб кетади ва йиллик оқимининг 30—40% ини ташкил этади. Бундай дарёларда музлик сувларнинг ҳиссаси анча кам бўлиб, йиллик оқимининг 15% ига teng.

Учинчи хил дарёлар доимий қор чизигидан пастда бўлган ерлардан бошланади. Буларга Қашқадарё, Фузордарё, Оҳангарон, Фовасой, Сангзор дарёлари киради; уларнинг тўлин сув даври қорлар кўплаб эрий бошлаган март — май ойларида тўғри келади, бу даврда йиллик сув миқдорининг 60% игача оқиб ўтади. Август-сентябрь ойларида суви озайиб қолади.

Ниҳоят, тўртинчи тип дарёлар 2000 м дан пастда жойлашган ерлардан бошланаб, кўпроқ-ёмғирлардан сув олади. Шу туфайли суви эрта баҳорда, март-апрель ойларида жуда кўпаяди, йиллик оқимининг 80% и шу ойларда ўтади; ёзниг иккинчи қисмida эса суви жуда озайиб, баъзи сойларнинг суви эса қуриб қолади. Бу типдаги дарёларга Зоминсув, Шерободдарё, Тусундарё ва жуда кўп сойлар киради. Бундай дарёларда оқим

у йилдан-бу йилга ва йил давомида энг кўп ўзгариб туради.

Ўзбекистон дарёлари тоғли қисмида тез оқиб жуда катта емириш ишларини бажаради — ҳар йили бир неча миллион тонналааб ҳар хил оқизиқларни текислик қисмига олиб келиб ётқизади. Шу сабабли Ўзбекистон дарёлари анча лойқа бўлиб, В. Л. Шульцнинг маълумотига кўра, ўрта ҳисобда ҳар бир кубометр дарё сувида 1000 дан 5000 гача лойқа (Амударё — 3740 г, Шерободдарё — 3140 г, Зарафшон — 1390 г, Қашқадарё — 1970 г, Сирдарё 2170 г) бор.

Ўзбекистонда 656 дарё ва дарёчалар бор. Уларнинг ҳар бирининг узунлиги 10—50 км бўлганлари 598 та (91,2%), 50—150 км бўлганлари 36 та (6,0%) 150 км дан узунлари 11 та (2,8).

Ўзбекистон дарёлари ичидаги энг муҳимлари Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчик, Сурхондарё, Қашқадарё, Оҳангарон, Санззор, Исфайрамсой, Суҳ, Исфара, Шерободдарё ва бошқалардир.

Амударё — Ўрта Осиёнинг энг катта дарёси бўлиб, унинг фақат ўрта ва қўйи оқими ўзбекистон территорииясидан ўтади. Амударё ўзининг юқори оқимида Вахжир номи билан аталиб, Афғонистон территорииясидаги Ҳиндиқуш тоғларининг 4900 м баландлигига жойлашган Вревский музлигидан бошланади. Сунгра Вахжир дарёси, СССР территорииясидаги Помир ирмоғини қўшиб олгач, Панж номини олади. Панж дарёси эса Вахш дарёси билан қўшилгандан сунг Амударё деб ном олади. Амударё ўнгдан Коғирниҳон, Сурхондарё, Шерободдарё, чапдан эса Қундуз ирмоқларини қўшиб олади.

Амударёнинг узунлиги Вревский музлигидан Орол денгизига 2540 км бўлиб, шу масофада ўзани 4840 м пасаяди. Дарё юқори қисмида тоғ характеристери бўлиб тор ва чуқур ўзанда тез ва шаршаралар ҳосил қилиб оқади.

Текисликлар қисмида секин оқади ва Шерободдарёни истисно қилганда, Орол денгизгача биронта ирмоқ қабул қилмай, суви кўплаб сугоришга, буғланишга, шимилишга сарфланади. Амударё Карки ёнида бир йилда секундига ўртacha 2000 кубометр сув ўтказса, Нукусга етгач, бу миқдор 1140 кубометрга тушиб қолади Демак, дарёнинг ўртacha кўп йиллик сув сарфи Карки ёнида 63 куб км., Нукус ёнида 36 куб км (1978 й.).

Амударё суви одатда икки марта кўпайади. Биринчи сув кўпайиши март — май ойларига тўғри келади. Чунки бу даврда тоғларнинг пастки қисмидаги қорлар эрийди ва баҳорги ёмғир сувларидан кўпаяди. Иккинчи асосий сув кўпайиш даври айни ёз (июнь — август) ойларига тўғри келади. Бу вақтда тоғларнинг баланд қисмидаги доимий қор ва музликлар эрийди. Амударёнинг максимал сув сарфи ҳам ёзга июнь ойига тўғри келиб, Карки ёнида секундига 9060 кубометр, Нукус ёнида эса 6930 кубометр сув ўтказган. Дарёнинг суви қишида озайиб, минимал сув сарфи секундига 600 кубометрга тушиб қолади.

Амударё Ўзбекистон ва Туркманистон территорииясида секин

оқса ҳам лекин үзанини тез-тез ўзгартириб туради, яъни тентираб оқади. Бу ҳодисани маҳаллий халқ дегиши деб атайди: дарё қирғонини суткасига бир неча метрлаб ювади. Буни қуйидаги мисолдан яхши бишлиш мумкин. 1925 йили ҚҚАССРнинг собиқ пойтахти Тўртқўл Амударёдан 8 км узоқда эди. 1950 йилга келганда эса дарё шаҳарнинг ярмини ювиб кетди, сунгра пойтахт Нукусга кўчирилди.

Амударё тоғли қисмида тез оқиб остини, текислик қисмида эса ёнини кўп ювиб кетиши туфайли суви лойқа бўлиб, кўп оқизиқ оқизади. Дарёнинг ўртача кўп йиллик лойқалиги Карки ёнида ҳар кубометр сувда 3—4 кг бўлса, Нукус яқинида 2,17 кг ташкил этади. Иккинчи хил қилиб айтганда, Нукус ёнида йиллик ўртача оқизиқнинг миқдори 128 млн. тоннани ташкил этади. Бу оқизиқларнинг бир қисми Амударё дельтаси (майдони 11 минг кв. км) да ётқизилади.

Амударё тоғли қисмида тез оққанлиги сабабли ҳеч вақт ёппасига музламайди. Лекин текислик қисмида у тўрт кундан (Термиз яқинида) 68 кунгача (Нукус ёнида) музлайди. Агар қиш жуда соvuқ келса, Термиз ёнида 32 кун Нукус ёнида эса 120 кунгача музлаши мумкин .

Сирдарё Ўзбекистон халқ хўжалигида жуда муҳим ўрин эгаллайди ва Марказий Тяньшандаги Оқшийрак тоғида жойлашган Петров музлигидан Норин номи билан бошланади. Норин дарёси Фарғона водийсидаги Балиқчи қишлоғида Қорадарё билан қўшилиб, Сирдарё номини олади. Қорадарё Фарғона тизмасидаги Учсаид ва Қулин музликларидан бошланади. Сирдарёнинг узунлиги Норин билан бирга 2982 км, ҳавзасининг майдони 463 минг кв. км.

Фарғона водийсидаги Сирдарёнинг биронта ҳам доимий ирмоғи йўқ. Лекин суви сугоришга сарф бўлиб, Сирдарёга етиб келмайдиган Поччаота, Косонсой, Фовасой, Чодак каби ўнг ирмоқлари, Исфайрамсой, Шоҳимардон, Сўх, Исфара, Хўжабақирган, Оқсув каби чап ирмоқлари мавжуд, Сирдарё Фарғона водийсидан чиққач, ўнг томондан Оҳангарон, Чирчик, Келес ва Арис каби ирмоқларни қўшиб олади.

Сирдарё текислик қисмида сувини Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Марказий Фарғона, Жанубий Фарғона, Киров, Жанубий Мирзачўл, Далварзин каби магистрал каналлар ва жуда кўп сугориш шоҳобчалари орқали сугоришга сарфлайди. Ҳозир Сирдарё суви билан 2,5 млн. гектар атрофида ер сугорилмоқда.

Сирдарё баланд тоғлардаги қор ва музлик сувларидан туйингланлиги учун анча серсув бўлиб, тўлин сув даври ёзга, қишлоқ хўжалик экинларининг сувга бўлган талаби ошган даврга, июнь-август ойларига тўғри келади. Бу даврда секундига 1262 кубометр сув ўтказади. Унинг суви қишида жуда ҳам озайиб кетади, январда секундига 336 кубометр сув оқади, ўртача сув сарфи эса секундига 589 кубометрdir.

Сирдарёнинг бир йиллик сув миқдори 38 куб км бўлиб,

шундан 1973 йили 9,0 куб км, 1975 йили эса фақат 0,62 куб км қисми Орол денгизига құйилған. Қолгани суфоришга, ерга шимилишига ва бұғланишига сарфланған. Сирдарё анча лойқа. У текислик қисмидә секин оқиб, қиши пайтида 2—3 ой музлайди. Сирдарё ирмоқлари ичидә энг муҳимлари Чирчиқ ва Оҳангарондир.

Чирчиқ дарёси Сирдарёнинг энг катта ва энг серсүв ўнг ирмоғи булып, Ғарбий Тяньшань төғ системасидаги доимий қор ва музлайлардан Чотқол ва Писком номи билан бошланади. Бу икки дарё Чорвоқ котловинасида құшилиб, Чирчиқ номини олади ва 174 км масофада оқиб Чиноз ёнида Сирдарёга құйилади. Чирчиқ дарёси Чорвоқ котловинасидан (хозир бу ерда Чорвоқ сув омбори барпо этилған) чиққандан сүнг ўнг томондан Уғом ва чап томондан Оқсоқота каби катта ирмоқларни қабул қылади. Суви күпайған вақтларда Чирчиқ дарёсига құйилиб, ез фаслида суфоришга сарфланиши туфайли қуриб қоладиган сойлар бор. Уларнинг энг муҳимлари ўнг томондан, Қизилсув, Авлиесув, Қорақиясой, Оқтошсой, Шуробсой, Товоқсой, Озодбошсой, чап томондан Ғалавасой, Қорақұлсой, Паркентсой, Башқизилсой ва бошқалар.

Текислик қисмидә Чирчиқ дарёсининг суви Заҳариқ, Бұзсув, Шимолий Тошкент ва бошқа жуда күп канал ва ариқлар орқали суфоришга сарф бұлади. Ана шунинг учун ҳам унинг йиллик ўртача сув сарфи секундига 220 кубометр бўлгани ҳолда Сирдарёга секундига атиги 45—50 кубометр сув қуйилади.

Чирчиқ қор-музлик сувларидан тўйинади. Шу сабабли унинг суви март-июнь ойларida кўпаяди, бу даврда йиллик оқимнинг 53% и ўтади. Энг кам сув сарфи қишига — декабрь-февраль ойларига тўғри келади. Максимал сув сарфи июнь ойларida бўлиб, баъзан секундига 490 кубометр сув оқади.

Чирчиқ дарёсининг ўртача лойқалиги тоғли қисмидә ҳар бир кубометр сувда 260 г бўлса, қуий қисмидә 520 г.

Оҳангарон дарёсининг узунлиги Оқтошсойнинг бошланиш жойидан Сирдарёгача 236 км. Ҳавзасининг майдони эса 7710 кв. км.

Оҳангарон дарёси юқори оқимида Қурама тоғ тизмаларининг ёнбағирдан оқиб тушадиган булоқ ва жилғаларнинг құшилишидан вужудга келган Оқтошсой номи билан бошланади. Сүнгра Човлисой, Яккаарчасой, Ертошсой, Серқақирилгансой, Тойсой, Дукентсой, Қорабовсой, Нишибошсой каби ирмоқларни құшиб олади.

Оҳангарон дарёси қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Унинг суви баҳорда, апрель — май ойларida жуда кўпаяди. Фақат май ойининг ўзида йиллик оқимининг 32% и ўтади. Апрель — май ойларida эса йиллик оқимининг 51% ўтади. Аксинча, дарёнинг суви июль — октябрь ойларida жуда озайиб қолади. Оҳангарон дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфи Турк қишлоғи ёнида секундига 22,8 кубометр. Максимал сув сарфи апрель ойида секундига 460 кубометрга етади.

Оҳангарон дарёсининг суви Танашибулоқ ва Ёрдон каби катта каналлар ва жуда кўп ариқлар орқали суворишга сарфланади. Натижада ёзда Сирдарёга етмасдан қуриб қолади.

Зарафшон дарёси. Зарафшон дарёси юқори оқимида Маастчоҳдарё номи билан Кўксув тоғ тугунида жойлашган Зарафшон музлигидан бошланади. У чапдан келиб қўшилган Фондарё билан бирлашган Зарафшон номини олади.

Зарафшон дарёсининг узунлиги Зарафшон музлигидан Қоракўлгача 781 км, ҳавзасининг майдони эса 43 минг кв. км.

Зарафшон дарёси тоғли қисмида 200 дан ортиқ ирмоқларга эга бўлиб, энг катталари Фондарё, Қиштутдарё ва Моҳиёндарёдир. Дарёнинг Панжакент шаҳридан гарбда бўлган қисми Ўзбекистонда бўлиб, то охиригача биронта ҳам доимий ирмоққа эга эмас. Лекин Зарафшонга сувориш натижасида суви етиб келмайдиган вактли 120 га яқин ирмоқлари бор. Уларнинг энг муҳимлари Ўргутсой, Омонқўтансай, Оҳаклисой (чапдан), Тусунсой, Қаттасой, Оқтепасой, Ингичкасой ва бошқалар (унгдан).

Зарафшон дарёси Самарқанд шаҳридан 8 км ўтгач, дарё Оқдарё ва Қорадарё деб иккига бўлинib, Хатирчи қишлоғида яна бирлашади. Улар орасида узунлиги 100 км, эни 10—15 км, майдони 1200 кв. км бўлган Миёнкол ороли вужудга келган. Зарафшон дарёси қўйи қисмида Қоракўлдарё номи билан ҳам юритилади ва қадим у Амударёга 20 км етмай қумлар орасида кичик-кичик кўлларга қўйилиб қуриб қолар эди (бу ерда 40 та кўл бор).

Зарафшон музлик-кор сувларидан тўйинади. Шу сабабли суви июль — сентябрь ойларида кўпаяди — бу даврда йиллик оқимнинг 55% и ўтади. Қишида эса суви жуда озайиб қолади, октябрь — февраль ойларида йиллик оқимнинг фақат 14% и оқади, холос.

Зарафшон дарёси йиллик ўртacha сув сарфи Панжакент шаҳри ёнида секундига 165 кубометр, максимал сув сарфи июлда секундига 930 кубометр, минимал сув сарфи эса январда секундига 30 кубометрга тенг.

Зарафшон дарёсининг ўртacha сув сарфи қўйи қисмида секундига 13 кубометрга тушиб қолади. Чунки унинг суви Дарғом, Нарпой Шаҳруд, Вобкентдарё каби катта-кичик ариқлар, канал орқали кўплаб суворишга сарфланади.

Зарафшон дарёси анча лойқа булиб, йилига 4310 минг тонна ҳил оқизиқ оқизади. Дарё текислик қисмида секин оққанлиги сабабли баъзи йиллари 2 сутка, баъзи йиллари 2,5 ойгача музлайди.

Сурхондарё Ҳисор тоғ тизмасининг кор ва музликларидан бошланадиган Тўпалангдарё билан Қоратоғдарёнинг қушилишидан ҳосил бўлади. Дарёнинг узунлиги 196 км бўлиб, ўнг томондан Сангардак ва Хўжаипок каби йирик ва Бойсунсой, Оққончиғой, Тошқўприк каби кичик сойларни қабул қиласади.

Сурхондарё Ҳисор тоғларидаги қорларнинг эришидан кўпроқ сув олганлиги сабабли энг кўп суви июль — сентябрь ойларида тўғри келади.

Сурхондарё (Мангузар қишлоғи ёнида) умумий йиллик сув сарфининг 65,2% и март — июнь ойларида, 12,8% и июль — сентябрда, 22% и эса октябрь — февраль ойларида оқади. Йиллик ўртача оқими эса секундига 68,2 кубометрга тенг. Максимал сув сарфи (Мангузар қишлоғида) апрелда секундига 700 кубометрга, минимал сув сарфи эса сентябрда секундига 0,1 кубометрга тенг. Сурхондарёнинг суви сугоришга сарфланиши туфайли озайиб қолади, ёзда Амударёга жуда кам сув қуяди.

Шерободдарё Амударёнинг охирги ўнг қирғоғи бўлиб, Бойсунтоғ ва Кўҳитанг тоғларининг шарқий ёнбағирдан бошланадиган Ирголи ва Қизилсойнинг қўшилишидан вужудга келади. Узунлиги 186 км бўлиб, ўртача сув сарфи тоғдан чиққанда секундига 7,5 кубометр. Унинг энг кўп суви май ойига, энг ками ёзга тўғри келади.

Қашқадарё Ҳисор тизмасининг Тоғтой довони яқинида 3000 м баландлиқдан бошланиб, 310 км масофада оқади ва Муборак посёлкасига 10 км етмасдан, Қарши чўлида қуриб қолади. Қашқадарё тоғли қисмида Жиннидарё, Оқсув, Танхоздарё, Яккабоғдарё, Ғузордарё каби ирмоқларни қўшиб олиб, текисликка чиққач, суви сугоришга бутунлай сарфланиб, қуриб қолади.

Қашқадарё қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Шу сабабли унинг ўртача йиллик сув сарфи Варғанза қишлоғи ёнида секундига 11,7 кубометр бўлса, шунинг 64% ини март — июнь ойларида, 11,7% и июль—сентябрда, 24,3% и эса октябрь — февралда оқади. Максимал сув сарфи март ойида бўлиб, секундига 98 кубометрга, минимал сарфи эса октябрь ойида бўлиб, секундига 0,60 кубометрга тенг.

Дарёларнинг аҳамияти ва сувини тоза сақлаш. Иқлими қурӯқ, сугориб деҳқончилик қилишга асосланган республикамиз учун дарёларнинг сугоришдаги аҳамияти жуда катта. Ҳозир республикада дарё сувлари билан 4,0 млн. гектар ер сугорилмоқда. Шундан 2 ملي. гектарга яқини Сирдарё ҳавзасига киравчи дарёларнинг суви билан, қолгани эса Амударё, Қашқадарё ҳамда Зарафшон ҳавзаларининг сувлари билан сугорилмоқда.

Республикамизда дарё сувларидан тўғри фойдаланиш учун умумий узунлиги 3 минг км келадиган сугориш каналлари қурилган. Уларнинг энг муҳимлари Фарғона водийсидаги Катта Фарғона, Шимолий ва Жанубий Фарғона, Марказий Фарғона, Мирзачўлдаги Киров, Жанубий Мирзачўл, Чирчиқ дарёсидаги Бузсув, Қорасув, Шимолий Тошкент, Зарафшон водийсидаги Дарғом, Нарпой, Шаҳруд, Вобкентдарё, Эски Анҳор, Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл, Қарши магистрал канали, Амударёнинг қуий қисмидаги Тошсоқа, Ленинёп, Қизкеттган ва бошқа каналлардир.

Ўзбекистонда баҳорги, қишики ва куэги ортиқча сувларни тұплаб, ёзда экин далаларига оқизиши учун бир қанча сув омборлари қурилған. Масалан, Чирчиқ дарёсидаги Чорвоқ, Зарафшон дарёсидаги Каттакүргон, Қуйимозор, Қашқадарёдаги Чимқұрғон, Қамаши, Пачкамар, Сурхондарёдаги Жанубий Сурхон, Ўққизил, Қарши магистрал каналидаги Толимаржон, Фарғона водийсидаги Андижон, Коғонсой, Каркидон, Оҳангарон водийсидаги Туябўғиз ва бошқа сув омборлари қурилған.

Ўзбекистон дарёларининг энергетик аҳамияти ҳам катта бўлиб, умумий потенциал гидроэнергоресурси 8,76 млн. кВт га тенг. Шунинг 0,6 млн. кВт қисми Сурхондарё, 1,8 млн. кВт қисми Чирчиқ*, 0,7 млн. кВт қисми Зарабшон*, 0,4 млн. кВт. қисми Сирдарё* дарёларига, қолганлари республикамизнинг бошқа дарёларига тўғри келади.

Республика дарёлари гидроресурсларидан бир қанча ГЭС лар қурилиб фойдаланилмоқда. Масалан, Чирчиқ дарёсида 19 та ГЭС (энг муҳимлари Чорвоқ, Бўзсув, Қодрия ГЭСлари), Сирдарёда эса Фарҳод ГЭС қурилған.

Ўзбекистон дарёларининг яна завод-фабрикалар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда, қисман бўлса-да, кема қатновида ва балиқ овлашда ҳам аҳамияти бор.

Ўзбекистон халқ ҳўжалигига дарё сувини тоза сақлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Сунгги вақтларда суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланиши туфайли коллектор дренаж сувларининг купайиши, завод-фабрикадан, коммунал ҳўжаликдан чиқинди-ифлос сув миқдорини ортиши ва уларнинг дарёларга оқизилиши туфайли дарё сувининг табиий ҳолати бузилиб, ифлосланиб ундаги органик ҳаётга ҳам салбий таъсир этмоқда. Дарё сувларининг ифлосланиши яшил сув ўтларининг, баликларнинг камайиб кетишига, суфориладиган ерлардаги эқинларнинг нормал ўсишига ва кишиларнинг соғлиғига тэъсир этмоқда. Ҳатто саноатлашган жойлардан оқиб ўтадиган Чирчиқ дарёси сувлари жуда ҳам ифлосланиб, қайта тозаланмасдан туриб, ичишга яроқсиз бўлиб бормоқда. Ҷунки унга Чирчиқ, Тошкент, Янгийўл шаҳарларидаги завод-фабрикалардан, шаҳар коммунал ҳўжалигидан жуда кўп ифлос чиқиндилар ташланмоқда. Фақат Чирчиқ химия комбинати Чирчиқ дарёсига йилига 150 млн. кубометр чамасида ифлос сув оқизади. Дарё сув ресурсларининг тоза сақланишининг аҳамиятига партия ва ҳўкуматимиз катта эътибор бериб, сув тўғрисида, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қонунлар чиқарди. Бу қонунларга биноан бундан бўён сув ресурсларини тоза сақлашга алоҳида эътибор берилиб, чиқинди иф-

* Чирчиқ дарёсининг умумий потенциал гидроэнергоресурси 2,30 млн. кВт бўлиб, шундан фақат 1,8 млн. кВт қисми Ўзбекистон териториясида жойлашган. Шунингдек, Зарабшон дарёси умумий қуввати 2,70 млн. кВт бўлиб, шунинг 0,7 млн. кВт қисми Ўзбекистон териториясида, Сирдарёнинг умумий ресурси 4,90 млн. кВт, шундан 0,4 млн. кВт қисми Ўзбекистон териториясида.

лос сувларни дарё ва каналларга оқизиши ман этилади, ёки улар заарсизлантирилиб оқизилади. Киши ҳаёти учун зарур булган сув ресурсларни тоза сақлаш бугунги кунда умумхалқ иши бўлиб қолди.

Кўллари. Ўзбекистон териториясидаги кўлларнинг кўпчилиги кичик бўлиб, маҳаллий аҳамиятга эга. Республика дарё водийларидаги кўллар, қолдиқ кўллар, тоғларда жойлашганилари тусик ҳамда морена кўлларидир. Сўнгги йилларда одамлар томонидан вужудга келтирилган сунъий кўллар — сув омборлари ва зовур сувларининг табиий чуқурликларда тўпланишидан вужудга келган кўллар сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистон кўлларининг аксарияти Зарафшон, Сирдарё, Амударё, Чирчик, Сангзор ва бошқа дарё водийларида, асосан, уларнинг қуи қисмларида жойлашган. Бу кўлларнинг кўпчилиги шўр бўлиб, дарё суви кўпайган вақтда сувларга тўлади. Ёзниг охирларига бориб, кўлларнинг суви озайиб, саёзлашиб қолади.

Республикамизнинг асосий кўллари Орол, Мирзачўлдаги Арнасой, Айдар, Тузкон; Зарафшон дарёсининг қуи қисмидаги Денгизкўл, Сомонкўл, Кунжакўл, Шўркўл, Ҳожиобкўл; Фарғона водийсидаги Ахсикенткўл, Дамкўл, Қуи Амударёдаги Қарп, Зийкул, Улуғшўркўл, Абилкўл, Оқкўл, Судочье, Бўзтоворкўл, Зокиркўл, Тубанкўл ва бошқалар. Бу кўллар (Орол денизи мустасно) кичик кўллар бўлиб, майдонининг катталиги бир неча юз гектардан 9,06 (Судочье кўли) кв. км гачадир.

Ўзбекистондаги кўллар шўр бўлиб (Тузкон, Денгизкўл, Кунжакўл, Ҳожиобкўл ва бошқалар), улардан туз олинади.

Орол СССРда катталиги жиҳатидан Каспийдан кейинги иккинчи ўриндаги кўлдир. Унинг фақат жанубий қисми Ўзбекистонга қарайди.

Орол тектоник кўлдир. Кўлнинг жануби-шарқий ва шимолий қирғоқлари паст, эгри-буғри бўлиб, қўлтиқ ва бухталари бор. Энг катта қўлтиғи шимолий қисмидаги Саричифаноқдир. Оролнинг ғарбий қирғоғи тик бўлиб, Устюрт платоси дениздан 180 м кўтарилиб туради. Шарқий қирғоғида эса ясси ороллар кўп. Жанубий қисмida эса Тўқмоқота ярим ороли жойлашган.

Орол денизидан 313 дан ортиқ орол бор, энг катталари Кукорол, Возрождение ва Борсакелмасдир.

Орол сув сатҳи пасаяётган, аксинча шўрлиги ортиб, майдони қисқараётган кўлдир. Унинг майдони бундан 29 йил илгари 66,5 минг км², энг чуқур ери 68 м, узунлиги 414 км, энг кенг ери 284 км, сув сатҳи дениз юзасидан 53 м баландда, шўрлиги 9,8% эди. Лекин унинг ҳавzasида суфориладиган ерлар майдонининг йил сайин ортиб бориши, янги шаҳарлар, саноат обьектларининг вужудга келиши ва аҳолининг ўсиши натижасида Амударё ва Сирдарё денизга деярли сув қўймай қўйди¹. Оқи-

¹ Амударё 1987 йил июлдан бошлаб, Сирдарё эса 1988 йилдан бошлаб Оролга сув қуя бошлади.

батда кўлнинг сув сатҳи 14 м пасайиб, энг чуқур ери 54 м га, майдони қисқарип, 46,5 минг км² га, шўрлиги кўтарилиб, 20—22% га, сув сатҳи пасайиб, 40 м га тушди (дengиз юзасига нисбатан). Натижада кўлдаги сув ҳажми 290 км³га қисқарди. Кўлнинг саёз шарқий жанубий ва шимолий қирғоқларидан сув 55—100 км га чекиниб, шўрхок ерларга айланиб қолди.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида халқ хўжалигининг турли соҳаларida сувни тежаб, маълум қисмини зудлик билан Оролга оқизилмаса яқин йилларда (келажакда) унинг сув сатҳи кескин пасайиб, майдони қисқарип, ўта шўр (шўрлиги 41—42%), саёз, кичик ҳавзага айланиб қолади. Натижада регионда экологик шароит ўта ёмонлашиб кетади. 1988 йили Амударё ва Сирдарё кўлга 15 км³ сув қўйди. Илига 5,5—6,0 км³ сув кўл юзасига ёғинлардан тушади. Аксинча кўл юзасидан бир йилда 40—45 км³ атрофида сув буғланиб кетади. Демак, Орол кўлида сувнинг киримида нисбатан сарфи бир неча марта ортиб кетмоқда. Агар тез орада Оролга қўшимча сув оқизилмаса 2000 йилдан сўнг сув сатҳи ҳозиргига нисбатан 19—20 м пасаяди. Оқибатда кўлда 170 км³ сув қолиб, шўрлиги ошиб, 77% га кўтарилади, майдони қисқарип, 23 минг км² га тушиб қолади. Натижада ҳозирги Орол ўрнида саёз ва ўта шўр кичик кўл вужудга келади.

Орол дengизи қишида музлайди. Унинг шимолий қисми ва қирғоқлари 140—160 кун, жанубий қисми қисқа вақт музлайди. Орол дengизида илгари балиқларнинг 20 тури бор эди: шип, лаққа балиқ, зогорабалиқ усаҷ, тангабалиқ, сазан ва бошқалар. Орол дengизининг транспортдаги аҳамияти катта эди.

Ўзбекистон территориясининг грунт сувлари ер бетига яқин бўлган Мирзачўл, Қарши чўли, Қуйи Зарафшон, Қуйи Амударё каби сугориладиган зоналаридан кўплаб зовур сувлари атрофдаги табиий чуқурликларга чиқариб ташланиши натижасида бир неча ўнлаб кўллар вужудга келган.

Фақат Қуйи Амударёда шу йўл билан умумий майдони 127,44 кв. км бўлган 100 та кўл вужудга келган. Улар асосан Озерний коллектори трассида жойлашган бўлиб, энг муҳимлари Улуғшўркўл, Абилкўл, Хонкўл, Улуғкўл, Девкўл, Оқкўл, Карпкўл, Тўнғизкулдикўл ва бошқа кўллардир.

Қуйи Зарафшонда зовур сувларининг тўпланишидан Денгизкўл, Шўркўл, Каттақўл, Қорақиркўл, Чуқуркўл, Парсанкўл каби кўллар вужудга келган.

Мирзачўлдаги зовур сувларининг Арнасой ботиғига ташлаши туфайли у ерда ҳозир Арнасой, Тузкон, Айдар каби кўллар вужудга келган. Бу уч кўлда 8,0 км³ сув тўпланган. Ўзбекистонда сунъий кўллар (сув омборлар) кўп бўлиб, уларнинг энг муҳимлари Каттақўргон, Чорвоқ, Фарҳод, Қўйимозор Туябўғиз (Тошкент), Чимқўргон, Пачкамар, Жанубий Сурхон, Учқизил, Каркидон ва бошқалар.

Каттақўргон сув омбори — Зарафшон водийсида Каттақўргон шаҳри яқинидаги табиий ботиқда барпо этилган тўнғич

сув омборидир. У 1941—1951 йиллари қурилган, ҳозир унинг сув сиғими 1 млрд. м³, сув юзасининг майдони 90 км², узунлиги 22 км, кенглиги 12 км. Бу сув омбори Зарафшон водийсида янгидан 65 минг гектар ерни суғориб, 384 минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилади.

Андижон сув омбори Қорадарёда қурилган. Унинг тӯғонининг баландлиги 115,5 м, умумий сиғими 1750 млн. куб метр, фойдали сув сиғими 1600 млн. м³, сув юзасининг майдони 55,2 кв. км. Сув омбори 460,4 минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилади ва 44,3 минг гектар янги ерни ўзлаштириш имконини берди.

Чорвоқ сув омбори — Чирчиқ дарёсининг Хўжакент қишлоғи яқинида қурилган. Сув сиғими 2 млрд м³. Тӯғоннинг баландлиги 168 м бўлиб, сув юзасининг майдони 40 кв. км. узунлиги 19 км, чуқурлиги 150 м. Сув омбори Чирчик-Оҳангарон ва Калас водийларида 146 минг га янги ерни суғориш имконини беради.

Фарҳод сув омбори — Сирдарёning ўрта оқимида, Бекобод шаҳри яқинида қурилган. Бу сув омборининг узунлиги 46 км, кенглиги 3,1 км, энг чуқур ери 20 м, умумий сув сиғими 350 млн. м³. Сув юзасининг умумий майдони эса 48 кв. км. Бу сув омборидан Киров ва Жанубий Мирзачўл каналлари сув олади.

Қўйимозор сув омбори Зарафшон дарёсининг қўйи қисмида жойлашиб, 1959 йилда ишга тушган. Унинг умумий сув сиғими 350 млн м³.

Туябўғиз (Тошкент) сув омбори Оҳангарон дарёсида Тўйтепа қишлоғи яқинида қурилиб, 1962 йили ишга тушган. Бу кўул тӯғонининг баландлиги 36,5 м, ўртacha чуқурлиги 16 м, узунлиги 9 км, сув юзасининг майдони 20 км². Сув сиғими 250 млн. м³. Сув омборининг қурилиши ўз навбатида водийда 38 минг га янги ерларни суғоришга имкон беради.

Жанубий Сурхон сув омбори Сурхондарёда (Кумқўргон шаҳри ёнида) қурилиб, 1967 йилда ишга тушган. Унинг сув сиғими 800 млн. м³, сув юзасининг майдони 65 км², узунлиги 20 км. Бу сув омборининг қурилиши Сурхондарё обlastida 122 минг га янги ерни суғориш имконини беради.

Чимқўргон сув омбори 1960 йили ишга тушган бўлиб, Қашқадарёда қурилган. Унинг майдони 49,2 км², узунлиги 17,5 км, кенглиги 7 км. Тӯғоннинг баландлиги 33 м, умумий сув сиғими 500 млн м³.

Каркидон сув омбори Фарғона обlastinining Қува районида 1963 йили қурилиб битказилди. Сув сиғими 218,4 млн. м³, узунлиги 5,5 км, майдони 10 км². Сув омбори Исфарамсойдан ва Жанубий Фарғона каналидан сув олади.

Ер ости сувлари. Ўзбекистонда ер ости сувларининг жуда катта запаси мавжуд. Агар улардан тўла фойдаланилса, секундига 450—500 кубометр сув олиш мумкин. Ўзбекистонда ер ости сувлари жойнинг рельефи ва геологик тузилишига боғлик. Ер ости сувлари кўпроқ текисликлар қисмида ва тоғлар ораси-

даги водийларда жойлашиб, улар грунт суви ва артезиан сувларини ҳосил қиласди.

Грунт суви ер ости сувининг энг устки қатламида, ер юзасига яқин бўлган ерлардан булоқ, сизот ва оддий қудуқлар кўринишида ер бетига чиқади.

Артезиан сувлари эса анча чуқурда жойлашиб, пармаланганда кўпинча ўзи отилиб чиқади. Ўзбекистонда бир қанча артезиан ҳавзалари бўлиб, уларнинг энг муҳимлари Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё водийларида, Мирзачўл-Тошкент ботифида, Қизилқум, Қарши чўлларида жойлашган. Тошкент-Мирзачўл ботифида жуда катта «ер ости» дengизи бўлиб, унинг майдони 2 минг кв. км. Мирзачўлдаги ер ости сувларидан максимал фойдаланилса, қўшимча Сирдарё сувига тенг сув олиш мумкин.

Фарғона водийсида ер ости сувининг бир неча қавати мавжуд. Булар ичиде устки қисмидаги антропоген (туртламчи) даврнинг қумшагал ва конгломерат ётқизиқлари орасидаги сувнинг аҳамияти катта. Бу ётқизиқларда сув 100—150 метр чуқурликдан чиқади. Агар Фарғона водийсидаги ер ости сувидан тўла фойдаланилса, қўшимча ярим миллион гектар ерни суғориш имконияти туғилади.

Фарғона водийсидаги грунт сувлари Хўжанд дарвозаси орқали Тошкент — Мирзачўл артезиан ҳавзаси билан туташиб кетган. Бу ҳавзанинг фақат тўртламчи давр қатламлари орасидан чиқадиган ер ости сувидан (151—200 метр чуқурда) фойдаланилса, Тошкент Мирзачўл депрессиясида қўшимча 200 минг гектар ерни сув билан таъминлаш мумкин. Ер ости сувларидан яхши фойдаланилса, Зарафшон депрессиясида 80 минг гектар, Қашқадарё депрессиясида эса 14 минг гектар ерни суғориш мумкин.

Сурхондарё депрессияси ҳам тўртламчи давр ётқизиқлари орасидан чиқадиган сувга бой. Агар ундан тўла фойдаланилса, секундига 15 куб метр сув беради. Бу билан қўшимча равища 30 минг гектар янги ерни суғориш мумкин.

Ўзбекистонда ҳозир йилига 1,5 км³ атрофида ер ости сувидан фойдаланилмоқда. Ер ости суви билан республикада 4,5 минг гектар ер суғорилади. Республикаизда жуда кўп шаҳар, ишчи посёлкалари ва қишлоқлардаги водопроводлар ер ости суви билан ишлайди.

Республикамиздаги Қизилқум, Қарши, Қарноп, Малик чўлларида чорвачиликни сув билан таъминлашда ер ости сувларидан кент фойдаланилмоқда. Ҳозир Қизилқумнинг Оёқоғимта, Қорахота, Мингбулоқ ботиқларида ўнлаб артезиан қудуқлари қазилиб, баъзилари секундига 114 литргача сув бермоқда.

Тупроқлари. Ўзбекистон табиий шароитининг хилма-хиллиги ва кишиларнинг кўп асрли хўжалик фаолияти тупроқ қатламишининг турли хил бўлишига сабабчи бўлган. Умуман, Ўзбекистон чўл зонасида жойлашганлиги сабабли унинг кўпчилик қисмида бўз тупроқ тарқалган.

Бўз тупроқ Ўзбекистон территориясининг ер усти тузилиши, геологияси ва грунт сувининг ер бетига яқинлигига боғлиқ ҳолда уч типга: оч тусли бўз, асосий бўз, тўқ тусли бўз тупроқка ажralади. Бўз тупроқдан ташқари, Ўзбекистонда яна сур-қунғир тупроқ, аллювиал, ўтлоқи, ботқоқ тупроқ ва тошлоқ, қумли, тақирли, шўрхокли, тоғли ерларда эса жигар-ранг, қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари учрайди.

15 жадвал

Ўзбекистон тупроқлари (Ирригация Ўзбекистана, И.1975, т.І)

Тупроқ турлари	Майдони	
	минг.га	% хисобида
Баланд тоғ оч қўнғир тусли тупроғи	540	1,19
Ўрта тоғ жигар-ранг ва қўнғир тусли тупроғи	1662	3,68
Тўқ тусли бўз тупроқ	1055	2,33
Типик (асосий) бўз тупроқ	3081	6,77
Оч тусли бўз тупроқ	2592	5,74
Ўтлоқ бўз ва бўз ўтлоқ тупроғи	781	1,72
Ўтлоқ (бўз тупроқ минтақаси) тупроғи	670	1,47
Ботқоқ ўтлоқ (бўз тупроқ минтақаси) тупроғи	78	0,17
Сур-қунғир тупроқ	11408	25,30
Чўл қумли тупрек	1372	3,04
Тақир тупроқ ва тақирлар	1784	3,96
Ўтлоқ тақир ва тақир ўтлоқ тупроғи	465	1,02
Ўтлоқ (чўл зонаси) тупроғи	1796	3,97
Ботқоқ ўтлоқ (чўл зонаси) тупроғи	58	0,15
Шўрхоклар тупроғи	1272	2,81
Қумликлар	12413	27,54
Бошқа ерлар (сув юзаси) тоғ, қоя ва бошқалар	4118	9,42
Ҳаммаси	45115	10,00

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда чўл зонасининг тупроқлари энг кўп тарқалгандир. Чўл зонаси тупроқлари ичиди эса сур-қўнғир тупроқ типи катта майдонни ишғол қилиб, Ўзбекистон тупроқлари умумий майдонининг 25, 30% ини ташкил этади. Бу тупроқ типи Устюорт платосида, Қизилқумдаги қолдиқ тоғ ва платоларда, Малик, Қарноб, Конимех чўлларида, Фарғона водийсида тарқалган. Сур-қўнғир тупроқларда чиринди миқдори энг кам бўлиб, 0,5% атрофида, чиринди сақловчи қатлам эса жуда юпқадир.

Ўзбекистоннинг кўп қисмини оч тусли бўз тупроқ ишғол қиласи. Бу тупроқ тури республиканинг текислик районларида юқори чегараси 400—500 метр баландликкача кутарилади. Оч тусли бўз тупроқда чиринди миқдори кам (1—1,5%) ва чиринди сақловчи қатлам анча юпқа (40—70 см).

Оч тусли бўз тупроқ Қизилқум, Қарши ва Мирзачўл ҳамда Марказий Фарғонанинг баъзи ерларида табиий шароитнинг ўзгариши туфайли шўрхок, тақир гилли, қумли бўз тупроқлар билан алмашинади.

Оч тусли бўз тупроқ суғориладиган воҳаларда кишиларнинг кўп йиллик хўжалик фаолияти натижасида табиий хусу-

сияти ўзгариб, унинг устки қисмида қалин маданий қатлам вужудга келган. Шу сабабли уни маданий бўз ёки суғорила-диган воҳа бўз тупроғи дейилади. Бу тупроқда чириндининг миқдори 2,5% га етади.

Типик (асосий) бўз тупроқ 500—800 метр баландликкача кўтарилиб, адирларниң қўйи қисмини ишғол килади. Типик бўз тупроқ оч тусли бўз тупроқдан чириндининг кўплиги (1,5—2%) ва чиринди сақловчи қатламнинг қалинлиги билан (60—100 см) ажralади. Типик бўз тупроқ анча донадор бўлиб, таркибида тузи кам.

Ўзбекистон адир ва пастроқ тоғларининг намгарчиллик кўпроқ бўлган ён бағирларида тўқ тусли бўз тупроқ 800—1000 м, баъзан 1200 метргача учрайди. Тўқ тусли бўз тупроқда чиринди кўпроқ 3—5% ва чиринди сақловчи қатлам 80—120 см.

Баланд тоғларга кўтарилиганда тўқ тусли бўз тупроқ жигар ранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари билан алмашинади.

Жигар ранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқ минтақаси Ўзбекистон тоғларида 1000—1200 м дан бошланиб, республиканинг шимолий қисмида 2000—2200 м гача, жанубий қисмида эса 3000—3500 м гача кўтарилади. Тоғ жигар ранг тупроқ типи кўпроқ қуроқчил ўрмон, бутазор ва тоғ ўтлоқларида учрайди. Тоғ жигар ранг тупроқда чиринди анча кўп бўлиб, айrim ҳолларда 8—10% га, чиринди сақловчи қатламнинг қалинлиги эса 120 смга этиши мумкин. Тоғ жигар ранг тупроқ тарқалган ерларда, баъзан чақир тошли тоғ каштан тупроғи ҳам учрайди.

Республика тоғларининг сернам ва баландроқ ерларида, баргли ўрмонлар тарқалган жойларида тоғ қўнғир ўрмон тупроғи учрайди. Унинг юқори чегараси 3000—3500 м. Бу тупроқ таркибида 4—12% чиринди бўлади. Лекин иқлимининг салқинлиги ва рельефининг ноқулайлиги сабабли бу тупроқ тарқалган районлардан кам фойдаланилади. Ниҳоят, тоғларнинг 2600—3000 (3500) м дан юқори қисмларида оч тусли тоғ-қўнғир тупроқ минтақаси жойлашган.

Ўзбекистонда юқорида қайд қилинган тупроқ типларидан ташқари, яна аллювиал ўтлоқ, ботқоқ тупроқлар ҳам мавжуд. Бу тип тупроқлар дарё қайирларида ва террасаларида жойлашган. Республикада тупроқнинг унумсизланишига, бузилишига асосий сабаб шамол ва сув эрозиясиdir.

Ўзбекистон териториясининг тоғли қисмида сув эрозияси кучли бўлиб, у яйловлардан нотўғри фойдаланиш, тик ерларни нотўғри ҳайдаш натижасида содир бўлмоқда. Аксинча, тўғри агротехника асосида ҳайдалган ерларда эрозия кам тарқалган. Ҳозир Ўзбекистон тоғлари ва тоғ олди қисмларида тупроқ майдонининг 15,44% и сув эрозиясиiga учраган.

Ўзбекистоннинг текислик қисмида шамол ва ирригация эрозияси кучли бўлиб, баъзи ерларни нотўғри сугориш туфайли тупроқ қайта шўрланмоқда.

Шундай қилиб, республика тупроқ қатламининг устки унумдор қисми сув, шамол ва суғориш натижасида баъзи ерларда ювилиб, кам унум булиб қолмоқда. Бу ҳолга чек қўйиш ва эрозия процессини тұхтатиб, тупроқ унумдорлигини кутариш зарур.

Ўсимликлари. Ўзбекистон табиатининг турли-туманлиги унинг ўсимлик қопламига ҳам таъсир қилган. Республикада ўсимликнинг 3500—4000 тури бор. Ҳолбуки, Қрим ярим оролида 2000, Узоқ Шарқда 1966, Олтой тоғида эта 1787 ўсимлик тури бор.

Ўзбекистон ўсимликларининг кўпчилиги иссиққа, қурғоқчиликка чидамлидир. Республикамиз текислик қисмида узоқ давом этадиган қуруқ жазирама ёзга мослашган ўсимликлари (танаси гүшти, барги сертук, илдизи узун ўсимликлар) ўсади.

Ўзбекистоннинг текисликларида баҳорда эфемер ва эфемероид ўсимликлар барқ уриб ўсади. Ёзда эса улар сарғайиб, қуриб қолади. Бу даврда шувоқ ва янтоқ каби ўсимликлар ўз вегетациясини давом эттиради. Эфемер ўсимликлар ўрта ҳисобда гектаридан 1,5—2 центнер ем-хашак беради. Текисликда асосий ўсимлик турлари — қўнғирбош, ранг, каврак, сариқчўп, шувоқ ва бошқалардир. Булар ичида кавракдан медицинада ишлатиладиган смола олишда, сариқчўпдан эса бўёқ тайёрлашда фойдаланилади.

Ўлканинг тошлоқ чўлларида кўпроқ шувоқ ўсади ва қорақўл қўйларининг ҳамда чорва молларининг севимли озиғи хисобланади. Бундан ташқари, шувоқдан эфир мойи ва гектаридан 3—10 центнергача хашак олинади. Қумли чўлларда оқ ва қора саксовул, черказ, илоқ каби ўсимликлар ўсади. Булар ичида саксовулнинг аҳамияти жатта булиб, у ҳам чорва моллари учун озиқ ҳамда сифатли ёқилғидир. Чўллардаги шўрҳок ерларда шуралар ўсади.

Республикамизнинг Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон каби дарё водийларида тўқайзорларда ҳар хил буталар, баланд бўйли ўтлар ўсади. Тўқайзорлар учун характерли ўсимликлар: кендер, тол, терак, жийда, юлғун, қамиш, савағич ва бошқалардир. Тўқайзорлардан хўжаликда яйлов сифатида фойдаланилади. Тўқайзорлардаги баъзи ўсимликлар, чунончи қамиш жуда аҳамиятли ўсимликдир. У қурилиш материали, чорвачилик учун силос ва химия саноати учун хом ашёдир. Кендиран эса тола, қисман каучук олиш мумкин. У айниқса Амударёнинг қуий қисмида кўп ўсади. Янтоқдан хўжаликда ем-хашак сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари, унинг таркибида қанд моддаси ҳам бор.

Ўзбекистоннинг тог олди районларида чул зонаси тугаб адир бошланади. Адир Ўзбекистон шароитида 500—1200 м оравлиғида үрнашган. Бу минтака чўлдан ялтириб, дуккакли ўсимликлар ва кўп йиллик ўсимликларининг сероблиги билан фарқланади. Бунда оққурай, қўзиқулоқ, шашир, каврак, буғдойик, гулхайри, ширинажриқ, буталардан дўлана, писта каби

ўсимликлар ўсади. Бу ердаги баланд бўйли ўтлар республикада гўшт-сут берувчи чорва молларини озиқ билан таъминлаб туради. Адир минтақасида ўсимликларнинг қалин бўлиши ва баланд буили ўтларнинг ўсиши гектаридан 10—15 центнергача пичан олиш учун имкон беради.

Адир ўсимликларининг чорвачиликдан ташқари мева йиғида (писта, бодом) ва медицинада ҳам аҳамияти бор. Чунки минтақада ўсувчи етмак таркибида сапонин моддаси бўлиб, медицинада ва кондитер буюмлар тайёрлашда ишлатилса, шаширдан эса эфир мойи олинади.

Адирдан сўнг тоғ минтақаси бошланиб, унинг юқори чегараси 2700—2800 м га етади. Бу минтақада дараҳт-буталардан кўпроқ арча, ёнғоқ, варанг, қайрағоч, қайнин, ёввойи олча, олма, узум, бодом, писта, учқат, зирк, қатранғи, наъматак, ирғай, тол, терак ва бошқалар ўсади. Ўтлардан бетага, буғдоийқ, тошлоқ ерларда эса астрагал, ястиқут-акомтолимон ва бошқалар учрайди.

Тоғ минтақаси халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, республикамизнинг асосий ўрмон базаси ҳисобланади. Бу минтақадаги мева берувчи ёввойи ўсимликлардан ҳар йили кўплаб ҳул ва қуруқ мевалар йиғиб олинади. Узбекистонда арчанинг умумий майдони 500 минг гектар бўлиб, арчани қирқишиш ман қилинган. Арчадан саноатда қалам ишлаш, баргидан эса эфир мойи олиш мумкин. Писта баргидаги пустлоғидан жуда сифатли бўёқ олинади. Зиркдан (қорақат) таомларни мазали ва хўшбуй килишда фойдаланилади. Нихоят, тоғ минтақасидаги ўрмонлар нам сақлайди, дарёларнинг сув режимини нормаллаштириб туради, эрозия процессини сустлаштириб, тупроқни ювилиб кетишдан сақлайди.

Нихоят, Узбекистон тоғларининг 2700(2800) м қисмидан баландда яйлов (субальп ва альп) минтақаси жойлашган. Бу ерлар республикамизнинг асосий ёзги яйлови бўлиб, ёзда ўтлар (ёввойи арпа, бетага, буғдоийқ, альп герани, ялтиробош ва бошқалар) ўсиб, июль-август ойларида ҳам кўм-кўк бўлиб туради ҳамда гектаридан 7—18 ц хашак беради. Шу сабабли ёзда чорва моллари бу жойларга ҳайдаб боқилади.

Республика халқ хўжалигида ўсимликларнинг аҳамияти низоятда катталигини ҳисобга олиб, партия ва ҳукуматимиз узининг қатор қарорларида ўсимликларни муҳофаза қилишни, тури камайиб бораётган ўсимликларни қайта тиклашни уқтириб ўтган.

Хайвонот дунёси. Узбекистоннинг табиат элементлари: иклими, тупроқ ва ўсимликлари ҳамда рельефи ўз навбатида ҳайвонот дунёсининг характеристига ҳам таъсир этган.

Узбекистон территориясининг кўп қисмини ишғол қилган текислик чўллар қисмida ҳайвонлар ёзниң жазирама, давомли қуруқ кунларига, кўчиб юрувчи қумликларга мослашган.

Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги чулларда юрмонқозиклар, қушоёқлар, құмсичқон, типратикан, бўри, тулки, бўрсиқ, қуён, жайрон, оққуйруқ, калтакесаклар, эчкемарлар, тошбақа, ўқ илон, чўл агамаси, чархилон, қум бўғма илони; қушлардан хўжасавдогар, тўргай, тасқара, чўл қарғаси, тувалоқ, бойўгли, қум чумчуғи; ҳашаротлардан эса чаён, бий, фаланг, қорақурт, кабилар яшайди.

Дарё водийлари ва тўқайзорларда эса тўқай мушуги, ўрдак, ғоз, қирғовул, сув қаламуши, чия бўри, лойхўрак, ондатралар яшайди.

Ўзбекистоннинг адирлар зонасида рельефнинг баландлашуви туфайли (500 м дан 1200 м гача) ёрин миқдори кўпаяди. Ёзги ҳарорат бир оз пасаяди, бинобарин ўсимликларнинг сони ва тури ҳам ортиб боради. Бу эса ҳайвонот дунёсига ҳам таъсир қиласи. Бу қисмда судралиб юрувчилардан — сариқ илон, Туркистон агамаси, чипор илон, кобра (кўзойнакли илон), қора илон яшайди. Кобра илони кўпроқ Ўзбекистоннинг жанубий қисмида учрайди.

Адирда сут эмизувчилардан бўрсиқ, тулки, бўри, жайра, қуён, шунингдек, сассиқкўсан, кўрсичқонлар яшайди. Қушлардан бургут, миққий, бедана, чил, каклик, кўк қарға, чумчуқлар учрайди.

Ўзбекистонда 1200 м дан 2700—2800 м гача тоғ минтақаси жойлашган. Бунда судралиб юрувчилар кам. Тоғнинг пастки қисмida тумтоқ кулвар илон куп учрайди. Ўрмонларда Туркистон қаламуши, оқсичқон, олмахон(соня), суғур, қуён, тулки, бўри, бўрсиқ, тўнғиз, қўнғир айиқ, арҳар, така, кийик учрайди. Тоғда қушлар кўп бўлиб, энг муҳимлари қумри, фуррак, зарғалдоқ, каклик, қизилиштон, саъва, булбул, тоғ чумчуғидир.

Республика тоғларининг 2700—2800 м дан баландида яйлов (субальп ва альп) минтақаси жойлашган. Бу ерларда ёз жуда салқин ва нам, қиши совуқ ва давомли. Шу сабабли судралиб юрувчилар жуда кам бўлиб, Олой тоғ илони, Ҳимолай агамаси, кўк қурбақа яшайди. Шунингдек, бу ерда суғур, кўрсичқон, оқсичқон, айиқ, муфлон (тоғ қўйи), така, кийик, барс; қушлардан тасқара, тоғ зағчаси ва бошқалар учрайди.

Сўнгги йилларда кишиларнинг хўжалик фаолияти натижасида жайрон, оққуйруқ, эчкемар, кобра каби ҳайвонларнинг каклик, қирғовул каби қушларнинг миқдори йил сайин камайиб, бормоқда. Тури камайиб кетаётган ҳайвонларни кўпайтириш мақсадида бир неча қуриқхоналар ва заказниклар ташкил этилган.

Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш ва қуриқхоналар. Ўзбекистон табиатини қўриқлаш масаласи инсон учун зарур бўлган тупрокни эрозиядан сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қуриқлаш, сув ва ҳавони муҳофаза қилиш, тоза сақлаш ҳамда хушманзара жойларни табиий ҳолича сақлаш кабиларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг табиатни қўриқлаш ҳақидаги қонунда (1959 йил) «Республика аҳолисининг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини янада кўпроқ қондириш, табиий бойликларни, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан тўғри фойдаланиш мақсадида илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган машҳур табиат ёдгорликларини ва тарихий жойларни қўриқлаш зарурлигини назарда тутади» деб кўрсатилган.

Табиатни муҳофаза қилиш атроф-муҳитни соғ ва кўркам ҳолда сақлаш демакдир. Агар атмосфера ва сув тоза сақланмаса, тупроқнинг эрозияга учрашининг, ўсимлик ва ҳайвон турларини камайиб кетишининг олдини олмасак, халқ хўжалиги катта зарар кўради, кишилар саломатлигига салбий таъсир этади. Шу сабабли Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон ССРда ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ер ва ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва улардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришини таъминлаш ва инсоннинг атроф-муҳитини яхшилаш учун зарур чоралар кўрилади» деб кўрсатилган.

Республика табиатини ифлослантирувчи асосий манбалар — завод ва фабрикалар, тог-кон саноати, коммунал хўжалик, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалигидир.

Ўзбекистонда жуда кўп саноат корхоналари бўлиб, улар атмосферага ҳар хил заҳарли газлар, майда заррачалар чиқарив, уни ифлослантиримоқда. Айниқса корхоналардан чиқаётган ифлос-чиқинди сувларни дарёларга ташлаш натижасида республика сув ҳавзалари ифлосланмоқда. Республика териториясида ҳар кунги чиқинди ифлос сувларнинг миқдори 4 млн. м³ дан ортиқдир. Асосий вазифа ифлос-чиқинди сувларни тозалаб, заарсизлантириб, сўнгра сув ҳавзаларига ташлашга ёки улардан экинларни сугоришда фойдаланишга эришиш керак.

Ўзбекистон саноати, маиший коммунал хўжалик истеъмоли учун ҳозир (1985 й.) йилига дарёлардан 4,5—5,0 км³ атрофида сув олиб, унинг 50% га яқинини оқава ифлос сув сифатида тозалаб, ярим тозалаб, баъзан эса тозаламасдан табиий ҳавзаларга ташламоқда, оқибатда дарё сувлари ифлосланмоқда. Бунга чек қўйиш учун ифлос оқава сувлардан ерларни сугоришида фойдаланишга ўтиш керак. Агар Ўзбекистондаги ўша ифлос — оқава сувлардан сугоришида фойдаланилса, 250—300 минг гектар ерни сугориш мумкин ва ҳар гектаридан оддий сув билан сугорилган ерга нисбатан йилига 150—200 сүм кўшимча даромад олинади. Келажакда Ўзбекистонда оқова (ташландик) — ифлос сувнинг миқдори ортиб, йилига 6,0 км³ га етади ва у билан қўшимча 600 минг гектар ерни сугориш мумкин.

Узбекистонда сув ресурсларини тоза сақлаш учун ундан қайта ва ёпиқ усулда фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада, ҳозир (1984 й.) истеъмол учун олинган сувнинг 51% идан ёпиқ усулда ва қайта фойдаланилмоқда. Бу биринчидан ифлос сувлар миқдорини кескин камайтирса, иккинчидан дарёлардан 51% атрофида кам сув олишга имкон беради. Булардан ташқари суткада 400 минг кубометр саноат ва майший-коммунал ташландик ифлос сувларни тозалайдиган қурилмалар барпо этилди.

Республика сув ресурсларини муҳофаза қилишга қаратилган бу чора-тадбирлар натижасида дарё сувларининг ҳолати яхшиланиб, тозаланиб бормоқда.

Узбекистон сув ҳавзаларининг ифлосланишида саноат ва коммунал хўжалик чиқинди сувларидан ташқари зовур сувлари ҳам иштирок этади. Чунки зовур сувлари далалардаги тузларни экинларга солинган, сепилган ҳар хил химикатларнинг эритмасини сув ҳавзаларига олиб келади.

Табиатнинг ифлосланишида тоғ-кон саноати ҳам салбий роль ўйнамоқда. Маълумки, ер ости бойликларини қидириб топиш, ишга тушириш жараённада кўплаб ерлар қазилади, ўйлар, уйлар қурилади, нокерак тоғ жинси ағдармалари вужудга келади. Натижада бир неча км радиусга эга бўлган жойдаги ер ишдан чиқади, ўт-ўланлар, дараҳтлар йўқ қилинади. Бунинг устига 1 км ўйл қуришда 20—25 га, 1 км электр узатиш линияси қурилишида 16—20 га, осма ўйл қуришда эса 20—22 га майдондаги ўт-ўлан ва дараҳтлар йўқ бўлиб кетади.

Тоғ-кон саноатида вужудга келган нокерак тоғ жинси ағдармаларидағи майда заррачалар шамол таъсирида учирилиб атроф-муҳитни чанг-тўзон билан ифлослантирмоқда.

Асосий вазифа ўша нокерак тоғ жинси ағдармаси устига дараҳтлар экиб, карьер ҳандақларга¹ сув тўлдириб, кўллар барпо этиб, дам олиш жойларига айлантириш керак. Йўл, электр узатиш линияси ва осма ўйл қуришда эса ўсимликларни пайҳон қилмаслик учун вертолётлардан фойдаланиш зарур.

Узбекистонда баъзан ерларни нотўғри ҳайдалиши ва нотўғри сугорилиши туфайли тупроқ эрозияга дуч келмоқда, ерлар қайта шўрланмоқда. Шу сабабли ерга ишлов бераётганда илғор агротехника қоидаларини қўллаб, сугориш нормасига риоя қилиб, сугоришнинг илғор усулларидан (тарнов, найчалар ёрдамида ёмғирлатиб ва тупроқ остидан сугориш ва б.) кенг фойдаланиш керак.

Узбекистонда ўсимликлар майдонини кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Сунгги йилларда тоғ ён бағирларига мевали дараҳтлар экилиб, ўрмон майдони кўпайтирилмоқда. Текислик қис-

¹ Олтинтопкан қўрғошин-руҳ комбинати марказий карьерида иш тугагандан кейин бу ерда майдони 8 кв. км, чуқурлиги 300—400 м келадиган ҳандақ қолган.

мида эса воҳалар, йўллар ва каналлар атрофига ҳар хил мевали дарахтлар ва тут кўчатлари экилиб, иҳота ўрмонлар по-лосаси ташкил этилмоқда. Чўлларга ҳар йили кўплаб саксо-вул, юлғун, шувоқ уруғи сепилиб, қумлар мустаҳкамланмоқда. Майдони камайиб бораётган арчаларни кесиш бутунлай ман этилди.

1987 йили Ўзбекистонда 46,1 минг гектар майдонда давлат аҳамиятига эга бўлган ўрмонлар барпо этилди. Шунинг 45,1 минг гектари янгитдан экилди, 1,0 минг гектарини табиий ҳолда қайта ўсишига имконият яратилди. Шунингдек, 1,3 млн. гектар майдондаги ўрмон ва ўтлоқлар ёнғиндан ҳимоя қилиб қолинди. Атроф-муҳитни тоза сақлаш мақсадида 26,9 минг гектар майдондаги ўрмонлар заҳарли химикатлар ишлатилмасдан биологик метод орқали касалликлардан ва зараркундалардан сақлаг қолинди. Ўрмон ва ўтлоқларнинг муҳофазасига қаратилган бу чора-тадбирлар ўз навбатида Ўзбе-кистонда ўрмонлар майдонининг кенгайишига, уларни ҳар хил касалликлардан сақлашга олиб келди.

Айниқса, тури камайиб бораётган ҳайвонлардан оққўйруқ, жайрон, лайлак, хонгул буғуси, архар, бурама шоҳли эчки, морхўр, қирғовул, каклик каби ҳайвон-қушларни ов қилиш ман этилади ва улар заказниклар ва қўриқхоналарда кўпайтирилмоқда.

Киши саломатлиги учун зарур бўлган атмосферани тоза сақлаш катта аҳамиятга эга. Бу соҳада ҳам Ўзбекистонда катта ишлар олиб борилмоқда. Завод ва фабрикаларда тутун, қурум чиқарувчи мазут, кўмир каби ёқилғи ўрнига газ ишлатилмоқда. Қишлоқ ва шаҳарлар, кўллар ва каналлар атрофида яшил хиёбонлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда атмосферани тоза сақлаш учун заарарли ва заҳарли моддалар чиқарувчи корхоналарда соатига 2,1 млн. м³ заарарли моддаларни ушлаб қолувчи ва заарсизлантирувчи қурилмалар барпо этилди. Натижада атмосферага чиқаётган заҳарли моддаларнинг 65% ини ушлаб, заарсизлантириш имконияти вужудга келди. Бу тадбирлар атроф-муҳитни, энг аввало ҳавонинг мусаффо, шифобахш бўлишига таъсир этади, албатта.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиб, табиий ресурслардан рационал фойдаланишга алоҳида эътибор берилиб, сув тозаловчи иншоотлар, атмосферага чиқувчи заарарли моддаларни ушлаб, заарсизлантирувчи мосламалар қуриш, янги ўрмонлар ташкил этиш ва ерлардан тўғри фойдаланиш учун 1987 йили 85,6 млн. сўм маблағ ажратилди. Шунинг 51% и сув ресурсларини тоза сақлашга, 9% и атмосфера ни тоза бўлишига, 40% и ерлардан рационал фойдаланиш ва янги қўриқхоналар ташкил этишга сарфланди.

Республика табиатини муҳофаза қилишда ва уни қайта тиклашда қўриқхоналарнинг роли жуда катта. Чунки қўриқхоналарда маълум территорияда, ландшафтнинг барча компо-

нентлари тупроқ-усимлик ва ҳайвонот дунёси, қизиқарли объектилари табиии ҳолица сақланади. Ўлка учун характерли бўлган жойлар ёки ноёб табиии объектлар (усимлик, ҳайвон, рельеф шакли, ажойиб фор ва бошқалар) қўриқхоналарга айлантирилади.

Ўзбекистонда Чотқол тоғ-ўрмон, Зомин тоғ-ўрмон, Пайғамбар-орол, Бадайтүқай, Қоракўл, Қизилқум, Зарафшон, Варданзи, Ҳисор, Нурота, Арнасой, Абдусамад каби қўриқхоналари ташкил этилган. Қелажакда эса Зомин миллий хиёбони ташкил этилади.

Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонаси Чотқол тизмасининг жануби-ғарбидаги бўлиб, Тошкентдан 70 км узоқда, у 1947 йили ташкил этилган, ҳозир майдони 47,5 минг гектар. Бу қўриқхонада тоғ-ўрмон ландшафти муҳофаза қилинади. Бу ерда арчазорлар, писта, Кавказ шамшоди; ҳайвонлардан каклик, бедана, шунингдек, тоғ сувсари, тоғ сичқони, қўнғир айик, илвирс, кўк суғур, тоғ такаси, елик яшайди ва улар муҳофаза қилинади.

Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонаси Туркистон тизмасининг ғарбий қисмининг шимолий ён бағрида, Зомин райони териториясида жойлашган. У 1926 йили ташкил этилган ва Ғўралас деб аталган. 1960 йилдан бошлаб Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонаси деб юритиладиган бўлди. Майдони 10,5 минг га бўлиб, арчазорларнинг табиии ҳолатини ва арча-ўрмон миңтақасига хос ландшафтни сақлаш, арчазорларнинг ўсиш шароитини яхшилаш ишлари олиб борилмоқда. Бу қўриқхонада ҳайвонлардан кўлвор илон, каклик, типратикан, тоғ сувсари, қўнғир айик, ёввойи чўчқа, тоғ такаси ҳам қўриқланади.

Пайғамбаророл қўриқхонаси Амударёнинг ўрта қисмида Термиз шаҳридан 20 км қўйида жойлашган. Қўриқхона 1960 йилда ташкил этилган, бу ерда тўқайзор ландшафти ва унга хос ҳайвонлар муҳофаза қилинади. Қўриқхона майдони 4 минг гектар, тўқайзорларда сони жуда камайиб кетган (ҳозир 200 та қолган) хонгул буғуси, заҳарли илонлар муҳофаза қилинади. Шунингдек, оролда ёввойи чўчқа, қўёнлар, йўл-йўл сиртлон, қирғовул, эчкемар ҳам яшайди.

Қорақалпогистон АССР териториясида, Амударёнинг қуий қисмида 1971 йили Бадайтүқай қўриқхонаси ташкил этилган. Бу қўриқхонада тўқайзорлар ландшафти ва у ердаги ҳайвонлар муҳофаза қилинади. Қўриқхонанинг майдони 10 минг гектар.

Қоракўл қўриқхонаси 1971 йили Зарафшон водийсининг қуий қисмида тўқай ландшафти ва ундаги үсимлик, ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилди. Қўриқхонанинг майдони 20,5 минг га бўлиб, тўқай ландшафти билан бирга хонгул буғуси, жайрон, қундуз, қуён, ондатра, ғоз, ўрдак ва қирғовул қўриқланади.

Қизилқум қўриқхонаси 1971 йили Қизилқумнинг ғарбидаги Амударё соҳилида ташкил этилди. Қўриқхонанинг майдони 4 минг га бўлиб, тўқай ва чўл ландшафти, шу жумладан туран-

ғи, жийда, тол, юлғун, қандим, саксовул, савағич каби үсімліктер ҳамда жайрон, ёввойи чүчқа, қирғовул, ұрдак ва бошқа ҳайвонлар мұхофаза қилинади.

Нурота тоғида Нурота құриқхонаси ташкил этилиб, майдони 36,5 минг га. Бу ерда Нурота тоғ ландшафти ва алқар, сувсар, тулки, тұнғиз, холдор мушук, қүён, каклик, гурза илонни мұхофаза қилинади.

Хисор құрықхонаси Хисор тизмасыда жойлашиб, Қашқадарे обласы территориясына киради. Құриқхона 1985 йили Мироқи ва Қызылсу құриқхоналарини бирлаштириш нағызасыда ташкил топди. Унинг майдони 76,8 минг гектар бўлиб, асосан баланд тоғ ландшафтини ва у ерда яшовчи Сибирь силовсини, тяншань тулкиси, тоғ куркаси, оқ тирноқли айик, сувсар, қор барси (қоплони), силовсин, тұнғиз, қызил суғир, олқар, шоҳдор эчки мұхофаза қилинади.

Зарафшон құрықхонаси Зарафшон дарёсининг ўрта қисміда жойлашиб, Самарқанд обlastига қарайди. Құриқхона 1975 йили ташкил этилиб, майдони 2,5 минг га. У ерда тұқай ландшафти комплекс ҳолда мұхофаза қилинади. Шунингдек, бу құриқхонада тұқай үсімліктери ва ҳайвонлари (Зарафшон тус товуғи, тулки, шоқол, қүён) ҳам қаттық назорат остига олинган.

Арнасой құрықхонаси Жиззах обlastидаги Арнасой сойлигіда 1976 йили ташкил этилган. Унинг майдони 36,0 минг га бўлиб, чұл, тұқай ва күл ландшафти мұхофаза қилинади. Бу құриқхонада, айниқса чұл-тұқай үсімліктери ва кул ранг әчкемар, калтакесак, сув құшлари, күк құтон назорат остига олинган.

Варданзи құрықхонаси Шофрикон ўрмон хұжалик территориясыда жойлашиб, 1935 йили ташкил этилган. Бу құрықхонада чұл ландшафти ва шу ерда үсевчи чұл үсімліктери ва ҳайвонлари, шунингдек, тарихий ёдгорлик-Варданзи шаҳар харобалари (қолдиқлари) мұхофаза остига олинган.

Китоб минералогик құрықхонаси Қашқадаре обlastидаги Хұжақұрғон соиі ва унинг атрофидаги ерларни әгаллаб, 1974 йили ташкил этилган. Құриқхонада бундан 500—450 млн. йил илгариги жинслар орасыда тошқотган үсімлік ва ҳайвон қолдиқлари яхши сақланған. Құриқхонада ҳар хил минераллар очилиб қолган. Шу сабабли улар геологик даврлар тарихининг стратиграфик эталонидир.

Ўзбекистон табиатини мұхофаза қилишда яна миллій (халқ парклари, заказниктер ва табиат ёдгорликтарининг ҳам ахамияти жуда каттадир.

Ўзбекистонда Туркистан тоғ тизмасынинг шимолий ён бағрида жойлашған Зомин халқ парки (1977 йили) мавжуд. Унинг майдони 47,7 минг гектар бўлиб, дөнгиз сатқыдан 1000—4030 м баландликда жойлашған. Бу халқ паркида меҳнаткашларнинг дам олиши, спорт машрутлари ва туризм билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратилишидан

ташқари төг ландшафти ва у ердаги арчазорлар, ўтлоқлар, ҳайвонлар ҳамда табиатнинг ажойиб обьектлари муҳофаза остига олинган.

Заказниклар территориясида табиат компонентларининг бир қисми (ўсимлик, ҳайвон, парранда ёки табиатнинг ажойиб қисми ва бошқ.) маълум давргача қўриқланади. Заказникларни асосий вазифаси ноёб ҳайвон, парранда ёки ўсимлик турини ёки ажойиб табиатли жойларни йўқ булиб кетишидан астрайди, ҳайвон ва ўсимликларни кўпайиши учун шароит яратади.

Ўзбекистонда қўйидаги заказниклар мавжуд:

1. Абдусамат давлат заказниги — Сирдарёning урта оқимидағи Каттаорол, Волчий оролларида ва уларга яқин ҳар иккала соҳилида жойлашиб, 40 км га чўзилган. Заказник Сирдарёning Фарғона водийсида қолган түқай ландшафтини ва у ердаги түқай ўсимлиги ва ҳайвонларни (Сирдарё қирғовулини) сақлайди. Заказник 1978 йили ташкил этилиб, майдони 2158 га, шунинг 1459 гектари түқай ўрмони билан қопланган.

2. Оқбулоқ давлат заказниги — Чотқол тоғида (Оқбулоқ ҳавзасида) жойлашиб, Чирчиқ ўрмон хўжалигига қарайди. У 1973 йили ташкил этилган, майдони 12572 га. У Чотқол төг-ўрмон қўриқхонаси атрофидаги зона табиатини қўриқлаш вазифасини бажаради. Шунингдек, бу ерда оқтироқли айик, тўнғиз, Марказий Осиё такаси кабилар муҳофаза қилиниб, кўпайтирилади.

3. Тұдакұл давлат заказниги — Бухоро областидаги Тұдакұл ва унинг атрофида жойлашиб, 1960 йили ташкил этилган, майдони 30 000 га. Заказник асосан ғоз, ўрдак, пеликан каби қушларни, қуён, тулки, түқай мушуги, жайрон каби ҳайвонларни ва сувда эса сазан, сом, леш каби балиқларни сақлаб, кўпайтириш билан шуғулланади.

4. Денгизкүл давлат заказниги — Бухоро областидаги Денгизкүл ва унинг атрофида жойлашиб, 1973 йили ташкил этилган, майдони 8620 га. Заказник асосан баҳор-ёзда кўп учиб келувчи — ғоз, ўрдак, баклан, фламинго каби қушларни яшashi учун қулай шароит яратади.

5. Амударё дельта давлат заказниги — Амударёning дельтасида жойлашиб, ҚҚАССР га қарайди. У 1974 йили ташкил этилиб, майдони 60000 га. Заказнико дельта ландшафти, доимий ва вақтинча яшовчи — шипун ғози, пеликан, баклан, оқ ва кул ранг цапли кабилар муҳофаза қилинади.

6. Нурумтепа давлат заказниги — ҚҚАССРдаги Қуваншидарма канали атрофида жойлашиб, майдони 29000 га. У 1971 йили ўша жойда яшовчи тўнғиз, бўрсиқ, хива қирғовулини сақлаб қолиб, кўпайтириш мақсадида ташкил этилган.

7. Хоразм давлат заказниги — Хоразм областига қараб, Озёрний коллектори районида жойлашган. Майдони 11000 га булиб, 1974 йили ташкил этилган. Заказник учиб ке-

лувчи пеликан, гоз, фламинго каби қушларни ва тұнғиз, чиябүри, тулки ва бұрсақни күпайтиради ва муҳофаза қиласы.

8. Күхитанг давлат заказнеги — Ҳисор тизмасиңинг Сурхондарё обlastига қарашли Қулсой, Сариқамиш, Майдайл каби сойларида жойлашиб, майдони 43000 га. У 1970 йили ташкил этилиб, асосан чуқур дарё зовларини, қояларни ва у ерга яшовчи машхур (бурама шохли така)ни, бухоро тоғ қүйини, бургутни, ҳамда мезо-неолет даврига хос бұлган расмлар билан дүнёга машхур Зарауткамар археологик ёдгорлиги муҳофаза қилинади.

Ўзбекистонда жаңа жуда күп овчилик хұжаликлари, Бухоро жайронини күпайтириб, муҳофаза қилувчи маҳсус питомник мавжуд.

Бухоро маҳсус жайрон питомнеги Бухоро обlastидаги «Қоровулбозор» совхози ерлариде жойлашган. Майдони 3126 гектар бұлғын, атрофи сим түр билан үралған. Питомник 1976 йили сони камайиб кетаётган жайронни күпайтириш мақсадида ташкил этилған. Хозир питомникда жайрон ийріткічлардан (бўри, чиябўри) ва браконьерлардан ҳимоя қилиниб, күпайтирилиб, республикамизнинг бошқа жойларига тарқатылмоқда.

Ўзбекистон ландшафтининг ажойиб, диққатта сазовор элементларини сақлаб қолишида табиат ёдгорликларининг аҳамияти катта. Илмий, маданий ва тарихий жиҳатдан қимматли, ажойиб, ноёб табиат объектларини муҳофаза қилиб, сақлаб қолиш учун анча катта майдонни эгалловчи қуриқхоналар, зақнилар барпо этиш шарт әмас. Уларни майдони жуда кичик бұлған «табиат ёдгорлик»лари сифатида сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш мумкин.

Табиат ёдгорликлари деганда биз горларни, карстларни, шаршараларни, ажойиб булоқларни, дараларни, танглик жойларни, кояли рельеф шаклларини, зовларни, очилиб колган ётқизиқларни, айрим ноёб ва қимматли дарахтларни, тошқотған үсімлік ва ҳайвонларни, тарихий обидаларни ва табиатнинг бошқа ажойиб объектларини тушунамиз.

Ўзбекистонда 1000 га яқин табиат ёдгорликлари мавжуд, лекин уларнинг күпчилиги ҳисобга олинмаслиги оқибатида ҳолати жуда ёмонлашиб бормоқда.

Табиат ёдгорликлари хусусиятларига қараб геологик, палеонтологик ландшафт, археологик ва ботаник кабилаларга булиниши мүмкін.

Геологик ёдгорликларга табиатда очилиб қолған тоғ жинслари, карстлар, иссиқ сувли минерал булоқлар, горлар киради. Бунга Ўзбекистондаги Кильси (Қирқтоғда) гори, Қорлуқ (Күхитанг тоғида) гори, Гунжак (Зиёвуддин тоғида) гори. Ҳазратидовут (Зираубулоқ тоғи) гори, Амир Темур гори, Зарафшон тизмасидаги карст, Нурота яқинидаги булоқлар яққол миссолдир.

Палеонтологик ёдгорликларга Ўзбекистонда жуда күп учрайдиган, тошга айланған, лекин уни излари яхши сақланған

ўсимлик ва ҳайвон қолдиклари учрайдиган жойлар мисол бўлади.

Ландшафт ёдгорликларига ажойиб қоялар, шаршаралар, шоввалар, зовлар, даралар, танглар, жарлар ва бошқалар киради. Ландшафт ёдгорликларига Илонўти дараси, Арслонбоддаги Катта шаршара, Сурхондарёдаги Клиф-Шеробод марзаси, Катта ва Кичик Чимён сойлиги, Оқтош сойлиги, Санзор дараси ва бошқалар киради.

Ботаник ёдгорликларга ноёб ва тури йўқолиб бораётган ўсимлик, қумлар орасида сақланиб қолган дарахтлар, тик ёнбағирлардаги ўрмонлар ва бошқалар киради. Ботаник ёдгорликларга Сурхондарё областидаги (Сайробдаги) ёши 800—900 йиллик чинор, Бонсундаги Чорчинор, Ўргутдаги (Самарқанд обл.) ёши 1014 йиллик Хўжа Чор Чинор, Эски Хўжакентдаги булоқ ёнидаги чинор, Шоғиркон атрофидаги саксовулзорлар ва бошқалар мисолдир.

Археологик ёдгорликларга қадимий манзилгоҳ жойлар, шаҳар қолдиклари, ирригация шоҳобчалари қолдиқлари — қудуқ, сардоба, кориз, бандлар киради. Бунга қадимий Варданзи, Варахша (Бухоро областида) шаҳар харобалари, Кўҳна Урганчдаги минора, Кўҳитанг форида сақланган қадимий ёзув ва расмлари билан дунёга машҳур бўлган Зарауткамар ёдгорлиги, Нурота ва бўшқа ертарда сақланган коризлар, чуллардаги сардобалар, Оқчоп сойлигидаги Абдуллаҳандим (сув омбор) қолдиқлари яққол мисолдир.

Савол ва топшириқлар. 1. Үлкашунослик нима ва у қандай тармоқларга бўлинади? Географик улкашунослик афзаллик томонларини гапириб беринг. 2. Ўзбекистон ССР қачон ва қандай ташкил толган? 3. Контур картага Ўзбекистоннинг энг чекка нуқталарини, чегараларини, энг паст ва энг баланд жойини туширинг ҳамда обласлар чегараларини ажратиб, марказий шаҳарини ёзиб қўйинг. 4. Дарслидаги Ўзбекистон ССРнинг орографик картасидан фойдаланиб, асосий тоф тизмаларининг рўйхатини тузиб, билиб олинг. 5. Ўзбекистон ССР атласидан ва дарслидаги расмдан фойдаланиб, 41° шимолий кенглиг ва 66° шарқий узунлик бўйича гипсометрик профилини тузинг. 6. Ўзбекистон ССРнинг геологик тузилишининг асосий хусусиятлари нималардан иборат? 7. Контур картага Ўзбекистондаги энг муҳим казилма бойликлар конларини тушириб, билиб олинг. 8. Нима сабабдан Ўзбекистонда (шу географик кенглика жойлашган Ўрта денгиз мамлакатларига нисбатан) иқлим қуруқ ва Қуёшнинг ёритиб туриш даври кўп? 9. Нима сабабдан Ўзбекистон территориясига ғарбий ҳаво массалари ёзда кишига нисбатан кўп эсса-да ёғин бермайди? 10. Контур картага Ўзбекистонда энг куп ва энг кам ёғин тушидиган, ёзда энг иссиқ, қишида энг союқ буладиган жойларни тушириб, сабабини билиб олинг. 11. Ўзбекистон дарёлари тўйиниши жиҳатидан қандай типларга бўлинади? Қишлоқ хўжалар экинлари, хусусан пахтацилик учун қайси тўйиниши типига кирувчи дарёларнинг аҳамияти катта? 12. Нима учун Амударё, Сирдарё, Зарабшоннинг суви ёзда кўпайди? 13. Нима учун ва қандай сабабларга кўра Амударё ва Сирдарё Орол денгизига деярли сув қўймаяти? 14. Ўзбекистон дарёларининг аҳамияти нималардан иборат? 15. Дарё сувлари нима учун ифлосланмоқда ва уни тоза сақлаш борасида Ўзбекистонда қандай чора-тадиблар амалга оширилмоқда? 16. Нима сабабдан Орол кўлининг суви йил сайин камайиб, майдони қисқармоқда? 17. Орол денгизи сув сатҳи пасайишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат? 18. Контур картага Ўзбекистондаги энг муҳим сув омборларини туширинг ва уларнинг аҳамиятини билиб олинг. 19. Дарслидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбе-

қистондаги энг мұхым турпроқ типлари майдонининг қиёсий айлайма диаграммасини түзинг. 20. Ўзбекистон үсімліктер қандай баландлық миңтақаланышыга ега? Ҳар бир баландлық миңтақасы учун характерлы үсімлік турларини билиб олинг. 21. Ўзбекистоннинг текислик қисмидә яшовчы ҳайвонлари табиий шароитга қандай мослашғанлыгын гапириб беринг? 22. Ўзбекистонда ҳавоннинг ифлосланишига нималар сабабчи ва уларни тоза сақлашға қаратылған қандай ишлар амалға оширилмоқда? 23. Ўзбекистон турпроқтарини эрозиядан ва қайта шүрләнишдан сақлашда қандай чора-тадбирлар амалға сширилмоқда? 24. Ўзбекистон табиатының мұхофаза қилишда құриқұона, заказникларнинг ахамияти нималардан иборат? Контур картага Ўзбекистондаги құриқұоналар, заказниклер ва табиаттың ажойиб жойларини тушириб, билиб олинг.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АХОЛИСИ ВА МАДАНИЯТИ

Ўзбекистон территориясыда 19,5 млн. дан ортиқ киши яшайды. Бу эса Ўрта Осиёдаги барча иттифоқдош республикалар ахолисининг 60% идан ортиқдир. Ахолисининг сони жиҳатидан Ўзбекистон Иттифоқимизда РСФСР, Украина ва Қозогистондан сүнг 4 үринде туради.

Ўзбекистон ахолиси тез үсаётган республика. Ҳозир ахолисининг йиллик үсиши 3,3% дан ортиқ. Совет ҳокимияти даврида республика ахолиси яшаш шароитларининг яхшиланиши туфайли тез үсемоқда. 1913 йилдан 1926 йилгача ахолининг ўртача йиллик үсиши 0,5% бұлса, 1926 йилдан сүнг унинг йиллик үсиши 3% га етади. Натижада ҳозир Ўзбекистон ахолиси революциягача бұлған миқдордан 3,5 мартадан, шу жумладан шаҳар ахолиси эса 4 мартадан ортиқ үсди. Ўзбекистон ахолиси 1913 йили чор Россиясы ахолисининг 2,74% ига тенг бұлған бұлса, 1988 йилги маълумотта күра, СССР ахолисининг 7%дан күпроғини ташкил этди.

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон ахолиси тез үсишининг асосий сабаби туғилишнинг үсиши ва үлишнинг кескин камайиши ҳамда күплаб саноат объектларининг қурилиши, янги ерларнинг үзлаштирилиши туфайли Иттифоқимизнинг бошқа районларидан ахолининг күчіб келишидир.

Ўзбекистон ахолисининг тез үсиши асосан табиий үсиш ҳисобига рұй бермоқда. Сүнгги йилларда республика ахолисининг үсишини 100% десак, үшанинг 95% и табиий үсиш ҳисобига тұғри келади. Ўзбекистонда ахолининг табиий үсиши юқори бўлиб (Иттифоқда Тожикистон ССРдан кейин иккинчи үринда), СССРдаги ўртача кўрсаткичдан З марта юқоридир. Бунга асосий сабаб республикада туғилишнинг үлишга нисбатан кўплиги. Туғилишнинг кўплиги эса ўз навбатида Ўзбекистонда никоҳда бўлған ахолининг ажralишига нисбатан кўплигидир. Агар 1980 йили ҳар 1000 киши ҳисобига СССРда 3,5 ажralиш бўлса, ЎзССРда 1,4 ажralиш қайд қилинган.

Ўзбекистон Ўрта Осиёдаги ахоли энг зич жойлашган республика — ҳар кв. км ерга ўртача (1982 йил 1 январгача) 37,1 киши тұғри келади. Бу эса СССР умумий ахолисининг ўртача зичлигидан 2,7 марта кўпdir.

**Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиб бориши
(1913 — 1988 йиллар)**

Йиллар	Аҳолининг умумий сони, минг киши	Шу жумладан		% ҳисобида	
		шахар аҳолиси	қишлоқ аҳоли- си	шахар аҳолиси	қишлоқ аҳоли- си
1913	4354	1000	3274	24,5	75,5
1924	4238	866	3392	20,3	79,7
1926	4660	1013	3647	22,0	78,0
1940	6551	1606	4945	24,5	75,5
1959	8119	2729	5390	33,6	66,4
1970	11800	4322	7478	36,6	63,4
1980	15765	6500	9265	41,2	58,8
1981	16158	6706	9452	41,5	58,5
1983	17039	7151	9888	42,0	58,0
1984	17498	7409	10089	42,3	57,7
1985	17974	7530	10444	41,9	58,1
1986	18479	7727	10752	41,8	58,2
1987	19026	7974	11052	41,9	58,1
1988	19569	8232	11337	42,1	57,9

Ўзбекистонда аҳоли территория бўйича нотекис тақсимланган. Табиий шароити қулай бўлган воҳаларда аҳоли зич, аксинча чўлларда, тоғли ерларда сийрак. Воҳаларда ҳар кв. км жойга 400 кишидан ҳам ошиқ бўлса, аксинча чўл ва тоғли районларда бир кв. км ерга 0,2 кишидан 9 кишигача тўғри келади. Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп қисми Тошкент области ва шаҳрига (Чирчиқ — Оҳангарон воҳасига) тўғри келиб, 1 км² га 243 кишини ташкил этади. Аҳолининг сони жиҳатидан иккинчи ўринни Фарғона водийси (Андижон, Наманган ва Фарғона областлари) эгаллаб, 1 км² га 215,8 киши тўғри келади. Андижон области аҳолисининг зичлиги жиҳатидан республика областлари ичда биринчи ўринда бўлиб, 1 кв. км га 343,6 киши, айрим районларида ундан ҳам кўп киши яшайди.

Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 42—76 киши тўғри келса, Бухоро — Қизилкум ва қуий Амударё (Хоразм обlastидан истисно) районларида ўртача зичлик 9—9,7 кишини ташкил этади. Хоразм обlastida эса ҳар кв. км га 175,2 киши тўғри келади (62- расм).

Ўзбекистон аҳолисининг социал-синфий таркиби, бутун мамлакатимиздагидек ишчи ва колхозчи-дехкон синифдан ҳамда улардан чиққан зиёлилардан иборат. 1913 йили ҳозирги Ўзбекистон территориясида ишчилар ва хизматчилар аҳолининг 5% ини ташкил этса, 1979 йилги аҳоли рўйхатига кўра республика аҳолисининг 52,9% и ишчилар синfiga тўғри келади. Агар унга хизматчиларни (ишчи ва хизматчиларни) ҳам қўшиб ҳисобласак умумий аҳолининг 75,2% ини ташкил этади. Бу эса Ўзбекистон ССРнинг экономикаси совет даврида ривожланиб, маданияти ўсиб, индустрисл-аграр мамлакатга айланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон кўп миллатли республика, унинг териториясида 100 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Республика аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклардан иборат булиб, 1979 йилги аҳоли рўйхатига кўра ўзбеклар 68,7% ни ташкил этади. Руслар — 10,8%, татарлар — 4,2%, қозоқлар — 4,0%, тожиклар — 3,9%, қорақалпоқлар — 1,9%, корейслар — 0,7%, украинлар — 0,9%, қирғизлар — 0,6%, яҳудийлар — 0,6%, туркманлар — 0,6%, бошқа халқлар — 2,6% ни ташкил этади.

Ўзбеклар республиканинг ҳамма қисмида яшаб, азалдан дехқончилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва ҳар хил ҳунармандчилик билан шуғулланниб келганлар. Ҳозир эса ўзбеклар хўжаликнинг ҳамма соҳасида банд.

Ўзбекистоннинг ҳамма қисмида руслар, татарлар ва украинлар бор, улар кўпроқ шаҳарларда яшайди. Қозоқлар асосан Қозоғистонга яқин чегара районларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланади. Тожиклар Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд областларида ва Фарғона водийсида яшаб, кўпроқ дехқончиликда банд.


Қорақалпоқлар Амударёнинг қўйи ва Қизилқумнинг шимоли-ғарбидаги, Орол дengизи атрофида жойлашиб, чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланади. Қирғизлар Қирғизистон чеграсига яқин районларда яшайди ва чорвачиликда банд. Корейслар эса Чирчиқ водийсида, қўйи Амударёда яшаб, дехқончилик билан шуғулланади.

Ўзбекистон (1988 йилги маълумотга кўра) аҳолисининг 57,9% и қишлоқларда яшайди. Ўзбекистон қишлоқлари Совет ҳокимияти даврида тубдан ўзгарди. Лой, тупроқ уйлар, қин-ғир-қишиқ тор кўчаларга эга бўлган қишлоқлар ўрнида ҳозир тунука ва шифер томли, план асосида қурилган ёруғ уйлар, тўғри кенг кўчалар қад кўтариб, ҳар бир қишлоқда кутубхона, мактаб, болалар боғчаси, магазин, клуб, маданий ва майший хизмат кўрсатадиган комбинатлар мавжуд. Қишлоқларнинг аксарияти водопровод, газ, телефон билан ҳам таъминланган.

Ўзбекистон — кўхна шаҳарлар ўлкаси. Бу ердаги шаҳарларнинг баъзилари милоддан аввал, баъзилари эса ўрта асрларда, савдо йўллари ўтадиган воҳалар марказларида вужудга келган. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳри-сабз, Марғилон, Андижон, Қўқон ва бошқалар ана шундай кўхна шаҳарлардир. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда социалистик янги шаҳарлар вужудга келди. Ангрен, Нукус, Қарши, Қитоб, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқ, Чирчик, Янги-йўл, Навоий, Гулистон, Янгиер, Фазалкент, Янгиобод, Газли, Зарафшон, Тахиатош, Сирдарё ва бошқалар ана шундай янги ёш шаҳарлардир.

Ҳозир Ўзбекистонда 109 шаҳар, 93 шаҳар посёлкалари мавжуд бўлиб, уларда республика аҳолисининг 42,1% и яшайди. Бу эса 1926 йилдагидан 4 марта ортиқдир. Ўзбекистондаги 109 шаҳарнинг 82 таси Совет ҳокимияти даврида вужудга келган.

АХОЛИ ЗИЧЛИГИ



б2- расм. Ўзбекистон ССР ахоли зичлиги

Ўзбекистоннинг энг катта шаҳарлари — Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона, Бухоро ҳисобланниб, республика шаҳар аҳолисининг 60% дан ортиғи шу шаҳарларда яшайди.

Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентда 2210 минг киши яшайди.

Пойтахтимиз аҳолисининг кўплиги жиҳатидан СССРда Москва, Ленинград, Киев шаҳарларидан сўнг 4 ўринда туради. Шундан сўнг Самарқанд (400 минг киши), Андижон (295 минг), Наманган (300 минг), Қўқон (176 минг), Бухоро (228 минг), Фарғона (208 минг), Чирчиқ (164 минг), Марғилон (129 минг), Олмалиқ (121 минг), Урганч (126 минг), Нукус (164 минг), Ангрен (135 минг), Қарши (160 минг), Навоий (109 минг), Бекобод (82 минг) ва бошқалар туради¹.

Фан ва маданияти. Ўзбекистон територияси қадимий маданият марказларидан бири бўлиб, бу ердан жаҳонга донг таратган олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва маърифатчилар етишиб чиққан. Шулар қаторига машҳур математик, алгебра фанини биринчи бўлиб яратган Мусо Хоразмий, файласуф Муҳаммад Форобий, машҳур энциклопедист Абу Райҳон Беруний, энциклопедист Абу Али ибн Сино, буюк астроном Улугбек, буюк шоир, давлат арбоби, олим Алишер Навоий ва бошқалар киради.

Беруний ўз даврининг биринчи олими бўлиб, фаннинг кўп соҳаларини, хусусан математика, география, астрономия, минералогия, философия каби фанларни ривожлантиришда буюк ишлар қилиган. Улугбек эса юлдузлар каталогини ва сайёralар ҳаракати жадвалини тузган олим.

Ўзбек ҳалқининг маданияти ўтган асрнинг иккинчи ярми — ҳозирги аср бошларида илғор рус зиёлиларининг таъсирида янада тараққий этиб борди. Натижада илғор демократ ёзувчилар — Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза каби ўзбек зиёлилари етишиб чиқди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон аҳолиси ёппасига саводли бўлди. Республикада 1987—88 ўқув йилида 8111 умумий таълим мактаблари, 43 олий ўқув юрти, 248 ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчи ва студентлар билим олди.

Хозир Ўзбекистон ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган студентларнинг сони жиҳатидан Англия, Франция, Италия каби тараққий этган капиталистик давлатлардан олдинда туради.

Республиканинг пойтахти Тошкент Ўрта Осиёдаги энг катта саноатлашган, илмий, маданий-оқартурв марказидир. Совет ҳокимияти йилларида Тошкент шаҳри қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Тошкентда жуда кўп корхоналар: Ташсельмаш, Ўзбексельмаш, Чкалов номли самолётсозлик, Таштекстильмаш, Ташкабель, Экскаватор заводи каби корхоналар бор. Шунингдек, Тошкентда 30 дан ортиқ енгил саноат (Тошкент тўқимачилик комбинати, поїафзал фабрикалари ва бошқалар), 40

¹ 1988 йил 1 январь маълумоти.

дан ортиқ озиқ-овқат корхоналари, уй қуриш ва гишт заводлар мавжуд. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси, 19 олий ўқув юртлари ва 34 техникум бўлиб, улар ичидаги В. И. Ленин декрети билан 1920 йили ташкил этилган Тошкент Давлат университети, медицина, қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалиги, политехника, педагогика, темир йўл, автотранспорт, маданият, алоқа институтлари, консерватория ва бошқа олий ўқув юртлари бор.

Тошкент шаҳрида 328 мактаб, 9 театр, 122 кинотеатр, телестудия, 6 стадион бор. Бу шаҳарда Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театри, Алишер Навоий номли Катта опера ва балет театри, Ўзбек Давлат филармонияси, цирк, бир неча маданият саройлари жойлашган.

Тошкент шаҳрининг чиройи кун сайин ортиб бормоқда. Эс-ки уйлар, тор кўчалар ўрнида кўп қаватли ҳашаматли бинолар, кенг кўча, хиёбонлар барпо этилди. Шаҳар аҳолисига хизмат қилиш учун метро, трамвай, троллейбус, автобуслар қатнаб турибди.

Самарқанд шаҳри Ўзбекистоннинг Тошкентдан кейинги иккичи маданий-оқартурв марказидир. 1925—1930 йилларда Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқанд эди. 1930 йилдан сўнг республика пойтахти Тошкентга кўчирилди. Самарқанд Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳар бўлиб, унинг ёши 2500 йилдан зиёд. Самарқандда қадимдан меъморчилик тараққий этган бўлиб, Шоҳизинда, Гури Амир, Бибихоним мадрасаси, Регистон, Шердор мадрасаси, Улуғбек расадхонаси ва бошқа ажойиб ёдгорликлар бор.

Совет ҳокимияти даврида Самарқанд шаҳри яна ўди ва чиройига чирой қўшилди. Шаҳарда 50 дан ортиқ саноат корхоналари: «Кинап», «Красный двигатель», лифт, чинни заводлари, чой қадоқлаш фабрикаси бор. Шаҳарда ҳозир 6 олий ўқув (университет, медицина, савдо, қишлоқ хўжалиги, архитектура, педагогика институтлари) ва 17 ўрта маҳсус ўқув юртлари жойлашган. Шунингдек, шаҳарда опера ва балет театри, бир неча кинотеатр, кутубхоналар ва музейлар бор.

Ўзбекистоннинг йирик маданий-оқартурв марказларидан бири Андижон шаҳридир. Бу ерда иккита педагогика, паҳтачилик, медицина институтлари, театр, кинотеатрлар, кутубхоналар мавжуд.

Фарғона шаҳрида педагогика, политехника институтлари бор. Ўзбекистоннинг ҳамма область марказларида, педагогика институтлари, ҚҚАССР пойтахти Нукусда университет, техникиум, театр, кино-театрлар, кутубхоналар бор.

Республикада 1943 йили Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилган бўлиб, ҳозир унинг таркибида 30 та илмий-тадқиқот институтлари бор. Ўзбекистонда 1977 йилги маълумотга кўра 200 га яқин илмий муассасалар бўлиб, уларда илмий ходимлар, фан докторлари, фан кандидатлари, Ўзбе-

кистон Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир аъзолари ишлайди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда машҳур олимлар етишиб чиқди. Булар орасида академиклардан Х. М. Абдуллаев, Т. Н. Кориниёзов, С. Ю. Юнусов, О. Содиқов, Т. А. Саримсоқов, Н. Ҳамробоев, С. Ҳ. Сирожиддинов, Т. З. Заҳидов, К. З. Зокиров, Е. Х. Тұрақулов ва бошқалар бор. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда адабиёт ва санъат ҳам тез ривожланди. Қисқа муддат ичиде F. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ойбек, А. Қаҳҳор, Қ. Яшин, М. Шайхзода, Зулфия каби машҳур ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқиб, ўзбек адабиётини жаҳонга машҳур қилди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда санъат ҳам ривожланди ва тараққий этди. Ҳозир республикамизда иккита опера ва балет, бир неча музикали драма театрлари ишлаб турибди. Бу театрларда Ш. Бурҳонов, С. Эшонтўраева, О. Ҳужаев, Аброр Ҳидоятов, Н. Раҳимов, Ҳ. Носирова, Мухтор Ашрафий, С. Қобулова, Г. Измайлова, Тамарахоним, М. Турғунбаева, Қ. Миркаримова, Р. Пирмуҳамедов, Р. Ҳамроев, Д. Абдураҳмонова, З. Муҳаммаджонов, А. Бакиров, Ш. Қаюмов, Б. Қориева ва И. Аъзамов, Ш. Аббосов каби машҳур актёрлар ва санъат номояндлари етишиб чиқиб, СССР халқ артисти деган юксак увонга сазовор бўлганлар.

Ўзбекистон киностудияси «Тоҳир ва Зуҳра», Алишер Навоий, «Фурқат», «Улуғбек юлдузи», «Абу Али ибн Сино», «Беруний», «Ер фарзанди» каби фильмлари билан жаҳонга машҳурдир.

Республикамизда революциягача 14 газета, 3 журнал чоп этилса, ҳозир (1978 й.) 267 газета, 80 журнал чоп этилади. Революциягача Ўзбекистон териториясида 14 кутубхона, 25 кинокурилмаси бўлган бўлса, ҳозир 6581 кутубхона, 4000 га яқин клублар, 4959 дан ортиқ кинокурилмаси мавжуд.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишлари жуда ҳам ривожланди. Революциягача атиги 100 врач бор эди, эндиликда уларнинг сони 41 мингдан ошди. Ўзбекистонда ҳар 10 минг кишига 27,7 врач тўғри келади. Бу жиҳатдан республикамиз АҚШ, Франция, Англия, Япония каби давлатлардан олдинда туради.

Савол ва топшириқлар. 1. Дарслидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, аҳолининг 1913 йилдан 1988 йилгacha ўсиши диаграммасини чизинг. 2. Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши юқорилигининг сабаблари нималардан иборат? 3. Контур картага Ўзбекистон аҳолисининг энг зич ва энг сийрак жойлашган ерларни туширинг ҳамда сабабини билиб олинг. Ўша контур картага Совет ҳокимияти даврида вужудга келган шаҳарларни ҳам туширинг. 4. Ўзбекистон қадимий фан ва маданият марказларидан биро дейилишига сабаб нима? 5. Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек ва Алишер Навоийларнинг ўзбек фани ва маданиятига қўшган ҳиссалари нималардан иборат? 6. Адабиётлардан фойдаланиб, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига географик характеристика беринг. 7. Ўзбек совет фани ва маданиятининг равнақига катта ҳисса қўшган қайси олим, ёзувчи, шоир ва артистларни биласиз?

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача чор Россиясининг чекка, қолоқ ўлкаси ҳисобланган Ўзбекистон ҳозир саноати тараққий этган индустрисал республикага айланди.


Революциягача Ўзбекистонда асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсига мослашган кустаръ ҳолдаги пахта тозалаш, ёғ ишлаш заводлари, қисман кичик электр станция, нефть саноати, кичик фишт заводлари, металл ишлаш устахоналари бор эди, холос.

Совет ҳокимияти йилларида партия ва ҳукуматимиз Ўзбекистонда саноатни тезкорлик билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Натижада Ўзбекистонда саноатнинг 100 дан ортиқ тармоғи вужудга келиб, улар Ўрта Осиё саноат маҳсулотининг 60% дан ортигини етказиб бермоқда. Совет ҳакимияти даврида оғир саноатнинг энергетика, машинасозлик, металлургия, химия, қурилиш материаллари каби соҳалари янгидан ташкил топди (63- расм).

Ўзбекистонда пахтчиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Бунинг учун индустрияни тараққий эттириш, пахтчиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш билан бирга, пахта тозалаш, ёғ заводларини ҳамда тўқимачилик саноатини барпо этиш лозим эди. Пахтчиликни ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини комплекс ҳолда механизациялаштириш ва химиялаштиришни, ирригацияни ривожлантиришни талаб этди. Бу эса Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтчилик учун зарур бўлган машинасозлик, химия, энергетика, қурилиш материаллари каби саноат соҳаларини ўстиришга сабаб бўлди.

Ўзбекистонда революциягача мавжуд бўлган пахта тозалаш корхоналари територия бўйича нотекис тақсимланган эди. 1913 йили барча саноат корхоналарининг 70% и Фарғона водийсида жойлашган эди. Чунки Фарғона водийсида ўша вақтда асосин пахтани қайта ишлаш саноат корхоналари мавжуд эди. Революциядан сўнг саноат обьектлари Ўзбекистоннинг Чирчик — Оҳангарон, Зарафшон водийсида, Қуий Амударёда ва


САНОАТ СТРУКТУРАСИ, % хис (1980 йил)



63- расм. Ўзбекистон ССР саноат структураси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОФИР САНОАТИ

312



бошқа қисмларида ҳам барпо этилди. Натижада, 1984 йилга келгандан Узбекистон саноатининг умумий маҳсулоти 1924 йилдагига нисбатан 247 мартадан ортиқ ўсили (64-расм).

Узбекистон ССР саноат маҳсулоти бутуниттифоқ ишлаб чиқаришида муҳим салмоққа эга бўлиб, СССРда тайёрланадиган пахта териш, пахта тозалаш, пардозлаш машиналари, пахта сеялкалари ва каноп толасининг 100% ини, пахта толасининг 65% ини, ипакнинг 50% ини, тўқимачилик машиналари нинг 39,6% ини, электр кўприк кранларининг 20% ини, ўсимлик мойиннинг 19% ини етказиб беради.

Узбекистон айниқса ёқилғи, электр энергия ва минерал ресурсларга бой, тез оқар дарёлари эса кўп гидроэнергия ресурсларига эга. Бу энергетика ресурслари ўз навбатида Узбекистонда ёқилғи ва электр энергетика саноатининг ривожланишига қулади имконият яратиб беради.

Ёқилғи энергетика саноати. Ёқилғи саноатининг муҳим турларидан бири газ ҳисобланади. Газнинг жойлашган районлари Узбекистоннинг Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областлари территориясида ва Фарғона водийси, Устюарт платосидадир.

Газ қазиб чиқаришининг ўсиши, ўз навбатида катта газ қувурлари қуриб, уни истеъмол қилувчи районларга етказилишини тақозо қилди. Шу сабабли сўнгги ўн йилликларда Фарғона водийсидаги газ асосида Ленинск-Андижон, Хўжаобод-Фарғона, Шимолий Сўх-Қўйқон, Шимолий Сўх-Фарғона-Қувасой ҳамда Газли-Қоғон, Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Чимкент-Фрунзе, Муборак-Самарқанд-Тошкент-Фрунзе-Олмаота газ қувурлари қурилди. 1963 йили Бухоро гази Ховос орқали Ленинбод-Фарғона шаҳарларига етказилди. Шунингдек, 2000 км узунликдаги Газли-Урал газопроводи орқали Узбекистон гази Урал саноат марказларини арzon ёқилғи билан таъминламоқда. Ҳозир эса жуда кучли Ўрта Осиё — Марказ газ қувури ишга туширилди. Узбекистонда ишлаб чиқарилаётган газнинг 75% и қувурлар орқали Урал, Марказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларига юборилмоқда.

Ҳозир республикамизнинг ҳамма шаҳарлари, кўпчилик район марказлари, ишли посёлкалари ва қишлоқлари газ билан таъминланган. Кўпчилик завод-фабрикалар газ асосида ишлашга ўтган. Шунингдек, газ асосида Навоий, Тошкент, Сирдарё ГРЭС лари ишлаб турибди.

Тошкент обlastидаги Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент шаҳри саноат корхоналарини йилнинг ҳамма фаслларида мунтазам бир миқдорда газ билан таъминлаб туриш учун 1965 йили Тошкент шаҳрининг шимолида Ўрта Осиёда биринчи Полторацкий ер ости газ омбори қурилган. Узбекистонда 1987 йили 54,7 млрд. m^3 газ ишлаб чиқилди.

Республика ёқилғи саноатининг иккинчи тури — нефть. Узбекистонда нефть Фарғона водийсидаги Чимён, Шўрсув каби

эски конлар билан бирга Жанубий Оламушук, Полвонтош, Андижон, Хўжаобод каби янги, Сурхондарё областидаги Кақайди, Лалмикор, Ховдоғ конларидан қазиб олинади. Сунгиги йилларда Бухоро, Қашқадарё областлари ва ҚҚАССР территориясида ҳам нефть конлари топилди.

Ўзбекистонда қазиб олинадиган нефть маҳсулотлари Олтиариқ ва Фарғона шаҳридаги нефть заводларида қайта ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон ўз нефти билан республикамизнинг нефть маҳсулотига бўлган талабини асосан таъминлаб турибди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг нефть маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш учун келажакда Фарбий Сибирь нефтидан фойдаланиши плани бор. Чунки Фарбий Сибирь нефти қувурлар орқали Чимкентга келтирилган. Келажакда эса ўша нефть қувури Ўзбекистон территориясигача давом этирилади.

Ўзбекистон ССР ҳозирча нефть қазиб чиқаришда Иттифоқимизда РСФСР, Қозогистон, Озарбайжон, Туркманистан, Украйна ва Белоруссиядан кейин 7 ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда кўмир қазиб чиқариш фақат Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилди. 1940 йили Тошкентдан 110 км узоқликдаги Оҳангарон қўмир кони ишга туширилди. Оҳангарон кўмири ер бетига яқин жойлашганлигидан кўп қисмини очиқ усуlda қазиб олинади. Оҳангарон кўмир кони республикамиз ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг экономикасида муҳим роль ўйнамоқда.

Оҳангарон кўмирининг бир қисми ер ости станциясида газга айлантирилиб, у асосида Ангрен ГРЭСи ишлаб турибди.

Сурхондарё областидаги Шарғун кўмир кони юқори сифатли бўлиб, 17,4 км узунликдаги осма сим йўли орқали Ҳисор тоғининг жанубий ён бағридан кўмир темир йўлга келтирилади. Шарғун кони Ўзбекистоннинг жанубий қисмидаги ва қисман Тожикистандаги кўмирга бўлган талабни қондириб туради.

Ўзбекистонда кўмир қазиб чиқариш муттасил ўсиб бормоқда. Агар 1940 йили республикамизда 3,4 минг т кўмир қазиб олинган бўлса, 1970 йилда 3,7 млн. т га етказилди. 1983 йилга келиб эса Ўзбекистонда кўмир қазиб чиқариш 1970 йилдагига нисбатан 152% га ўсиб, 1987 йилга келиб Ўзбекистонда кўмир қазиб чиқариш 5030 минг т га етди. Кўмир қазиб чиқариш республикамизда бундан бўён ҳам ўсиб, яқин келажакда унинг миқдорини 3 марта кўпайтириш мўлжалланган. Ҳозир Ўзбекистон кўмир қазиб чиқариш бўйича СССРда РСФСР, Украина ва Қозогистондан кейин тўртинчи ўринни ишғол қилади.

Электрлаштириш халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, ҳозирги замон бутун техника тараққиётини амалга оширишда етакчи роль ўйнайди. Революциягача ҳозирги Ўзбекистон территориясида бир неча кичик электр станция бўлиб, улар йилига 3,3 минг кВт соат электр энергия ишлаб чиқарган. Совет ҳокимияти йилларида эса Ўзбекистонда электроэнергетика саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор

берилди. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, 1926 йили ГОЭЛРО плани асосида, Чирчиқ дарёсида Бўзсув ГЭСи қурилди. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарлардаги кичик иссиқлик электр станциялари реконструкция қилинди. 1930 йили республикада биринчи иссиқлик электр маркази ҳисобланган Фарғона ТЭЦ, 1932 йили эса Тошкентда ТЭЦ қурилди. Натижада 1940 йилга келганда Ўзбекистонда 482 млн. кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилди. Совет ҳокимияти йилларида гидроэнергоресурсларидан фойдаланиш иши кенг кўламда амалга оширилди. Чирчиқ дарёсида умумий қуввати 1,0 млн. кВт га яқин бўлган 20 ГЭС қурилди. Уларнинг энг муҳимлари Чорвоқ, Хўжакент, Фазалкент, Қодирё, Товоқсој, Комсомол, Оққавоқ, Оқтепа, Бўзсув ва бошқалар. Чирчиқ-Оҳангарон во-дийсида сугориладиган ерлар майдонини кенгайтириш ҳамда баъзи йиллари сув тақислигига чек қўйиш мақсадида Чорвоқ гидроузели қурилди. Бу гидроузелда умумий қуввати 600 минг кВт бўлган Чорвоқ ГЭС ҳам ишга туширилди. Сирдарёда Фарҳод, Қайроқум, Чордара, Норин дарёсида Учқўрғон, Қорадарёда Андижон каби йирик ГЭСлар ишлаб турибди. Дарғом каналида Хишров ГЭС барпо этилган.

Ўзбекистонда газ асосида сўнгги пайтларда иссиқлик электр станциялари қурилди. Булар қаторига Тошкент, На-воий, Фарғона, Қувасой, Тахиатош, Сирдарё электр станциялари киради. Шунингдек, кўмири газга айлантириш базасида Ангрен ГРЭС, Ангрен 2 ГРЭС ишга туширилди. Натижада Ўзбекистонда 1978 йил 33,9 млрд. кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилди. Шунинг $\frac{4}{5}$ қисми иссиқлик электр станциялари зиммасига тўғри келади.

Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш тезкорлик билан ўсмоқда. 1987 йили Ўзбекистонда 54,7 млрд. кВт соат энергия ҳосил қилинган. Бу 1923 йили Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган электр энергияига нисбатан 15 000 марта, чор Россияси (1913 йил) ҳосил қилган электр энергиясига нисбатан 22 марта кўпdir.

Ўзбекистонда электр энергия ҳосил қилиш келажакда яна-да ўсиб бораверади. Шу сабабли республикамида газ асосида ишлайдиган бир неча электр станциялари қурилади. Шулар жумласига Қорақалпоғистон ГРЭСи, Толимаржон ГРЭС лари киради. Келажакда эса Чотқол дарёсида Қўйи Чотқол ГЭСи қурилади.

Ўзбекистон ҳозир Иттифоқимида электр энергия ишлаб чиқаришда РСФСР, Украина ва Қозоғистондан сўнг 4-ўринда туради. Бугунги кунда Ўзбекистон жон бошига электр энергия истеъмол қилиш жиҳатидан Франция ва Япония каби давлатлардан ўтиб кетди.

Ўзбекистондаги катта электр станцияларининг ҳаммаси ўзаро бирлаштирилиб, ягона энергетика системаси барпо этилган. Бу системага яна Осиё республикаларининг Ўзбекистонга

яқин бұлған территорияларидаги электр системалар ҳам ту-таштирилган.

Ўзбекистонда металургия саноати совет ҳокимияти йилла-рида барпо этилди. Ҳозир республикамизда қора, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг марказ-лари Бекободда, Олмалиқда, Тўйтепада, Самарқанд областида, Чирчиқ ва Бухоро областида жойлашган.

Улуғ Ватан уруши даврида Бекободда қора металургия заводи қурила бошлаб, 1946 йили ишга туширилди. Завод чүян ва темир-терсак эритиб, республика машинасозлиги учун пулат ва прокатлар етказиб беради. Ҳозир Бекобод заводи Ўрта Осиё иттифоқдош республикаларининг металлга бұлған талабини фақат 15—20% гина таъминлайди. Шу туфайли Урал, Сибирь ва Украинадан қора металл келтирилади.

Бекобод металургия заводини келажакда янада кенгайти-риш ва реконструкция қилиши ҳисобига унинг қувватини янада ошириш мүлжалланади. Чунки бу завод ҳозир Ўрта Осиё иттифоқдош республикаларидан түпланаётган темир-терсакнинг фақат 25% инигина қайта эритиш имкониятига эга холос.

Ўзбекистонда яна темир-терсакларни қайта ишловчи бир неча кичик корхона ва цехлар ҳам мавжуд. Улар қаторига Тошкентдаги «Вторчермет» заводини, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд шаҳарларидаги кичик цехларни киритиш мумкин.

Республика рангдор металургиясининг асосий маркази Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон саноат түгуни ҳисобланади. Бу терри-торияда мис, рух-қўрошин, полиметалл рудалари бор, улар асосида Олмалиқда тоғ металургия комбинати, мис эритиши заводи барпо этилган. Бу комбинат таркибиға Қалмоққир, Қўро-шинкон, Олтитонгапн руда конлари, мис ва рух заводлари киради. Ангрен кон саноат районидаги каолин гилининг катта запас-лари бу ерда алюминий саноатини ривожлантиришга имкон беради.

Алюминий саноатининг иккинчи маркази Ўрта Чирчиқ дала шпати комбинати ҳисобланиб, унга Чошли, Қаскан, Навгарзон конлари ва Тўйтепадаги марказий руда бойитиш фабрикаси киради.

Республикамизда вольфром-молибден саноат корхоналари Самарқанд области территорииясида жойлашиб, улар Қўйтош ва Ингичка рудник ва бойитиш фабрикаларидан иборат.

Чирчиқ шаҳрида эса Иттифоқимиздаги энг катта қаттиқ қотишмалар комбинати мавжуд бўлиб, қаттиқ қотишмалардан металларни совуқ усулда ишлашда қўлланадиган кескичлар, пармалаш асбобларининг коронкалари тайёрланади. Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда олтин саноати ривожланиб бормоқда. Республикамизнинг Мурунтоғ, Чодак, Кўчбулоқ, Маржонбулоқ каби олтин конлари бор.

Химия саноати Ўзбекистонда совет ҳокимияти даврида

барпо этилган. Республикамизда химия саноати учун хом ашё базалари кўп ва хилма-хил бўлиб, булар табиий газ, нефть, кўмир, олтингугурт, туз ва бошқалардир.

Республикамизда химия саноати пахтачилик билан узвий алоқададир. Чунки Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта базаси бўлганидан, кўплаб минерал ўғитга муҳтож. Шу туфайли Ўзбекистон химия саноати асосан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Ўғит ишлайдиган асосий корхоналар Чирчиқ электрохимия комбинати, Фарғона химия заводи, Навоий химия комбинати азотли ўғитлар ишлаб чиқаради. Чирчиқ химия комбинати азотли ўғитдан ташқари, ғўза баргини тўқадиган — магний-хлорат препарати ҳам ишлаб чиқаради. Қўқон ва Самарқанд шаҳарларида эса суперфосфат заводлари бўлиб, фосфорли ўғитлар ишлайди. Шунингдек, Олмалиқда аммофос (таркибида азот ва фосфор бўлган) ўғит ишлаб берадиган завод қурилди.

Навоий химия комбинати ўғитдан ташқари яна аммиак селитраси, ацетилен, ацетил-целлюлоза ишлаб чиқаради. Фарғона химия заводи азот ўғит билан бирга, ўсимликларни зараркундалардан ҳимоя қиласидиган моддалар ишлаб чиқаради. Қишлоқ хўжалик зарракундаларига қарши химикатларни химия заводлари ҳам ишлаб беради.

Химиявий толалар ишлаб чиқарадиган Навоий химия комбинати ва Фарғона химия заводи асосий корхонадир. Навоий ва Фарғонада синтетик тола, Наманганда сунъий тола ишлаб чиқарилади. Навоий химия комбинати пишиқ, эластик, ўтга чидамли нитрон ишлаб чиқармоқда. Бу эса трикотаж матолар тўқишида ва гилам саноатида ишлатилади. Фарғонадаги химиявий толалар заводи ацетат шойи ишлаб чиқаради. Наманганда эса вискоз тола заводи мавжуд. Оҳангарон ва Жizzахда эса пластмасса буюмлар ишлайдиган завод бўлиб, ирригация ва қурилиш учун пластмасса трубалар, линолеум, полиэтилен трубалар ишлаб беради. Пластмасса буюмлар ишлайдиган заводлар Тошкент ва Олмалиқ шаҳрида ҳам бор.

Попда республикамиздаги энг катта резина заводи қурилган. Бу завод техника резина буюмлари, резина пойабзal, ғўзани сугорища ишлатиладиган найлар, транспортёр лентаси, резина қайиш ишлаб чиқаради. Тошкентда эса резинатехник буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд. Ангренда резина комбинати мавжуд бўлиб, унда кенг ассортиментда маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Келажакда бу комбинатда автомобиль шиналари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Ҳозирча Ўрта Осиё иттифоқдош республикаларида автомобиль шинаси ишлаб чиқарадиган биронта корхона йўқлиги туфайли шиналар Иттифоқимизнинг бошқа жойларидан келтирилади.

Химия саноатининг бир муҳим тармоғи гидролиз саноатидир. Андижон, Фарғона, Янгийўл шаҳарларида гидролиз заводлари бўлиб, пахта шулхаси, ғўзапоя, каноп чиқиндилари,

қипиқлардан техник спирт, хашаки дрожжа, антибиотиклар, витамин маҳсулотлари, фурфурол ва бошқалар ишлаб чиқаради.

Тошкент шаҳрида лак — бўёқ заводи лак, эмаль ва ҳар хил қуюқ бўёқлар ишлаб беради.

Машинасозлик саноати. Ўзбекистонда ҳалқ ҳўжалигини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришда пахтачиликни комплекс механизациялашда машинасозлик саноати жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонда машинасозлик саноати совет ҳокимияти йилларида барпо этилди. Ҳозир республикамиз Урта Осиё иқтисодий районида етишириладиган машинасозлик саноат маҳсулотининг 70% дан ортигини беради.

Ўзбекистонда 100 дан ортиқ металлсозлик корхоналари бўлиб, шунинг 68 таси катта машинасозлик заводлари дир. Ўзбекистон машинасозлик саноатининг маҳсулоти Совет Иттифоқининг кўп районларига ва чет элларга чиқарилади. Республика машинасозлик саноатининг асосий тармоқлари пахтачилик билан боғлиқ булиб, ер ҳайдаш, пахта экиш, териш, пахта тозалаш, сув ҳўжалиги машиналари етказиб беради. Ўзбекистон машинасозлик саноатининг асосий тармоқлари қишлоқ ҳўжалик учун машиналар, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ишлаш, электротехника саноати учун асбоб-ускуналар, тоғ-кон саноати учун асбоб-ускуналар ишлаш, транспорт ва энергетик машинасозлиги ва бошқалардир.

Республика қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги пахтачилик ва бошқа қишлоқ ҳўжалик ишлари учун пахта териш машиналари, чопиқ тракторлари, чигит сеялкалари, гўза культиваторлари, тўкилган пахтани терадиган машиналар, кўрак терадиган машиналар, универсал трактор прицеплар — самосваллар, ўғит аралаштирадиган, қишлоқ ҳўжалик заараркунандаларига қарши курашиб учун ишлатиладиган машиналар, қишлоқ ҳўжалик машиналари учун запас қисмлар ва деталлар, пичан ўриш машиналари ва бошқалар ишлаб беради. Бундай машиналар «Ташсельмаш», «Чирчиқсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Ташавтомаш», Трактор йиғув заводи, «Ташхимсельмаш», Самарқанд шаҳридаги «Красный двигатель» ва бошқа заводларда ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистондаги «Ташсельмаш» заводининг пахта териш машиналари Иттифоқимиздаги бутун пахта экадиган республикаларга, шунингдек, чет элларга ҳам чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб берадиган корхоналар, тўқимачилик машинасозлиги ривожланган. Республика тўқимачилик саноати учун машиналар ишлаб чиқаришда иттифоқ аҳамиятига эга бўлиб, ип йигирадиган, арқон тортадиган, ип пишитадиган ва бошқа машиналар ишлаб чиқаради. Бу машиналарни Иттифоқимизнинг кўп районларига ва чет элларга экспорт қиласади.

Тошкентдаги «Ўзбекхлопмаш» заводи пахта тозалаш, мой саноати учун машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб берса,

«Қокандтекстильмаш» заводи эса Үрта Осиё ва Қозоғистондаги шои түқиш корхоналарига асбоб-ускуналар тайёрлаб беради. Пахта заводларини технологик жиҳатдан жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар ишлайдиган корхоналар қаторига Каттақўргондаги «Хлопкомаш», «Самарқанддаги «Хлопкомаш», Андижондаги «Коммунар» заводлари киради.

Ўзбекистонда электротехника корхоналари 200 дан ортиқ электр ускуналари ишлаб чиқармоқда ва дунёнинг 31 мамлакатига экспорт қилмоқда. Бу асбоб-ускуналар Тошкент шаҳридаги «Ташкенткабель», электр лампа, электр техника заводларида, Чирчиқдаги трансформатор, Андижондаги «Электроаппарат», Намангандаги электр техника ва трансформатор, Қўқондаги «Электромашиностроитель», Самарқанддаги лифт заводларида ишланмоқда.

Ўзбекистонда кўмир, нефть, газ саноати учун тоғ-кон саноати ускуналари ишлаб чиқарадиган завод Тошкент шаҳрида (Ильич номли), Қўқонда, Фарғонада жойлашган. Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекхиммаш» Иттифоқимизда химиявий ускуналар ишлайдиган заводлардан биридир. Ўзбекистонда экскаваторлар, транспортёrlар, самолётлар, бульдозерлар, грейдерлар, дизеллар ва сугориш ҳамда йўл қурилишлари учун машиналар Тошкентдаги «Подъёмник», трактор-йифув, Чкалов номли авиация заводи, Андижондаги «Андижонирмаш» ва «Строммашина» каби заводларда ишлаб чиқарилади.

«Подъёмник» заводи электр кўпrik кранлари ишласа, «Андижонирмаш» ирригация ишлари учун насослар, «Строммашина» заводи эса дизель ва насослар тайёрлайди. Тошкентдаги трактор заводи «Тошкент» номли трактор ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон машинасозлик саноатининг ёш тармоқларидан бири, бу асбобсозликдир. Ҳозирча пахта тозалаш, ипак ва каноп маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ҳамда тўқимачилик корхоналари технологик жараёнларини контрол қилиш, маҳсулот ва хом ашё сифатини аниқлаш учун зарур асбобларни (термовлагомерлар, пахта сортини ва толаси сифатини аниқловчи ва бошқа асбоблар) «Хлопкоприбор» заводида ишлаб чиқарилмоқда. Лекин бу завод республикамизнинг ўша асбобларга бўлган талабини тўла қондира олмайди. Асбобсозлик саноат тармоғига яна Тошкентдаги заргарлик фабрикаси ҳам киради.

Ўзбекистонда яна инструментал маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам бор. Уларнинг энг муҳимлари металл кесадиган асбоблар ишловчии Тошкент асбобсозлик заводи, турли абразив асбоблар ва синтетик олмос ишловчии Тошкент абразив заводи, турли обьектларни мустаҳкамловчи асбоблар ишловчии Янгийўлдаги «Нормаль» заводлари ҳисобланади.

Республикамизда кинематография учун зарур бўлган аппаратларга запас қисмлар ва узелларни Самарқанд шаҳридаги «Кинап» заводи тайёрлайди. Шунингдек, Ўзбекистонда тепло-

воз-вагон ремонти заводлари, моторремонт, авторемонт заводлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ҳам тарақкій этган бұлиб, маҳаллий хом ашёлар асосида цемент, оқак, фишт, алебастр, асбоцемент, трубалар, шифер, керамика, шлакбетон, темир-бетон конструкциялар, қамиш плиталар ва бошқалар ишлаб чиқаради. Қурилиш материаллари саноатининг муҳим марказлари Ангрен, Бекобод, Қувасой, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарларидир. Оҳангарон цемент заводи Ўрта Осиёдаги энг катта корхона бұлиб, цементдан ташқари яна шифер, темир бетон конструкциялар ҳам ишлаб беради. Бекобод ва Қувасой цемент заводлари ҳам республикамыздаги йирик корхоналардан дир. Тошкент, Оҳангарон, Самарқанд, Фарғона, Олмалиқ, Бухоро, Нукус, Урганч ва бошқа шаҳарларда темир-бетон қурилиш деталлари ишлаб чиқарадиган заводлар мавжуд. Тошкентда ва ҳамма область марказларида уй қуриш комбинатлари ва заводлари мавжуд. Жиззах ва Нукусда құм, гил, лёссдан деворбор блоклар, панеллар ва бошқалар тайёрлаб берадиган заводлар бор. Олмалиқ, Бекобод, Урганчда эса йирик оқак заводлари, Чирчиқда ойна заводи, Ангренда керамика комбинати, Оҳангаронда эса сантехника заводи мавжуд.

Ўзбекистон ўзининг мармари билан машұр. Мармар Сармарқанд областидаги Фозғондан, Тошкент областидан чиқади. Бу мармаларга Тошкент ва Фазалкент мармар заводларida пардоз берилади.

Ўзбекистоннинг күпчилик шаҳарларыда фишт заводлари, Бекободда темир-бетон лотоклар, Янгиерда эса ирригация қурилиши учун темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарапади.

Енгил ва озиқ-овқат саноати. Ўзбекистон қишлоқ хұжалигининг пахта, шойи-пилла, каноп, жут, фаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик ва бошқа маҳсулотлари республика енгил ҳамда озиқ-овқат саноати учун хом ашё ресурсы ҳисобланади.


Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати қишлоқ хұжалиги хом ашёсимиң қайта ишлаб, республика ҳамда Иттифоқимиздинг бошқа жойларидаги ақоли ва саноат зарур маҳсулоттар тайёрлаб беради.

Республикамыздаги пахта, каноп, тери ва бошқа муҳим хом ашё ресурсларига асосланған саноатининг пахта тозалаш, тұқымачилик, трикотаж, тикувчилик, күн-пойабзal ишлаб чиқариши каби тармоқлари бор, ҳозир енгил саноатининг 500 дан ортиқ корхоналари ишлаб турибди (65-расм).

Пахта тозалаш заводлари пахтани чигитдан ажратыб, пахта толаси чиқаради. Революциягача пахта тозалаш заводлари ярим кустаръ ҳолда бұлиб, асосан Фарғона водийсіда жойлашған эди. Совет ҳоқимияты даврида мавжуд пахта тозалаш заводлари қайта жиҳозланиб, механизациялаشتырылған йирик заводларга айлантирилди. Пахта экиладиган районларда янги пахта тозалаш корхоналари барпо этилди. Ҳозир Ўзбекистонда

ЕНГИЛ САНОАТ

21—2204



65- расм. Ўзбекистон ССР енгил саноати

76 дан ортиқ катта, механизациялашган пахта тозалаш заводлари Янгийұл, Андіжон, Тошлоқ, Құқон, Когон, Бухоро, Денов, Каттақұрғондадир, Совет ҳокимияти йилларида пахта тозалаш заводлари, шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм областлари ва ҚҚАССР территорияларида ҳам барпо этилди. Натижада ҳар бир областда етиширилган пахтанинг асосий қисми үзидаги пахта тозалаш заводида толага ажратилиб, сүнгра истемол районларига жүнатылади.

Ўзбекистондаги пахта тозалаш заводлари Қирғизистон, Тожикистан ва Қозоғистондан келтирилган пахтани ҳам чигитдан ажратиб, пахта толасини чиқаради. 1987 йили республикамиздаги пахта тозалаш заводлари 1598,7 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарди. Бу 1913 йилдагига нисбатан 9 марта ортиқидир.

Республикада күриқ ва бұз ерлар үзлаштирилиб, пахта майдонининг кенгайтирилиши муносабати билан Мирзачұл ва Қарши чүленинг янги үзлаштириләтган ерларига бир неча янги пахта тозалаш заводлари қурилади.

Ўзбекистонда люб әқинлари майдонининг кенгайиши билан люб толасига бириңчи ишлов берадиган заводлар қурила бошлиади. Каноп тола ишлаб чиқарадиган заводлар Чирчиқ ва Оҳангарон водийсіде жойлашган. Чунки хом ашё ҳисобланған каноп үша районларда экилади.

Ўзбекистонда енгил саноатнинг иккінчи мұхим тури түқимачилик ҳисобланади. Республика түқимачилик саноати үзіда етишириладиган хом ашёдан ип ва газламалар ишлаб чиқаради. Ип-газлама ишлаб чиқариш саноати Совет ҳокимияти даврида вужудга келиб, ҳозир уннан ялпи маҳсулоти жиҳатидан республикамиз СССРда РСФСРдан кейин иккінчи үринде туради. Ўзбекистондаги ип-газлама түқимачилик саноатнинг энг катта корхопаси Тошкент, Фарғона түқимачилик комбинаттаридир. Шунингдек, Бухоро шаҳрида ҳам катта ип-газлама ишлаб чиқарадиган комбинат; Нукус ип-газлама комбинати, Жиззах пахта йигирудың фабрикасы қурилды. Наманган шаҳрида қоп-қанор фабрикаси бўлиб, у пахта тойларини үраш учун паст навли пахтадан қоп-қанор, арқон каби маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Тошкент обlastидаги Жумабозор каноп заводи ҳамда Кетмонтепадаги каноп заводи қоп-қанор, арқон ва бошқа маҳсулотлар ишлаб беради.

Республика түқимачилик саноатнинг иккінчи тури ипак газламалари ишлаб чиқариш корхоналаридир. Ўзбекистонда пилла тортадиган саноат корхоналари Совет ҳокимияти даврида вужудга келган. Энг катта пиллакашлик фабрикалари Фарғона, Самарқанд, Марғилон, Тошкент, Бухоро, Наманган Янгие, Урганч шаҳарларида жойлашган. Республикадаги энг катта ипак газламалари ишлаб чиқарадиган фабрикалар Марғилон, Самарқанд шаҳарларидадир. Марғилондаги шойи комбинати СССРдаги энг катта корхона ҳисобланып, табиий шойидан полотно, чесуча, крепдешин, крепжоржет каби нафис газламалар ишлаб чиқаради. Марғилондаги «Атлас» фирмаси эса атлас-

нинг турли хилларини ишлаб беради. Самарқанддаги шойи тұқыу фабрикасы эса күпроқ атлас, шойи, бекасам тұқиб чиқаради.

Ўзбекистонда жун газлама ишлаб чиқарадиган комбинат Самарқанд шаҳрида жойлашган. Бухорода мелан комбинати бұлыб, трико, коверкот, духоба ва бошқа газламалар ишлаб чиқаради. Наманганда эса штапель толасидан ипак газлама ва костюм газламаси ишлаб чиқарадиган комбинат жойлашган. Трикотаж саноатининг энг муҳим марказлари Қўқон, Андижон ва Тошкент шаҳарларида жойлашган. Қўқонда пайпоқ йиги-рув, Тошкент ва Андижонда трикотаж фабрикалари мавжуд. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қарши, Хива ва бошқа шаҳарларда бир қанча тикувчилик фабрикалари жойлашган. Ўзбекистонда күн-пойабзal саноатининг марказлари Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Чирчиқ ва бошқа шаҳарлардир. Тошкент ва Самарқандда күн заводлари, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларда эса пойабзal корхоналари қурилган.

Ўзбекистонда енгил саноатнинг яна бир қанча турлари, хусусан, мебель фабрикалари (Тошкент, Самарқанд, Олмалиқ, Янгийўл ва бошқа), қоракўл терисини ошлайдиган заводи (Бухорода), граммофон пластинкалар заводи (Тошкентда), чинни заводлари (Тошкент, Қувасой, Самарқанд), қоғоз комбинати (Тошкентда) мавжуд.

Ўзбекистонда маҳаллий саноатнинг 110 дан ортиқ корхоналари мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари Самарқанд уй-рузгор холодильниклари заводи, Андижон ва Тошкент бадиий буюмлар фабрикалари, Бухоро зардўзлик фабрикаси, Риштон бадиин сопол буюмлар заводи, Тошкент «Сувенир» фабрикаси ва бошқалардир.

Ўзбекистонда енгил саноатни янада ривожлантириш учун хом ашё ресурсларининг куплигини ҳисобга олиб, ўн иккинчи беш йилликда бир неча енгил саноат корхонаси ишга туширилади ва реконструкция қилинади.


Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг бир қанча турлари бұлыб, улар пахта хом ашёси, мевачилик, узумчилик, сабзавотчилик, чорвачилик маҳсулотлари, балиқ ресурслари ва бошқаларни қайта ишлашга асосланган (66-расм).

Республикамизда озиқ-овқат саноатининг мой, мевани қайта ишлаш, консерва, гүшт, балиқ, вино, кондитер, нон заводлари, ёғ корхоналари каби соҳалари мавжуд. Хозир озиқ-овқат саноатининг 200 га яқин корхоналари етишираётган ялпи маҳсулоти 1913 йилдаги миқдордан 42 марта ортиқдир.

Ўзбекистоннинг ўсимлик мойи, консерва, қуруқ мева, узумдан вино ишлаш саноати Иттифоқ аҳамиятига эга. Республика ўсимликдан мой олишда СССРда РСФСР, Украина даң сўнг учинчи ўринда туради. Республикада мой саноатининг хом ашёси чигитdir. Шу туфайли асосий мой заводлари пахта экиладиган районлардаги пахта тозалаш заводлари

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

324



66- расм. Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати

ёнида ўрнашгандир. Чунки пахта тозалаш заводи ёғ заводини чигит билан таъминлайди. Ўзбекистондаги энг катта ёғ-мой комбинати Фаргона ва Тошкентда жойлашган. Андижон, Қўқон, Ленинск, Наманган, Янгийўл, Алимкент, Каттақўргон, Коғон, Бухоро, Қарши, Денов, Хива, Ҳўжайли, Беруний, Манғит, Урганч ва бошқа шаҳарларда ҳозирги замон техникаси билан қуролланган мой заводлари бор.

Мой корхоналари чиқинидиларидан эса кир совун, кунжара тайёрланади. Шелухадан эса техник спирт олинади. Ўзбекистоннинг химик олимлари мойи олинган чигитдан оқсил модда-сига бой нонбоп ун ҳам олиш йўлини топдилар.

Ўзбекистонда мева, узумни қайта ишлаш ва консерва саноати ҳам мавжуд. Бу корхоналар қуритилган мева, майиз, мева ва сабзавот консервалари, мева шарбатлари (сувлари), томат, тузланган сабзавот каби маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Республикализнинг энг кўп мева, узум ва сабзавот етиширадиган район ва областларида чунончи Тошкент, Самарқанд, Фаргона, Янгийўл, Наманган, Андижон, Шаҳрисабз, Китоб, Қиброй, Урганч ва бошқа шаҳарларида консерва тайёрлайдиган ҳамда мевани қайта ишлайдиган корхоналар бор.

Ўзбекистоннинг деярли ҳамма область территорияларида гўшт саноати мавжуд. Энг катта гўшт корхоналари Тошкент яқинида, Самарқанд, Фаргона, Термиз, Бухоро, Қўқон, Андижон, Қарши, Урганч, Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Ҳўжайли, Бекобод, Каттақўргон, Нукус ва бошқа шаҳарларда жойлашган.

Республикамизнинг Қўйи Амударё районида балиқ саноати жойлашган. Ҳозир ҚҚАССРда, Мўйноқ балиқ консерва комбинати мавжуд. Бу корхоналар балиқ консерваси, сурланган, қуритилган ва тузланган балиқ, икра ишлаб чиқаради.

Ўзбекистонда жуда кўп ширин узумлар етиширилади. 60 дан ортиқ вино корхоналари ва 16 йирик вино заводи: Тошкент, Янгийўл, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Қўқон, Китоб, Денов, Урганч, Нукус ва бошқа шаҳарларда қурилган. Тошкентда эса катта шампан заводи бор.

Республикамизда йирик сут комбинати (Тошкентда) ва заводлари (Фаргона, Жиззах, Қарши, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Урганч, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда), мороженое фабрикаси (Тошкентда), кондитер фабрикалари (Тошкент, Янгийўл), тамаки фабрикаси (Тошкентда) ва бошқалар бор.

Самарқанд шаҳрида чой қадоқлаш фабрикаси бўлиб, у мамлакатимиздаги кўк чой чиқарадиган энг катта корхонадир. Завод маҳсулотининг 90% и кўк чойга тўғри келади.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг яна бир тармоғи тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонадир. СССРдаги йирик тамаки фабрикаларидан бири Тошкентда жойлашиб, фильтрли сигаретлар ва папирослар ишлаб чиқаради. Фабрика

асосан маҳаллий (Самарқанд облатининг Ургут районида етишириладиган тамаки) хом ашё асосида ишлайди.

Тошкент, Фарғона атрофларида топилган ер ости суви асосида ичимли, шифобаҳаш «Тошкент» ва «Фарғона» номи билан машҳур бўлган газлаштирилган минерал сувлар ҳам чиқарилади. Бу сувлар фақат Ўзбекистонда эмас, бошқа республикаларда ҳам машҳурдир.

Савол ва топшириқлар. 1. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланишида ва географик жойлашишида қандай ўзгаришлар юз берди? 2. Ўзбекистон саноат маҳсулотининг Иттифоқ миқёсида тутган ўринни гапириб беринг. 3. Ёқилғи-энеретика саноатига нималар киради? 4. Контур картага Ўзбекистондаги энг муҳим кўмир, нефть, газ конларини, ГЭС ва иссиқлик электр станцияларини тушириб, билиб олинг. 5. Нима сабабдан Ўзбекистонда рангдор металлургия саноати ривожланган? Картадан рангдор металлургия саноати марказларини тониб, билиб олинг. 6. Ўзбекистон қора металлургия саноати маркази қаерда жойлашган ва у қандай хом ашё асосида ишлайди? 7. Нима сабабдан Ўзбекистонда химия саноатининг ўғит ишлайдиган соҳаси ривожланган? Картадан республикадаги энг катта химия саноати марказларини кўрсатинг. 8. Ўзбекистон қандай машинасозлик саноати тармоғининг ривожланганлиги жиҳатидан СССРда олдинги ўринни эгаллади? Контур картага энг муҳим машинасозлик саноати марказларини тушириб, билиб олинг. 9. Ўзбекистонда дунёга машҳур бўлган қандай қурилиш материалларини биласиз? Қартадан энг муҳим мармар конларини топиб, билиб олинг. 10. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг қайси тури ривожлангац. Бунга асосий сабаб нимадан иборат? 11. Контур картага Ўзбекистондаги энг муҳим тўқимачилик саноати марказларини туширинг, нима сабабларга кўра саноатнинг бу турини ривожланганлигини билиб олинг. 12. Ўзбекистон енгил саноатининг қайси тури буйича Иттифоқимизда олдинги ўринларни эгаллади ва унга нималар сабабчи? 13. Контур картага Ўзбекистондаги энг йирик озиқ-овқат саноати марказларини тушириб, билиб олинг.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ўзбекистон халқ хўжалигининг ривожланишида қишлоқ хўжалигининг роли жуда катта. Республикализ меҳнатнинг Бутуниттироқ географик тақсимотида пахта, пилла, каноп, қоракўл тери, мева ҳамда узум етиширишга ихтинослашган. Бунга асосий сабаб республикамизда қулай табиий шароитнинг (ёзниг қуруқ ва иссиқ бўлиб, узоқ давом этиши, қишининг илиқ бўлиб, қисқа бўлиши, суфоришга яроқли унумдор ерларнинг, яйловларнинг борлиги ва б.) мавжудлигидир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Совет ҳокимияти йилларида юксак даражада механизациялашган йирик ишлаб чиқаришга айланди. Қишлоқ хўжалигига кўп меҳнат талаб қиласидиган ишлар — ерни планировка қилиш, текислаш, ер ҳайдаш, экиш, экинларга ишлов бериш, ҳосилни йиғиб-териб олиш, чорвачилик учун емашак тайёрлаш ва бошқа ишлар машиналар ёрдамида бажарилмоқда. Қишлоқ хўжалигига илғор агротехника ютуқлари кенг кўламда қўлланилмоқда ва электрлаштириш тобора кенг жорий қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси, ўз павбатида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини юксак даражада ривожланган комплекс хўжаликка айлантириди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжали-

гини янада ривожлантириш учун ер фонди етарлидир. Республика мизнинг умумий ер фонди 44,8 миллион гектар бўлиб, унинг 6,8% га яқини қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ерлардир. 1988 йили қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ерларни 100% деб олсак, унинг 85,0% и пичанзор ва яловларга, 13,8% и ҳайдалиб экин экиладиган ерларга, 0,8% боғзорларга, узумзорларга ва бошқа кўп йиллик экинларга, 0,4% эса қўриқ-бўз ерларга тўғри келади.

Республикамизда бундан буён қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, хусусан суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш, энг аввало, ирригацияга боғлиқдир.

Ирригация Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантирувчи асосий омиллардандир. Чунки республика дехқончилигига банд бўлган майдоннинг асосий қисмини обикор ерлар ташкил қиласди. Ўзбек ҳалқи ҳаётини азалдан обикор дехқончилик билан боғлиқ. Шу сабабли ҳалқда «Ер — хазина, сув — олтин» деган мақол бор. Ўзбеклар жуда қадим даврлардан дарё сувидан рационал сувориш учун фойдаланиш мақсадида ирригация системаларини барпо этганлар. Сув омборлари, коризлар, каналлар, тўғонлар қуриб, чўлдаги бепоён ерларни ўзлаштириб, чаманзор воҳалар барпо этган. Лекин революциягача сувориладиган ерлар кам, мавжудлари ҳам хукмдорлар қўлида эди. Бунинг устига ирригация шохобчалари гражданлар уруши ва босмачилик йилларида бузилиб, обикор дехқончилик хўжалиги вайронга бўлиб кетган.

Совет ҳокимияти йилларида қадимий бой тажрибага асосланиб, республикамизда ирригация ишлари ривожлантирилди, обикор ерлар майдони кенгайтирилди. Бу ишларга Совет давлати ва партия раҳбарлик қилди. Мавжуд сувориладиган ерларниң мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш масаласига В. И. Ленин алоҳида эътибор берди. 1918 йилда В. И. Ленин Мирзачўл ва Далярзин чўлларида, Фарғона ва Зарафшон водийларида ирригация ишларига маблағ ажратиш тўғрисидаги декретга имзо чекди. В. И. Ленин: «Сувориш ҳаммадан кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишини мустаҳкамлайди» деб ёзган эди. В. И. Лениннинг бу сўзлари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини, хусусан ирригацияни ривожлантиришга асос бўлди. Натижада тиклаш даври ичида эски ирригация каналлари тикланди ва ташлаб қўйилган 300 минг гектардан ортиқ ер ва 78 минг гектар янги ер суворилди.

Совет ҳокимияти йилларида У. Юсупов номли Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Жанубий Фарғона, Тошкент, Киров номли Жанубий Мирзачўл, Аму-Бухоро, Катта Андижон, Шеробод, Катта Наманган, Қарши каби бир қанча магистрал каналлар ва тўғонлар қурилди. Баҳорги, қишики ортиқча сувларни тўплаб, ёзда экин далаларига оқизиш мақсадида 4 млрд. км³ сув тўплайдиган 15 йирик сув омборлари барпо

этилди. Уларнинг энг муҳимлари Зарафшон дарёсида Каттақўрғон, Қўйимозор, Фарғона водийсида Андижон, Қосонсой, Қайроқум, Чирчиқ дарёсидаги Чорвоқ, Оҳангарон дарёсида Туябўғиз Қашқадарёда Чимқўрғон, Толимаржон, Сурхондарёда Учқизил, Жанубий Сурхон каби сув омборлариридир.

Сўнгги даврларда кучли насослар ёрдамида сув чиқариб, суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш авж олиб кетди. Бу йўл билан Қарши дашти ва Қўйи Зарафшон водийсидаги бўз ерларга Аму — Бухоро, Аму — Қоракўл, Қарши магистрал каналлари орқали Амударёдан сув чиқарилиб, бўз ерлар ўзлаштирилиб суғорилмоқда.

Сув кам областларда сувнинг ерга шимилиб кетмаслиги учун 3000 км масофада каналлар бетонланди ва тубига полимер-этилен плёнкалар ётқизилди. Суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва ботқоқланиб кетишига қарши курашиш учун Мирзачўл, Қўйи Зарафшон, Қўйи Амударё ерларида катта коллектор-дренажлар (зовур) вужудга келтирилди. Қўпчилик корхоналарда сувнинг шимилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида унинг тагига полимер-этилен плёнкалар ётқизилди. Суғориша тарнов усулидан ҳам кенг кўламда фойдаланилмоқда. Ҳозир республикамизда 900 суғориш шохобчаси бўлиб, ҳамма каналларнинг узунлиги 150 минг км га етказилди. Ўша суғориш шохобчаларида 9 минг гидротехник иншоотлар мавжуд. Ўзбекистонда коллектор-дренажларнинг умумий узунлиги эса 70 минг км.


Ўзбекистон суғориладиган ерлар майдонининг кўплиги жиҳатидан СССРда биринчи уринда туради. Иттифоқимиздаги суғорилаётган ерларнинг $\frac{1}{4}$ қисми Ўзбекистон зиммасига тўғри келади. 1987 йили Ўзбекистонда 4023,3 минг га ер суғорилди. Суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш мақсадида Қорадарёда Андижон ва Қўйи Амударёда Туямўйин сув омборлари барпо этилмоқда. Улар тўла ишга тушгач, қўшимча 1 млн. га қўриқ ери сув билан таъминлайди.

Қарши даштини ўзлаштириш учун Қарши магистрал канали кенгайтирилади ва Толимаржон, Шўрсой сув омборлари қурилиб тўла ишга туширилгач, Қарши даштида суғориладиган ерлар майдонини келажакда 1 млн. гектарга етказиш мумкин.

Деҳқончилик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида деҳқончилик етакчи ўринни эгаллаб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 77% ини беради. Ўзбекистонда деҳқончиликнинг обикор ва лалмикор деб аталган икки соҳаси ривожланган. Обикор деҳқончилик айниқса тараққий этган бўлиб, пахтачилик, ўт экиш, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликдан иборат. Лалмикор деҳқончиликда эса буғдой, арпа, кунжут ва бошқалар экилади.

Республика қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаси пахтачилик дир. Пахтачилик — Ўзбекистон хўжалигининг қадими соҳаларидан бири. Ўзбеклар асрлар давомида пахта етишиб бой тажриба орттирганлар. Аммо шунга қарамай, қишло

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПАХТАЧИЛИК КАРТАСИ



67-расм. Ўзбекистон ССР пахтачилк картаси

лоқ хўжалигининг бу соҳаси революциягача қолоқ эди. 1913 йили ҳозирги Ўзбекистон территориясида пахта майдони 424,6 минг га, ҳосилдорлик гектаридан 12,2 ц, ялпи ҳосил эса 517,2 минг т эди. Совет ҳокимияти йилларида эса пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Натижада у қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғига айлантирилди ва экин майдони (1987 й.) 2107,7 минг гектарга етказилди. 1988 йили Ўзбекистон давлатга 5 млн. 365,0 минг тонна пахта топшириди. Бундай ўсишга Мирзачўлда, Фарғона, Зарафшон водийларида, Қарши чўлида, кўриқ ва буз ерларда пахта майдонини кенгайтириш, илғор агротехникани қўллаш, пахтанинг янги навларини етиштириш, пахтани экишдан тортиб териб олишгacha машиналаштириш орқали эришилди (67-расм).

Республикамизда пахтачиликнинг ривожланишида, хусусан, тупроқ унумдорлигини ошириб, кўп ҳосил олишда қишлоқ хўжалигини химиялаштиришининг роли жуда каттадир. Чунки минерал ўғитлар экин далаларида тупроқ структурасини яхшилаб, ҳосилдорликнинг ошишига ёрдам беради.

Пахтачиликнинг ривожланишини машиналарсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки ҳозир Ўзбекистонда пахтанинг анча қисми машиналар ёрдамида йиғиб олинмоқда.

17- жадвал

Ўзбекистонда пахтачиликнинг юксалиши

Кўрсаткичлар 1913	1921	1932	1940	1950	1960	1970	1980	1985	1987
Экин майдони, минг га	424,6	263	994,8	923,5	1098	1387	1709,2	1900	1983,1
Ялпи ҳосил, минг т	517,2	209	1386	2225	2824,6	3746	4495	6227	5380,3
Ўртча ҳо- силдорлик, ц/га	12,2	7,8	7,9	15,0	20,9	22	26,3	33	27,1

Ўзбекистон пахта экиладиган ер майдонининг ва ялпи ҳосилнинг кўплиги жиҳатидан СССРда биринчи уринда.

Ўзбекистон пахта етиштиришда дунёда Хитой ва АҚШдан сўнг учинчи ўриндадир. Республикаизда асосан толаси ўртача бўлган пахта, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро, Намангандаги областларида қисман ингичка толали пахта етиштирилади.

Пахта халқ хўжалигига жуда катта аҳамиятга эга. Пахта толасидан кўплаб хилма-хил ип, газлама, штапель газламалар, трикотаж-пайпоқ буюмлар, сунъий ипак, портловчи моддалар, пайабзал кирзаси (сув ўтказмайдиган газлама) ва бошқалар олинади. Пахта чигитидан мой, совун, лак-бўёқ, оқсил моддаси, саноат учун зарур мой, кунжара тайёрланади. Гўзапоя эса фурфорол, қоғоз тайёрлашда ҳам хом ашё ҳисобланади. Гўза баргларидан лимон кислотаси олинади.

Республика хўжалигига пахтанинг тутган урнининг бенихоят катталигини қўйидаги мисолдан билиш мумкин. Бир тон-

на пахтадан 4—7 минг метргача газлама, 45 кг мой, 60 кг совун, 200 кг кунжара ҳамда чиқиндилиридан глицерин, оқсил ва бошқалар олинади.

Ўзбекистонда пахтадан ташқари, техника экинларидан луб экинлари, тамаки, зигир, кунжут, шакарқамиш, доривор ўтлар ва бошқалар экилади. Луб экинлари Тошкент обlastida экилади. Ўзбекистон луб маҳсулотлари етишириш жиҳатидан СССРда биринчи, дунёда эса Покистон, Ҳиндистон ва Хитойдан сўнг туртинчи, ҳосилдорлиги жиҳатидан эса биринчи үриндадир. СССРда етишириладиган каноп экинлар маҳсулотининг 100% ини Ўзбекистон беради. Каноп толасидан намга чидамли матолар, брезент ва бошқалар тайёрланади. Шунингдек, Ўзбекистонда иқлим шароитининг яхшилиги туфайли каноп фақат тола эмас, балки уруғ ҳам беради. Ўзбекистонда шакарқамиш Сурхондарё обlastida, кун ошлаш учун зарур бўлган таран Андижон обlastida экилади. Ўзбекистонда тамаки Самарқанд обlastininng Ургут ва Комсомол районларида етказилади.

Республикамиз деҳқончилигининг яна бир муҳим соҳаси ғаллачиликдир. Ўзбекистонда буғдој, арпа, шоли, маккажӯҳори, жӯҳори экилади. Республика изабии шароити лалмикор деҳқончилик учун қулайдир. Лалмикор деҳқончилик айниқса, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент, Сирдарё обlastlariда кўпроқ тарақкий этган.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида шоли, маккажӯҳори экилади. Бу экинлар ичидаги Ўзбекистонда куплаб истеъмол қилинадигани шоли ҳисобланади. Шоли сув ва иссиқни яхши кўради. Шу сабабли шоли майдони Ўзбекистонда сув сероб, сизот суви ер бетига яқин бўлган Чирчиқ, Сирдарё, Зарафшон водийларида ва Амударёning қўйи қисмида жойлашган. Республика изабида шоли юқори ҳосил беради. Айрим бригадалар гектаридан 80 ц ва ундан ортиқ ҳосил олмоқда. Ўзбекистонда етишириладиган шоли Иттироқ аҳамиятига эга бўлиб, СССРда олдинги уринлардан бирини эгаллади. Республика изаби 1985 йили 483,4 минг тонна шоли етиширди. Бундай ўсишга шоли экин майдонининг кенгайтирилиши ва илғор агротехникани қўллаш, ҳосилдорликни кўтариш орқали эришилди.

Ўзбекистонда дон экинлари ичидаги маккажӯҳори ва жӯҳорининг аҳамияти ва майдони ортиб бормоқда. Маккажӯҳори ва жӯҳоридан дон олинади, поясидан эса силос тайёрланади. Сўнгги вақтларда бу экинлар пахта билан алмашлаб экилмоқда. Натижада ернинг структураси ўзгариб, ҳосилдорлик ошиб бормоқда.

Республика аҳолисини сабзавот, қовун, тарвуз ва картошка билан таъминлашда сабзавотчилик ва полизчиликнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистонда бу экинлар асосан Тошкент, Самарқанд, Сирдарё обlasti территорияларида ҳамда Тошкент ва бошқа саноат марказлари атрофларида экилади.

Ўзбекистон Иттифоқимизда сабзавотчилик соҳасида туринчи ўринда, қовун майдонининг кўплиги жиҳатидан биринчى ўринда туради. Республикаимиз — қовун етиширишнинг энг қадимий ўчоқларидан бири. Шу сабабли Хоразм, Кўйи Зарафшон, Фарғона водийси, Қашқадарё, Мирзачўл қовунлари ўзининг ширин-шарбатлиги билан дунёга машҳурдир.

Ўзбекистонда боғдорчилик ҳамда узумчилик қадимдан ривожланган. Республикаимизда ширин-шакар ўрик, шафтоли, гилос, олча, олма, нок, бодом, узум, анжир каби мевалар етиширилади. Боғдорчилик ва узумчилик кўпроқ республикамизнинг Тошкент, Самарқанд областлари ва Фарғона водийсида жойлашган. Сунгти вақтларда хўжаликнинг бу соҳаси Ўзбекистоннинг бошқа областларида ҳам кенгайтирилмоқда. Республикаимиз боғдорчилик ва узумчилик соҳасида Совет Шарқида биринчى ўринда бўлиб, Ўрта Осиёдаги боф ва токзорларнинг 60% и Ўзбекистондадир. Республика боғдорчилигига асосий ўринни данакли мевалар (ўрик, шафтоли, олча), ишғол қилиб, кўпроқ Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё водийларида бор. Уруғли мевалар (олма, нок) иккинчى ўринда туради ва асосан Тошкент, Сирдарё областларида етиширилади.

Ўзбекистон узумчилик соҳасида Иттифоқ аҳамиятига эга бўлиб, дунёга машҳур майизлар етиширади. Бу соҳада Ўзбекистонда Самарқанд области биринчى ўринда. Республикаимиз қуруқ мевалар, хусусан сифатли баргак, майиз етиширища дунёга машҳур бўлиб, таркибида қанд моддаси Европа ва Америкада етишириладиган қуруқ меваларга нисбатан 1—1,5 марта ортиқ.

Ўзбекистоннинг жанубий қисмларида иссиқни кўп талаб қиласидаги субтропик экинлардан анор, анжир, ёнғоқ ҳам етиширилмоқда.

Республикаимизда боф ва токзорлар майдони бундан бўён сугориладиган ерлардан ташқари тоғ олди зоналарини ўзлаштириш ҳисобига кенгайтирилиб борилади. Бунда тоғ олди ёнбағирларида ёмғир ва қор сувларини ушлаб қолиш учун зинапоясимон супалар ташкил этилиб, ток ва мевали дарахтлар экилади. Натижада вақт-вақти билан бўлиб турадиган селларга ва тупроқнинг ювилишига ҳам чек қўйилади.

Ўзбекистонда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг иккинчи муҳим соҳасидир. Чорвачилик ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги умумий маҳсулотининг туртдан бир қисмини бермоқда. Ўзбекистон территориясининг табиий шароитига ва ем-хашак базасининг характеристига кўра чорвачилик зоналар бўйича ихтисослашган. Ўтлоқ ва буталар ўсадиган чўлларда қоракўл қўйлар ва туялар боқилади. Воҳаларда яйловлар кам бўлиб, беда ва маккажўхори ҳамда озиқ-овқат чиқиндилари билан боқиладиган қорамоллар кўп. Буғдоийқ ва ҳар хил ўтлар тарқалган, адир ва тоғларда эса думбали қўйлар, эчкилар, йилқилар ва ёш қорамоллар боқилади.

Республика чорвачилигига етакчи ўринни қўйчилик, хусусан, қоракўлчилик эгаллади. Қоракўл қўйлар Ўзбекистоннинг чўллар зонасида, асосан Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Сирдарё областлари ва Қорақалпоқ АССР териториясида боқилади. Ўзбекистон қўйларнинг умумий сони жиҳатидан СССРда РСФСР, Қозоғистон ва Украйнадан сунг тўртинчи ўринда турса, қоракўлчилик соҳасида биринчи ўриндадир. Республикамиз юқори сифатли қоракўл тери етишириди. СССРда етиширилаётган қоракўл териси нинг учдан бир қисмини Ўзбекистон беради. Республикамизда тайёрланаётган қоракўл терилари сифатлилиги жиҳатидан жаҳон бозорида юқори ўринни эгаллади. Ўзбекистон аъло сифатли қора, кўк, сур каби қоракўл терилари билан жаҳонга машҳур.

Ўзбекистонда келажакда қоракўлчиликни янада ривожлантириш учун яйловларни сув билан таъминлаш, сифатини яхшилаш, қўйларнинг яхши зотларини етишириш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг Хоразм ва Бухоро областларидан бошқа ҳамма қисмида кўпроқ адир ва тоғли районларда думбали қўйлар боқилади. Бу қўйлардан гўшт-ёғ ва жун олинади. Сўнгги пайтларда тоғ олди зонасида чорвачиликнинг бу соҳасини ривожлантириш мақсадида қўйлар учун қишики қўра қуриш ва озуқалар тайёрлаб қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда чорвачиликнинг ривожланган соҳаларидан яна бири ипакчиликдир. Ўзбекистон — ипакчиликнинг энг қадимий районларидан бири; у пахтачилик билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Чунки ипак қурти учун озиқ ҳисобланган барг тут дарахтларидан олинади. Тут дарахтлари кўпроқ сувли ерлардаги пахтазорларнинг четларига, каналлар, ариқлар, йўлларнинг ёқаларига экилади.

Ўзбекистон ипакчиликнинг қадимий райони ҳисобланса ҳам революциягача анча қолоқ аҳволда эди. 1913 йилда ҳозирги республикамиз териториясида 3980 тонна пилла етиширилган. Совет ҳокимияти йилларида ипакчиликка алоҳида эътибор берилди. Барг базаси мустаҳкамланди, қурт боқиш учун яхши бинолар қурилди, қурт боқиши ташкил этиш усули ва техникаси яхшиланди, янги навлар етиширилди. Натижада ҳозир бир қути қурт уруғидан айрим звенолар 100—110 кг дан ортиқ пилла олмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг СССРда пилла базасига айланиб қолишига сабабчи бўлди. Республикамиз ҳозир пилла етиширишда СССРда биринчي ўринда, дунёда эса Япония, Хитойдан сунг учинчи ўринда туради. Ўзбекистонда 1989 йили 27,4 минг тонна пилла етиширилди.

Революциягача ипакчилик республика териториясида но-текис жойлашиб, етишириладиган пилланинг 85 % и Фарғона водийси зиммасига тушар эди. Совет ҳокимияти даврида ипакчилик ҳамма областларда ҳам ривожлантирилмоқда.

Республикамизнинг адир ва тоғли қисмларида майин сифатли тивит ва жун берадиган эчкилар боқилади. Эчкилар асосан Қашқадарё, Сурхондарё, Намангандарё, Тошкент областларининг тоғ ва тоғолди қисмларида кўп.

Ўзбекистонда, айниқса унинг воҳаларида сут-гўшт берадиган қорамолчилик ривожланган. Бу моллар беда, маккажӯхори каби сифатли озуқалар билан маҳсус фермаларда боқилади ва ўртача йилига ҳар бир сигирдан 1200 литрдан 1700 литргача сут соғиб олинади.

Ўзбекистонда сўнгги вақтларда чўчқачилик ҳам ривожланниб бормоқда. Чорвачиликнинг бу соҳаси асосан Сирдарё, Тошкент, Самарқанд областларида ривожланган. Чўчқачилик чорвачиликнинг сермаҳсул соҳаси ҳисобланиб, арzon гўшти етказиб беради.

Республикамизда йилқичиликка ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда чидами ва чопқир қорабайир зотли отлар жуда қадимдан етишириб келинган. Сўнгги вақтларда аҳолининг қимизга бўлган талабини қондириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах областлари ва ҚҚАССРда отлар сони қўпайтирилмоқда. Отлар наслини яхшилаш ва уни кўпайтириш мақсадида Жиззах ва Тошкент обlastida от заводлари ташкил этилди.

Паррандачилик республикамизда гўшт ва тухум проблемасини ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу туфайли республикамизнинг ҳамма областларида паррандачилик фермалари ва фабрикалари ташкил этилмоқда. Паррандачиликнинг ўрдак ва ғоз каби соҳасини тараққий этириш мақсадида колхоз ва совхозларда ҳовузлар ташкил этилмоқда. Келажакда Ўзбекистонда паррандачиликни, хусусан сув паррандачилигини ривожлантириш учун сув кам бўлган зоналарда вақтли сойларга ҳовузлар ва кичик сув омборлари қуриб баҳорги тошқин сувларни тўсиб қолиш керак. Бунда паррандачиликни ривожлантиришдан ташқари, баҳорги селларнинг ҳам олди олинган бўлади.

Ўзбекистонда сўнгти йилларда балиқчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Балиқ асосан Орол денгизидан овланади. Лекин денгиз сув сатҳининг пасайиб бориши балиқ овлашни кескин камайтирилмоқда. Шунинг учун бундан бўён балиқчиликни сув омборларида ва зовур сувларининг тўпланишидан вужудга келган (Арнасой, Айдор, Тузкон, Шўркўл ва бошқ.) кўлларда ривожлантирилади.

Ўзбекистон чорвачилигида мўйнали ҳайвонлар хусусан, ондатра ва нутрия ҳам анча салмоқли ўрин эгаллайди. Ондатра Амударёнинг қўйи қисмидаги маҳсус хўжаликларда боқилади. Ҳозир Ўзбекистоннинг жуда кўп сувларида ондатра учрайди. Республикализ ондатра терисини чет элларга ҳам экспорт қиласи.

Ўзбекистон чорвачилигининг яна бир соҳаси бу асаларичиликдир. Республикализ асаларичиликни ривожлантириш учун

жуда қулай табиий имкониятларга эга. Чунки асаларилар учун озуқа ҳисобланган ҳар хил гулли ўтлар, мева гуллари, турли бута гуллари Ўзбекистон водийларида, воҳаларида, адир ва тоғларида жуда кўплаб ўсади. Шунингдек, сугориладиган зонадаги пахта гули, беда гули ва бошқа экинлар гули ҳам асаларилар учун яхши озуқа ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон қадимдан ўзининг ўтириш ва хушбўй асали билан машҳурdir.

Ўзбекистонда ҳозир бир неча асаларичиликка ихтисослашган совхоз ва колхозлар, бригадалар бўлиб, уларда 150 мингдан ортиқ асалари уялари мавжуд ва ҳар йили ўрта ҳисобда 4,0 минг т, асал йигиб олинмоқда. Келажакда Ўзбекистонда асаларичилик янада ривожлантирилиб, унинг уялари икки марта кўпайтирилади.

Савол ва топшириқлар. 1. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришида қандай ўзгаришлар юз берди? 2. Ўзбекистон қишлоқ ҳужалигининг Иттифоқ миқёсида тутган ўрини нималардан иборат? 3. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда В. И. Лениннинг хизматларини гапириб беринг. 4. Контур картага Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида барло ётилган энг муҳим каналларни, зовурларни тушириб, билиб олининг. 5. Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиги структурасида қайси соҳалар етакчи уринни эгаллади? 6. Дарслидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, 1913 йилдан 1987 йилгача бўлган даврда пахтанинг экин майдони, ялпи ҳосили ва ҳар гектардан олинадиган ҳосилини акс эттирувчи диаграмма чизинг. 7. Совет ҳокимияти йилларида пахтачилик географиясида содир бўлган ўзгаришларни гапириб беринг. 8. Ўзбекистон контур картасига каноп, шоли экиласига районларни тушириб, уларнинг умумиттифоқ миқёсида тутган ўринни билиб олинг. 9. Ўзбекистон ССРда етиштириладиган узум, олма, ўрик, анжир, анор ва бошқаларнинг ширин ва сифатли булишига қандай табиий омилилар таъсир этади? 10. Ўзбекистон чорвачилигига қайси тармоқлар етакчи ва Иттифоқ аҳамиятга эга? 11. Нима учун Ўзбекистонда бундан бўён ҳам ипакчилик ва асаларичилик ривожлантирилади? 12. Ўзбекистонда мўнаничилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун қандай имкониятлар мавжуд?

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АЛОҚА ЙЎЛЛАРИ ВА АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон халқ ҳужалигининг ривожи алоқа йўллари билан чамбарчас боғлиқdir. Чунки алоқа йўллари (транспорт) республика областларини СССРнинг иқтисодий районлари билан боғлаб, ҳужаликнинг ихтисослашувини осонлаштиради. Алоқа йўллари орқали Ўзбекистонга зарур машиналар, асбобускуналар, саноат моллари келтирилиб, республикада етиштириладиган ва тайёрланадиган маҳсулотни Иттифоқимизнинг бошқа иқтисодий районларига олиб борилади.

Ўзбекистонда алоқа йўлларининг ҳамма турлари — темир йўл транспорти, автотранспорт, дарё транспорти, авиатранспорт ва трубопроводлар бор.

Республика алоқа йўллари ичida асосий ўринни темир йўл транспорти эгаллади. 1987 йили темир йўлда 76,4 млн. т юк ташилди. Совет ҳокимияти йилларида темир йўл транспорти-

нинг ривожига алоҳида эътибор берилди ва унинг умумий узунлиги 3400 километрдан ортиб кетди. Бу эса революциядан олдинги темир йўл изларининг узунлигидан 3 марта ортиқдир.

Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистон территорииясида биринчи темир йўл 1880 йили қурила бошланган Красноводск — Тошкент темир йўли бўлиб, 1899 йили Тошкент шаҳрига келтирилган. 1906 йили Тошкент — Оренбург темир йўли қурилди. Шунингдек, революциягача Когон — Термиз, Ховос — Фарона темир йўллари барпо этилди.

Совет ҳокимияти даврида темир йўл транспорти ўсди ва қисқа вақт ичида республикамизнинг барча шаҳарларини бирлаштирадиган темир йўллар қурилди. Натижада Ўзбекистон СССРнинг ҳамма районлари билан иқтисодий алоқа қиласидан бўлди. Сўнгги йилларда Сирдарё — Жиззах янги темир йўли қурилди. У Мирзачўлнинг Марказий қисмидан кесиб ўтиб қўриқ ерларни ўзлаштиришга катта ёрдам берди.

Ўрта Осиёни, жумладан Ўзбекистонни Волгабўйи, Урал ва Марказ билан боғловчи иккичи муҳим темир йўли яқинда ишга туширилди. Бу темир йўлнинг ишга тушиши натижасида Туркманистон ва Тожикистон ССР, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Хоразм областлари ҳамда ҚҚАССР қулай қисқа йўл орқали СССР Европа қисми билан боғланди. Натижада Чоржўй — Москва орасидаги масофа 700 км қисқарди. Шунингдек, Самарқанд — Қарши магистралининг ишга тушиши натижасида Самарқанд қисқа темир йўл орқали Қарши шаҳри билан боғланди ҳамда орадаги масофа 210 км қисқарди, юк ташиш эса тезлашди. Бу йўлнинг Қарши чўли орқали ўтиши эса уерларни ўзлаштириш ишини ҳам жадаллаштириди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳамма область марказлари Тошкент шаҳри ва СССРнинг бошқа иқтисодий районлари билан темир йўл орқали бирлаштирилган. Республикализ темир йўлнинг ўртacha зичлиги жиҳатдан Ўрта Осиёда биринчи, Иттифоқимизда эса СССР Европа қисми ва Закавказъедан сўнг учинчи ўриндадир.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда янги темир йўл излари қурилди ва эски паровозлар ўрнига кучли тепловоз ва электровозлар қатнай бошлади, ноқулай вагонлар ўрнини эса пассажирлар учун қулай, камфортабель вагонлар эгаллади. Ҳозир Тошкент — Сирдарё, Тошкент — Чорвоқ темир йўллари электрлаштирилди. Келажакда Тошкент — Ангрен, участкаси электрлаштирилди.

Республиканинг иқтисодий алоқасида автомобиль транспорти муҳим роль ўйнайди. Транспортнинг бу тури Ўзбекистоннинг ички иқтисодий алоқасида, яъни районлараро пассажирлар ва юклар ташишда, завод-фабрикаларда, колхоз-совхозларнинг юк оборотида асосий роль ўйнайди. Автомобиль транспорти совет ҳокимияти даврида вужудга келтирилди. 31,7 минг км узунликдаги обод автойўллар қурилди. 248 км узунликдаги Тошкент — Қўйон йўлининг ишга тушиши эса Республика пой-

тахтини қисқа йўл орқали Фарғона водийси билан бирлаштириди. Натижада Тошкентдан Фарғона водийсига ташиладиган юклар темир йўлдагига нисбатан 3—4 марта тез етказиладиган бўлди.

Юк обороти жиҳатидан Ўзбекистон автотранспорти СССРда РСФСР, Украина ва Қозоғистондан сўнг 4-уринда бўлиб, Итифоқимиздаги автомобиль юк оборотининг 4% ини ташкил этади. 1987 йили Ўзбекистонда автотранспортда 912,0 млн. т юк ташилди.

Ўзбекистон юк оборотида сув транспортининг роли унча муҳим эмас. Чунки республикамида дарёлар кўп бўлса-да, фақат Амударё ва Сирдарёдагина кема қатнаши мумкин. Хоразм областининг ҚҚАССР билан иқтисодий алоқасида Амударё ва Орол денгизидаги сув транспорти муҳим роль ўйнайди. Сирдарёда кемалар фақат Чиноздан қўйида бўлган қисмida қатнайди, холос.

Республикамида сўнгги пайтларда ҳаво транспортининг роли ортиб бормоқда. Пассажирлар, почта ва манзилга тезда етказилиши зарур бўлган юкларни ташишда ҳаво транспортининг аҳамияти катта. 1987 йили ҳаво транспорти 5,5 млн. киши ташиган. Ҳозир Тошкент область марказлари, республикамидинг ва СССРнинг йирик шаҳарлари ҳамда марказий курорт шаҳарлари билан ҳаво йўли орқали боғланган. Шунингдек, Тошкент — Хиндистон, Афғонистон, Индонезия ва Шарқдаги бошқа мамлакатларга бориладиган ҳаво йўллари дарвозаси ҳисобланади.

Республикамиздаги транспортнинг энг ёш ва тез ривожлаётган тури — қувур транспорти. Чунки республикамиздан чиқадиган нефть ва газ қувурлар орқали заводларга ва истеъмол қиласидаги районларга етказилади. Фарғона водийсидан қазиб олинадиган нефть қувурлар орқали Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига келтирилади, Фарғона, Андижон ва Ҳужаобод гази газ қувурлари орқали Фарғона, Андижон, Ленинск шаҳарларига юборилади, Сўх гази Қўқонга келтирилади. Шунингдек, Жарқоқ — Тошкент — Фрунзе, Газли — Урал каби газ қувурлари бор.

Ўзбекистондаги барча электр станцияларнинг бир-бирига уланишида ва уларни Ўрта Осиё электр системасига боғлашда транспортнинг янги тури — электрон транспортининг аҳамияти жуда катта.

Ўзбекистонда тўнгич электр узатгич линияси 1933 йили қурилиб, Қодрия ГЭСини Шарқий Тошкент станциялари билан боғлаган. Ҳозир республикамиздаги барча йирик электр станциялари (Қайроққум ГЭСи — Тошкент, Сирдарё ГРЭСи — Тошкент, Андижон — Тухтагул, Тошкент ГРЭСи — Чимкент, Регар-Ғузор — Сирдарё ва бошқа узатгич, линиялари) бир-бири билан ва Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон электр системаси билан электр узатгич линиялари орқали туташтирилган.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришда ички районлараро ҳамда СССРдаги бошқа районлар билан қилинадиган транспорт — иқтисодий алоқаларининг аҳамияти жуда каттадир. Фақат транспорт иқтисодий алоқалар орқали Ўзбекистоннинг бир обласидан иккинчи обласига зарур саноат ва қишлоқ хўжалиги учун маҳсулотлар ёки хом ашё ресурси етказиб берилади. Агар Тошкент области республиканинг ҳамма областларига машиналар, экскаваторлар, азот ўнитлари, енгил ва озиқ-овқат саноат моллари юборса, Фарғона области бошқа областларга нефть маҳсулотлари, химикатлар ва бошқалар жўнатади. Самарқанд эса бошқа областларга кўпроқ дон етказиб берса, ҚҚАССР балиқ ва балиқ консервалар жўнатади.

Ўзбекистон Иттифоқимизнинг бошқа районлари билан мустаҳкам иқтисодий алоқага эга. Республика СССРнинг бошқа республикаларига пахта, қоракўл териси, хом ипак, мевалар чиқаришдан ташқари, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик машиналари, насослар, компрессорлар, кўтарма кранлар, гидротрубалар, экскаваторлар, электрокабеллар, шарикоподшиппиллар, радиоламиналар, цемент, олtingугурт, пахта мойи каби саноат маҳсулотларини етказиб беради. Ўз навбатида, халқ хўжалиги учун зарур бўлган металл, асбоб-ускуналар, машина ва ўнитларни республикамиз Уралдан, кўмир, дон, қандни Қозогистондан, дон, ёроч, кўмир, металл, машиналарни Сибирдан, кўмирни Қирғизистондан, нефти Туркманистандан келтиради.

Ўзбекистон ҳозир саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан 220 тасини жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилмоқда. Айниқса пахтачилик машиналари, тўқимачилик жиҳозлари, пахта толаси, қоракўл териси экспорт қилишда Ўзбекистон Иттифоқимизда биринчи ўриндадир.

Ўзбекистонда тайёрланадиган «Сур», «Шерозий» каби қоракўл терилари жаҳон бозорларида жуда юқори баҳоланади.

Ўзбекистон пахта толасини дунёнинг 32 мамлакатига экспорт қилади. Республика экспортининг $\frac{3}{4}$ қисми социалистик мамлакатларга тўғри келади.

Ўзбекистон Европадаги социалистик мамлакатларга тўқимачилик, химия, электротехника, қидирав геология асбоблари, пахта толаси ва бошқалар экспорт қилса, Осиёдаги социалистик мамлакатларга ҳар хил машиналар, жумладан ирригация учун машиналар, асбоб-ускуналар экспорт қилади.

Ўзбекистон ўз навбатида социалистик мамлакатлардан қурилиш индустряси, химия полиграфия, енгил ва озиқ-овқат саноати учун станоклар, машиналар, медицина асбоблари ҳамда халқ истеъмол буюмлари (мебель, кийим, газлама, пойабзал, ёвуз машиналарни, сервислар, галантерея, тамаки, кондитер маҳсулотлари, сабзавот ва мева консервалари ва бошқ.) олади.

Ўзбекистон экспортининг 15% и ривожланаётган мамлакатларга тұғри келади. Уларға күпроқ қишлоқ хұжалик машиналари, насослар, трактор, ариқ қазийдиган машиналар, экскаватор, тұқымачилик станоклари, электротехника, радиотехника маҳсулотлари, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари экспорт қилинади. Улардан эса тропик ва субтропик мевалар, чой, қора мурч, енгил саноат маҳсулотлари олади.

Ўзбекистоннинг капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаси йил сайин кенгаймоқда. Ҳозир республика экспортининг 20% дан ортиғи капиталистик мамлакатларға тұғри келади.

Ўзбекистон капиталистик мамлакатларға тұқымачилик машиналари, (АҚШ, Англия, Япония, Франция, Италия, Бельгия ва бошқ.), металларни совуқ пайвандлаш машиналари (ГФР, Япония, Англия, Франция, Италия, Нидерландия, Швеция, Финляндия, Австралия ва бошқ.), электротехника буюмлари (Англия, Франция, Италия, Финляндия, Греция ва бошқ.), экскаваторлар (Франция, Бельгия, Греция ва бошқ.), пахта териш машиналари, дизеллар (Испания, Греция), кабеллар (Япония, Финляндия ва бошқ.), киноаппаратлар (Англия, Япония, Греция ва бошқ.), гербицидлар (Япония, ГФР, Италия, Известия ва бошқ.), уруғлук чигит, пилла, ип ва табиий ипак газламалар, пахта мойи, дори-дармон, мева консервалари ва бошқалар чиқаради.

Ўзбекистон үз навбатида капиталистик мамлакатлардан ҳар хил асбоб-ускуналар, машиналар, радиотоварлар, тайёр кийимлар, пойабзал, газлама, озиқ-овқат моллари ва бошқалар олади.

Ўзбекистон ҳозир дунёдаги 120 дан ортиқ давлатлар билан маданий ва иқтисодий алоқа қылмоқда, халқаро ярмарка ва күргазмаларда актив қатнашмоқда.

Савол ва топшириқлар. 1. Ўзбекистон юк оборотида қайси транспорт тури етакчи үринни әгаллайди? Контур картага Совет қоқимиюти йилларида қурилған темир йұлларни туширинг. 2. Нима учун ички (областлараро) иқтисодий алоқада автотранспорттің ролі катта? 3. Контур картага Ўзбекистондаги әңг муҳим автомагистралларни тушириб, билиб олинг. 4. Нима сабабдан Тошкент шарқнинг ҳава йұллари дарвозаси деб аталади? 5. Нима учун Ўзбекистонда сұнгғи йилларда құвур транспорти тез ривожланмоқда? 6. Ўзбекистон халқ хужалигыда электрон транспортининг аҳамияти нималардан иборат? 7. Дүнө контур картасыда Ўзбекистон билан иқтисодий алоқа қыладыған давлатларни стрелкада күрсатыб, экспорт ва импорт қилинадыған маҳсулотларни әзіб қўйинг. 8. СССР контур картасыга Ўзбекистондан Иттифоқимизнинг бошқа республикалари ва областларига чиқарыладыған ва улардан оладыған маҳсулотларни стрелкада күрсатинг.

ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

- Шубаев Л. П. Умумий Ер билими, Тошкент, 1975.
- Юриев М. В., Хисомов А. В., Баратов П. Б., Набиходонов М., Югай Л. Р. Узбекистон ССР табиий географияси, иккинчи нашри, Тошкент, 1981.
- Баратов П. Урта Осиё дарёлари ва уларнинг халқ хужалигидаги аҳамияти, Тошкент, 1967.
- Шульц В. Л., Машрапов Р. Урта Осиё гидрографияси. Тошкент, 1969.
- Калесник С. В. Общие географические закономерности земли. М., 1970.
- Мильков Ф. Н. Природные зоны СССР. М., 1964.
- Вернадский В. И. Биосфера. М., 1967.
- Богданов О. П. Животные Узбекистана. Ташкент, 1961.
- Митрюшкин К. П. Человек и природа. М., 1977.
- Арманд Д. Нам и внукам. М., 1966.
- Верзилин Н. Н., Верзилин Н. Н., Верзилин М. Н. Биосфера, ее настоящее, прошлое и будущее. М., 1976.
- Орлов В. И. Основы динамической географии. М., 1969.
- Строев К. Ф. Краеведение. М., 1967.
- Апродов В. А. Вулканы. М., 1982.
- Владавлии В. И. Вулканы земли. М., 1973.
- Якушова А. Ф., Хайн В. Е., Славин В. И. Общая геология. М., 1988.
- Войткевич Г. В. Геологическая хронология земли — М., 1984.
- Рудник В. А., Соботович Э. В. Ранняя история земли — Л., 1984.
- Леонин А. С. История земли — Л., 1977.
- Никонов А. А. Землетрясения. Прошлое, современность, прогноз — М., 1982.
- Ушаков С. А., Ясаманов Н. А. Дрейф материков и климаты Земли — М., 1984.
- Унксов В. А. Тектоника плит — Л., 1981.
- Толстой М. П. Человек — преобразователь природы — М., 1984.
- Григорьев Ал. А., Коидратьев К. Я. Космическое землеведение. М., 1985.
- Слевич С. Б.— Океан: ресурсы и хозяйство — Л., 1988.
- Севастьянов В. И., Урсул А. Д., Школенко Ю. А. Освоение космоса и экологическая проблема. В сб. Общество и природная среда — М., 1980.
- Покровский А. Земля: взгляд с неба, М., 1988.
- Асомов М., Мирзалиев Т. Топография асослари ва картография. Тошкент, 1985.
- Меньчуков А. Е. Сокровища земли надежную охрану — М., 1977.
- Новиков Ю. В., Сайфутдинов М. М. Вода и жизнь на земле — М., 1981.

- Орол мадад сўрайди. Тошкент, 1987.
- Марков К. К., Добродеев О. П., Симонов Ю. Г., Сусто-
ва И. А. Введение в физическую географию. М., 1973.
- Никитин Д. П., Новиков Ю. В. Окружающая Среда и человек.
М., 1986.
- Звонкова Т. В. Географическое прогнозирование. М., 1987.
- Фуломов П. Н. География ва табиатдан фойдаланиш. Тошкент, 1985.
- Второв П. П., Дроздов Н. Н. Рассказы о биосфере. М., 1981.
- Маров М. Я. Планеты солнечной системы. М., 1986.
- Геренчук К. И., Боков В. А., Черванев И. Г. Общее земле-
ведение. М., 1984.
- Баратов П., Югай Р. Л., Расулов М. Ф., Пардаев Г. Табиатни
муҳофаза қилиш ва ўзгариш. Тошкент, 1980.
- Баратов П., Холматов К. Ўрта Осиё дарёларининг хўжалик
аҳамияти, Тошкент, 1981.
- Ўзбекская ССР. Ташкент, 1981.
- Асанов Г. Р., Набиходонов М. Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва со-
циал географияси, Тошкент, 1984.

МУНДАРИЖА

Автордан	3
Қайта ишланган ва түлдирилган иккинчи нашрига сүз боши	4
<i>I боб</i>	5
Кириш	5
<i>II боб</i>	13
Ер ва космос	15
Күёш системасы	34
Күёш ва Ой, уларининг географик қобиқдаги табиий жараёнларга таъсари	39
Космик ахборстларнинг аҳамияти	39
<i>III боб</i>	42
Планета сифатида ернинг умумий характеристикаси	42
Ер шарининг ҳароқати	47
<i>IV боб</i>	59
Жойда ориентирлаш. План ва карта	59
<i>V боб</i>	78
Ернинг ички тузилиши. Ернинг физик хоссалари	78
Ернинг ёши ва геологик саналар	87
<i>VI боб</i>	91
Ер юзасининг рельефи. Рельеф ҳосил қилувчи асосий процесслар	91
Ер юзини ўзgartирувчи ички кучлар	92
Ер юзасини ўзgartирувчи ташқи кучлар	102
Ер юзасидаги энг муҳим жинслар	106
СССРнинг қазилма бойлуклари	109
Ер юзаси рельефининг шакллари	118
Материкларнинг жойлашиши ва вужудга келиши	121
Куруқликнинг горизонтал ва вертикал ўзгариши	127
<i>VII боб</i>	133
Гидросфера	133
Дунё океани	135
Куруқликдаги сув	146
<i>VIII боб</i>	167
Атмосфера	167
Шамоллар	179

Атмосферадаги сув ва унинг режими	186
О-ҳаво ва иқлим	193
<i>IX боб</i>	203
Биссфера	203
СССРнинг табиий географик зоналари	
<i>X боб</i>	245
Инсон ва географик мұхит	245
Ер шарыда одамнинг вүзудга келніши. Ирқлар ва уларнинг тенглиги	245
Кишилік жамияти тараққиетінде географик мұхиттің ролі	249
СССРда табиатни мұхофаза қилиш ва узгартыш	252
<i>XI боб</i>	258
Үлкәшүнөслик	258
Ўзбекистон ССРнинг географик характеристикасы	259
Ўзбекистон ССР аҳолиси ва мәданияти	304
Ўзбекистон ССР саноати	316
Қишлоқ хұжалиғи	326
Ўзбекистоннинг алоқа йүллары ва алоқа воситалари	335
Фойдаланылған адабмәгілар рўйхати	340

Баратов П.

Ер билими ва улкашунослик: Пед. ин-тла
рининг пед. ва бошлангич таълим методи
каси фах. студ. учун дарслик (Махсус мух
Ф. Ҳикматов).— Т.: Ўқитувчи, 1990.—344

Баратов П. Землеведение и краеведение: Учебник
для студ. фах. пед. и метод. начального обучения пед
ин-тов.

ББК 26.82я73+26.891я73

На узбекском языке

ПАТТАХ БАРАТОВ

ЗЕМЛЕВЕДЕНИЕ И КРАЕВЕДЕНИЕ

*Учебник для студентов факультетов педагогики и методики начального
обучения педагогических институтов*

Ташкент «Ўқитувчи» 1990

Нашриёт муҳаррири *P. Мирхолиқов*

Бадиий муҳаррир *A. Шмаков*

Техник муҳаррир *T. Скиба*

Мусаҳҳиҳ З. Содикова

ИБ № 4960

Теришга берилди 25.01.89. Босишига руҳсат этилди 20.XI.90. Формати 60×90/16. Тип
когози № 2. Литературная гарн. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди.
Шартли б. л. 21,5. Шартли кр.-отт. 21,81. Нашр. л. 20,85. Тиражи 5000. Заказ № 2204
Баҳоси 1 с. 10 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 7-301-88.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб циқариш бир
лашмасининг Баш корхонаси. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. 1990.

Головное предприятие ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по печати.
Ташкент, ул. Навои, 30.

—

—

—

—

—

—

—

—

—